

26.89(0)  
№ 39

# ЖАХОН МАМЛАКАТЛАРИ



БВР

12


26.89(0)  
2039

# ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ

(МАЪЛУМОТНОМА)

Қайта ишланган ва тўлдирилган тўртинчи нашри

266373



TOSHKENT - «O'ZBEKISTON» -

QIROQATXONA

2013 FARG'OD" MA  
KUTUBXONASI

УЎК: 94(100)

КБК 26.8я2

Ж39

### ТУЗУВЧИЛАР:

Шуҳрат ЭРГАШЕВ, Тўлкин БОБОМАТОВ, Нодир ТУРСУНОВ

Масъул мухаррир:

тарих фанлари доктори, профессор Р. ФАРМОНОВ

### Такризчилар:

тарих фанлари номзоди, доцент У. ТҮЙЧИЕВ

география фанлари номзоди, доцент [F. ПАРДАЕВ]

Жаҳон мамлакатлари. Маълумотнома / тузувчилар: Шуҳрат Эргашев,  
Ж39 Тўлкин Бобоматов, Нодир Турсунов; масъул мухаррир Р. Фармонов. –  
Қайта ишланган ва тўлдирилган 4-нашр. – Toshkent: O'zbekiston, 2012. –  
320 б.

1. Эргашев Шуҳрат /тузувчи/

ISBN 978-9943-01-893-8

УЎК: 94(100)

КБК 26.8я2

### Илчий-оимабон нашр

### ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ. МАЪЛУМОТНОМА

Мухаррир И. Аҳмадов

Рассом А. Якубжанов

Кичик мухаррир Д. Ҳалиматова

Компьютерда саҳифаловчи Ф. Тугушев

Бадиий мухаррир Д. Мудлажонов

Техник мухаррир Т. Харитонова

Мусаххих С. Салоҳутдинова

Нашириёт лицензиаси АІ № 158, 14.08.09. Босилига 2013 йил 17 сентябрда рухсат этилди.

Офсет кагози. Бичини 70×90<sup>1/16</sup> «Times» гарнитурасида оффсет усулда босилди.

Шартли босма табоги 23.4. Нашр табоги 23.37. Адали 3000 нусха. Буюртма № 13-17.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O'zbekiston» нашириёт-матбаа  
ижодий уйи. 100129, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)

ISBN 978-9943-01-893-8

© Тузувчилар:

Ш. Эргашев, Т. Бобоматов, Н. Турсунов, 2009

Қайта ишланган ва тўлдирилган 4-нашри

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2013

*Дунё мамлакатларини билиш –  
инсон ақд-заковатининг манбаси ва кўркидир.*

Леонардо да ВИНЧИ

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан буён ўтган вакт ичигда жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига, дунё сиёсати майдонида ўз мустакил овозига эга бўлган давлат сифатида тан олинди. Республикамиз Президенти И. Каримов олиб бораётган окилона ташки сиёсат туфайли юртдошларимиз жаҳон мамлакатлари бўйлаб эркин сафар килиш имкониятига эга бўлдилар.

«Жаҳон мамлакатлари» деб аталган ушбу маълумотномада дунёнинг 222 та мамлакати тўғрисида маълумотлар тўплланган. Ҳар бир мамлакат тўғрисидаги маълумотлар унинг расмий номи, пойтахти, худуди, ахолиси, тили, дини, пул бирлиги кабилар билан бошланади. Географик жойлашуви ва табиати, давлат тузилиши, сиёсий партиялари, иктисади, транспорт коммуникациялари тарихига кенгроқ ўрин берилган. Мамлакатлар ҳакидаги факат расмий, сиёсий маълумотлар билан чекланиб колмасдан, балки ўқувчи учун қизиқарли маълумотларни ҳам беришга ҳаракат килинди. Айниқса, мамлакатлар табнати ва тарихини ёритища бунга катта эътибор берилган.

Хозир адабиётларда кенг кўлланадиган қисқартма сўзлар бу ерда ҳам шундай ишлатилган. Масалан, МДҲ – Мустакил Давлатлар Ҳамдустлиги, АҚШ – Америка Кўшма Штатлари, ЕИ – Европа Иттифоқи, м. а. – милоддан аввалги, м – метр, км – километр кабилар. Бу сўзлар муомалада кенг кўлланганлиги сабабли уларга алоҳида изоҳ бериш лозим топилмади.

Барча давлатлар ҳакидаги маълумотлар бир хил тузилишга эга, бироқ айрим йирик давлатлар (масалан, Россия, АҚШ, Хитой)га кенгроқ ўрин берилган. Китобда мустакил давлатлар билан бир каторда «денгизорти департаменти», «денгизорти худуди», «мұлқи» макомига эга мамлакатлар тўғрисида ҳам маълумотлар жамланган.

Маълумотнома умумтаълим мактабларининг ўқувчилари, академик лицей, касб-хунар колледжлари ва олий ўқув юртларининг талабалари ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

## ЎЗБЕКИСТОН

*Расмий номи – Ўзбекистон Республикаси. Пойтахти – Тошкент. Ҳудуди – 447 400 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 30 500 000 киши (2013). Давлат тили – ўзбек. Сиги-нунчиларнинг асосий қисми ислом динига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – сўм.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Марказий Осиёдаги давлат. Шимол ва гарбда – Қозогистон (чегара узунлиги – 2203 км), жанубда – Туркманистон (1621 км) ва Афғонистон (137 км), жануби-шарқда – Тожикистон (1161 км), шарқда – Киргизистон (1099 км) билан чегарадош. Куруқликдаги чегаралари узунлиги – 6221 км. Ўзбекистон рельефига кўра текислик ва адир-тоғ кисмларга бўлинади. Ҳудуднинг 4/5 кисмини текисликлар, аксарият кисмини Турон пасттексилиги иштол қилган. Ўзбекистоннинг шимоли-гарбидаги Устюрт платоси, марказий кисмининг шарқида Кизилкум сахроси жойлашган. Турон пасттексилиги шарқка томон давом этиб, тоғлар орасига кириб борган: шимолда – Мирзачўл, ўрта кисмida – Карноб ва Карши чўллари жойлашган. Бу чўллар бора-бора тоғолди кия текисликларига кўшилиб кетади. Фарғона, Оҳангарон водийлари, Санѓзор-Нурота, Самарқанд, Каашкадарё ва Сурхондарё воҳалари тоғлар орасида жойлашган текисликлардир. Ўзбекистон ҳудудидаги тоғлар Тянь-Шань ва Ҳисор-Олой тоғтозмаларига киради. Тизмаларнинг баландлиги 4000 м дан зиёд. Ҳисор тогининг Қолдирга тизмасида жойлашган чўкки (4683 м) Ўзбекистоннинг энг баланд нуктасидир. Йирик дарёлари: Амударё, Сирдарё, Норин, Корадарё, Сўх, Чирчик, Зарафшон, Ангрен, Сурхондарё, Каашкадарё, Шерободдарё. Йирик кўллари: Орол денизи (глобаль экологик муммоя), Айдаркўл. Табиий газ, нефть, кўнгир кўмир, тошкўмир, олтин, кумуш, мис, қалайи, молибден, марганец, хром, вольфрам, висмут, уран, флюорит, гранит, мармар, оҳактош, каолин, топаз, феруза, аметист, тоғ хрустали, халицедон, яшма, нефрит, амазонит, родонит, мармар оникси Ўзбекистон казилма бойликларини ташкил этади.

Иклими – иссик, куруқ, континентал. Жануби субтропик минтакага киради. Ўзбекистон ҳудудида 120 онлага кирадиган 3700 га яқин турдаги ёввойи ўсимликлар учрайди. Чўллarda жузгун, саксовул, илоҳ, күёнсуяқ, черкеz, кумарчик, биоргун, шувок, туюлайпок, колган ҳудудларда тоголча, ёнгок,

писта, арча, заранг, дўлана, тол, терак, омонқора, сувқалампир, баргизуб, зира, кизилпойча, зирк, гумой, кийнкўт ва бошқа ўсимликлар ўсади. Юмронқозик, кумсичкон, кўшоёқ, бури, тулки, жайрон, сайғок, бўрсик, тўнғиз, морхўр, архар, айик, илвирс, чиябўри, сутур, сассиккўзан, бир неча турдаги илон, калтакесак, заҳарлни ҳашаротлар, бургут, кора тасқара, болтаютар, кирғовул, каклик, бедана ва бошқа күшлар ҳайвонот оламини ташкил этади.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – унитар республика. Мамлакат таркибига Қоракалпогистон Республикаси ва 12 вилоят<sup>1</sup> киради. Ўзбекистон ўз мустакиллигини 1991 йил 31 августда эълон қилган. Миллий байрами – 1 сентябрь (Мустакиллик куни). Ижро этувчи хокимият – Президент (давлат бошлиғи) ва Вазирлар Маҳкамасини бошқарадиган бош вазирга тегишили. Қонун чиқарувчи хокимият Сенат (юқори палата) ва Қонунчиллик палатаси (куйи палата)дан иборат икки палатали парламент – Олий Мажлисга тегишили. Сиёсий партиялари: Ўзбекистон ҳалқ демократик партияси (ХДП, 1991), «Адолат» социал-демократик партияси (1995), «Миллий тикланиш» демократик партияси (1995), Ўзбекистон либерал-демократик партияси (ЎзЛиДП, 2003), «Ўзбекистон экологик ҳаракати» жамоатчилик бирлашмаси (2008).

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Мустакиллик йилларида ҳукумат томонидан олиб борилётган иқтисодий сиёсат бозор ислоҳотларини чукурлаштириш, ҳусусийлаштириш ва тадбиркорликни кенгайтириш, молиявий ва макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, миллий валютани мустахкамлашга каратилган. Чет эл инвестициялари кириб келишига имкониятларнинг яратилиши ишлаб чиқаришининг тараккий этишига туртки бўлди. Саноатнинг ривожланган тармоклари: рангли металлургия, тўқимачилик, ёнилги, кимё, озик-овқат, курилиш, машинасозлик, автомобилсозлик, самолётсозлик. Пахта, бугдой, шоли, турли мева ва сабзавотлар, полиз маҳсулотлари етиштирилади. Чорвачилик ривожланган. Пахта ва итак толаси ҳамда улардан тайёрланган маҳсулотлар, табиий газ, рангли металлар, кимё ва нефть кимёси маҳсулотлари, автомобиль, мева ва сабзавотлар, коракўл терилари экспорт килинади. 2012 йилда ЯИМ миқдори 87026 млн (ахоли жон бошига – 3022) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: МДҲ давлатлари, Германия, Япония, ХХР, Жанубий Корея.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 4000 кмга яқин, автомобиль йўллари – 183 000 км дан ошик.

*Тарихи.* Ҳозирги Ўзбекистон худудида м. а. I минг йилликдаёқ дастлабки кулдорлик давлатлар – Хоразм, Бактрия, Суғд вужудга келади. М. а. VI асрда аҳамонийлар Ўрта Осиёнинг кўп худудларида, маҳаллий ахолининг қаршилигига қарамай (Широк, Тўмарис), ўз хокимиятини ўрнатди. М. а. 329–327 йилларда

<sup>1</sup> Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарканд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё.

Александр Македонский бу худудларни ўз империяси таркибига күшиб олади. Махадлий ахолининг босқинчиларга карши энг йирик кўзғолонига сутд лашкар-бошиси Спитамен бошчилик килади. Александрнинг вафотидан сўнг хозирги Ўзбекистон худудлари Салавкийлар давлати таркибига киради. М. а. 250 йилда Грек-Бактрия подшолиги ташкил топади. М. а. II асрда Қанг, Парфия, Фаргона давлатлари вужудга келади. Грек-Бактрия подшолиги тоҳарлар томонидан тор-мор этилгандан сўнг Тоҳарлар давлати ташкил топади. II–IV асрларда Ўрта Осиё, Афғонистон, Шимолий Хиндистон худудларида Кушон подшолиги мав-жуд бўлган. У асрда Эфтальитлар давлати, VI асрнинг ўрталарида Турк хоконлиги ташкил топади. VIII асрда Ўрта Осиё Араб халифалиги томонидан забт этила-ди. Ўрта Осиё ҳалклари араб ҳукмронлигига карши муттасил кураш олиб боради (Гурак, Диваштич, Шарик, Муқанна, Рофеъ ибн Лайс кўзғолонлари). На-тижада IX асрнинг охириларидан сомонийлар Ўрта Осиё худудларини мустакил бошкаради. X аср охири – XI асрларда Ўрта Осиёда Қорахонийлар, Газнавийлар, Салжуйийлар давлатлари мавжуд бўлган. XII асрда Ҳоразмшоҳлар давлати юксалади. IX–XII асрларда Ўрта Осиёда илм-фан тараккиёти юксак даражага кўтарилади. Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Махмуд аз-Замахшарий, Ахмад Фаргоний, Абу Наср Форобий каби комусий олимлар, Нажмиддин Кубро, Абдухолик Ғиждувоний, Имом ал-Бухорий, Ахмад Яссавий каби тасаввуф намояндлари етишиб чиқди. 1218–1221 йилларда махаллий ахолининг каттик каршилигига қарамай (Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик), мўтуллар Ўрта Осиёни босиб олади. 1238 йили Бухорода мўгуллар истибодига карши Махмуд Таробий бошчилигидаги йирик ҳалқ кўзғолони бўлиб ўтади. 1370 йилда Амир Темур Самаркандда ҳокимиятни кўлга киритиб, йирик марказлашган давлатта асос солди. 35 йиллик ҳукмронлиги даврида Темур катта худудларни забт этиб, ул-кан империяга асос солади. Амир Темур вафотидан сўнг (1405) Мовароунахрда темурийлар ўртасида таҳт учун кураш кечади. 1409 йили Самарканд таҳтига Мирзо Улуғбек ўтиради. Темурийлар Мовароунахрда XVI асргача ҳукмронлик килишади. Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида Мовароунахрда ҳунармандчиллик, меъморчиллик ва адабиёт равнақ топди, илм-фан юксалди, савдо ривожланди. 1500 йили Дағти Кипчокдан кўчманич ўзбеклар хони Мухаммад Шайбонийхон Самаркандга хужум килади. Унга карши Самарканд таҳти учун Захириддин Бобур кураш олиб боради. Бир неча самараасиз урининшлардан сўнг Бобур Афғонистонга кетишга мажбур бўлади ва 1525 йили Ҳиндистонга юриш юютириб, у ерда Бобурийлар империясига асос солади. XVI асрда Ўрта Осиё ёдда иккита хонлик – Бухоро хонлиги ва Хива хонлиги вужудга келади. Шайбонийлардан Абдуллаҳон II (1534–1598) узоқ урушлардан сўнг парчаланиб кетган Мовароунахрни бирлаштириди. 1599 йили Мовароунахрда ҳокимият аштархонийлар (1599–1753) сулоласига ўтади. 1740 йили Эрон шохи Нодиршоҳ Бухорони зглавлайди ва Бухоро етти йил Эронга тобе бўлади. 1753 йили Бухорода ҳокимият

мангитлар сулоласининг биринчи амири Мухаммад Раҳим қўлига ўтади. XVIII аср бошларида Кўкон хонлиги ташкил топади. XIX асрнинг 40–50-йилларидан Россия Туркистон ерларига бостириб кела бошлайди. 1867 йили Туркистон генерал-губернаторлиги тузилади. 1868, 1873 йиллардаги шартномаларга биноан Бухоро хонлиги, 1873 йили Хива хонлиги ҳам Россия империясининг вассалига айлантирилади. 1876 йили Кўкон хонлиги Россия империясига қўшиб олинади. 1917 йилги октябрь тўнтишидан сўнг Кўкон мухторияти ташкил топади, лекин большевиклар томонидан қурол кучи билан тутатилади (1918). Ўтган аср 30-йилларининг бошларигача Ўзбекистоннинг бошка худудларида ҳам большевикларга карши кескин қуролли харакатлар амалга оширилди. 1924 йил 27 октябрда бўлган Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети 2-сессияси Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказиш ва янги республикалар ҳамда автоном областлар ташкил этиш тўғрисида қарор кабул килди. Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари ўрнида Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР, Тожикистон АССР (Ўзбекистон ССР таркибида), Коракирғиз (Қирғиз) вилояти (РСФСР таркибида) ва Коракалпок АО (Қозогистон АССР таркибида) ташкил этилди. 1925 йил 13–17 февралда Бухорода бўлган Ўзбекистон ССР Советларининг 1-курултойида «Ўзбекистон ССРни ташкил этиш тўғрисида декларация» қабул килинди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек ҳалқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси бекиёсdir. Индустрлаштириш ва колективлаштириш, катагонлар, коммунистик мағкурани оммага сингдириш сиёсати, маъмурӣ-буйруқбозлик тизимининг ўрнатилиши ва х.к. ларга қарамай Ўзбекистонда кўплаб саноат корхоналари курилди ва кўчириб келинди, аграр сектор ривож топди, илм-фан ва маданият соҳасида сезиларни ютукларга эришилди. 1991 йили 31 августда Ўзбекистон ўз мустакиллигини эълон килди. 2007 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган сайловларда мамлакатнинг амалдаги Президенти И. Каримов 89 фойз овоз билан қайта сайланди.

## АВСТРАЛИЯ

*Расмий номи – Австралия Иттилоғои. Пойтахти – Канберра. Ҳудуди – 7682300 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 23 622 000 киши (2013). Давлат тили – инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг англикан (26%), католик (26%), протестант (20%), православ (4%) мазҳабларига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – австралия доллари.*

*Географик жойлашуви ва табииати. Бу давлат Австралия материги, Тасмания ва унинг ёнидаги майда оролларда, ернинг Жанубий яримшарида жойлашган. Шимолда – Тимор, Арафур денгизлари ва Торрес бўғози, жанубда – Босс бўғози ва Ҳинд океани, шарқда – Маржон денгизи, гарбда – Ҳинд океани би-*

лан туташиб кеттган. Австралия сатхи асосан текисликлардан иборат, баланд тог массивлари йўқ. Мамлакат шарқида, шимолдаги Кейп-Йоркдан жанубдаги Босс бўғози ва Тасмания оролида давом этган узуммий узуунлиги 3300 км бўлган Катта сув айнурчи тизма жойлашган. Тизма Нью-Ингленд ясситоғи, Мовий ва Австралия тоғларидан ташкил топган. Мамлакатнинг энг юкори нуқтаси Кошибуюшко (2228 м) тоги.

Иклими – субэкваториал, тропик ва субтропик. Ўсимлик дунёси бой – 20 000 дан ортиқ ўсимлик турлари мавжуд. Мамлакат шимоли асосан тропик ўрмонлар билан копланган. Жанубда Австралия худудининг ўзида 500 турдан ортиқ акациялар ўсади. Ҳайвонот дунёси ҳам бой бўлиб, бу ерда үрдакбурун, кенгуру, ҳалтали ҳайвонларнинг бошқа турларини, денгизларда акула, денгиз илони, медузаларни учратиш мумкин.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – федератив давлат. Давлат бошлиги – Буюк Британия кироли (кироличаси), генерал-губернатор унинг вакили хисобланади. Ижро этувчи ҳокимиятни генерал-губернатор ва бош вазир раҳбарлигидаги ҳукумат амалга оширади. Қонун чикарувчи ҳокимият – иккι палатали федерал парламент (Сенат, Вакиллар палатаси). Федерация 6 штатдан иборат: Жанубий Австралия, Фарбий Австралия, Янги Жанубий Уэлс, Виктория, Квинсленд, Тасмания ҳамда Шимолий худудлар ва Австралия пойтахти федерал ҳудуди. Сиёсий партиялари: Австралия миллий партияси, Австралия лейбористлар партияси, Австралия либерал партияси, Австралия демократлар партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Австралия бозор иқтисоди юкори даражада ривожланган индустрнал-аграр мамлакат. Саноатнинг ривожланган соҳалари: машинасозлик, тоб-кон, кимё саноати, озиқ-овкат, пўлат куйиш. Қишлоқ ҳўжалиги асосан экспортга иктисолашшган. Чорвачилик ривожланган. 2012 йил ЯИМ миқдори – 1 541 797 млн (ахоли жон бошига – 54 869) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Хитой, Япония, Миср, Индонезия, МДҲ мамлакатлари.

*Тарихи.* Австралия аборигенларининг аждодлари бу китъага 40 000 йил мукаддам кўчib келгандар. Австралия худудида европаликлар келгунига кадар чорвачилик, дехкончилик ва темир нималигини билмаган абориген қабилалари истикомат қилишарди. Уларнинг асосий машгулоти термачилик ва овчиликдан иборат зди. XVIII аср охиirlарида мамлакат худудида 300 000 абориген яшаган. 1606 йили Торрес экспедицияси янги китъа – Австралияни кашф этди. Янти Гвинея ва Австралия оралигидаги бўғоз Торрес бўғози деб атала бошлади. Янги китъани ўзлаштириш учун иқтисодий имкониятга эга бўлмаган Испания ҳукумати Торрес кашфиётини қарийб 100 йил сир сақлаб келди. 1642 йилда яна бир голланд денгизчиси А. Тасман мамлакатнинг шимолий киргоклари ва Тасман оролини ўрганиб чиқди. 1770 йилда инглиз капитани Ж. Кук Австралия-

нинг шарқий кирғокларига келиб тушди ва қитъани Британия мулки деб эълон килди. XVIII аср охирида Австралияда биринчи инглиз манзилгоҳи – Сидней шаҳрига асос солинди. Англия Австралия ҳудудидан маҳбусларни сургун килиш жойи сифатида фойдаланди. 1901 йилнинг 1 январида Англиядан доминион макомини олган Австралия Иттифоки ташкил топди. Биринчи жаҳон уруши даврида Австралия кўшинлари Франция ва Якин Шарқда олиб борилган ҳарбий ҳаракатларда иштирок этди. Урушдан сўнг Австралия Науру оролига эга бўлди. 1931 йилда Австралия Вестминстер статутига кўра ташкил ва ички сиёсатда тўла мустакилликни кўлга киритди. Австралия Иккинчи жаҳон уруши даврида анти-гитлерчилар иттифоки тарафида туриб жанг килди. 1967 йилда аборигенларга барча фуқаролик хукуклари берилди. 1999 йил ўтказилган референдумда 55% аҳоли Австралияни республикага айлантириш лойиҳасини рад этди.

## АВСТРИЯ

*Расмий номи – Австрия Республикаси. Пойтахти – Вена. Ҳудуди – 83 858 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 8 488 511 киши (2013). Давлат тили – немис. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик (86%) мазҳабига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – евро.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Австрия Марказий Европада жойлашган давлат бўлиб, жанубда – Италия (чегара узунлиги – 430 км) ва Словения (330 км), жануби-гарбда – Швейцария (164 км), гарбда – Германия (784 км) ва Лихтенштейн (35 км), шимолда – Чехия (362 км), шарқда – Венгрия (366 км), шимоли-шарқда – Словакия (91 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги – 2562 км. Мамлакат ҳудудининг 75%ини Шаркий Альп тоғлари ва тоғолди ҳудудлари эгаллаган. Энг баланд нуктаси – Гросглокнер тоғи (3797 м). Алп тоғлари шимолда Тироль ва Зальцбург Алъяларидан ҳамда жанубда Циллертал ва Карния Алъяларидан иборат. Ҳудуднинг колган кисмими Дунай дарёси яқинида жойлашган текисликлар ташкил этади.

Иклими – мўътадил-континентал. Австриянинг текислик қисмидаги иклим иссинк ва нам. Мамлакатнинг асосий сув ресурслари: Дунай дарёси ва Нейзидлер-Зе ҳамда Боден кўлларидир. Асосий фойдалари қазилмалари: темир рудаси, нефть, ёғоч, алюминий, кўргошин, мис, тошкўмир ва қўнгир кўмир.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* Австрия 9 федерал ҳудудларга бўлинган федератив республика. Федерал ҳудудлари: Бургенланд, Каринтия, Вена, Юкори Австрия, Куйи Австрия, Зальцбург, Штирия, Тироль, Форарльберг. Давлат бошлиги – федерал президент, ижро этувчи ҳокимият бошлиги – Вазирлар кенгаши раиси – федерал канцлер. Икки палатали парламент (Федерал йигин) – Федерал кенгаш ва Миллий кенгашдан ташкил топган. Сиёсий партиялари: Австрия социал-демократик партияси, Австрия ҳалқ партияси, Коммунистик партия, Яшил муқобиллик партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Австрия миллийлаштирилган саноат ва ижтимоий таъминотнинг кенг тизими ва ривожланган иқтисодга эга давлат. Саноат тармоқларидан куйидагилар ривожланган: металургия, машинасозлик, озик-овкат, тўқимачилик, тери-пойабзал, энергетика, целлюлоза-коғоз ишлаб чиқариш. Шу билан бир каторда туризм ва банк иши ҳам ривожланган. Қишлоқ хўжалигининг асосий ўйналишлари: озик-овкат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бошоқли маданий ўсимликлар, мевалар, картошка, қанд лавлаги етиштириш, чорвачилик ва парранда бокиши. 2012 йилда ЯИМ миқдори 391 469 млн (ахоли жон бошига – 47 083) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕИ мамлакатлари, Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари, Япония, АҚШ.

Автомобиль ва темир йўл транспорт коммуникацияларидан ташкари ички сув йўлларида кема катновлари кенг йўлга кўйилган.

*Тарихи.* 3000 йил мукаддам замонавий Австрия худудида иллирий кабилалари истикомат қишишган. М. а. V асрда кельт кабилалари бостириб кирди ва уларнинг иллирийлар билан ассимиляцияси юз берди. Ундан сўнг м. а. IV асрда мамлакат худудлари римликлар томонидан босиб олиниб, Рим провинциялари Греция ва Паннония таркибига кўшилди. VI–VII асрларда замонавий Австрия худудларига герман ва қисман славян кабилалари кириб кела бошлади. Шу даврда у Франклар давлати таркибига киради. 955 йилда Австрия худудида Шарқий марка (маркграфлик) ташкил этилди. 1156 йилда Генрих II мустакил Австрия герцоглигини ташкил этди. Австриядаги габсбурглар сулоласининг ҳукмронлиги бошланди. 1699 йилда Австрия (Австрия-Туркия урушидан сўнг) Венгрияning бир қисми, Трансильвания, Хорватия ва Словенияни ўз таркибига кўшиб олди. 1714 йилда австрияликлар учун галаба билан тугаган «Испан таҳти учун уруш»дан сўнг, Габсбурглар империяси таркибига жанубий Нидерландия ва шимолий Италиядаги ерлар кирди. XVIII аср охиirlари – XIX аср бошларида Австрия Францияга карши ҳарбий иттифоқларда иштирок эти. 1867 йилда Австрия империяси дуалистик монархия – Австро-Венгрия империясига айланди. 1914 йилнинг 28 июнинда Сараевода Австрия таҳти вориси эрцгерцог Фердинанднинг ўлдирилиши оқибатида Биринчи жаҳон уруши бошланди. 1918 йили урушда мағлубиятта учраган Австро-Венгрия империяси бир катор майда мустакил давлатларга бўлинниб кетди. 1918 йилнинг 12 ноябринда Австрия Республикаси ташкил тонганилиги эълон килинди. 1919 йилда Сен-Жермен тинчлик сулҳи замонавий Австрия четараларини белгилаб берди. 1938 йил март ойида немис кўшинлари Австрияни босиб олади ва унинг Германияга кўшилиши («каншилюс») рўй беради. Иккинчи жаҳон урушида Австрия герман рёйхининг бир қисми сифатида иштирок эти. 1945 йилда мамлакатта СССР, АҚШ, Англия ва Франция кўшинлари кириб келди. 1955 йилда Венада мустакил ва демократик Австрия давлатининг тикланиши тўғрисида Давлат шартномаси имзоланди. 1955 йил октябринда Австрия парламенти Австрияning доимий бетарафлиги тўғрисидаги конунни кабул килди. 1966 йилда Австрия ЕИга аззо бўлиб кирди.

## АЛБАНИЯ

*Расмий номи – Албания Республикаси. Пойтахти – Тирана. Худуди – 28 748 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 2 831 700 киши (2011). Давлат тили – албан. Сигинувчилар ислам дини (70%) ҳамда християн динининг православ (20%) ва католик (10%) мазҳабларига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – лек.*

*Географик жойлашуви ва табиати. Болкон яриморолининг гарбий кисмida, Жануби-Шаркй Европада жойлашган давлат. Шимол ва шимолигарбда – Сербия (чегара узунлиги – 112 км) ҳамда Черногория (172 км), шаркда – Македония (151 км), жануби-шарқ ва жанубда – Греция (282 км) билан чегарадош. Куруклиқдаги чегаралари узунлиги – 717 км. Гарбда – Адриатика денигизи, жануби-гарбда – Ион денигизига туташган. Кирғок буйининг ўрта кисмини текисликлар, худуднинг қолган кисмини Шимолий Албан Альплари, Кораби ва Томори тизмалари эгаллади. Энг юкори нуқтаси – 2753 м. Албанияда континентал – Ўрта Ер денигизи иккими хукм суради. Албания худудининг учдан бир кисмини ўрмонлар ва бутазорлар коплаган, тўртдан бир кисми эса тоб яловларидан иборат. Аҳоли кам яшайдиган жойларда бўри, чиябўри, кобон ва кирғок бўйларида тури кушларни учратиш мумкин.*

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши – парламентар республика. Маъмурий-худудий бўлиниши – 26 рети (вилоят). 1912 йилнинг 28 нояброда Туркия I Болкон урушida маглубиятта учрагандан сўнг, Албания Усмонийлар империясидан озод бўлиб, мустакиллигини эълон қилган. Миллий байрами 28 ноябрь – Мустакиллик куни. Бир палатали парламенти – Халк мажлиси. Энг нуфузли сиёсий партиялари: Албан социалистик партияси (АСП), Албания демократик партияси (ДП), Албан республикачилар партияси (РП), Инсон хукуклари учун иттифоқ (Омония).*

*Иқтисоди, транспорт ижтимоииятлари. 40 йилдан ортиқ вақт давомида мамлакат иқтисоди марказдан режалаштириш ва ишлаб чиқариш воситалари давлат мулки ҳисобланishi тамойилларига асосланганди. 1991 йилдаги сайловларда ғалаба қозонган янги демократик хукумат «шок терапияси» ва мамлакат иқтисодини тубдан ислоҳ килиш дастурини кабул қиласди. Саноатнинг асосий тармоқлари: тоб-кон, озиқ-овқат, енгил саноат, нефть, кимё, металлургия, гидроэнергетика. Қишлоқ хўжалиги ЯИМнинг 55% ини таъминлайди. 2013 йилда ЯИМ миқдори – 12 390 млн (аҳоли жон бошига – 3913) долларни ташкил этган. Асфальт, нефть ва нефть маҳсулотлари, металл ва металл рудаси, электр энергияси, мева ва сабзавотлар, тамаки экспортга чиқарилади. Мамлакатта машиналар, асбоб-ускуналар, темир ва пўлат маҳсулотлари, тўкимачилик, фармацевтика, кимсвий ўйтлар импорт килинади. Асосий савдо ҳамкорлари: Италия, Сербия, Македония, Хорватия, Словения, Босния-Герцеговина, Черногория, Германия, Чехия, Словакия.*

Темир йўллар курилиши суст ривожланган (543 км), автомобиль йўллари узунлиги – 18450 км. Асосий портлари: Дуррес, Саранда, Влерা.

*Тарихи.* М.а. VII асрда греклар хозирги Албания ҳудудида ўз колонияларини тузган. Албания Македония, Рим (м. а. II аср) ва Византия (IV аср) империялари таркибига кирган. IX асрда мамлакат Болгaria кироллiği, IX асрдан эса яна Византия таъсирида бўлган. 1425 йилдан Усмонийлар империясининг бир кисми хисобланган. Туркянинг I Болкон урушидаги маглубиятидан сўнг 1912 йилда Албания мустакилликка эришган. 1939 йили Албанияни фашистик Италия босиб олади. 1946 йили эса Албания Халқ Республикаси эълон килиниб, социалистик тузум ўрнатилади ва кўп йиллар Албания бошқалар учун ёпик мамлакатга айланади. 1976 йилда мамлакат Албания Халқ Социалистик Республикаси, 1991 йилнинг майида эса Албания Республикаси деб эълон килинади.

## АМЕРИКА КЎШМА ШТАТЛАРИ

*Расмий номи – Америка Кўшма Штатлари. Пойтахти – Вашингтон. Ҳудуди – 9 373 000 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 316 025 000 киши (2013). Расмий тили – инглиз, (испан, француз, немис, итальян, поляк, португал, араб, ҳинд тиллари ҳам кенг тарқалган). Сигинувчиларининг асосий қисми христиан динининг протестант (53%) ва католик (26%) мазҳабларига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – АҚШ доллари.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Шимолий Америкадаги давлат. Шимолда – Канада (чегара узунлиги – 8893 км, Шимолий Американинг шимолигарбида жойлашган Аляска штатининг Канада билан чегара узунлиги – 2477 км), жанубда – Мексика (3141 км) билан чегарадош. Куруклиқдаги чегаралари узунлиги – 12034 км. Мамлакат гарбда – Тинч океани, шаркда – Атлантика океани, жанубда – Мексика кўрғазни билан тулашиб кетган. Ундан ташкири, АҚШга Гавайи, Гуам, Виргин ороллари, Шаркий Самоа ҳамда Куба оролидаги Гуантанамо ҳарбий базаси карашлидир. Қирғоз бўйлаб чегара узунлиги – 19924 км. АҚШ майдон жихатидан дунёда Россия, Канада ва Хитойдан кейин тўртгичи ўринда туради. АҚШ тоглар ва беспён текисликлар мамлакати. Мамлакат рельефининг гарбий қисми тогли, шаркий қисми эса текисликлардан иборат. Мамлакат ҳудудининг деярли ярмини тоб тизмалари, тоб текисликлари ва Кордильера ясси тоглари эгаллаган. Бу тогларнинг юкори чўккиси – Уит (4419 м). Шаркда Алпалачи тогли ўлкаси жойлашган. Унинг баланд нуктаси – Миттчел (2037 м). Шимолий Американинг юкори нуктаси Мак-Киинли тоги (6199 м) Аляскада жойлашган. Китъянинг энг паст жойи Калифорниядаги Ўлим водийси (денгиз сатҳидан – 86 м пастда) хисобланади. Кордильера ва Аппалачи тоглари орасида Марказий ва Улуг кенг ички водийлари ҳамда Мексика

пасттекисликлари ястаныб ётиби. Асосий дарёлари: Миссисипи, Миссури, Огайо, Колорадо, Колумбия ва Юкон (ирмоклари билан бирга). Мамлакатнинг шимоли-шарқида Юкори Мичиган, Гурон, Эри, Онтарио кўлларидан иборат Буюк кўллар тизими мавжуд. Мамлакатда кўп сонли музликлар даври кўллари бор. Юта штатида жойлашган Катта Шўр кўл ҳам музликлар даврида вужудга келган. АҚШ куйидаги фойдали казилмалар захираларига эга: кўмир, табиий газ, нефть, олтин, уран, мис, кўргошин, темир, алюминий рудалари, фосфоритлар ҳамда ёғоч. Ҳайдаладиган ерлар бутун худуднинг 20%, ўрмонлар ва даштиликлар 29%, ўтлөк ва яйловлар 26%инни ташкил килади.

Иклими – кескин континентал. Ўсимлик дунёси жуда бой. Бу ерда иклим зоналарининг ўзгаришига караб флора ҳам ўзгариб боради. АҚШда моҳ ва лишайниклардан тортиб пальма ва секвойя дараҳтларигача мавжуд. Ҳайвонот олами ҳам турфа, у ҳам флора каби иклим зоналарининг ўзгаришига караб турланиб боради.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – федератив республика. Мамлакат таркибига 50 та штат<sup>1</sup> ва Колумбия округи киради. АҚШ га қарам худудлар: Бейкер ороли, Хоуленд ороли, Кингем-Риф, Шаркий Самоа, Гуам, Жарвис, Жонстон атолли (маржонли орол), Мидуэй, Навасса ороллари, Пальмира атолли, Пуэрто-Рико, Виргиния ороллари, Уэйн ороллари. АҚШ 1776 йилнинг 4 июлида мустакилликка эришибди (илгари Англия мустамлакаси). Миллий байрамлари: 4 июль – Мустакиллик куни, 22 февраль – Жорж Вашингтон тугилган кун, 11 ноябрь – Уруш қаҳрамонлари куни. Конунчилиги инглиз умумий ҳукуқига асосланган. Давлат ва ҳукумат бошлиги – президент. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Сенат ва Вакиллар палатасидан ташкил топган икки палатали парламент – Конгресс амалга оширади. АҚШда иккита асосий йирик партия мавжуд: Республикачилар ва Демократлар.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* АҚШ – илгор индустрисиал ва саноатнинг юкори диверсификациясига эга давлат бўлиб, нефть саноати (дунёда иккинчи ўринда), металлургия (алюминий, кўргошин, мис ишлаб чиқариш бўйича энг йирик давлат), машинасозлик, аэрокосмик, кимё, электроника, озиқовкат, ёғочни кайта ишлаш ва бошқа саноат соҳалари кенг ривожланган. 2012 йил ЯИМ миқдори – 15 684 750 млн (аҳоли жон бошига – 49 922) долларни ташкил этган. Қулай иклим шароити ва унумдор ерларнинг мавжудлиги туфайли

<sup>1</sup> Айдахо, Айова, Алабама, Аляска, Аризона, Арканзас, Виргиния, Вашингтон, Фарбий Виргиния, Висконсин, Вайоминг, Вермонт, Гавайи, Делавер, Жоржия, Иллинойс, Индиана, Калифорния, Колорадо, Коннектикут, Канзас, Кентукки, Луизиана, Мэн, Мериленд, Массачусетс, Мичиган, Миннесота, Миссисипи, Миссури, Монтана, Небраска, Невада, Нью-Гэмпшир, Нью-Жерси, Нью-Мексико, Нью-Йорк, Охайо, Оклахома, Орегон, Пенсильвания, Род-Айленд, Шимолий Каролина, Шимолий Дақота, Теннесси, Техас, Флорида, Жанубий Каролина, Жанубий Дақота, Юта.

кишлек хұжалиги яхши ривожланған. Чорвачилик махсулотлари ҳам түрға (дунёда гүшт махсулотларини ишлаб чыкаш бүйіча биринчи ўринда). Асосий кишлек хұжалик махсулотлари – маккажұхори, соя, жұхори (учаласини етиштириш бүйіча дунёда биринчи ўринда), бұғдой (учинчи ўринда), шакаркамыш (иккінчи ўринда), тамаки (иккінчи ўринда), пахта (учинчи ўринда). Шу билан бир каторда, АҚШ балық овлаш қажми бүйіча ҳам илгор мамлакатлардан бири хисобланади. Кишлек хұжалиги махсулотларининг катта қисмы бошка мамлакатларға экспорт килинади. Құшма Штаттар ташки савдо қажми бүйіча дунёда биринчи ўринда. Асосий савдо ҳамкорлари: Гарбий Еуропа мамлакатлари, Канада, Хитой, Япония, Россия.

Темир йүлларининг умумий узунлиги – 240 000 км. Дунёдаги энг замонавий автомобиль йүллари тармоғига зәғ бўлиб, умумий узунлиги – 6 365 590 км (улардан 88 641 км тез юришга мўлжалланған трассалар), сифати бүйіча ҳам олдинги ўринда. Ички сув йүлларининг умумий узунлиги – 41 009 км. Мамлакатнинг асосий портлари: Анкориж, Бостон, Гонолулу, Лонг-Бич, Лос-Анжелес, Майами, Норфолк, Янги Орлеан, Нью-Йорк, Портленд, Сан-Франциско, Хьюстон, Корпус-Кристи, Филадельфия.

**Тарихи.** Биринчи европаликлар хиндулар истикомат қылған ҳозирғи АҚШ худудига илк бор XVI асрда келишган. Шимолий Американинг мустамлакалаштирилиши оқибатида XVIII асрға келиб бу ерда учта таъсир зонаси таркиб топди: испанлар – Флорида, Техас ва Тинч океан соҳилларида, француздар – Буюк Кўллар ва Луизианада, инглизлар – Атлантика соҳиллари бўйларидаги худудларда. 1774 йилда 13 та британ мустамлакаси мустакиллик учун кураш бошлаб, 1776 йилнинг 4 июляда АҚШ ташкил топиши билан тугади. Ж. Вашингтон ва Б. Франклин томонидан тузилган демократик давлатнинг асосий таомониллари билан бирга штатларининг кенг ҳукуклари ҳамда кучли федерал ҳокимият таомониллари чамбарчас boglaniib кетган конституция 1787 йилнинг 17 сентяброда қабул килинди. XIX асрнинг биринчи ярмida АҚШ худудларининг кенгайтирилиши янги ерларни ҳарид килиш билан бирга (француздардан Луизианани, испанлардан Флоридани), ўзга давлатларининг колонияларини босиб олиш воситасида амалга оширилди. Янги срларни мустамлакага айлантириш маҳаллий киндуларни бўйсундириш йўли билан олиб борилди. Шимолий ва Жанубий штатлар ўртасида иктиносидій ва маданий қарама-каршиликлар 1781 йилда федерациядан ажраб чиқишини зылон киlgan 11 та Жанубий штатлар Конфедерациясининг ташкил этилишига олиб келди. Фуқаролар уруши бошида бир катор муваффакиятларни кўлга киритган жанубликлар охир-оқибат мағлубиятга учраб, Шимол галаба қозонди ва федерация саклаб колинди. 1867 йилда АҚШ Россиядан Аляскани ва Алеут оролларини сотиб одди. XIX аср охири – XX аср бошлирида Еуропа ва бошка китъалардан кўпшаб муҳожирлар кўчнб келиши оқибатида АҚШ иктиносиди курдатли давлатта айланди. Марказий Америка, Кариб ҳавzasи

мамлакатлари ва Тинч океанида ўз таъсир зоналарини фаоллик билан кенгайтириб борган АҚШ узок вактгача Европада бўлиб ўтаётган воқеаларга нисбатан бетарафликни саклаб келди. 1917 йилнинг 4 апрелида АҚШ Биринчи жаҳон урушига кўшилиб, уруш тугаганидан сўнг Сенат Версаль шартномаси карорларини кўллашдан бош тортди. Урушдан кейинги мамлакат иктиносидининг тез суръатлар билан ўсиши 1929 йилда Буюк депрессия – либерал иктиносидинг чукур инкиroz даври билан алмашинди. Инкиroz ишлаб чикаришнинг кискариши ва ишсизлар сонининг кескин кўпайишига олиб келди.

1941 йилнинг 7 декабрида япон самолётлари Пёрл-Харбордаги Америка харбий базасини бомбардимон қилишганидан сўнг, АҚШ Иккинчи жаҳон урушига кўшилди. АҚШ кўшинлари Японияга карши харбий ҳаракатларни бошлади. Бу тўкнашувларнинг асосий кисми Тинч океани худудлари ва дengizlарда содир бўлган. Техрон конференциясидан (1943) сўнг АҚШ Франциянинг Атлантика худудларига кўшин киритиб, Германияни тор-мор килишда иштирок этди. Японияга карши Тинч океан ороллари ва Жануби-Шарқий Осиёда муваффакияти харбий ҳаракатлар олиб бораётган АҚШ 1945 йилнинг 6 августида Япониянинг Хиросима, 9 авгуустда эса Нагасаки шаҳарларига атом бомбаларини ташлади. Урушдан сўнг АҚШ Фарбий Европа мамлакатлари иктиносидин тиклашга («Маршал режаси») ёрдам берди ва Европа ҳамда дунёнинг бошқа худудларидан коммунистик таъсирнинг ёйилишига каршилик («совуқ уруш») кўрсатиб келди. XX асрнинг 40-йиллар охири – 50-йилларнинг бошларида мамлакатда коммунистик партияга мойиллиқда гумон қилинган фукаролар АҚШ хукумати томонидан таъқиб остига олинди. Урушдан кейинги йилларда АҚШ тўғридан-тўғри ёки билвосита бир катор йирик ҳалкаро мажароларда иштирок этди (Карип инкирози, Вьетнам уруши, араб-исроил уруши). АҚШ кўшинларининг Вьетнамдаги урушда иштирок этишига карши бошланган пасифистлар («курушга карши») ҳаракати кора танли аҳолининг иркӣ сегрегацияга («камситилиш») карши курашининг бошланиш пайтига тўғри келди. Коратанлиларга ўз ҳақ-хукуклари учун курашининг тинч усууларини тарғиб килган Мартин Лютер Кинг 1968 йилнинг апрель ойида ўлдирилди, аммо унинг сиёсий фаолияти кора танлиларнинг Америка жамиятига интеграциялашувига сезиларли таъсир кўрсатди. XX асрнинг 70-йилларда АҚШда рўй берган асосий воқеалардан бири бу «Уотергейт мажароси» билан боғлиқ бўлган президент Никсоннинг истеъфога чикишидир. Ж. Картер президентлиги даврида АҚШ Хитой билан муносабатларини яхшилаб, Миср ва Исройл ўртасида сепарат тинчлик сулхининг имзоланишига кўмаклашди. Бирок АҚШнинг Техрондаги элчихонасидан гаровга олинганларни озод килиш операциясининг муваффакиятсизлик билан тугаши демократик партияниң сайловларда маглубиятга учраши ва мамлакат президенти этиб 1980 йили Р. Рейганнинг сайланишига олиб келди. Р. Рейган Совет Иттифоки хукумати билан бошлаган музокаралари, 1989 йилда президентлик лавозимида уни алмаштирган

Ж. Буш томонидан давом эттирилиб, куролланиш пойтасининг чекланишига ва «совук уруш»нинг тугашига олиб келди. Ташки сиёсатдаги мұваффакиятларига қарамасдан (Кувайтнинг Ирек күшинларидан озод килиниши), республикачилар 1992 йылғы сайловларда маглубиятта уради.

АҚШнинг янги президенти Билл Клинтон даврида мамлакатнинг ташки фаоллиги 1997 йилда Ироил ва Фаластинни Озод килиш ташкilotи (ФОҚТ) ўргасида тинчлик сұлханинг имзоланишида ўз аксини топиб, унга кўра Ироил Фаластиннинг автономияга бўлган хукукини тан олди. Шу билан бир каторда АҚШ Юgosлавия можаросида тинчлик муносабатларини ўрнатиш жараённада фаол иштирок этди. Бирок серб ва хорватлар ҳамда Босния инкиrozини четдан аралашувсиз ҳал килишга эришилган бўлса-да, Юgoslavиянинг Косово вилоятида яшовчи албанлар муаммосини ҳал этиш учун АҚШ ва унинг НАТО бўйича иттифоқчилари ҳарбий куч ишлатиши. Косоводаги инкиrozни тўхтатиш учун Юgoslavиянинг ҳарбий ва фуқаролик объектларининг бомбардимон килиниши дунёнинг кўпгина мамлакатларида зътиroz ҳамда каршиликни вужудга келтириди. 2001 йил 11 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳридаги Жаҳон савдо маркази ҳамда Пентагон биноларига террористлар хужуми уюштирилди. 2009 йилда АҚШнинг 44 президенти этиб мамлакат тарихида биринчи афро-америқалик Барак Ҳусайн Обама сайланди.

### АНГИЛИЯ (Ангилья, Ангуилла)

*Расмий нами – Буюк Британия мұлки Ангилья (Ангуилла). Пойтахти – Валли. Ҳудуди – 102 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 15 911 киши (2012). Давлат тили – инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динига зътиқод қиласи. Пул бирлиги – шарқий кариб доллари.*

*Географик жойлашуви ва табиати. Кариб деңгизидаги Ангилья (Ангуилла) ва Сомбреро ороллари ҳамда Кичик Антиль оролларининг шимолий кисмидә жойлашган давлат. Ангилья оқактошли ва маржон коялар билан ўралган паст ороллардан иборат.*

*Иклими – тропик пассатли ва иссик. Иккиламчи саванналар билан қопланган. Кемириувчилар ва күшларнинг бир канча турлари яшайди.*

*Давлат түзилishi ва сиёсий партиялари. Давлат түзилиши – Буюк Британия мұлки. 1982 йилда қабул қилинган конституция бўйича ҳудуд ўз ички бошкарувига эга. Губернатор Буюк Британия қироличаси томонидан тайинланади. Ҳукумат бош вазир томонидан бошкарилади. Маъмурӣ жиҳатдан бўлнимаган. Сиёсий партиялари: Ангилья бирлашган партияси, Ангилья ҳалқ Иттифоки.*

**Иқтисоди, транспорти коммуникациялари.** Иқтисодининг асосини денгиз овчилиги, чет эл туризми ташкил этади. Картошка, нұхат, маккажүори, жұхори етиштириллади. Құй, әчки, чүчка бокилади. Балик, денгиз кискичбакаси овланади. Четта кискичбака, туз, жун чиқарилади. 2010 йыл ЯИМ миқдори 175 млн (аҳоли жон бошига – 11 600) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлары – АҚШ, Тринидад ва Тобаго, Буюк Британия.

**Тарихи.** 1493 йылда Англия оролларига Х. Колумб экспедицияси келип тушған. Дастлабки аҳоли пунктларига 1631 йылда голландлар томонидан асос солинган. XVII асрда Англия инглизлар мустамлакасига айлантирилган. XVIII асрда Франция оролни икки марта босиб олишга уринган. 1882 йили Буюк Британия Англияни мустамлакалари Сент-Китс ва Невис оролларига маъмурый жиҳатдан бирлаштирилди. 1958–1962 йилларда бу ороллар Вест-Индия федерацияси таркибінде бўлди, 1967 йилда эса «Буюк Британияга қўшилган давлат» мақомини олди. Шу йили май ойида Англия Сент-Китс ва Невисдан ажралганинги эълон килди. 1969 йилнинг февралида Буюк Британиянинг тан олишини талаб килиб, бир томонлама тартибда ўзини мустакил республика деб эълон килди. 1976 йилда оролга кисман ўз-ўзини бошқариш хуқуки берилди. 1980 йилда инглиз парламенти қабул килган конунга биноан Англия Сент-Китс ва Невис оролларидан расман ажраб чиқди. Англия ва Британия Виргин ороллари 1981 йил 18 июня ташкил топган Кариб ҳавзаси давлатлари оиласи, Шаркий Кариб давлатлари ташкилотига аъзо бўлиб қўшилди.

## АНГОЛА

**Расмий номи – Ангола Республикаси. Пойтахти – Луанда. Ҳудуди – 1 246 700 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 18 565 260 киши (2013). Давлат тили – португал. Сигитувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик (65%) ва протестант (20%) мазҳабларига эътиқод қиласади. 10% яқин мажсусийлар ҳам мавжуд. Пул бирлиги – кваанза.**

**Географик жойлашуви ва табиати.** Африканинг жануби-ғарбидаги давлат. Жанубда – Намибия (чегара узунлиги – 1376 км), шарқда – Конго Демократик Республикаси (2511 км) ва Замбия (1110 км), шимолда – Конго (201 км) билан чегара дош. Куруклидаги чегаралари узунлиги – 5198 км. Ангола ғарбда Атлантика океани билан туташган. Мамлакатнинг асосий қисмини баландлиги денгиз сатҳидан 1000–1500 м бўлган Ангола ясситоғлиги эгаллаган. Энг юкори нұктаси – Мокко тоги (2620 м). Анголанинг Конго, Замбези, Касай ва бошқа дарёлари тоглардан бошланади. Ангола нефть, олмас, темир-рудаси, фосфат, мис, олтин, уранга бой.

**Иклими** – экваторнал-муссонли ва тропик-пассатли. Мамлакат жанубида чўл ўсимликлари, шимолида саванинадар ва куюк тропик ўрмонлар мавжуд. Ангола да Африка китъасида учрайдиган барча йирик хайвонлар яшайди: фил, жирафа, каркидон, зебра, антилопа, шер, гиппопотам ва х.к.

**Давлат тузилиши, сийсий партиялари.** Давлат тузилиши – республика. Маъмурӣ-худудий жihatдан 18 та вилоятта бўлинган. 1975 йилнинг 11 ноябрда мустакилликка эришган (Португалиядан). Конунчилиги фукаролик ҳукукининг португал тизими ва маҳаллий урф-одатларга асосланган. Миллий байрами – Мустакиллик куни – 11 ноябрда нишонланади. Бир палатали парламенти – Миллий ассамблея. Анголада 30 дан ортик партиялар кайд килинган.

**Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.** Ахолининг асосий кисми кишлек ҳўжалигига банд. Саноатнинг муҳим соҳаси нефть казиб олиш бўлиб, ЯММнинг 60% ташкил киласди. 2012 йил ЯИМ миқдори 114 833 млн (аҳоли жон бошнга – 5873) долларни ташкил килган. Нефть, суюлтирилган газ, олмос, қахва, балик – давлат бюджети киримининг асосий экспорт махсулотлари хисобланади. Асосий савдо ҳамкорлари – АҚШ, МДҲ давлатлари, Куба, Португалия, Бразилия. Кишлек ҳўжалиги махсулотларидан қахва, бугдой, пахта, шакарқамиш, маниок, тамаки экспортта чикарилади.

Темир йўлларининг узунлиги – 3189 км, автомобиль йўллари – 73 828 км. Асосий портлари –Luanda, Нгенза-Каболо, Лобиту, Кабинда.

**Тарихи.** Ангола худудида XIV асрдан Конго давлати, XV асрдан Ндонго, Лундо, Бенгела, XVII асрдан Магамбес ва Касанжа давлатлари мавжуд бўлган. 1482 йили Анголада португаллар пайдо бўлди. XIX асрдан бошлаб Португалия мамлакат ичкарисини эгаллашга киришади. Замбези ва Конго оралигини ўрганиб чинкан португалиялик саёҳатчи Серпа Пинту 1889 йили Мозамбик губернатори лавозимига тайинлангандан кейин Анголани Мозамбикка кўшиб олишга урининши муваффакиятсизликка учрайди. XX аср бошларида Ангола Португалиянинг мустамлакаси, 1951 йилдан – денгизорти худуди, 1955 йилдан – Португалия вилояти. 1961 йилда бошланган миллӣ-озодлик кураши 1975 йили мустакил Ангола Халқ Республикаси тузилиши билан якунланди. СССР кўллаган Ангола озодлиги учун ҳалқ ҳаракати ва АҚШ кўллаб турган УНИТА ташкилоти ўртасидаги қарама-қаршилик фукаролар урушига олиб келди. Бу урушда Жанубий Африка ва Куба ҳам иштирок этган. 1991 йили тинчлик шартномаси имзоланган, аммо президент сайловларида Душ Сантуш ғалаба қозониши яна фукаролар уруши бошланишинга сабаб бўлган. 1992 йил 29–30 сентябрь кунлари Анголада БМТ кузатувида парламент ва президент сайловлари бўлиб ўтди. Янгиланган конституция кўп партияни тизимни мустаҳкамлади. 2002 йили Анголада 1975 йилдан берин давом этиб келаётган фукаролар уруши тугади.

## АНДОРРА

*Расмий номи – Андорра Князлиги. Пойтахти – Андорра-ла-Велья. Худуди – 465 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 76 250 киши (2012). Давлат тили – каталон. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – евро.*

*Географик жойлашуви ва табиати. Европанинг жануби-ғарбидаги жойлашган (Шаркий Пиреней) давлат. Жануб ва ғарбда – Испания (чегара узунлиги – 63,7 км), шарқ ва шимолда – Франция (56,6 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги – 120,3 км. Мамлакат худуди асосан кояли тоғлардан иборат, энг юкори нуктаси – Кама Педроса тоғи (2946 м). Кўп микдорда музлик даврида ташкил топган кўллар мавжуд. Табиий бойликлари: гидроэнергия, минерал сув, темир рудаси, кўроғшин, ёғоч.*

*Иклими – мўътадил.*

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши – унитар давлат. Андорра иккита князь – Франция президенти ҳамда Испания епископининг маҳаллий вакиллари томонидан бошқарилади. Бир палатали парламенти – Водийлар Бош кенгаши. Суд ҳокимияти куйнадигича таксимланган: фукаролик ишларини Перпиньян (Франция)даги Андорра Олий суди ёки епископ Урнель номидаги черков суди (Испания) ҳал қиласа, жинонай ишларини – Судлар Трибунали. Биринчи сиёсий партия – Демократик иттифоқ – 1976 йилда ташкил топган.*

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Андорра иқтисодининг асосини туризм ташкил қиласди (йилига 13 млн турист). Сигаретлар, сигаралар ва мебель ишлаб чиқарниш йўлга қўйилган. Экинга яроқли ер камлиги учун озиқовқатнинг асосий қисми импорт қилинади. Чорвачиликнинг асосий тури – кўйичилик. 2010 йилда ЯИМ микдори 3300 млн (аҳоли жон бошига – 44 900) долларни ташкил қиласди. Асосий савдо ҳамкорлари – Франция ва Испания.*

*Темир йўллари йўқ. Автомобиль йўлларининг узунлиги – 96 км.*

*Тарихи. Андорра тарихий манбаларда дастлаб 805 йилда тилга олинади. XIII асрда граф Фуа (Франция) ва Каталония епископи Урнель бошқарувига ўтади. Испания ва Франция протекторати остида бўлган Андорра 1993 йилда мустакил давлат деб эълон қилинди.*

## АНТИГУА ВА БАРБУДА

*Расмий номи – Антигуа ва Барбуда давлати. Пойтахти – Сент-Жонс. Худуди – 441,6 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 90 510 киши (2012). Давлат тили – инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг протестант мазҳабига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – шарқий кариб доллари.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Вест-Индия, Кариб дengизининг шаркий кисмida жойлашган орол-давлат. Мамлакат Антигуа, Барбуда ва деярли кимасигиз Редонда оролларидан иборат. Маржон оролларида вулконлар бор. Табиий бойликлари кам.

Иклими – тропик.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – унитар давлат. 1981 йил 1 ноябрьда Буюк Британиядан мустакилликка эришган (1 ноябрь – Миллний байрами). Давлат бошлиги – Британия монархи номидан генерал-губернатор бошкаради. Икки палатали парламент юкори (Сенат) ва куйи (Вакиллар палатаси) палаталардан иборат. Сиёсий партиялари – Антигуа лейбористлар партияси, Бирлашган прогрессив партия.

*Иктиносиди, транспорт коммуникациялари.* Иктиносидининг муҳим соҳаларидан бири туризм хисобланади (ЯММ 17% ини), 2012 йилда ЯММ миқдори 1174 млн (аҳоли жон бошига – 13 429) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Буюк Британия, Канада, Япония, Хитой ва Кариб давлатлари. Қишлоқ ҳўjalиги ЯММнинг 5%ини беради. Пахта, мева ва сабзавотлар етиштириш, чорвачилик ривожланган.

Темир йўлларининг узунилиги – 64 км, автомобиль йўллари – 240 км.

*Тарихи.* Антигуа ва Барбуда ороллари Колумб томонидан 1493 йилда кашф этилган бўлиб, испан мустамлакасига айланди. 1632 йили Буюк Британия бошкаруви ўрнатилади, 1967 йилда Британиянинг тарқибий кисмига айланди. 1981 йилда мустакилликка эришган Антигуа ва Барбуда Британия Ҳамдўстлиги аъзоси бўлиб колган.

## АРГЕНТИНА

*Расмий номи – Аргентина Республикаси. Пойтахти – Буэнос-Айрес. Ҳудуди – 2 778 417 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 41 281 631 киши (2012). Давлат тили – испан. Давлат дини – христиан динининг католик мазҳаби. Пул бирлиги – песо.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Жанубий Американинг жануби-шаркий кисмida жойлашган. Жануб ва гарбда – Чили (чегара узунилиги – 5308 км), шаркда – Бразилия (1261 км) ва Уругвай (580 км), шимолда – Боливия (832 км) ва Парагвай (1880 км) билан чегарадош. Куруклиқдаги чегаралари узунилиги – 9861 км. Шарқ ва жанубда Атлантика океани жойлашган. Уругвай ва Буюк Британия билан ҳудудий келишмовчиликлар мавжуд. Чили ва Аргентина чегарасида Анд тоглари бор. Жанубий Американинг энг баланд чўққилари – Аконкагуа тоги (6959 м) Жанубий Америкадаги энг баланд чўққи (6770 м). Мерседарио тоги (6770 м). Тинч окар дарё ва ўсимликларга бой Гран-Чако текислиги; Парана ва Уругвай дарёлари ўртасидаги Аргентина Месопотамияси; Патагония чўллари Аргентинани шимолдан жанубгача эгаллаган. Йирик дарёлари: Парана, Парагвай,

Рио-Саладо, Рио-Колорадо. Фойдалы қазилмалари – күргөшин, рух, қалайи, мис, темир рудаси, нефть, уран. Ҳайдаладиган ерлар – 9%, үтлок ва яйловлар – 52%, үрмөн ва бутазорлар ҳудуднинг 22%ини эгаллаган.

Иклими – тропик, субтропик ва мўътадил. Мамлакат карағай, кедр, эвкалипт, пальма каби дараҳтларга бой. Аргентина шимолида маймунлар, пума ва ягуарлар, оцелот ва тапирлар кўп. Күшлардан тўтикуш, фламинго ва колиби учрайди. Шарқдаги пампасларда тулкилар, ёввойи мушуклар, кийиклар кўп.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – федератив республика. Маъмурӣ-худудий бўлиниши: 22 провинция, 1 миллий худуд ва пойтахт федерал округи. 1816 йил 9 июнда Испаниядан мустакил бўлиб ажраб чиккан. Миллий байрамлари: 25 май – Май инкилоби куни (1810) ва 9 июль – Мустакиллик куни. Давлат ва ҳукумат бошлиги – президент. Парламенти икки палатали – юқори (Миллий конгресс) ва куйи (Депутатлар палатаси). Нуфузли сиёсий партиялари: Хустисиалистлар партияси, Фуқаролар радикал иттифоки, Демократик марказ иттифоки, Консерватив партия.

*Иқтисоди, транспорти коммуникациялари.* Саноатнинг асосий соҳалари: озинк-овқат, автомобиль, тўқимачилик, кимё ва нефть кимёси, металлургия, матбуот. Қишлоқ хўжалиги (бунга баликчилик ҳам киради) ЯММнинг 8%ини беради. Етишириладиган асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари – буғдой, жўхори, соя, шакарқамиш. 2012 йилда ЯИМ миқдори 474 812 млн (ахоли жон бўшига – 11 576) долларни ташкил этган. Аргентина бутдой ва мол гўшти экспорт килувчи дунёдаги 5 энг йирик давлатлар каторига киради. Мамлакатта машина ва асбоб-ускуналар, кимёвий мoddалар, металл, ёнилги ва ҳ.к. импорт килинади. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Бразилия, Германия, Боливия, Япония, Италия.

Темир йўлларининг узунлиги – 34 572 км, автомобиль йўллари – 208 350 км. Денгиз портлари: Буэнос-Айрес, Ла-Плата, Баня-Бланка.

*Тарихи.* Аргентина испаниялик Диас де Солис томонидан 1516 йилда кашф этилганда, бу ерда кам сонли ҳинду кабилалари яшаган. 1536 йилда асос солинган Буэнос-Айрес худуди Перу вице-кироллигига кўшиб олинган эди. Ҳозирги кунда Аргентина, Парагвай, Уругвай ва Боливия жойлашган ҳудудда 1776 йили Ла-Плата вице-кироллиги ташкил топган. 1810 йилда кўзғолон кўтарган креол (европаликларнинг мустамлакаларда туғилган «тоза қонли» авладлари) ахолиси вице-киролни таҳтдан ағдариб, Ла-Плата бирлашган провинциялар мустакиллигини ўлон қиласди. 1816 йилда испан қўшинлари узил-кесли мағлубиятга учрайдилар. 1826 йилда Ла-Плата бирлашган провинциялари Аргентина Федератив Республикаси деб аталади. XX асрда бир катор ҳарбий тўнтиришлар амалга оширилиб, оқибатда ҳокимиятта 1946–1955 ва 1973–1974 йилларда Аргентинада ҳукмронлик қилган Х.Д. Перон келади. 1982 йилда Мальвин (Фолкланд) ороллари масаласи бўйича ҳарбий тўқнашувда Буюк Британиядан мағлубиятга учраган Аргентинада ҳарбий хунта ағдарилиб, 1983 йилдан ҳокимият тепасига фуқаролик ҳукумати келади.

## АРМАНИСТОН

*Расмий номи – Арманистон Республикаси. Пойтахти – Ереван. Ҳудуди – 29 800 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 3 026 900 киши (2013). Давлат тили – арман. Сигинувчилар – нинг асосий қисми христиан динига эътиқод қиласди. Пул бирзиги – драм.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Гарбий Осиё (Кавказоргининг жануби) даги давлат. Шарқда – Озарбайжон (чегара узунлиги 566 км), гарбда – Туркия (268 км), жанубда – Озарбайжон (Нахичевань, 221 км) ва Эрон (35 км), шимолда – Грузия (164 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги – 1254 км. Тогли Қорабог муаммоси бўйича Озарбайжон билан жиддий ҳудудий келишмовчиликлар мавжуд. Арманистон баландлиги денгиз сатҳидан 1700 м бўлган Арман яссиоглигига жойлашган тогли ўлка. Энг юкори нуқтаси – Арагац тоги (4095 м). Арманистонда юздан ортик кўллар бор. Энг йириги – майдони 1200 км<sup>2</sup> бўлган Севан кўли. Йирик дарёлари – Каспий денгизига куйиладиган Аракс ва Кура. Мамлакат минерал булоклари билан машхур. Унча кўп бўлмаган олтина, молибден, мис, рух захиралари бор. Кўп микдорда курилиш тошлари мавжуд. Ҳудудининг 17%ни, хайдаладиган ерлар 20% ини ялов ва ўтлоклар ташкил қиласди.

Иклими – куруқ континентал. Арманистоннинг тоголди ҳудудлари ўрмонлар, тоглар эса яйловлардан иборат. Миллий кўрикконаларда кўнгир айик, ёввойи чўчка, чиябўри ва бошқа хайвонлар учрайди.

*Давлат тизимиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – унитар республика. Миллий байрами 28 май – Мустакиллик куни. Давлат бошлиги – президент. Бир палатали парламент – Миллат мажлиси. Энг нуфузли сиёсий партиялари: Арман умуммиллий харакати, Либерал-демократик партия, Республика партияси, Христинан-демократик партия, Миллий консерватив партия, Миллий ўйгониш партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Иқтисоднинг асосий соҳалари: рангили металлургия, машинасозлик, кимё, металлни қайта ишлаш, сенгил, озиқовкат саноати, курилиш материалларини ишлаб чиқариш. Қишлоқ ҳўжалигига ишчи кучининг 31% банд. Цитрус меваалар, паҳта етицирилади; чорвачилик ривожланган; машхур конъяқ ва вино турлари ишлаб чиқарилади. 2012 йилда ЯИМ микдори 10 066 млн (аҳоли жон бошига – 2991) долларни ташкил этган. Экспортта машиналар ва транспорт ускуналари, кора ва рангли металл, кимёвий ўйтлар чиқарилади. Асосий савдо камкорлари – МДҲ давлатлари.

Темир йўлларининг узунлиги – 840 км, автомобиль йўллари – 11 300 км.

*Тарихи.* Ҳозирги Арманистон ҳудудидаги дастлабки давлат тузилмаси – Урарту (м. а. IX–VI асрлар). Мамлакат кўп йиллар давомида оссуряликлар, VII асрда эса маҳаллий аҳоли билан аралашиб арман миллатига асос солган ҳинд-

европа қабилалари боскуннига дучор бўлган. Бу давлат Аҳамонийлар, Александр Македонский, Рим империяси хукмронлиги остида бўлган. VII–XV асрларда Арманистонга араблар, византияликлар, салжукий турклар, мўгул-татарлар хужум килишган. XVI–XVIII асрларда мамлакатни Эрон ва Туркия бўлиб олади, XIX аср бошларида Арманистоннинг шаркий кисми Россияга қўшиб олинади. Арманлар Усмонийлар империяси томонидан 1894–1896 ва 1915–1916 йиллари оммавий кирғин қилинган (2 миллион армани ҳалок бўлган). 1920 йилнинг 29 нояброда тузилган Арманистон Республикаси 1922 йилнинг 30 декабрида СССР таркибига кирган. 1991 йил 24 сентябрда Арманистон мустакиллиги тўғрисидаги Декларация имзоланган.

## АРУБА

*Расмий номи – Аруба. Пойтахти – Ораньестад. Ҳудуди – 193 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 108 587 киши (2012). Давлат тили – нидерланд, панъяменто. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – аруба флорини.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Кариб денгизининг шаркий кисмida Кичик Антиль оролларининг бирида жойлашган Вест-Индиядаги давлат. Ўсимлик дунёси унчалик бой эмас. Иклими – субэкваториал.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – конституциявий монархия. Нидерланд кироллигининг собиқ автоном кисми бўлган Аруба 1996 йилда мустакилликка эришган. Конунчилиги нидерланд фукаролик ҳукуки тизимига асосланган. Миллий байрами – 18 март Аруба байробги куни. Давлат бошлиги – голланд монархи (унинг номидан губернатор иш юритади). Асосий сиёсий партиялари: Халқ сайлов ҳаракати ва Аруба ҳалқ партияси.

*Иқтисоди, транспорт каммуникациялари.* Иқтисодининг муҳим секторларидан бири – туризм. Оффшор банк бизнеси, нефть тозалаш ва юқ саклаш (логистика) ҳам ривожланган. Қишлоқ ҳўжалиги алоз етиштириш, уй хайвонларини бокиш ва балиқ овлашдан иборат. 2010 йилда ЯИМ мидори 2258 млн (аҳоли жон бошига – 21 800) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари – АҚШ ва ЕИ давлатлари.

Темир йўллари йўқ. Автомобиль йўлларининг узунилиги – 380 км. Денгиз портлари: Ораньестад, Сент-Николас.

*Тарихи.* XV асрда испанлар Антиль оролларини кашф этганидан сўнг, Аруба дастлаб Испания, кейин Голландия мустамлакасига айланади. 1986 йили орол муҳторият макомига, 1996 йилдан эса мустакилликка эга бўлади.

## АФГОНИСТОН

*Расмий номи – Афғонистон Ислом Республикаси. Пойтахти – Кобул. Ҳудуди – 652 090 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 33 397 058 киши (2012). Давлат тили – дорий (50%) ва пуштун (35%). Давлат дини – ислом. Пул бирлиги – афғони.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Жануби-Ғарбий Осиёнинг шарқидаги давлат. Жанубда – Покистон (чегара узунлиги 2430 км), гарбда – Эрон (936 км), шимолда – Тоҷикистон (1206 км), Туркманистон (744 км) ва Ўзбекистон (137 км), шарқда – Хитой (76 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги – 5529 км. Тоғлар мамлакат худудининг 75% эгаллайди. Асосий тог тизими – Ҳиндикуш, Афғонистоннинг шимоли-шарқида жойлашган. Афғонистоннинг энг юқори нуқтаси – Новшак тоги (7475 м). Шимоли ва жануби-ғарбида Бактрия, Регистон, Даشت-Марғо текисликлари мавжуд. Йирик дарёлари – Амударё, Ҳилманд, Ҳерируд, Кобул. Фойдали казилмалари – табиий газ, нефть, кўмир, мис, олтингутурт, рух, темир рудаси, кимматбахо ва ярим кимматбахо тошлар. Ҳайдаладиган срлар – 12%, яйлов ва ўтлолар – 46%, ўрмон ва бутазорлар – 3%.

Иклими – континентал, субтропик. Мамлакатда чўл ва ҷалачўл ўсимиликлари кўп, 1800 м дан баландликда иғнабаргли ўрмонлар, жанубда эса ҳурмо ва цитрус дароҳтлари ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан тог эчкилари, бўри, чиябўри, айник, оху, тулки, ёввойи мушуклар учрайди.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – унитар республика. Давлат бошлиғи – президент. Афғонистон 30 вилоятта бўлинган. Мустакилликка 1919 йил 19 августанда эриншган. Миллий байрамлари: 19 август – Мустакиллик куни, 4 май – Ҳотира куни. Конун чиқарувчи ҳокимият – бир палатали парламент (Лойиҳа жирга). Асосий сиёсий партиялари: Афғонистон ислом жамияти, Афғонистон ислом партияси ва ҳ. к.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Иқтисоди асосан қишлоқ ҳўжалигига йўналтирилган. 2012 йилда ЯИМ миқдори 19 847 млн (аҳоли жон бошига – 622) долларни ташкил этган. Экспортга табиий газ, мева ва ёнгок, кўлда тўқилган гиламлар, мовут, пахта, коракўл чиқарилади. Озик-овкат ва нефть маҳсулотлари импорт килинади. Саноати суст ривожланган. Қишлоқ ҳўжалигига натурал ҳўжалик ҳуқмронлик киласди.

Темир йўллари узунлиги – 24,6 км; автомобиль йўллари – 21 000 км; асосан Амударёдан ўтадиган сув йўллари узунлиги – 1200 км (500 тоннагача бўлган кемалар сузиши мумкин).

*Тарши.* Эрон, Хитой ва Ҳиндистонга борадиган йўлларда жойлашган Афғонистон Александр Македонский, ҳиндлар, форслар, араблар, мұгуттарлар, Бобур томонидан забт этилган эди. 1747 йилда Ахмадшоҳ бошлиқ дастлабки афғон давлати тузилади. Дурронийлар сулоласи 1818 йилтacha,

аникроғи, Буюк Британия Афғонистонни ўз назорати остига олгунга кадар ҳукмронлик килган. 1919 йилда ҳокимиятни эгаллаган Омонуллохон Совет Россияси ёрдамида мустакиллигини эълон килади. 1929–1973 йилларда ҳокимият Нодиршоҳ сулоласи кўлида бўлган. 1978 йилги навбатдаги ҳарбий тўнтиришдан сўнг ҳокимият тепасига келган Муҳаммад Тараккий Афғонистонни демократик республика деб эълон килади. 1979 йили ҳокимият тепасига келган Бабрак Кармални кўллаш учун совет қўшинларининг «чекланган контингенти» мамлакатта киритилади. 1986 йилда унинг ўрнига Нажибулло келади. Афғон куролланган муҳолифатчиларига карши курашда 14453 совет аскари ҳалок бўлган. 1989 йилда совет қўшинлари Афғонистондан чиқарилгандан кейин ҳам ҳукумат ва мужоҳидлар ўргасидаги кураш давом этган. Покистон ёрдамида ҳокимият Толибон ислом харакати қўлига ўтади. 2001–2002 йилларда АҚШ бошлилигидан толибонларга карши олиб борилган антитеррорчилик харакати натижасида ҳокимият демократик фуқаролар ҳукумати қўлига ўтди. 2004 йил янги конституция қабул килинди. Унга кўра дастлабки президент сайловлари ўтказилди. Афғонистондаги фуқаролар уруши ўз якунига еттани йўқ.

## БАГАМА ОРОЛЛАРИ

*Расмий номи – Багама Ороллари Ҳамдустлиги. Пойтахти – Нассау. Ҳудуди – 13 864 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 351 275 киши (2012). Давлат тили – инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик (26%) ва англикан (21%) мазҳабларига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – багама доллари.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Вест-Индия (Марказий Америка)да, 700 дан ортиқ оролларда ва кўплаб (2500 та атрофида) Флорида киргокларидан Кубанинг шаркий киргокларигача чўзилиб кетган маржонли коялларда жойлашган давлат. Йирик ороллари: Нью-Провиденс, Андрос, Катта Багама, Катта Абако, Кичик Абако, Берри ва бошқалар. Багама оролларининг рельефи текис бўлиб, унча баланд бўлмаган тепаликлар денгиз сатҳидан 60 метргача баландликда жойлашган.

Иклими – тропик, пассат. Оролларда дарёлар йўқ, лекин дентиз билан туташиб турадиган кўплаб шўр кўллар бор. Ороллар табиий ресурслардан туз, бўр, арагонитларга бой. Ороллар асосан саванна ва тўқайлар билан қопланган. Карагайли ўрмонлар бор. Йирик ороллардан Андрос ва Катта Абакода кимматбахо дарахт турлари (қизил, сарик, темир) ўсадиган доимий яшил тропик ўрмонлар сақланниб қолган. Киргок бўйларида коқос пальмалари ўсади. Багама оролларининг фаунаси бой эмас, асосан кушлар кўп, кўршапалак, калтакесак, илонлар учрайди. Денгизда турли баликлар, кискичбака ва моллюскалар кўп.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – унитар давлат. Багама ороллари Буюк Британия раҳбарлигидаги Ҳамдўстлик таркибига киради. БМТ ва ХВФ аъзоси. Давлат бошлиги – Британ монархи, унингномидан генерал-губернатор иш юритади. Ҳукумат бошлиги – бош вазир. Қонун чикарувчи органи – Сенат ва Мажлислар палатасидан иборат икки палатали парламент. Асосий сиёсий партиялари – Илғор либерал партияси, Эркин миллий харакат.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Давлат иқтисодининг асосини чет эл туризми ва банк оффшори ташкил этади. Мамлакат дунёнинг илғор моллия марказларидан биридир. Солик имтиёзлари мавжудлиги боис қўплаб компаниялар Багама оролларига ўз банкларини очишган. Туризм индустрисидан ташкари саноатнинг куйидаги соҳалари ривожланган: нефтий кайта ишлаш, фармацевтика, цемент, тузиң кайта ишлаш ва ром ичимлиги тайёрлаш. Кишлек хўжалигига шакарқамиш, помидор, ананас, цитруслар етиштирилади, балик овлаш ва денгиз маҳсулотларини кайта ишлаш ривожланган. Ёғоч тайёрланади. Экспорт: нефть, кимё-саноат маҳсулотлари, туз, балик, ром. Импорти: машина ва транспорт ускуналари, бензин, нефть ва тўхимачилик маҳсулотлари. 2012 йил ЯИМ миндори – 8249 млн (аҳоли жон бошига – 22 833) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция, Дания.

Темир йўллари йўқ, мамлакат иқтисодида автомобиль йўлларининг ахамияти катта.

*Тарихи.* Кадимда мамлакат кудулига дастлаб ҳиндулар келиб жойлашган. Ороллар 1492 йилда X. Колумб томонидан каşf килинган. Оддин Испания мустамлакаси, 1783 йилдан эса Буюк Британия колониясига айлантирилган. 1964 йили мамлакатга ўз-ўзини бошқариш ҳукуки берилди. 1973 йили Багама ороллари мустакил давлатта айланди, лекин Британия Ҳамдўстлиги таркибида қолди.

## БАНГЛАДЕШ

*Расмий номи – Бангладеш Ҳалқ Республикаси. Пойтахти – Дакка. Ҳудуди – 143 998 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 163 654 860 киши (2012). Давлат тили – бенгал. Давлат дини – ислом. Пул бирлиги – така.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Осиёнинг жанубида жойлашган давлат. Жануби-шарқда – Мьянма (193 км), гарб, шимол ва шарқда – Ҳиндистон (4053 км) билан чегарадош. Куруқлиқдаги чегаралари узулиги – 4246 км. Мамлакат жанубида Бенгал кўрфази жойлашган. Бангладеш – текисликлардан иборат мамлакат. Уни кўп сонли дарёлар кесиб ўтади. Улардан энг йириклари: Ганг ва Брахманупутра. Мамлакат майдонининг 1/10 кисмини Читтагонг тепаликлари эгаллаган. Баланд топи – Модок-Муал (1003 м).

Иклими – субэкваториал, муссонли. Худуднинг 14%ини тропик ўрмонлар эгаллаган, пальма ва мангир дарахтлари кенг таркалган. Ҳайвонот дунёси бой. Бу ерда маймун, лемур, бенгал йўлбарси ва айик, чиябури, йўл-йўл сиртлон, тўнгиз, фил, тимсоҳ каби жониворларни учратиш мумкин. Кушларнинг 700 дан зиёд тури ва илонлар кенг таркалган.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Бангладеш Буюк Британия бош-караётган Миллатлар Ҳамдустлиги таркибига кирувчи унитар республика. Давлат бошлиғи – парламент томонидан 5 йил мuddатга сайланадиган президент. Ҳукумат бошлиғи – бош вазир. Бангладеш таркибига 19 та округ кирувчи 4 та вилоятга бўлинган. Асосий портлари: Кхулна, Читтагонг. Сиёсий партиялари: Бангладеш Миллий партияси, Халқ лигаси, Миллий партия, Бангладеш миллатчилар партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Бангладеш – аграр мамлакат. Тамаки, чой, шакарқамиш етиширилади. Асосий маданий ўсимликлари: шоли, бугдой, дуккаклилар. Саноат тармокларида тўқимачилик, қофоз, шакар, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд. Металлургия, цемент, нефтни кайта ишлаш заводлари фаолият кўрсатмоқда. Булардан ташқари кемасозлик, озиқ-овқат, автомобиллар ва радиоускуналар йигиши корхоналари ҳам мавжуд. 2012 йилда ЯИМ миқдори – 118 693 млн (аҳоли жон бошига – 818) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Буюк Британия, АҚШ, Япония, Сингапур.

*Тарихи.* Бенгал қабилалари Куйи Ганг водийсига м. а. 1000 йилда кириб кела бошладилар. Кейинчалик Ванга давлати ташкил топди. XVI асрда Бангладеш бу ерда исломни тарқатган бобурйлар хукмронлиги остида колади. 1757 йилда мамлакат инглиз мустамлакачилари хукмронлигига итоат этишга мажбур бўлди. 1947 йилда Шаркий Бенгалия худудлари Покистонга қўшиб юборилди. «Бенгаллар ери» (Бангладеш) 1971 йилда мустақил Халқ республикаси деб эълон килинди. 1975 йилда ҳарбий холат эълон килинади. 1978–1979 йилларда фуқаролик бошкаруви тикланади. 1982 йилда ҳарбий тўнтариш оқибатида мамлакатда ҳарбий тузум ўрнатилди. 1996 йилда мамлакат ҳокимияти бетараф хукуматга топширилди. 2001 йил Ҳиндистон ва Бангладеш ўртасида куролли тўқнашув содир бўлди. Мамлакатдаги бекарор вазият туфайли 2007 йили ҳокимият Муваккат хукумат қўлига ўтди. 2008 йил 29 декабрдаги сайловларда Шайх Хасин бошчилигидаги «Авомлар лигаси» ғалаба қозонди.

## БАРБАДОС

*Расмий номи – Барбадос. Пойтахти – Бриджстаун. Худуди – 431 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 274 530 киши (2012). Давлат тили – инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг протестант (67%) ва католик (4%) мазҳабларига эътиқод қиласади. Пул бирлиги – барбадос доллари.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Барбадос Кариб денгизининг шарқидаги шу номли оролда жойлашган давлат. Орол рельефи текисликлардан иборат. Орол юзаси кирғоцдан марказга караб терасса шаклида күтарилган. Денгиз сатҳидан 340 м баландликда жойлашган Хилаби – Барбадоснинг энг юкори чўккиси.

Иклими – тропик, пассатли. Ёнгигарчилик ва тўфонлар тез-тез бўлиб туради. Табиий заҳиралари: нефть, табиий газ, балик. Тропик ўсимликлар билан копланган. Ҳайвонот олами унчалик бой эмас: маймун, курбака, куён, мангуст, бир неча куш турлари учрайди.

*Давлат тузигиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – унитар давлат. Барбадос Буюк Британия Ҳамдўстлиги таркибига киради. БМТ, ХВФ аъзосидир. Давлат раҳбари – Буюк Британия кироли (кироличаси) номидан иш юритувчи генерал-губернатор. Ҳукумат раҳбари – бош вазир. Конун чиқарувчи орган – икки палатали парламент (Сенат ва Мајлис палатаси). Ҳудудий жиҳатдан 11 та маъмурӣ ҳудудга бўлинган. Асосий сиёсий партиялари: Миллий демократик партия, Демократик лейбористлар партияси, Барбадос лейбористлари партияси.

*Иктисолиди, транспорт коммуникациялари.* Иктисолидининг асосини шакар ишлаб чиқариш ва чет зл туризми ташкил этади. Туризм индустряси Кариб денизи хавzasидаги аҳолининг юкори турмуш даражасини таъминлаб бермоқда. Енгил, озик-овқат, табиий газ ва нефть қазиб олиш саноати ривожланмоқда. Балик овлаш ривожланган. 2012 йилда ЯИМ миқдори 4533 млн (аҳоли жон бошига – 16 152) доллари ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Канада, Буюк Британия, Кариб денизи хавzasи давлатлари.

Иктисолидий ҳәтида автомобиль йўллари катта аҳамиятта эга. Темир йўллари йўқ. Асосий порти – Брижтаун.

*Тарихи.* Кадимда оролда аравак ва кариб кабилалари яшаган. Орол 1536 йили португалиялик Педро Кампош томонидан кашф килинди. 1625 йилдан Барбадос Британия мустамлакасига айланди. Африкадан келтирилган қуллар хисобига та-маки ва шакар ишлаб чиқариш саноати вужудга келди. 1834 йилда куллик бекор килинган. 1961 йили орол ўз-ўзинни бошкарниш ҳукукига эга бўлди. 1966 йили Буюк Британиядан тўлиқ мустакилликка эришди, лескин Британия Ҳамдўстлиги таркибида колди.

## БАҲРАЙН

*Расмий номи – Баҳрайн давлати. Пойтахти – Минама. Ҳудуди – 695,2 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 1 234 570 киши (2010). Давлат тили – араб. Давлат дини – ислам. Пул бирлиги – баҳрайн динори.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Яқин Шарқда жойлашган давлат, Форс кўрғазининг шимоли-гарбий қисмида Саудия Арабистони ва кўрғаз орқали

катор давлатлар билан чегарадош. 33 та оролдан иборат. Уларнинг орасида энг йириги Арабистон яримороли билан узунлиги 25 км га якин бўлган энсиз бўғоз орқали туташган Бахрайн оролидир. Бахрайн оролининг узунлиги 25 км, эни – 16 км ни ташкил этади. Тупроқ катламида оҳактош кенг тарқалган. Худуднинг катта кисмини чалачўллар эгаллаган. Архипелагнинг юкори нуктаси Жабал-ад-Духан (134 м). Батъзи ороллар Бахрайн ва Мухаррак билан тўғонлар (дамба) воситасида боғланган.

Иклими – тропикдан субтропикка ўтувчи. Воҳаларда хурмо дараҳти ўсади. Худуднинг катта кисми тропик чўллардан иборат. Илон, чаён, кемирувчи ва чиябўрилар кенг тарқалган.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – конституциявий монархия. Давлат бошлиги – амир, ҳукумат бошлиги – бош вазир. Бир палатали Миллий кенгаш (парламент) фаолият кўрсатади. Сиёсий партиялари йўқ. Сиёсий ташкилотлари: Бахрайн халқ фронти, Бахрайн миллий озодлик фронти.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Мамлакат иқтисодининг асоси нефти қазиб олиш ва уни кайта ишлаш ташкил этади. Кема таъмирлаш, цемент ишлаб чиқариш ва бошқа корхоналар билан бир қаторда хунармандчиллик ҳам тараккӣ этган. Кимё саноати ҳам ривожланган, алюминий эритилди. Маданий ўсимликлардан маккажӯхори, бугдой, арпа етиштирилади. Эчки, кўй, эшак ва корамол бокилади. 2012 йилда ЯИМ миқдори 26 509 млн (аҳоли жон бошига – 23 477) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари – Буюк Британия, Саудия Арабистони, Жанубий Корея, Япония, АҚШ, Австралия.

*Тарихи.* М. а. III минг йилларда замонавий Бахрайн кучли савдо империяси хисобланган Дилемуннинг маркази бўлган. М. а. 1600 йилларида Дилемун инкиrozга юз тутади. Бахрайн м. а. 600 йилда Бобил, IV–VI асрларда Сосонийлар давлати таркибига киради. VIII асрда эса Бахрайн Араб халифалиги ҳукмронлиги остида колди. IX–X асрларда Бахрайн Уммавийлар империяси, кейинчалик Аббосийлар давлати таркибида бўлди. XIII асрда Бахрайн маълум муддатта мустакилликни кўлга киритди. 1487 йилда Бахрайн ва Мухаррак ороллари уммонлик қабилалар томонидан босиб олинди. 1536 йилдан 1602 йилгacha оролларни португаллар назорат килишиди. XVIII аср ўрталаридаги Бахрайнда уни хозирги кунда ҳам идора этаётган Ал-Халифа сулоласи ҳокимииятга келди. XIX асрда Бахрайн инглизлар назорати остида эди. 1971 йил 14 августда Бахрайн мустакилликка эришиди. Бахрайн Араб давлатлари Лигаси таркибига киради. 1979 йили Миср-Исроил шартномаси имзоланганиндан сўнг, Бахрайн Миср билан дипломатик алоқаларни тўхтаттган ва 1981 йили Анвар Садат ўлимидан кейин кайта тикилади. Хозирги кунда Бахрайнга карашли Ҳавар ороллари масаласида Қатар давлати билан келишмовчиликлар мавжуд. Бахрайн худудида АҚШ ҳарбий базалари жойлашган.

## БЕЛИЗ

*Расмий номи – Белиз. Пойтахти – Бельмонтан. Худуди – 22 963 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 322 100 киши (2008). Давлат тили – инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик (60%) ва протестант (35 %) мазҳабларига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – белиз доллари.*

*Географик жойлашуви ва табиити. Белиз Марказий Американинг шимоли-шарқида жойлашган давлат. Шимоли-гарбда – Мексика (250 км), гарб ва жанубда – Гватемала (266 км) билан чегарадош. Куруклидаги чегаралари узунлиги – 516 км. Шарқда Кариб дengизи билан туташ. Белиз худудининг катта кисмини захкаш пасттексисликлар эгаллаган, жануби-гарбida Майя тоғлари жойлашган. Энг юқори нуқтаси – Виктория чўккиси (1122 м).*

*Иклими – пассатли, тропик. Асосий дарёлари – Белиз, Рио-Онда. Табиий ресурслардан факат ёғоч ва баликни кўрсатиш мумкин. Тоглар ва тепаликлар тропик ўрмонлар билан копланган. Чўл-бисбонлар ҳам учрайди. Ҳайвонот дунёси ягуар, бугу, тапир, кушларнинг кўп турларидан иборат.*

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши – унитар давлат. Белиз давлати Буюк Британия бошлилигидаги Ҳамдустлик таркибига киради. Давлат бошлиги – Британия кироли (кироличаси). Ҳукумат бошлиги – бош вазир. Конун чиқарувчи хокимият иккниш палатали (Сенат ва Вакиллар палатаси) Миллий мажлис. Давлат худудий жихатдан б та маъмурӣ округга бўлинади. Итифоқи партиялари: Ҳаал бирлашган партияси, Бирлашган демократик партия.*

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Белиз – аграр давлат. Асосий кишлек хўжалик маҳсулоти – шакаркамши. Цитрус мевалар ва банан етиштирилади. Саноат тармоқларидан енгил ва озиқ-овқат саноати ривоҷланган. Савдо, чет эл туризми ва курилиш ривоҷланмоқда. Экспорти: шакар, цитрус мевалар, банан, дениз маҳсулотлари. Импорти: машина ва транспорт жиҳозлари, минерал ёқилги, фармацевтика, кимёвий саноат ҳамда тўқимачилик маҳсулотлари. 2012 йилда ЯИМ миқдори 1520 млн (аҳоли жон бошига – 4536) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Буюк Британия, Канада, Мексика.*

*Тарихи. Ҳозирги Белиз худудларида IV асрдан X асргача Майя цивилизацияси ҳуқмронлик килган. XVI асрда Белиз испанлар томонидан босиб олинган ва испан мустамлакаси деб ўлон килинган. Кейинроқ, XVII асрда, бу ерга инглизлар келди ва худудда биринчи инглиз мустамлакасига асос солинди. Улар ўрмонларни кесиш билан фаол шуғулландиilar ва янги ерлар оча бошладилар. Плантацияларда ва кимматбаҳо ёғоч тайёрлашда инглизлар истер куллар меҳнатидан фойдаландилар. Испанияр кубиб чиқарилди. 1862 йилда бу худуд Британ Гондураси номи билан Британия мустамлакаси деб ўлон килинди. 1964 йилда Белиз тўлиқ ички ўз-ўзини бошкарниш ҳукуқини олди. Белиз 1981 йилгacha*

Америка китъасидаги Британиянинг охири мустамлакаси бўлди. 1981 йилнинг сентябрида давлат мустақил деб ўзлон қилинди.

## БЕЛОРУССИЯ

*Расмий номи – Беларусь Республикаси. Пойтахти – Минск. Ҳудуди – 207 600 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 9 462 400 киши (2013). Давлат тили – беларус ва рус. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг православ (80%) ва католик (15%) мазҳабларига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – беларусь рубли.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Шаркий Европада жойлашган давлат. Шимоли-ғарбда – Литва (502 км) ва Латвия (141 км), шарқда – Россия (959 км), жанубда – Украина (891 км), ғарбда – Польша (605 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги – 3098 км.

Мамлакат ҳудуди асосан текисликлардан иборат. Тепаликлар кам учрайди, улардан Минск тепалигиги (345 м) алоҳида ажralиб туради. Иклими мамлакатнинг деярли ҳамма жойида бир хил. Йирик дарёлари – Днепр, Припять, Березина, Фарбий Двина, Неман, Сож. Мамлакатда Нарочь, Освей, Святязь каби йирик кўллар бор. Табиий қазилма бойликлари: калийли ва тошли тузлар, кўмир, нефть, темирrudаси, торф. Беларусда кенг баргли ўрмонлар тарқалган бўлиб, улар мамлакат ҳудудининг 1/3 қисмини эгаллаган. Беларусь ўрмонларида асосан 8 турдаги дараҳтлар (улардан энг кўп тарқалганлари – карагай, арча, кайн, эман ва шумтол), 70 турдан ортиқ буталар ва яримбуталар ўсади. Мамлакат ҳудудида жуда кўп доривор ўсимликлар – арчагул, итбурун, зира, марваридгул ўсади. Беларусь фаунаси 50 турдан ортиқ ҳайвонлар (буту, ёввойи чўчка, бўри ва бошк.), 200 турдан зиёд кушлардан иборат. Шунингдек, Беловеж Пушчаси деб аталадиган миллий кўрикхонада зурлар ва кам учрайдиган боткоқ тошбакаси ҳам бор.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – унитар давлат. Давлат бошлиги – президент. Ҳукумат бошлиги – бош вазир. Конун чиқарувчи хокимият Республика Конграши ва Вакиллар Палатасидан иборат парламент – Миллат мажлисига тегишили. Мамлакат 6 та – Брест, Гомель, Гродно, Минск, Могилёв ва Витебск вилоятларига бўлинган. Йирик сиёсий партиялари: Беларусь бирлашган демократик партияси, Беларусь социал-демократик партияси, Беларусь ҳалқ фронти, Беларусь коммунистик партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Саноатнинг асосий тармоклари: автомобилсозлик ва трактор машинасозлиги, радиоэлектроника, енгил ва кимё саноатлари, ускунасозлик, озиқ-овқат, ҳарбий техника ишлаб чиқариш. Қишлоқ ҳўжалиги асосан донли экинлар, картошка, сабзавотлар етиштиришга ҳамда гўшт ва сут ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Экспорти: машинасозлик маҳсулотлари, кимё ва озиқ-овқат маҳсулотлари. Импорти: саноат ва озиқ-овқат хомашёси. 2012 йилда ЯИМ миқдори 62 259 млн (аҳоли жон бошига – 6739)

долларни ташкил эттан. Асосий савдо ҳамкорлари: Россия, Украина, Польша, Германия, Литва.

Тарихи VII асрдан бошлаб ҳозирги Беларусь худудида славян қабилаларидан дрэговичлар, радиличлар, кривичлар истиқомат килғанлар. IX асрда Беларусь ерлари Киев Руси таркибиға кирди. Даастлабки шахарлар – Минск (1087), Витебск, Пинск, Брест XI асрда пайдо бўлди. XII асрда феодал тарқоқлик бошланган бир вақтда бир катор майдада князликлар: Полоцк, Турово-Пинск, Гродно, Минск ва бошқалар вужудга келди. XIV асрда бутун Беларусь ерлари Литва Буюк Князлигига таркибиға кирди. 1569 йили Поляк-Литва давлатларининг бирлашуви оқибатида Речь Посполитая давлати ташкил топди, Беларусь ҳам ўз-ўзидан бу давлат таркибиға кирди. XVII асрдан бу худудлар Ок (Белая) Русь деб атала бошлади ва 1795 йили Россия империяси таркибиға күшиб олинди. Биринчи жаҳон уруши вақтида мамлакат деярли тўлиқ немис қўшинлари томонидан оккупация килинди. 1918 йили Белоруссия Халқ Республикаси эълон килинди, бирок, тез орада большевиклар уни йўқ килишиди. 1919 йили Совет Белоруссияси тузилди. Польша 1920 йили Белоруссия худудларини босиб олиди ва 1921 йилги совет-поляк «Рига тиңчлик сухига» кўра унга Гарбий Белоруссия худудлари ўтди. 1922 йилнинг 30 декабрида СССР ташкил топди ва Белоруссия СССРнинг таркибиға кирди. 1939 йили СССР ва Германия ўргасидаги сепарат келишувлар натижасида Гарбий Белоруссия республика таркибиға кайтарилди. Иккинчи жаҳон урушида 1941–1944 йилларда, Беларусь ерлари немис босқинчиларига қарши жаиг майдонига айланди. Урушда мамлакатнинг 2,5 млн ахолиси кириб ташланди, йирик шахарлар – Минск, Брест, Витебск, Могилёв вайрон килинди, 9 мингдан ортик кишлеклар ёндириб юборилди. Уруш вақтида мамлакат худудида 1100 та партизан отрядлари (375 000 жангчи) ҳаракат килди. 1944 йилнинг ёнзида Белоруссия совет қўшинлари томонидан озод килинди. 1945 йили Белоруссия СССР таркибиде ҳозирги худудларига эга бўлди. СССРнинг парчаланиши оқибатида 1991 йилнинг 25 августида мустакил давлат – Белоруссия эълон килинди. 1997 йили Белоруссия худудидан ядро куролларини олиб чикиш тутгалланди ва мамлакат ядродан холи зона деб эълон килинди. 2011 йили Беларусь Россия ва Козогистон давлатлари билан Божхона иттифоқига, 2012 йил 1 январдан Ягона иктисодий худудга бирлашди.

## БЕЛЬГИЯ

Расмий нами – Бельгия Қироллиги. Пойтахти – Брюссель. Ҳудуди – 30 528 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 11 183 350 киши (2013). Давлат тили – флананд, француз, немис. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига эътиқод қлади. Пул бирлиги – евро.

**Географик жойлашуви ва табиати.** Европанинг шимоли-гарбига жойлашган давлат. Шимолда – Нидерландия (450 км), шарқда – Германия (167 км), жануби-шарқда – Люксембург (148 км), жануб ва жануби-гарбда – Франция (620 км) билан чегара дош. Курукликтаги чегаралари узунилиги – 1385 км. Гарбий киргоклари Шимолий дengиз билан тулашган. Бельгияни уч географик худудга булиш мумкин, булар: соҳилбўйи текислиги, марказий ясситог ва Ардени тепаликлари. Соҳилбўйи текисликлари мамлакатнинг шимоли-гарбига жойлашган бўлиб, кумли тепаликлар ва тўғонлар воситасида дengиздан ажратиб олинган ер майдонларидан иборат. Марказий ясситогликлар паст тепаликлардан иборат унумдор жойлардир. Арденин тепалилиги мамлакатнинг жануби-шарқида жойлашган бўлиб, ўргача баландлиги 460 м ни ташкил этади. Бельгиянинг энг юкори нуктаси – Арденнадаги Ботранж тоги (694 м).

Иклими – мўтадил. Мамлакатнинг катта дарёлари: Шельда ва Маас. Фойдали казилмалардан кўмир, табиий газ мавжуд. Кенг баргли ўрмонларда эман, кора кайнин, граб каби даражатлар ўсади. Кўрикхоналар ва табиий парклари кўп. Ҳайвонлардан кобон, күён, ўрмон сичконлари, олмахон, охуларни учратиш мумкин. Вальдшнеп, тустовуқ, ўрдак, каклия каби кушлар мавжуд.

**Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.** Давлат тузилиши – конституциявий монархия. Ижро этувчи ҳокимият кирол ва Вазирлар маҳкамаси бошлиги – боз вазирга тегиши. Конун чиқарувчи ҳокимият иккни палатали парламент (юкори палата – Сенат ва Вакиллар палатаси)дан иборат. Мамлакат 9 та провинциядан ташкил топган<sup>1</sup>. Сиёсий партиялари: Социалистик партия, Христиан халк партияси, Фламанд либераллари ва демократлари партияси, Бельгия коммунистлари иттифоки.

**Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.** Асосий саноат тармоклари – озиқ-овқат, кимё, металлургия, металлни кайта ишлаш, машинасозлик, тўки-мачилик, ойна ишлаб чиқариш (ойна ва тошойна экспорти бўйича дунёда биринчи ўринда туради). Кишлек хўжалигига канд лавлаги, мева ва сабзавотлар, бутдой етиштирилади. Чорвачилик ҳам ривожланган. Бельгия Европада йирик сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларидан биридир. 2012 йилда ЯИМ мидори 476 796 млн (аҳоли жон бошига – 43 686) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕИ мамлакатлари, АҚШ.

Асосий портлари: Антверпен, Брюгге, Гент, Остенде ва Зебрюгте.

**Тарихи.** Мамлакат худудида кадимда белг кабилалари истикомат килишган. М. а. 57 йилда Бельгия Юлий Цезарь томонидан босиб олинди ва Рим империяси таркибига кўшилди. Ўрта асрларда Бельгия худудлари (Брабанд герцоглиги, Фландрия, Люксембург графликлари) Нидерландия таркибига кирган. XVI асрдаги Нидерландия буржуза инқилоби Бельгия худудида мағлубият билан якун-

<sup>1</sup> Антверпен, Брабант, Шаркий Фландрия, Гарбий Фландрия, Льеж, Лимбург, Люксембург, Намюр, Эно.

ланци. Испан тахти учун олиб борилган урушлар оқибатида Бельгия Австрия Габсбурглари хукмронлиги остига ўтди. 1813–1830 йилларда мамлакат Нидерландия кироллиги таркибида бўлди. 1830 йилдаги Бельгия инкилоби мустақил Бельгия кироллигининг эълон килинишига олиб келди. Тез орада унинг умрбод бетарафлиги эълон килинди. 1908 йилда Бельгия мустамлака мулк – Бельгия Конгосига, 1922 йилда эса Руанда-Урунду мандатига эга бўлди. Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари даврида Бельгия худудлари немис кўшинлари томонидан ишғол килинган. 1960 йилда Бельгия Конгога, 1962 йили эса Руанда-Урундуга мустакиллик берди. 1949 йилдан бўён Бельгия НАТО аъзоси. Брюсселда Европадаги кўшма куролли кучлар Буш кўмандонлиги ва НАТО кенгаши штаб-квартиralари жойлашган. 1958 йилда Бельгия Нидерландия ва Люксембург билан божхона иттифоқчилик шартномаларини имзолайди. XX асрнинг 60–70-йилларида Бельгиядаги фламандлар ва валлонлар ўргасидаги муносабатлар кескинлашуви оқибатида вазият бирмунча мураккаблашди. 1993 йилда ушбу можаро конституцияга ўзгартириш киритилишига олиб келди ва унга кўра Бельгия федератив давлат бўлиб, Фландрия ва Валлония ўз хукуматларига эга бўлиш хукукини кўлга киритди.

2011 йили Бельгиядаги 249 кунлик хукуматсиз бошқарувдан сўнг парламент сайловлари ўтказилди.

## БЕНИН

*Расмий нами – Бенин Республикаси. Пойтахти – Порт-Ново (президент ва хукумат қароргоҳи Котону шаҳрида). Ҳудуди – 112 622 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 9 353 830 киши (2012). Давлат тили – француз. Сигинувчилар мажусийлик (70%), христиан (15%) ва ислам (15%) динларига эътиқод қиласади. Пул бирлиги – африка франки.*

*Географик жойлашуви ва табиати. Гарбий Африкада жойлашган давлат. Шимолда – Буркина-Фасо (306 км), Нигер (266 км), шарқда – Нигерия (773 км), гарбда – Того (644 км) билан чегарадош. Куруклиқдаги чегараларин узунлиги – 1989 км. Жанубда соҳиллари Гвинея кўрфази билан туташган. Мамлакат юзаси жанубда пастлик, шимолда ясситоғлик, шимоли-гарбда Атакора тогларидан иборат. Асосий дарёси – Веме.*

*Иклими – экваториал ва субэкваториал. Мамлакатда мармар ва нефть захиралари мавжуд. Ҳудуднинг катта кисми саваниналар, жанубда дарё бўйларида нам тропик ўрмонлар билан қопланган. Ҳайвонлардан фил, антилопа, кўтос, маймун, тимсоҳлар мавжуд. Кушлар ҳам кўп.*

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши – республика. Давлат ва хукумат бошлиги – президент. Конун чикарувчи хокимият – бир па-*

латали парламент – Миллат мажлиси. Бенин б вилоятга бўлинган. Сиёсий партиялари: Бенин тикланиши, демократик янгиланиш партияси, Алафия – янгиланиш ва ривожланиш учун харакатлар фронти.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Бенин – аграр мамлакат. Кишлек хўжалиги маҳсулотларини кайта ишлаш, озиқ-овқат, тўкимачилик корхоналари фаолият қурсатмоқда. Чорвачилик ривожланган. Пахта, ерёнғоқ, қаъва етиштирилади. 2012 йилда ЯИМ миқдори 7581 млн (аҳоли жон бошига – 794) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Марокаш, Франция, Португалия, АҚШ, Хитой, Гана, Италия, Голландия, Нигерия, Кот-д'Ивуар.

Асосий порти: Котону.

*Тарихи.* XV асрда Бениннинг киргок худудларига европаликлар кириб келишиди ва уни кул савдосининг йирик марказларидан бирига айлантирилар. Бенин худудида вужудга келган Дагомея давлати тўгрисидаги биринчи маълумотлар XVII асрга оидdir. 1890 йиллар бошида Дагомея француз истилочилари томонидан босиб олиниди. XIX аср охириларида Бенин худуди инглиз мустамлакачилари томонидан босиб олиниб, кейинчалик Нигерия мустамлакаси таркибига кўшиб юборилди. Дагомея 1904 йилда француз мустамлакасига айланди ва ҳозирги кунгача Франциянинг асосий савдо ҳамкори бўлиб колмоқда. 1960 йилнинг 1 августидан Бенин Дагомея Республикаси номи остидаги мустакил давлатdir. 1960–1972 йилларда мамлакатда 10 та ҳукумат алмасиб, 5 та ҳарбий тўнтириш бўлиб ўтди. 1972 йилда ҳокимият тепасига ҳарбий-инқилобий ҳукумат келди. 1990 йилнинг мартаидан мамлакат Бенин Республикаси деб атала бошланди. 1990 йилнинг декабрида янги конституция кабул килинди. 1996 йили кўпартиявийлик асосида президент сайланди.

## БЕРМУДА ОРОЛЛАРИ

*Расмий номи – Бермуда Ороллари (Буюк Британия мулки). Пойтахти – Гамильтон. Худуди – 58,8 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 65 200 киши (2012). Давлат тили – инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динига эътиқод қиласади. Пул бирлиги – бермуда доллари.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Ороллар Атлантика океанининг шимоли-гарбий қисмida жойлашган, 360 та атрофидаги ороллар ва қоялардан иборат, улардан 20 тасида одам яшамайди. 10 та орол ўзаро кўприклар билан бирлаштирилиб, асосий орол – Майн-Айлендни ташкил этади. Ороллар текисликлардан иборат.

Иклими – тропик, иссиқ. Табиий ўсимликлари сақланиб қолмаган. Қайта экиладиган тропик ўсимликлар ва дараҳтлар бор. Майда кемириувчилар кўп. Кушларнинг бир қанча турлари (тўтикуш, денгиз кушлари), ҳашаротлар бор.

*Давлат түзилиши, сиёсий партиялари.* Давлат түзилиши – Буюк Британия мулки. Давлат бошлиги – Буюк Британия кироли (киролича) томонидан тайинланадиган, ташки сиёсат, мудофаа, полиция, ички хавфсизлик масалалари билан шугулланадиган губернатор. Маммурый жиҳатдан 9 та округ ва 2 та муниципалитетта бўлинади. Сиёсий партиялари: Бирлашган Бермуда партияси, Лейбористик тараккёт партияси, Миллий либерал партия.

*Иктисади ва транспорт коммуникациялари.* Иктисадининг асосини чет эл туризми ташкил этди. Бермуда оролларни мухим молиявий марказадир. Оролларда 6 мингдан ортиқ чет эл компаниялари рўйхатта олинган. Бермуда оролларни рўйхатта олинган чет эл кемаларининг хажми жиҳатидан 5-уринни эгаллайди. Кемаларни таъмирлаш, кайнек ясаш йўлга кўйилган, фармацевтик маҳсулотлар ишлаб чиқариш, курилиш материаллари корхоналари фаолият юритади. Картошка, карам, помидор, банан, гуллар етиштирилади. Балиқчилик ривожланган. 2010 йилда ЯИМ миқдори 4500 млн (ахоли жон бошига – 69 900) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Буюк Британия, Венесуэла.

*Тарихи.* Ороллар 1522 йилда испан денгиз сайёхи Х.Бермудес томонидан кашф этилган. 1609 йилда оролларга инглизлар келиб жойлаша бошлади. 1684 йилда бу худудлар Англия мустамлакасига айланди. 1968 йилда оролларга ички ўз-ўзини бошқариш хукуки берилди. 1989 йилда Британия хукумати Бермуда оролларига мустакиллик бериш талабини рад этди. 1995 йили ўтказилган референдумда ахолининг кўпчилик қисми карам худуд макомини саклаб колиш учун овоз берди.

## БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ

*Расмий номи – Бирлашган Араб Амирликлари. Пойтахти – Абу-Даби. Худуди – 83 657 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 4 800 250 киши (2012). Давлат тили – араб. Давлат дини – ислам. Пул биртиги – дирҳам.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Арабистон яриморолининг шарқида жойлашган, етти араб давлатидан иборат федерация. Жануб ва гарбда – Саудия Арабистони (чегара узунлиги – 457 км), шимолда – Уммон (410 км), шимолигарбда эса Катар билан чегарадош. Куруклиқдаги чегаралари узунлиги – 867 км. Шимолда Форс кўрфази, шарқида Уммон кўрфази билан туташиб кетган. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 1318 км. Мамлакот ландшафтida текисликлар устунлик килади. Унумсиз кирғок текисликлари кумли барханларга айланниб боради. Мамлакат ичкарисидаги йирик майдонлар чўйлар ва шўрҳок ерлардан иборат. Шарқида Ҳожар тог чўккилари жойлашган (баландлиги – 1127 м). Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) учун чўл ўсимликлари дунёси хосдир: янтоқ ва чўл иклимига чидамли ўтлар (ксерофит). Мамлакатининг сугориладиган май-

донларида ёввойи ва мевали дарахтлар – хурмо, акация ўстирилади. Ҳайвонот дунёси кийик, күсн ҳамда илон ва калтакесакларнинг ҳар хил турларидан иборат. Форс ва Уммон кўрфази сувлари баликка бой.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Марказий ҳокимияти маҳсус ваколатларга эга бўлган амирликлар федерациясидан иборат. Федерацияга етти араб амирлиги: Абу-Даби, Ажиман, Дубай, Рас-ал-Хайма, Умм-ал-Кавайн, Шаржа ҳамда Ал-Фужайра киради. БАА 1971 йилнинг 2 декабряда мустакилликка эришди. Мустакилликка кадар у Буюк Британия протекторати (карам давлати) хисобланниб, унинг олдинги номи Шартномавий Уммон бўлган. Буюк Британия БААга мустакиллик берган кун (1971 йил 2 декабрь) миллий байрам – Федерациининг ташкил топган куни сифатида нишонланади. Ижро этувчи ҳокимият президентга ҳамда ҳукмдорларнинг Олий кенгашига тегишилдир. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни бир палатали Федерал миллат кенгаши (парламентта ўхшашиб маслаҳат органи) амалга оширади. Сиёсий партиялар мавжуд эмас.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Мамлакат иқтисоди нефть ва газ экспортига асосланган. 1973 йилда дунёда нефть харид нархининг кескин кўтарилиши мамлакатдаги иқтисодий ахволнинг вактинчалик үзгаришига олиб келди. Қишлоқ хўжалигига меҳнатга лаёкатли ахолининг 5% банд бўлиб, хурмо, сабзавотлар, тарвуз, парранда, сут ва балиқ етиширилади. Мамлакат ўз ички озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабининг чорак қисминигина таъминлайди. 2012 йилда ЯИМ микдори 361 912 млн (аҳоли жон бошига – 64 840) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Япония, Буюк Британия, Германия, Жанубий Корея.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 2000 км (асфальт ётқизилган йўллар – 1800 км). Мамлакатнинг асосий портлари: Абу-Даби, Дубай, Шаржа, Ал-Фужайра.

*Тарихи.* XIX аср охириларигача БАА Уммон таркибида бўлган. 1892 йилда Арабистон яриморолининг шарқий қисмида жойлашган Араб давлатлари федерацияси Форс кўрфазидаги дентиз кароқчиларига карши курашиш мақсадида Буюк Британия билан келишув имзолади. 1971 йилгача, яъни БАА давлат мустакиллиги зълон килингунга кадар у Буюк Британия протекторати эди. 1972 йил 10 февралда Раъс ул-Хайма амирлиги ҳам федерацияга қўшилди. 1990–1991 йилларда БАА қўшинлари Кувайтни озод килишда иштирок этди.

## БОЛГАРИЯ

*Расмий номи – Болгария Республикаси. Пойтахти – София. Худуди – 110 912 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 7 282 040 киши (2013). Давлат тили – болгар. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг православ (85%) мазҳабига ва ислом динига (13%) эътиқод қиласиди. Пул бирлиги – лев.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Болкон яриморолидаги Жануби-Шаркйи Европа давлати. Шимолда – Руминия (608 км), гарбда – Сербия (318 км) ва Македония (148 км), жанубда – Греция (494 км) ва Туркия (240 км) билан чегарадош. Курукликтаги четаралари узунилиги – 1808 км. Шаркда Кора дengiz билан тулашган. Худудининг катта кисмини тоғ ва тепаликлар эгаллаган. Мамлакат марказида шимоли-гарбдан Кора дengизгача чўзилган Болкон тоғлари жойлашган. Жанубда – Родопи тоғлари, жануби-гарбда эса мамлакатнинг энг юкори нуткаси – Мусала чўккиси (2925 м) жойлашган Рила тоғлари мавжуд. Болкон тоғларининг жанубий ёнбагирлари ва Родопи тоғлари орасида Марица дарсси водийси ястаниб ётиби.

Иклими – мўътадил континентал. Йирик дарёлари: Дунай, Искар ва Марица. Фойдали казилмалардан боксит, мис, кўроғошин, кўмир мавжуд. Ёғоч тайсрланади. Мамлакат худудининг катта кисмини ўрмонлар эгаллаган. Водийларда баргли, тоғларда эса игнабаргли ўрмонлар устуныл килади. Ҳайвонлардан куён, тулки, кобон, бўрсик, юмонкозик, кийик, оху кабилар мавжуд.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Болгария – унитар республика. Давлат бошлиги – президент. Ижро этувчи ҳокимият бош вазир бошчилиги даги Вазирлар кенгашига тегиши. Конун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент – Ҳалқ мажлиси томонидан амалга оширилади. Сиёсий партиялари: Демократик кучлар иттифоки, Болгария социалистик партияси, Ҳалқ иттифоки, хукук ва эркинликлар учун ҳаракат.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Ривожланган саноат соҳалари: машинасозлик, металлургия, озик-овқат, тўқимачилик, кимё, ёғочни кайта ишлаш. Машинасозлик ҳўжалигининг мухим тармогидир. Машинасозлик корхоналари республиканинг кўпгина шахарларида курилган, улардан энг йириклари София, Варна, Гуса, Бургос, Пловдивда жойлашган. Болгария минерал ресурслар билан нисбатан яхши таъминланган. Қишлоқ ҳўжалиги Болгария ЯИМининг 1/8 кисмини ташкил этиб, иқтисодий фаол ахолининг 1/5 кисмини иш билан банд қилган. Донли экинлар учун хайдаладиган ерларнинг 3/5 кисми ажратилган. Маккажӯҳори, шоли, арпа, бугдой экиласди. Жанубда экиласдиган тамаки ва кунгабокарга алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, мамлакат помидор ва узумнинг йирик экспортчиларидан биридир. Сўнгти ўйларда туризм хам яхши ривожланмоқда. 2012 йилда ЯИМ миқдори 50 806 млн (аҳоли жон бошига – 7033) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари – Россия, Германия, Италия, Туркия, Греция.

Асосий портлари: Бургос, Варна.

*Тарихи.* М. а. VIII асрда замонавий Болгария худудида фракияликлар кабилалари истиқомат килишган. М. а. VII асрда мамлакат киргосларида грек шахарлари – Аполлония (замонавий Созополь), Одессос (замонавий Варна), Месембрі (замонавий Несебир)га асос солинди. I асрда бу ерларнинг Рим томо-

нидан босиб олиниши оқибатида Рим провинциялари Мезия ва Фракия ташкил топди. 395 йили Рим империяси инкирозда юз тутганидан сүнг бу икки провинция Византия империяси таркибига кирди. VI асрдан бошлаб мамлакатта славян кабилалари кириб кела бошлади. 680 йилда хон Аспарух бошчилигига Биринчи болгар кироллиги ташкил этилди. Византия янги давлатни тан олди. 894 йилда ака-ука Кирилл ва Мефодий славян ёзувины киритдилар. 1014 йилда Византия императори Василий II Болгаробойца Беласица ёнидаги жантада болгар күшинларини тор-мор қилди. Тез орада мамлакат Византия таркибига күшилди. 1187 йилда мустакил иккинчи Болгар кироллиги ташкил этилди. XIV аср охирларда Болгария турклар томонидан ишғол қилинди. 1878 йили рус-турк уруши оқибатида мамлакатнинг шимолий кисмидаги мустакил Болгар князлиги ташкил топди. Жанубий кисми – Шаркий Румелия Туркияning автоном провинцияси эди. 1885 йилдаги туркларга карши күтарилиган Пловдив кўзғолони мамлакатнинг бирлашишига олиб келди. 1908 йилда Болгария Туркиядан тўла мустакилларини эълон килиб, кироллик сифатида қайта ташкил этилди. Биринчи жаҳон урушида Болгария Германия тарафида туриб уруш олиб борди ва бунинг оқибатида Жанубий Добружа худудини бой берди. 1940 йили фашистик давлатлар билан ҳамкорлик шартномасини имзолади ва Жанубий Добружани Руминиядан кайтариб олди. 1941–1944 йилларда Болгария Иккинчи жаҳон урушида фашистик блок тарафида иштирок этди. 1944 йилда мамлакатта совет кўшинлари кириб келди. Шу вактда Софияда давлат тўнгарилиши ўтказилиб, янги тузилган ҳокимият Германияга карши уруш эълон қилди. 1946 йилда монархия йўқ килиниб, Болгария Халқ Республикаси ташкил топганлиги эълон қилинди. Болгария 1949 йилда ЎИЁК (СЭВ)га, 1955 йилда Варшава Шартномаси уюшмасига аъзо бўлиб кирди. 40 йилдан ортиқ вакт давомида мамлакатда Тодор Живков бошчилигидаги коммунистик тузум ҳукмонийлик қилди. 1990 йилда бу тузум ағдарилиб, Болгария демократик ҳукуматини ташкил этиш жараёни бошланди. 1991 йилда янги конституция кабул килиниб, мамлакат номи Болгария Республикаси деб ўзгарилилди. Болгария 2004 йили НАТОга, 2007 йили ЕИга аъзо бўлди.

## БОЛИВИЯ

*Расмий номи – Боливия Республикаси. Пойтахти – Сукре (расмий ҳукумат жойлашган шаҳар Ла-Пас). Худуди – 1 098 581 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 10 248 000 киши (2012). Давлат тили – испан, кечуа, аймара. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига эътиқод қиласади. Пул бирлиги – боливиано.*

*Географик жойлашуви ва табииати. Жанубий Американинг марказий қисмидаги жойлашган давлат. Боливия шимол ва шарқда – Бразилия (3423 км), жануби-шарқда – Парагвай (750 км), гарбда – Чили (860 км) ва Перу (1075 км),*

жанубда – Аргентина (832 км) билан чегарадош. Чегарасининг узумий узунилиги – 6940 км. Боливиянинг жануби-тарби Анд тогларида жойлашган. Мамлакатнинг тогли кисми Гарбий ва Шаркий тоб тизмаларига ажralган бўлиб, уларнинг орасида дениз сатҳидан 4000 м баландликда Пуна ясси тоглиги жойлашган. Гарбда ясси тоглар, сўнгандардан занжири бор. Шу ерда дунёдаги энг гарониб тоб кўли – Титикака жойлашган. Шарқида Анд тогларнинг энг юкори чўқоиларин Илимани (6682 м), Анкоума (6550 м), Иллампу (6485 м) жойлашган.

Иклими – тропик, субэкваториал. Асосий дарёлари: Бенин, Маморе, Десагуадеро, Мадейра (Амазонканинг йирик ирмоги). Боливияда кўллар кўп бўлиб, уларнинг орасида Титикака ва Поопо энг катталари хисобланади. Боливияда фойдали казилмалардан калайи, рух, кумуш, олтин, мис, кўргошин, вольфрам, сурма, табиий газ, нефть захиралари мавжуд. Судралиб юрувчи хайвонлар, кушлар ва хашартлар хам кенг таркалган.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* Боливия – унитар республика. Давлат ва хукумат бошлиги – президент. Шунингдек, ижро этувчи ҳокимият Вазирлар махкамасига хам тегишилди. Конун чиқарувчи ҳокимият икки палатали – Сенат ва Депутатлар палатасидан иборат Миллий конгресс томонидан амалга оширилади. Боливия 9 департаментдан иборат республика. Сиёсий партиялари: Миллий инкилобий харакат, Сўл миллатпарвар инкилобий партия, Миллий демократик фаолият, Фукаролар «Бирдамлик» иттифоки.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Боливия табиий ресурсларга бой бўлишинга карамасдан, Лотин Америкасидаги иқтисодий жихатдан энг колок мамлакатлардан бири. Асосий саноат тармоклари – тоб-кон ва табиий газ қазиб олиш. Калайи, вольфрам, сурма, раңгли металларни казиб олиш бўйича Боливия дунёда биринчи ўринлардан бирида туради. Нефтни кайта ишлаш, металлга ишлов бериш, тўқимачилик саноати, шунингдек, тамаки ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш ривожланган. Маданий ўсимликлардан картошка, шоли, бошоқлилар, шакарқамиш, қақва ўстирилади. 2012 йилда ЯИМ миқдори 26 749 млн (аҳоли жон бошига – 2513) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Аргентина, Бразилия, Перу, Чили, Япония, ЕИ мамлакатлари.

АвтомобиЛЬ ва темир йўллардан ташкирни ички сув йўллари хам мавжуд.

*Тарixи.* Титикака кўлининг жанубида кадимда, инкларгача бўлган даврда, Тиахуанако давлати мавжуд бўлган. Бу давлат Х асрнча гуллаб-янаган. XII асрда давлатни аймора хиндулари, кейинчалик замонавий Боливия худудини инклар ишғол килди. XVI асрда бу худудни испанлар босиб олиб, Боливия Перу вице-кироллиги таркибига кирди. 1825 йилда мустақиллик учун кураш раҳбари Симон Боливар кўшилари испанлар устидан галаба қозонди. 1964 йилда ҳарбий тўнтириш амалга оширилди. Ҳарбий хунта билан курашиб учун инкилобий харакат ташкил этилиб, унга Эрнесто Че Гевара бошлилик килди. Мамлакатда бир неча маротаба давлат тўнтирилишлари бўлиб ўтади ва 1982 йиллагина ҳокимиятни демократик хукумат эгаллади.

## БОСНИЯ ВА ГЕРЦЕГОВИНА

*Расмий номи – Босния ва Герцеговина Республикаси. Пойтахти – Сараево. Худуди – 51 129 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 3 839 700 киши (2011). Давлат тили – босний, серб, хорват. Сигинувчиларнинг асосий қисми ислом динига (40%) ва христиан динининг православ (31%), протестант (4%) ҳамда католик (2%) мазҳабларига зътиқод қиласди. Пул бирлиги – эркин конвертация қилинувчи марка.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Европанинг жануби-шарқида, Болқон яриморлининг марказий қисмидаги жойлашган. Шимол ва гарбда – Хорватия (932 км), шарқ ва жанубда – Сербия (302 км) ҳамда Черногория (225 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги – 1459 км. Худудининг 90% ни тоғлар эгаллади. Жанубда пасттоголиклар ва ҳосилдор тоғ даралари баландлиги 2000–2400 м бўлган Динор яситоғлигига айланади. Энг юқори нуқтаси Маглич тогида жойлашган (2386 м). Текисликлар шимолда Сава дарёси бўйида мавжуд.

Иклими: марказда – мўътадил континентал, соҳил бўйида – субтропик. Асосий дарёлари: Врбас, Неретва, Босна, Ува. Табиий бойликлари: кўмир, лигнит, темир рудаси, бокситлар. Мамлакатнинг асосий қисми Ўрта Ер дентизи типига хос ўсимликлар, баргли ва игнабаргли дараҳтлар билан қопланган. Ўрмонларда силовсин, бури, айик, тулки, оху ва муфлонлар яшайди.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – федератив республика. Давлат ва ҳукумат раҳбари – президент. Ижро этувчи ҳокимият президент, шунингдек, етти аъзодан иборат Босния-Герцеговина президиумига тегишли. Конун чиқарувчи олий орган – иккى палатали Миллий ассамблея. Асосий маъмурӣ-худудий бирлиги – община (мамлакат 109 та общинага бўлинган). Асосий сиёсий партиялари: Демократик ҳаракат партияси, Мусулмон демократик ҳаракат партияси, Серб демократик партияси, Хорват демократик ҳамдӯстлиги.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Мамлакат улкан қазилма бойликлар заҳираларига эга. 1991–1992 йиллардаги уруш натижасида иқтисодида кескин тушкунлик юз берди. Ҳозирда саноат ишлаб чиқариши жуда паст даражада. Кўмир, кимё, электр энергиясини ишлаб чиқариш, асбоб-ускуна ясаш, ёғочни кайта ишлаш саноатлари нисбатан ривожланган. Темир, кўмир, бокситлар казиб олиниади. Бошокли ўсимликлар, тамаки, турли меваалар етиштирилади. Экспорти: қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари, кимё саноати маҳсулотлари, темир рудаси, ёғоч. Импорти: машина ва ускуналар, ёқилги. 2012 йилда ЯИМ миқдори 16 551 млн (аҳоли жон бошига – 4461) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: МДҲ ва Шарқий Европа давлатлари.

*Тарихи.* I асрда мамлакатнинг қадимги қабилалари – иллирияликлар римликлар томонидан босиб олиниади ва Далмация провинциясига айлантирила-

ди. V асрда осттотлар, 535 йилда эса Византия хукмронлиги ўрнатылган. VII асра келип бу худудларда славян кабилалари ўрнашадылар. XII асрда Босния мустакил феодал князлиги вужуда келди. 1448 йилда мамлакатнинг жанубий хукмдорларидан бири ўзини мустакил Герцеговина герцоги деб эълон килди. XV асрининг иккинчи ярмида Босния ва Герцеговина туркларга карши йирик халк кўзголони бўлиб ўтди. 1878 йили Босния-Герцеговина худудлари Австро-Венгрия таркибига киритилди. 1908 йилда австрийликлар мамлакатни аннексия килдилар. 1914 йили Сараевода Австрия таҳт вориси эрц-герцог Ф. Фердинанд Үлдирилиши билан Биринчи жаҳон уруши бошланади. 1918 йилда Босния ва Герцеговина Серблар, хорватлар ва словенлар кироллиги таркибига киритилди (1929 йилдан – Югославия). Иккинчи жаҳон уруши даврида фашистлар томонидан оккупация килинган. 1945 йилдан – Югославия Халқ Федератив Республикаси таркибida. 1991 йилнинг 15 октябринда Босния-Герцеговина мустакиллик декларациясини эълон килди. Шу даврдан серблар, хорватлар ва босниялик мусулмонлар ўртасида фукаролар уруши авж олди. 1992 йилда давлатга БМТ кўшинлари киритилди. 1995 йили Парижда можарони тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисида Париж битими имзоланди.

## БОТСВАНА

*Расмий номи – Ботswana Республикаси. Пойтахти – Габороне. Ҳудуди – 600 400 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 2 053 200 киши (2012). Давлат тили – инглиз, септсвана ёки тсвана. Сигинувчилар мажсусийлик (50%) ва христиан динига (50%) эътиқод қиласади. Пул бирлиги – пула.*

*Географик жойлашшиви ва табииати.* Африканинг жанубида жойлашган. Шимол ва гарбда – Намибия (1360 км), шимоли-шарқида – Замбия ва Зимбабве (813 км), жануб ва жануби-шарқида – Жанубий Африка Республикаси (1840 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги – 4013 км. Ботswana текисликдаги мамлакат бўлиб, жануби-тарбий кисмини Калаҳари чўли эталлаган. Энг юкори нуткаси Цодило тепаликларида (1489 м) жойлашган.

Иклими – субтропик. Энг катта дарёси – Лимпопо. Қазилма бойликларидан олмос, мис, кўмир, темир рудаси, кумуш, табиий газ мавжуд. Флорасини чўл саванналарида ўсадиган ўсимликлар ташкил этади. Хайвонот дунёсида арслон, жирафа, зебра, антилопа, фил, чиабури, сиртлон, тимсоҳ, тяжушларни учратиш мумкин. Илонлар ва калтакесаклар ҳам кўплаб учрайди.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Давлат ва хукумат бошлиги – президент. Конун чиқарувчи олий хокимият органи – Миллий ассамблэя (парламент). Ботswana 10 та вилоятта бўлинган. Аҳолисининг катта кисми Лимпопо дарёси оқими бўйлаб чўзилган тор водийда

яшайди. 100 мингга яқин киши күчманды ҳаёт кечиради. Сиёсий партиялари: Ботсвана демократик партияси, Либерал партия, Халқ партияси, Ботсвана миллий фронти.

**Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.** Ботсвана тог-кон саноати ривожланыптаған аграр мамлакат. Олмос, никель, марганец, мис рудалари көзінде олинади. Чорвачилек яхши ривожланған. Кишлек хұжалигига жұхори, маккаждындағы шашқа маданий үсімдіктер етиштирилади. 2012 йилда ЯИМ міндері 17641 млн (ақоли жон бошиға – 9398) долларни ташкил эттән. Асосий савдо қамкорлари: Лесото, Намибия, ЖАР, Свазиленд, Буюк Британия, АҚШ ва башқа Еуропа мамлакатлари.

**Тарихи.** Ботсвана халқы XVII аср ўрталарда шаклланған деб хисобланади. XIX аср ўрталарда Ботсвана туб ақолиси бүшмемларни бүйсундириб, уларға тегишли бұлған худудларни әгаллаган. 1820–1870 йилларда Ботсванада қабилалар – араб мажаролар бұлғын түрді. 1876 йилда қабила бошлиғи Кхама ва башқа қабила бошлиқтары Жанубий Африкадан Буюк Британия комиссарига үз халқарини Британия қоюмларына олишни сұрап мурожаат килишди. 1895 йилда шу худуднинг жанубий қисмі Кап мустамлакасында құшилған бир вактда, шимоли худудлар инглиз протекторати макомини саклаб колди. 1966 йилтача мамлакат Бечуаналенд номи билан инглиз протекторати зди. 1966 йилнинг 30 сентябрьда мамлакат мустақиллікка әрішиб, номланишини хам үзгартырды ва Ботсвана деб атала бошлади. Ботсвана Африка кітъасининг жанубий қисмінде бириңчи бұлғын мустақиллікка әрішган давлат.

## БРАЗИЛИЯ

**Расмий номи – Бразилия Федератив Республикаси. Пойтахти – Бразилия. Худуды – 8511965 км<sup>2</sup>. Ақолиси – 201016000 киши (2013). Давлат тили – португал. Сигиңүвчиларнинг асосий қисмі христиан дінининг католик мазхабига әзтиқод қылады. Пул бирлигі – реал.**

**Географик жойлашуви ва табиати.** Жанубий Американың шарқында жақын кисмінде жойлашкан, кітъасындағы деярлі ярмини әгаллаган зерттеулерге жаһанда – Венесуэла (2200 км), Гайана (1606 км), Суринам (593 км), Француз Гвианасы (730 км), шимоли-ғарбда – Колумбия (1644 км), ғарбда – Перу (2995 км), Боливия (3423 км), Парагвай (1365 км), Аргентина (1261 км), жанубда – Уругвай (1068 км) билан чегаралады. Куруқликдаги чегаралардың узунлігі – 16 885 км. Шимоли шарқтың кирғоклары Атлантика океаны билан туташкан. Мамлакат рельефини Бразил текис төгликтары, жанубий баландлық кисмінің чүкмалар, сертепа текисликтар, дарә водийлари ва шимолий Амазония водийлери әгаллаган. Амазонка дарә хавзаси Бразилия майдонининг 1/3

кисмидан ортиқорғиниң эгаллаган бўлиб, дунёдаги чучук сув захираларининг 1/5 кисмини ташкил этади. Мамлакат шимолида Гвиан текистоғилклари жойлашган. Бразилияning энг юкори нуктаси ҳам айнан шу ерда бўлиб, бу – Пико-де Неблина (3014 м).

Иклими – Бразилия турли иклим зоналарда жойлашган. Гарбда – экваториал, шарқ ва марказда – субэкваториал, шарқда – тропик, жанубда – субтропик. Асосий дарёлари: Амазонка, Парана, Сан-Франсиско, Уругвай, Парагвай. Табиий бойликлардан темир рудаси, кўргошин, алюминий, уран, марганец, нефть, кўмир, табиий газ ва ёғоч захиралари мавжуд. Ўсимлик дунёси ҳам жуда бой бўлиб, 4000 турдан зиёд дараҳатлар ўсади. Хайвонлардан – маймунлар, ягуар, пума, тулики, чумолиҳўрларни учратиш мумкин. Илонлардан – анаконда, боа бўгма илони, бушмастер (захарли илон)лар мавжуд. Дарёларida хавфли хисобланган пиранья ва кайманлар бор.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – федератив республика. Давлат ва хукumat бошлиги – президент. Конун чикарувчи хокимиятни иккι палатали Федерал сенат ва Депутатлар палатасидан ташкил топган Миллий конгресс амалга оширади. Бразилия 26 та штат ва 1 та пойтахт федерал округига бўлинган республикадир. Сиёсий партиялари: Бразилия тараккиёт партияси, Бразилия трабаллист партияси, Бразилия демократик харакат партияси.

*Иктисоли, транспорт коммуникациялари.* Бразилия бозор иктисоли муносабатларининг юкори ривожланниш даражасига эга бўлган индустрiali-аграр мамлакат. Саноатининг ривожланган соҳалари куйдагилардан иборат: машинасозлик (автомобилсозлик ва самолётсозлик), электроника, металлургия, кимё, ёғочни кайта ишлаш, тўқимачилик; қаҳва, шакаркамиш, цитруслар, соя, какао, шоли, маниока ўстирилади ва ишлов берилади. Чорвачилик ривожланган. Қорамол, чўчка, кўй, ийлек бокилади, паррандачилик яхши ривожланган. Бразилия кишлек хўжалик маҳсулотлари экспорти бўйича дунёда учинчи ўринда туради. 2012 йилда ЯНМ миқдори 2395 968 млн (ахоли жон бошига – 12.079) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Лотин Америкаси мамлакатлари, АҚШ, ЕИ ва Осиё мамлакатлари.

Автомобиль, темир йўл транспорти ва дарё кесма катиовлари мамлакат иктисолида муҳим ўрин тутади. Асосий портлари: Форталеза, Сальвадор, Рио-де-Жанейро, Порту-Алегри, Парамарибо.

*Тарихи.* Қадимда Бразилия худудида хинду кабилаларидан тупи-гуаранилар, каріблар, араваклар, пано, гелар истикомат килиншган. Португаллар томонидан Бразилия худуди кашф килингандан сўнг, Португалия уни мустамлакага айлантириди. Махаллий ахоли шакаркамиш плантацияларида ишлатилган. Африкандан олиб келинганд негрлар ҳам кулларга айлантирилган. XIX аср бошларидан Наполеон урушларни даврида Португалия кироли Жоао VI Бразилияга қочиб келиб, бу ерда португал империясига асос солди. 1821 йилда кирол ватанинга кайтди,

Бразилияда эса унинг ўрнига ўғли Педро I колиб, мамлакатни идора килишни бошлади. Тез орада Бразилия мустакил давлат деб эълон килинди. 1888 йили мамлакатда қуллик бекор килинди, 1891 йилда эса Бразилия Кўшма Штатлари номини олган федератив республика ташкил топганинги эълон килинди. 1930 йили ҳокимиятни ҳарбий хунта згаллади. Бир катор ҳарбий тўнтаришлардан сўнг, 1985 йилда ҳокимият тепасига фукаролик ҳукумати келди ва мамлакат демократик ривожланиш йўлига ўтди.

## БРУНЕЙ

*Расмий номи – Бруней-Доруссалом. Пойтахти – Бандар-Сери-Бегаван. Худуди – 5765 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 412 900 киши (2012). Давлат тили – малай. Давлат дини – ислам. Пул бирлиги – бруней доллари.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Жануби-Шаркий Осиёдаги Калимантан оролининг шимолида жойлашган давлат. Шимолий соҳиллари Жанубий Хитой дengизи билан туташган. Мамлакатни иккита бўлиб турадиган Саравак (Малайзия) штати (381 км) билан чегарадош. Мамлакат худуди шимол ва жанубда тепаликлар билан ўралган соҳилбўйи пасттекисликларидан иборат.

Иқлими – муссон экваториал. Қазилма бойликлардан нефть ва табиий газ конлари мавжуд. Мамлакат худудининг 75%ини тропик ўрмонлар эгаллаган. Ҳайвонот дунёсида маймун, кийик, тўнғиз, тропик капалакларни учратиш мумкин.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялар.* Давлат тузилиши – конституциявий монархия (султонлик). Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдустлик аъзоси. Давлат бошлиги – султон. Султон ҳузурида бир нечта маслаҳат органлари бор. Сиёсий партиялар такикланган.

*Иқтисоди, транспорти коммуникациялари.* Мамлакат иқтисоди ривожланган бўлиб, унинг асосини нефть қазиб олиш, суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ва нефтни қайта ишлаш ташкил этади. Шоли, сага пальмаси каби маданий ўсимликлар ўстирилади. Чорвачилик ривожланган. Дарёларда кема катновлари йўлга кўйилган. 2012 йилда ЯИМ миқдори 16 852 млн (аҳоли жон бошига – 41 703) долларни ташкил этган. Савдо ҳамкорлари: ЕИ мамлакатлари, Жанубий Корея, Япония, Сингапур, АҚШ, Малайзия, Тайланд.

*Тарихи.* Султонликка XV асрда асос солинган. Унинг таркибига бутун Борнео ороли ҳамда унинг атрофидаги майдана ороллар кирган. 1888 йилда Бруней инглиз протекторатига айланди. 1959 йилнинг янги конституцияси Буюк Британияни Бруней мудофааси ва ташкил алокалар учун жавобгар бўлишга мажбур киларди. 1984 йили мустакиллик эълон килинди. 1991 йилда Бруней кўшилмаслик харакати аъзоси бўлди.

## БУРКИНА-ФАСО

*Расмий номи – Буркина-Фасо Республикаси. Пойтахти – Уагадугу. Жудуди – 274 122 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 17 481 900 киши (2012). Давлат тили – француз. Сиги-нувчилар ислом динига (50%), мажсусийликка (40%) ва христиан динининг католик мазҳабига (10%) эътиқод қиласди. Пул бирлиги – африка франки.*

*Географик жойлашви ва табииати. Гарбий Африка давлати. Шимол ва гарбда – Мали (1000 км), шаркда – Нигер (628 км), жанубда – Бенин (306 км), Того (126 км), Гана (549 км), Кот-д'Ивуар (584 км) билан чегарадош. Чегарасининг узумий узунлиги – 3193 км. Буркина-Фасо худудининг катта кисмини кенг ясситоғлиқ эгаллаган. Бобо-Диуласодан гарбда кум-тошли ясситоғ кад кўтарган. Шу ерда Буркина-Фасонинг йирик дарёлари – Кора, Ок ва Қизил Вольта жойлашган. Кора Вольтадан бошка дарёларининг барчаси кема катнови учун яроксиздир. Иклими уч асосий фасллар мавжудлиги билан характерланади – салқин-куруқ (ноябрдан марттacha), иссик-куруқ (мартдан майгача), иссик-нам (июннинг колган кисмида). Мамлакат худудининг ўсимлик дунёсига саваниналар хосдир. Баъзи жойларда акация ва бутазорлар устунлик килувчи ўрмонлар учраб туради. Ўрмонлар мамлакат майдонининг 9%ини эгаллаган. Ҳайвонот дунёси бой булиб, бу ерда фил, антилопа, маймун ва тимсоҳларни учратиш мумкин. Заарали қашаротлар ҳам кўплаб учрайди: цеце пашшаси, безгак чивинлари, термит ва чигирткалар.*

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши – республика. Давлат бошлиги – президент. Конун чикарувчи хокимият – Миллий ассамблэя. Буркина-Фасо 45 та вилоят (провинция)га бўлинган. Буркина-Фасо доимий эмиграция мамлакати. 700 мингдан ошик киши кўчманчи хаёт кечиради. Сиёсий партиялари: Демократия ва федерация учун альянс, Африка демократик бирлашмаси партияси, Демократия ва тараккиёт конгресси партияси, Социал-демократик партия.*

*Иқтисоди, транспортни коммуникациялари. Буркина-Фасо – аграр мамлакат. Марганец, симоб, олтин, фосфатлар, никель, мармар казиб олиниади, ёғоч ишлаб чиқарилади. Тўқимачилик, тери-пойабзал, гўшт тайёрлаш, ёг-мой, пахта тозалаш корхоналари мавжуд. Дарёларида балиқ овлаш кенг йўлга кўйилган. Ер ёнгок, шакаркамиш, пахта етиштириллади. 2012 йилда ЯИМ мидори 10273 млн (аҳоли жон бошига – 603) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Франция, Кот-д'Ивуар, Италия, Тайланд, Тайвань, Нигер, Нигерия.*

*Тарихи. XI асрда келгинди кабилалар Юқори Вольта текисликларига бостириб киришади. Аста-секинлик билан улар кучли сиёсий уюшмага эга бўлган марказий ва шаркий текисликлардаги дехкончилик кабилаларини бўйсундирдилар. Аммо гарбий тумантардаги замонавий бобо, лобе ва грусишларнинг аждодлари боскинчиларга каршилик кўрсата олдилар. Вакт ўтиб келгиндилар маҳаллий*

аҳоли билан аралашыб кетиб, уларнинг дини ва тилини кабул қилишиди. Кейин-чалик боскунчиларнинг авлодлари Моси, Ятенга, Уагадугу, Тенкодого ва Фадан-Гурма давлатларининг ҳукмрон доирасини ташкил этди. XIV–XVI асрларда Ятенга давлатининг қоролли кучлари Мали ва Сонгай давлатлари худудининг бир қисмини ишғол қилди. XVI асрда мосилар уларни бўйсундириш ва мажбуран исломлаштиришга интилган сонгайликлар хужумларини кайтарди. 1895 йилда Ятенга давлати устидан назорат ўрнатилганидан сўнг, француздар кўшинлари моронаба кўшинларини тор-мор қилиб, уларнинг мулкларини босиб олди. 1897 йилда Фада-Гурма кироллиги ҳукмдори француздар протекторатига ўтди. Шу даврнинг ўзида француздар груси, бобо, лобе ҳалкларига тегишли ерларни ишғол қилди. Шунга қарамай, 1903 йилгача лобелар мустамлакачиларга карши тинимсиз кураш олиб борди. 1904–1919 йилларда Юкори Вольга француздар колонияси бўлган Юкори Сенегал-Нигер таркибида, 1919 йилдан эса алоҳида колониялар бошқарувига ажратилаётган харажатларни қискартириш максадида Франция Юкори Вольга худудларини ўзининг қўшни колониал мулклари ўртасида бўлиб юборди. 1960 йилнинг 5 августида мамлакат мустакиллиги эълон қилиниб, унинг президенти М. Ямеого бўлди. 1966 йилда ҳарбий тўнтариш даврида М. Ямеого ҳокимиятдан четлаштирилди. 1970 йилда янги конституция кабул қилинди. 1974 йилда президент Ламизана ҳокимиятни ўзлаштириб, ўзини ўзи бош вазир лавозимига тайинлади. Шу йил охиридаги Мали билан кечган чегара можароси қоролли тўқнашувларга олиб келди ва 1975 йилда икки тарафнинг тинчлик келишувини имзолаш билан барҳам топди. 1980 йилда полковник Саэ Зербо Ламизанани ҳокимиятнинг тепасидан четлаштириб, ҳарбий Кенгаш бошлиги сифатида бутун давлат ҳокимиятини ўз зиммасига олди. 1982 йилда Зербо ҳарбий тўнтариш натижасида ағдарилди ва майор Уэдраого бошлилигига Миллатни куткариш кенгashi ташкил этилди. 1983 йил 4 августанда ҳокимият тепасига Т. Санкара бошлилигидаги Миллий инкилоб кенгashi келди. 1987 йил 15 октябрда ҳарбий тўнтариш оқибатида Санкара ағдарилди ва Б. Компаоре президент бўлди. Янги конституция 1991 йилнинг 11 июняидан кучга кирди. 1997 йилда Компаоренинг кўрсатмасига кўра конституцияга ўзгартириш киритилиб, президентни кайта сайлашга нисбатан қўйилган конституциявий чекланиш олиб ташланди.

## БУРУНДИ

*Расмий номи – Бурунди Республикаси. Пойтахти – Бужумбура. Худуди – 27 834 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 8 749 380 киши (2012). Давлат тили – рунди ва француз. Сигинувчилар христиан динининг католик (62%) ва протестант (5%) мазҳабларига, ислом (10%) ҳамда мажусийликка (23%) эътиқод қиласиди. Пул бирлиги – бурунди франки.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Марказий Африкада жойлашган давлат. Шимолда – Руанда (290 км), шарқ ва жанубда – Танзания (451 км), гарбда – Конго Демократик Республикаси (233 км) билан чегарадош. Чегарасининг узумий узунлиги – 974 км. Фарбий чегарасининг бир кисми Танганьика кўли бўйлаб ўтган. Мамлакат худудининг катта кисми асосан сланец ва кумтошдан иборат бўлган ясситоғликлар эгаллаган. Энг юкори нуктаси – Хеха тоги (2670 м). Бурунди денгизда чикиш йўлларига эга эмас.

Иклими – субэкваториал. Табиати ўзига хос бўлиб, ясситоғлик худудларида акация ва пальмалар учрайдиган саванналар хукмрон. Баъзи жойларда парк ўрмонлар учрайди. Хайвонот дунёси бой бўлиб, бу ерда фил, тимсоҳ, коплон, бегемот, ёввойи чўчка каби хайвонларни учратиш мумкин. Кушлар ҳам кўп. Казилима бойникларидан уран, никель, мис, кобальт, ванадий, торф мавжуд.

*Давлат туттишиши ва сиёсий партиялари.* Давлат туттишиши – республика. Давлат бошлиғи – президент. Хукумат бошлиғи – бош вазир. Бурунди 15 та вилоятта бўлинган. Сиёсий партиялари: Бирлик ва миллий тараккиёт партияси, Бурундида демократия учун фронт.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Бурунди – аграр мамлакат. Ёғочни кайта ишлаш, тўқимачилик, цемент ишлаб чиқарниш, кишлоқ хўжалиги хомашёсини кайта ишлаш корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Балиқчилик, чорвачилик, ривожланган. Каҳва, чой, пахта етиширилди. 2012 йилда ЯИМ микдори 2530 млн (ахоли жон бошига – 282) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Бельгия, Франция, Германия, Танзания, Япония, АҚШ.

*Тарихи.* Тва пигмейлари Бурундининг туб ахолиси ҳисобланади. Тваларнинг катта кисми билан асимиляциялашган хутулар XIV асрда пайдо бўлган. XV асрда тутсилар кириб келганидан сўнг Руандадаги каби бу ерда ҳам кироллик ташкил этилди. XIX асрнинг 80-йилларида Бурунди (бу даврда Урунди) Руанда билан бирга немислар томонидан ишғол килиниб, Герман Шаркий Африкаси таркибига кўшилди. Биринчи жаҳон урушидан сўнг Бельгияга Руанда-Урунди худудларини бошқарув мандати топширилди. 1962 йилнинг 1 июляди Бурунди конституцион монархия сифатига мустакилликка эриши. 1966 йилги ҳарбий тўнтаришдан сўнг мамлакат республика деб зълон килини. 1990 йилларда давлатда хуту ва тутсилар ўртасида ҳарбий тўқнапшувлар бошланди. 1996 йил 25 июннаги давлат тўнтариши оқибатиде 1992 йилги конституциянинг амал килини ва Миллат мажлиси ҳамда партияларнинг фаолияти тўхтатиб кўйилган. Сентябрь ойиде Миллат мажлиси ва партияларнинг фаолияти қайта тикланди. 1998 йили Миллат мажлиси ўринига Ўтиш даври миллат мажлиси тузилди. Мамлакатда бир неча йил давом этган фукаролар уруши ва этник гурӯхлар ўртасидаги можаролар чет давлатлар аралашуви натижасида барҳам топди.

## БУТАН

*Расмий номи – Бутан Подшолиги. Пойтахти – Тхимпху. Худуди – 47 000 км.<sup>2</sup> Аҳолиси – 2 461 267 киши (2009). Давлат тили – бхотия (дзонг-ке). Давлат дини – махаян буддавийлигининг ламаистик шакли. Пул бирлиги – нгултрум.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Марказий Осиё жануби, Ҳимолай тогларининг шарқида жойлашган давлат. Шарқ, жануб ва жануби-гарбда – Ҳиндистон (605 км), шимол ва шимоли-гарбда – Хитой (Тибет) (470 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги – 1075 км. Тоғли мамлакат. Шаркий Ҳимолайнинг жанубий кисмини эгаллаган. Энг баланд тоги – Жомолхари (7314 м).

Иклими – тропик. Дарёлари Брахмапутра ҳавzasига тегишилдири. Мамлакат кальций карбити, гипс захираларига эга. Графит, мис, күрғошин, тошкүмир, вольфрам қазиб олинади. Ҳайдаладиган ерлар мамлакат майдонининг 2,8%ини ташкил этади. Төг чўққилари кор билан копланган. Брахмапутра ирмоқлари во-дийсида бананлар ўсади. Ҳайвонот дунёсида маймун, йўлбарс, химолай айиги, кийик, фил каби ҳайвонларни учратиш мумкин.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – конституциявий монархия. Давлат 8 та вилоятта бўлинган. Давлат бошлиги – подшо. Ҳукумат бошлиги – Министрлар кенгаши раиси. Подшо ҳузуррида 9 маслаҳатчидан иборат кенгаш бор. Сиёсий партиялар расман мавжуд эмас.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Иқтисоди натурал ҳўжалик ва феодал муносабатлари устун бўлган аграр мамлакат. Тоғлардаги экин майдонларида манго, бошоқлилар, цитрус ўсимлеклари, ананас етиширилади. Ҳунармандчиллик ривожланган бўлиб, устахоналарда жанговар куроллар, гилам, мато тўкувчилиги, ёғочга ишлов берниш амалга оширилади. Тоғ-кон ва кишлек ҳўжалиги маҳсулотларини кайта ишлаш корхоналари фаолият юритмоқда. 2012 йилда ЯИМ майдори 1701 млн (ахоли жон бошига – 2954) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Ҳиндистон, Яқин Шарқ мамлакатлари, Европа мамлакатлари, Сингапур.

*Тарихи.* Замонавий Бутан худуди м. а. VIII асрда Ҳиндистон хукмронлиги остига ўтди. XVI асрда Бутан Тибет хукмдорларига бўйсунди. 1774 йилда замонавий Бутан худудида яшаган халқлар Хитой хукмронлиги остида колди. XIX асрда инглизлар бостириб кирди. 1907 йилда Тонгси хукмдори Утиен Вантчук монарх деб эълон килинди ва ўз сулоласига асос солди. 1949 йилда Бутан Ҳиндистондан мустакиллик олди. 1954 йилда ўз парламентини ташкил этди. 1998 йилда кирол ўз ваколатларининг бир кисмидан Миллий Ассамблэя фойдасига воз кечди. 2002 йили Бутанда биринчи маротаба миллий телевидение жорий килинди, бунга қадар телевидение тақиқланган эди.

**БҮЮК БРИТАНИЯ**

*Расмий номи – Бүюк Британия ва Шимолий Ирландия Кўшима Кироллиги. Пойтахти – Лондон. Худуди – 244 100 км<sup>2</sup> (Шотланд ороллари билан бирга). Аҳолиси – 62 989 500 киши (2012). Давлат тили – инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг протестант мазҳабига эътиқод қиласади. Пул бирлиги – фунт стерлинг.*

*Географик жойлашучуви ва табииати. Европанинг шимоли-гарбида, Британ оролларида жойлашган давлат. Бүюк Британия оролларида Англия, Шотландия ва Уэльс жойлашган. Шимолий Ирландия оролининг шимолий қисмida жойлашган. Шимолдай Ирландия (360 км) билан чегарадош, гарбда – Атлантика океани, шарқда – Шимолий денгиз, жануби-шарқда – Бүюк Британияни Европадаи ажратиб турадиган Ла-Манш бўғози билан туташиб кетган. Англия худудида Пеннин тоғлари (энг юкори нуктаси Скейфел-Пайк – 978 м) жойлашган. Пеннин тоғларидан жанубда ва Уэльсдан шарқда Марказий ва Жанубий Англиянинг катта қисмини эгаллаган кенг текислик жойлашган. Минтаканинг чекка жанубида Дортмур тепаликлари (денигиз сатҳидан 610 м баланд) бор. Грампий тоғларидан мамлакатнинг энг баланд чўқиси – Бен-Невис (1343 м) жойлашган. Асосий дарёлари: Темза, Северн, Тайн, Мерс. Шимолий Ирландиянинг катта қисмини текисликлар эгаллаган бўлиб, марказида Британ оролларидаги энг йирик кўл – Лоҳ-Ни (майдони – 390 км<sup>2</sup>) жойлашган. Шимолий Ирландиянинг энг баланд нуктаси Мури тоғларидаги Слив-Донорд (852 м) чўқисидир. Шимолий Ирландиянинг энг йирик дарёлари: Фойл, Юкори Бон ва Куйи Бон. Шотландия худудлари асосан тоғлардан иборат, бирор уни ўз навбатида уч қисмга бўлиш мумкин: шимолда – Хейландс, марказда – Сентрал Лоупсендс ва жанубда – Сазен Аллендс. Шотландиянинг асосий дарёлари: Клойд, Тей, Форс, Твид, Ди ва Спей. Кўп сонили кўллар орасида Лоҳ-Несс, Лоҳ-Теа ва Лоҳ-Кэтринлар алоҳида ажралиб туради. Уэльс ҳам Шотландия каби тоғли худуд, бирор тоғлар бу ерда унчалик баланд эмас. Асосий тог тизмаси Уэльс марказидаги Кембри тоғларидир. Уэльснинг йирик дарёлари: Ди, Уск, Тейфи. Энг йирик кўли – Бала.*

*Иклими – юмшоқ ва нам. Фойдалари казилмалардан Шимолий денгиздан қазиб олиниадиган нефть ва газ, шунингдек, кўмир ва оҳактош конларига эга. Бүюк Британиянинг 77% ерлари дехқончилик учун яроклидир. Англия фаунаси унчалик бой эмас, ўрмонлар факат 4% худудини эгаллаган. Ҳайвонот дунёсида кийик, тулки, куён ва бўрилар кўплаб учрайди. Кўшлардан каклик, кабутар, карға ва бошка паррандалар кўп таркалган. Кўллар ва дарёларда турли баликлар кўп.*

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши – конституциявий монархия. Давлат бошлиги – кирол (киролича). Монарх конун лойиҳаларини тасдиқлайди, титул ва унвонлар беради, бирор амалда факат рамзий ҳокимиятга*

эга. Олий конун чикарувчи органи – Жамоа палатаси (630 депутат) ва Лордлар палатаси (1000 та зодагонлар ва пэрлар)дан иборат парламент. Олий ижроия органи – бош вазир бошчилигидаги Министрлар кабинети. Буюк Британия маъмурий жихатдан 4 та маъмурий-сиёсий қисм (тариҳий провинциялар) дан: Англия (39 графлик, 6 метрополия графлиги ва Катта Лондон), Уэльс (8 графлик), Шотландия (9 район ва 3 орол худудлар), Шимолий Ирландия (26 округ)лардан ташкил топган. Мэн ва Норманд ороллари устидан алоҳида назорат ўрнатилган. Буюк Британияга қарам худудлар: Англия, Бермуда ороллари, Хинд океанидаги британ худудлари, Британ Виргин ороллари, Кайман ороллари, Фолкленд ороллари, Гибралтар, Жерси, Гернси, Мэл ороли, Монтсеррат, Питкерка ороллари, Муқаддас Елена ороли, Жанубий Жоржия ва Жанубий Сандвич ороллари, Теркс ва Кайкос ороллари. Қарам худудлар хозиргача Буюк Британиянинг денгизорти мулклари деб номланиб, тўлиқ мустакил давлат хисобланмайди. Шунга қарамасдан улар ўз-ўзини идора килиши хукукига эга бўлиб, ўз конунчилик органларига эгадирлар. Асосий сиёсий партиялари: Консерваторлар партияси, Лейбористлар партияси, Либерал демократлар партияси, Шотланд миллий партияси, Уэльс миллиятчи партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Буюк Британия иқтисоди ривожланган давлат бўлиб, жаҳондаги саккизта ривожланган давлатлар каторига киради. Мамлакат саноатида қазиб олиш соҳалари алоҳида аҳамият касб этади. Ўз худудидаги шахталарнинг ёпилиши ва кўумир қазиб олишининг кискариши билан бир вақтда Шимолий дengиздан нефть ва газ қазиб олиш кўпайтирилмоқда. Саноатнинг бошқа тармоқларидан – транспорт машинасозлиги (автомобилсозлик, кемасозлик), аэрокосмик саноат (АҚШ ва Франциядан кейин учинчи ўринда)да оддий ва ҳарбий самолётлар, вертолётлар ва авиадвигателлар ишлаб чикарилади, озиқ-овкат саноати (машхур шотланд вискиси, жун ва сут ишлаб чикарилади), умумий машинасозлик (кишлек хўжалити техникиси, станоклар, тўқимачилик асбоб-ускуналари), электроника ва электротехника (компьютерлар, дастурлаштириш, процессорлар, суперкомпьютерлар, телекоммуникация воситалари, тиббиёт анжомлари, майший техника), кимё саноати (дори ишлаб чикариш – жаҳонда 4-ўринда, агрохимия, парфюмерия, янги материаллар ва биотехнология), металл ишлаб чикариш, целялюзоза-коғоз саноат соҳалари юқсак тараккий этган. Замонавий саноатнинг таракқиёти юксак технологияларнинг тараккий эттанилиги билан белгиланади. Буюк Британия илмий-техникавий потенциал даражаси бўйича Европада энг юкори ўринни эгаллайди. Нобель мукофоти эгалари сони бўйича АҚШдан кейин 2-ўринни эгаллайди. Буюк Британия меҳнат захираларининг 12% молия секторида банд. Лондон жаҳон молия маркази – сайёрамизнинг молия пойтахти хисобланади. Шунингдек, Манчестер, Кардифф, Ливерпуль, Эдинбург шаҳарлари ҳам йирик молиявий марказлардир. Аҳамияти бўйича 2-ўринда турадиган соҳа – туризм. Бу соҳада меҳнатта

лаёкатли ахолининг 7% банд бўлиб, йилига 8 млрд доллардан ошик даромад келтирилади. Лондон дунёнинг ийрик туристик маркази хисобланади. Буюк Британиянинг кишлек хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз эҳтиёжларининг факат ярминигина коллади. Асосий кишлек хўжалиги экинлари: бугдой, тарик, кандлавлаги, арпа. Мамлакат чорвачилик соҳасига XXI аср бошларида таркалган эпидемия сезиларни даражада зарар етказди. Экспортни: саноат маҳсулотлари, ёқилги, кимё саноати маҳсулотлари, озиқ-овқат. Импорти: саноат маҳсулотлари, озиқ-овқат. 2012 йилда ЯНМ майдори 2 440 505 млн (ахоли жон бошига – 38 589) долларларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕИ мамлакатлари, АҚШ.

Буюк Британия илгор мамлакатлар катори ривожланган транспорт инфраструктурасига эга. Ла-Манш бўғози остидан ўтган туннелинг очилиши мамлакатнинг материк билан алокасини янада яхшилади. Асосий портлари: Абердин, Белфаст, Бристоль, Кардифф, Дувр, Глазго, Ливерпуль, Лондон, Манчестер, Плимут, Саутгемптон.

**Тарихи.** М. а. VIII асрда ёқ оролларга кельт-бриттлар келиб жойлашган эдилар. 43 йилда Британия Рим империяси таркибига кирди. VI асрда бир нечта мустакил феодал кироллик ва графликлар ташкил топди. Бриттларнинг бир кисми Франшияниг шимолига келиб жойлашиди. VIII асрда норманилар тез-тез мамлакат киргокларига хужум килиб турдилар. Улар оролининг шимоли-шаркий кисмини згаллаб олишига муваффак булилди. IX асрда кирол Эгберт катта худудларни бир давлатта бирлаштирги ва бу давлат «Англия» деб атала бошлади. 1066 йили Буюк Британиядаги майдо киролликлар нормани саркардаси Вильгельм томонидан босиб олиниб, ягона давлатга бирлаштирилди. 1265 йили дастлабки инглиз парламенти тузилди. 1338 йили Англия Францияга карши Юз йиллик урушга кирди. Бу уруш 1453 йилгача давом этди. Уруш тугаши билан Англия таҳти учун урушшар («Ок ва Кизил гуллар уруши») бошланиб, 1485 йили тюдорлар сулоласининг галабаси билан якунлашиди. 1588 йили «Енгил мас Армада»нинг (испан флоти) яксон килинини Англияни денгизда асосий ҳукмрон давлатлар каторига олиб чиқди. XVII аср бошларида Англия ўзининг Янги дунёдаги мустамлакаларига эга бўлди. 1603 йили шотланд кироли Яков VI Яков I номини олиб инглиз таҳтига ўтириши билан амалда Шотландия ва Англия битта давлатга бирлашди. Бирор қадим Британия кироллиги 1707 йили бирлашиш тўғрисидаги хужжат имзолангандан кейингина эълон килинди. Шу пайтдан бошлаб Лондон ягона давлат пойтахтига айланди. 1642–1649 йилларда стюартлар билан парламент ўргасидаги тортишуалар конли фукаролар урушининг бошланишига олиб келди. Натижада Оливер Кромвель бошчилигида республика эълон килинди. Монархия тез орада кайта тикланди, бирор киролнинг ҳукуқлари сезиларни даражада камайиб, амалда хокимият парламент кўлигига ўтди. 1651 йили Ирландия, 1652 йили эса Шотландия босиб олинди. Британ колониал империяси асосан XVIII асрда шаклланди. XVIII аср охиirlарида Буюк Британия Америкадаги 13 та мус-

тамлакасидан ажралди, бирок Канада ва Ҳиндистонда мустахкамланиб олди. 1805 йили Трафальгар яқинида адмирал Нельсон томонидан испан-француз флотининг яксон килиниши билан Буюк Британия «денгиз хукмрони»га айланди. 1793–1815 йилларда Англия Францияга карши урушларда иштирок этди. 1815 йили инглиз саркардаси герцог Веллингтон прусс күшинлари билан бирга Ватерлоо яқинидаги жангда Наполеон устидан йириғ ғалабага эришди. Шундан сўнг мамлакатда қарийб юз йил давомида тинчлик хукм сурди. Айниқса, киролича Виктория (1837–1901) даврида Буюк Британия мулклари жуда кенгайди. Англия Антанта таркибида Биринчи жаҳон урушида фаол иштирок этди. Уруш натижасида мамлакат Африка ва Осиёдаги немис колонияларининг бир кисмини кўлга киритди. 1931 йили Британ Миллатлар Ҳамдўстлиги тузилди. 1939–1945 йилларда Англия Иккинчи жаҳон урушида катнашди. 1947 йили Ҳиндистон ва Пакистонга мустакиллик берди, 1949 йили эса мамлакат НАТОга аъзо бўлди. 1982 йили Фолкленд ороллари учун Англия Аргентина билан ҳарбий тўкнашувга борди. Қиска давом этган жанговар харакатлардан сўнг инглизлар бу худудлар устидан ўз назоратини ўрнатди. 1979–1990 йилларда консерваторлар хукумати Маргарет Тэтчер бошчилигида иктисадий ислоҳотлар ўтказди.

## ВАНУАТУ

*Расмий номи – Вануату Республикаси. Пойтахти – Порт-Вила. Худуди – 12 190 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 251 700 киши (2012). Давлат тили – бислама, инглиз ва француз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг протестант (58%) ва католик (15%) мазҳабларига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – вату.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Тинч океанининг жануби-ғарбий кисмидаги Яиги Гибрид оролларида жойлашган Океания давлати. Вануату 80 дан ортиқ оролни камраб олган бўлиб, улардан йириклари – Эспириту-Санто, Малакула, Амбрим, Эфате, Эфраманго. Ороллар сатҳи келиб чикиши вулканли бўлган тоглар билан копланган. Жами 60 дан ортиқ вулкан мавжуд бўлиб, уларнинг баъзилари ҳамон харакатдадир.

Иклими – нам, тропик. Асосий табиий захиралари: марганец, олтин, кумуш, мис, балик, ёғоч, нефть. Сершамол шаркий сўмоклари нам тропик ўрмонлар билан копланган. Оролларда кемирувчилар, калтакесаклар, тошбақалар, күш ва хашаротлар мавжуд.

*Давлат тизилиши, сиёсий партиялари.* Вануату давлати Буюк Британия раҳбарлигидаги Ҳамдўстлик таркибида киручи республика. Давлат бошлиги – президент, хукумат бошлиги – баш вазир. Мамлакат мазмурий жиҳатдан 6 та провинцияга бўлинган. Пойтахти Эфате оролида жойлашган. Конун чиқарувчи хокимият бир палатали Миллий ассамблейдан иборат. Сиёсий партиялари:

Вануату лейбюристлар партияси, Миллий демократик партия, Вануаку партияси, Халк демократик партияси.

*Иктисоли, транспорт коммуникациялари.* Мамлакат иктисолининг асосини кишлек хўжалиги ташкил этади. Маданий ўсимиликлардан какао, каҳва, коқос, бanan, ямс, маниок, мевалар, шоколад дараҳти ўстирилади. Иктисолининг бошка соҳаларидан балиқчилик ва туризм ҳам ривожланган. Чорвачилик ривожланмоқда. Саноат суст ривожланган бўлиб, корхоналар асосан кишлек хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга, ёғоч ва тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. 2012 йилда ЯИМ миқдори 761 млн (ахоли жон бошига – 3125) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Нидерландия, Япония, Австралия, Янги Зеландия, Янги Каледония. Автомобиль йўллари мавжуд. Асосий порти – Порт-Вила.

*Тарихи.* Вануату ахолисининг аждодлари м. а. 3 минг йиллкларда Осиёдан кўчуб келишган. 1774 йилда ороллар португаллар томонидан кашф килинди ва XVIII асрда машҳур инглиз денгизчиси Ж. Кук томонидан ўрганилди. XIX асрда оролларни француз ва инглизлар мустамлакага айлантиришиди. 1887 йилда Янги Гибрид оролларни бошқариш учун француз ва инглиз комиссияси ташкил этилади. 1906 йилда ушбу комиссия «кондоминиум» деб атала бошлади. Маҳаллий ахолининг кўп йиллик озодлик кураши натижасида Вануату 1980 йил 30 июляда мустакил деб ўзлон килинди.

## ВАТИКАН

*Расмий номи – Ватикан. Ҳудуди – 0,44 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 793 киши (2011). Давлат тили – лотин ва итальян. Давлат дини – христиан динининг католик мазҳаби (100%). Пул бирлиги – евро.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Италия пойтахти Рим шаҳрининг гарбий кисмida (Монте-Ватикано тепалигига), католик черкови бошлиги Рим Папасининг резиденцияси худудида жойлашган кичик шаҳар-давлат. Чегарасининг умумий узунлиги – 3,2 км.

*Давлат тузилиши, сидсий партиялари.* Давлат тузилиши – чекланмаган теократик монархия. Конституциони хужжатлари 1929 йилда қабул килинган. Давлат бошлиги – Рим папаси. 1996 йил февралда папа Иоанн Павел II томонидан чиқарилган янги конституцияга мувофиқ папа кардиналлар орасидан яширип овоз бериш оркали овозларнинг 2/3 кисмiga эга бўлган тақдирда, кардиналлар ҳайъати томонидан умрбод сайланади. Олий конун чиқарувчи, ижрочи ва суд ҳокимияти папа кўлида. Айни вактда у Рим католик черковининг ҳам бошлиги хисобланади. Папа хузурида маслаҳат органи – Кардиналлар ҳайъати черковнинг энг муҳим ишларини муҳокама килиш ва папани сайлаш учун йигилиб туради.

Рим Папаси йўклигига Ватиканга Авлиё Рим черкови камерленги раҳбарлик килади. Шунингдек, Ватикан ўз ҳукумати – Рим курниясига эга.

**Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.** Ватикан йирик капитал маблаглари, бир қатор компания ва банкларнинг акциялари, Италия, Испания, Германия ва Лотин Америкаси мамлакатларидаги йирик кўчмас мулкларнинг эгаси хисобланади. Ватиканнинг маблаглари 50 млрд доллардан ортикка баҳоланган. Даромадининг бошқа манбалари – миллий католик черковларининг бадаллари, почта маркалари, тангалар, сувенирлар ишлаб чиқариш ва сотишдан тушадиган маблаглардир. 2006 йилда ЯИМ миқдори 810 млн (аҳоли жон бошига – 0,9 млн) долларни ташкил этган. Ватикан дунёнинг тури мamlакатларида 50 дан кўп тилда 1,5 минг номдан зиёд газета ва журнallар нашр эттиради. Дунёнинг кўплаб мамлакатларига ўз радиоэшилтиришларини таркатади.

**Тарихи.** Римда Папанинг доимий кароргохи жойлашган каср XIV асрда курилган. XVIII–XIX асрларда Италияда мустакил теократик давлат сифатида Папа вилояти мавжуд эди. Ватикан ўз номини 1870 йилда Рим папасининг кароргохи бўлиб келган сарой номидан олган. 1929 йилда тузилган Латеран битимларига кўра Ватикан Рим Папасининг кароргохига айланди. Ватиканга Римда ва унинг ташқарисида ўнлаб бинолар тегишилди. Ватикан ўз байроби, валотаси, армияси, радиостанцияси ва газеталарига эга.

## ВЕНГРИЯ

*Расмий номи – Венгрия Республикаси. Пойтахти – Будапешт. Худуди – 93 032 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 9 906 000 киши (2013). Давлат тили – венгер. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик (68%) ва протестант (25%) мазҳабларига эътиқод қилади. Пул бирлиги – форинт.*

**Географик жойлашуви ва табиати.** Марказий Европада, Дунай дарёсининг ўрта оқимида жойлашган давлат. Шимолда – Словакия (677 км), шарқда – Руминия (443 км), шимоли-шарқда – Украина (103 км), жанубда – Сербия (151 км), Хорватия (329 км) ва Словения (102 км), гарбда – Австрия (366 км) билан чегарадош. Чегарасининг узумий узунилиги – 2171 км. Венгрия худуди асосан текисликлардан иборат. Венгр-словак чегараси бўйлаб оқиб келадиган Дунай, кескин жанубга бурилиб, мамлакатни икки қисмга ажратади. Ўрта Дунай текислиги Дунай дарёсидан шарқда жойлашган бўлиб, шимолини Венгрияning энг юкори нуктаси – Кекеш чўккиси (1015 м) жойлашган Альп тоғлари эгаллаган. Гарбда баланд бўлмаган Мешек ва Бакони тоғлари хамда Марказий Европадаги энг йирик кўл – Балатон жойлашган.

**Икклими – мўътадил, континентал. Асосий дарёлари:** Дунай, Тиса. Фойдали қазилмалардан боксит, кўмир, табиий газ мавжуд. Баргли ўрмонлар мамла-

кат худудининг 17%ини эгаллаган. Эманзорлар асосан ўрта тоғлик худудларида сакланыб қолган. Ҳайвонот дунёсида тулки, күн, ёвойи чўчка, кийиклар мавжуд. Кушшардан – лайлак, турна, ёвойи ўрдакларни кўплаб учратиш мумкин.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Венгрия – унитар давлат. Ижро этувчи хокимият президентга ва бош вазир бошчилигидаги хукуматта тегишлидир. Конун чиқарувчи хокимият бир палатали парламент – Давлат мажлиси томонидан амалга оширилади. Венгрия 19 та вилоятта (медије) бўлинган бўлиб, мамлакат пойтахти Будапешт алоҳида макомга эга. Мамлакатда 50 дан ортиқ сиёсий партия ва уюшмалар рўйхатга олинган бўлиб, улардан энг йириклари – Венгрия ишчи партияси, Венгрия демократик форуми, Христиан-демократик халк партияси, Эркин демократлар иттифоқи, Венгрия социалистик партияси.

*Иқтисоди, транспорт камчуникациялари.* Венгрия – индустрисал-агар давлат. Ривожланган саноат соҳалари: машинасозлик (автомобилсозлик, локомотив-кемасозлик), асбоб-ускунасозлик (алока воситалари, электроника, тиббиёт анжомлари), кимё, енгил (тўқимачилик, пойабзал) ва озик-овқат саноати. Мамлакатда кўп микдорда бокситлар казиб олинади (Европада иккинчи ўринда). Маргаиси ва темир рудаси конлари хам кўп. Мамлакатда кора ва рангли металлургия корхоналарини хам фаолият кўрсатмоқда. Кимё саноати турли хил ўғитлар, пластмасса, синтетик материаллар ва дори-дармонлар ишлаб чиқаради. Тўқимачилик, тикувчилик ва пойабзал саноати хам ривожланган. Озик-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналар мамлакат худуди бўйлаб кенг таркалган. Кишлек хўжалиги экинлари мамлакат худудининг 75%ини эгаллади. Бугдой, тарик, маккажӯҳори, кандалнаги, картошка, кунгабокар, мевалар етиширилади. Узумчилик ва боғдорчилик кенг таркалган. Бу ерда тайёрланадиган «Токай» винолари дунёга машхур. Чорвачилик йирик шохли корамоллар ва чўчкаларни бокишига ихтинослашган. Йилкичилик ривожланган. Парранда бокиши мухим аҳамиятта эга. Кейнинг йилларда туризм яхши ривожланмоқда. 2012 йилда ЯИМ микдори 128 844 млн (ахоли жон бошига – 12 736) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Германия, Австрия, Италия, Россия, Нидерландия.

Асосий дарё портлари: Будапешт, Дунайварош.

*Тарихи.* М. а. I аср охириларида замонавий Венгрия худуди Паннония провинцияси сифатида Рим империяси таркибига кирди. IV асрдаги Рим империясининг инкироридан сўнг Паннонияга V–IX асрларда хуннлар, вестготлар, аварлар бостириб киришган. 1000 йилда Иштван I бошчилигига биринчи Венгр кироллиги ташкил топди. XIII асрда Венгр кироллиги ўзаро урушлар ҳамда мўтгул-татар босқинлари (1241) оқибатида заинфлашиб колди. XVI асрда Венгрия ўз мустакиллигини йўкотди. 1526 йили Мокач ёнидаги жангда венгр кўшинлари турклар томонидан тор-мор килинди. Турклар Буда шаҳрига бостириб кириб, уни талон-торож килишди. Мамлакат иккى кисмга бўлинниб, гарбий кисми Габсбурглар, шарқий кисми эса 1541 йилда Усмонийлар империяси ҳукмронлиги

остига тушиб қолди. XVII аср охирларидә турклар ҳозирги Венгрия худудидан сикиб чикарилади ва у бутунлай Габсбурглар хукмронлигига тушиб қолади. 1867 йилда Австро-Венгрия кироллиги ташкил этилади. 1914 йилда Австро-Венгрия Биринчи жаҳон урушига кирди. Уруш тугаганидан сўнг 1918 йилнинг октябринда мамлакатда инклиб бошланди, натижада Венгрия мустакилик республика деб ўзлон килинди. 1919 йилнинг 21 марта ҳокимият Бела Кун бошлигидаги Социалистик партия қўлига ўтди. 1919 йилнинг августидаги румин қўшинлари Пештиб босиб олишди. 1920 йилда эса адмирал Хортининг диктаторлик режими ўрнатилди. 1941 йилда Венгрия Иккинчи жаҳон урушига Германиянинг иттифоқчиси сифатидаги кирди. 1946 йилнинг 1 февралидаги Венгрия республика деб ўзлон килинди. Венгриянинг ҳозирги чегаралари 1947 йилги Париж тинчлик шартномасига кўра ўрнатилган. 1949 йилда мамлакат янги конституция ва янги – Венгрия Халқ Республикаси номига эга бўлди. 1956 йилнинг октябринда Ракошининг коммунистик тузумига карши қўзғолон кўтарилди, бу қўзғолон совет қўшинлари томонидан бостирилди. 1989 йили коммунистлар ҳокимиятдан четлаштирилди ва мамлакат Венгрия Республикаси деб ўзлон килинди. 1999 йили Венгрия НАТОнинг тўла ҳукукли аъзоси бўлди.

## ВЕНЕСУЭЛА

*Расмий номи – Венесуэла Боливар Республикаси. Пойтахти – Каракас. Ҳудуди – 912 100 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 29 676 000 киши (2013). Давлат тили – испан. Сигинуҷчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига эътиқод қилади. Пул бирлиги – боливар.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Жанубий Американинг шимолидаги давлат. Жанубда – Бразилия (2200 км), гарб ва жануби-гарбда – Колумбия (2050 км), шарқда – Гайана (743 км) билан чегарадош. Куруклидаги чегаралари узунлиги – 4993 км. Шимолий қирғоқлари Караб денгизи ва Атлантика океани билан туташган. Мамлакатнинг шимоли ва шимоли-гарбida Карнб Андлари тоб занжирининг Сиерра-де-Периха, Кордильера-де-Мерида тизмалари жойлашган. Венесуэланинг энг юқори нуктаси – Боливар чўккиси (5007 м). Мамлакат марказида Ориноко пасттекислиги, жануби-шарқида Гвиана ясситоғликлари жойлашган. Тоб тизмалари орасида ботиклар ва чўқмалар кўп бўлиб, у ерларда қўллар ҳосил бўлган. Йирик қўллари – Маракайбо ва Валенсия.

Иклими – субэкваториал. Йирик дарёси – Ориноко. Мамлакат нефть, табиий газ, темир рудаси, олмос, олтин, кумуш, мис, рух, титан, марганец заҳираларига эга. Венесуэланинг доимий яшил ўрмонларида кимматбаҳо дараҳт турлари мавжуд. Ҳайвонот дунёсида маймун, айнқ, ялков, чумолихўрларни учратиш мумкин.

*Давлат түзилиши ва сиёсий партиялари.* Давлат түзилиши – федератив республика, 22 та штат, 72 федерал худудга бўлинган. Давлат ва хукумат бошлиги – президент. Ижро этувчи ҳокимият Министрлар кенгашига ҳам тегишилдир. Конун чикарувчи ҳокимият бир палатали – Миллый ассамблеядан иборат. Ҳар бир штатнинг ўз конун чикарувчи йигини мавжуд. Сиёсий партиялари: Демократик ҳаракат, Халқ сайлови ҳаракати, Миллый конвергенция, Республикачи демократик иттифоқ, Социал-христиан партияси.

*Иккисоди ва транспорт коммуникациялари.* Мамлакат иктиносидининг асосини нефтни кайта ишлаш саноати ташкил этади. Нефть қазиб олишдан келадиган фойда давлат бюджетига тушадиган даромаднинг асосий кисмими ташкил этади. Куйидаги саноат соҳалари ривожланган; темир рудасини қазиб олиш, нефтни кайта ишлаш, нефть кимёси, металлургия, тўқимачилик, озиқ-овқат, автомобилсозлик. Маккажӯхори, дуккаклилар, шакаркамиш, шоли, жӯхори, картошка, сабзавотлар, қаҳва, банан етиширилади. Чорвачилик ва чорвачилик маҳсулотларини кайта ишлаш ҳам кенг йўлга кўйилган. 2012 йилда ЯИМ никдори 337 979 млн (ахоли жон бошига – 12 956) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Бразилия, Колумбия, Япония, Италия, Германия.

*Тарихи.* 1498 йилда Х. Колумб хозирги Венесуэла ерларини қашф килди. XVI асрдан бошлаб испанлар мамлакатни мустамлака кила бошлайди. 1567 йилда мамлакат пойтахти Каракаста асос солинди. XVIII асрнинг биринчи ярмида Венесуэла Испания вице-кироплгининг таркиби кисмига айланди. XIX аср бошларидан Симон Боливар раҳбарлигига мустакиллик учун кураш бошланди. Бир катор галабалар ва маглубиятлардан сўнг, Венесуэла тўла мустакилликни 1830 йилда кўлга киритди. XX аср ўрталаригача мамлакатда ҳарбий тўнтиришлар ва инклиблар бўлиб турди. 1958 йилдагина мамлакатда фуқаролик ҳокимияти ўрнатилди. Мамлакат иккисоди нефть экспорти хисобига тез суръатлар билан ривожланди. 1974 йилда нефть саноати миллийлаштирилди. 1980 йилларнинг ўрталарида мамлакатда молиявий-иккисодий инкиroz бошланиб, оммавий намоянишларга, иш ташлашларга олиб келди. XX асрнинг 90-йилларда бир катор ҳарбий тўнтиришларни амалга ошириш учун ҳаракатлар бўлиб, уларнинг барчasi хукумат кўшинилари томонидан бостирилди.

### ВИРГИН ОРОЛЛАРИ (АҚШ)

*Расмий номи – Виргин Ороллари (АҚШ). Пойтахти – Шарлотта-Амалия.* Ҳудуди – 355 км<sup>2</sup>, Аҳолиси – 108 600 киши (2012). Давлат тили – инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик ва баптист мазҳабларига зътиқод қиласди. Пут бирлиги – АҚШ доллари.

*Географик жойлашуви ва табиати.* Виргин ороллари Шимолий ва Жанубий Америка орагигида, Пуэрто-Рико оролидан шаркда, Кичик Антиль оролла-

рининг шимолий кисмида жойлашган АҚШга қарашли худуд. Виргин ороллари таркибиға 50 дан ортик орол киради. Улардан энг йириклари: Сент-Томас, Сент-Жон, Санта-Круз. Ороллар оқактошли, шу билан бирга кристалли ва вулконли төг жинсларидан ташкил топғанлари ҳам бор.

**Иклими – тропик. Доимий яшил тропик ўрмонарнинг колдиклари учрайди. Колган худудлар кишлов хұжалигыда фойдаланыладиган ерлардан иборат. Ҳайвонот дүнәсида маймунлар, колибри ва тұты каби күшлар бор.**

**Давлат түзилиши, сиёсий партиялари.** Давлат түзилиши – ороллар устидан умумий назоратни АҚШ Ички ишлар вазирилги амалға оширади. Ижроия қокимият губернаторға тегишли, маымурый жихатдан 3 та оролға бўлинган. Пойтахти Шарлотта-Амалия Сент-Томас оролида жойлашган. Сиёсий партиялари: АҚШ Демократик ва Республикачилар партияларининг бўлимлари, Фукаролар мустакиллiği харакати.

**Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.** Иқтисодининг асосини чет эл туризми ташкил қиласы. Дунёдаги энг йирик нефтиң қайта ишлеш заводларидан бири Сен-Кроа оролида жойлашган. Чорвачилек ва балиқчилек ривожланган. Четдан келтириладиган эхтиёт кисмлардан соатлар йигиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ром ишлаб чиқарыш йўлта кўйилган. Кишлок хұжалигыда жўхори, шакарқамиш, мева ва сабзавотлар етиштирилади. Четдан нефть, саноат маҳсулотлари, озиқ-овқат келтирилади. Четта нефть маҳсулотлари, шакар, ром, цитрус мевалар, қаҳва экспорт килинади. 2010 йилда ЯИМ микдори 1577 млн (ахоли жон бошига – 17 200) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Буюк Британия, Канада, АҚШ, Пуэрто-Рико.

**Тарихи.** Колумб экспедицияси 1493 йили оролларга келган. Дастребки ахоли пунктлари 1625 йил Санта-Кruz оролида инглиз ва француз мустамлакачилари томонидан барпо қилинган. Турли вактларда ороллар устидан инглизлар, французлар, испанлар ўз назоратини ўрнаттган. 1733 йили оролларни данияликлар сотиб олишди (1754 йилда расмий равишда Дания мустамлакаси деб эълон килинди). 1672 ва 1683 йилларда данияликлар Сент-Томас ва Сент-Жон оролларини ҳам мустамлакага айлантирган эди. Данияликлар ҳукмронлиги даврида Сент-Томас ороли савдо марказига (шунингдек, кул савдосининг ҳам), Сент-Жон ороли эса шакарқамиш плантацияларига айлантирилиб, уларда куллар ишлатилган. Куллик мавжуд бўлган даврда (1848 йилгача) оролга 28 минг негр куллар келтирилган. Дания ороллар устидан 1917 йилга кадар (Наполеон урушлари давридаги киска даврни ҳисобга олмагандан) эгаллик килиб келди. Шундан сўнг, Дания бу оролларни АҚШга 25 миллион долларга сотди. 1932 йили оролда яшовчиларга АҚШ фукаролиги берилди. Бу ерда АҚШ ҳарбий базаси курилган. 1973 йили Виргин ороллари АҚШ конгрессининг депутатлар палатасига 1 та депутат ўтказишга муваффак бўлган (лекин у овоз бериш хукукига эга эмас).

**ВИРГИН ОРОЛЛАРИ (Буюк Британия)**

*Расмий номи – Виргин Ороллари (Буюк Британия мулки). Пойтахти – Род-Таун. Ҳудуди – 153,4 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 23 700 киши (2012). Давлат тили – инглиз. Сигинуучларнинг асосий қисми христиан динининг протестант мазҳабига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – АҚШ доллари.*

*Географик жойлашуви ва табиати. Виргин ороллари 400 дан ортик ороллардан ташкил топган (улардан 16 тасида одам яшайди). Энг катталари – Тортола, Виргин-Горда, Анегада. Виргин ороллари Кичик Антиль оролларининг шимолий қисмидаги, Пуэрто-Рикодан шарқда жойлашган. Ороллар оҳактошлар билан коғланган.*

*Иклими – тропик. Доимий яшил тропик ўрмонларниң колдиклари бор, колган ерлари кишлек хўжалигида фойдаланиладиган ерлардир. Маймун, колибри, тути, денгиз кушлари яшайди.*

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши – Буюк Британия мулки, алоҳида ҳудуд. Давлат бошлиғи – молия, ички ҳавфсизлик, мудофаа бошқаруви, ташкил сиёсат, давлат хизмати, хукуқ-тартибот тизимини бошқарадиган, Буюк Британия кироли (киролича) томонидан тайинланадиган губернатор. Сиёсий партиялари: Виргин ороллари партияси, Бирлашган партия.*

*Иктисади, транспорт коммуникациялари. Иктисадининг асосини чет эл туризми ташкил этади. Цемент, ром, сенгил саноат, курилии маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар фаолият кўрсатади. Кокос ёнғоги, банан, шакарқамиш, сабзвотлар етиштирилади. Импорти: машина ва жихозлар. Экспорти: ром, балик, кум, шагал, мевалар, чорвачилик маҳсулотлари. 2010 йилда ЯИМ мидори 853 млн (аҳоли жон бошига – 38 500) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Пуэрто-Рико, Виргин ороллари (АҚШ).*

*Тарихи. 1493 йилда Х. Колумб экспедицияси оролга келиб тушган. Европаликлардан биринчилардан бўлиб голландлар (1648) яшай бошлаганлар. Англияликлар дастлаб 1666 йилда оролга келган. Улар келиши билан куллар меҳнатига асосланган плантациялар хўжалиги ривожлана бошлаган. Кулчиллик тутатилгунга қадар (XIX аср ўрталарида) оролга етти минг негр куллар келтирилган. 1762 йилдан Буюк Британийининг расмий мустамлакаси. 1960 йилда расман алоҳида ҳудуд деб эълон килинди. 1967 йилда оролга чегараланган ўз-ўзини бошқариш хукуки берилди.*

**ВЬЕТНАМ**

*Расмий номи – Вьетнам Социалистик Республикаси. Пойтахти – Ханой. Ҳудуди – 330 991 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 8884 000 киши (2012). Давлат тили – вьетнам.*

*Сигинувчилар буддавийттик динига (55%), мажусийлик (23%), даосийлик (12%) ҳамда христиан динининг католик(10%) мазҳабига эътиқод қиласади. Пул бирлиги – донг.*

*Географик жойлашуви ва табиати. Жануби-Шаркий Осиёда, Ҳиндихитой яриморолида жойлашган давлат. Гарбда – Камбоджа (1228 км) ва Лаос (2130 км), шимолда – Хитой (1281 км) билан чегарадош. Куруклиқдаги чегаралари узунлиги – 4639 км. Шаркий ва жанубий соҳиллари Жанубий Хитой денгизи билан туташган. Вьетнам Ҳиндихитой яриморолининг шаркий кисмидаги жойлашган. Мамлакат 4 та физик-географик худудга бүлинган. Мамлакатнинг энг юкори нуктаси – Фон-Си-Пан (Фоншипан) (3143 м) шимолда жойлашган.*

Иклими – шимолда субтропик, жануби-шарк ва марказида тропик муссонли. Мамлакатнинг асосий дарёлари – Меконг ва Хонгха бўлиб, улар Жанубий Хитой дengизига куйлади. Мамлакат худудида темир рудаси, марганец, бокситлар, кўмур захиралари маъжуд. Денгиз шельфларида нефть ва газ конлари топилган. Тогли худудларда тропик ўрмонларининг катта бўлмаган майдонлари сакланниб қолган. Бу ерда кенг барғли бамбук, лиана, баньян каби дараҳтлар ўсади. Вьетнам худудида фил, айик, йўлбарс, кийик, маймун, куён, олмахон каби ҳайвонларни учратили мумкин. Тимсоҳ, илон, калтакесаклар кенг тарқалган.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши – унитар республика. Давлат бошлиги – президент. Ҳукумат бошлиги – бош вазир. Мамлакат худудий жиҳатдан 61 та вилоят (тинъ)га бўлинган. Мамлакат аҳолисининг 90% Хонгха ва Меконг дарёлари кавзасида яшайди. Сиёсий партиялари: Вьетнам коммунистик партияси, Вьетнам ватан фронти.*

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Мамлакат иқтисоди давлат, кооператив ва хусусий секторларидан таркиб топланган. Вьетнам Жануби-Шаркий Осиёнинг «Янги индустринам мамлакат»лари категорига киради. Саноатнинг төг-кон, металлургия, энергетика, асбобозлики тармоқлари яхши ривожланган. Нефть, апатитлар, хромитлар, калайи, вольфрам калиб олинади. Мамлакат ўз-ўзини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминлашга эрищди. Шоли, шакаркамиш, чой, қаҳва, пахта, батат, тропик мева ва сабзавотлар етиширилади. 2012 йилда ЯИМ миқдори 137 681 млн (ахоли жон бошига – 1528) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Хитой, Япония, Сингапур, Жанубий Корея, Тайвань, Тайланд, Россия.*

*Тарихи. Мамлакат худудида м. а. 300 йилда Донгсон давлати гуллаб-яшнади. М. а. 111 йилда Вьетнам Хитой томонидан босиб олинди. 939 йилда хитойликлар маглубиятга учраб, дастлабки вьетнам сулоласига асос солинади. 1471 йилда Шимолий ва Жанубий Вьетнамнинг бирлашиш жараёни бошланди. 1858 йилда Вьетнам Франция томонидан босиб олинди. 1930 йилда Хо Ши Мин коммунистик партияни ташкил этди ва мустакиллик учун кураш бошлади. 1946 йилда*

Вьетнам француздар ва уларнинг мустамлакачилик сиёсатига карши кураш бошлади. 1954 йилда Женева келишувига асосан Вьетнам 17-параллель бўйлаб иккига бўлиниди. Шимолини коммунистлар, Жанубни АҚШ кўллаб-куватлари. 1964 йили Шимол кўшинлари АҚШНИНГ кичик хемаларига ҳужум қырганидан сўнг, ҳарбий харакатлар бошланниб кетди. 1973 йилда АҚШ кўшинлари Вьетнамдан олиб чиқилди. 1992 йилда янги конституция кабул килинди. 1995 йилда Вьетнам АҚШ билан дипломатик муносабатларини кайта тиклади.

## ГАБОН

*Расмий номи – Габон Республикаси. Пойтахти – Либревиль. Худуди – 267 667 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 1 563 900 киши (2012). Давлат тили – француз. Сиги-нунчиларинг асосий қисми христиан динига (75%) ва мажусийликка (24%) эътиқод қилиди. Пул бирлиги – африка франки.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Марказий Африканинг гарбида жойлашган давлат. Шарқ ва жанубда – Конго (чегара узунлиги – 1903 км), шимол ва гарбда – Камерун (298 км) ва Экваториал Гвинея (350 км) билан чегарадош. Куруклидаги чегаралари узунлиги – 2551 км. Гарбда Габон Атлантика океанига туташиб кетган (885 км). Йирик дарёси – Огове. Асосий табиий бойликлари – нефть, уран, олтин, темир рудаси, марганец. Худудининг 78% намлик даражаси юкори бўлган тропик ўрмонлар билан қопланган. Габон худудининг ўртасидан экватор кесиб ўтади. Эн баланд нуктаси Шайю тогларидағи Ибуниж (1580 м) чўхкиси.

Иклими – нам ва иссик. Ҳайвонот дунёси ўта бой ва хилма-хил. Фил, кўтос, антилопа, коплон ва бошкамар шулар жумласидандир.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 9 та вилоятдан иборат. Габон 1960 йилининг 17 августида ўз мустакиллигига эришган. 17 август Миллый мустакиллик куни сифатида байрам килинади. Давлат бошлиги – президент. Ҳукумат ва бош вазир президент томонидан тайинланади. Қонун чиқарувчи олий орган иккни палатали парламент – Миллат мажлиси ва Сенат. Мамлакатда 70 дан ошик сиёсий партиялар мавжуд. Уларнинг энг йириклари – Габон демократик партияси, Габон тараккиётни партияси ва Миллый тикланиш учун ҳаракат.

*Иктисади, транспорт коммуникациялари.* Йирик микдордаги табиий бойликларга эга бўлганлиги сабабли, Габон Африканинг ривожланган давлатларидан бирор хисобланади. Иктисадининг етакчи соҳаси нефть экспортидир. Бундан ташкири саноатнинг бошса соҳалари – ёгочни кайта ишлаш, тўқимачилик, конишлари яхши ривожланган. Қишлоқ ҳўжалигига асосан шакаркамиш, као, банан, маккаждӯхори ва шоли етиширилади. Экспортта нефть, марганец,

тошкўмир, уран хомашёси чиқарилади. 2012 йилда ЯИМ миқдори 16 804 млн (аҳоли жон бошига – 11 929) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Франция, АҚШ ва Япония. Йирик портлари: Либревиль, Порт-Жантил.

**Тарихи.** Бутунги Габон ҳудуди XV асрда португаллар томонидан очилган. Габонни мустамлакалаштириш жараёни унинг 1889 йилда француз Конгосига қўшилиши билан якунланди. Габон 1910 йилда Француз Экваториал Африкасининг таркибий қисмига айланди. 1960 йилда Габон ўз мустақиллигига эришди. 1964 йили Габонда давлат тўнтариши юз берди. Бирор Сенегал ва Конгодан етиб келган француз қўшинлари олдинги хокимиятни тиклаб беришди. 1968 йилда Габонда демократик партия раҳбарлигига бир партияли тизим ўрнатилди. 1991 йил мартаиди қўппартияли тизимга руҳсат берувчи янги конституция кабул килинди.

## ГАИТИ

*Расмий номи – Гаити Республикаси. Пойтахти – Порт-о-Пренс. Ҳудуди – 27 750 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 10 255 600 киши (2012). Давлат тили – гаити, креол ва француз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – сурд.*

**Географик жойлашуви ва табиати.** Гаити – Кариб денгизи ҳавзасидаги Гаити оролининг гарбий қисмida жойлашган давлат. Шаркда куруклик орқали Доминикан Республикаси билан чегарадош (360 км). Жанубда Кариб денгизи, шимолда Атлантика океани билан туташган. Гарбда Гантини Кубадан тор бўғоз ажратиб туради. Гаити ҳудуди асосан тоб тизмаларидан иборат бўлиб, энг баланд чўйкиси – Ла-Сель (2680 м). Дарёлари – Гуаямук ва Артибоните. Ҳудудида иккита йирик кўл – Соматр ва Плигр мавжуд бўлиб, улар шўр сувли. Асосий табииятни бойликлари: мис, молибден, боксит, олтгин ва кумуш.

Иклими – тропик. Ўсимлик дунёси ўта бой ва хилма-хил. Гарбий ҳудудлари ўрмон ва бутазорлар, тоғли ҳудудлар эса тоб ўрмонлари билан копланган. Гаитида пальманинг бир неча тури учрайди. Ману дарахти ва антиль эманининг баландлиги 30 м гача етади. Бундан ташкири, кизил дарахтнинг кимматбахо навлари ҳам сакланиб қолган. Гаити ҳайвонот дунёсининг асосий қисми инсон томонидан кириб ташланган. Шу сабабли унинг ҳудудида йирик жонзотлар десярли сакланиб қолмаган. Соҳил ҳудудларида йирик денгиз тошбакаларини учрашиш мумкин.

**Давлат тизилиши, сиёсий партиялари.** Давлат тизилиши – республика. Мамлакат 9 та департаментга бўлинган. Гаити 1804 йилнинг 1 январида ўз мустақиллигини кўлга киритган. Давлат бошлиғи – президент. Конун чиқарувчи хокимият – Миллий ассамблэя (икки палатали). Энг йирик сиёсий партиялари: Гаитида демократияни тиклаш харакати, Демократия ва ўзгаришлар миллий

Вьетнам француздар ва уларнинг мустамлакачилик сиёсатига карши кураш бошлади. 1954 йилда Женева келишувига асосан Вьетнам 17-параллель бўйлаб иккита бўлинди. Шимолни коммунистлар, Жанубни АҚШ кўллаб-кувватлари. 1964 йили Шимол қўшинлари АҚШнинг кичик кемаларига хужум килганидан сўнг, ҳарбий харакатлар бошланниб кетди. 1973 йилда АҚШ қўшинлари Вьетнамдан олиб чиқилди. 1992 йилда янги конституция кабул килинди. 1995 йилда Вьетнам АҚШ билан дипломатик муносабатларини кайта тиклади.

## ГАБОН

Расмий номи – Габон Республикаси. Пойтахти – Либревиль. Худуди – 267 667 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 1 563 900 киши (2012). Давлат тили – француз. Сиги-нуччиларнинг асосий қисми христиан динига (75%) ва мажусийликка (24%) эътиқод қиласиди. Пул бирлиги – африка франки.

Географик жойлашуви ва табииати. Марказий Африканинг гарбидаги жойлашган давлат. Шарқ ва жанубда – Конго (чегара узунлиги – 1903 км), шимол ва гарбда – Камерун (298 км) ва Экваториали Гвинея (350 км) билан чегарадош. Куркуликдаги чегаралари узунлиги – 2551 км. Гарбда Габон Атлантика океанига туташиб кетган (885 км). Йирик дарёси – Огове. Асосий табиий бойликлари – нефть, уран, олгин, темир рудаси, марганец. Худудининг 78% намлик даражаси юкори бўлган тропик ўрмонлар билан колланган. Габон худудининг ўртасидан экватор кесиб ўтади. Энг баланд нуқтаси Шайю тогларидаги Ибунжи (1580 м) чўйкиси.

Иклими – нам ва иссик. Ҳайвонот дунёси ўта бой ва хилма-хил. Фил, кўтос, антилопа, коплон ва бошқалар шулар жумласидандири.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 9 та вилоятдан иборат. Габон 1960 йилнинг 17 августида ўз мустақиллиги эришган. 17 август Миллий мустақиллик куни сифатида байрам килинади. Давлат бўшлиги – президент. Ҳукумат ва бош вазир президент томонидан тайинланади. Конун чиқарувчи олий орган икки палатали парламент – Миллат мажлиси ва Сенат. Мамлакатга 70 дан ошик сиёсий партиялар мавжуд. Уларнинг энг йириклари – Габон демократик партияси, Габон тараккиёт партияси ва Миллий тикланиш учун ҳаракат.

Иккисоди, транспорт коммуникациялари. Йирик миқдордаги табиий бойликларга эга бўлганлиги сабабли, Габон Африканинг ривожланган давлатларидан бирни хисобланади. Иккисодининг етакчи соҳаси нефть экспортитидир. Бундан ташкири саноатнинг бошқа соҳалари – ёғочни кайта ишлаш, тўкимачилик, конишлари яхши ривожланган. Кишлоп хўжалигига асосан шакаркамиш, ка-као, банан, маккаждӯхори ва шоли етиширилади. Экспортга нефть, марганец,

тошкүмир, уран хомашёси чиқарилади. 2012 йилда ЯИМ миқдори 16 804 млн (аҳоли жон бошига – 11 929) долларни ташкил эттан. Асосий савдо ҳамкорлари: Франция, АҚШ ва Япония. Йирик портлари: Либревиль, Порт-Жантли.

**Тарихи.** Бугунги Габон худуди XV асрда португаллар томонидан очилган. Габонни мустамлакалаштириш жараёни унинг 1889 йилда француз Конгосига қўшилиши билан якунланди. Габон 1910 йилда Француз Экваториал Африкасининг таркибий кисмига айланди. 1960 йилда Габон ўз мустақиллигига эришди. 1964 йили Габонда давлат тўнтиши юз берди. Бироқ Сенегал ва Конгодан етиб келган француз қўшинлари олдинги ҳокимиятни тиклаб беришди. 1968 йилда Габонда демократик партия раҳбарлигига бир партияли тизим ўрнатилди. 1991 йил мартаи кўппартияли тизимга рухсат берувчи янги конституция кабул килинди.

## ГАИТИ

*Расмий номи – Гаити Республикаси. Пойтахти – Порт-о-Пренс. Худуди – 27 750 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 10 255 600 киши (2012). Давлат тили – гаити, креол ва француз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – гурд.*

**Географик жойлашуви ва табиати.** Гаити – Кариб денгизи ҳавzasидаги Гаити оролининг гарбий кисмida жойлашган давлат. Шарқда куруклик орқали Доминикан Республикаси билан чегарадош (360 км). Жанубда Кариб дентзи, шимолда Атлантика океани билан туташган. Фарбда Гаитини Кубадан тор бўғоз ажратиб туради. Гаити худуди асосан тоб тизмаларидан иборат бўлиб, энг баланд чўккиси – Ла-Сель (2680 м). Дарёлари – Гуаямук ва Артибоните. Худудида иккита йирик кўл – Соматр ва Плигр мавжуд бўлиб, улар шўр сувли. Асосий табиий бойликлари: мис, молибден, боксит, олгин ва кумуш.

Иклими – тропик. Ўсимлик дунёси ўта бой ва хилма-хил. Гарбий худудлари ўрмон ва бутазорлар, тогли ҳудудлар эса тоб ўрмонлари билан копланган. Гаитида пальманинг бир неча тури учрайди. Матпу дарахти ва антиль эманининг баландлиги 30 м гача етади. Бундан ташкари, кизил дарахтнинг кимматбаҳо навлари ҳам сакланиб колган. Гаити ҳайвонот дунёсининг асосий қисми инсон томонидан кириб ташланган. Шу сабабли унинг худудида йирик жонзорлар деярли сакланиб колмаган. Сохил ҳудудларида йирик денгиз тошбақаларини учрашиш мумкин.

**Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.** Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 9 та департаментга бўлинган. Гаити 1804 йилнинг 1 январида ўз мустақиллигини қўлга киритган. Давлат бошлиги – президент. Конун чиқарувчи ҳокимият – Миллий ассамблэя (икки палатали). Энг йирик сиёсий партиялари: Гаитида демократияни тиклаш ҳаракати, Демократия ва ўзгаришлар миллий

фронты, «Лавальяс фамий» партияси, Ганти коммунистлари бирлашган партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Ганти Гарбий яримшарнинг энг коло ва кашшок аграр давлатларидан бири хисобланади. Мамлакат табиий бойликларнинг йирик захирасига эга бўлишига қарамай, саноат ўта суст ривожланган. Саноат бутунлай хорижий сармоя назоратида. Кишлек хўжалиги умумий миллий маҳсулотнинг 40%ини етказиб беради. Унинг асосини қахва, пахта, шакаркимиш, какао, тамаки етиштириш ташкил этади. Кишлек аҳолисининг деярли ярмини ерсиз дехконлар ташкил этади. 2012 йилда ЯИМ миқдори – 7895 млн (аҳоли жон бошига – 759) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ ва Франция.

*Тарихи.* Ганти 1492 йилда Христофор Колумб томонидан кашф қилинган ва Эспаньола номи билан Испаниянинг биринчи мустамлакаси ҳамда Лотин Америкасидаги испан экспансиясининг асосий марказига айланган. Махаллий хиндулар бутунлай кириб ташланган ва оролдаги плантацияларда ишлатиш учун Африкандан куллар олиб келинган. XVII аср ўргатаридан орол иккига бўлинди ва шаркий қисми (ҳозирги Доминикан Республикаси) Испания мустамлакаси, гарбий қисми эса (ҳозирги Ганти) Франция мустамлакасига айланди. 1791 йилда Туссен Лувертир бошчилигидаги куллар кўзғолони кўтарилиди. Туссен Лувертир 1802 йилда ўзининг асир килинишигача бутун Гантини бошкарди. 1804 йили Ганти Европа давлатлари мустамлакалари ичida ўз мустакиллигини кўлга кириптан биринчи давлат бўлди. 1811 йилда мамлакатда монархия ўрнатилди. 1820 йили – республика, 1849 йили эса империя деб эълон килинди. 1859 йилда Гантида яна республика бошкарувни ўрнатилди. 1915 йил мамлакатта АҚШ кўшинлари бостириб кирди ва 1934 йилгача бошкарувни ўз кўлларига олишиди. Шундан сўнг 1986 йилгача Гантида бошкарув диктаторлик Йўли билан амалга оширилди. 1986 йили ҳарбийлар ҳокимиятни ўз кўлларига олишиди. 1994 йилдан ҳокимият фуқаролик ҳукуматига ўтди.

2011 йилнинг 12 январида содир бўлган кучли зилзила 222 570 кишининг ўлимига сабаб бўлди, 311 000 таси жароҳатланди, 869 та одам бедарак йўқолди. Моддий зарар 5,6 млрд еврони ташкил этди.

## ГАЙАНА

*Расмий номи – Гайана Кооператив Республикаси. Пойтахти – Жоржстадун. Ҳудуди – 214 969 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 772 298 қиши (2009). Давлат тили – инглиз. Сигинувларнинг асосий қисми ҳиндӯйшлик (54%) ва христианлик (27%) дингларига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – гайана доллари.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Жанубий Американинг шимолий қисмидаги жойлашган давлат бўлиб, жануб ва гарбда – Бразилия (1606 км),

шимоли-гарбда – Венесуэла (743 км) ва шаркда – Суринам (600 км) билан чегарадош. Куруклиқдаги чесгаралари узуунлиги – 2949 км. Шимолда Гайана Атлантика океани билан туташган. Марказий ва жанубий худудларини Гвиан ясситоглослари эгаллаган. Энг баланд чўккиси Рорайма (2772 м). Мамлакат замини боксит, олтин, олмос каби табиий бойликларга бой.

Иклими – субэкваториал. Ўсимлик дунёси ўта хилма-хил. Гайана худудида дунёнинг бошка жойларида кам учрайдиган кизил дараҳт ва темир дараҳти ўсади. Гайана дунёнинг ҳайвонот олами энг бой давлатларидан бири. Унинг худудида дунёнинг бошка жойларида ўта ноёб ҳисобланган 100 дан ошик жонзот турлари мавжуд. Тимсоҳ ва маймунларнинг энг ноёб турларини Гайанада учратиш мумкин.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Британия Ҳамдустлиги аъзоси. Мамлакат 10 та округга бўлинган. Гайана 1966 йилнинг 26 майида Британия истибододидан чикиб, ўз мустакиллигини эълон килган. 1970 йилнинг 23 февраляда Гайана республика деб эълон килинган. Ижроия ҳокимият президент ва бош вазир бошчилигидаги ҳукуматта тегиши. Конун чикарувчи олий органи бир палатали парламент – Миллат мажлиси. Асосий сиёсий партиялари: Халқ тараккниётি партияси, Халқ миллий конгресси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Гайанада ишлаб чиқариш саноати суст ривожланган. Электроэнергетикада иссиқлик электр станциялари устун. Саноатнинг асосий соҳаси – төғ-кон саноати ҳисобланади. Гайана аграр давлат бўлганилиги сабабли, мамлакат халқ ҳўжалиги ҳаётида қишлоқ ҳўжалиги асосий ўринни эгаллади. Қишлоқ ҳўжалигига асосан шакарқамиш ва шоли етиштириллади, бундан ташкари банан, қаҳва ва цитрус мевалари етиштириш ҳам яхши ўлга кўйилган.

2012 йилда ЯИМ миқдори 2788 млн (аҳоли жон бошига – 3596) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Буюк Британия, АҚШ, Япония.

*Тарихи.* Туб аҳолиси хиндулар ҳисобланган Гайана XVII асрга келиб Голландия истибодига тушиб колди. 1914 йилда Буюк Британия мулкига айланди. 1931 йилдан бутунлай Британия мустамлакасига айлантирилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин мустамлакаларда юзага келган ўзгаришлар туфайли 1953 йилда Буюк Британия Гайанага ўз-ўзини бошкариш ҳукукини берди. 1966 йилда эса унинг мустакиллигини тан олди. 1970 йилда Гайана Кооператив Республика номини олди. Давлатнинг «кооператив социализм» қуриш дастури 1980 йилги конституцияда ҳам ўз аксини топди.

## ГАМБИЯ

*Расмий номи – Гамбия Республикаси. Пойтахти – Банжул. Ҳудуди – 11 300 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 1 824 800 киши (2012). Давлат тили – инглиз. Сиенуучиарнинг асосий қисми ислом динига эътиқод қиласи. Пул бирлиги – даласи.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Гамбия Фарбий Африкада жойлашган давлат Жануб, шимол ва шарқда факат Сенегал (740 км) билан чегара дош. Фарбда Атлантика океани билан туташган. Мамлакат майдони асосан текисликлардан иборат. Энг йирик дарёси – Гамбия.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат б 6 та маъмурӣ вилоятга бўлинган. Ижроия ҳокимиёт президентта тегишли. Конун чикарувчи олий органи – бир палатали парламент – Миллий мажлис. Гамбия 1965 йилнинг 18 февралида ўз мустақиллигини эълон қилган. Асосий сиёсий партиялари: Ватанларварлик йўналиши ва бунёдкорлик йўлидаги иттифок партияси, Миллий тараккӣ партияси, Гамбия халқ партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Табиий ресурсларнинг етишаслиги ва дехкончиликнинг ривожланиши учун табиий шароитнинг ўта нокулийлиги Гамбияни дунёдаги энг кашшок мамлакатлардан бирига айлантирган. Мамлакат саноати ўта заиф ривожланган. Кишлек ҳўжалиги ЯИМнинг 30%нин етишириб беради. 2012 йилда ЯИМ миқдори 940 млн (аҳоли жон бошига – 503) долларни ташкил этган. Экспортта чиқарадиган маҳсулотларнинг 75%нин турли ёнгоклар ва ёнғок маҳсулотлари ташкил этади.

*Тарихи.* Бутунги Гамбия худудлари XIII–XV асрларда Мали империяси таркибига кирган. XV аср охири ва XVI асрда Сонгтай империяси бу ерларни ўз таркибига кўшиб олган. XV асрда илк бор португаллар Гамбия соҳибларига келиб жойлашган. XVIII асрга келиб португалларни инглизлар Гамбиядан сикиб чиқариши. Версаль шартномасига кўра Гамбия 1888 йилда Буюк Британия мулки деб эълон қилинди. Гамбия 1965 йилнинг 18 февралида мустақилликка эришиди. 1981 йилнинг 12 декабрида Гамбия ва Сенегал ўртасидаги ўзаро келишувга кўра бу икки давлат Сенегамбия эркин конфедерациясига бирлашди. Лекин 1989 йили бу келишув бекор қилинди. 1994 йили мамлакат президенти Жавара ҳарбий тўнтарни оқибатида ағдариб ташланди. Ҳокимиёт Мувакқат ҳарбий куролли кучлар бошқарув кенгаши кўлига ўтди. У конституция ва давлат идоралари фаолиятини тўхтатди. 1998 йили ЕИ ва АҚШ фуқаролик тартибини жорий килишин талаб қилиб, ҳар кандай ёрдамларни тўхтатди. Ривожланган давлатлар қўмагидан маҳрум бўлган Гамбия, маргинал давлатлар билан дипломатик алокаларни ривожлантириди.

## ГАНА

*Расмий номи – Гана Республикаси. Пойтахти – Аккра. Ҳудуди – 238 305 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 25 545 900 киши (2012). Давлат тили – инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми турли маҷаллий динларга, қолган қисми христианик ва ислом динларига эътиқод қилишиади. Пул бирлиги – седи.*

**Географик жойлашуви ва табиати.** Гана Фарбий Африкада, Гвинея кўлтиги соҳилида жойлашган давлат. Шарқда – Того (877 км), шимол ва шимоли-фарбда – Буркина-Фасо (549 км), фарбда – Кот-д'Ивуар (668 км) билан чегара-дош. Куруклиқдаги чегаралари узунлиги – 2094 км. Жанубда Гана Атлантика океани билан туташган. Гана худудининг асосий қисми текисликлардан иборат. Мамлакатнинг шарқида дунёнинг энг катта сунъий кўлларидан бирি хисобланган Вольта кўли жойлашган. Гана худудидаги йирик дарёлар: Кора Вольта, Оқ Вольта ва Вольта дарёлари. Олтин, саноат олмоси, боксит, марганец, ёғоч, балиқ ва каучук бу мамлакатнинг асосий бойликларидан хисобланади. Соҳилбўйи ўсимлик дунёси уччалик бой эмас, асосан паст бўйли бутазорлар ва баобаб дарахтларидан иборат. Марказий худудлардаги ўрмонзорларда кизил ва кора да-рахтнинг турии навлари ва пахта дарахти ўсади. Гананинг хайвонот дунёси ўта хилма-хил. Саванна ўрмонзорларида қоплон, антилопа, фил, тури маймуналар ҳамда дарё ва кўлларда тимсоҳ ва бегемотларни учратиш мумкин.

**Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.** Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 10 та вилоятга бўлинган. Гана 1957 йилнинг 6 марта ӯз мустақиллигини кўлга киритган. Давлат бошлиғи – президент. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент ихтиёрида. Йирик сиёсий партиялари: Миллий демократик конгресс, Халқ миллий конвент партияси, ЭГЛЕ партияси, Янги ватанпарварлик партияси.

**Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.** Ҳўжаликнинг асосий тармоғи кишилқоқ ҳўжалиги бўлиб, Гана умумий миллий маҳсулотининг 50%ини етиштиради. Гана какао экспорти бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Бундан ташкари, экспортга олтин, боксит, алюминий, ёғоч ва балиқ маҳсулотларини чиқаради. 2012 йилда ЯИМ миқдори 40 124 млн (ахоли жон бошига – 1552) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Буюк Британия, АҚШ, Германия ва Япония.

**Тарихи.** Ҳозирги Гана худудлари европаликлар томонидан кашф килингунгача, Догомба ва Мампруси киролликлари мавжуд бўлган. 1471 йили португаллар Гана киргокларидаги ўзларининг биринчи қўнағаларига асос солишиган. Кўп йиллар давомида Гана Африка қитъасидаги кул савдосининг маркази бўлиб келган. 1642 йилга келиб португаллар голландалар томонидан Ганадан бутунлай сикиб чиқарилди. 1871 йилгача Гана Голландия мустамлакаси бўлиб колди. 1871 йилда Англия Ганани Голландиядан сотиб олиб, Олтин кирғок деб номлади. 1957 йилда Гана мустақилликка эришиди. 1960 йили республика деб зълон килинди. 1966–1990 йилларда Ганада бир нечта ҳарбий тўнтиришлар бўлиб ўтди. 1992 йили президент ва парламент сайловлари ўтказилиб, ҳокимият Ганани 19 йил идора килган Мувакқат миллий мудофаа кенгашидан фукаролик хукумат кўлига ўтди.

1930-31. The first year of the new school was opened with great enthusiasm by all. The new building was a success. The new teachers did well and were well received by the pupils. The new school was a great success.

**Philosophical Anthropology** (including materialism, dualism, idealism, etc.)  
is the study of man as the highest animal, thinking by his brain, especially when he  
uses it. It studies man's body, culture, thought, etc., through history, literature,  
philosophy, etc. Specifically, it studies man's mind, reason, will, etc., through  
logic, psychology, etc. In this sense, philosophy can be called "theoretical  
science," and the other sciences "practical." But there is also another way of  
viewing philosophy. It can be called "practical" because it can be used to  
improve society, to help people live better lives, etc. This is called "applied  
philosophy," or "practical philosophy." Examples of applied philosophy include  
ethics, political philosophy, etc.

Worthington, 1966). In addition, the results of the present study indicate that the relationship between the amount of time spent in the water and the amount of time spent in the air was not significant. This suggests that the amount of time spent in the water was not related to the amount of time spent in the air.

## FISHES

The fish fauna consists mainly of freshwater species. There are many species of trout, salmon, and char, and also some 100 species of freshwater fishes. The most abundant species are the lake whitefish, lake trout, and lake whitefish.

Fisheries are conducted by the Department of Fisheries and Forestry. The department has its headquarters at Ottawa, Ontario, and its principal offices at St. John's, Newfoundland; Quebec City, Quebec; and Victoria, British Columbia. The department is responsible for scientific studies, research, regulation, and enforcement of fisheries protection laws and regulations, and for developing, protecting, and conserving fish stocks. The department also has a number of research stations and laboratories throughout the country, and it maintains a network of hatcheries and苗房 (seedbeds) for the propagation of fish stocks.

The chief economic activities associated with fish are fishing, aquaculture, and aquaculture. The production of fish products comes from both marine and freshwater sources, including salmon, trout, cod, herring, mackerel, salmon, and salmonid species. The major products are salmon, trout, and salmonid species.

Fisheries are conducted by the Department of Fisheries and Forestry. The department has its headquarters at Ottawa, Ontario, and its principal offices at St. John's, Newfoundland; Quebec City, Quebec; and Victoria, British Columbia. The department is responsible for scientific studies, research, regulation, and enforcement of fisheries protection laws and regulations, and for developing, protecting, and conserving fish stocks. The department also has a number of research stations and laboratories throughout the country, and it maintains a network of hatcheries and苗房 (seedbeds) for the propagation of fish stocks.

Fisheries are conducted by the Department of Fisheries and Forestry. The department has its headquarters at Ottawa, Ontario, and its principal offices at St. John's, Newfoundland; Quebec City, Quebec; and Victoria, British Columbia. The department is responsible for scientific studies, research, regulation, and enforcement of fisheries protection laws and regulations, and for developing, protecting, and conserving fish stocks. The department also has a number of research stations and laboratories throughout the country, and it maintains a network of hatcheries and苗房 (seedbeds) for the propagation of fish stocks.

Fisheries are conducted by the Department of Fisheries and Forestry. The department has its headquarters at Ottawa, Ontario, and its principal offices at St. John's, Newfoundland; Quebec City, Quebec; and Victoria, British Columbia. The department is responsible for scientific studies, research, regulation, and enforcement of fisheries protection laws and regulations, and for developing, protecting, and conserving fish stocks. The department also has a number of research stations and laboratories throughout the country, and it maintains a network of hatcheries and苗房 (seedbeds) for the propagation of fish stocks.

## ГВИАНА

Расмий номи – Гвиана (Франция денгизорти департаменти ва региони).  
Маъмурий маркази – Кайенна. Худуди – 91 000 км<sup>2</sup>. Аҳалиси – 762 000 киши  
(2010). Давлат тили – француз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан дини-  
нинг католик мазҳабига эътиқод қиласиди. Пул бирлиги – евро.

*География жойлашуви ва табииати.* Жанубий Американинг шимоли-шарқида, Атлантика соҳилица жойлашган давлат. Суринам (510 км) билан гарбда, Бразилия (730 км) билан жануб ва шарқда чегарадош. Куруклиқдаги чегаралари узунлиги – 1240 км. Гвиана марказида ясситогликлар мавжуд, шимолда текислик, жанубда эса тоглар билан үралган.

Иклими – иссик, экваториал. Атлантикага караб кўплаб дарёлар оқади. Худуди олтин, боксит захираларига бой. Гвиана худудининг 96,7% ноёб турдаги ўрмонзорлар билан копланган.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Сиёсий тузуми – регион, Франциянинг «денгизорти департаменти». Регион бошлиғи – Франция Республикаси префекти, Баш кенгаш раиси. Гвиана 20 округта (кантон), округлар эса коммуналарга бўлинган. Сиёсий партиялари: Франция сиёсий партияларининг маҳаллий бўлимлари, Гвиана демократияси иттифоқи, Гвиана халк миллий партияси, Гвиана социалистик партияси, Валвари комитети, Тараккиёт кучлари.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Гвиана – иқтисоди қолоқ мамлакат. Олтин казиш, электр энергияси ишлаб чиқариш, ёғочни қайта ишлаш каби саноат корхоналари мавжуд. Балиқ овлаш – иқтисодининг илғор тармогидир. Чорвачилик мавжуд. Бошоқли ўсимликлар, сабзавот, шоли, маниок, банан, ананас, шакаркамиши етишитирилади. Гвиана ўзининг Куру (Коуроу) космодромидан «Ариан» ракеталарини Европа Космик Агентлиги дастурлари асосида учиради. Йирик шахарлари: Куру, Сен-Лоран-дю-Марони. Портлари: Кайенна, Дегра-де-Кани. Ромамбо халкаро аэропорти мавжуд.

Асосий савдо ҳамкорлари: Франция, Германия, Италия, Нидерландия, Тринидад ва Тобаго, АҚШ, Япония.

*Тарихи.* 1499 йили испанлар томонидан кашф килинган. 1604 йилдан Франция мустамлакачилигига асос солинди. Бу худудлар учун Испания билан Нидерландия, Британия, Португалия урушлар олиб борган. 1817 йилдан Франция мулкига айланди. XVIII аср охири – XX аср ўрталаригача Гвианага француз сиёсий маҳбуслари сургун килинган. Гвианага 1946 йили Франциянинг денгизорти департаменти, 1975 йили регион мақомини олди.

## ГВИНЕЯ

*Расмий номи – Гвинея Республикаси. Пойтахти – Конакри. Худуди – 245 857 км<sup>2</sup>. Аҳалиси – 10 480 710 киши (2012). Давлат тили – француз. Сигинувчиларнинг асосий қисми ислом динига (70%) эътиқод қиласди. Пул бирлиги – гвинея франки.*

*Географик жойлашуви ва табииати. Фарбий Африкада жойлашган давлат. Жанубда – Сьерра-Леоне (652 км) ва Либерия (563 км), шарқида – Кот д'Ивуар (610 км), шимолда – Гвинея-Бисау (386 км), Сенегал (330 км) ва Мали (858 км) билан чегарадош. Куруклиқдаги чегаралари узунлиги – 3399 км. Фарбда Атлантика океанига туташган. Соҳилбўйи текисликларини хисобга олмагандা, мамлакат ҳудуди асосан пасттоғлар ва тепаликлардан иборат. Энг йирик дарёлари: Гамбия ва Бафинг. Гвинеянинг энг баланд нуктаси Нимба тоги хисобланади (1752 м). Мамлакат заминидаги боксит, темир рудаси, олтгин, олмос ва уран каби табиий бойликларнинг захиралари мавжуд. Гвинея Фарбий Африкада энг кўп ёмғир ёғадиган ҳудуддир. Ўсимлик дунёси жуда хилма-хил. Бу ерда пальманинг ноёб навлари ўсади. Ҳайвонот дунёси жуда бой. Гвинея ҳудудида Африка табиатига хос бўлган барча ҳайвонларни учратиш мумкин.*

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши – республика. Гвинея 1958 йилнинг 2 октяброда Франциядан мустакилликка эришган. Давлат бошлиги – президент. Конун чиқарувчи ҳокимиётни Миллат мажлиси (бир палатали парламент) амалга оширади. Йирик сиёсий партиялари: Гвинея бирлик ва Тараккиёт партияси, Тараккиёт ва янгиланиш учун иттифоқ партияси, Гвинея меҳнаткашлар конфедерацияси.*

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Йирик микдордаги казилма бойликлар захирасига эга бўлишига қарамасдан, Гвинея дунёдаги қашшоқ давлатлардан бири бўлиб колмоқда. Жаҳон боксит захираларининг 27% Гвинея ҳудудида жойлашган бўлиб, уни ишлаб чиқариш бўйича Гвинея жаҳонда 2-уринда туради. Қишлоқ хўжалиги, балиқчилик ва ўрмончиликни хам қўшиб хисоблаганда, умумий миллий маҳсулотнинг 40%ини етказиб беради. Асосий қишлоқ хўжалик экинлари: шоли, қаҳва ва цитрус мевалар. Саноат умумий миллий маҳсулотнинг 27%ини етказиб беради. 2012 йилда ЯИМ микдори 5744 млн (аҳоли жон бошига 519) долларни ташкил этган. Гвинеяда тоф-кон ишлари яхши ривожланган. Умумий экспорт маҳсулотларининг ярмидан кўпини боксит ва алюминий экспорти ташкил этади.*

*Тарихи. Гвинея ҳудудининг бир қисми XV асрнгача Гана ва Мали давлат бирлашмаларининг таркибига кирган. XVII аср охиirlарида кўчманчи фульбе қабилаларининг Фарбий давлати ташкил топди. 1893 йилдан Гвинея Франциянинг мустамлакасига айланди. 1958 йили Гвинея ўз мустакилигини эълон*

килди. 1966 йилда Франция унинг мустакиллигини тан олди. Гвинея 1978 йилдан 1984 йилгача Гвинея Халқ Революцион Республикаси деб аталди. 1984 йил аррелдаги тўнтиришдан сўнг ҳокимият ҳарбийлар кўлига ўтди. 2010 йили президент сайловлари ўтказилди ва ҳокимият фуқаролик хукуматига топширилди.

## ГВИНЕЯ-БИСАУ

*Расмий номи – Гвинея-Бисау Республикаси. Пойтахти – Бисау. Ҳудуди – 36 125 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 1 579 600 киши (2012). Давлат тили – португал. Сигинувчилар турти ҳил маҳаллий динларга (65%) эътиқод қиласди. Мусулмонлар 30%, христианлар 5% ни ташкил этади. Пул бирлиги – гвинея-бисау песоси (африка франки).*

**Географик жойлашуви ва табииати.** Африка китъасининг шимоли-гарбидаги жойлашган давлат. Шарк ва жанубда Гвинея (386 км) ва шимолда Сенегал (338 км) билан чегарадош. Курукликтаги чегаралари узунлиги – 724 км. Фарбда Атлантика океани билан туташган.

Иклими – субэкваториал. Мамлакатнинг шаркий кисмлари саванна ўрмонзорлари билан копланган. Ўрмонзорларда тўнғиз, коплон, кўтос ва маймунларнинг ҳар хил турларини учратиш мумкин. Боткоқлик ва сувли ҳудудларда бегемот ва тимсоҳлар мавжуд. Инсон хаёти учун ҳафли бўлган цеце пашшаси ва шунга ўқашаш ҳашаротлар туфайли баъзи ҳудудлар яшашга яроқсиз.

**Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.** Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 8 та округдан ташкил топган. Гвинея-Бисау 1973 йилнинг 24 сентяброда Португалия истибодидан чиқиб, ўз мустакиллигини зълон килянган. Ижроия ҳокимият президентга тегишли. Конун чиқарувчи органи – бир палатали парламент – Миллат ҳалқ мажлиси. Сиёсий партиялари: Ижтимоий янгилашиш партияси, Гвинея ва Кабо-Верде мустакиллиги Африка партияси.

**Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.** Гвинея-Бисау дунёнинг қашшок давлатларидан биридир. Ҳалқ ҳўжалигининг асосий соҳаси кишлек ҳўжалиги хисобланади. Умумий миллий маҳсулотнинг 50% кишлек ҳўжалиги етиштириб беради. Асосий экинлари: шоли, ёнгок, маккажӯхори ва пахта. Мамлакат ўз-ўзини озик-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминлай олмайди. Саноати эса кишлек ҳўжалик маҳсулотларини кайта ишлаш билан чегараланган. 2012 йилда ЯИМ миқдори 884 млн (аҳоли жон бошига – 551) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Португалия, Испания, Сенегал.

**Тарихи.** IX–XIII асрларда бутунлиги Гвинея-Бисау ҳудудлари Гана кироллиги таркибига кирган. XIII–XV асрларда Мали кироллиги уни ўз таркибига киритган. XV асрга келиб бу ерлар Сонгай кироллигига караган. Гвинея-Бисау 1446

йилда португаллар томонидан кашф килинган. XVIII асрға келиб Европа давлатлари бу худудларни мустамлака килиш учун курашиб келишди. 1879 йилда мамлакат Португалия мустамлакаси деб эзлон килинди. 1966 йилда бошланиб кеттган озодлик кураши 1974 или Гвинея-Бисау Республикасининг ташкил топishi билан якунланди. 2003 илии ҳарбий давлат тұнтарishi ўтказилиб, бизнесмен Энрик Роза вактинчалик президент болды.

## ГЕРМАНИЯ

*Расмий номы – Германия Федератив Республикаси. Пойтахты – Берлин. Худуды – 357 041 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 82 020 600 киши (2013). Давлат тили – немис. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик (30,9%) ва протестант (30,2%) мазҳабларига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – евро.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Марказий Европада жойлашган давлат. Жанубда – Австрия (784 км) ва Швейцария (334 км), гарбда – Нидерландия (577 км), Бельгия (167 км), Люксембург (138 км) ва Франция (451 км), шарқда – Польша (456 км) ва Чехия (646 км), шимолда – Дания (68 км) билан чегарадош. Курукликтаги чегаралари узунлиги – 3621 км. Бундан ташқари шимолда Германия соҳиллари Шимолий денгизи ва Болтик денгизи билан туташган. Германиянинг шимолий худудлари асосан текисликлардан иборат. Марказий Германия адирлар ва дарё воҳаларидан ташкил топган бўлиб, мамлакат жанубида Алп тоглари буй чўзган. Болтик денгизида Германияга карашли бўлган Шимолий ва Шарқий Фризск ороллари, Шимолий денгизида Фемарн ва Рюген ороллари жойлашган. Германиянинг энг баланд нуктаси – Зюгшице (2963 м). Энг йирик дарёлари: Рейн, Рур, Мозель, Дунай, Эльба. Энг йирик кўли – Боден. Мамлакат табиий казилма бойликларга ўта бой.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – федератив республика. Германия 16 та федерал ерларнинг бирлашувидан ташкил топган<sup>1</sup>. Марказлашган мустакил Германия давлаты 1871 йилнинг 18 январида ташкил топган. Давлат бошлиги – президент. Лекин ижроия хокимият федерал канцлер раҳбарлигидаги хукуматта тегишили. Қонун чикарувчи хокимият икки палатали федерал мажлиси: Бундестаг ва Бундесратдан иборат. Энг йирик сиёсий партиялари: Христиан-демократик иттифок, Эркин демократик партия, Миллий демократик партия.

*Иқтисоди, транспорт kommunикациялари.* Германия дунёning ривожланган ва молиявий жиҳатдан бой давлатларидан биридир. Лекин шарқий ва гарбий

<sup>1</sup> Баден-Вюртемберг, Бавария, Берлин, Бранденбург, Бремен, Гамбург, Гессен, Мекленбург-Олд Померания, Шимолий Рейн-Вестфалия, Рейнланд-Пфальц, Саар, Саксония, Саксония-Анхальт, Куйи Саксония, Шлезвиг-Гольштейн, Тюрингия.

Германиянинг иккисодий ривожланишида маълум бир зиддиятлар бор эди. Бунга сабаб ГДР ва ГФР хўжалигининг 1990 йилгача турли сиёсий тузумларда ривожланганлигидир. 1990 йилнинг 3 октябрида ягона Германия ташкил топганидан сўнг, бу зиддиятларга барҳам бериш максадида ГФР ГДР хўжалигига 390 млрд марка сарфлади. Саноатнинг ривожланган соҳалари: металлургия, кимё, автомобилсозлик, кемасозлик ва электротехника. Германия автомобилсозлик ва кемасозлик бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Кишлек хўжалиги умумий миллий маҳсулотнинг 15%ини сткабиз беради. Чорвачилик айникса яхши ривожланган. Кишлек хўжалигидаги асосий экинлар: кандлавлаги, картошка ва бошокли экинлар. Германия ўз халқининг озик-овкат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини 90% ички имкониятлар хисобидан коплайди. 2012 йилда ЯИМ миқдори 3 400 579 млн (ахоли жон бошига – 41 513) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Россия, АҚШ ва ЕИ давлатлари.

**Тарихи.** Қадимда бугунги Германия ҳудудларида турли герман кабилалари яшашган. Бу кабилалар V асрда Римни мағлубиятга учратиб, Рим империяси инкиrozига сабаб бўлишган. Римининг инкиrozидан сўнг франк кабилалари сардори Хлодвиг хозирги Франция ва жануби-тарбий Германия ҳудудларида Франклар давлатига асос солди. Бу давлат Буюк Карл ҳукмронлиги йилларида бутун герман ерларини ўз таркибига кўшиб олди. 843 йил Франклар империяси парчаланди ва унинг шарқида Шарқий франклар кироллиги ташкил топди. Лекин кўп ўтмай немис князларининг ўзаро низолари натижасида заифлашиб инкиroziga учради. X асрда саксон сулоласи Мукаддас Рим империясига асос солди. Фридрих I Барбаросса ҳукмронлиги йилларида империя ҳудудлари кенгайди. Кўп йиллик ўзаро курашлардан сўнг 1438 йили габсбурглар хонадони ҳокимиятни эгаллади. XVI асрда Мартин Лютер томонидан амалга оширилган Реформация диний карашларга кўра мамлакатни парчалади. Диний низолар Евангелие иттифоки ва Мукаддас Лига ўртасида «30 йиллик уруши»нинг бошланишига сабаб бўлди (1618–1648). Уруш натижасида мамлакат 350 та майда давлатчаларга бўлинниб кетди. 1815 йилда 39 та кичик немис давлатларини ўз ичига олган Герман конфедерацияси ташкил топди. Марказлаштан немис давлатининг ташкил топшишига Пруссия канцлери Отто фон Бисмарк жуда катта ҳисса кўшди. У 1871 йилда Пруссия кироли Вильгельм I ни Германия императори деб ўлон килди. Германия 1914 йили Биринчи жаҳон урушининг бошланиши сабабчиларидан бири бўлди. Урушдан мағлуб давлат сифатида чиқди. 1918 йилнинг 9 ноябрьда император Вильгельм II таҳтдан ағдарилди. Германияда Веймар республикаси ўлон килинди. 1933 йили Гитлер бошчилигидаги фашистлар ҳокимиятни кўлга олишибди. 1939 йилнинг 1 сентябрьда Германиянинг Польшага хужуми билан Иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетди. Германия Иккинчи жаҳон урушини хам мағлубият билан якунлади. 1945 йилда Германия АҚШ, Англия, Франция ва СССР назорати остидаги тўрт қисмга бўлинди. 1949 йили

унинг ҳудудида Германия Демократик Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ташкил топди. 1990 йилнинг 3 октябрида бу икки давлат ягона Германияга бирлашди. 1991 йилнинг 20 июнида Берлин Германиянинг пойтахти деб эълон килинди (бирлашишга қадар ГФР пойтахти Бонн шаҳри бўлган).

## ГИБРАЛТАР

*Расмий номи – Гибралтар (Буюк Британия мулки). Пойтахти – Гибралтар. Ҳудуди – 6,5 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 28956 киши (2011). Давлат тили – инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик (75%) ва протестант мазҳабларига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – гибралтар фунти.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Гибралтар Пиреней яриморолининг жанубий қисмida жойлашган Буюк Британияга карашли ҳудуд хисобланади. Куруклик орқали шимолда факат Испания билан (1,2 км) чегарадош. Шаркда Ўрта Ер дengизи, жануб ва гарбда Гибралтар бўғози ва Атлантика океани билан туташ.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – Британия дengизорти мулки. Давлат бошлиғи Британия кироли (қиролича) томонидан тайинланадиган губернатор. Сиёсий партиялари: Гибралтар Лейбористлар партияси, Британия Гибралтари Демократик партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Гибралтар асосан дengиз портларидан иборат бўлиб, унинг иқтисоди Британия томонидан бериладиган ҳарбий-иктисодий ёрдамга таянади.

2010 йилда ЯИМ микдори 1275 млн (аҳоли жон бошига – 44 032) долларни ташкил этган.

*Тарихи.* Бутунги Гибралтар ҳудудлари 711 йилда араблар томонидан босиб олинган. 1462 йилда Гибралтарни улардан испанлар тортиб олишади. 1704 йилда Гибралтар Буюк Британия томонидан истило килинади. 1713 йилги Утрехт шартномасига кўра Гибралтар Буюк Британия назоратидаги ерлар деб зълон килинади. Биринчи ва Иккинчи жаҳон уруши йилларида бу ҳудудлар Британиянинг ҳарбий дengиз базаси сифатида хизмат килди.

1967 йили БМТнинг талаби билан ўтказилган референдумларда Гибралтар ҳалқи Испания билан кўшилишдан бош тортиди. 1968 йили Англия билан Испания ўртасида Гибралтарни Испанияга қайтариш буйича музокаралар бўлиб ўтган, аммо ҳар икки томон ҳам бир натижага эришмаган. 1980 йили бўлиб ўтган қайта музокаралар (1985 йилдан кучга кирди) натижасида гибралтарликлар ва испанлар бир-бирларининг ҳудудларига бемалол ўта олиш хукуқига эга бўлдилар.

## ГОНДУРАС

*Расмий номи – Гондурас Республикаси. Пойтахти – Тегусигальпа. Худуди – 112 100 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 7 466 000 киши (2011). Давлат тили – испан. Сигинувчи-ларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – лемпира.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Марказий Америкада жойлашган давлат. Жанубда – Никарагуа (922 км), гарбда – Гватемала (256 км) ва Сальвадор (342 км) билан чегарадош. Куруклидаги чегаралари узунлиги – 1520 км. Шимол ва шарқда – Кариб денгизи, жануби-гарбда – Тинч океанининг Фонсека кўлтиги ўраб туради. Мамлакат худуди асосан Комаягуа, Монтесилос, Опала-ка каби ясситогликлардан иборат. Энг баланд нуқтаси Селаке чўккиси (2865 м). Кариб денгизи соҳиҳлари текисликлардан иборат. Асосий дарёлари: Ульда, Агуан, Патука. Асосий табиий бойликлари: олтин, кумуш, мис, кўргошин, темир рудаси, рух, ёғоч ва балик.

Иклими – тропик. Ўсимлик дунёси ўта хилма-хил. Бу ерда пальма, кизил дарахт, каучук дарахти каби турли дарахтлар ўсади. Ҳайвонот дунёсида тропик иклинимга хос бўлган деярли барча ҳайвонлар учрайди. Ягуар, қоплон, маймунларнинг турли хиллари шулар жумласидандир.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузуми – республика. Мамлакат 18 та департаментдан иборат. 1821 йилнинг 15 сентяброда Испания истибодидан озод бўлиб, ўз мустакиллигини зълон килган. Давлат бошлиги – президент. Конун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент – Миллий ассамблейга тегишили. Асосий сиёсий партиялари: Гондурас либерал партияси, Гондурас миллий партияси, Христинан-демократик партияси.

*Иқтисоди, транспортни каммуникациялари.* Гондурас гарбий яримшарнинг кашшоқ давлатларидан биридир. Экспортга асосан қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари чиқарилади. Асосий қишлоқ ҳўжалик экинлари: банан, қаҷва, шакаркамиш, тамаки, шоли. Дехкончилик килинадиган ерларнинг асосий қисми йирик ер эгалари – латифундистларга тегишили. Аҳолининг 9% тоб-кон ишларидан меҳнат киласди. 2012 йилда ЯИМ мидори 18 180 млн (аҳоли жон бошига – 2242) долларни ташкил эттан. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Германия, Япония. Йирик портлари: Пуэрто-Кортес, Тела, Трухильо, Ла-Сейба.

*Тарихи.* Гондураснинг жанубий соҳиҳлари 1502 йилда Христофор Колумб томонидан кашф килинган. 1523 йилда Альварадо бошлилигидаги испан конкистадорлари томонидан истило килинган. 1790 йилда Гондурас Гватемала билан бирлаштирилган. 1821 йили мустакилликка эришгач, Марказий Америка бирлашган провинциялари таркибига кирган. Факат 1839 йилдагина мустакил давлат шакллантирилди. XX асрда Гондурас бир нечта ҳарбий диктатура ва

конли урушларни бошидан кесчирди. 1969 йилда Сальвадорга қарши уруш харакатлари олиб борди. 1981 йилдан фукаро ҳукумати ҳокимиятни ўз кўлига олди. XX асрнинг 20-йилларидан 80-йиллари охиригача Гондурасда диктаторлик режимлари ва ҳарбий хунталар ҳукмронлик килди. Ниҳоят, 1997 йил 30 ноўбрда бўлиб ўтган сайдовда ўрга ва майда ишбилармонарнинг Гондурас либерал партияси раҳбари Карлос Роберто Флорес Факуссе ғалаба қозонди ва мамлакат президенти этиб сайданди. 2009 йил 28 июнда Гондурасда навбатдаги давлат тўнтиариши содир бўлди.

### ГОНКОНГ (Сянган)

*Расмий номи – Хитой Халқ Республикаси таркибидаги маҳсус маъмурий ҳудуд. Маъмурий маркази – Гонконг (Сянган). Ҳудуди – 1075 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 7136300 киши (2012). Давлат тиллари – хитой ва инглиз. Бу ерда дунёдаги деярли барча динларга эътиқод қилишади. Пул бирлиги – эркин конвертация қилинадиган сянган доллари.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Гонконг Хитойнинг маҳсус ҳудуди хисобланади. Хитой билан чегараси – 30 км. Унинг ҳудуди асосан Цзюлонун ярим ороли ва атрофидаги ороллардан ташкил топган. Соҳиллари Жанубий Хитой дengизига туташган.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* 1997 йилдан Буюк Британия назоратидан Хитой ҳудудига ўтди. 1984 йили Хитой ва Буюк Британия ўргасида тузилган шартномага мувофиқ Хитой таркибидаги маҳсус ҳудуд макомини олган. Бунга кўра Хитой Гонконгда мавжуд ижтимонӣ, иктисолий тузумни 50 йилгacha ўзгартирмаслик мажбуриятини олган. Ижроия ҳокимият губернатор ва унинг ҳукуматига тегишли. Асосий сиёсий партиялари: Сянган лейбористлар партияси, Ўз-ўзини бошқариш демократик партияси.

*Иктисолид, транспорт коммуникациялари.* Қазилма бойликларнинг деярли йўқлигига қарамай, Гонконг иктисолиди яхши ривожланган. Саноатининг етакчи тармоклари – тўқимачилик ва тикуччилик. Ҳудуднинг 8% деҳкончилик учун ярокли ерлар хисобланади, шунга қарамасдан ички бозорда озиқ-овқат маҳсулотлари танқислиги йўқ. Экспортта асосан тайёр кийимлар, мато, электр асбоблари ва соат чиқаради. 2012 йилда ЯИМ миқдори 257953 млн (аҳоли жон бошига – 36667) долларни ташкил эттан. Асосий савдо ҳамкорлари: Хитой, АКШ, Япония, Тайвань.

*Тарихи.* Гонконг 1842 йилги Нанкин шартномасига кўра Хитой томонидан Буюк Британияга берилган. Инглизлар Гонконгни йиррик савдо портига айлантиришиди. Натижада бу ердаги иктисолиди ахвол кескин яхшиланди. 1898–1899 йилларда Британия Хитойдан 99 йил муддатга ижарага олган ҳудудларини ҳам

Гонконгга құшди. 1941 йили Гонконг японлар томонидан босиб олинди. Лекин Иккінчи жахон урушида Японияның маглубиятидан сүңг у яна Буюк Британия назоратыға ўтди. 1997 йилда Хитойнинг маҳсус худуди сифатида Хитой давлати таркибиға құшилди.

## ГРЕНАДА

*Расмий номи – Гренада. Пойтахти – Сент-Жоржес. Ҳудуди – 344,5 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 105 300 киши (2012). Давлат тили – инглиз. Сиги努вчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик ва протестант мазҳабларига эътиқод қиласа. Пул бирлиги – шарқий карип доллари.*

*Географик жиыллашуви ва табиати.* Карабеңдизи хавзасида жойлашган давлат. Мамлакат худуди Гренада ороли, Жанубий Гренадин архипелагининг бир неча ороллари ва Кичик Антиль оролларидан ташкил топған. Бу оролларниң барчасы вулканлы ороллар бўлганилиги учун кичик-кичик тоғликлардан иборат. Энг баланд нуктаси – Сент-Катерин (840 м).

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – унитар республика. Британ Ҳамдустлиги аъзоси. Гренада 1974 йилнинг 7 февралида Буюк Британиядан мустақилликка эришган. Давлат бошлиги Британия томонидан тайинланадиган генерал-губернатор. Ижроия ҳокимият бош министр бошчилигидаги қукуматга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни икки палатали парламент – Сенат ва Вакиллар палатаси амалга оширади. Асосий сиёсий партиялари: Миллий партия, Миллий демократик конгресс, Гренада бирлашган лейбористлар партияси.

*Иктиносиди, транспорт коммуникациялари.* Гренада агарар кишлоқ ҳўжалик давлати. У мускат ёнгоги етиштириш ва уни экспорт килиш бўйича дунёда иккинчи ўринда туради. Саноат яхши ривожланмаган. Туризм асосий даромад манбаи хисобланади. 2012 йилда ЯИМ миқдори 851 млн (аҳоли жон бошига – 7496) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Буюк Британия, Тринидад ва Тобаго.

*Тарихи.* Гренада ороли испанлар томонидан 1498 йилда кашф килинган. 1650 йили Франция мустамлакасига айлантирилган. 1762 йили Буюк Британия Гренадани ўз мулкига айлантириди. 1967 йилдан Британия Ҳамдустлиги аъзоси. 1974 йилнинг 7 февралида Британия Ҳамдустлиги таркибида мустақилликка эришган. 1979 йилда Гренада Морис Бишоп раҳбарлигига СССР ва Куба билан якынлашди. 1983 йили орол АҚШ қўшинлари томонидан оккупация килинди. Куролли қаршилик кўрсаттан кубалик кураучилар куролсизлантирилиб, Кубага депортация килинди.

## ГРЕНЛАНДИЯ

*Расмий номи – Гренландия. Маъмурий маркази – Готхоб (Нук ёки Нуук). Худуди – 2 175 600 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 57 300 киши (2012). Давлат тили – гренланд, дат. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига зътиқод қиласди. Пул бирлиги – данияя кронаси.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Гренландия – дунёдаги энг йирик орол – Канада оролларининг шимоли-ғарбида, Шимолий Муз ва Атлантика океанлари оралигига жойлашган. Мамлакатнинг асосий қисмини музлик қоплаган. Музлик ҳажми 2,6 млн км<sup>2</sup>.

Иклими – кирғоз бўйлаб субарктик, арктик; орол марказида – континентал арктик. Мамлакатнинг асосий қисмини эгаллаган тундрада моҳ, лишайник ҳамда бошқа арктик ўсимликлар ўсади. Бўри, тулки, ок айик, куён, лемминг, гага, чағалай, буғулар учрайди.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – ўз-ўзини бошкарадиган Дания ҳудуди. Давлат раҳбари – Дания кироли (киролича) номидан – Олий комиссар (ригсомбудсман) бошкаради. Гренландия 18 та коммунага ажралган З инспекторатта бўлинади. Йирик шаҳри – Сисимют (Холстенберг). Сиёсий партиялари: Сиумут (Олфа), Инуит атакватигиит (Инуит жамоаси), Атас-сүт (Бирлик).

*Иқтисоди, транспорт каммуникациялари.* Гренландия иқтисоди асосини балиқчилик ва баликни кайта ишлаш корхоналари ташкил этади. Денгиз хайвонларини овлаш йўлга кўйилган. Балик овлаш флотига эга. Орол кўргошин, рух, уран, нефть, газ, торий, хром, молибден, олтин, кумуш, тошкўмир, мис, никель, темир рудаларига бой. 2010 йилда ЯИМ миқдори 1989 млн (аҳоли жон бошига – 34 489) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Дания, Швеция, Буюк Британия, Франция, Япония.

*Тарихи.* 875 йилда орол исландиялик денгизчи Гунборн томонидан кашф килинган. 982 йили норвегиялик Эрик Рауда («Малла») оролни ўрганиб, Гренландия – «яшил ер» деб ном берди. 983 йилда оролнинг жанубида биринчи нормани колонияларига асос солинди. XI асрда маҳаллий аҳоли – эскимослар христианликни қабул килдилар. 1262 йилдан XVIII аср бошларигача Гренландия Норвегия мулки бўлган. 1721 йилдан Дания оролда истилочилик харакатларини бошлади. 1814 йилдан 1953 йилгача Даниянинг расмий мустамлакаси эди. 1978 йили Дания фолькетинги (парламенти) оролнинг ички мухториятини тан олди ва бу ҳолат 1979 йил 1 майдан кучга кирди. 2008 йили Даниядан автономияни кенгайтириш, ўз-ўзини бошқариш ҳукуқини олиш масаласида референдум ўтказилди, 75% аҳоли розилик билдириди. 2009 йили Дания парламенти Гренландияга автономияни кенгайтириш тұғрисидаги конунни тасдиклади.

## ГРЕЦИЯ

*Расмий номи – Греция Республикаси. Пойтахти – Афина. Худуди – 131 957 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 11 290 000 киши (2012). Давлат тили – грек. Давлат дини – христиан динининг православ мазҳаби. Пул бирлиги – евро.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Греция Европанинг жануби-шарқида, Болкон яриморолининг жанубий кисми ва Эгей, Иония ҳамда Ўрга Ер денгизи оролларида жойлашган давлат. У шимолда – Болгария (494 км) ва Македония (246 км), шимоли-гарбда – Албания (282 км), шимоли-шарқда – Туркия (206 км) билан чегарадош. Курукликтаги чегаралари узунлиги – 1228 км. Жанубда – Ўрга Ер денгизи, шарқда – Эгей денгизи, гарбда – Иония денгизи. Греция билан туташ. Крит, Эвбея, Родос, Лесбос ва бир нечта ороллар Греция худудининг 1/5 кисмини ташкил этади. Худудининг 2/3 кисми тоғли худудлар хисобланади. Энг баланд нуқтаси – Олимп тоғи, баландлиги – 2917 м. Асосий дарёлари: Алякмон, Ахелос, Стримон, Нестос. Асосий казилма бойликлари: нефть, боксит, никель. Ўрмонлар мамлакат худудининг 10–11%ни ташкил этади. Тоглари иғнабаргли дараҳтлар билан копланган.

*Давлат тузигитиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – унитар республика. Мамлакат 13 епархиядан ташкил топган. Епархиялар ўз навбатида 52 номга бўлинган. Греция 1830 йили Усмоний турклар истибододидан озод бўлиб, ўз мустакиллигини эълон килган. Давлат бошлиғи – президент. Ижроия ҳокимият президент ва бош министртга тегишили. Қонун чиқарувчи олий орган – бир палатали парламент (Депутатлар палатаси). Асосий сиёсий партиялари: Янги демократия, Умумгрек социалистик харакати, Греция коммунистик партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Туризм Греция иқтисодининг асосий тармокларидан бири хисобланади. Греция ҳалқ ҳўжалигига саноатнинг озиқ-овқат, кимё, тўхимачилик ва металлургия тармоқлари яхши ривожланган. Қишлоқ ҳўжалигига асосан қандловлаги, тамаки, узум ва картошка етиштирилади. Мамлакат гўшт ва сут маҳсулотларидан ташкил барча озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз-ўзини таъминлайди. 2012 йилда ЯИМ микдори 254 978 млн (аҳоли жон бошига – 22 055) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Германия, Италия, Франция ва Буюк Британия.

*Тарихи.* Бугунги Греция ерларидан м. а. 3 минг йилликдаёк юксак ривожланган маданият ва цивилизация вужудга келган. М. а. XII асрда Грецияга дорийлар бостириб кирган. Пелопоннес урушларидан сўнг (м. а. 431–404 й.) Болкон яриморолида Македониянинг роли кескин ошди. Македония хукмдори Филипп II бутун Греция ерларини ўзига бўйсундириди. Унинг ўғли Александр Македонский Миср ва Хиндистонгача бўлган ерларни босиб олиб, улкан империяни вужудга келтириди. М. а. II асрда Греция Рим империяси истибодигат тушиб колди. Қадимги Рим империяси инкиrozидан сўнг Византия бутун Болкон яриморолини ўз

назоратида саклаб қолди. IX асрда Гречияни араблар истило килишди, орадан күп ўтмай X асрда болгарлар босиб олиши. XV асрға келиб Византия инкироздан сүнг 1460 йилда Гречия Усмонийлар империясининг таркийи кисмига айланди. 1830 йили турклар Гречия мустакиллигини тан олди. 1924 йили Гречия республика деб эълон килинди, 1935 йили эса монархия қайта тикланди. 1941 йили Германия Гречияни босиб олди. 1945 йилда уруш тугаганидан сүнг, Гречияда хукумат қўшинлари ва коммунистлар ўргасида фукаролар уруши бошланниб кетди. Уруш 1949 йилгача давом этди. 1967 йилнинг 21 апрелида мамлакатда ҳарбийлар давлат тўнтаришини амалга ошириди. 1973 йили ҳарбийлар монархияни бекор килишди. 1974 йили ҳарбийлар ҳокимиятдан четлаштирилди. Шу йили ўтказилган референдумда Гречия ҳалки республика учун овоз берди. 1975 йилда янги республика конституцияси кабул килинди. 2008 йилда бошланган молиявий инкирозда Гречия иқтисодиётига каттиқ таъсир кўрсатди.

## ГРУЗИЯ

*Расмий номи – Грузия Республикаси. Пойтахти – Тбилиси. Ҳудуди – 69 700 км<sup>2</sup> (амалда назорат қиласидаган ҳудуди – 57 200 км<sup>2</sup>). Аҳолиси – 4 483 800 киши (2013). Давлат тили – грузин. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг православ мазҳабига эътиқод қиласи. Пул бирлиги – лари.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Грузия Ғарбий Осиёда, Кавказортинг марказий ва ғарбий қисмидә жойлашган давлат. Шимолда – Россия (723 км), жанубда – Туркия (252 км), Арманистон (164 км) ва Озарбайжон (322 км) билан чегарадош. Куруклидаги чегаралари узунлиги – 1461 км. Ғарбда Кора денгиз билан туташган. Мамлакат майдонининг 80% тогликлардан иборат. Энг баланд нуктаси – Шхара тоги (5068 м). Кора денгиз соҳилларида Колхида пасттекислиги ястаниб ётади. Асосий дарёлари: Кура ва Риони. Қазилма бойликлари: марганец, мис, кўмир ва нефть.

Иклими – субтропик.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – унитар республика. Давлат бошлиги – президент. Конун чиқарувчи олий органи – бир палатали парламент. Мамлакат 66 та мъмурӣ ҳудудларга бўлинган. Бундан ташкири Ажария ҳамда Грузия томонидан назорат килинмайдиган, жаҳон жамоатчилиги томонидан қисман тан олинган Абхазия ва Жанубий Осетия ҳам Грузия таркибида ҳисобланади. Мамлакат 1991 йил 9 апрелда ўз мустакиллигини қўлга кириттан. Асосий сиёсий партиялари: Грузия демократик тикланиш иттифоқи, Социалистик партия, Халқ партияси, Лейбористлар партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Грузия аграр-индустрисал давлат. Собиқ Иттифоқнинг тарқалиши ва унинг собиқ аъзолари билан сиёсий-

иктисодий алокаларнинг ёмонлашуви ҳамда мамлакатдаги фукаролар уруши Грузия иктиносига ўз салбий таъсирини ўтказди. Саноатнинг кўпгина соҳаларида халигача инкиroz ҳолати кузатилмоқда. Мамлакат кишлоп хўжалигида экиладиган экинларнинг 50%ини бошоқли экинлар ташкил этади. Лекин кишлоп хўжалигининг энг асосий экини чойдир. Бундан ташкари, тоғ ёнбагирларида узумчилик яхши ривожланган. 2012 йилда ЯИМ миқдори 25 934 млн (аҳоли жон бошига – 3543) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Арманистон, Туркия ва Озарбайжон.

*Тарихи.* М. а. VI–IV асрларда бутунги Грузия ҳудудларида икки давлат – Колхизда ва Иберия давлатлари ташкил топган. Орадан кўп вақт ўтмай бу давлатлар форслар томонидан истило килинди. Улардан кейин м. а. IV аср охиirlарида Александр Македонский бу ерларни босиб олди. М. а. I асрга келиб Гарбий Грузия Рим империяси, Шаркий Грузия эса форслар томонидан истило килинди. IV асрда Грузия христиан динини кабул килди. VII аср охиirlарида бу ерларга араблар бостириб кирди. Баграт II (974–1014) ҳукмронлиги йилларида шаркий ва гарбий ҳудудлар бирлаштирилди. Довуд IV (1073–1125) даврида Тифлис араблардан озод килинди. Киролича Тамара (1184–1213) даврида Грузия Каспийгача бўлган ерларни эгаллади. XIV асрнинг 2-ярмида бу ерларни Амир Темур қўшиналари ишғол килди. Темур давлатининг инкиrozидан сўнг Грузия форслар ва турклар ўргасида уч аср давомида тортишувли ҳудуд бўлиб қолди. 1786 йилда Грузия Россияга ёрдам сўраб мурожаат килади. 1801 йили Россия Грузияни ўз таркибига кўшиб олди. 1921 йили Грузия Совет Республикаси деб зълон килинди. СССР инкиrozидан сўнг 1991 йилнинг 9 апрелида Грузия ўз мустакиллигини зълон килди. Ундан кейинги йилларда Грузияда муҳолифатчи кучлар амалдаги ҳукумат билан келиша олмаганилиги туфайли катор сиёсий инкиrozлар рўй берди. 2008 йилнинг 5 январида муддатдан олдин бўлиб ўтган президент сайловларида, бироз олдин истеъфога чиккан М. Саакашвили ўз муҳолифатчиларини енгиб, яна ҳокимиятни эгаллади.

СССР парчаланганидан сўнг 1992 йилнинг 19 январида Жанубий Осетияда республика мустакиллиги ҳамда Россия Федерациясига қўшилиш масаласида референдум ўтказилди. Аҳолининг 98% розилик билдириди. 2008 йилнинг 8 августида Грузия томонидан Жанубий Осетия ва Абхазияга карши ҳарбий харакатлар бошланди. Ушбу республикалар ўз мустакилликларини тан олиниши хакида Россияга расман мурожаат килишди. 2008 йилнинг 26 августида Медведев – Саркози режаси имзолангандан сўнг, иккала республика мустакиллиги Россия томонидан расман тан олинди. Бунга жавобан Грузия парламенти Жанубий Осетия ва Абхазияни «Россия томонидан босиб олинган Грузия ҳудудлари» деб зълон килди. Жанубий Осетия ва Абхазия мустакиллиги Никарагуа (2008 йил 5 сентябрь), Венесуэла (2009 йил 10 сентябрь), шунингдек, бир қанча маргинал давлатлар томонидан тан олинган.

## ГУАМ

*Расмий номи – Гуам (АҚШ мулки). Маъмурӣ маркази – Хагатна. Ҳудуди – 549 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 184 300 киши (2012). Давлат тили – инглиз, чаморро. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига эътиқод қиласиди. Пул бирлиги – АҚШ доллари.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Гуам ҳудди шу ном билан аталадиган Тинч океанинг гарбий қисмидаги Мариан оролларининг энг йирик оролида жойлашган. Орол баландлиги 405 метргача етадиган ва океанга яқинлашган сари пасайиб борадиган маржон қатламларидан ташкил топган ясситоғликдан иборат. Ясситоғликларнинг рельефи ҳамма жойда ҳам текисликдан иборат бўлмай, бъязи жойларида ботиклар ҳам бор.

Иклими – тропик. Оролнинг флорасини асосан панданус, нон ҳамда мангра даҳротлари ташкил этади. Соҳил бўйларида 20–50 км масофагача кокос пальмалари ва турли буталар ўсади. Гуамнинг ҳайвонот дунёси бой эмас. Оролнинг фаунасини сайроки кушлар ташкил этади. Сут эмизувчилар йўқ. Соҳил бўйидаги сувларда турли баликлар кўп.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Гуам АҚШ мулки, Тинч океанидаги йирик ҳарбий-дengiz ва ҳарбий-ҳаво базаси ҳисобланади. Оролга ўз-ўзини бошкарниш ҳукуку берилган. Аҳолиси АҚШ фукароси ҳисобланади, бироқ уларнинг сайловларда қатнашиш ҳукуку йўқ. Гуам АҚШ Конгресси Вакиллари палатасида иккى йилга сайланадиган бир делегатта (овоз бериш ҳукуксиз) эга. Бошқарув бошлиғи – губернатор. У маҳаллий аҳоли томонидан 4 йилга сайланади. Конун чиқарувчи орган бир палатали – Конун чиқарувчи мажлис бўлиб, унинг йигирма бир аъзоси маҳаллий аҳоли томонидан ҳар иккى йилда сайланади. Сиёсий партиялари – оролда АҚШнинг Республикачилар ва Демократлар партияларининг маҳаллий бўлимлари фаолият юритади.

*Иқтисоди, транспорт каммуникациялари.* Иқтисодининг асосини туризм ташкил этади. Орол иқтисодидаги муҳим ўринни АҚШнинг ҳарбий обьектларидан келадиган даромадлар эгаллайди. Орол аҳолиси машғул бўлган кишлоқ ҳўжалиги аҳолининг эҳтиёжларини қопламайди. Сабзавот ва мевалар етиштирилади. Четга кийим-кечак, турли хил ичимликлар, тамаки, машинасозлик маҳсулотлари чиқарилади; четдан ёқилғи ва озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилади (импортнинг 50% атрофифида). 2006 йилда ЯИМ мидори 2500 млн (аҳоли жон бошига – 14 394) долларни ташкил этган. Асосий савдо шериллари: АҚШ, Япония, Тайвань.

*Тарихи.* Гуамни 1521 йилда европаликлардан биринчи бўлиб Ф. Магеллан ўзининг биринчи ер айланаси саёҳати даврида кашф этади. 1563 йилдан орол Испания мустамлакаси. 1568 йилда Гуамда дастлабки миссионер изезуитлар ўрнашади. Европаликлар томонидан олиб келинган касалликлар ҳамда каттиқ

эксплуатация натижасида махаллий ахоли юз мингдан (1521) 5 минггача (1741) кискаради. 1898 йилги испан-америка урушида оролни АҚШ эгаллаб олади. Иккинчи жахон уруши даврида Гуам Япония томонидан босиб олинади (1941). 1944 йилнинг июль-августида ўтказилган ҳарбий операция натижасида орол яна АҚШ тасарруфига ўтади. АҚШ Конгресси томонидан 1950 йилда кабул килинган Гуам оролининг асосий конунинг кўра оролга ўзини ўзи бошқариш хукуки берилади. Унинг ахолисига АҚШ фукаролиги берилган, бирок улар миллий сайловларда катнаша олишмайди. Ҳозирги кунда Гуам АҚШнинг Тинч океандаги стратегик ҳарбий базасидир. Оролда Алра-Харбор ҳарбий денгиз ва Андерсен авиация базалари жойлашган.

## ДАНИЯ

*Расмий номи – Дания Қироллиги. Пойтахти – Копенгаген. Ҳудуди – 43 075 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 5 602 600 киши (2013). Давлат тили – дан. Давлат дини – христиан динининг лютеранлик мазҳаби. Пул бирлиги – дания кронаси.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Дания Европа қитъасининг шимолигарбиди. Ютландия яримороли ва унинг атрофидаги оролларда жойлашган давлат. Жанубда Германия (68 км) билан чегарадош. Жануби-шарқда – Болтик денизи, гарбда – Шимолий денгиз билан туташган. Мамлакат шимолида Скагеррак бўғози жойлашган, шарқида – Каттегат ва Эрусунн бўғозлари Данияни Швециядан ажратиб туради. Бундан ташкири, Гренландия ва Фарер ороллари ҳам ўз-ӯзини бошқариш хукукига эга бўлган Дания Қироллиги ерлари ҳисобланади. Дания майдони асосан текисликлардан иборат. Асосий табиий бойликлари: нефть, табиий газ, туз ва балик.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – конституциявий монархия. Мамлакат 14 та амтомларга бўлипган. Давлат бошлиги – Дания кироли (кироличаси). Ижрои хокимият бош министр бошчилигидаги хукуматга тегишли. Конун чикарувчи хокимият кирол (киролича) ва бир палатали парламент – фолькетингга тегишли. Асосий сиёсий партиялари: Венстре, сўл либерал партияси; Консерватив халқ партияси; Радикал сўл партия; Христиан халқ партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Дания дунёнинг саноати яхши ривожланган давлатларидан биридир. Кишлоп ҳўжалиги ҳам юксак ривожланган технологиялар билан таъминланган. Кишлоп ҳўжалигига банд бўлган ахоли Дания умумий ахолисининг 6%ини ташкил этади. 2012 йилда ЯИМ миқдори 309 108 млн (ахоли жон бошига – 56 202) долларни ташкил этган. Дания кишлоп ҳўжалиги ўзини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла таъминлайди. Кишлоп ҳўжалигининг асосий маҳсулотлари: картошка, дон, кандланлаги, гўшт ва сут маҳсулотлари. Данияда балиқчилик ҳам жуда яхши

ривожланган. Асосий савдо ҳамкорлари: Швеция, Норвегия, АҚШ ва ЕИ давлатлари.

**Тарихи.** Бугунги Дания худудидаги илк давлатлар VI асрда ташкил топган. XI асрда Англия ва Норвегия ҳам Дания назорати остига тушиб қолди. XII асрда Дания кироли Свен II христиан динини кабул қилди. XIV–XV асрларга келиб Данияга Германиянинг таъсири кучайди. XVII асрда Болтик дентгизида ҳукмронлик учун Дания ва Швеция ўргасида давом этган кураш Даниянинг мағлубияти билан якунланди. 1849 йили Дания конституцияси кабул килинди ва конституциявий монархия давлати деб ўзлон килинди. Конституция кирол ҳокимиятини анча чеклади. 1915 йили Дания аёллари сайлаш ҳукукига эга бўлишди. Дания ўз бетарафлигини саклашга ҳаракат килса-да, 1940 йилнинг 9 априлида немис фашистлари уни босиб олишиди. 1945 йилнинг 5 майида Дания озод килинди. 1949 йилдан НАТО ва 1973 йилдан ЕИ аъзоси.

## ДОМИНИКА

**Расмий номи – Доминика Ҳамдустлиги. Пойтахти – Розо. Ҳудуди – 749,8 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 67 700 киши (2012). Давлат тили – инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик (80%) ва протестант (15%) мазҳабларига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – шарқий кариб доллари.**

**Географик жойлашуви ва табиати.** Кариб ҳавзасида, Кичик Антиль ороларининг Доминика оролида жойлашган орол-давлат. Майдони тоғликлардан иборат. Энг баланд нуқтаси – Даъблотен вулкони (1447 м).

Иклими – тропик. Тог ёнбагирлари тропик ўрмонлар билан қопланган. Ҳайвонот дунёси асосан кушлардан иборат.

**Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.** Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 10 та туман (приход) дан иборат. Булар: Сент-Анн, Сент-Давид, Сент-Жорж, Сент-Жон, Сент-Жозеф, Сент-Люк, Сент-Марк, Сент-Патрик, Сент-Питер, Сент-Пол. Доминика 1978 йилнинг 3 нояброда Буюк Британиядан мустакиллигини ўзлон килган. Ижроия ҳокимият – президент ва бош вазирга тегишли. Конун чиқарувчи олий органи бир палатали парламент – Мажлис палатаси.

Асосий сиёсий партиялари: Доминика лейбористлар партияси, Мехнаткашлар бирдамлиги партияси, Доминика озодлик партияси.

**Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.** Мамлакат хўжалигининг асосини кишлоч хўжалиги ташкил этади. Саноат асосан майдада корхоналардан иборат. Қишлоқ хўжалиги башан, манго, кокос ёнгоги ва цитрус меваларни етиштириб беради. 2012 йилда ЯИМ миқдори 497 млн (аҳоли жон бошига – 7022) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Буюк Британия, АҚШ ва Кариб ҳавзаси давлатлари.

**Тарихи.** Доминика 1493 йилда Христофор Колумб томонидан кашф килинган. Шу вактдан у Испания мулкига айланды, сүнгра Франция мустамлакаси бўлди. 1763 йили Буюк Британия назоратига ўтди. 1967 йилда Британия Ҳамдўстлиги възоси бўлди. 1978 йили Доминика ўз мустакиллигини ўзлон килди.

## ДОМИНИКАН РЕСПУБЛИКАСИ

**Расмий номи – Доминикан Республикаси. Пойтахти – Санта-Доминго. Ҳудуди – 48 442 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 10 183 330 киши (2012). Давлат тили – испан. Давлат дини – христиан динининг католик мазҳаби. Пул бирлиги – доминикан песоси.**

**Географик жойлашуви ва табиати.** Кариб ҳавзасида Катта Антиль ороллари гуруҳидаги Гаити оролининг шарқий қисмида жойлашган давлат. Гарбда Гаити (360 км) билан чегарадош. Жанубда Кариб денгизи, шимолда Атлантика оксани билан туташиб кетган. Шарқда Мона бўғози Гаити оролини Пурто-Рико оролидан вжратиб туради. Мамлакат ҳудудида бир нечта тог тизмалари мавжуд. Уларнинг энг йириги Кордильера Сентраль тог тизмаси бўлиб, энг баланд нуктаси – Даурте чўхкиси (3175 м). Мамлакат жануби-гарбida Энрикило кўли жойлашган бўлиб, у денгиз сатҳидан 46 м настдир. Асосий дарёлари: Шимолий Яке, Жанубий Яке, Артибоните.

**Иклими –** денгиз тропик иклими. Ҳайвонот дунёси унчалик бой эмас. Асосан денгиз тошбакалари, кемириувчилар ва турли ҳанифотлардан иборат.

**Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.** Давлат тузилиши – республика. Давлат бошлиги – президент. Конуи чиқарувчи олий органни – икки палатали Сенат ва Депутатлар палатасидан иборат бўлган Миллтий конгресс. Мамлакат 26 та провинция ва 1 та миллий округдан иборат. Асосий сиёсий партиялари: Демократик интеграция ҳаракати, Кискеяно (Доминикано) демократик партияси. Доминикан инклибий партияси.

**Иккисоди, транспорт коммуникациялари.** Қишлоқ ҳўжалиги мамлакат иккисодининг асосини ташкил этади. Экспортта чиқарадиган асосий маҳсулотлари: тамаки, қаҳва, какао ва шакаркаминш. Саноат факатгина қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини кайта ишловчи корхоналардан иборат. Кейинги йилларда туризм ривожланди. 2012 йилда ЯИМ микаори 59 133 млн (аҳоли жон бошига – 5763) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Пурто-Рико.

**Тарихи.** Гаити ороли 1492 йилда Христофор Колумб томонидан кашф килингач, Колумб бу ерларни Эспанияга деб этади. Лолин Америкасининг исбатланади. 1697 ёки Гаити ороли Франция ва Испания Үргасида таксимланди. Орзининг шарқий қисми Испания кўрсати көкимияти остида колди. 1822 йилда

мамлакат ўз мустакиллигини эълон килган бўлса-да, факатина 1844 йилга келиб хакикий мустакилликка эришди. 1978 йил сайловлари натижасида демократик фукаролик ҳукумати шакллантирилди.

## ЖАЗОИР

*Расмий номи – Жазоир Ҳалқ Демократик Республикаси (ЖХДР). Пойтахти – Жазоир. Ҳудуди – 2 381 741 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 36 485 800 киши (2012). Давлат тили – араб тилининг жазоир лаҳжаси, бербер. Давлат дини – ислом (99%). Пул бирлиги – жазоир динори.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Африканинг шимоли-гарбидаги давлат. Фарбда – Марокаш (чегара узунлиги – 1559 км) ва Фарбий Сакрои Кабир (42 км), жанубда – Нигер (956 км), Мали (1376 км), Мавритания (463 км), шарқда – Ливия (982 км) ва Тунис (965 км) билан чегарадош. Куруклидаги чегаралари узунлиги – 6343 км. Шимолда Ўрта Ер денгизи жойлашган. Энг юкори нуктаси – Тахат тоги (2918 м). Дарёлари жуда кам. Фойдалари қазилмалари: нефть, табиий газ, фосфатлар, темир рудаси, уран, кўргошин, рух. Ҳайдаладиган ерлари ҳудуднинг 3%, ўтлок ва яловлар – 13%, ўрмон ва бутазорлар – 2%ини ташкил қиласди.

Иклими – субтропик, тропик. Мамлакат ҳудуди асосан чўллардан иборат бўлганлиги сабабли, ўсимлик турлари уччалик кўп эмас. Атлас ва Ахангтар тогларида пўкак эман ўсади. Ҳайвонлардан чиябўри, гиена, антилопа, қўйнлар учрайди.

*Давлат тузилиши, сийсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 48 та вилоятга бўлинган. 1830–1962 йилларда Жазоир Франсия мустамлакаси бўлган. 1962 йилнинг 5 июль куни ўт очишни тұхтатиши тўғрисидаги Эвиан шартномасига асосан куролли кураш тұхтатиши да Жазоир ўз мустакиллигини эълон килди. Қонунчилиги француз ва ислом қонунларига асосланган. Миллий байрами 1 ноябрь – Инкилоб куни (1954). Давлат бошлиги – президент, конун чиқарувчи ҳокимият – бир палатали парламент – Миллий ҳалк мажлиси. Асосий сийсий партиялари: Миллий озодлик фронти, Социалистик кучлар фронти.

*Иктиносиди, транспорт жаммуникациялари.* Иктиносидининг асосий тармоклари – нефть ва газ казиб олиш (табиий газ казиб олиш бўйича жаҳонда бешинчи ўринда). 1973–1974 йилларда нефть нархининг кескин ошиши иктиносидининг юксалишига ва синоатлаштириш дастурини молниляштига имкон яратди. Нефть ва газ нархининг тушини, иктиносиди марказлаштиришган бошқарув тизими-нинг комчиликлари мамлакатини 1988 йилда ижтимоий ва иктиносидий инкиrozга учратди. 1993 йилнинг сентябринда ҳокимият тенасиға келган янги ҳукумат

ислоҳотларини жадаллаштириш ва иқтисодни қайта куришни ўзининг асосий вазифаси деб билди. Нефть ва табиий газни казиб олишдан ташкари саноатнинг енгил, төғ-кон, нефть кимёси, озиқ-овқат соҳалари кенг ривожланган. Мехнатта лаёқатли ахолининг 22% кишлек хўжалигида банд. Арпа, бутдой, узум, цитрус мевалари, сабзавотлар ва зайдун етиштирилади. Экспортта чиқариладиган асосий маҳсулоти – нефть ва табиий газ (жами экспорт маҳсулотларининг 97% ташкил қиласи). 2012 йилда ЯИМ миқдори 206 545 млн (ахоли жон бошига – 5694) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Франция, Италия, Германия ва АҚШ.

Темир йўлларининг узунлиги – 4733 км, автомобиль йўллари – 80 000 км. Асосий дengиз портлари: Жазоир, Аннаба, Арзев, Бижая, Мостаганем, Оран, Сиккда.

*Тарихи.* Ҳозирги Жазоир ҳудудининг Ўрта Ер дengизи кирғокларида истикомат килган финикиялклар м. а. XII асрдан кейин Карфаген таъсири остига тушиб колди. М. а. III асрда бербер кабиласининг сардори Масинисса Карфаген ва Рим ўртасидаги урушдан фойдаланиб, дастлабки Жазоир давлати – Нумидия кирролигини тузади. М. а. I асрдан милодий V асргача Жазоир Рим империяси таркибига кирган. 429 йилда бу ерни вандаллар босиб олгандан сўнг, берберлар бир катор мустакил майда давлатларга асос солишади. VII асрда Жазоирни араблар босиб олиб, берберлар исломни кабул килишади ва Шимолий Африка халифалик таркибига киради. XIII асрда христиан ва мусулмон бербер кабилалари ўртасидаги кураш натижасида мамлакат учга бўлинади. XVI асрда бир катор Жазоир портларини испанлар эгаллашади. Жазоирлик христианлар Испания протекторатига ўтишган бўлса, мусулмонлар Усмонийлар империясига мурожаат этишади ва испанларни мамлакатдан кувиб чиқаришади. XVII аср давомида жазоирликлар Ўрта Ер дengизида қароқчилик килишади. 1816 йили инглиз-голланд, 1824 йили инглиз флоти жазоирлик дengиз қароқчилари билан жанг килишади. 1830 йилнинг 5 июлида Жазоирни французлар босиб олишади ва 1834 йилда турклар таъсирига бутунлай барҳам беришади.

1954–1962 йиллардаги озодлик урушлари натижасида 1962 йилнинг 1 июль куни Жазоир мустакил давлатга айланади. 1992 йилдаги сайловларда ислом фундаменталистлари ғалаба козонишганда сайлов натижалари хукумат томонидан бекор килинади. Бунга жавобан Ислом куткарши фронти Жазоир ҳудудида яшовчи чет зал фуқароларига карши террорчилик харакатларини уюштиришади. 2010 йилнинг декабрида Жазоирда ғалаётлар ва намойишлар бўлиб ўтди.

### ЖАНУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИ

*Расмий номи – Жанубий Африка Республикаси. Пойтахти – Претория. Ҳудуди – 1 223 410 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 50 586 700 киши (2011). Давлат тили – афри-*

каанс, инглиз, исиндебеле, сесото са лебоа, сесото, свати, хитсонга, сетсвана, тишивенда, исикоса ва исизулу. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – ранд.

*Географик жойлашуви ва табииати.* Африканинг жанубидаги давлат Шимолда – Ботсвана (чегара узунлиги 1840 км), Намибия (967 км), Мозамбик (491 км), Свазиленд (430 км) ва Зимбабве (225 км) билан чегаралош. Мамлакат шаркида Лесото кироллиги (909 км) жойлашган. Курукликтаги чегаралари узунлиги – 4862 км. Фарбда Атлантика океани, жануб ва шаркда Хинд океани билан туташган. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 2798 км. Мамлакат ясситоғликда жойлашган. Шарқида мамлакатнинг энг баланд нуқтаси – Каткин чўқуси (3660 м) жойлашган Аждар тоглари ётади. Жанубда Кап тоглари жойлаштан. Фарбда – Намиб саҳроси, шимоли-фарбда – Калахари саҳросининг жанубий қисми жойлашган. Асосий дарёлари: Оранж ва Лимпопо. Қазилма бойликлари: олтин, уран, олмос, платина, хром, кўмир, темир рудаси, табиий газ, марганец, никель, қалайи, фосфатлар. Ҳайдаладиган ерлар худуднинг 10%, ялов ва ўтлоклар 65% эгаллади.

Иклими – тропик. Пальма, баобаб, алоэ, темир дарахти, кизил дарахт, кап самшити, хушбуй дарахтлар ўсади. Арслон, коплон, жирафа, бегемот, факат шу худудда учрайдиган (эндемик) турдаги қушлар, оқ каркидан, мукадлас ҳайвон зулухамемон, питонлар ҳайвонот оламини ташкил этади.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – федерализм нишоналари бўлган унитар республика. Мамлакат 9 та провинцияга бўлинган. ЖАР мустакилликка 1910 йилнинг 31 майида эришган (аввал Буюк Британия мустамлакаси бўлган). 31 май – Миллий байрам (Республика эълон килинган кун). Давлат ва ҳукумат бошлиғи – президент. Конун чиқарувчи олий орган – икки палатали парламент (Миллий ассамблей). У вилоятларнинг Миллий кенгашин (юкори палата) ва Миллий ассамблэя (куйи палата)дан иборат. Йирик сиёсий партиялари: Жанубий Африка африкаликлари миллий конгресси, Янги миллат партияси, Миллатчилик партияси, Демократик партия, Консерватив партия, Миллий ҳалқ партияси.

*Иккисоди, транспорт коммуникациялари.* ЖАР Африка китъасидаги иккисодий жиҳатдан энг тараккий этган давлатлардан биридир. 2012 йилда ЯИМ миқдори – 390 919 млн (аҳоли жон бошига – 7507) долларни ташкил этган. Иккисодининг асоси – тоф-кон саноати (платина, олтин, хром ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи). Машинасозлик, металлургия, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ҳам ривожланган. Умумий саноат ишлаб чиқариши ЯИМнинг 40% ини ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида (ЯИМнинг 5%) чорвачилик ривожланган. Маккажӯҳори, бугдой, шакаркамиш етиштирилади. Мамлакат озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ўзи коплайди. Асосий савдо шериллари: Буюк Британия, Италия, Япония, АҚШ, Германия.

Темир йўлларнинг умумий узуалиги – 20638 км, автомобиль йўллари – 188309 км (54013 км га тош ётказилган). Асосий портлари: Дурбан, Кейптаун, Порт-Элизабет.

**Тарихи.** Ҳозирги ЖАР худудига дастлаб бушменлар, кейинчалик готтентотлар ўрнашган. 1488 йилда португал денгизчиси Диас Эзгу Умид бурнини кашф этади. 1652 йилда голландлар Жанубий Африка соҳилларида ўз мустамлакаларига асос солишиди. Улар 1834–1839 йилларда Трансвааль ҳамда Озод Оранж республикаларига асос солишиди. Инглизларнинг Трансваальга 1877 йилда ҳужум килиши биринчи инглиз – бур урушини келтириб чиқаради ва бу урушда Буюк Британия маглубиятта учрайди. Лекин иккинчи инглиз – бур урушидан сўнг, 1902 йилда инглизлар бурлар устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатади. 1910 йилда Кап, Наталь, Трансвааль ва Оранждан иборат федерация тузилади ва Британия доминиони деб эълон қилинади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Жанубий Африка Иттифоки (1961 йилдан ЖАР) ҳукумати апартеид сиёсатини эълон қиласди. Мамлакатдаги африкалик аҳолининг норозиликлари, жаҳон ҳамжамиятининг мамлакат ҳукуматини иқтисодий санкциялар билан сикувга олиши 1989 йилда апартеид сиёсатининг тутатилишига олиб келди. 1992 йили дастлабки демократик сайловларда Н. Мандела голиб чиқади.

## ЖИБУТИ

*Расмий номи – Жибути Республикаси. Пойтахти – Жибути. Ҳудуди – 23 400 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 922 700 киши (2012). Давлат тили – араб ва француз. Сигинувчиларнинг асосий қисми ислом динига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – жибути франки.*

**Географик жойлашуви ва табиати.** Жибути шимоли-шаркий Африкадаги давлат. Жануб ва гарбда – Эфиопия (349 км), шимолда – Эритрея (109 км), жануби-шарқда – Сомали (58 км) билан чегарадош. Курукликдаги чегаралари узулиги – 516 км. Шарқда Аден кўрфази билан туташган. Жибути ҳудуди яситоғлар, чўл ва ярим чўллардан иборат.

Иклими – куруқ ва иссиқ тропик.

**Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.** Давлат тузилиши – республика. Давлат бошлиги – президент. Конун чиқарувчи олий орган – бир палатали парламент – Миллат мажлиси. Конунчилиги француз ва ислом дини конунлари асосида амалга оширилади. Асосий сиёсий партиялари: Тараккиёт учун ҳалқ бирлиги, Демократик янгиланиш партияси, Бирлик ва демократияни тиклаш фронти.

**Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.** Мамлакат ҳўжалигининг асосий таянчи унинг стратегик жойлашув ўрнидир. Жибути Африканинг эркин савдо ҳудуди деб эълон қилинганилиги, унинг портлари орқали ҳалкаро савдо-

нинг ривожланишига кулай шароит яратган. 2012 йилда ЯИМ миқдори 1360 млн (ахоли жон бошига – 1523) долларни ташкил эттан.

*Тарихи.* XIX асрнинг 2-ярмидан Обок портини эгаллаган французлар Жибутини ўз мустамлакаларига айлантириш харакатини бошлаб юбордилар. 1886 йили мамлакат Сомалининг Француз Кирғоги номи билан Франция мустамлакасига айлантирилди. 1946 йилдан Франциянинг «денгиз ортидаги ерлари» номини олди. 1958 йилда ўтказилган референдумда Жибути халқи мустакиллик учун овоз берди. 1967 йили Франция билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларни мустахкамлаш мақсадида ўзини «Афар ва Иссалар француз худуди» деб эълон килди. 1977 йили Жибути ўз мустакиллигини ўзлон килди. Шу йили Араб давлатлари лигасига аъзо бўлиб кирди. 1992–2000 йилларда Жибутида бўлиб ўтган фуқаролар уруши томонларнинг ваколатларни бўлиб олиш тўрисидаги келишув имзоланиши билан якунланди.

## ЗАМБИЯ

*Расмий номи – Замбия Республикаси. Пойтахти – Лусака. Ҳудуди – 752 614 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 13 883 500 киши (2012). Тили – инглиз. Сигинувчиларнинг ярмидан кўпроғи христиан, қолганлари ислом, ҳиндуйлик динларига зътиқод қиласди. Пул бирлиги – квача.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Африканинг марказий кисмидада жойлашган. Шимолда – Танзания (чегара узунлиги – 338 км) ва Конго Демократик Республикаси (1930 км), гарбда – Ангола (1110 км), жанубда – Намибия (233 км), Зимбабве (797 км), шарқида – Малави (837 км), жануби-шарқида – Мозамбик (419 км) билан чегаралош. Чегарасининг умумий узунлиги – 5664 км. Кўллари – Бангвеулу, Мверу, кисман Танганьика ва Карнб. Катта дарёлари: Луанва, Замбези, Кафуз. Фойдали қазилмалари: мис, кобальт, зумрад, олтин, кумуш, уран, рух, кўмир, марганец ва кўргошин.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Маъмурий жиҳатидан 9 та провинция (вилоят)га бўлинади. 1964 йилнинг 24 октяброда мустакилликка эришган. 24 октябрь Мустакиллик куни – Миллий байрами хисобланади. Давлат бошлиги – президент. Конун чиқарувчи олий оғган – бир палатали парламент – Миллий ассамблея.

Асосий сиёсий партиялари: Кўп partiyaли демократия учун харакат партияси, Миллий мустакиллик бирлашган партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Замбия мустамлакага айланган даврдан унинг иқтисодиётини дунё бозорига, асосан, Буюк Британияга факат мис ва полиметалллар етказиб беришга ихтисослашиб, хўжалигининг бошка тармоқлари кон саноатига хизмат қиласди. 2012 йилда ЯИМ миқдори 20 682 млн (ахоли жон

бошига – 1474) долларни ташкил этган. Иктисодининг асосий муаммолари – дан бири давлат ташки карзларининг кўплиги. Асосий савдо ҳамкорлари – ЕИ, Япония, ЖАР, АҚШ.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 1273 км. Автомобиль йўллари – 36370 км. Ички сув йўллари – 2250 км. Асосий порти – Мбулунгу.

**Тарихи.** Ҳозирги Замбия худудида илк давлатлар (Баротсе, Лунда) XVII–XIX всрларда пайдо бўлди. XIX аср охиirlарида Замбия худудида Британия хукмронлиги ўринатилди ва Шимолий Родезия деб атала бошлади. Шимолий Родезия 1953 йили Родезия ва Нъясаленд Федерациясига киритилди. 1963 йилда Федерация бўлининг кеттанидан кейин Шимолий Родезия 1964 йилнинг 24 октябрида мустакил Замбия Республикасига айланди. 1973 йилги конституцияга кўра «Замбия инсонпарварлиги» дастури кабул килинди. У хусусий мулқчиликни саклаб қолган ҳолда оддий инсон эҳтиёжларини тўлиқ кондириш максадини кўйди. 1991 йили «Замбия инсонпарварлиги» даври тутади ва кўпартиявий тизим жорий килинди.

## ЗИМБАБВЕ

*Расмий номи – Зимбабве Республикаси. Пойтахти – Хараре. Ҳудуди – 390 760 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 13 013 670 киши (2012). Давлат тили – инглиз, шона ва шимолий идебеге. Сигинувчиларнинг асосий қисми синкремтизм (христиан-мажсусийлик, 50%), христиан дини (25%) ҳамда мажсусийликка (24%) эътиқод қиласади. Пул бирлиги – АҚШ доллари.*

**Географик жойлашуви ва табииати.** Африка китъасининг жанубий кисмinda жойлашган давлат. Мозамбик билан шимол ва шарқда (чегара узунлиги – 1231 км), шимолда – Замбия (797 км), жанубда – ЖАР (225 км), жануби-ғарб ва гарбда – Ботсвана (813 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги – 3066 км. Деярли бутун мамлакат худудини Матабеле ва Мошона ясситоғлеклари эгаллаган. Мамлакатнинг энг баланд нуқтаси – Инъянгани тоги (2596 м). Асосий дарёлари – Лимпопо ва Замбези. Фойдали казилмалари: хром, олтин, никель, мис, темир рудаси, кўмир, ванадий, литий, калайи, асбест.

**Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.** Давлат тузилиши – республика. 1980 йилнинг 18 апрелида мустакиликка эришган. 18 апрель Миллий байрам – Мустақилликнинг эълон килиниши. Давлат бошлиғи – президент. Қонун чиқарувчи олий орган – бир палатали парламент. Асосий сиёсий партиялари: Зимбабве африкаликлар миллий иттифоқи – Ватанипарварлик фронти, Зимбабве консерватив альянси, Зимбабве бирлик ҳаракати.

**Иктисади, транспорт коммуникациялари.** Зимбабве Африка китъасининг иктисадий жиҳатдан суст ривожланган мамлакатларидан биридир. 2012 йилда

ЯДИМ миқдори 10 796 млн (аҳоли жон бошига – 756) долларни ташкил этган. Іктисаднинг асосини тоб-кон ва қайта ишлаш саноати ташкил этди. Кишлек кўжалиги хам иқтисоднинг муҳим тармогидир. Асосий савдо ҳамкорлари: Буюк Британия, ЖАР, Германия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 2745 км, автомобиль йўллари – 85 237 км. Асосий порти (дарё порти) – Караби.

*Тарихи.* XII–XVII асрларда ҳозирги Зимбабве ҳудудида Монотала давлати бўлган. XIX аср охиirlарида мамлакатни Родезия деб атаган инглизлар кириб келишди. 1923 йилда Жанубий Родезия Британия мустамлакасига айлантирилди. 1953 йилдан 1963 йилгача Родезия ва Нъясаленд Федерацияси таркибига киритилади. 1979 йили Зимбабве (мамлакатнинг янги номи)да парламентта сайловлар бўлиб ўтди ва африкаликлар парламентда кўп ўринга эга бўлдилар. Лекин мамлакатнинг тўлиқ мустакилликка эришиши учун партизан уруши 1980 йилнинг 17 апрелигача давом этди. 2002 йилда БМТ Зимбабведа инсон хукуклари поймол килинаётганинги баҳона килиб, унинг аъзолигини тұттади.

## ИНДОНЕЗИЯ

*Расмий номи – Индонезия Республикаси. Пойтахти – Жакарта. Ҳудуди – 1904 600 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 245 000 000 киши (2013). Давлат тили – индонез. Сиги-нүвчиларнинг асосий қисми ислом динига (87%) эътиқод қиласди. Пул бирлиги – индонезия рупияси.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Индонезия Республикаси Жанубий-Шаркий Осиёдаги давлат. Дунёдаги энг катта Малай архипелагининг 17,5 минг ороли ва Янги Гвинея (Фарбий Ириан) оролининг гарбий қисмидаги жойлашган. Жанубда – Шаркий Тимор (чегара узунлиги – 228 км), шимоли-гарбда – Малайзия (1782 км), шарқда – Папуа-Янги Гвинея (820 км) билан чегарадош. Курукликтаги чегаралари узунлиги – 2830 км. Индонезия ҳудудининг ярмидан кўпроғи ўртача баланд ва пасткам тоглардан, Янги Гвинеядаги қисмада баланд тоглардан (энг баланд жойи – 5029 м), колган қисми аллювиал тектониклардан иборат. Оролда 400 дан ортик вулкан бор, шундан 100 таси харакатдаги вулканлардир. Тектоник харакатлар тинмаган. Тез-тез кучли зилзила бўлиб туради. Нефть, кўмир, темир, марганец, калайн рудалари, боксит, мис, кўргошин, рух, алюминий, никель ва фосфат конлари бор.

Иклими – Индонезиянинг катта экваториал, Ява оролининг шаркий ва Кичик Зонд оролларида субэкваториал иклим. Энг йирик дарёлари – Капуас, Барито, Харри, Компар, Муси, Мамберамо, Дигул.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Индонезия – унитар республика. Давлат ва хукумат бошлиги – президент. Давлат ҳокимиятининг олий органи –

Халк маслахат конгресси. Амалдаги конституцияси 1945 йилнинг 18 августидаги кабул килинган. Ижроия хокимиятни президент ўзи тайинлаган хукумат билан бирга бошқаради. Конун чикарувчи олий орган – бир палатали парламент – Халк вакиллари кенгаши. Асосий сиёсий партиялари: Бирлик ва тараккиёт партияси, Индонезия демократик партияси. Миллый макдат партияси, Миллый уйғониш партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Индонезия – аграр-индустриал мамлакат. Кишлөк хўжалиги Индонезия иктисадининг етакчи таромоги ҳисобланади. Мехнатта яроқли ахолининг ярмидан кўпроғи кишлоқ хўжалигига банд. Табиий каучук ва пальма ёғи ишлаб чикариш бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Тропик дараҳт ёғочидан ясалган буюмлар, тамаки, чой, қаҳва, зиравор дориворлар, шунингдек, балиқ ва денгиз маҳсул казиб берувчи энг катта давлатdir. Асосий донли экинлари – шоли, маккажўхори. Чорвачилигига корамол, чўчка, эчки, кўй, йилки, ларранда бокилади. Индонезия худудининг 65% ўрмон билан қопланган бўлиб, кимматбаҳо ёғоч тайёрланади. Кончиллик саноати бюджет тушумларининг анча кисмини таъминлайди. Йилига ўртacha 576 млн баррель нефть казиб олинади. Индонезия суюлтирилган табиий газни четга чикаришда дунёда биринчи ўринда, калай казиб олишда иккинчи ўринда, никель казиб олишда тўртинчи ўринда туради. Маҳсулот ишлаб чикариш саноатининг асосини истеъмол моллари: газлама, чарм буюмлар, рўзгорборп кимёвий маҳсулотлар, озик-овқат ташкил этади. Шоли оқлаш, тамаки, канд-шакар, чой, ёг, ип-газлама, жун, курилиш материаллари, фармацевтика ва полиграфия, кондитер корхоналари, минерал ўғит ва шина заводлари бор. Юксак технологияга асосланган тармоклар: кемасозлик, самолётсозлик, нефть кимёси, автомобиль йиғиш, радиоэлектроника соҳалари тараккий этган. Индонезияда денгиз транспорти етакчи ўринда. 2012 йилда ЯИМ миқдори 894 854 млн (аҳоли жон бошига – 3592) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Япония, АҚШ, Сингапур, Германия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 6964 км. Автомобиль йўллари – 119 500 км. Ички сув йўллари – 21 579 км. Портлари: Танжунгприон (Жакарта порти), Сурабая, Палембанг, Баликпапан, Ужуңгпан.

*Тарихи.* Индонезия кадимий маданият марказларидан биридир. М. а. II асрда оид ёдгорликлар саклантан. Ява, Малайя оролларида Тарума ва Калинга, Суматрада Малайя ва Шривижай давлатлари ташкил топган. Уларда хиндуийлик ва буддийлик таркала бошлади. VII асрда бир нечта майда давлатлар бирлашиб, Шривижай империясини ташкил этди. VIII асрнинг биринчи ярмида Явада Матарам давлати пайдо бўлди. 1025 йили Шривижай инкиrozга учради. XI асрнинг 40-йилларида Матарам Кедири (XIII асрдан Сингасари) ва Жангола давлатларига бўлинниб кетди. XIII аср охирида Сингасари емирилиб, унинг ўрнида Мажалахит империяси ташкил топди (1293 – тахм. 1520). XIV асрда Ҳиндистон

ва Малаккадан Индонезияга ислом дини кириб келди. XVI асрдан Мажапахит империяси мусулмон султонликларига бўлиниб кетгач, Индонезия худудига европаликлар (португаллар, голландлар) кириб кела бошлади. 1602 йилда голландлар Индонезияда Ост-Индия компаниясига асос солди. 1811 йили Индонезияни инглизлар босиб олди. 1814 йилги Англия-Нидерландия битимига кўра Индонезия Нидерландия кўлига ўтди. 1942–1945 йилларда Индонезияни Япония босиб олди. Япония Иккинчи жаҳон урушида мағлубиятта учрагач, мамлакат мустақил Индонезия Республикаси деб эълон килинди (1945 йил 17 август). 1945 йилнинг 6 сентяброда Индонезияга инглиз, кейинрок голланд кўшинлари бостириб кирди. 1949 йилнинг нояброда Голландия Индонезия мустақилигини тан олишга мажбур бўлди. Бирок Индонезия 16 худудга бўлиб ташланди: мамлакат «Индонезия Кўшма Штатлари» номи билан юритила бошланди. Голландия Фарбий Ирианни ўз кўл остида саклаб қолди. 1950 йилнинг 6 августида Индонезия унитар давлат деб эълон килинди. 1953 йилнинг 1 майида Фарбий Ириан Индонезия Республикаси таркибига кўшиб олинди. 2002 йилнинг 20 майида Шаркий Тимор Индонезия таркибидан ажраб чиқди.

## ИОРДАНИЯ

*Расмий номи – Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги. Пойтахти – Оммон. Ҳудуди – 91 800 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 6 446 300 киши (2013). Тили – араб. Давлат дини – ислам. Пул бирлиги – иордан динори.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Иордания Якин Шарқда, Осиёнинг гарбий кисмida жойлашган. Иордания шарқ ва жанубда – Саудия Арабистони (чегара узунлиги – 744 км), шарқда – Ирек (181 км), гарбда – Истроил (238 км) ва Фаластин (97 км), шимолда – Сурья (375 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги – 1635 км. Иордания маъмурий жиҳатдан 12 та муҳофазат (вилоят)га бўлинади. Иорданиянинг асосий кисми шарқдан гарбга томон баландлашиб борадиган ясситоғилклардан иборат. Жанубдаги Рам тоғи Иорданиянинг энг баланд нуқтаси (1764 м). Мамлакатнинг гарбий кисмida меридиан чизигига параллель ҳолда йўналган чукур ботик воҳа – Ҳор (Ал-Ҳор) ва унинг давоми Водий ал-Араб жойлашган. Ҳор минтақасида Иордан дарёси водийси ва Ӯлик дентиз ўрин олган. Бу минтақанинг ҳар икки томонида Сурья-Фаластин тоғлари кад ростлаб туради. Йирик шаҳарлари: Оммон, Аз-Зарка, Ирбид, Ал-Халил.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* Иордания – конституцияйи монархия. 1952 йилнинг 8 январида кабул килинган конституцияга амал килади. Давлат бошлиғи – малик (подшоҳ) бўлиб, у конун чиқарувчи ва ижро-чи ҳокимият соҳасида катта хукукка эга. Конун чиқарувчи ҳокимият подшоҳ ва Миллат мажлиси (Сенат ва Депутатлар палатаси)дан иборат. Сенатни подшоҳ

4 йилга тайинлайди. Депутатлар палатаси тұғридан тұғри ва овоз бериш йүли билан 4 йилга сайланади. Ижроия қокимиятни подшо үзи тайинлайдиган хукумат – Вазирлар кенгаши орқали амалга оширади. Сиёсий партиялари: Халқ бирлиги демократик партияси, Коммунистик партия, Халқ демократик партияси, Араб социалистик уйғониш партияси (БААС).

*Иктиносиди ва транспорт коммуникациялари.* Иордания иктиносиде хизмат күрсатыш, саноат, кишлоқ хұжалиғи ва саидәхлик соҳалари ривожланмокда. Иордания фосфат ва ишкор (поташ), мис ва марганец захираларында унчалык үйрек бұлмаган нефть конларында зерттеледі. Кончилик, энергетика, тұқимачилик соҳалари ривожланған. Иктиносиде кончилик саноати мухим ахамиятта зерттеледі. Фосфорит экспорттың бүйінша дүнәнде учинчи үринде туралады. Мамлакат минерал тузларға қам бой. Шунингдек, бром, магний оксиди қам қазиб олинади. Мис рудаси, марганец, уран, темир рудаси қам бор. Булардан ташкари, Иордания ерлары каолин, гипс, охактош, кварцдың күмлары, доломит, бентонит, дала шпаты конларында қам бойдір. Иорданияда советтик, газ плиталар, аккумуляторлар ишлаб чыкарадын заводлар, курилиш моллары, мебель корхоналары бор. Доридармон, сигарета, кулолчилик буюмлары, пойабзal, тұқимачилик моллары қам ишлаб чыкарилади.

Кишлоқ хұжалиғи юкори мавкега зерттеледі. Мамлакат худудининг атиги 5–6% қайдаладын ерлардир. Чорвачилик оқсок тармоқ қисобланади (ем-харакетиши майды, яйтвалар кам). Асосан корамол, күй ва эчки бөкіләди.

Иордания четта асосан фосфат, фосфатлық калийлы үгітлар, ишкор, цемент, мрамор, аккумуляторлар, тұқимачилик буюмлары, парафин, лок-бүеклар, тоғалаш моддалари, кандолатчилик маҳсулотлары, кимёвий моллар чыкаради. Четден машина, асбоб-ускуна, нефть ва нефть маҳсулотлары, гүшт, сут маҳсулотлары олинади. 2012 йилда ЯИМ миқдори 31 353 млн (ақоли жон бошига – 4879) долларны ташкил эттән. Асосий савдо қамкорлары – араб давлатлары, АҚШ, Италия, Япония, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон.

Темир йүлларининг умумий узунилги – 619 км. Автомобиль йүлларининг узунилги – 7 500 км. Асосий порты – Акаба.

*Тарихи.* Ҳозирғи Иордания худудида дастлаб кананейларнинг сомий қабилалари яшаган. М. а. I минг үйлілікта бу худуднинг бир қисмі Исроил ва Үхудия подшолайлар таркибінде болған. М. а. I минг үйлілік охирида қадимғы араб давлаты – Набатея подшолиги вужудға келди. Иордания милодий II асрнинг 30-йиллардан Рим, IV асрдан Византия империясы, VII асрдан Араб халифалиғи күл остида болды. XI–XV асрларда салибчилар, салжуктар, Миср мамлуклари бостириб кирди. XVI асрнинг бошидан 1918 йилгача Усманнийлар империясы таркибінде болды. Мамлакат Биринчи жаҳон уруши даврида араб күзгөлончи ва ватанларварлары томонидан озод килинди. Сүнг Сирія худуди билан биргә амир Файсал күл остига ўтди. 1920 йилда Британия мандатидаги Фаластинга

қүшілди. 1921 йилда Иордан дарёсінинг шарқий қисмінда хошимийлар сұлоласыдан бұлған амир Абдулло раҳбарлығыда Трансиордания амирлігі ташкил да Трансиордания Иордания номи билан мұстакил давлат, амир Абдулло (2004 йыл вафот этди) эса уннің подшохы деб зълон килинди. 1948–1949 йиллардың араб-исрәйл уруши натижасыда Наблус, Байт-Лаҳм, Куддуснинг шарқий қисмі Иорданияга құшып олинди. 1967 йылғы Исроил-Иордания уруши натижасыда мамлекеттің іктысодий жиһатдан зәңг ривожланған қисми – 6,6 мінг  $\text{km}^2$  худудини Исроил құшинлари босиб оттеді.

## ИРЛАНДИЯ

*Расмий номи – Ирландия Республикасы. Пойтахти – Дублин. Худуди – 70,3 мінг  $\text{km}^2$ . Аҳолиси – 4 598 000 киши (2013). Тили – ирланд ва инглиз. Сиги努вчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик, бир қисми протестант мазҳабларыга жеткізгенде құлады. Пул бирлігі – евро.*

*Географик жойлашуви ва табиаты.* Ирландия Европаның ғарбида, Ирланд оролларыда жойлашған. Мағымурый жиһатдан 26 та графлікка бўлинади, улар эса 4 та тарихий вилоятга бирлашади. Шимолда Буюк Британия (Шимолий Ирландия) (чегара узунлиги – 360 км) билан чегара дош. Шарқда – Ирланд денени, ғарбда – Атлантика океани билан тулаш. Ирландия худудининг ярмидан кўпини марказий текислик эгаллаган. Чекка қисмларида паст ва ўртача баландликдаги тоглар бор. Жануби-ғарбидаги Карантуннның тоги (1041 м) Ирландиядаги зәңг баланд тогдир. Ирландияда торфнинг катта захирадар, тошкўмир, кўргошин, рух, мис, фосфорит бор.

Мұттасид океан иклими ҳукм суради. Йирик дарёси – Шанон. Йирик шахарлари: Дублин, Корк, Лимерик.

*Давлат мүзилиши, сиёсий партиялари.* Ирландия – республика. 1937 йилнинг 29 декабряда кабул килинган хамда 1972 ва 1999 йилларда тузатишлар киритилген конституцияга амал қиласы. Давлат бошлиғи – президент. Конун чиқарувчи олий орган – Миллий парламент (иккى палатали: Вакиллар палатаси ва Сенат). Ижроға ҳокимиятни Вакиллар палатасининг тақлифига биноан президент томонидан тайинланадиган ҳукумат амалға оширади. Асосий сиёсий партиялари: Фианна файл («Тақдир аскарлари»), Фине гал (Бирлашған Ирландия), Ирландия лейбористлар партияси, Ирландия коммунистик партияси, Демократик сүл партия, Тараккийпарвар демократик партия, Ирландия ишчилари партияси.

*Іктысоди, транспорт коммуникациялари.* Ирландия – индустрiali мамлакат. Кончиллик саноати ва қишлоқ ҳұжалиғи хомашеини кайта ишлаш тармок-

цияни бошлади. 1994 йилда Ирок Қувайтта нисбатан ўз даъвосидан воз кечди. 1998 йили куролланишни назорат килиш бўйича БМТ маҳсус комиссияси мамлакат худудидан чиқариб юборилди. Бу Форс кўрфазида АҚШ ҳарбий кучларининг тўшланишига асос бўлди. 2003 йилнинг март ойида АҚШ ва Буюк Британия Саддам Ҳусайнни ҳокимиятдан ағдариш масксадида Ирокка карши ҳарбий операция бошлади. Натижада С. Ҳусайн ҳокимиятдан ағдарилиб, деярли бутун Ирок худуди АҚШ назорати остига ўтди.

## ИСЛАНДИЯ

*Расмий номи – Исландия Республикаси. Пойтахти – Рейкъявик. Худуди – 103 000 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 319 600 киши (2012). Давлат тили – исланд. Давлат дини – христиан динининг лютеран (95%) мазҳаби. Пул бирлиги – исланд кронаси.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Атлантика океанининг шимолий кисмидаги Исландия оролида жойлашган. Орол юзасини вулканли тоғликлар, муз билан копланган кўп сонли тоғли массивлар эгаллаган. Оролда 200 дан ортик вулканлар кайд этилган, уларнинг кўплари – Гекла, Лаке, Аскъя ва бошқалар харакатдаги вулканлардир. Гидроэнергия ресурслари ва балиқ мамлакатнинг асосий табиий ресурслари хисобланади.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилишига кўра – республика. Маъмурӣ жихатдан 23 та округта бўлинади. 1944 йилнинг 17 июняда Даниядан ажалиб, мустақилликка эришган (Миллий байрами – Республика эълон килинган кун). Ижро ҳокимиятини президент амалга оширади ва ҳукуматни тайинлайди. Конун чиқарувчи ҳокимият – президент ва бир палатали (юқори ва кўйи) парламент (Альтинг)дан иборат. Асосий сиёсий партиялари: Халк иттифоқи партияси, Мустақиллик партияси, Тараккиёт партияси, Исландия социал-демократик партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Мамлакат иқтисоди амалий жихатдан баликчилик ва баликни кайта ишлаш билан чекланган. Асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари картошка ва шолғом. Қўйчилик ва сут етиштирадиган чорвачилик хам ривожланган. 2012 йилда ЯИМ миқдори 13 554 млн (аҳоли жон бошига – 42 740) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕИ мамлакатлари, Норвегия, АҚШ, Япония.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги – 12 343 км. Денгиз портлари: Кеблавик, Рейкъявик, Сейдисфьордюр.

*Тарихи.* Исландия ерлари VIII всерда ирланд монахлари томонидан очилган, 865 йилда эса бу худудларга норвеглар кўчиб келган. 930 йилда мустамлакачилар оролда республика барпо этдилар. Тахминан 1000 йилда мамлакатда дастлабки христиан миссионерлари пайдо бўлди. 1262 йилда Исландияда Норвегия

юроллиги хукмронлиги ўрнатилди. 1918 иили Дания Исландияни дания-исландия унияси билан чекланган мустакил давлат деб тан олди. Исландиянинг доимий бетарафлиги эълон килинди. 1944 йилдаги референдум натижасида Исландия халки Дания билан унияни бекор килди ва шу йил 17 июня Исландия Республика деб эълон қилинди.

## ИСПАНИЯ

*Расмий номи – Испания Қироллиги. Пойтахти – Мадрид. Ҳудуди – 504,75 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 46 006 400 киши (2013). Давлат тили – испан. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – евро.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Европанинг жануби-гарбидаги Пиреней яриморолида жойлашган. Ўрта Ер дengизидаги Балеар, Атлантика океанидаги Канар ороллари, Африканинг шимолий кирғозидаги Сеута ва Мелилья шаҳарлари ва унга ёндош Велесде-ла Гомера, Алу-Семас, Чафаринос ороллари ҳам Испанияга қарашли. Гарбда – Португалия (чегара узунлиги – 1214 км), шимолда – Франция (623 км) ва Андорра (63,7 км), жанубда – Гибралтар (1,2 км) ва Марокаш (15,9 км) билан чегарадош. Курукликтаги чегаралари узунлиги – 1917,8 км.

Испания субтропик минтақада жойлаптаган. Ҳудудининг катта қисми ўртача баландликдаги тизмалар, ясситоғликлар ва пасттекисликлардан иборат. Сьерра-Невада тизмасидаги Муласен тоги (3478 м) Испаниядаги энг баланд нуқта хисобланади. Мамлакатнинг йирик дарёлари: Тихо, Эбро, Гвадалквивир, Деэро, Гвадиана ва бошкалар. Испанияда уран, мис, симоб, кўргошин, темир, вольфрам, калайи, олтин, кумуш, маргимуш, марганец конлари бор. Ҳудудининг 31% и экин экладиган ерлар, 31% ўрмонлар ва бутазорлар, 21% ўтлоқ ва яйловлардан иборат.

*Давлат тузилиши ва сийсий партиялари.* Давлат тузилиши – парламентли монархия. Маъмурий жihatдан 17 та муҳтор ҳудудга, улар ўз навбатида элликта вилоят (провинция)га бўлинади. Миллий байрами 12 октябрь – Испан миллити куни. 1492 йилдан бошлиб мустакил давлат. Давлат бошлиғи – қирол (1975 йилнинг 22 ноябридан Хуан Карлос I), унинг ваколатлари конституция билан чегараланган. Конун чиқарувчи ҳокимиятни Генерал (Бош) Кортеслар (парламент) амалга оширади. Кортеслар иккι палата – Сенат ва Депутатлар конгрессидан иборат. Ижроия ҳокимиятни ҳукумат амалга оширади. Ҳукумат раисини қирол парламентнинг иккала палатаси раислари билан маслаҳатлашиб тайинлайди. Асосий партиялари: Халқ партияси, Испания социалистик ишчи партияси, Испания коммунистик партияси, баскларнинг Миллатпарвар партияси, Каталония демократик конвергенцияси, Валенсия Иттифоки.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Испания индустрисал-агар мамлакат ЯИМда саноатнинг улуши 23%, кишлоқ хўжалигининг улуши 35%, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 60% дан ортади. 2012 йилда ЯИМ миқдори 1 352 057 млн (аҳоли жон бошига – 29 651) долларни ташкил этган. Саноатида оғир саноат етакчи ўринда туради. Машинасозлик, автомобилсозлик, кемасозлик, электротехника, станоксозлик, кимё саноати ривожланган. Кишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи – дехкончилик.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 14 378 км. Автомобиль йўллари узунлиги – 324 000 км. Портлари: Картахена, Алхесисрас, Барселона, Бильбао, Санта-Крус-де-Тенерифе, Виго, Кадис, Ла-Корунья, Малага, Сантандер, Таррагона, Валенсия, Хихон, Алеканте, Альмерия.

Асосий савдо ҳамкорлари: ЕИ мамлакатлари, АҚШ.

*Тарихи.* М. а. VII асрдан Испаниянинг жанубий ва шаркий соҳиблўйлари финаликлар ва юнонлар томонидан ўзлаштирила бошланган. М. а. 7000–5000 йилларда ўрга Ер денгизи соҳилида иберлар маданияти пайдо бўлди. М. а. III аср охирида Испания худудининг кўп кисми Карфаген кўл остига ўтди. М. а. II аср бошларига келиб римликлар карфагенликларни сикib чиқардилар. Араблар 711–718 йилларда Пиреней яриморолининг кўп кисмини босиб олдилар ва бу кисмлар Дамашк халифалиги кўл остига ўтди. 756 йили мустакил давлат – Курдoba амирлиги, 929 йилда эса Курдoba халифалиги тузилди. X–XI асрларда мусулмонлар Испанияси бир неча мустакил давлатларга бўлинниб кетди. 1212 йилда арабларга карши ҳужум (реконкиста) натижасида Арагония, Кастилья ва бошка испан киролликлари вужудга келди. Кастилья ва Арагония битта киролликка бирлашиб (1469), 1492 йилда мамлакатни араблардан озод килиди. Испания кироллиги XVI асрда гуллаб-яшнади, Жанубий ва Марказий Америкада мустамлакаларини кенгайтириди, 1580 йилда Португалияни забт этди, лекин XVII асрда кўп худудларидан ажралди. 1640 йилда Португалия, 1648 йилда Нидерландия, 1649 йилда эса Артуа ва Русilon провинцияларини Францияга бой берди. XIX аср бошларида мамлакат Наполеон кўшинларидан озод килинди. Ўша пайтда испанлар Жанубий ва Марказий Америкадаги деярли барча мустамлакаларидан ажралди. XIX асрда Испанияда абсолют ҳокимият тарафдорлари ва либераллар ўртасида кураш бўлиб ўтди. 1923 йилда давлат тўнтириши натижасида мамлакатда диктатура ўрнатилди. 1931 йилда Испания республика деб эълон килинди. Кирол Альфонс XIII таҳтдан воз кечмай, мамлакатни тарқ этди. 1936 йилда Халқ фронти ҳокимият тепасига келгач, фуқаролар уруши авж олди ва 1939 йилда мамлакатда Франко фашистик режимининг ўрнатилиши билан тугалланди. 1975 йилда Франко вафотидан кейин Испанияда конституцион монархия ўрнатилди. 1976 йилда мамлакатда парламент тизими жорий этилди, 1978 йилда янги конституция кабул килинди.

## ИСРОИЛ

*Расмий номи – Истроил давлати. Пойтахти – Тель-Авив. Худуди – 20 770 км<sup>2</sup>. (БМТ белгилаб берган ҳудуд). Аҳолиси – 8 000 000 киши (2013). Тили – иврит, араб. Сигинувчиларнинг асосий қисми яхудийлик динига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – шекель.*

**Географик жойлашуви ва табииати.** Истроил Якин Шарқда, Осиёнинг гарбий қисмидаги, Ўрта Ер дengизи бўйида жойлашган. Шарқда – Иордания (238 км), шимолда – Ливан (79 км), шимоли-шарқда – Сурія (76 км), жануби-гарбда – Миср (266 км), шарқ ва жануби-гарбда – Фаластин (358 км) билан чегарадош. Куруқликдаги чегаралари узунлиги – 1017 км. Бу давлатни бир неча қисмга шартли равишда ажратиш мумкин: Галилей ясситоғлиги, Мерон тоғи (1208 м), Иордан водийси, Самарий ва Яхудий тепаликлари (ясситоғ), Негев чўли ва кирғоқ текисликлари. Мамлакатнинг асосий дарёси – Иордан. Фойдали казилмаларидан мис, фосфор, олтингугурт, марганец, кам микдордаги нефть ва газ заҳираси ҳам бор. Экин экиласидиган ерлар мамлакат майдонининг 17%, яйлов майдони эса 40%ни ташкил этади.

**Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.** Давлат тузилиши – республика. Ягона конституцияси йўқ. Мамлакат 6 та округдан иборат: Марказий Хайфа, Кудус, Шимолий, Жанубий, Тель-Авив. Ижроия қокимият президент (давлат бошлиғи) ва бош вазир раҳбарлигидаги хукуматга қарашлидир. Қонун чиқарувчи олий орган – Кнессет (бир палатали). Асосий сиёсий партиялари – Ликуд, Авода (Мехнат).

**Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.** Истроил ривожланган индустриал-аграр мамлакат. Иқтисодиётida ҳарбий саноат асосий ўринни эгалайди, у ташки молиявий манбаларга, айниқса, АҚШ ва Европа Иттифоқи ёрдамига жуда қарам. Иқтисодни бошқаришда давлат асосий роль ўйнайди. Табиий ресурслари чегараланган. 2012 йилда ЯИМ миқдори 246 780 млн (аҳоли жон бошига – 31 296) долларни ташкил этган. Саноат тармокларидан олмосларни кирралаш, тўқимачилик, озиқ-овқат, кимё, ҳарбий ва транспорт жиҳозларини ишлаб чиқариш, юкори технологияли электроника кабилар мавжуд. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ялпи ички маҳсулотнинг 3%ни ташкил этади. Цитрус мевалар, сабзавотлар, пахта, чорва маҳсулотлари етиштирилади. Экспортнинг асосий қисмини бриллиант ташкил этади. Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, юкори технологияли жиҳозлар экспорт килинади.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 600 км. Автомобиль йўллари – 4750 км. Асосий портлари – Ашдот, Хайфа. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, ЕИ, мамлакатлари, Япония.

*Тарихи.* 1948 йилнинг 18 май куни яхудийлар томонидан хозирги Исроил давлати ташкил этилди. Ушбу давлат жаҳоннинг кўпгина давлатлари томонидан дарҳол тан олинди, лекин бу давлатнинг ташкил топиши кўшни давлатларда норозиликни келтириб чиқарди. Окибатда 1947–1948 йиллардаги биринчи араб-исроил зиддияти юзага келди. Урушда Исроил янги худудларни қўлга киритиб, голиб чиқди. 1956 йилда Сувайш канали давлат ихтиёритга ўтказилиши ва Мисрнинг араб давлатлари билан шартнома тузилиши натижасида Исроил Мисрга карши уруш бошлади ва бу уруш Исроил кўшинларининг Синай яриморолидан чиқиб кетиши билан якунланди. 1967 йилнинг июнида Исроил Миср, Сурия ва Иорданияга карши уруш бошлаб, Синай яримороли, Фазо сектори, Иордан дарёсининг гарбий кирғогидаги ерлар, Куддуснинг араблар яшайдиган кисми, Жўлан тепаликларини қўлга киритди. 1973 йилнинг октябринда Миср ва Сурия Исроилга карши ҳарбий харакатлар олиб борди. Исроил Синай яриморолидан ажралди. 1979 йилнинг марта таддими (1978 йил сентябрь, АҚШ) асосида Миср ва Исроил ўртасида тинчлик шартномаси тузилди. 1982 йилнинг июнида Исроил Ливанга бостириб кирди ва Байрутни бомбардимон килди. 1982 йили Рабин бошлигидаги лейбористлар ҳукумат тепасига келгач, тинчликни йўлга қўйиш жараёни бошланди. 1993 йилда Исроил ҳукумати ва Фаластин Озодлик ташкилоти ўртасида Фаластин автономиясини назарда туттган тинчлик шартномаси имзоланди. Аммо Исроил-Фаластин можаросини бартараф этиш мушкул масалалигича колмоқда.

## ИТАЛИЯ

*Расмий номи – Италия Республикаси. Пойтахти – Рим. Худуди – 301 230 км.<sup>2</sup> Аҳолиси – 60 820 700 киши (2012). Тили – итальян. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик (90% дан кўн) мазҳабига эътиқод қилади. Пул бирлиги – евро.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Жанубий Европада, Апеннин яриморолида жойлашган. Шимолда – Австрия (чегара узунлиги – 430 км) ва Швейцария (740 км), шимоли-гарбда – Франция (488 км), шарқда – Словения (232 км), шунингдек, Италия худудидаги анклавлар – Ватикан (3,2 км) ва Сан-Марино (39 км) билан чегарарадош. Куруклиқдаги чегаралари узунлиги – 1932,2 км. Сардиния, Сицилия, Эльба ороллари ва бир канча кичик ороллар ҳам Италияга карашли. Италия худуди жанубда ва гарбда Ўрга Ер денгизи, шарқда Адриатика денгизи билан туташ. Худудининг 80% и тоғ ва кирлардан иборат. Италиянинг шимолида Альп тоглари жойлашган. Альп ва Апеннин тоглари оралигига По дарёси водийси билан Ломбارد текислиги мавжуд. Харакатдаги вулканлар кўп. Улар орасида Везувий (1 277 м) ва Этна (3323 м) Сицилия оролида жойлашган.

Италиянинг йирик дарёлари – По ва Тибр. Мамлакатда кўллар кўп, асосийла-ри – Гарда, Лаго-Маджоре, Комо. Асосий фойдали казилмалари: симоб, мәрмар, ишкор, кўмир, олтингугурт, кам микдорда табиий газ ва нефть. Ҳайдаладиган ерлар мамлакат ҳудудининг 32%, ўрмон ва бутазорлар – 22%, ялов ва ўтлоклар – 17% инни ташкил этади.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мъумурӣ жihatдан 20 та вилоятга булинади. Италия 1861 йилнинг 17 марта мустакил киролликка айланган. Миллий байрам – июннинг биринчи якшансаси – республиканинг эълон кулиниши. Ижроия хокимият президент (давлат бошлити) ва бош вазир раҳбарлигидаги хукуматга тегиши. Конун чикарувчи хокимият – икки палатали парламент – Сенат ва Депутатлар палатасидан иборат. Асосий сиёсий партиялари: «Олға, Италия» партияси, Италия либерал партияси, Италия халқ партияси.

*Иқтисоди ва транспорт коммуникациялари.* Ҳозирги кунда Италия Европанинг етакчи мамлакатларидан бири хисобланади. Саноатнинг асосий тармоклари: автомобилсозлик (дунёда 5-уринда), кимё саноати, металлургия, пуллар эритиш, озик-овкат саноати, тўкимачилик, кийим-кечак ва пойабзал ишлаб чиқариш. Қишлоқ хўжалиги гўшт ва сут маҳсулотларидан ташкири, мамлакатнинг бошка турдаги маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ кондиради. Италияда хизмат кўрсатиш ва туризм ривожланган. 2012 йилда ЯИМ микдори 2014 019 млн (ахоли жон бошига – 33 115) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕИ мамлакатлари, АҚШ, ОПЕК мамлакатлари.

Темир йўлларнинг узумий узунлиги – 20011 км, автомобиль йўллари – 294 410 км, ички сув йўллари – 2400 км. Денгиз портлари: Анкона, Венеция, Генуя, Сардиния, Специя, Ливорно, Неаполь, Палермо (Сицилия), Таранто, Триест.

*Тарихи.* Италия тарихи м. а. X асрда бу ерда яшаган турли кабилалар (лигурлар, этрусклар, лотинлар ва бошқалар), греклар ва финикияллар маданиятига катта таъсир кўрсатган этрусклар маданияти билан бошланади. Лотинлар томонидан м. а. VIII асрда асос солинган Римни м. а. VI асрда этрусклар забт этдилар ва кўплаб буюк меморий ёдгорликларини яратдилар. Этрусклар Римдан кувиб чиқарилгандан кейин республика ўрнатилди, асосий сиёсий кураш эса Рим аристократияси (патрицийлар) ва плебейлар ўргасида ташкири ташкил этди. Уша пайтда Рим ўзининг ташкири душманлари билан хам кураш олиб бориб, м. а. III асрда бутун Апеннин яриморолини забт этди. М. а. 264–118 йилларда Рим Сицилия, Гречия, Македонияни, Осиё ва Африкадаги бир канча ҳудудларни ўз провинцияларига айлантириб, мустамлакаларини кенгайтириди. Фуқаролар уруши давридан кейин Октавиан Август республикани империяга айлантириди. II асрдан кейин буюк империя инкирозга юз тута бошлияга айлантириди. II асрдан кейин буюк империя инкирозга юз тута бошлияди. IV асрда христианлик дини тарқалди. IV аср охирларида кадимги Рим

вестготлар хужумларига карши тура олмади, 410 йилда шаҳар талон-торож килинди. 476 йилда эса охирги Рим императори Ромул таҳтдан ағдарилди. VI–VIII асрларда мамлакат шимоли лангобардлар томонидан ишғол этилган бўйса, жануб қисми Византия империяси таркибига киритилди. IX–X асрларда Италиянинг шимолий қисми герман императорлари хукмронлигига ўтди. Лекин XV асрда Италия шаҳарлари ривожланиб, Европанинг етакчи молиявий ва савдо марказларига айланди. Италия Европада Ренессанс даври маданиятининг ўқокларидан бири бўлди. XVI–XVIII асрларда кудратли Европа давлатлари Италиядаги таркокликтан фойдаланиб, мамлакат ички ишларига фаол равишда аралашар эди. Наполеон урушлари даврида Италия Франция томонидан оккупация қилинди. Италия озодликка эришгандан кейин мамлакатда таркоклиқ давом этди ва Австрия таъсирига тушиб қолди.

1851 йилда Сардиния кироли Виктор Эммануил II томонидан Италияни битта давлатга бирлаштириш учун бошланган харакат, 1870 йилда ягона Италия давлатининг ташкил топиши билан якунланди (Рим – 1870 йилнинг 2 октябринда мамлакат пойтахти деб эълон қилинди). Биринчи жаҳон уруши даврида Италия Антанта томонида бўлди, лекин Австро-Венгрия империяси таркибидаги ерларни қайтариб олишга муваффак бўла олмади. Миллатчилик кайфиятининг ўсиши, иктисадий инкизот ва ишсизлик натижасида ҳокимият тепасига кирол Виктор Эммануил III кўллаб-куватлаган Муссолини бошчилигидаги фашистик партия келди. 1940 йилнинг 10 июня Италия Германия томонида Иккинчи жаҳон урушига кирди. Италияда фашистик режим 1945 йилгача, диктатор Муссолинининг партизанлар томонидан катл этилишигача (28 апрель) давом этди. 1946 йилнинг 2 июня Италия республика деб эълон қилинди. Урушдан кейинги тарихи ҳукуматнинг тез-тез алмашиб туриши билан характерланади.

## КАБО-ВЕРДЕ

*Расмий нами – Кабо-Верде Республикаси. Пойтахти – Прая. Ҳудуди – 4033 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 505 300 киши (2012). Тили – португал, кабовердиану. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига эътиқод қиласиди. Пул бирлиги – кабо-верде эскудоси.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Атлантика океанидаги Яшил Бурун оролларида, Гарбий Африка қирғоқлари яқинида жойлашган. Мамалакат жойлашган ороллар асосан вулканлардан ҳосил бўлган. Қирғоқлари тик ва қояли, куляй табиини бандаргоҳлар кам. Рельефи асосан тогли. Энг баланд чўққиси – 2829 м (Фогу оролида).

Иклими – тропик, пассатли. Дарёлари кам, бот-бот қурғоқчилик бўлиб туради. Ўсимликлари чўл ва чала-чўлга хос. Ҳайвонот турлари оз. Денгиз кушлари кўп.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Кабо-Верденинг амалдаги конституцияси 1992 йилда қабул килинган. Давлат бошлиги – президент. Ижроия ҳокимиятни президент ва бош вазир бошчилигидаги хукумат бошкаради. Конун чиқарувчи олий органи – Миллий ассамблея (бир палатали). Сиёсий партиялари: Кабо-Верде мустакиллиги африкаликлар партияси, Демократия учун ҳаракат.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Иқтисодининг ривожланмаганлиги мамлакатда табиий ресурсларнинг камлиги билан болжик. Савдо, денгиз ва ҳаво транспортига хизмат кўрсатиш ЯИМнинг 67% ини ташкил этади. Иқтисодининг асосий тармоғи – балиқчилик. 2012 йилда ЯИМ миқдори 1868 млн (аҳоли жон бошига – 3604) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Португалия, Испания, АҚШ, Франция.

Темир йўллари йўқ, автомобиль йўлларининг умумий узунлиги – 2250 км. Асосий порти – Минделу.

*Тарихи.* 1456 йилда португаллар томонидан кашф этилган Яшил Бурун ороллари 1494 йили Португалия мустамлакасига айланган. 1585 йилда уни Испания эгаллаб олди, 1640 йилда эса яна Португалия кўл остига ўтди. 1951 йилда Португалияning «денгиз ортидаги вилояти» макомини олган Кабо-Верде 1975 йили мустакилликка эришган. Миллий байрами 5 июль – Мустакиллик куни.

## КАЙМАН ОРОЛЛАРИ

*Расмий номи – Кайман Ороллари (Буюк Британия мулки). Маъмурий маркази – Жоржстаун. Ҳудуди – 262 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 57 200 киши (2012). Давлат тили – инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг протестант мазҳабига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – кайман ороллари доллари.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Катта Кайман, Кичик Кайман, Каиман-Брак ороллари Ямайка оролининг шимоли-гарбида, Карип дengизида, Марказий ва Жанубий Америка ўртасида жойлашган.

Иклими – тропик пассатли. Қимматбаҳо дарахтлардан иборат ўрмонзорлар мавжуд. Фаунаси асосан дengиз хайвонларидан иборат (акула, тошбака, омар ва ҳ.к.).

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Кайман ороллари Буюк Британия мулкидир. Мамлакат бошқарувини қирол (киролича) номидан губернатор амалга оширади. Ҳудуд 8 та туманга бўлинади. Сайловлар давомида 2 норасмий ташкилот – «Гуруру» ва «Бирлик» ҳаракат қиласди.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Иқтисодининг асосини туризм ташкил этади. Умумий даромадининг 40% ини молия ва банк секторларидан олади. Курилиш материаллари ишлаб чиқариш, кишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини

кайта ишлаш каби корхоналар ҳам мавжуд. Балиқчилик ривожланган. 2010 йилда ЯИМ микдори 2250 млн (аҳоли жон бошига – 40 100) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Буюк Британия, Канада, Германия, Коста-Рика. Иирик порти – Жоржтаун. Иккита ҳалқаро аэропорт – Оуэн-Роберт ва Жерард-Смит мавжуд.

**Тарихи.** 1503 йили Х. Колумб томонидан кашф килинган. 1670 йилда Испания оролларни Англияга топширди. Кайман оролларига Ямайкадан аҳоли кўчуб кела бошлаган. 1863–1962 йилларда ороллар расман Ямайка таркибида бўлган. Амалдаги конституция 1972 йилда қабул килинган.

## КАМБОДЖА

*Расмий номи – Камбоджса Қироллиги. Пойтахти – Пномпень. Ҳудуди – 181 035 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 14 487 300 киши (2012). Давлат тили – қхмер. Давлат дини – буддавийлик динининг тхеревада мазҳаби. Пул бирлиги – риель.*

**Географик жойлашуви ва табиати.** Жануби-Шаркий Осиёда, Ҳиндихитой яриморолининг жанубий кисмida жойлашган давлат. Шарқ ва жануби-шаркда – Вьетнам (чегара узунлиги – 1228 км), гарб ва шимоли-гарбда – Тайланд (803 км), шимоли-шаркда – Лаос (541 км) билан чегарадош. Жануби-гарбда Сиам кўлтигига туташ. Куруқлидаги чегаралари узунлиги – 2572 км. Мамлакат ҳудудининг катта кисми текисликдан иборат. Меконг дарёсининг кўйи кисмida пасттекисликлар бор. Жануби-гарбда Краван (энг юқори нуқтаси Ораль тоги – 1813 м) тоглари жойлашган. Иирик дарёси – Меконг. Энг катта кўли – Тонлесап. Фойдали казилмалари: кимматбахо тошлар, марганец, фосфорит, темир рудаси (кам микдорда). Экин экиладиган ерлар мамлакат ҳудудининг 16%, ўрмон ва бутазорлар 76% ини ташкил этади.

**Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.** Давлат тузилиши – конституциявий монархия. Мамлакат маъмурий жиҳатдан 19 та провинция (вилоят) ва 2 та автоном шаҳарга бўлинган. 1949 йилнинг 9 нояброда мустакилликка эришган. Миллий байрамлари – Мустакиллик куни (9 ноябрь) ва Озодлик куни (1979 йил 7 январь). Давлат бошлиги – кирол, ижроия хокимиятни бош вазир амалга оширади. Конун чиқарувчи олий орган – бир палатали парламент – Миллий Кенгаш. Асосий сиёсий партиялари: Мустакил, бетараф, тинч ва ҳамкорлик қилувчи Камбоджа учун миллий фронт, Камбоджа ҳалқ партияси, Буддавийлар либерал-демократии партияси.

**Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.** Мамлакатда ижтимоий-сиёсий хаётидаги ўзғаришлар, ҳарбий ва сиёсий тўнтаришлар натижасида деярли издан чиккан иқтисоди секин-васта тикланиб бормоқда. 2012 йилда ЯИМ микдори 14 246 млн (аҳоли жон бошига – 934) долларни ташкил этган. Мамла-

кат иктисодининг асосий тармоги – кишлок хўжалиги. Ишлаб чикариш кишлок хўжалик маҳсулотлари ҳамда балиқ ва ёғочни кайта ишлаш билан чекланган. Асосан каучук, шоли, ёғоч экспорт килинади. Асосий савдо ҳамкорлари: Вьетнам, МДХ, Шаркий Европа мамлакатлари, Япония, Хиндистон.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 655 км, автомобиль йўллари – 34 100 км. Денгиз портлари: Кампот, Пномпень.

**Тарихи.** Ҳозирги Камбоджа ҳудудида илк давлатлар милоднинг I асирида пайдо бўлган. Улардан энг каттаси Фунан кироллиги бўлиб, у VI асрда Тонлесал кироллигига карам бўлиб колди. 802 йили Тонлесапнинг шимолида бутун мамлакат ва қўшни мамлакатларни ўзига бўйсундирган Коббужадең кироллиги ташкил топди. XV аср бошларида мамлакат Сиам ва Вьетнам қўшилларининг босқинига дучор бўлди. Франция камбоджаликларнинг Сиам ва Вьетнамга карши курашида ёрдам берди ва 1863 йили Камбоджани ўз протекторати деб эълон килди. 1940–1945 йилларда японлар босқини остида бўлган Камбоджа, 1949 йилда ўз-ўзини бошкарни хуқуқига, 1953 йилда эса тўлиқ мустақил давлатга айланди. 1976 йили ҳокимиyатни Пол Пот – Иенг Сари тұдаси эгаллаб, фашистти мустабид тартибларни ўрнатди, халкни кирғини килди. 1979 йилда манфур тузум ағдарилди. 1993 йилда янти конституция кабул килинди, Нородом Сианук бошлиқ монархия тикланди. Шу конституцияда Камбоджа қўшилмаслик сиёсанни юритувчи мустақил, суверен, тинчликсевар, бетараф мамлакат деб эълон килинди. 2004 йил кирол Нородом Сианук шахзода Ранаидих фойдасига таҳтадан воз кечди. У Нородом Сиамони номи билан таҳтга ўтирди.

## КАМЕРУН

*Расмий номи – Камерун Республикаси. Пойтахти – Яунде. Ҳудуди – 475 440 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 20 468 900 киши (2012). Тили – француз ва инглиз. Сигинувчилар христиан дини (53%), мажусийлик (25%) ва ислам динига (22%) эътиқод қиласади. Пул бирлиги – африка франки.*

**Географик жойлашуви ва табииати.** Марказий Африкада жойлашган давлат. Фарбда – Нигерия (чегара узунлиги – 1690 км), шарқда – Марказий Африка Республикаси (797 км) ва Чад (1094 км), жанубда – Конго (523 км), Экваториал Гвинея (189 км), Габон (298 км) билан чегаралош. Куруклиқдаги чегаралари узунлиги – 4591 км. Фарбда Биафра кўрфази жойлашган, шимолда Чад қўлига тор чиқиши йўлига эга. Қирғок бўйлаб Камерун вулканы кад кўтарган текислик жойлашган. Мамлакат марказида шимолга караб пасайиб борган Адамауя ясси тағлиги жойлашган. Камеруннинг асосий дарёлари – Санага, Бенуе. Асосий табиий ресурслари: нефть, темир рудаси, боксит, ёғоч, гидроресурслар.

**Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.** Давлат тузилиши – республика. Маъмурий жиҳатдан 10 та провинцияга бўлинади. 1960 йилнинг 1 январи-

да мустақилликка эришган. Қонунчиллик француз умумий фукаролик хукукига асосланган. Миллий байрами – 20 май – Мустақиллик байрами (1972 йилнинг 20 майида Камерун республикаси ва Шаркий Камерун бир давлатта бирлашиди). Давлат бошлиги – президент. Қонун чиқарувчи олий орган – бир палатали парламент – Миллий мажлис. 70 дан ортиқ сиёсий партияларидан асосийлари – Республикани ҳимоя қилиш харакати, Камерун ҳалки демократик бирлашмаси, Демократия ва тараққиёт учун миллий иттифок, Камерун ҳалклари иттифоки.

*Иқтисоди ва транспорт коммуникациялари.* Камерун нефть захираларига бойлиги сабабли, экваториал Африкада аҳоли жон бошига тушадиган даромаднинг юкорилиги билан ажralиб туради. 2012 йилда ЯИМ майдори 24510 млн (аҳоли жон бошига – 1165) долларни ташкил этган. Нефтий кайта ишлаш саноатидан ташкари ёғочга ишлов бериш, озик-овқат, енгил ва тўқимачилик соҳалари ҳам ривожланган. Қишлоқ хўжалигида меҳнатга ярокли ахолининг кўп кисми банд бўлиб, мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини деярли тўлик таъминлайди. Асосий савдо ҳамкорлари: Франция ва АҚШ.

Темир йўлларининг умумий узунилиги – 1003 км, автомобильъ йўллари – 65 000 км. Асосий порти – Дуала.

*Тарихи.* Камерун португаллар томонидан XV аср охиirlарида кашф этилган. XIX аср охиirlарида Германия Камерунни ўзининг протекторати деб эълон килди. 1916 йилда мамлакат иттифоқчилар томонидан эгаллаб олингандан кейин, унинг худуди Франция ва Буюк Британия томонидан бўлиб олинди, 1945 йилдан бошлаб БМТ васийлигида Франция ва Буюк Британия томонидан идора килина бошланди. Франция Камерунни 1958 йили ўз-ўзини бошкариш хукукини, 1960 йилда Шаркий Камерун Франциядан мустақилликни кўлга киритди. 1961 йилда Британия Камеруни референдум натижаларига кўра икки кисмга: шимолий кисми Нигерияга, жанубий кисми Шаркий Камерунга кўшилди, натижада Камерун Федератив Республикаси ташкил топди. 1972 йилдан – Бирлашган Камерун Республикаси, 1984 йилдан – Камерун Республикаси деб юритила бошланди.

## КАНАДА

*Расмий номи – Канада. Пойтахти – Оттава. Ҳудуди – 9 970 610 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 33 656 000 киши (2013). Давлат тили – инглиз ва француз. Сигинувчиларнинг асосий кисми христиан динининг католик (46%) ва протестант (25%) мазҳабларига ётиқорд қиласди. Пул бирлиги – канада доллари.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Шимолий Американинг шимолий кисми ва унга ёндош оролларда жойлашган давлат. Жануб ва шимоли-гарбда АҚШ билан чегарадош (чегара узунилиги – 8893 км). Шарқда – Атлантика океани, гарбда – Тинч океани, шимол ва шимоли-шарқда – Шимолий муз океани бинади.

лан туташ. Худудининг катталиги бўйича дунёда иккинчи (Россиядан кейинги) ўринда туради. Мамлакат худудини шартли равишда тўрт кисмга ажратиш мумкин: худудининг деярли ярмини эгаллаган, мамлакатнинг шаркий кисмida жойлашган, ясситоғликлар ва текисликлардан иборат Канада қалкони; гарбда жойлашган Канаданинг Кордильера тоглари; мамлакатни жануби бўйлаб Муқаддас Лаврентий дарёсигача чўзилган текисликлар; шу дарё водийси ортида ва мамлакатнинг шарқида кад кўтарган Аппалачи топ тизмаси. Канада – кўллар ўлкаси. Улардан энг катталари: Юкори кўли – дунёдаги энг катта чучук кўллардан бири, Катта Айик кўли – дунёда энг катта 10 та кўлнинг бири, Катта Асир кўли, Виннипег, Гурон, Эри, Онтарио. Йирик дарёлари: Муқаддас Лаврентий, Саскачеван, Юкон, Фрейзер. Фойдали қазилмалари: никель, калайн, мис, олтин, кумуш, кўргошин, молибден, кўмир, нефть ва табиий газ. Ҳайдаладиган ерлар мамлакат худудининг 5%, ўрмон ва бутазорлар 35% ини ташкил этади, шимолда доимий мусликлар катта кисмини эгаллаган.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – федератив давлат, унинг таркибига 10 та провинция<sup>1</sup> ва 2 та худуд (Шимоли-гарбий худудлар, Лабрадор) киради. 1867 йилнинг 10 июлида мустақилликни кўлга кириттан (Буюк Британиядан). 1982 йилгача Буюк Британия конституцияси амалда бўлган. Ҳозирги кунда парламенти асосий конунга ўзgartаришилар киритиш хукукига эга. Конунчилик умумий инглиз хукукига асосланган. Қебек провинциясида конунчилик француз конунчилигига асосланган. Миллий байрам – 1 июль – Канада куни. Ижро этувчи ҳокимият бош вазир бошчилигидаги хукуматта тегишли. Конун чиқарувчи ҳокимиятни кирол (киролича) номидан генерал-губернатор ва икки палатали парламент (Сенат ва Жамоалар палатаси) амалга оширади. Асосий сиёсий партиялари: Либерал партия, Тараққийпарвар консерватив партия, Коммунистик партия, Янги демократик партия.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Канаданинг иқтисоди юкори даражада ривожланган. Табиий ва ишчи ресурсларга бой, замонавий ишлаб чиқариш саноатига эгалиги жиҳатидан дунёдаги илгор ўнилкка киради. Саноатнинг асосий тармоклари: нефть, газ, целлюлоза-когоз, ёғочни кайта ишлаш, рангли металлургия, автомобилсозлик. Канада ғалла етиштириш ва экспорт килиш бўйича етакчи ўринда. Балик ва балиқ маҳсулотлари экспорт килиш унинг ташки савдосида мухим ўрин тутади. 2012 йилда ЯИМ микдори 1819 081 млн (ахоли жон бошига – 52 232) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия.

Темир йўлларининг умумий узунилиги – 97 389 км, автомобиль йўллари – 884 272 км, ички сув йўллари – 3000 км. Асосий портлари: Галифакс, Қебек, Сент-Жонс, Ванкувер – денгиз портлари; Тандер-Бей ва Торонто – кўл портлари.

<sup>1</sup> Альберта, Британ Колумбияси, Қебек, Манитоба, Янги Шотландия, Нью-Брансунк, Ньюфаундленд, Онтарио, Саскачеван, Юкон.

*Тарихи.* Канада киргокларига европаликлардан бириңчилардан бўлиб IX–X асрларда викинглар борган. Лекин Канаданинг очилиши венециялик денгизчи Жон Кабот номи билан боғлик. Кабот инглиз хизматида бўлиб, 1497 йилда Ньюфаундленд оролига келиб тушади. Лекин янги ерларни фаол ўзлаштиришни француздар бошлаб беради. Жак Карте 1534–1536 йилларда Мукаддас Лаврентий дарёси водийсини тадқиқ этади. 1608 йилдан эса Канадани мустамлакага айлантириш бошланади, бу ҳудуд ўша пайтда Янги Франция деб аталган. 1663 йилда маҳаллий хинду кабилаларини идора килиш мақсадида янги мустамлакада кироллик бошкаруви ўрнатилди. XVII аср охириларида Буюк Британия Канада ҳудудлари учун ракобатлаша бошлади. Бу ракобат XVIII асрнинг иккичи ярмида авж олди ва француз армияси маглубиятта учраб, Янги Франция ҳудудларида Англия хукукни тан олди. 1867 йилда Канада Британия доминионига айланди. 1931 йилдан Канада Британия Ҳамдўстлиги таркибидаги тўлиқ мустакил давлатга айланди.

## КЕНИЯ

*Расмий номи – Кения Республикаси. Пойтахти – Найроби. Ҳудуди – 582 600 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 42 749 400 киши (2012). Давлат тили – суахили ва инглиз. Сиги-нувчиларнинг деярли ярми маҳаллий мажсусийлар, христианлар – 35%. Пул бирлиги – кения шиллинги.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Кения – Африка китъясининг шарқий кисмидаги давлат. Гарбда – Уганда (чегара узунлиги – 933 км), шимолда – Эфиопия (861 км) ва Судан (232 км), шарқда – Сомали (682 км), жанубда – Танзания (769 км) билан чегарадош. Куруклиқдаги чегаралари узунлиги – 3477 км. Шарқда Хинд океани билан туташ. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 536 км. Кения Шаркий Африка ясситоглигининг шимоли-шаркий кисмини эгаллади. Марказда энг баланд нуктаси – 5 199 м бўлган Кения тоги ва тоғ тизмалари жойлашган. Йирик дарёлари: Гана (Ози) ва Галана. Мамлакат ҳудудида Рудольф кўли ва кисман Виктория кўли жойлашган. Асосий фойдали қазилмалари: олтин, ёқут, оҳактош.

*Иклими – экваторнинг юқори кисмida иссиқ ва қуруқ; жанубий кисми уч иқлими зонага бўлинади. Соҳил бўйларида сернам, тоғли ерларда мўътадил, Виктория кўли хавзасида эса иссиқ, сернам иқлим. Кенияда акация, сутлама, бошлокли ўсимликлар ўсади. Тропик ўрмонли ҳудудларда раусония, дрипетис, калт каштани, кора арча ўсади. Кениянинг миллий паркларида антилопа, оху, зебралар подаси сакланган, шунингдес, фил, жирафа, шер, қоплон, қутос, каркилонлар ҳам бор. Кушларнинг тури кўп: туйкуш, котиб куш, тувалок, марабу, калхат, кизил ғозлар ва ҳ.к.*

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамъурый жиҳатдан 7 та провинция ва пойтахт округига бўлинади. Кения мустақилликни 1963 йилнинг 12 декабрида кўлга киритган (12 декабрь Миллий байрам – Мустақиллик куни). Ижро этувчи ҳокимият президент – давлат ва ҳукумат бошлиги кўлида. Қонун чиқарувчи ҳокимият – бир палатали парламент – Миллат мажлиси. Асосий сиёсий партиялари: Демократик партия, Кения африкаликлар миллый иттифоки, Миллый ривожланиш партияси, Социал-демократик партия.

*Иктисади, транспорт коммуникациялари.* Кения иктисади баркарор ривожланиб бораётган кам сонли Африка давлатларидан биридир. ЯИМ 2012 йили 41 837 млн (ахоли жон бошига – 977) долларни ташкил этди. Иктисадининг етакчи тармоғи – кишлочк ҳўжалиги. Асосий маҳсулотлари: қаҳва, чой, шоли, галла, пахта, шакарқамиш. Асосий савдо ҳамкорлари – ЕИ, Африка давлатлари, АҚШ.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 2650 км, автомобиль йўллари – 64 590 км. Асосий портлари – Момбаса, Ламу.

*Тарихи.* VIII асрда араблар Кения худудларини ўз мустамлакаларига айлантирилар. XI–XV асрларда бу ерда шаҳар-давлатлар ташкил топди. XV аср охиirlаридан ҳозирги Кения худуди араблар ва португаллар ўртасидаги кураш майдонига айланди. XVII аср бошларидан Кения худудларидаги барча шаҳар-давлатларни ўзига бўйсундирган Уммон сultonлиги 1894 йилда Британия протекторатига айланди. Мамлакат худуди 1920 йилда Кения номи билан Британия мустамлакаси бўлиб қолди. 1952 йилда маҳаллий кабилаларнинг қўзғолонлари авж олиши оқибатида 1961 йилда инглизлар Кениянинг ўз-ўзини идора килиш ҳукукини тан олишга мажбур бўлди. 1963 йилдан бошлаб Кения Британия Ҳамдустлиги таркибида мустакил давлат хисобланади. Кенияда 1963–1968, 1969, 1990 йилларда этник қарама-каршиликлар содир бўлди. 2007 йили навбатдаги этник инқироз юзага келди.

## КИПР

*Расмий номи – Кипр Республикаси. Пойтахти – Никосия. Ҳудуди – 9 251 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 862 000 киши (2012). Давлат тили – грек ва турк. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг православ мазҳаби (78%) ва ислом динига (18%) эътиқод қиласди. Пул бирлиги – евро.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Кипр – Фарбий Осиёда, Ўрта Ер денгизининг шарқий кисмидаги Кипр оролида жойлашган давлат. Соҳиб бўйлаб чегара узунлиги – 648 км. Орол бўйлаб шарқдан гарбга томон иккита тоғ тизи. Тоглар орасида тепаликлари мавжуд бўлган текислик бор. Мамаси чўзилган. Тоглар орасида тепаликлари мавжуд бўлган текислик бор. Мамаси чўзилган. Тоглар орасида тепаликлари мавжуд бўлган текислик бор.

лакатнинг энг баланд тоги – Олимп (1952 м). Асосий табиий ресурслари мис, хром, туз, гипс, мармар, асбест, ёгоч, охра. Худудининг 40%и ҳайдаладиган ерлар, 18%и ўрмонлар ва бутазорлар, 10%и ўтлоқ ва майсазорлардан иборат.

**Иклими** – субтропик. Ўрмонларнинг ваҳшийларча йўқотилиши натижасида, улар фақатгина Троодос тогларидағина колган. Бу ерда кипарис, алепп қарагайи, эман, кедр, каштан, доимий яшил бута, маквес ўсади. Орол фаунасининг бой эмаслиги ўрмонларнинг камлиги билан боғлик. Тулки ва қуёnlар кўп учрайди. Калтакесак ва илонлар, кушлардан мойкорт, тўргай, қалдирғочлар кўп. Кипр сув билан ўралгани туфайли баликка бой.

**Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.** Давлат тузилишига кўра – республика. Кипрлик турклар томонидан ўзлон килинган Шимолий Турк Республикаси жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинмаган. Маъмурий-худудий жихатдан б та шахарга бўлинади. Лимасол, Ларнака, Пафос греклар кисмида, Кирения, Морфу, Фамагуста турклар кисмида. Кипр 1960 йилнинг 16 августида мустакил республикага айланган. Греклар кисмида 1 октябрь – Мустакиллик куни. Кипрнинг турклар кисмида Миллий байрам – 15 ноябрь. Президент – давлат ва ҳукумат бошлиғи. Кипрнинг турклар кисмида ўз президенти, бош вазири ва Вазирлар кенгаши бор. Конун чиқарувчи ҳокимият – бир палатали парламент – Вакиллар палатаси. Кипрнинг турклар кисмида ўз парламенти – Республика Мажлиси фоилият кўрсатади. Асосий сиёсий партиялари: Демократик партия, Демократик йигин, Либерал партия, Кипр меҳнаткаш халқининг прогрессив партияси.

**Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.** Саноатнинг бирмунча ривожланган тармоклари (ЯИМнинг 14%): тоғ-кончиллик, енгил машинасозлик, озиковқат, нефтни кайта ишлаш саноати, кимёвий ўгитлар, курилиш материаллари ишлаб чиқариш. Кипрда хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланган (ЯИМнинг 53%), туризм жадал суръатда ривожланмоқда.

Кишлоқ хўжалигидаги асосий тармоклар: узум ва цитрус меваларга ишлов бериш. 2012 йилда ЯИМ миқдори 22 446 млн (аҳоли жон бошига – 26 389) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Буюк Британия, Греция, Германия.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги – 10 780 км. Портлари: Кирения, Ларнака, Лимасол, Пафос, Фамагуста.

**Тарихи.** Кипр м. а. 3 минг йиллик бошларидаёт суряликлар ва анатолияликларга мъалум эди. М. а. XVI асрда орол мисрликлар томонидан босиб олинганидан кейин, м. а. 1450 йилдан мамлакат тарихида эллинлар даври бошланди. М. а. IX–VIII асрларда Кипр мустакил давлатга айланган. Лекин м. а. 707 йилдан бошлаб оссурияликлар, мисрликлар ва форслар томонидан навбатма-навбат забт этилган. Александр Македонский империяси инқирозга учрагандан кейин Кипрда Птолемейлар хукмронлик килди. 58 йилдан Кипр Рим провинциясига, 395 йилда Византия империяси кисмига айланди. Орол араблар томонидан

оккупация килингандан кейин, 632–864 йиллар давомида улар ҳукмронлиги остида бўлди. Сўнг 1191 йилгача яна Византия империяси ҳукмронлигига ўтди. 1192–1489 йилларда Кипр ва Куддус кироллиги, 1571 йилгача Венеция мустамлакаси, 1898 йилдан – Британия мустамлакаси. 1960 йили Кипр мустакилликка эриди, лекин ҳудудий яхлитлигини саклаб қола олмади. Грек ва турк жамоалари ўртасидаги муносабатлар кескинлашуви натижасида 1965 йили Кипр парламентидаги грек жамоа палатаси бекор килинди. 1967 йили турк кўшиниларининг истилоси натижасида Кипр иккига бўлинниб кетди. 1983 йилда «Шимолий Кипр турк Республикаси» эълон килинди, аммо у Кипр Республикаси ҳукумати томонидан тан олинимаган. 1964 йил мартадан бўён бу ерда БМТ кўшинилари турибди. Кипр 2004 йилда ЕИга, 2008 йилда еврозонага кирди.

## КИРИБАТИ

*Расмий номи – Киребати Республикаси. Пойтахти – Жанубий Тарава. Ҳудуди – 810,6 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 102 700 киши (2012). Тили – кирибати ва инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик ва протестант мазҳабларига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – австралия доллари.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Тинч океанипинг гарбий қисмидаги Гилберт, Феникс Лайн ва Ошен оролларида жойлашган. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 11,43 км. Орол асосан коялар билан ўралган, ҳалқа шаклдаги маржонли ороллар кўринишига эга. Асосий табиий бойликлари: фосфоритлар, копра (кокос ёнғогининг магзи).

Иклими – экваториал. Жанубий оролларида асосан паст бўйли бутазорлар, шимолда баланд бўлмаган дараҳтлар ўсади. Ҳайвонот дунёси бой эмас. Калтакесаклар кўп, асосан денгиз күшлари, фрегатлар (думи узун йирик денгиз куши), баклан (корабузов)лар ва бошкалар бор.

*Давлат тизигиши ва сиёсий партиялари.* Давлат тузилишига кўра – республика. Британия Ҳамдўстлиги аъзоси. Мамлакат 6 та округга бўлинади. Мустакилликка 1979 йилнинг 12 июляда (Буюк Британиядан) эришган. 12 июль – Миллий байрам – Мустакиллик куни. Расман давлат бошлиги – Буюк Британия кироли (кироличаси), лекин ижро этувчи ҳокимият президент (давлат ва ҳукумат бошлиги)га тегишили. Қонун чиқарувчи ҳокимият – бир палатали парламент – Ассамблея палатаси. Президент маҳкамаси, парламент, бир нечта вазирликлар, миллий суд, почта ва ҳ.к.лар Байрики оролида жойлашган. Асосий сиёсий партиялари: Миллий тараккийпарвар партия, Киребати касаба уюшмалари конгресси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Ишлаб чиқариш ва экспортидаги асосий маҳсулотлар: копра (кокос ёнғогининг магзи) ва балик маҳсулотлар.

лари. 2012 йилда ЯИМ микдори 174 млн (аҳоли жон бошига – 1646) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Австралия, Япония, Янги Зеландия.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги – 640 км. Портлари: Банаба, Тараوا.

**Тарихи.** Нукунау ороли 1765 йили инглиз денгизчиси Ж. Байрон, Гилберт ва Эллис ороллари – Д. Гилберт ва Д. Маршаллар томонидан XVIII асрнинг 60–80-йилларида кашф этилган. 1892 йилда ороллар Британия протекторатига, 1915 йилда Букок Британия мустамлакасига айланади. Эллис ороллари 1975 йилда ажralиб чиқиб, 1978 йилда мустакил Тувалу давлати деб ўлон килинади. Гилберт ороллари Британия Ҳамдўстлиги таркибида 1979 йил 12 июлда мустакил Кирибаги Республикасини ташкил этди.

## КОЛУМБИЯ

*Расмий нами – Колумбия Республикаси. Пойтахти – Богота (Санта-Фе-де-Богота). Ҳудуди – 1 138 900 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 47 083 000 киши (2013). Тили – испан. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига эътиқод қиласи. Пуш бирлиги – колумбия песоси.*

**Географик жойлашуви ва табиати.** Жанубий Американинг шимоли-ғарбий қисмinda жойлашган. Жанубда – Перу (чегара узунлиги – 1800 км) ва Эквадор (590 км), шарқда – Венесуэла (2050 км) ва Бразилия (1644 км), шимолда – Панама (225 км) билан чегарадош. Куруклидаги чегаралари узунлиги – 6309 км. Колумбия гарбда – Тинч океани (соҳил чизиги узунлиги – 1448 км), шимолда – Кариб денгизи (1960 км) билан туташ. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 3208 км. Мамлакат ҳудудининг гарбий қисми тоғлардан ва шаркий қисми текисликдан ташкил топган. Гарбда учта тоғ тизмаси: Гарбий Кордильера, Марказий Кордильера ва Шаркий Кордильера жойлашган. Энг баланд нуктаси Колумбия Аяндари тизмасидаги Кристобаль-Колон тоғи – 5800 м. Йирик дарёлари – Магдалена, Каука, Патия (ирмоқлар), Какета, Путумайо, Мета, Гуавьяре. Колумбия фойдали қазилма захираларига бой: нефть, табиий газ, темир рудаси, кўмир, никель, мис, олтин, зумрад.

Иклими – соҳил бўйларида ва соҳилга яқин ҳудудларда йиллик ўртacha ҳарорат 24–27°C. Бирмунча баланд районларда иклим совукрок. Йил давомида иккита ёмғирли мавсум алмашинади. Соҳил бўйларида асосий ўсимлик – монгола. Колумбия бой ҳайвонот дунёсига эга. Бу ерда маймун, оцелот, жайрон, чумолиҳӯр, судралиб юрувчилар, балиқлар, күшлар ва ҳашаротларнинг кўплаб турлари учрайди.

**Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.** Давлат тузилиши – унитар республика. Мамлакат 32 та департаментта бўлинган. 1910 йилкинг 20 июли –

Миллий байрам – Мустакиллик куни. Давлат ва ҳукумат бошлиги – президент. Конун чикарувчи ҳокимият икки палатали парламент – Сенат ва Вакиллар палатасидан иборат конгресс. Асосий сиёсий партиялар – Либерал партия, Консерватив партия, Янги демократик куч.

*Иқтисоди ва транспорти коммуникациялари.* Кейинги ўн йилларда иқтисодининг ривожи оқсанган, лекин ўсиш суръати бошқа Лотин Америкаси мамлакатларига нисбатан юқори. Колумбиянинг асосий экспорт маҳсулоти – қаҳва. Бирмунча ривожланган саноат тармоқлари: тўқимачилик, озиқ-овкат, металлургия, кимё саноати. 2012 йилда ЯИМ миқдори 365 402 млн (аҳоли жон бошига – 7855) долларни ташкил этган. Қишлоқ ҳўжалигида (ЯИМнинг 15%) галла маҳсулотлари етиштириш ва чорвачилик ривожланган.

Темир йўлларининг узумий узунлиги – 33,86 км. Автомобиль йўллари – 107 300 км. Ички сув йўллари – 14 300 км. Асосий портлари: Баранкилья, Буэнавентура, Картахена, Санта-Марта, Тумако.

Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, ЕИ мамлакатлари, Япония, Бразилия, Венесуэла.

*Тарихи.* Ҳозирги Колумбия худудлари 1502 йилда Колумб томонидан очилган. 1510 йилга келиб испанлар мамлакатни мустамлакага айлантиридилар. Янги Гренада деб аталган Испания мустамлакаси Венесуэла ва Эквадор худудларини ҳам кўшиб, 1717 йилда вице-киролликка айлантирилди. 1810 йилдан мустакиллик учун кураш бошланди ва 1819 йилда Янги Гренада, Венесуэла ва Эквадор бирлашиб, Буюк Колумбия федератив республикаси (Симон Боливар) тузилганлигини эълон килди. 1851 йили кўччилик бесор килинган. 1830 йилда Венесуэла ва Эквадор, 1903 йили Панама Буюк Колумбиядан ажralиб чиқди. 1948 йилда консерваторлар ва либераллар ўртасидаги турлича сиёсий карашлар икки партия тарафдорлари ўртасида қонли тўқнашувларга олиб келди. 1953 йилда давлат тўнтариши натижасида мамлакатда ҳарбий диктатура ўрнатилди. 1957 йилда ҳокимиятни ўз кўлига олган фуқаролик ҳукумати бир қатор ички сиёсий ва иқтисодий муаммоларга дуч келди.

## КОНГО ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ

*Расмий номи – Конго Демократик Республикаси. Пойтахти – Киншаса. Ҳудуди – 2 345 410 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 69 575 300 киши (2012). Тили – француз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик (50%) ва протестант (20%) мазҳабларига эътиқод қиласи, шунингдек, кибангистлар (12%), мусулмонлар (10%) ҳам бор. Пул бирлиги – конголез франки.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Конго Демократик Республикаси Марказий Африкадаги давлат. Жанубда – Замбия (чегара узунлиги – 1930 км),

жануби-ғарбда – Ангола (2511 км), ғарбда – Конго (2410 км), шарқда – Уганда (765 км), Бурунди (233 км) ва Руанда (217 км), Танзания (459 км), шимолда – Марказий Африка Республикаси (1577 км) ва Судан (628 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги – 10 730 км. Мамлакат худудининг марказий ва ғарбий кисмларини яссиотгилклар ва тоб тизмалари билан үралган Конго дарё водийси эгаллайди. Энг баланд тоги – Маргерита (5109 м). Киву кўлидан шимолда вулканли тоглар жойлашган. Жануби-шарқда Катанга, жануби-ғарбда Ангола яссиотгиллари жойлашган. КДРда кўллар кўп: Танганьика, Киву, Мобуте-Сесе-Секо, Мверу. Фойдали қазилмалари: мис, боксит, темир рудаси, кўмир, олмос, олтин, кумуш, нефть, рух, марганец, уран, калайи, кобальт, кадмий.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Маъмурий жихатдан 10 та департаментта бўлинади. Мустакилликка 1960 йил 30 июняда эришган. Давлат бошлиги – президент, конун чикарувчи олий орѓан – бир палатали парламент. Асосий партиялари: Инкилобий халқ ҳаракати, Федералистлар ва республикачилар иттифоки, Демократик социал-христиан партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Конго кон ва рангли металлургия саноати ривожланган агарар мамлакат. Хўжалиги ташки бозор учун минераллар ва кишлок хўжалиги хомашёси ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Қишлоқ хўжалиги иқтисоднинг асосини ташкил этади. Саноатнинг кўзга кўринган тармоқлари – тоб-кончиллик, олмос қазиб олиш ва уни қайта ишлаш. 2012 йилда ЯИМ миқдори 17698 млн (аҳоли жон бошига – 237) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Бельгия, Франция, ЖАР.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 5138 км, автомобиль йўллари – 146 500 км, ички сув йўллари – 15 000 км. Портлари: Бома, Банана, Матади.

*Тарихи.* Ҳозирги КДР худуди XV аср охириларида Боконго кироллиги хукмронлиги даврида европаликлардан биринчи бўлиб португаллар томонидан очилган. Лекин 1875 йили Бельгия кироли Леопольд Г.М. Стенли бошчилигидаги Конго экспедициясини жўнатади ва 1882 йили Халкаро Конго ассоциациясини ташкил этиб, мамлакатни мустамлакага айлантиради. 1908 йили ҳозирги КДР худудида Бельгия Конгоси номи билан Бельгия мустамлакаси ташкил этилди. 1960 йилда Бельгия Конгоси мустакил давлат деб эълон килинади. 1965 йили ҳокимиятни кўлга киритган генерал Мобуту 1971 йилда мамлакат номини Зоир Республикаси деб эълон киласди. 1997 йилдан бошлаб Конго Демократик Республикаси номини олди.

## КОНГО

*Расмий номи – Конго Республикаси. Пойтоҳти – Браззавиль. Ҳудуди – 342 000 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 4 233 000 киши (2012). Давлат тили – француз, китуба ва лингала. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динига (50%) ва мажусийликка (48%) зътиқод қиласди. Пул бирлиги – африка франки.*

**Географик жойлашуви ва табииати.** Марказий Африканинг ғарбидаги жойлашган. Шарқ ва жанубда – Конго Демократик Республикаси (чегара узунлиги – 2410 км), жануби-ғарбда – Ангола (201 км), шимолда – Камерун (523 км) ва Марказий Африка Республикаси (467 км), ғарбда – Габон (1903 км) билан чегарадош. Қуруқликтаги чегаралари узунлиги – 5504 км, соҳиҳ бўйлаб чегара узунлиги – 169 км. Энг йирик дарёси – Конго. Асосий фойдали қазилмалари: нефть, табиий газ, кўроғошин, рух, уран, мис.

Иклими – иссиқ ва сернам. Қизил дарахтнинг ҳар хил турлари, пальма, аюс, читола ва бошқалар ўсади. Фил, бегемот, гепардлар, кўп турдаги маймунлар, ўрмон кушлари тарқалган. Турли судралиб юрувчилар, илонлар кўп.

**Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.** Давлат тузилиши – республика. Мамлакат таркибида 9 та провинция бор. Конго 1960 йилнинг 15 августида (Миллий байрам – Мустақиллик куни) Франциядан мустақилликни кўлга киритган. Қонунчилик француз фуқаро хуқуқига асосланган. Ижро этувчи ҳокимият президент (давлат бошлиги) ва бош вазирга тегиши. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни президент ва бир палатали парламент – Миллий ўтиш кенгаши амалга оширади. Сиёсий партиялари: Мехнат партияси, Демократия ва муштарак ривожланиши харакати, Демократия ва ижтимоий тараккиёт учун бирлашма.

**Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.** Конго асосан аграр давлатлигича колмоқда. Саноатнинг кўйидаги тармоклари ривожланмоқда: ёғочни қайта ишлаш, пальма ёғи ишлаб чиқариш. 2012 йилда ЯИМ микдори 13 743 млн (аҳоли жон бошига – 3346) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Франция, Италия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 797 км, автомобиль йўллари – 11 960 км, ички сув йўллари – 1120 км. Асосий портлари: Пуэнт-Нуар (океан порти), Бразлавиль (дарё порти).

**Тарихи.** XI–XVI асрларда ҳозирги Конго ҳудудларида Теке (Тио), Лоанго давлатлари бўлган. 1875 йилда французлар мустамлакага айлантира бошлади. 1891 йилда Француз Конгоси ташкил топди. 1910 йилда Француз Экваториал Африкаси тузилган вактда мустамлака ҳудуди иккига бўлинди: Габон (ғарбий қисм) ва Конго (шарқий қисм). 1960 йилда Конго мустақилликка эриди. 1970 йилдан Конго Халқ Республикаси, 1990 йилда янги конституция кабул килинди ва мамлакат 1991 йилдан Конго Республикаси деб номланди.

## ЖАНУБИЙ КОРЕЯ

*Расмий номи – Корея Республикаси. Пойтахти – Сеул. Ҳудуди – 98 480 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 50 004 400 киши (2012). Давлат тили – корейс. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан (48%) ҳамда буддавийлик (47%) динларига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – вон.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Шаркий Осиёда, Корея яриморолининг жанубидаги давлат. Шимолда Корея Ҳалқ Демократик Республикаси билан чегарацош (чегара узунлиги – 238 км). Жанубий Корея гарбда – Сариқ дениз, шарқда – Япон денгизи билан тулашиб кетган. Жануби-шаркда мамлакатни Япониядан Корейс бўғози ажратиб туради. Сохилининг узунлиги – 2413 км. Мамлакат рельефи асосан кир ва тоғлардан иборат. Асосий тоз тизмаси шаркий соҳиля параллель жойлашган Шаркий Корея тоғларидир. Мамлакатнинг энг баланд нуқтаси Чежудо оролидаги Хала-сан тоги (1950 м) хисобланади. Жанубий ва гарбий соҳиляр текисликлардан иборат. Асосий дарёлари – Нехонтган ва Ханганс. Асосий казилма бойликлари: вольфрам, темир, марганец, мис, олтин, кумуш. Ҳайдаладиган ерлар худуднинг 21%ини эгаллайди.

Иклими – мўътадил муссон. Эман, бамбуқ, арча, карағай, терак, қайрагоч, оккарагай ўсади. Ҳайвонот оламида йўлбарс, қоплон, силовсин, айнекларни учратиш мумкин.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – унитар республика. Мамлакат 9 та провинцияга бўлинган. Сеул ва Пусан шаҳарлари алоҳида маъмурий макомга эга. Корея Республикаси 1948 йилнинг 15 августида мустакил деб эълон килинган. Миллий байрами – Мустақиллик куни. Ижро этувчи ҳокимият – президент (давлат бошлиги) ва бош вазир раҳбарлигидаги Давлат кенгашига тегишили.

Конун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент – Миллат мажлиси томонидан амалга оширилади. Йирик сиёсий партиялари: Янги минг йиллик демократик партияси, Демократик партия, Янги Корея демократик партияси, Демократик либерал партия, Бирлашган ҳалқ партияси.

*Иқтисоди, транспорт каммуникациялари.* Жанубий Кореяning сўнгги ўн йилликдаги иқтисодий ўсиши жаҳондаги юқори ўринлардан бирини эгаллайди. 2012 йилда ЯИМ миқдори 1 155 872 млн (ахоли жон бошига – 23 113) долларни ташкил этган. Саноати электротехника, тўқимачилик, озиқ-овқат ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Асосий кишлек хўжалиги (ЯИМнинг 11%) маҳсулотлари – шоли, арпа, батат, соя. Үрмон хўжалиги ва балиқчилик ҳам ривожланган. Асосий савдо шерилари: АҚШ, Япония.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 6763 км, автомобиль йўллари – 63 200 км, ички сув йўллари – 1609 км. Асосий портлари: Пусан, Мок pho.

*Тарихи.* М. а. II-I асрларда хозирги Корея ҳудуди Хитой мустамлакаси бўлган. М. а. 37 йилда Корея яриморолининг шимолий кисмида Когур давлати вуждуга келади. Жанубий кисми эса Пекче ва Силла киролликларига бўлинади. X аср охирида корейс давлати Корё сулоласи хокимияти остида бирлаштирилади. 1321 йилда Кореяни мўтгуллар босиб олишади. Ли сулоласи ҳукмронлиги даврида (1392–1910) мамлакатта японлар (XVI аср) ва манъасурлар (XVIII аср) бостириб киришади. XIX асрда эса Корея Хитой, Япония, Россия ўргасидаги мажароли ҳудудга айланади. 1910 йилда Япония томонидан босиб олинган Корея, японларга карши курашни 1938 йилда бошлайди ва 1943 йилда мустакилликка эришади. Лекин 38-параллель бўйлаб мамлакат икки кисмга – совет ва америка қўшинларининг оккупацион ҳудудларига айланади. 1948 йилда Корея икки давлатга – шимолда КХДР, жанубда Корея Республикасига бўлинади. 1950–1953 йилларда икки корейс давлати ўргасида уруш ҳаракатлари содир бўлди. Жанубий Корея 1965–1972 йилларда Вьетнам билан бўлган ҳарбий воқеаларга аралашади. 1980 йилда генерал Чон Ду Хван мамлакатда ўз диктатурасини ўрнатади. 1988 йилда диктатура тутатилиб, биринчи демократик сайловларда Ро Де У президентликка сайланади. Президентлик муддати тугаганидан сўнг Ро Де У ва унинг маслақдошлари коррупция ва молиявий товламачиликда айланадилар.

### КОРЕЯ (ШИМОЛИЙ КОРЕЯ)

*Расмий номи – Корея Халқ Демократик Республикаси. Пойтахти – Пхеньян. Ҳудуди – 120 538 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 24 553 600 киши (2012). Давлат тили – корейс. Сигишувчларнинг асосий кисми буддавийлик ва конфуцийликка эътиқод қиласи (бироқ диний фаолият амалда деярли йўқ). Пул бирлиги – вон.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Шаркий Осиёдаги давлат. Корея яриморолининг шимолий кисмида жойлашган. Шимолда – Хитой (чегара узунлиги – 1416 км), жанубда – Жанубий Корея (238 км), шимоли-шарқда – Россия билан (19 км) чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги – 1673 км. Фарбдан Сарик денгиз, шарқдан Япон денгизи ўраб туради. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 3 495 км. Мамлакат ҳудудини асосан тепалик ва тоғлар ташкил қиласи, уларнинг оралиги торгина водийлардан иборат. Мамлакатнинг энг баланд нуқтаси – Пэк-тусан тоги (2750 м). Асосий дарёлари: Амноккан, Тэдонган, Туманган. Асосий табиий бойликлари: кўмир, кўргошин, вольфрам, темир рудаси, мис, олтин, рух, графит, магнезит. Ҳудудининг 20% и ҳайдаладиган ерлар, 74% и ўрмон ва чангальзорлар.

Иклими – мўътадил муссонли. Мамлакатнинг тогли тумандари учун игна, барғли ўрмонлар характеристи: карагай, арҷа, корейс оқ карагайи, шунингдек, тол, терак, гужумлар кўпроқ бўлган аралаш ўрмонлар бор. Водийлар амалда тол, терак, гужумлар кўпроқ бўлган аралаш ўрмонлар бор. Водийлар амалда

тұлалыгына кишлоқ хұжалик екіншілары билан банд. Бу ерларда шоли, соя, жавдар, маккажұхори ва бошоқли екіншілар екилади. Мамлакат ҳайвонот дунёсіда йүлбарс, көлпон, айқ, тулки, бүриларни учратиш мүмкін. Күшлардан бургут, бекас, тұрна ва киргийлар бор.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – унитар республика. КХДР конституциясында биноан суверен социалистик давлат хисобланади, амалда эса мамлакатда коммунистик режим үрнатылған. Мамлакат таркибіда 9 та вилоят ва иккита марказға бүйсунувчи шаҳар бор. КХДР 1948 йил 9 сентябрда мустакил давлат бүлди (аввалин Япония империясінинг Чосун вилояті зеді). 9 сентябрь Миллий байрами – Мустакиллик куни. Давлат бошлиғи – амалда чекләнмаган қоқимиятта зәға бүлган президент. Иккита вице-президент, Маъмурый кенгаш раҳбары ва тұқкызындағы вице-рахбарлар президенттә бүйсунадилар. Юкори конунчылар органдары – Халқ олий мажлиси. Мамлакатда факат битта сиёсий партия – Корея мемлекеттік партиясы рұйхатта олинған.

*Иқтисоди, транспорт каммуникациялари.* Фойдалы қазилмалар ва гидроэнергетик ресурсларнинг катта қажми мамлакат саноат тараққиётининг асосини ташкил килади. Асосан қазиб чиқарыш саноати (күмир, темир, магнит рудалари, графит, мис, руж, құрғошин) ва оғир саноат ривожланған. Иқтисод устидан жуда каттық давлат назораты үрнатылған. Қишлоқ хұжалиги учун ярокли ерларнинг барчасы коллективлаштирилған. Қишлоқ хұжалигига (ЯИМнинг чорак кисмінде якын) мемлекеттік лаекатлы ахолининг 36% и банд. Асосий екіншілар – шоли, маккажұхори, соя, картошка, бошоқли екіншілар. Иқтисодий ривожланиш ва тұрмуш даражасы бүйіча Шимолий Корея Жанубий Кореядан анча оркада. 2010 йил ЯИМ міндері 40 млрд (ахоли жон бошига – 1900) долларнан ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлары: Россия, Хитой, Япония, Германия, Гонконг, Сингапур.

Темир йүлларнинг умумий узунлиғи – 4915 км, автомобиль жүллары узунлиғи – 30 000 км га якын. Мамлакат портлары: Вонсан, Нампхо, Чонжин, Хиннам.

*Тарихи.* М. а. II-І асрларда хозирги Кореяның худуди Хитайнинг мұстамлақасы зеді. М. а. 37 йили Корея яриморолининг шимолида корейс давлати Коғурे пайдо бүлді, жанубий кисмі эса иккита кироллікка: Пекче ва Силлаға бүлингенди. X асрнинг охирларыда корейс давлатлары Корея династиясы хукмронлығы остида бирлаштирилді. 1321 йили мұғұллар Кореяни босиб олғанларыда қирол саройдағылар Чежудо оролига беркенділар. Ли династиясы хукмронлығы йилларда (1392–1910) мамлекеттік японлар (XVI аср охири) ва маньчжурлар (XVIII аср) хужум қылдылар, XIX асрда эса Хитой, Япония ва Россия үртасыда торғытушувли худуд бүлді. 1910 йили Япония томонидан босиб олинған Корея, 1938 йили япон босқинчилары қарши кураш бошлады ва 1943 йили мустакиллікка әришди. Бирок совет ва Америка қүшіншілари босиб олған иккі зона 38 параллель бүйіча иккі кисмга бүлинди. 1948 йили мамлекеттік шимол-

дий килемде Корея Халқ Демократик Республикаси эълон қилинди. 1950–1953 йилларда Шимолий ва Жанубий Корея ўргасида уруш давом этди. Бу уруш тугандан кейин ҳам иккала корейс давлатлари ўргасида чегара можаролари бўлиб турди. Шимолдаги корейс давлатининг дасталбки давридаёт, унданда хокимият бир киши – Ким Ир Сенниг қўлида бўлди, у мамлакатда коммунистик диктатура ўрнатди. Ким Ир Сенниг ўлимидан сўнг 1994 йилдан хокимиятни ўғли Ким Чен Ир, 2011 йили унинг вафотидан кейин ўғли Ким Чен Ин эгаллади ва КХДР президенти деб расман эълон қилинди. 2002 йилдан мамлакат иқтисодини ислоҳ қилиш бошланди. 2007 йилда Корея Республикаси президентининг КХДРга расмий ташрифидан сўнг иккала Корея ҳукуматлари бирлашиш учун ёрдам беришни сўраб БМТга мурожаат қилиди.

## КОСТА-РИКА

*Расмий номи – Коста-Рика Республикаси. Пойтахти – Сан-Хосе. Ҳудуди – 51 100 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 4 301 700 киши (2011). Давлат тили – испан. Давлат дини – христиан динининг католик мазҳаби. Пул бирлиги – колон.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Марказий Америкадаги давлат. Жануби-шарқда – Панама (чегара узунлиги – 330 км), шимолда – Никарагуа (309 км) билан чегара дош. Куруклидаги чегаралари узунлиги – 639 км. Фарб ва жануби-гарбда – Тинч океани, шарқда – Караби денгизи билан туташ. Соҳил буйлаб чегара узунлиги – 1290 км. Ҳудудининг катта кисми тоғли. Шимолигарбдан жануби-шаркка томон Коста-Рикани учта тоғ тизмаси кесиб ўтган: Гуанакасте, Марказий ва Галаманка. Энг баланд тоғи – Чириппо-Гранде (3820 м). Коста-Рикада вулканлар кўп. Ишлов бериладиган ерлар – 6%, ўрмон ва чангальзорлар – 34%, ўтлоқ ва майсазорлар – 45% ҳудудини эгаллайди.

Иклими – Караби денгизи соҳилларда иссик, ёмғирли ҳаво.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партийлари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 7 та провинцияга бўлинган. 15 сентябрь – Миллий байрам – Мустакилик куни. Қонунчилик испан фуқаролик ҳукукига асосланган. Президент – давлат ва ҳукумат бошлиги. Конун чиқарувчи хокимият – бир палатали парламент – Конун чиқарувчи мажлис. Бирмунча кўзга кўрнинган сиёсий партияси – Миллий озодлик партияси, Миллий иттифок партияси, Социал-христиан бирлик партияси, Костарикан халқи партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Қишлоқ хўжалиги иқтисодининг асосий сектори ҳисобланади. Экспорт килинадиган маҳсулотларнинг 70% ишчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тўғри келади. Экспорти қаҳва, шакаркамиш, озиқ-овкат, тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотлари билан чекланган. 2012 йилда ЯИМ миқдори 44 884 млн (ахоли жон бошига – 9973) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Германия, Гватемала, Япония.

Темир йўларининг узумий узунлиги – 950 км, автомобиль йўлари – 15 400 км, ички сув йўлари – 730 км. Портлари: Голфито, Колдэро, Моин, Пуэрто-Лимон, Пунтаренас.

*Тарихи.* 1502 йили Колумб томонидан очилган. Ҳозирги Коста-Рика 1520 йилда Гватемала таркибидаги испан мустамлакасига айланди. Коста-Рика 1821 йилнинг 12 сентябринда мустакилликка (аввал Испания мустамлакаси) эришган. Мустамлакачилардан озод килинган Коста-Рика, 1823 йилда Марказий Америка кўшма провинциялари таркибига кирди. 1825 йили Коста-Риканинг биринчи конституцияси кабул килинди ва мустакил давлат сифатида 1838 йилда ажралиб чиқди. 1941 йилда Коста-Рика фашистлар Германиясига уруш эълон килди. 1948 йилда мамлакатда фуқаролар уруши бошланди. Никарагуа диктатори А. Сомоса қўшинлари мадади билан реакцион кучлар ғалаба қозонди. Ҳукумат 1970–1974 йилларда ички сиёсий турмушни демократиялаш ва миллий суворенитетни мустахкамлаш чораларни кўрди.

### КОТ-Д'ИВУАР

*Расмий номи – Кот-д'Ивуар Республикаси. Пойтахти – Ямусукро. Ҳудуди – 322 463 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 20 594 600 киши (2012). Тили – француз. Сигинувчиларнинг асосий қисми маҳаллий мажсусийлар, мусулмонлар (24%), христианлар (12%). Пул бирлиги – африка франки.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Фарбий Африкада, Атлантика океани соҳилида жойлашган давлат. Фарбда – Либерия (чегара узунлиги – 716 км) ва Гвинея (610 км), шарқда – Гана (668 км), шимолда – Буркина-Фасо (584 км) ва Мали (532 км) билан чегарадош. Курукликдаги чегаралари узунлиги – 3110 км. Жанубда Гвинея қўлтиги билан туташ. Соҳиҳ чизиги узунлиги – 515 км. Йирик дарёлари: Сосандра, Бандама, Комоз. Фойдали казилма бойликлари: олмос, темир рудаси, марганец, кобальт, мис, бокситлар.

Иклими – мамлакат жанубида иссик ва сернам, шимолда кўпроқ куруқ иклим. Ўсимлик дунёси – жанубий районлар тропик ўрмонлар билан қолланган. Бу ерда дарохтларининг таҳминан 600 тури мавжуд. Ҳайвонот дунёси бой: фил, бегемот, ўрмон антилопалари, коплон, гепарлар яшайди. Илон ва кушлар кўп.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 26 та департаментта бўлинган. 1960 йилнинг 7 августида мустакилликка эришган (аввал – француз мустамлакаси). Конунчиллик француз фуқаролига хукукига асосланган. Ижро этувчи хокимият президент (давлат бошлани) ва бош вазир бошчилигидаги хукуматга тегишили. Конун чикарувчи хокимият бир палаталик парламент – Миллат мажлиси. Асосий сиёсий партиялари: Кот-д'Ивуар демократик партияси, Ивуар меҳнаткашлар партияси, Ивуар халқ жабхаси, Социал демократлар иттифоқи.

*Нэгтиоди, транспорт коммуникацияри.* Кот-д'Ивуар – аграр мамлакат. Я!Мининг 35%, экспортнинг 70% дан ортикрги кишишлек хўжалингига тўғри кетади. Какао етиштириш бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Пальма ёги, қауцук экспорти бўйича Африкада биринчи ўринда туради. Саноатнинг бирмунга Я!М микдори 24 273 млн (ахоли жон бошига – 1054) долларни ташкил эттан. Асосий савдо ҳамкорлари: Франция, Германия, Нидерландия, Нигерия, Япония.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 660 км, автомобиль йўллари – 46 600 км, ички сув йўллари – 980 км, асосий портлари – Абиджан, Гран-Басам.

*Тарихи.* XVI асрда Кот-д'Ивуар худудлари европаликлардан биринчи бўлиб португallар томонидан очилган. 1893 йилда француслар Фил Суяги Киргоги (мамлакатнинг аввалги номи)ни ўзларининг мустамлакаси деб эълон килди. 1899 йилда Францууз Гарбий Африкаси таркибига кирди. Уфе-Буани раҳбарлигидаги Халқ озодлик ҳаракати натижасида 1958 йилда Францууз Ҳамдустлиги таркибидаги автономияга, 1960 йилда тўлиқ мустақилликка эришиди. 1990 йили мамлакатдаги бир партиянидан кўп партияли тизимга ўтилди. 1999–2007 йillardarda мамлакатда можаролар рўй берди.

## КУБА

*Расмий номи – Куба Республикаси. Пойтахти – Гавана. Ҳудуди – 110 860 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 11 249 200 киши (2012). Тили – испан. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – куба песоси.*

*Географик экойлашуви ва табииати.* Куба Кариб ҳавзаси, Куба ороли ва Катта Ангилья ороллари гурухига кирувчи 1600 дан ортиқ майдада жойлашган давлат. АҚШ томонидан ижарага олинган Гуантанамо ҳарбий базаси (Куба ҳудуди хисобланади) билан чегара узунлиги – 29,1 км. Куба жанубда – Кариб денгизи, шимолда Кубани Флорида штатидан (АҚШ) ажратиб турган Флорида кўлтиги, жануби-гарбда – Юкатан кўлтиги, шарқида сув орвали Ганти билан туаш. Соҳиҳ бўйлаб чегара узунлиги – 3735 км. Мамлакат ҳудуди асосан текисликлар ва тепаликлардан иборат. Тоғлар ҳудуднинг тўртдан бир кисмни эгаллайди. Йирик дарёси – Кауто. Асосий табиий ресурслари: никель, кобальт, мис, марганец, хром, ёғоч. Ҳайдаладиган ерлари ҳудудининг 23%, ўтлоқ ва май-сазорлар 23% ини эгаллайди.

Иклими – тропик. Пальманинг ҳар хил турлари, цитрус ўсимликлари кенг таркалган. Ҳайвонот дунёси бой эмас. Йиртқич ҳайвонлар ва заҳарли илонлар йўқ. Кушлар, моллюскалар кўп.

*Давлат тозилиши ва сиёсий партиялари.* Давлат тозилиши – социалистик давлат, амалда мамлакатда коммунистик авторитар режим ўрнатилган. Мамлакат

таркиби 14 провинция ва Хувентуд оролининг махсус муниципиясидан иборат. Куба 1898 иили Испаниядан мустакилликни кўлга киритди, лекин 1902 йилнинг 20 майигача АҚШ бошкарувида бўлди. Миллий байрамлари: 26 июль – Халқ кўзголони куни (1953) ва 1 январь – Озодлик куни (1959). Ижро этувчи ҳокимият Давлат кенгаши раиси (давлат бошлиги) ва Вазирлар кенгаши раиси (хукумат бошлиги)га тегишли. Давлат ҳокимиятининг олий органи ва конун чиқарувчи орган – Халқ ҳокимияти миллий ассамблеяси. Сиёсий партиялари: Куба Коммунистик партияси, Куба социалистик партияси.

*Иқтисоди ва транспорт коммуникациялари.* Куба – аграр-индустрисал мамлакат. Давлат сектори саноат ишлаб чиқаришининг ҳаммасини, курилиш ва савдони, транспортнинг 98%, кишлоқ хўжалигига ярокли ерларнинг 80% ини ўз ичига олади. Қишлоқ хўжалигининг асоси шакарқамиш етиштириш, саноатнинг етакчи тармоги эса қанд-шакар ишлаб чиқаришdir. 2010 йилда ЯИМ миқдори 114 100 млн (аҳоли жон бошига – 9900) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: МДҲ мамлакатлари, Испания, Хитой, Аргентина.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 12 947 км, автомобиль йўллари – 26 477 км, ички сув йўллари – 240 км. Портлари – Гавана, Карденас, Мансанильо, Мантансас, Сантьяго де-Куба.

*Тарихи.* Куба 1492 йилда Колумб томонидан очилган. Испан мустамлакачилари оролдаги маҳаллий аҳолини деярли йўқотиб, Кубага плантацияларда ишлатиш учун Африкадан кулларни олиб келадилар. АҚШ томонидан кўллаб-куватланган мустакиллик учун кураш 1868 йилда бошланиб, муваффақиятсизлик билан тугади. 1898 йилда АҚШ Испанияга уруш эълон килиб, ўз кўшинларини Кубага юборди ва Куба 1902 йилда мустакил республика деб эълон килинди. Куба АҚШга иқтисодий қарам бўлган холда, бир нечта диктаторлик режимларни бошидан ўтказди. 1959 йилда Фидель Кастро Рус бошлигигидаги кубаликлар Батиста диктатурасини ағдариб ташлаб, мамлакатни социалистик йўлдан ривожланувчи давлат деб эълон килдилар.

2006 йилнинг июнь ойида Ф. Кастро касаллиги туфайли ўз ўрнини укаси Раульга топширди. 2011 йилнинг 21 марта Куба Компартияси Биринчи котиби лавозимини ҳам топширди.

## ҚУВАЙТ

*Расмий номи – Қувайт Давлати. Пойтахти – Қувайт. Ҳудуди – 17 818 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 2 891 500 киши (2012). Давлат тили – араб. Сигинувчилар ислом динига эътиқод қиласади. Пул бирлиги – қувайт динори.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Осиё қитъасининг жануби-гарбий қисмида, Арабистон яриморолида, Форс қўлтигининг шимоли-гарбий сохи-

лайдаги давлат. Жанубда – Саудия Арабистони (чегара узунлиги – 222 км), шимол ва шимоли-гарбда – Ирок (240 км) билан чегарадош. Курукликтаги чегаралари узунлиги – 462 км. Ҳудудининг катта кисми чўлли пасттексисликлардан иборат. Асосий табиий ресурслари: нефть, табиий газ.

*Иккими – йилнинг катта кисмидаги иссиқ хаво хукмронлик қилади.*

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – конституциявий монархия. Мамлакат таркиби – З вилоятдан иборат. Кувайт 1961 йилнинг 19 июняда Буюк Британиядан мустакилликни кўлга кириттан. Миллий байрами – 25 февраль – Миллий кун. Давлат бошлиги – амир. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни амир ва бир палатали парламент – Миллий мажлис амалга оширади. Сиёсий партиялари йўқ.

*Иқтисади, транспорт коммуникациялари.* Иктисадининг асосини нефть қазиб олиш ва нефтни қайта ишлаш саноати ташкил этади. 2012 йилда ЯИМ миқдори 178 628 млн (ахоли жон бошига – 45 824) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Франция, АҚШ, Италия, Япония.

Темир йўллари йўқ. Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги – 4270 км. Мухим портлари: Мина-Сауд, Мина-Абдулоҳ, Мина ал-Ахмадий.

*Тарихи.* VII асрдан Кувайт Араб халифалиги, XVI асрдан бошлаб Усмонийлар империяси таркиби кирган. 1756 йилда автономия мақомини олган Кувайт амирилтигига 1899 йилда Британия протекторатига айланди. 1961 йилда мустакилликни кўлга киритади. 1990 йили мамлакат Ирок томонидан босиб олиниди ва Ирокнинг 19-провинцияси деб эълон килинади. 1991 йил январида БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарори билан иттифоқчилар қўшинилари Кувайтини озод килиш ҳаракатини бошлайди ва бу ҳаракат февралда муваффакиятли якунланади.

## ЛАОС

*Расмий номи – Лаос Ҳалқ Демократик Республикаси (ЛХДР). Пойтахти – Вьентьян. Ҳудуди – 236 800 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 6 348 800 киши (2011). Давлат тили – лао. Давлат дини – буддавайлилк. Пул бирлиги – кип.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Жануби-Шаркий Осиёда, Ҳиндхитой яриморолининг марказий кисмida жойлашган. Жанубда – Камбоджа (чегара узунлиги – 541 км), гарбда – Тайланд (1754 км), шарқ ва шимоли – Вьетнам (2130 км), шимолда – Хитой (423 км), шимоли-гарбда – Мьянма (235 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги – 5083 км.

Ҳудудининг катта кисми тоғли; шимол ва шарқда Аннамита ва Чионгшон тоглари, жануб ва гарбда Меконг дарёси водийси билан пасттексисликлар жойлашган. Энг баланд тоғи – Биа (2820 м). Табиий фойдали қазилма бойликлардан – мис, темир, кўргошин, кимматбаҳо тошлар, олтин кўпроқ учрайди.

Иклими – муссонли субэкваториал.

*Давлат түзүлиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузуми – унитар республика. Мамлакат 16 та кхвенг (провинция)дан ташкил топган. Лаос 1953 йилнинг октябридаги мустакилликка эришган (илгари Франция мустамлакаси бўлган). ЛХДР эълон килинган кун – 2 декабрь – Миллий байрам. Ижроия ҳокимият президент (давлат боштиги) ва бош вазир бошчилигидаги хукуматга тегиши. Конун чикарувчи ҳокимият – Миллат мажлиси (бир палатали парламент)га тегиши. Ягона сиёсий партияси: Лаос халқ инкабий партия.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Лаос – аграр мамлакат. Ялпички маҳсулотида кишлек ва ўрмон хўжалигининг улуши 53%, саноат ва қурилишнинг улуши 17%. Асосий табиий бойликлари – кимматбаҳо ёғочли ўрмон ва гидроэнергия ресурслари. 2012 йилда ЯИМ майдори 9269 млн (ахоли жон бошига – 1446) долларни ташкил этган. Ишлаб чиқариш асосан саноатнинг енгил, озик-овкат, ёғочни кайта ишлаш соҳалари билан чекланган. Кўргошин казиб олиш йўлга қўйилмоқда. Аграр соҳада (ЯИМ 60%) меҳнатга лаёкатли ахолининг катта қисми банд. Кишлек хўжалигига етиштириладиган асосий экин – шоли (екин майдонларининг 90%), шунингдек, маккажўхори, пахта, тамаки, қахва ва соя етиштирилади.

Асосий савдо ҳамкорлари: Тайланд, Малайзия, Вьетнам, Япония, Франция, АҚШ.

Темир йўллари мавжуд эмас, автомобиль йўлларининг умумий узунлиги – 14 130 км (60 км каттиқ копламали), ички сув йўллари – 4500 км.

*Тарихи.* 1353 йили ҳозирги Лаос худудида Лансанг кироллигига асос солинган бўлиб, у XVI асрга келиб ўз худудини сезиларли даражада кенгайтирган эди. XVI аср охирларига келиб Бирманинг вассалига айланган Лансанг тез орада икки кироллик – Вьентьян ва Луангпрабантга бўлинниб кетди. 1893 йили Франция Лаоснинг ички ишларига аралашиб, уни ўзининг протекторати деб эълон килди. Лаос япон босқинчиларидан озод килинганидан сўнг (1942–1945), мамлакатда француздарга қарши Лао Иссар (Озод Лаос) ҳаракати бошланиб кетди. Бу кўзғолон 1946 йили мамлакатга жўнатилган экспедицион корпус томонидан бостирилди. 1949 йили ўз-ўзини бошқариш хукукини кўлга кирилган Лаос, 1953 йили мустакил давлат бўлди. 1959 йилдан бошлаб мамлакатда турли сиёсий гурухлар ўтасида жиддий можаролар бошланди. Бу можаролар 1973 йили Лаосда монархиянинг агдарилиши ва 1975 йили Лаос Халқ Демократик Республикасининг эълон килинниши билан якунланди. 80-йиллар охиридан бошлаб мамлакат иқтисоди ва сиёсий ҳаётини либераллаштириш бошланди. 1991 йилда эса Лаоснинг биринчи конституцияси қабул килинди.

## ЛАТВИЯ

*Расмий номи – Латвия Республикаси. Пойтахти – Рига. Ҳудуди – 64 589 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 2 017 500 киши (2013). Давлат тили – латиш. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг лютеранлик, католик, православ мазҳабларига ўзниқод қиласди. Пул бирлиги – лат.*

*Географик жойлашви ва табииати.* Болтиқ денгизи қирғозида жойлашган. Жанубда – Литва (чегара узунлиги – 588 км) ва Беларусь (141 км), шарқда – Россия (276 км), шимолда – Эстония (343 км) билан чегарадош. Куруклидаги чегаралари узунлиги – 1 348 км. Фарбий чегаралари Болтиқ денгизи билан тушиб кеттган. Ҳудудининг катта қисми пасттекисликлардан иборат. Фарб ва шарқда тепаликлар мавжуд. Йирик дарёси – Даугава (Фарбий Двина), кўп сонли кўллар мавжуд. Табиий ресурслардан кам микдорда торф, оҳак, ёғоч захиранлари мавжуд. Ҳудудининг 27% и экин экиладиган майдонлардан, 39% и ўрмон ва чангизорлардан иборат.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Латвия – унитар республика. Мамлакат тарихан шаклланган 4 та туманга: Курзеле, Земгале, Видземе ва Лотгалега бўлинган. 1991 йилнинг 21 августида ўз мустакиллигини тиклади. Латвия Республикаси эълон килинган кун 18 ноябрь (1918) – Миллий байрам хисобланади. Ихроя ҳокимиёт президентга (давлат бошлиғи) ва бош вазир бошчилигидаги ҳукуматта тегишли. Конун чиқарувчи ҳокимиёт бир палатали парламент – Сеймга тегишли. Асосий партиялари: Латвия дехконлар иттифоки, Латвия демократик партияси, «Латвия йўли», «Латвия мустакиллиги учун харакат», Латвия христиан-демократлар иттифоки, Латвия ҳалқ фронти, Латвия социал-демократик ишчи партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Латвия индустрӣал-агарр мамлакат. Ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 38,5%, кишлок ҳўжалигининг улуши – 24,8%. Иқтисодиётни шакллантиришдан ташкири, ҳукумат кам микдордаги табиий ресурслар ва ишчи кучларини максимал даражада сафарбар қылган ҳолда чет эл капиталини кўплаб жалб килиш чора-тадбирларини кўрмоқда. Саноатнинг машинасозлик, кимё, балик маҳсулотлари, енгил, фармацевтика, қоғоз-целлюлоза ишлаб чиқариш тармоклари яхши тараккий этган. Қишлоқ ҳўжалиги хам мамлакат иқтисодида мухим ўрин тутади (ЯИМ – 21,5%). 2012 йилда ЯИМ микдори 28 380 млн (ахоли жон бошига – 13 900) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари – Россия, Германия, Швеция, Беларусь.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 2 400 км, автомобиль йўлларининг узунлиги – 59 500 км (33 000 км – каттик қопламали), ички сув йўллари – 300 км. Мамлакатнинг асосий портлари: Рига, Лиепая, Вентспилс.

**Тарихи.** X асрда мев қабилалари (латишларнинг аждодлари) Киев Русидан ўрнак олиб, православ динини қабул килишди, бирок XII асрдан бошлаб католик динига ўтиш бошланди. 1242 йили Тевтон ордени Чуд кўлида маглубиятга учраганилигига қарамасдан, XIII аср охиirlарига келиб ҳозирги Латвия худудларини эгаллашга муваффак бўлди. XIII аср ўрталарида Латвияда протестантлик таркалди. Тевтон ордени тарқалганидан сўнг Ливония худуди Польша ва Швеция томонидан бўлиб олинди. XVIII асрда Латвия Россия томонидан анексия килинди.

Биринчи жаҳон уруши даврида мамлакатнинг анчагина қисми Германия томонидан оккупация килинди. 1917 йили Латвияда совет ҳокимияти эълон килинди, бирок Брест-Литовск шартномасига кўра, Совет Россияси Латвия худудларини Германияга берди. 1918 йилнинг 18 нояброда Миллий Кенгаш Латвияни мустакил республика деб зълон килди. 1934 йили Ульманис томонидан содир этилган давлат тўнтиариши натижасида мамлакатдаги парламент бошкаруви диктатура билан алмаштирилди. 1940 йилнинг августида Латвия Совет Итифоқи томонидан, 1941 йилда эса Германия томонидан оккупация килинди. 1944 йили мамлакат яна СССР таркибиغا кирди. 1990 йилнинг майида Латвия Республикасининг мустакиллиги зълон килинди.

## ЛЕСОТО

*Расмий номи – Лесото Қироллиги. Пойтахти – Масеру. Худуди – 30 355 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 2 216 850 киши (2012). Давлат тили – сесую ва инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик ва протестант мазҳабларига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – лоти (малоти).*

**Географик жойлашуви ва табииати.** Лесото Африка қитъасининг жанубида жойлашган бўлиб, ҳар томондан Жанубий Африка Республикасининг чегаралари билан ўралган. Чегарасининг умумий узунлиги – 909 км. Мамлакат худудининг катта қисми Басуто ясситоглигининг чегараларида жойлашган. Ушбу худудлар шарқ ва жанубдан Аждар тоғлари билан ўралган. Унинг энг юқори нуқтаси – Табана Нтленьян (3482 м).

Йирик дарёси – Оранж (Тўқсарик). Лесото худудида олмос, кварц, кўмир, уран конлари мавжуд. Ишлов бериладиган ерлар умумий майдоннинг 10%, ўтлок ва яйловлар 66%ини эгаллади. Иклими – океан яқин бўлишига қарамасдан – континентал.

**Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.** Давлат тузилиши – конституциявий монархия. 1966 йилнинг 4 октябринда Лесото қироллиги зълон килинган кун (олдин Буюк Британия мустамлакаси бўлган) Миллий байрам ҳисобланади. Давлат бошлиги – кирол. Ижроия ҳокимияти Ҳарбий кенгашга ва Бош вазир бошчили-

гидаги хукуматта тегишли. Конун чикарувчи ҳокимият Харбий кенгаш ва иккى палатали парламент – Миллат мажлиси ва Сенат томонидан амалга оширилади. Асосий партиялари – Басуто миллый партияси, Бирлашган демократик партияси, Басуто конгресси партияси, Марематлу озодлик партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Мамлакат иқтисоди асосан кишлек ҳўжалиги, енгил саноат ва ЖАРда ишлаб келаётган ишчилардан оли-надиган пул ўтказмаларидан тушадиган маблағларга асосланган. Унча катта бўлмаган фермер ҳўжаликлари (кишлек ҳўжалиги ЯИМнинг 20%ини ташкил этган) маккажўхори, бугдой, арпа ва жўхори етишидиради. Ишлаб чикариш асосан кишлек ҳўжалик маҳсулотларини кайта ишлаш ва олмос казиб олиш билан боғлик. Туризм ривожланмоқда. 2012 йилда ЯИМ миқдори 2620 млн (аҳоли жон бошига – 1283) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: ЖАР, ЕИ.

Темир йўллар (умумий узунлиги 2,6 км) ЖАРга тегишли. Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги – 7215 км.

*Тарихи.* Ҳозирги Лесото ҳудудига келиб жойлашган кабилалар XIX асрнинг биринчи ярмида Мошин I ҳукмронлиги даврида бирлаштирилган. Басутоленд (1966 йилгача мамлакат шундай номланган) 1871 йили Кейптаун протекторатига, 1884 йили эса Буюк Британия протекторатига айланди. 1966 йили мамлакат мустакилликка эришди ва Лесото Кироллиги деб атала бошлади. 1970 йилги давлат тўнтириши натижасида ҳокимият тепасига ҳарбийлар келишди ва улар давлатни 1993 йилга кадар идора килишди. 1993 йилда, кейинги 23 йил мобайнинда биринчи марта демократик сайлов ўтказилди, унда парламент сайланди. Ҳарбий кенгаш ижро ҳокимиятини фукаролардан иборат хукуматга топшириди.

## ЛИБЕРИЯ

*Расмий номи – Либерия Республикаси. Пойтахти – Монровия. Ҳудуди – 111 370 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 3 786 764 киши (2011). Давлат тили – инглиз. Сигинувчилар-нинг асосий қисми мажсусийликка (70%) ва ислом динига (16%) эътиқод қиласди. Пул бирлиги – либерия доллари.*

*Географик жойлашишуби ва табиати.* Гарбий Африкада жойлашган давлат. Шаркда – Кот-д’Ивуар (чегара узунлиги – 716 км), шимолда – Гвинея (чегара узунлиги – 563 км) ва Сьерра-Леоне (306 км) билан чегарадош. Курукликтаги чегаралари узунлиги – 1585 км. Мамлакатнинг жануби ва гарбий қисмлари Атлантика океани билан туташиб кетган. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 579 км. Мамлакат ҳудудининг катта қисмини пасттекисицлар ташкил этади. Шимолда Леоно-Либер тепаликлари мавжуд. Мамлакатнинг энг юкори нуктаси – Вутеве (1380 м). Йирик дарёлари – Мано, Лоффа, Сент-Пол, Сент-Жол, Сесса. Табиий бойликлардан темир рудаси, олмос, олтин, ёғоч кўплаб учрайди. Мамлакат

худудининг 1/3 кисмини дараҳтларнинг кимматбаҳо турлари кўп бўлган доимий яшил тропик ўрмонлар ташкил қиласди.

Икклими – субэкваториал, иссик ва нам.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат таркибида 13 та графлик бор. Либерия ўз мустакиллигига 1847 йилнинг 26 июляда эришган (миллий байрами – Мустакиллик куни). Конунчилик Америка умумий хукуки ва кабилалар конунларига асосланган хукукий тизимдан иборат. Бутун ижроия ва конун чиқарувчи ҳокимият раис бошчилигидаги Давлат кенгаши (икки палатали парламент – Вакиллар палатаси ва Сенат)га тегишли. Асосий партиялари – Либерия миллий ватанпарварлар фронти, Либерия демократия учун бирлашган озодлик харакати.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* 1990 йилда фукаролар уруши бошлангунга қадар мамлакат иқтисоди асосан каучук ишлаб чиқариш ва ёғочни кайта ишлаш (аоссан экспорт учун) билан боғлиқ бўлиб, кишлок хўжалиги эса қулай иқлим шаронти туфайли муваффакиятли ривожланиб келган. Этник карама-каршиликлар натижасида аҳолининг асосий кисми мамлакатни тарк этди, улар билан бирга капитал маблағларнинг чиқиб кетиши кузатилди. 2012 йил ЯИМ миқдори 1767 млн (аҳоли жон бошига – 436) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари – Нидерландия, ЕИ.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 490 км, автомобиль йўлларининг узунлиги – 10087 км. Мамлакатнинг асосий портлари: Бьюкенен, Гринвилл, Монровия, Харпер.

*Тарихи.* Португаллар томонидан XV асрда кашф этилган Либерия тез орада кул савдоси марказларидан бирига айланди. XIX асрнинг 20-йилларида Африкага кайтиб келган куллар 1847 йили мустакил Либерия Республикасини туздилар. Бу республика конституцияси амалда АҚШ конституциясидан кўчириб олинган эди. 1985 йилги ҳарбий давлат тўнтариши мамлакатни ҳукмрон тартиб тарафорлари ва Либерия ватанпарварлар миллий фронтига бўлиб юборди. Бу ҳолат 1990 йили мамлакатда фукаролар урушининг бошланишига олиб келди. 1995 йил 19 августда бир-бирига карши бўлган беш гурух етакчилари мажароларни тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисидаги янги битимни имзоладилар. Ўтиш даври учун янги ҳокимият органи – Давлат кенгаши тузилди ва у умумий демократик сайлов ўтказишга тайёргарликни бошлади. 1997 йил 19 июляда ўтказилган сайловда мамлакат президенти ва парламент сайланди. 1999–2003 йилларда Либерияда минглаб курбонлар ва иқтисодий тушкунликни келтириб чиқарган иккинчи фукаролар уруши содир бўлди. 2005 йилда янги президент сайланди ва тинчлик ўрнатилди.

## ЛИВАН

*Расмий номи – Ливан Республикаси. Пойтахти – Байрут. Ҳудуди – 10 400 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 4 291 700 киши (2012). Давлат тили – араб. Сигинувчиларнинг асосий қисми ислом динига (75%) эътиқод қиласди. Пул бирлиги – ливан фунти.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Фарбий Осиёда жойлашган. Шарқ ва шимолда – Сурия (чегара узунлиги – 375 км), жануб ва жануби-шарқда – Истроил (79 км) билан чегарадош. Куруклидаги чегаралари узунлиги – 454 км. Ливаннинг гарбий чегаралари ўрта Ер дентгизи билан туташиб кетган. Соҳиҳ бўйлаб чегара узунлиги – 225 км. Истроил билан жанубий районлар масаласида ҳудудий қарама-каршиликлар мавжуд. Ландшафти асосан тогли: гарбда денгиззўйи пасттекисликлари мамлакатнинг Ливан чўккиси (3088 м) мавжуд бўлган баланд тоги Эс-Сауда билан туташган. Шарқда Антиливан тоф тизмаси жойлашган. Ушбу тоф тизмалари ўртасида Бекаа водийси жойлашган. Йирик дарёси – Эл-Литони. Асосий фойдали қазиллалари: темир рудаси ва оҳактош. Ишлов бериладиган ерлар мамлакат ҳудудининг 21% ини ташкил этади.

Иклими – субтропик, иссиқ.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – унитар республика. Мамлакат 6 та губернаторлик (муҳофазот)дан ташкил топган. Ливан мустақил давлат сифатида 1943 йилнинг 22 нояброда зълон қилинган, бирок француз қўшинлари 1946 йил охирига кадар Ливан ҳудудида ушлаб турилди (миллий байрам – Мустакиллик куни). Ижроия ҳокимият президент (давлат бошлиғи) ва Вазирлар кенгаши бошлиғи хисобланган бош вазир қўлида. Мамлакат конституциясига кўра факат христиан-маронит – президент, мусулмон-суннит – Бош министр бўлиши мумкин. Конун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент – Депутатлар палатаси томонидан амалга оширилади. Мамлакат сиёсий хаётida христианлар ва мусулмонларнинг икки сиёсий блоки асосий ролга зга. Асосий сиёсий партиялари: Араб социалистик уйгониш партияси, Социалистик тараккиёт партияси, Ливан коммунистик партияси, Халқ носирийлар ташкилоти, Катааб партияси, Амал шиалар ҳаракати.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Бекарор ички сиёсий ҳолат, Истроил томонидан Ливан жанубининг бир неча маротаба оккупация қилиниши мамлакат ичкарисида иқтисодий аҳволнинг оғирлашувига, тадбиркорликнинг кескин пасайишига, ташки савдонинг камайишига олиб келди. Саноатнинг нисбатан яхшироқ тараккий этган соҳалари: нефтиң кайта ишлаш, озиқ-овқат, тўқимачилик. Байрут хозирги кунда Якин Шаркнинг молия марказларидан бири хисобланади (мамлакатнинг олтин-валюта заҳираси 4 300 млн доллар). Қишлоқ ҳўжалигида (ЯИМнинг 30%) цитрус мевалар, зайдун, картошка, олма, тамаки, узум етиштирилади. 2012 йилда ЯИМ микдори 41 766 млн (аҳоли жон бошига –

10311) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Саудия Арабистони, Швейцария, Италия, Иордания, Франция.

Темир йўлларининг узумий узунлиги – 222 км, автомобиль йўллари – 7300 км (6 200 км – каттиқ қопламали). Мамлакат портлари: Байрут, Сайда.

**Тарихи.** М. а. 4 минг йилликда хозирги Ливан худудида финикийларнинг шаҳар-давлатлари шакллана бошлади. М. а. VIII асрдан I асрга кадар Ливан Шаркнинг турли давлатлари таркибида бўлиб келди. М. а. I асрда Ливан Рим империяси таркибиغا кирди. 637 йили араблар томонидан босиб олинган бўлса, 1098 йилдан 1289 йилга кадар Якин Шаркда салибчи-рицарлар томонидан ташкил этилган христианлар давлати таркибида бўлди. Кейин мамлакат Миср мамлуклари кўлига, XVI асрдан эса Усмонийлар империяси таркибиغا кирди. Бирок мамлакатдаги ҳокимият амалда XVI–XVII асрларда маонлар сулоласи амирлари, XVII аср охиридан эса шахобийлар сулоласи амирлари қўлида бўлиб келди. 1840 йили Башир Шахоб таҳтдан ағдариб ташланди ва Ливан яна турқлар кўл остига ўтди. 1860 йили Франция императори Наполеон III Ливанга экспедицион корпус жўнатди, натижада халқаро комиссия Усмонийлар ҳукуматини Ливан мухториятини тан олишга мажбур килди. Биринчи жаҳон уруши бошларида Туркия бу келишувни бекор килди. Лекин Туркияning урушдаги мағлубиятидан сўнг бу худуд Франция мандати остига ўтди (1920). 1926 йили Ливан республика деб ўзлон қилинди. 1943 йилда Ливан мустакилликни қўлга киритганидан сўнг, мамлакат ички зиддиятларни бартараф килишга муваффақ бўлди, факат 1975 йили мамлакатда араблар ва христианлар ўргасида фуқаролар уруши бошланди. Унга Сурия ва Исроил аралашди. 1992 йили 1972 йилдан бери биринчи марта парламентга сайловлар бўлиб ўтди. Ташки сиёсатда Ливан ижобий бетарафлик ва блокларга қўшилмаслик сиёсатига амал килади. Ливан ва Исроил ўргасидаги мажаролар ва куролли тўқнашувлардан сўнг 2000 йилда икки давлат ўргасида «ҳаворанг чизик» деб аталадиган аниқ чегара белгиланди. Шундай булишига карамасдан, Жўлан тепаликлари баҳсли худудлигича қолмоқда.

## ЛИВИЯ

*Расмий номи – Ливия Республикаси. Пойтахти – Триполи. Ҳудуди – 1 759 540 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 6 469 480 киши (2012). Давлат тили – араб. Давлат дини – ислом. Пул бирлиги – ливия динори.*

**Географик жойлашуви ва табиати.** Шимолий Африкада жойлашган. Шаркда – Миср (чегара узунлиги – 1115 км), жанубда – Чад Республикаси (1055 км) ва Нигер (354 км), жануби-шаркда – Судан (383 км), гарбда – Жазоир (982 км), шимоли-гарбда – Тунис (459 км) билан чегарадош. Курукликтаги чегаралари узунлиги – 4348 км. Шимолда Ўрта Ер денгизи билан туташиб кетган. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 1770 км. Мамлакат худудининг катта қисмини

ясситоглик, шимолини эса Ўрта Ер денгизи билан туташган сохилбўйи текисниклари эгаллади. Шарқида Сива, Файюм, Жало, Куфра воҳаларига эга бўлган Ливия чўли жойлашган. Асосий табиий бойниклари нефть ва табиий газ.

### Иклими –субтропик.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Ливия 1951 йилнинг 24 октябрида Италиядан мустакилликка эришид. Конунчилик итальян фуқаролик хукуки ва ислом конунчилигига асосланган. Миллий байрами 1 сентябрь – Инкилоб куни (1969). Раҳбар орган – Инкилобий (Тарихий) раҳбарият. Конун чиқарувчи ҳокимият Умумий халқ конгресси томонидан амалга оширилади. Ижроchi ҳокимият – хукумат вазифасини бажарувчи Олий Халқ кўмитаси. Сиёсий партиялар 1977 йили таркаби юборилган.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Иқтисодининг асосини нефть қазиб олиш саноати ташкил қиласди. 2012 йилда ЯИМ миқдори 85 109 млн (аҳоли жон бошига – 12 778) долларни ташкил этган. Мамлакатнинг асосий портлари: Тобрук, Триполи, Бенгази, Мореа-эль-Брейка ва бошқалар.

*Тарихи.* М. а. VIII асрда ҳозирги Ливия ҳудудида Финикия шаҳар-давлатлари шакллана бошлади. М. а. VII асрдан эса бу ҳудуд грек колонияларига айлантирилди. М. а. I асрдан бошлаб Рим провинцияси, V асрда эса вандаллар томонидан босиб олинди. 533 йили Византия империясининг бир қисмига айланди. 643 йилда мамлакатни араблар эгаллади, улар бу ерда ўз тили ва ислом динини жорий қилишди. XVI асрда Ливия турклар таъсирига тушиб, Усмонийлар империясининг таркиби қисмига айланди. Италияликлар бу ерга XIX аср охирларида кириб келишди, 1911 йили эса Туркияга карши уруши зълон килиб, Ливиянинг айрим ҳудудларини эгалладилар. 1916 йили мамлакат яна турклар томонидан босиб олинди, лекин Биринчи жаҳон урушидан сўнг Италия бу ерда ўз ҳукмронлигини кайта тиклади.

1934 йилда ҳозирги Ливия ҳудудлари Италия мустамлакаси деб зълон қилинди, лекин 1943 йили немис ва итальян қўшинларининг мағлубиятидан сўнг Франция ва Буюк Британия бошқаруви остига ўтди. 1951 йилда БМТ резолюциясига кўра Ливия мустакил давлат деб зълон қилинди. Ливия кироли Идрис I мамлакатни 1969 йилга қадар идора қилди. 1969 йили кирол Идрис I расмий ташриф билан Туркияга жўнаб кетганида бир гурӯҳ офицерлар ҳокимиятни эгаллаб олишида ва мамлакатни Ливия Араб Республикаси деб зълон қилишди. 1977 йилнинг 3 мартаидан бошлаб мамлакат Ливия Социалистик Халқ Араб Жумҳурияти деб аталиб келган.

2011 йилнинг февраль ойида полковник Муаммар Каддафий назоратидаги ҳарбий қисмлар ва НАТО томонидан кўлланган Ливиянинг Миллий ўтиш даври Кенгаши ўргасида фуқаролар уруши бошланди. 2011 йилнинг 20 октябринда Каддафий ўлдирилди. 2011 йилги фуқаролар уруши натижасида жамаҳирия ағдарилиб, ҳокимият Миллий ўтиш кенгаши кўлига ўтди.

## ЛИТВА

*Расмий номи – Литва Республикаси. Пойтахти – Вильнюс. Ҳудуди – 65 200 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 2 971 900 киши (2010). Давлат тили – литва. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – лит.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Европанинг Болтик дентизи кирғозида жойлашган давлатларидан бири. Жануб ва шарқда – Беларусь (чегара узунлиги – 653,5 км, жануби-гарбда – Россия (чегара узунлиги – 267,8 км) ва Польша (103,7 км), шимолда – Латвия (588 км) билан чегарадош. Куруклидаги чегаралари узунлиги – 1 613 км. Соҳиҳ бўйлаб чегара узунлиги – 108 км. Мамлакатнинг катта қисми текисликлардан иборат. Ғарб ва шарқида тепаликлар бор. Йирик дарёси – Нъямунас (Неман), жуда кўп кўллар бор. Ёкут мамлакатнинг муҳим табиий ресурсларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, торф ва курилиш материалларининг заҳиралари мавжуд. Умумий ерларининг деярли тенг ярми ишлов бериладиган ерлар ҳисобланади. 22% ерлар ўтлоқ ва яйловлардан иборат.

Иклими – ўзгарувчан, континентал.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузуми – унитар республика. Мамлакат 44 та район ва марказга бўйсунувчи 11 та шахарга бўлинган. Литва 1991 йилнинг 6 сентяброда ўз мустакиллигини тиклади (олдинги номи Литва ССР). Миллый байрами 16 февраль – Литва давлати тикланган кун (1918). Ижроя ҳокимияти президентга (давлат бошлиги) ва бош вазир бошчилигидаги ҳукуматга тегишили. Конун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент – Сейм томонидан амалга оширилади. Йирик партиялари: Литва демократик партияси, Литва социал-демократлар партияси, Ватан иттифоқи, Марказ иттифоқи, Литва христиан-демократлар партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Литва индустрисал-аграр мамлакат. Ялпи миллый маҳсулотида саноатнинг улуши – 51,2%, кишлоп ҳўжалигининг улуши – 24,7%, курилишнинг улуши – 9,8%, транспортнинг улуши – 3,6%, бошка тармокларнинг улуши – 10,1% ни ташкил этади. Саноатнинг нисбатан тараккий эттан соҳалари: машинасозлик, металга ишлов бериш, кимё, ёғочни кайта ишлаш, тўқимачилик, озиқ-овқат, курилиш материалларини ишлаб чиқарниш. Кишлоп ҳўжалигига (ЯИМ – 23%) аҳолининг учдан бир қисми банд. Кишлоп ҳўжалигининг муҳим тармокларидан бири ўшт-сут ишлаб чиқариш соҳасидир. Картошка, кандлавлаги, сабзавотлар етиштирилади. 2012 йил ЯИМ миқдори 42 164 млн (аҳоли жон бошига – 14 018) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Россия, Германия, Польша, Беларусь ва Шимолий Европа мамлакатлари.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 2010 км, автомобиль йўллари – 44200 км (35 500 км – каттик қопламали). Ички сув йўллари – 600 км. Асосий дengiz порти – Клайпеда.

**Тарихи.** Ҳозирги Литва ҳудудида шаклланган дастлабки давлат Буюк Литва князлиги эди. XIII асрнинг ўргаларида пайдо бўлган бу князлик князь Гедиминас даврида Литва ва Беларусь ерларини, шунингдек, ҳозирги Украина-нинг бир кисмини кўшиб олган эди. 1410 йилги Грюнвальд жангидаги поляк ва руслар билан иттифокда Литва кўшинни Тевтон орденини яксон килишди. 1569 йили Литва Буюк князлиги Люблин шартномасига кўра Речь Посполитага таркибига кирди. 1795 йили Литва Россия томонидан аннексия қилинди ва 1918 йилга кадар Россия империяси таркибида бўлиб келди. 1918 йилнинг декабрида мамлакатда совет ҳокимияти ўрнатилди, бирор 1919 йилнинг кузидаги убекор қилинди. 1926 йилги давлат тўнгариши натижасида ҳокимиятга диктатор Вольдемарас келди. 1940 йилнинг июль ойида мамлакатга совет кўшинлари кирилди, Литва ССРР таркибидаги республикага айланди. 1941 йилда Литва немис қўшинлари томонидан босиб олинди. 1944 йили мамлакат озод қилингандан сўнг совет ҳокимияти кайта тикланди. 1990 йил май ойида Совет Иттифоки республикалари ичидаги биринчи бўлиб Литва ўз мустакиллигини эълон килди. Совет ҳукумати томонидан 1991 йили тан олинган.

## ЛИХТЕНШТЕЙН

*Расмий номи – Лихтенштейн Князлиги. Пойтахти – Вадуц. Ҳудуди – 160 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 36 850 киши (2013). Давлат тили – немис. Давлат дини – христиан (католиклар 87%), протестантлар (7%). Пул бирлиги – швейцария франки.*

**Географик жойлашуви ва табииати.** Марказий Европада, Рейн дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган. Шимол, гарб ва жанубда – Швейцария (чегара узунлиги – 41,1 км), шарқда – Австрия (34,9 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги – 76 км. Мамлакат Альп тогларинда жойлашган бўлиб, унинг энг баланд нуқтаси – 2599 м. (Фордер-Граусшиц тоги). Гарбда Рейн дарёси ҳавзасида тоглар пасая боради. Швейцария билан чегара Рейн дарёси орқали ўтган. Лихтенштейннинг асосий табиии ресурслари – унинг гидроэнергетик потенциалидир.

**Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.** Давлат тузилиши – конституциявий монархия. Лихтенштейн тарихан икки кисмдан иборат: Оберланд, Юкори Лихтенштейн, маркази – Вадуц шахри ва Унтерланд, Куйи Лихтенштейн, маркази – Шелленберг шахри. Лихтенштейн 1866 йилдан бери мустакил давлат. Миллий байрами – амалдаги князнинг туғилган куни. Давлат бошлиги – князь, ижрои ҳокимиятни ҳукумат – Бош вазир, унинг ўринбосари ва уч аъзо томонидан

амалга оширилади. Конун чиқарувчи ҳокимият князь ва парламент – Ландтаг томонидан амалга оширилади. Мамлакатда куйидаги сиёсий партиялар мавжуд: Тараккийпарвар бүргерлар партияси, Ватандошлар иттифоки, Эркин рӯйхат, Экология партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Мамлакат иқтисоди асосан енгил саноатнинг кичик корхоналари ва фермер хўжаликларига таяниб тараккий этади. Саноат тармоклари орасида ускунасозлик, металлга ишлов бериш, вакуум техникиси ишлаб чиқариш, электрон системалар ва микропроцессорлар ишлаб чиқариш соҳалари яхши ривожланган. Шунингдек, анъанавий саноат тармоклари, тўқимачилик, фармацевтика, кулолчилик буюмлари, тақинчоклар ишлаб чиқариш тараккий этган. Туризмдан ташкири коллекционерлар учун почта марказлари сотиш ҳам давлат хазинасига сезиларли маблағ келтиради. Тадбиркорлик фаолиятига паст соликларнинг жорий килиниши ва компанияларни рӯйхатдан ўтказишнинг осонлиги сабабли, Лихтенштейнда жуда кўплаб компанияларнинг идоралари очилди (бундай компаниялар умумий давлат даромадининг 30% ини беради). Мамлакат иқтисоди Швейцария иқтисоди билан узвий боғлиқ, шунинг учун аҳолининг яшаш даражаси Швейцариянинидан деярли фарқ кильмайди. 2010 йилда ЯИМ миқдори 5028 млн (аҳоли жон бошига – 122 100) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕИ мамлакатлари, Швейцария.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 18,5 км (Австриянинг федерал мурки), автомобиль йўллари – 32 293 км (хаммаси каттиқ копламали).

*Тарихи.* XVII асрда Шелленберг ва Вадуцин сотиг олган австрийлик Лихтенштейнлар оиласи 1719 йилнинг 15 августида князлик макомига эга бўлишган. Лихтенштейн князлиги 1808–1815 йилларда Рейн Иттифокига, 1815–1866 йилларда Германия иттифокига кирди. 1866 йилдан буён мустақил давлат ҳисобланади. 1919 йилга кадар Австрия, 1924 йилдан Швейцария билан умумий валюта ва божхона иттифокида. Лихтенштейннинг чет эллардаги дипломатия ва консуллик манбаатларини Швейцария ҳимоя қилади.

## ЛЮКСЕМБУРГ

*Расмий номи – Люксембург Буюк Герцоглиги. Пойтахти – Люксембург. Хўдуди – 2586 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 537 000 киши (2013). Давлат тили – немис, француз ва люксембург шеваси (франсик мозелан). Сигинувчиларнинг асосий қисми християн динининг католик мазҳабига эътиқод қиласиди. Пул бирлиги – евро.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Фарбий Европада жойлашган (Голландия ва Бельгия билан бирга Бенилюкс гурӯхига киради). Фарб ва шимолда – Бельгия (чегара узунлиги – 148 км), жанубда – Франция (73 км), шарқда – Германия (138 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги – 359 км.

Шимолда Арденн тог тизмаси жойлашган бўлиб, унинг юкори нуктаси – Бургплац тогидаги Люксембург чўккиси (баландиги 559 м). Колган худудлар сертепа текисликлардан (Гутланд) иборат. Йирик дарёси – Мозель ва унинг irmoғи – Зауер. Мамлакат бой темир руда конларига зга.

Иклими – мўтадил, континентал.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – конституциявий монархия. Герцогликнинг хозирги чегаралари 1839 йили ўрнатилган. Шувактдан бери Люксембург мустакил давлат хисобланади. 1867 йилги Лондон конференцияси Люксембургни суверен, бетараф давлат деб расман эълон килди. Миллий байрами – 23 июнь – Люксембург Буюк Герцогининг тугилган куни расмий байрам килинади. Давлат бошлиги – Люксембург Буюк Герцоги. Конун чикарувчи хокимият бир палатали парламент – Депутатлар палатаси томонидан амалга оширилади. Ижроия хокимиятини Буюк Герцог тайинлайдиган хукумат амалга оширади. Люксембургда Давлат кенгаши бор, унинг 21 аъзоси Буюк Герцог томонидан умрбод тайинланади. Сиёсий партиялари: Яшиллар алтернатив партияси, Христиан-ижтимоий партияси, Люксембург социалистик ишчи партияси, Демократик партия.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Мамлакат иқтисоди инфляциянинг пастлиги ва ишсизликнинг амалда йўклиги билан характерланади. Саноатнинг нисбатан тараккӣ этган соҳалари: металлургия, кимё, озиқ-овқат, ойна ва алюминий ишлаб чикиариш. Люксембург Гарбий Европанинг молиявий марказларидан бири. Бу ерда кўпгина банк ва компанияларнинг идоралари очилган. Кишлек хўжалиги оиласиди фермерлик фаолиятига асосланган бўлиб, улар юкори даражада механизациялашган. 2012 йилда ЯИМ микдори 55 287 млн (ахоли жон бошига – 107 206) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕИ мамлакатлари, АҚШ.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 271 км (243 км электрлаштирилган, автомобиль йўллари – 5108 км (5000 км – каттиқ копламали). Дарё порти – Мертерт.

*Тарихи.* М. а. I асрда кельтларнинг тревер қабиласи келиб жойлашган Люксембург, Буюк Карл империясининг Бельгия провинциясидаги Лотарингия таркибида кирган эди. Люксембург герцоглигига 1354 йили асос солинган. Герцоглик дастлаб Бургундлар, кейин Габсбурглар мулки бўлди, кейинроқ Нидерландия, Франциянинг таркибида кирди. 1815 йили Вена конгрессининг карорига кўра, Германияга берилган Люксембург Буюк герцогликка айлантирилди ва Голландия Кироли Гийон I га совға килинди. 1839 йили герцогликнинг хозирги чегаралари ўрнатилди, 1867 йилда эса Лондон конференцияси Люксембургнинг суверенитетини белгилади ва бетараф давлат деб эълон килинди. Шунга қарамасдан Люксембург худуди немис кўшинлари томонидан Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушларида оккупация килинди. 1946 йили Люксембург Голландия ва Бельгия билан божхона иттифокига кирди (Бенилюкс).

## МАВРИКИЙ

*Расмий номи – Маврикий Республикаси. Пойтахти – Порт-Луи. Ҳудуди – 2 045 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 1 288 000 киши (2010). Давлат тили – инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми ҳиндуййлик (50%), христиан (32,2%) ва ислом (16,1%) динларига зътиқод қиласди. Пул бирлиги – маврикий рупияси.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Маврикий Ҳинд океанининг ғарбий кисмida, Мадагаскар оролидан шарқда жойлашган. Маврикий ороли, Родригес ороли, Каргадос – Карабос ва Агалега ороллари, Чагос архипелагини ўз ичиға олади. Соҳиҳ бўйлаб чегара узунлиги – 177 км. Вулканлар отилиши натижасида вужудга келган тепаликлар бу оролларда кўп бўлиб, денгиз сатҳидан 826 м баландликда жойлашган. Юкори нуктаси – Питондела-Птийт-Ривере-Нуар. Кирғоклари маржонли коялар билан қопланган. Табиий ресурслари деярли йўқ. Ишлов бериладиган ерлар – 54%, ўрмон ва чангальзорлар 31% ни ташкил қиласди.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 5 шаҳар ва 9 округ (дистрикт)га бўлинган. Маврикий 1968 йилнинг 12 марта Буюк Британиядан мустакил бўлди. 1992 йил 12 март кунигача давлат бошлиги Буюк Британия кироличаси бўлиб келди. Унинг ҳокимиятини генерал-губернатор амалга оширар эди. 1992 йил 12 марта Маврикийда расмий равишда республика бошқаруви шакли жорий қилинди. 12 марта иккита миллӣй байрам – Мустакиллик куни ва Республика куни нишонланади. Ижроия ҳокимият президент (давлат бошлиги) ва бош вазир (хукумат бошлиги) томонидан, конун чиқарувчи ҳокимият эса бир палатали парламент – Миллӣй ассамблей томонидан амалга оширилади. Йирик сиёсий партиялари: Лейбористлар партияси, Маврикий ижтимоий-демократик партияси, Жанговар социалистик ҳаракат, Маврикий жанговар ҳаракати.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Иқтисодининг нисбатан муҳим тармоклари – шакар ишлаб чиқариш, тўқимачилик ва туризм ҳисобланади. Кейнинг йилларда кишлоп ҳўжалигининг бошқа соҳалари (тамаки, маккажӯҳори, картошка, шоли, маниоқ, банан етишиши) ривожланганлигига қарамасдан, шакаркамиш асосий экин ҳисобланади ва экспортдан келадиган фойданинг 40% ини ташкил қиласди. 2012 йилда ЯИМ миқдори 11 930 млн (аҳоли жон бошига – 8 850) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари – ЕИ мамлакатлари, АҚШ ва ЖАР.

Темир йўллари йўқ, автомобиль йўллари – 1 800 км. Асосий порти – Порт-Луи.

*Тарихи.* Маврикий 1505 йили португаллар томонидан очилган эди, бирок XVII асрдан голландлар бошқаруви остига ўтди. 1715 йили бу орол француз мустамлакасига айланди ва Иль-де-Франс деб аталди. 1810 йилда эса Буюк Бри-

тания томонидан босиб олинди. 1968 йилда мустакилликка эришган. Маврикий 1992 йили республика деб ўзлон қилинди.

## МАВРИТАНИЯ

*Расмий номи – Мавритания Ислом Республикаси. Пойтахти – Нуакшот. Ҳудуди – 1 030 700 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 3 622 900 киши (2012). Давлат тили – араб ва француз. Давлат дини – ислом. Пул бирлиги – угия.*

**Географик жойлашуви ва табиати.** Африка китъасининг шимоли-ғарбига жойлашган. Шарқда – Мали (чегара узунлиги – 2237 км), жанубда – Мали ва Сенегал (813 км), шимолда – Жазоир (463 км) ва Фарбий Саҳрои Кабир (1561 км) билан чегарадош. Куруқликдаги чегаралари узунлиги – 5074 км. Фарбда Атлантика океани билан туашган соҳили бўйлаб чегара узунлиги – 754 км. Мамлакат ҳудуди асосан пасттексисликлар ва унча баланд бўлмаган ясситогликтан иборат, шунингдек, Фарбий Саҳрои Кабирнинг кумлок ва тошлок чўллари билан тушиб кетган. Асосий табиий ресурслари: темир рудаси, мис, фосфоритлар, гипс.

Иклими – тропик, чўлли.

**Давлат тизилиши, сиёсий партиялари.** Давлат тизилиши – республика. Мамлакат губернаторлар бошчилигидаги 12 та маъмурий ҳудуд ва алоҳида пойтахт ҳудудидан иборат. Мавритания 1960 йилнинг 28 ноябринда мустакилликни тўлиқ қўлга кириптган (олдин – француз протекторати). Ушбу сана Мустакиллик куни – миллий байрам хисобланади. Қонунчилик ислом конунчилиги – шариатта асосланган. Давлат ва ҳукумат бошлиги – президент. Парламент икки палатадан – Сенат (юқори палата) ва Миллий йигин (кўйи палата)дан иборат. Йирик сиёсий партиялари: Республикачилар ижтимоий-демократик партияси ва Демократия ва бирлик йўлидаги бирлашма, Мавритания уйгониш партияси.

**Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.** Мавритания темир рудасининг катта захираларига эга. Бу мамлакат экспортининг ярмини ташкил қиласи. Тоғ-кон саноатидан ташкари нефтни қайта ишлаш ва тўқимачилик тармоклари ҳам яхши ривожланган. 2012 йилда ЯИМ микдори 4096 млн (аҳоли жон бошига – 1157) долларни ташкил этган. Асосий кишлоп хўжалик экинлари – хурмо, жӯхори, арахис (ер ёнғок), маккажӯхори, тамаки, шунингдек, чорвачилик яхши тараккий этган. Балик мамлакатнинг мухим экспорт маҳсулотларидан бири хисобланади. Мавританияга карашли сувларда бошқа давлатлар томонидан балик захираларининг доимий ўзлаштирилиши мамлакатнинг даромад манбаига путур етказмоқда. Тез-тез бўлиб турадиган курсоқчилик кишлоп хўжалигига зотта зарар етказади. Мухим савдо ҳамкорлари: ЕИ мамлакатлари, Япония, Жазоир, Хитой, АҚШ.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 670 км, автомобиль йўлларининг умумий узунлиги – 7525 км (1685 км – асфальтланган).

Портлари: Нуакшот, Нуадибу.

**Тарихи.** VIII–XI асрларда Мавританиянинг жанубий қисми Гарбий Африкадаги Гана, Текрур ва бошка давлатлар таркибида бўлган, мамлакат шимоли эса бербер кабилалари назоратида эди. XI–XII асрларда Мавритания Мали давлати таркибига кирди, XIV–XV асрларда эса араблар ҳукмронлиги остига ўтди. 1855 йилда мамлакат Франция томонидан оккупация килинди. 1904 йили Франция Мавританини ўз протекторати, 1920 йили эса мустамлакаси деб зълон килди. 1960 йили мустакилликка эришилгандан сўнг мамлакатда бир катор давлат тўнтиришлари (1917, 1980, 1984) ва 1989 йили Мавритания ва Сенегал жамоалари ўртасида этник қарама-қаршиликлар рўй берди. 1991 йилдан мамлакатда кўлпартияли тизимга ўтилди. Мавритания ташки сиёсатида блокларга кўшилмаслик, барча мамлакатлар билан ҳамкорлик тамоилига амал килади.

## МАДАГАСКАР

*Расмий номи – Мадагаскар Республикаси. Пойтахти – Антананариву. Худуди – 595 080 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 21 928 500 киши (2012). Давлат тили – малагаси ва француз. Сигинувчиларнинг асосий қисми мажусийликка (50%) ҳамда христиан (37%) ва ислом (5%) дингарига эътиқод қиласи. Пул бирлиги – ариари.*

**Географик жойлашуви ва табииати.** Ҳинд океанининг жануби-гарбий қисмida, Африканинг жануби-шарқий кирғогидан 400 км шарқдаги Мадагаскар ороли ва унга ёндош майда оролларда жойлашган давлат. Мадагаскар ороли Африканинг шарқий кирғокларидан Мозамбик бўғози билан ажралган бўлиб, катталиги жиҳатидан дунёда 4-ўринда турадиган оролдир. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 4828 км. Оролнинг бутун шарқий қисмida шимолдан жанубга караб вулкон ясситоглиги чўзилиб кетган бўлиб, унинг энг юкори қисми шимолда жойлашган Царатанана массивидир. Унда мамлакатнинг юкори нуқтаси Марумукутру тоги (2876 м) бор. Шарқий соҳил бўйлаб тор текислик ўтган. Оролнинг гарбida текислик ва пасттекисликлар мавжуд. Мамлакатнинг йирик дарёлари – Суфиа, Бешибука, Махавави, Мангукি, Унилахи. Энг катта кўли – Алаттра. Оролда никель, кобальт, графит конлари бор. Табиий ресурслар орасида балиқ ва денгиз маҳсулотлари кўпроқ аҳамиятга эга. Ишлов бериладиган ерлар умумий ерларнинг 4%, ўтлоқ ва яйловлар – 58%, ўрмон ва бутазорлар – 26% ини ташкил қиласи.

Иклими – тропик.

**Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.** Давлат тузилиши – республика. Мамлакат таркибида 6 та фаритани (провинция) бор. Мадагаскарнинг мустакил-

диги 1960 йилнинг 26 июнида эълон килинган (илгари Франция мустамлакаси бўлган). Бу сана миллий байрам сифатида нишонланади. Конунчиллик Франция фуқаролик хукукига асосланган. Ижроия хокимият президент (давлат бошлиги) ва Бosh вазирга (Вазирлар кенгashi раиси) тегиши. Конун чиқарувчи хокимият иккى палатали парламент – Сенат (юкори палата) ва Миллат мажлиси (кўйи палата) томонидан амалга оширилади. Асосий сиёсий партиялари: Мадагаскар мустакиллиги конгресси партияси, Мадагаскар мустакиллиги учун миллий харакат партияси, Мадагаскар тараккиёти учун харакат партияси, Вундзи партияси, Мадагаскар янгиланиш авангарди партияси, Фихонан партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Мадагаскар дунёнинг камбагал давлатларидан бири бўлиб, иқтисодида асосий сектор – аграп (баликлик ва ўрмончилик кўшилганда) сектор хисобланади. Бу тармоқ ЯИМнинг 40% ва экспортдан тушадиган валюта тушумининг 70% инни беради. Экспорт килинадиган асосий маҳсулотлари – каҳва ва ширинликлар. Саноат (ЯИМнинг 20%) кишлок хўжалик маҳсулотларини кайта ишлаш ва тўқимачилик билан чекланган. Саноатни ривожлантириш давлат томонидан таъминланади. Чет эл инвестицияси билан ишлаётган корхоналар, четдан келтириладиган асбоб-ускуналардан фойдаланиш давлатнинг қаттиқ назорати остида. 2012 йилда ЯИМ миқдори 10094 млн (аҳоли жон бошига – 451) долларни ташкил этган.

Асосий савдо ҳамкорлари: Франция, Япония, Россия, Германия, АҚШ.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 1020 км, автомобиль йўлларининг узунлиги – 40 000 км (4694 км – қаттиқ копламали йўллар).

Асосий портлари: Анцеранана, Махадзонга, Туамасина, Тулиара.

*Тарих.* XII асрда келиб чикиши индонезиялик ва африкалик бўлган ҳалклар Мадагаскарда жойлашишди ва бу ерда арабларнинг дастлабки шахар-колониялари пайдо бўлди. XIV–XV асрларда эса оролнинг марказий қисмида Имерин давлати вужудга келди. Оролни европаликлардан биринчи бўлиб 1500 йили португал сайёхи Диего Диас кашф этди. XVII асрда орол ҳудуди кўплаб майда князликларга бўлинниб кетган эди. XVIII асрда улар ягона Имерина кироллигига бирлашишди. Мадагаскар 1885 йили Франция протекторати, 1896 йили эса мустамлакасига айланди. 1958 йили ўз-ўзини бошқариш хукукини қўлга кириттан Мадагаскар, 1960 йили мустакил давлат бўлди. 1972 йили мамлакатда ҳарбий тўнтириш амалга оширилди, 1975 йили эса президент Д. Рацирака мамлакатни Мадагаскар Демократик Республикаси деб эълон килди. 1991 йили мамлакатда хукмрон авторитар тузумга карши чиқишилар бўлди, бирор улар шафқатсизларча бостирилди. 1992 йилдан Мадагаскар Республикаси деб аталди. 1991–2009 йилларда мамлакатда бир неча маротаба хукумат алмашди. 2009 йилнинг 20 марта Африка Иттифоқи Мадагаскардаги воқеаларни коралади ва унинг бу ташкилотга аъзолигини тўхтатди.

## МАЙОТТА

*Расмий номи – Майотта (Франциянинг деңгизорти депепартаменти). Маъмурий маркази – Мамудзу. Ҳудуди – 374 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 217 200 киши (2012). Тили – француз. Сигинувчиларнинг асосий қисми ислом динига эътиқод қиласади. Пул бирлиги – евро.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Мадагаскар ва Африка ўртасидаги Мозамбик бўғозида жойлашган. Майотта – Камар архипелагининг жануби-шаркида жойлашган орол. Майотта иккита катта ва тахминан 30 та майда ороллардан иборат. Ороллар юзасининг асосий қисми чуқур дараалар ва вулкон тоғ чўйкайларидан иборат. Энг юкори нуктаси – Бенара (660 м).

Иклими – тропик деңгиз иклими.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* Майотта Франциянинг деңгизорти департаменти хисобланади. Давлат бошлиги – Франция президенти. Ҳукумат бошлиги – Юқори кенгаш президенти (кенгаш аъзолари б йил муддатга сайланади).

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Майотта иқтисодида кишлек ҳўжалиги муҳим ўрин тутади. Давлат ўз аҳолисини кишлек ҳўжалиги маҳсулотлари билан тўла таъминлай олмайди. Майотта Франциянинг молиявий ёрдамига таянади. Четга ванил, иланг-иланг, долчин, кокос ёнғогининг мағзи экспорт қиласади. Четдан кимё саноати маҳсулотлари, машина ва жиҳозлар келтирилади. 2008 йилда ЯИМ микдори 954 млн (аҳоли жон бошига – 4770) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари – Франция, Камар ороллари, Африка ва Жанубий Осиё мамлакатлари.

*Тарихи.* 1841 йилда Майотта сultonи оролни Францияга бой берди ва шу пайтдан бошлаб Майотта француз империяси таркибига киритилди. 1946 йилда Камар ороллари деңгизорти ҳудуди макомини олди. 1974 йилда ўтказилган референдумда архипелагнинг учта ороли мустакиллик учун овоз берди, аммо Майотта Франция таркибida колишига карор килди. 2011 йил 31 марта Майотта Франциянинг 101-департаменти деб зълон килинди. Камар ороллари ҳукумати уларга ягона давлат тузиш имконияти берилмаганидан норози бўлди ва Франция ҳукуматини мустамлака сиёсати юритаётганликда айблади.

## МАКАО

*Расмий номи – Макао (Ломинь) Хитойининг маҳсус маъмурий ҳудуди. Маъмурий маркази – Макао. Ҳудуди – 28,6 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 542 200 киши (2010). Давлат тили – хитой ва португал. Сигинувчиларнинг асосий қисми буддавийлик (50%) ва христиан динининг католик (15%) мазҳабига эътиқод қиласади. Пул бирлиги – патака.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Ушбу собиқ португал мустамлакаси хозирги кунда Хитойнинг таркибий кисми хисобланади. Хитой билан чегара узунлиги – 0,34 км. Макао яриморолида жойлашган, Жанубий Хитой дengизи билан ўралган.

Иклими – субтропик.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Бошқарув тузилмалари Хитой ҳукумати бошқарув тузилмалари билан мувофикаштирилган. Иккита асосий сиёсий партияси мавжуд: Макао манфаатлари химояси Ассоциацияси ва Макао демократик маркази.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Иқтисодининг асосий соҳали – туризм (бунга казинолардан келадиган даромад ҳам киради) (ЯММ нинг 25% и) ва пиротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш. 2010 йилда ЯИМ 23 208 млн (аҳоли жон бошига – 42 800) долларни ташкил килди. Асосий савдо ҳамкорлари: (Хитой Макаони озиқ-овқат, чучук сув ва электрэнергия билан таъминлайди), АҚШ, Япония ва Гонконг.

Темир йўллари йўқ. Битта автомобиль йўли ва битта кўпrik бор. Порти – Макао.

*Тарихи.* Макао шаҳрига 1557 йилда асос солинган. 1987 йил шартномасига биноан Макао 1999 йилнинг 20 декабряда Португалия тасарруфидан Хитойга ўтиши кўрсатилган эди. Кўшма декларацияда Хитой Макаонинг ижтимоий-иқтисодий тизимини Макао унинг юрисдикциясига ўтгандан кейин 50 йил давомида ўзгартирмаслик мажбуриятини ўз зинмасига олди.

## МАКЕДОНИЯ

*Расмий номи – Македония Республикаси. Пойтахти – Скопье. Ҳудуди – 25 713 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 2 062 300 киши (2013). Давлат тили – македон. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг православ (59%), католик (4%) ва протестант (1%) мазҳабларига ҳамда ислом (26%) динига эътиқод қилади. Пул бирлиги – денар.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Жанубий Европада, Болкон яриморолининг марказий қисмида жойлашган давлат. Жанубда – Греция (чегара узунлиги – 246 км), шарқда – Болгария (148 км), шимолда – Сербия ҳамда Черногория (221 км), гарбда – Албания (151 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги – 766 км. Ҳудуди тогли, тог массивлари чукурликлар билан алмашади. Кичик, лекин тезокар дарёлари кўп. Ирик дарёси – Вардар. Энг катта кўллари – Кисман мамлакат ҳудудида жойлашган Охрида ва Преспа. Асосий табиий ресурслари – кўргошин, рух, мис, темир рудаси.

Иклими – мўътадил-континентал. Үсимилик дунёси жуда бой. Македония тоглари бук, эман, қарағай ўрмонлари билан колланган.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. 1991 йилнинг 20 нояброда Македония Югославиянинг парчаланиши натижасида мустакилликка эришди. Давлат бошлиги – президент. Ижроия ҳокимият – раис ва вазирлардан иборат. Конун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент – Мажлис томонидан амалга оширилади. Сиёсий партиялари: Умуммакедония инқилобий ташкилоти, Македония миллий бирлиги демократик партияси, Ижтимоий-демократик иттифоқ, Демократик тараккиёт партияси, Миллий демократик партия, Албанлар демократик партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Республикага нефть ва газ, шунингдек, замонавий машина ускуналари ва эхтиёт кисмлари четдан келтирилади. Саноатда кўмир, кўргозин, рух, темир ва никель рудаларини қазиб олиш ва кайта ишлаш соҳалари нисбатан ривожланган. Кишлоп хўжалигининг ривожланганлик даражаси (ЯИМ – 12%) мамлакатнинг озик-овқатга бўлган талабини қондириш имконини беради. Асосий кишлоп хўжалик экинлари – буғдои, маккаждӯхори, мевалар, сабзавотлар ва тамаки. 2012 йил ЯИМ миқдори 10 198 млн (ахоли жон бошига – 4683) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Сербия, Черногория, Хорватия, Словения, Босния-Герцеговина, Германия, Греция, Албания.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги – 10 591 км.

*Тарихи.* М. а. VIII асрда Пердикка I ҳозирги Македония худудида Биринчи македон кироллигини ташкил этди. Бу давлат м. а. 513 йили форс подшоси Доро I томонидан босиб олинган. М. а. 479 йили Александр I форсларни жангда енгигб, мамлакат мустакиллигини тиклади. Мамлакатда м. а. 359 йили абсолют монархия ўрнаттан Филипп II даврида бутун Греция босиб олинди. Буюк Александр м. а. 334–323 йилларда Македония худудларини форслар ва бошқа давлатлар хисобига кенгайтириб, улкан империя тузди. Александр Македонский империяси кулаганидан сўнг мамлакатни м. а. 148 йилга қадар антигонидлар сулоласи бошкарди, м. а. 148 йили эса Македония Рим провинцияларидан бирига айланди. 345 йили Византия империясининг бир кисмига айланган Македония варварлар ҳужумига тез-тез дучор бўларди. VI асрдан бошлаб ҳозирги Македония худудига славян кабилаларининг кириб келиши, шунингдек, IX–X асрларда Болгарияга қарамлик Македония этник таркибини сезиларли даражада ўзгаришига олиб келди. 1371 йили Македония Сербия ва Греция таъсир доираларига бўлинди, сўнг турклар томонидан босиб олинди ва 1913 йилга қадар Усмонийлар империяси ҳукмронлиги остида колиб кетди. Иккинчи Болкон урушидан сўнг Бухарест шартномасига кўра Македония худудлари Болгария, Греция ва Сербия ўтасида бўлиб олинди. 1918 йилдан Сербия кироллиги таркибида Серблар, хорватлар ва словенлар кироллиги (1929 йилдан бошлаб Югославия) таркибида кирган Вардар Македонияси Иккинчи жаҳон уруши пайтида Болгария томонидан аннексия килинди. Озод килинганидан сўнг Халқ республикаси сифатида

Югославия таркибига кирди. 1963 йилдан ЮСФР таркибидаги социалистик республика бўлган Македония, 1991 йил 17 ноябрда ўз мустакиллигини зълон килди.

2001 йил март-август ойларида албан кочоқларининг миллий озодлик армияси Македониянинг мунтазам армиясига қарши мамлакат шимоли ва гарбида ҳарбий-партизан ҳаракатларини бошлаб юборди. Қарама-қаршиликлар фокат НАТО қўшинлари киритилганидан кейингина бархам топди. Албан сепаратистлари ва Македония ҳукумати ўртасидаги Охрид келишувига кўра албанлар яшайдиган ҳудудга ҳуқукий ва маданий автономия берилди.

## МАЛАВИ

*Расмий номи – Малави Республикаси. Пойтахти – Лилонгве. Ҳудуди – 11848 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 15 882 800 киши (2012). Давлат тили – чичева (нъянж) ва инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан (40%) ва ислом (15%) динларига зътиқод қиласди, қолганлари мажусийлар. Пул бирлиги – малави квачаси.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Африка қитъасининг жануби-шарқида жойлашган давлат. Жануб ва жануби-шарқда – Мозамбик (чегара узунлиги – 1569 км), гарбда – Замбия (837 км), шимолда – Танзания (475 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги – 2881 км. Шарқда Танзания ва Мозамбик билан бўлган чегара Нъяса кўли орқали ўтган. Мамлакатнинг катта қисми ўртacha баландлиги 1000–1500 м бўлган ясситоғлардан иборат. Мамлакатнинг энг юкори нуктаси – Мулонже тоги (3002 м). Мамлакатнинг йирик дарёси – Шире. Энг йирик кўли – Нъяса (қисман Малавига киради). Фойдали казилмалардан темир рудаси, мармар, кўмир, бокситлар кўпроқ учрайди.

Иклими – экваториал муссонли.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат ўз навбатида округларга бўлинадиган учта провинциядан (Шимолий, Марказий ва Жанубий) иборат. 1964 йили Малави (олдинги номи – Нъясаленд, Буюк Британия мустамлакаси) ўз мустакиллигини зълон килди. 1966 йили эса Малави Республикаси зълон килинди. 6 июль – мамлакатнинг миллий байрами (Мустакиллик куни) ҳисобланади. Давлат ва ҳукумат бошлиги – президент. Конун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент – Миллий мажлис томонидан амалга оширилади. Йирик сиёсий партиялари: Малави конгресси партияси, Бирлашган демократик фронт.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Малави дунёнинг иктисади нисбатан суст ривожланган давлатларидан бири бўлиб, аграр секторга (кишлек ҳўжалиги ЯИМнинг 40% ва экспорт даромадининг 90% ини тъминлайди) асосланган. Асосий қишлоқ ҳўжалик экинлари – тамаки, шакарқамиш, пахта,

чой, майиз, ёнгок, шоли хисобланади (тамаки, чой ва шакар кишлок хўжалиги маҳсулотларининг 82% ини ташкил этади). 2012 йилда ЯИМ миқдори 4490 млн (аҳоли жон бошига – 253) долларни ташкил этган. Чорвачиликнинг асосий соҳаси – кўйчилик. Ҳамкорлари: ЖАР, АҚШ, Буюк Британия, Япония.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 789 км, автомобиль йўллари – 13 135 км (2364 км – асфальтланган), ички сув йўллари – 150 км.

**Тарихи.** XV аср охиirlарида хозирги Малави худудида Нъяса кўли атрофида Малави кироллиги ташкил топди. XVII асрда мамлакатга дастлаб европаликлар (португаллар) кириб кела бошлади. Лекин мамлакатни мустамлакага айлантириш 1859 йили инглиз саёчатчиси Ливингстон келганидан кейин бошланди. 1891 йили мамлакат Нъясаленд номи билан Буюк Британия протекторати деб зълон килинди. 1953 йили Нъясаленд Родезия ва Нъясаленд Федерацияси таркибига кирди. Бирок, мамлакатда мустакиллик учун 1959 йилда бошланган ҳаракат, 1963 йили мамлакатни Федерация таркибидан чикишга олиб келди. Шу йилнинг ўзида Нъясаленд ўз-ўзини бошқариш ҳукукини олди, 1964 йилнинг 6 июлида эса Малави номи билан Буюк Британия Ҳамдустлиги таркибидаги мустакил давлат деб зълон килинди. 1966 йилдан – Малави Республикаси. 1994 йил 17 майда мамлакат тарихида биринчи марта кўппартияйилик асосида президент ва парламент сайловлари ўтказилди.

## МАЛАЙЗИЯ

*Расмий номи – Малайзия. Пойтахти – Куала-Лумпур. Худуди – 332,8 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 29 577 000 киши (2012). Давлат тити – малай. Давлат дини – ислом (60,4%), шунингдек, буддавийлик (19,2%), конфуцийлик, ҳиндуйлик (6,3%), таоизм, христиан (9,1%) динларига эътиқод қилинади. Пуш бирлиги – ринггит.*

**Географик жойлашуви ва табиати.** Жануби-Шаркий Осиё давлати бўлиб, Малакка яриморолининг жанубида (Фарбий Малайзия) ва Калимантан оролининг шимолий қисмида (Шаркий Малайзия) жойлашган. Шаркий Малайзия ғарб ва жанубда – Индонезия (чегара узунлиги – 1782 км), шимолда – Бруней (381 км) билан чегарадош, Фарбий Малайзия эса шимолда Тайланд (506 км) билан чегарадош. Курукликтаги чегаралари узунлиги – 2669 км. Шимолий худудлари – Жанубий Хитой денгизи, шимоли-шарки – Сулу денгизи, шарки – Сулавеси денгизи билан тулашиб кетган. Мамлакатнинг Малакка яриморолидаги худудида ўзаро параллел жойлашган тог тизмалари ва кўп сонли водийлар бор. Калимантан оролида ҳам унча баланд бўлмаган тепаликлар ва тоғлар кўп. Бу ерда мамлакатнинг энг баланд нуктаси Кинабалу (4101 м) тоги жойлашган. Қирғоқ бўйлаб текисликлар мавжуд. Мамлакат қиска, лекин серсув дарёларга бой. Йирик дарёлари – Паханг, Ражанг, Кинабантанг. Малайзияда кўргошин ва вольфрам-

нинг йирик конлари бор. Бошқа табиий ресурслардан мамлакатда нефть, мис ва темир рудаси, табиий газ, ёғоч, каучук, ёғ дараҳтлари кўп.

**Иклими – экваториал.**

**Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.** Давлат тузилиши – федератив, бошқаруви – конституциявий монархия. Мамлакат таркибига 13 та штат ва 2 та федерал ҳудуд (Куала-Лумпур ва Лубуан ороли) киради. Малайзия мустакиллиги 1957 йилнинг 31 августидаги эълон килинган (миллий байрам – Малайзиянинг мустакиллик куни). Конунчилик инглиз умумий хукукига асосланган. Давлат бошлиги – олий хукмдор (подшоҳ), у тўккиз малайз штати сultonлари кенгашида яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатта сайланади. Ижроия хокимият Боз вазир бошчилигидаги Вазирлар махкамасига тегишили. Подшоҳ асосан давлатнинг вакиллик функцияларини бажаради. Конун чикарувчи хокимият иккι палатали парламент – Сенат ва куйи палата – Вакиллар палатаси томонидан амалга оширилади. Йирик сиёсий партиялари: Умуммалайзия Ислом партияси, Малайзия хинд конгресси, Малайзия – Хитой ассоциацияси, Малайзия бирлашган миллий ташкилоти, Демократик ҳаракат партияси, Миллий фронт.

**Иктисоли, транспорт коммуникациялари.** Чет эл инвестицияларининг кўплаб киритилиши, айниқса, япон ва Тайвань фирмаларининг ёрдамида Малайзия иктисоли юкори суръатлар билан (мамлакат яримутказгичли ускуналар ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда учинчи ўринга чиқиб олди) ривожланди. Мамлакат иктисолиётининг энг муҳим тармоғи каучук ишлаб чиқаришdir. Нефтни кайта ишлаш, кимё, тўқимачилик, ёғочни кайта ишлаш, металлургия каби саноат соҳалари (мамлакат дунёда йирик кўргошин ишлаб чиқарувчи хисобланади), шунингдек, машинасозлик ривожланган. Экспортининг катта кисмини нефть ва нефть маҳсулотлари ташкил қиласди. Газ, темир рудаси, мис концентрати, кўргошин қазиб олинади. Қишлоқ хўжалигига каучук ва пальма ёғи (муҳим экспорт маҳсулотларидан бири), какао, кокос ёнғоги, шакарқамиш, ананас, калампир етиштирилади, бироқ мамлакат ўзини ўзи озиқ-овқат билан таъминлайди ва қишлоқ ахолисининг кўпчилиги кашшок хисобланади. 2012 йилда ЯИМ микдори 307 178 млн (ахоли жон бошига – 10 304) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Сингапур, Япония, АҚШ.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 1800 км, автомобиль йўллари – 39 100 км. Мамлакат портлари: Жоржтаун, Келанг, Куантон, Кота-Кикабалу, Кучинг, Мири, Сондакон, Сибу.

**Тарихи.** Хозирги малайзияликларнинг аждодлари бу ерга м. а. 2500 ва м. а. 1000 йиллар оралигига Хитойнинг жанубидан кўчиб келишган. VII асрда мамлакат ҳудудида давлат тузилган бўлиб, бу давлат XIV асргача Шривиҗай империяси таркибига бўлиб келди. 1403 йили бутун Малайзия ерларини бирлаштирган Малакка сultonлиги вужудга келди. 1511 йили Малайзия Аль-фонсо де Албукерке бошчилигидаги португаллар томонидан ишғол килинди.

XVI–XVIII асрлар давомида европалик мустамлакачилар (1641 йили португаллар ўрнини голландлар, 1824 йили эса бу ерни инглизлар эгаллаб олишди) күшни Жохор ва Аче давлатларига қарши муваффакиятли кураш олиб боришиди. 1914 йили барча Малайя давлатлари Буюк Британия ҳомийлиги остига тушди. 1941–1945 йилларда Малайзия япон қўшинлари томонидан оккупация килинди, лекин урушдан сўнг яна Британия протекторатига айланди. 1948 йилда тузилган Малайзия федерацияси 1956 йили муҳториятга эришди, 1957 йилнинг 31 августида эса Британия Ҳамдўстлиги таркибида мустакиллик олди. 1963 йили Малайзия Федерацияси тузилган бўлиб, унга Малайя, Сингапур, Сарвак, Сабах ва Шимолий Борнео кирган эди. 1965 йилда иқтисодий ва сиёсий қарама-каршиликлар юзага келганлиги сабабли, Сингапур федерация таркибидан чиқиб кетди.

## МАЛИ

*Расмий номи – Мали Республикаси. Пойтахти – Бамако. Ҳудуди – 1 240 142 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 14 517 176 киши (2009). Давлат тили – француз. Сигинувчиларнинг асосий қисми ислом (70%), христиан (5%) динларига ҳамда мажусийликка эътиқод қиласиди. Пул бирлиги – африка франки.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Фарбий Африкада жойлашган давлат. Гарбда – Мавритания (чегара узунлиги – 2237 км) ва Сенегал (419 км), шимоли-шарқда – Жазоир (1376 км), шарқда – Нигер (821 км), жанубда – Буркина-Фасо (1000 км), Гвинея (858 км) ва Кот-д'Ивуар (532 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги – 7243 км. Мамлакатнинг катта қисмини денгиз сатҳидан ўртача 500–600 м баландликда бўлган текисликлар эгаллаган. Шимолда Сахрои Кабирнинг тошлок ҳудудлари жойлашган. Жануби-гарб, жануб ва шарқда Бамбуа, Мондинг, шунингдек, энг юкори баландлиги 1155 м бўлган Хамбори тоглари жойлашган. Энг йирик дарёси – Нигер. Мамлакат фойдали казилмалардан олтин, фосфат, уран, темир рудаси, боксит, марганец, литий ва кўргошинга жуда бой.

Иклими – тропик континентал, иссиқ ва куруқ, чекка жануби эса субэкваторијал.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 1960 йилнинг 22 сентяброда Франциядан мустакилликка эришган (олдинги номи – Француз Судани). Мустакиллик куни – Миллий байрам сифатида нишонланади. Конунчилик француз фуқаролик ҳукукига асосланган. Ижроия хокимият президентга (давлат бошлиги) ва Бош вазир бошчилигидаги ҳукуматга тегишли. Конун чикарувчи хокимият эса бир палатали парламент – Миллий мажлис томонидан амалга оширилади. Сиёсий партиялари – Малида

демократия учун альянс – Панафрика озодлик, бирдамлик ва адолат партияси, Малида тараккиёт ва тикланиш партияси, Демократия ва ривожланиш партияси, Демократик ташаббус миллий конгресси партияси, Судан иттифоқи – Африка бирлашмаси партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Мали дунёнинг кашшок давлатларидан бири. Ишлаб чиқариш кишилкоти хўжалик маҳсулотларини кайта ишлаш корхоналари ва олтин, фосфоритлар кизиб олиш билан чегараланган. Кишилкоти хўжалиги ЯИМнинг 50% ини таъминлайди. 2012 йилда ЯИМ миқдори 9603 млн (аҳоли жон бошига – 631) долларни ташкил этган. Асосий экинлари – тарик, жўхори, маккажўхори, шоли, маниок, ананас, манго, папайя (ковун дарахти), цитрус экинлари, шакарқамиш, тамаки, ёнғок, пахта. Фермер хўжаликлари асосан Нигер дарёси буйларида жойлашган. Мали – Гарбий Африканинг энг йирик чорвардор мамлакатларидан бири ҳисобланади.

*Тарихи.* Мали қироллиги XI асрда вужудга келган. XIII асрда Малини Гана қироллиги тушкунликка учратди ва у Сонгай империяси таъсирига тушиб колди. 1591 йили мамлакат Марокаш боскани натижасида бир неча майда бўлакларга бўлиниб кетди. XIX аср охирида ҳозирги Мали худудлари Франция мустамлакасига айлантирилди ва 1920 йили Француз Судани таркибига кирди. 1959 йили бирлашган Сенегал ва Мали Федерацияси Судан Республикаси таркибига кирди. 1960 йилда уларнинг мустакиллиги эълон килинди. Федерация тарқалганидан сўнг 1960 йилнинг сентяброда собик Француз Судани мустакил Мали давлати номини олди. 1968 йили давлат тўнтариши оқибатида ҳокимият тепасига ҳарбийлар келишди, 1969 йили Траоре президентликни эгаллади, у 1991 йил ўз вазифасидан олиб ташланди. 1985 йилда Буркина-Фасо билан чегара урушари бўлиб ўтди. 1992 йили мамлакатда эркин президент сайловлари бўлиб ўтди ва ўнда Конари давлат бошлиғи этиб сайланди. 2006 йил 23 майда тауареглар Жаизори чегараси яқинидаги иккита ҳарбий базани эгаллаб олишди.

## МАЛЬДИВ

*Расмий номи – Мальдив Республикаси. Пойтахти – Мале. Ҳудуди – 298 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 324 300 киши (2012). Давлат тили – мальдив (дивехи). Давлат дини – ислом. Пул бирлиги – руфия.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Осиёнинг жанубида, Хинд океанининг шимоли-гарбий қисмидаги 2000 та маржон оролларда жойлашган давлат (бу ороллардан 112 таси ўзлаштирилган). Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 644 км. Асосий табиий ресурси – балик.

Иклими: жануби – экваторијал муссонли, шимоли эса субэкваторијал муссонли. Ўсимлик дунёси кокос пальмалари ва бананлардан иборат.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. 1965 йилнинг 26 июлида Мальдив мустакилликка эришган (илгари – Буюк Британия протекторати бўлган), 1968 йили эса референдум ўтказиш йўли билан Мальдив республика деб ёълон килинган. 26 июль – Миллий байрам (мустакиллик куни) хисобланади. Давлат ва хукумат бошлиги – президент. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент – Мажлис томонидан амалга оширилади. Сиёсий партиялари ва касаба уошмалари йўк.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Иқтисодининг асоси балиқчилик (бу соҳада ишга ярокли аҳолининг 80% и банд, баликчилик умумий экспортнинг 60% ини ташкил килади) ва туризм. Кейинги пайтларда туризм соҳаси иқтисодининг муҳим ва тез ривожланаётган сектори бўлиб колди. Кишлоқ ҳўжалиги мамлакатнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжининг 10% ини таъминлайди. 2012 йилда ЯИМ миқдори 1978 млн (аҳоли жон бошига – 6675) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Тайланд, Шри-Ланка, Фарбий Европа мамлакатлари, Япония.

Темир йўллари йўқ, мамлакат пойтахти Мале шаҳрида 9,6 км асфальтланган автомобиль йўллари бор. Мамлакатнинг асосий порти: Мале.

*Тарихи.* 1834 йили кашф этилган Мальдив оролларида мусулмон сultonлиги ташкил топди, унинг устидан эса 1887 йили Буюк Британия протекторати ўрнатилди. 1965 йили мустакиллик олган Мальдив ороллари, 1968 йили республика деб ёълон килинди. 1978–2004 йилларда президент Маъмун Абдул Қаюм мамлакатни 6 маротаба 5 йилдан узлуксиз бошкарди. 2008 йил октябрида биринчи маротаба умумхалк овоз бериш йўли билан мамлакат президенти (Муҳаммад Нашид) сайланди.

## МАЛЬТА

*Расмий номи – Мальта Республикаси. Пойтахти – Валлетта. Худуди – 396 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 517 500 киши (2012). Давлат тили – мальта ва инглиз. Давлат дини – христиан динининг католик мазҳаби. Пул бирлиги – евро.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Европанинг жанубида, Ўрта Ер денгизидаги Сицилиянинг жанубидаги ороллар (Мальта, Гоцо, Коминотто, Комино, Филфла)да жойлашган давлат. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 140 км. Мамлакатнинг катта кисми оҳактош ясситоглигидан иборат. Қирғокларида паст коялар, кўп сонли соҳилбўйн кияликлари мавжуд. Мамлакат кўп сонли кўрфазлар ва жуда кулаг бўғозларга эга. Табиий ресурсларга бой эмас (оҳактош, ош тузи). Ишлов бериладиган ерлар мамлакатнинг 38% худудини эгаллайди.

Иклими – Ўрта Ер дengизига хос: кишда намгарчилик, ёзда иссик ва курук.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мальта 1964 йилнинг 21 сентябринда мустакилликка эришиди, бироқ 1979 йил-152

га кадар инглиз қўшинлари мамлакатда саклаб турилди. Конунчиллик умумий инглиз ҳукукига асосланган. Миллий байрамлари: 21 сентябрь – Мустакиллик куни, 13 декабрь – Республика куни, 8 сентябрь – Галаба куни, 31 март – Озодлик куни, 7 июнь – Дин йўлида захмат чекканлар куни. Ижрони ҳокимият президентга (давлат бошлиғи) ва бош вазир бошлигидаги ҳукуматга тегишила.

Асосий сиёсий партиялари: Миллатчи партия, Лейбористлар партияси, Мальта коммунистик партияси, Мальта демократик партияси, Демократик альтернатива партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Табиий ресурсларнинг етиш-маслиги Мальтанинг қулай географик жойлашуви ва юкори малакали ишчи кучларининг мавжудлиги билан копланади. Ҳужаликнинг асосий тармоқлари – транзит-транспорт операциялари, чет эл туризми. Саноатнинг яхши ривожланган тармоқлари (ишлаб чиқариш ЯИМнинг 20%ини ташкил этади): кемасозлик, кема таъмирлаш, тўқимачилик, тикувчилик, пойабзал ишлаб чиқариш, электротехника, озиқ-овқат ишлаб чиқариш, шунингдек, мамлакат иқтисодида оқактош қазиб олиш муҳим ўрин тутади. Кишлек ҳўжалигига (ЯИМнинг 4,1%и) майда дехкон ҳўжаликлари кўп, уларнинг асосий йўналишлари – ерга ишлов бериш (донли экинлар ва сабзвотлар етиштирилади), узумчилик, мевачилик, гулчилик. Четдан озиқ-овқат, ёқилғи, кимё маҳсулотлари келтирилади. Мальтанинг ўзида ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари эҳтиёжнинг 20%ини коплайди. Мальта даромадининг муҳим манбаларидан бири чет эл туризми хисобланади. 2012 йилда ЯИМ микдори 8415 млн (аҳоли жон бошига – 20852) долларни ташкил этган.

Асосий савдо ҳамкорлари: Германия, Буюк Британия, Италия.

Темир йўллари йўқ, автомобиль йўлларининг умумий узунлиги – 1291 км (1180 км – асфальтланган). Мамлакатнинг асосий порти – Валлетта.

*Тарихи.* Антик даврдаёк муҳим стратегик минтакада жойлашган Мальта, м. а. IX асрда финикийлар, м. а. VII асрда эса грекларга тегишила бўлган. Мальта Карфагенга м. а. VI асрдан қарам бўлган бўлса, м. а. 218 йили Пуни урушлари вактида римликлар томонидан босиб олинди. Рим империяси кулаганидан сўнг Мальта вандаллар томонидан, кейин остготлар томонидан босиб олинди, 533 йили эса Византия империяси таркибига кирди. 869 йили орол араблар томонидан ишғол килинди, XI асрда Мальтани Сицилияга кўшиб юборган норманилар қўлига ўтди. XVI асрда Мальтани Иоаннитлар ордени (Мальта ордени) рицарларига беришди. 1680 йилдан бошлиб оролда французлар таъсири ошди, XVIII асрда Мальта Франциянинг Ўрта Ер денизидаги муҳим молиявий марказига айланди. 1798 йилда Наполеон Бонапарт оролни босиб олди, бирор 1800 йили Мальта инглизлар қўлига ўтди. Буюк Британия мустамлакаси бўлган Мальта Иккинчи жаҳон урушида немис ва итальян харбий ҳаво кучлари томонидан каттиқ бомбардимон килинди, бирор орол аҳолиси таслим бўлмади ва 1943 йили

иттифокчи күшинларнинг Сицилияга туширилишида плацдарм вазифасини ўтади. 1964 йилда мустакилликка эришган Мальта, 1974 йили республика деб зълов қилинди, лекин инглиз кўшинлари бу ерда 1979 йилга қадар ушлаб турилди.

## МАРКАЗИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИ

*Расмий номи – Марказий Африка Республикаси. Пойтахти – Банги. Худуди – 623 000 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 4 575 600 киши (2012). Давлат тили – француз ва санго. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик (25%) ва протестант (25%) мазҳабларига, мажсусийликка (24%) ҳамда ислам динига (15%) эътиқод қиласди. Пул бирлиги – африка франки.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Африканинг марказий кисмидаги жойлашган давлат. Жанубда – Конго Демократик Республикаси (чегара узунлиги – 1577 км) ва Конго (467 км), шимолда – Чад (1197 км), шаркда – Судан (1165 км), гарбда – Камерун (797 км) билан чегара дош. Чегарасининг умумий узунлиги – 5203 км. Мамлакат худудининг катта кисмини Абурасейн ясситоғлиги ва кенг водийлар эгаллаган. Энг баланд нуктаси – Нгая тоги (1388 м). Шимолида боткоқли текисликлар мавжуд. Асосий дарёлари – Убанги, Санга. МАРда олмос, олтин, уран, нефть конлари бор. Ишлов бериладиган ерлар мамлакат худудининг 3%, ўрмон ва бутазорлар 64% ини ташкил этади.

*Иклими –* субэкваториал, муссонли. Саванналаридаги пишлок дарахти, тамаринт, карите, барабасса пальмаси каби дарахтлар ва турли ўсимликлар ўсади. Ўрмонларнинг киммат баҳо кора ва қизил дарахтлар ўсади. Фил, ёввойи ҳӯқиз, антилопа, гепард, коплон, арслон, жирафа, он ва кора каркидон, туйқуш, фламинго, маймунлар, чиябүрилар, тимсоҳ, каркаралар ҳайвонот оламини ташкил этади.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 16 та префектурага бўлинган. 1960 йилнинг 13 августида МАР Франциядан мустакилликка эришди (аввалги номи Марказий Африка Империяси), конунлари француз ҳукукига асосланган. Давлат бошлиги – президент. Президент бош вазир раҳбарлигидаги ҳукуматни тайинлади. Қонун чиқарувчи олий органи – Миллий мажлис (бир палатали парламент). Йирик сиёсий партиялари: Марказий Африка халқи озодлиги учун ҳаракат партияси, Марказий Африка демократик уюшмаси партияси, Демократия ва тараққиёт учун иттифоқ партияси, Демократия ва ривожланиш учун ҳаракат партияси, Марказий Африка Республикаси озодлиги учун ҳаракат партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* МАР Африканинг энг камбагал давлатларидан бири. Саноатининг энг муҳим тармоқлари: төғ-кон саноати (олмос умумий экспорт миқдорининг ярмидан кўпилин ташкил этади) ва ёғочни

кайта ишлаш (экспортининг чорак қисми) саноати. Мехнатта лайкатли ахолининг 66% банд бўлган қишлоқ хўжалиги ЯИМнинг 40% ини таъминлайди. Экспорт килинадиган мухим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари – пахта, каҳва, тамаки. МАР нинг иктиносидий тараққиётини суст ривожланган инфраструктура, малакали ишчиларнинг етишмаслиги ва хукуматнинг пухта ўйланмаган иктиносидий сиёсати тұтхатаби туради. 2012 йилда ЯИМ миқдори 2168 млн (ахоли жон бошига – 447) долларнри ташкил эттан. Асосий савдо ҳамкорлари: Франция, Бельгия, Италия, Япония, АҚШ, Жазоир.

Темир йўллари йўқ, автомобиль йўлларининг умумий узунлиги – 2200 км, ички сув йўллари – 800 км.

**Тарихи.** Ҳозирги МАР ҳудуди 1895 йилда Убанги-Шари номли Франция мустамлакаси деб эълон қилинади. 1958 йилда Француз Ҳамдустлиги доирасида мухториятта эга бўлган МАР, 1960 йилда мустакилликка эришади. 1966 йилда давлат тўнтариши натижасида ҳокимиятта генерал Бокасса келади. У 1976 йилда МАРни империя деб эълон қиласди. Ҳукмрон тузумга карши муҳолифатнинг кучайиши 1979 йилда Бокасса диктатурасининг кулашига ва республика ўрнатилишига олиб келади. 1981 йилда яна давлат тўнтариши бўлиб, ҳокимиятта генерал Колингба бошлиқ ҳарбий қўмита келади. 1992 йилда ҳарбийлар партиялар фаолиятини чеклаш тўғрисидаги карорни бекор килишиб. 1998 йилнинг февраль-март ойларида Бангти шаҳрида ўтказилган миллатлараро тутувлик масалаларига багишланган конференцияда мухим ҳужжатлар имзоланди.

## МАРОКАШ

*Расмий номи – Марокоши Подшоҳлиги. Пойтахти – Рабат. Ҳудуди – 446 550 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 32 922 000 киши (2013). Давлат тили – араб ва бербер. Давлат дини – ислом (98,7%). Пул бирлиги – марокоши дирҳами.*

**Географик жойлашуви ва табиати.** Шимоли-гарбий Африкада жойлашган давлат. Жануби-шарқ ва шарқда – Жазоир билан (чегара узунлиги – 1559 км), жанубда – Сахрои Кабир (443 км), шимолда – Испания (15,9) билан чегарадош. Куруклидаги чегаралари узунлиги – 2017,9 км. Мамлакат гарбда Атлантика океани, шимолда Ўрта Ер денгизи билан туташиб кетган. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 1835 км. Қирғоқбўйн текисликларининг эни 1600 км гача боради. Жануби-гарбдан жануби-шарқка караб бутун мамлакат бўйлаб тог тизмаси чўзилиб кетган. Бу тог тизмасига Эр-Риф, Ўрта Атлас, Юқори Атлас ва Антиатлас киради. Мамлакатнинг энг юкори нуктаси – Тубқол тоги (4165 м). Жануб ва жануби-шарқида қумлоп ва тошлок чўл – Сахрои Кабир жойлашган. Мулуя ва Себу дарёлари ёмғирли мавсумларда тўлиб окади. Асосий табиий ресурслари: фосфорит, темир рудаси, калайи, рух, кобальт, мис, қўмир, нефть,

марганец, балиқ, туз. Шудгор килинадиган ерлар умумий майдоннинг 18% ини, ўтлок ва яйловлар эса 28% ини ташкил килади.

Иклими – субтропик.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – конституциявий монархия. Мамлакат учта провинция (вилоят)га бўлинган. Улар ўз навбатида префектура, округ ва коммуналарга бўлинади. Марокаш 1956 йилнинг 2 марта мустақилликка эришган (илгари Франция мустамлакаси бўлган). Конунчилик ислом ҳукуки, француз ва испан фукаролик конунларига асосланган. Давлат бошлиги – подшоҳ. У бош вазир ва вазирларни тайинлайди. Конун чиқарувчи ҳокимият икки палатали парламент – Вакиллар палатаси ва Маслаҳатчилар палатаси томонидан амалга оширилади. Йирик сиёсий партиялари: Истиклол партияси, Халқ кучлари миллий иттифок партияси, Тараккиёт ва социализм партияси, Конституцион иттифок, Халқ ҳаракати партияси, Халқ миллий ҳаракати.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* XX асрнинг 90-йиллари бошида ЕИ мамлакатлари билан тўқимачилик маҳсулотлари савдосининг тикланиши, четдан келтирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларига нархларнинг туширилиши натижасида мамлакат иқтисоди барқарорлаша бошлади. Саноатнинг нисбатан тараккий этган соҳалари: фосфоритларни қазиб олиш ва қайта ишлаш (фосфоритларни ишлаб чиқариш бўйича дунёда иккинчи ўринда туради), озиқ-овқат, тўқимачилик, терига ишлов бериш. Марокаш олдида чет мамлакатлардан олинган катта миқдордаги ташки карзларидан ташкиари, юкори даражада ишсизлик, мамлакатнинг ташки иқтисодий омилга қарамлиги каби муҳим муаммолар туриди. 2012 йилда ЯИМ миқдори 97 173 (ахоли жон бошига – 2999) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕИ мамлакатлари, Ҳиндистон, Саудия Арабистони.

Асосий портлари: Касабланка, Танжер.

*Тарихи.* М. а. XII асрда ёкинги Марокаш ҳудудида дастлабки Финикия колониялари пайдо бўлган эди. М. а. V асрда мамлакатнинг соҳилбўйи кисмлари Карфаген таъсирига тушиб колди. М. а. I – милодий V асрларда Марокаш ҳудуди Кадимги Рим ҳукмронлиги остида бўлди. 429 йили мамлакат вандаллар томонидан босиб олинди, VI асрдан эса Византия империясининг бир кисмига айланди. Араблар Марокаш ҳудудига VII асрда кириб келишди, 868 йили эса арабларнинг идрисийлар сулоласи маҳаллий бербер қабилаларини ўз ҳукмронлиги остига бирлаштиришди. XI–XV асрларда ҳокимиятни берберларнинг алморавий ва алмоҳад сулолалари эгаллаб туришди. XV–XVI асрларда Марокашнинг бир кисми Португалия ва Испания томонидан босиб олинди. Европаликларга карши саодатийлар сулоласининг ёрқин вакилларидан бири Ахмад ал-Мансур (1578–1603) подшолиги даврида, айниқса, мувваффакиятли кураш олиб борилди. XVII асрда ҳокимиятга алаудийлар сулоласи келган. Алаудийлар сулоласининг таникли вакилларидан бири Исмоил мамлакатни бирлаштиришга, фитналарга

бархам беришга ва турклар хужумини кайтаришга муваффак бўлди. XIX асрда Марокаш худудига эгалик килиш учун Испания, Франция ва Буюк Британия давлатлари рақобат килишиди. 1912 йили эса мамлакатнинг катта кисми Франция протекторатига айланди, худуднинг бир кисми Испания бошқаруви остига ўтили. XX асрнинг 20-йилларida бошланган ва Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги кучайган миллий-озодлик харакати 1956 йилнинг 3 марта Марокашнинг мустакилликка эришишига олиб келди. Марокашнинг Испанияга тегишли кисми 1956 йилнинг 7 апрелида мустакилликка эришиди, бирок испанлар киррок бўйидаги бир нечта шахарлар устидан ўз назоратини саклаб колди. Мустакилликка эришганидан сўнг Марокашда турли ички қарама-каршиликлар ва давлат тўнтишига уринишлар бўлди. 1975 йили Марокаш Гарбий Сахрои Кабир давлатини босиб олди. Бирок хозирги кунга кадар Марокаш қўшинлари Гарбий Сахрои Кабирдаги Полисарио Фронти қўзғолончиларига карши тўхтовсиз кураш олиб бормоқда. 2004 йил июнь ойида Марокаш АҚШнинг НАТОга кирмаган бош иттифоқчиси мақомини олди.

## МАРТИНИКА

*Расмий номи – Мартиника (Францияниң дengизорти департаменти ва ревони). Маъмурий маркази – Фор-де-Франс. Худуди – 1100 км<sup>2</sup>. Aҳолиси – 396 400 киши (2009). Давлат тили – француз. Сиенуечиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – евро.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Мартиника Кариб дengизидаги Кичик Антиль ороллари архипелагида, Шимолий ва Жанубий Америка оралигига жойлашган. Пасттекисликлардан иборат водийда вулқонлар кўп. Фаол Монтань-Пеле вулкони 1851, 1902, 1930 йиллари харакатга келган.

Иклими – тропик, пассатли. Тез-тез довуллар бўлиб туради. Пальма, кизил дарахт, манго, папаротниклар ўсади. Турли-туман күшлар (тўтикуш, колибри), хашаротлар кўп.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Францияниң дengизорти департаменти. Давлат бошлиги – Франция президенти номидан – префект. Хукумат бошлиги – Бош кенгаш президенти. Мартиника 2 та округта бўлинади. Сиёсий партиялари: Франция партияларининг махаллий бўлнимлари – Республикани кўллаб-кувватлаш бирлашмаси, Франция социалистик партияси, Мартиника социалистик федерацияси, Мартиника коммунистик партияси, Мартиника кучи, Мартиника прогрессив партияси ва бошқалар.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Иктисолининг негизини кишлек хўжалиги ва туризм ташкил этади. Ром, шакар, полиграфия, тўкимачилик, нефтини кайта ишлаш корхоналари мавжуд. Шакарқамиш, аналас, ба-цемент, нефтини кайта ишлаш корхоналари мавжуд.

нан етиширилади. Чорвачилик ва балиқчилик ривожланган. 2010 йилда ЯИМ миқдори 6153 млн (аҳоли жон бошига – 14 500) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Франция, Германия, Италия, Буюк Британия, Гваделупа, Япония. Мартиникада Ламантен ҳалкаро аэропорти мавжуд.

**Тарихи.** 1493 йили Х. Колумб кариблар яшаётган бу оролни кашф килди. 1635 йилдан француузлар боскини бошланди. Улар маҳаллий хинду кабилаларини кириб ташлаб, оролга африкалик қулларни олиб киришди. 1762 ва 1794–1815 йиллар – инглиз мустамлакачилиги даври. 1848 йили қуллик бекор қилинган. 1946 йили Мартиника Франциянинг департаменти мақомини олди.

## МАРШАЛЛ ОРОЛЛАРИ

*Расмий номи – Маршалл Ороллари Республикаси. Пойтахти – Мажуро. Ҳудуди – 181,3 км<sup>2</sup>. (ҳаммаси бўлиб 34 та орол). Аҳолиси – 55 700 киши (2012). Давлат тили – маршалл ва инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг протестант мазҳабига эътиқод қиласиди. Пул бирлиги – АҚШ доллари.*

**Географик жойлашуви ва табиати.** Тинч океанининг ғарбий қисмидаги Микронезия архипелагида жойлашган давлат. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 370,4 км. Юзаси текис ороллар маржон рифларидан иборат. Асосий табиий ресурслари: фосфоритлар, денгиз маҳсулотлари.

Иклими – тропик, пассат-муссонли. Асосий ўсимликлари – кокос пальмалари, ёнгоклар. Мамлакатнинг ҳайвоноти дунёси бутун Микронезиядаги каби жуда камбагал ва асосан денгиз фаунасидир.

**Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.** Давлат тузилиши – республика, АҚШ билан «эркин уюшган» давлат. Маршалл ороллари 1991 йилнинг 21 октябрида мустакилликка эришган (илгари улар Тинч океани ороллар гурухи таркибига кирган бўлиб, БМТ тасарруфида АҚШ томонидан бошқарилган худудлар эди). Маршалл ороллари республика деб эълон қилинган кун 1 май – миллий байрам куни хисобланади. Давлат ва хукумат бошлиги – президент. Конун чиқарувчи хокимият икки палатали парламент (юкори палата – Нитижела ва куйи палата – Ироижлар кенгаши) томонидан амалга оширилади. Сиёсий партияси – Бирлашган демократик партия.

**Иқтисоди, транспорт каммуникациялари.** Иқтисодининг асосий тармоқлари – кишлов ҳўжалиги (кокос, томат, нон дарахти мевалари, қовун етишириш) ва туризм (чет эл валютаси киримининг асосий манбаи). Бу соҳада ишга ярокли аҳолининг 10% банд. Саноат балиқ ва копра (кокос ёнгогининг магзи) ни кайта ишлаш билан чегараланган. 2010 йилда ЯИМ миқдори 133 млн (аҳоли жон бошига – 2500) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ ва Япония.

Мамлакатнинг асосий порти – Мажуро.

**Тарихи.** Маршалл ороллари 1526 йили испанлар томонидан кашф килинган. 1788 йили капитан Маршалл, 1803 ва 1823 йилларда эса рус дентизчилари Кру-зенштерн ва Коцебулар ҳам оролларни ўрганишган. 1885–1886 йилларда ороллар Германия томонидан аннексия килинган. 1914 йилдан ороллар япон кўшиллари томонидан оккупация килинди, 1920 йилдан эса БМТ мандати асосида Япония бошкарган. Иккинчи жаҳон уруши йилларida ороллар уруш майдонига айланди, 1947 йилдан эса БМТ ҳомийлигига АҚШ бошкариб келди. Бикини АҚШнинг ядро куролларини синааб кўрадиган полигонларидан бири бўлган. 1979 йилда ўз-ўзини бошкариш хукукини олган Маршалл ороллари 1990 йили мустакил давлат деб ўзлон килинди.

## МЕКСИКА

*Расмий номи – Мексика Кўшима Штатлари. Пойтахти – Мехико. Худуди – 1958 201 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 116 901 700 киши (2012). Давлат тили – испан. Сиги-нувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – мексика песоси.*

**Географик жойлашуви ва табииати.** Шимолий Американинг жанубий қисмida жойлашган давлат. Шимол ва шарқда – АҚШ (чегара узулиги – 3141 км), жанубда – Гватемала (962 км) ва Белиз (250 км) билан чегарадош. Куруклиқдаги чегаралари узулиги – 4353 км. Фарбда Тинч океани, шарқда Караби дентизи ва Мексика кўрғази билан туташиб кетган. Соҳил бўйлаб чегара узулиги – 9330 км. Мамлакатнинг катта қисмини вулканлар фаолияти на-тижасида вужудга келган, ўртача 1000 м дан 2400 м гача бўлган баландликда-ги Шаркий Сьерра-Мадре, Фарбий Сьерра-Мадре ва Жанубий Сьерра-Мадре тогликлар эгалаган. Бу ерда Ситлальтепетль (5699 м), Попокатепетль (5452 м), Орисаба (5747 м) каби харакатдаги вулканлар ҳам бор. Ушбу регион сейсмик фаол худуд хисобланади. Мамлакат шарқида Юкатан яриморолида улкан киргок-бўйи текисликлари мавжуд. Мексиканинг гарбий худудлари Куйи Калифорния яриморолида жойлашган. Асосий дарёси – Рио-Браво-дель-Норте. Мексикада нефть, табиий газ, кумуш, тошкўмир, олтин, мис, кўргошин, рух конлари бор. Шудгор килинадиган ерлар мамлакат худудининг 12%, ўтлоқ ва яйловлар 39%, ўрмон ва чангалзорлар 24% ини ташкил этади.

Иқлими – шимолий қисми субтропик континентал, колган худудлари тропик минтакада жойлашган.

**Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.** Давлат тузилиши – федератив республика. Мамлакат таркибига 31 штат ва пойтахт федерал округи киради. Мексика 1810 йилнинг 16 сентябринда Испаниядан мустакилликка эришиди. Дав-

лат бошлиги – президент. Конун чиқарувчи ҳокимият икки палатали парламент – Миллий конгресс, ижроия ҳокимиятни президент амалга оширади. Йирик партиялари: Институцион-инкабий партия, Миллий-инкабий партия, Кардениста миллий янгиланиш фронти партияси, Мексика яшиллар экология партияси, Демократик инкабий партияси, Миллий ҳаракат партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Лотин Америкасида иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган мамлакатлардан бири. Ялпи ички маҳсулотда саноатниң улуши – 24,5%, кишлек, ўрмон хўжалиги ва балиқчиликнинг улуши – 9%. Саноатнинг нисбатан ривожланган соҳалари орасида – нефть, нефть кимёси (нефть ва нефть маҳсулотлари мамлакат экспортининг асосини ташкил қилади), машинасозлик (жумладан, автомобилсозлик), тоб-кон, металлургия, кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат ишлаб чиқариш тармоқлари бор. Қишлоқ хўжалигига буғдои ва шоли, қаҳва, пахта етишириш, чорвачилик ва балиқчилик яхши тараккий этган. 2012 йилда ЯИМ микдори 1 177 116 млн (аҳоли жон бошига – 10 247) долларни ташкил этган.

Асосий савдо ҳамкори: АҚШ.

Темир йўлларининг узумий узунлиги – 2680 км, автомобиль йўллари – 210 000 км, ички сув йўллари – 2900 км. Энг мухим портлари: Монсонильо, Сьюдад-Мадеро, Самено-Крус, Туспон.

*Тарихи.* Ҳозирги Мексика худудида м. а. 20 минг йилликдаёк архаик цивилизация мавжуд бўлган. М. а. 1400 йилдан м. а. 200 йилга қадар «ўрта цивилизация» даври давом этди. Бу даврда (м. а. I асрда) ольмекларнинг биринчى давлати шаклланди. IV асрда мамлакат худудида VII–VIII асрларда ўзининг гуллаб-ящнаган даврини бошидан кечирган майялар империяси пайдо бўлди. IX асрда тольтеклар цивилизацияси вужудга келди, бу эса X асрда майялар маданиятининг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатди. Натижада тольтеклар ва майяларнинг аралаш маданияти вужудга келди. XII асрда шимолдан келган чичимека қабилалари тольтекларни сикиб чиқара бошлиди, бироқ XIV асрда ацтек қабилалари уларнинг бу ердаги ҳукмронлигига чек қўйишиди. Ацтеклар махаллий қабилалар ўртасидаги келишмовчиликлардан фойдаланиб, ушбу минтакада кучли сиёсий мавқега эришдилар ва улкан империяни вужудга келтиришиди. Бу империя XV аср ўргаларидан 1521 йилга қадар гуллаб-ящнади. 1521 йили ацтеклар давлати Кортес бошчилигидаги испан мустамлакачилари томонидан босиб олинди. 1535 йили Мексика Янги Испаниянинг вице-қироллигига айланди. Шундай бўлса-да, мамлакатни мустамлакалаштириш хиндуларни кириб ташлаш, зўрлик билан христианлаштириш йўли орқали XVII аср охирига қадар давом этди. XIX аср бошларида мамлакатни мустамлакачилардан озод қилиш учун ҳаракат бошланди ва 1821 йили Мексика мустакилликка эришиди, 1824 йили эса республика деб эълон килинди. 1836 йили Мексикадан Техас ва Калифорния ажралиб чиқиб, ўзларини мустакил республика деб эълон қилишиди.

АҚШ билан уруш натижасида Мексика Рио-Гранда дарёсінан шимолдаги ерлар-ни бой берди. 1861 йили Харес хукумати томонидан ташки карзларни тұлаш-нинг тұхтатилиши натижасида, мамлакатта Буюк Британия, Испания ва Фран-шия күшинлари киритилди. 1862 йыл февралыда Англия ва Испания Харес билан келишув имзолащи. Бирок Франция Мексикадаги әрбий операцияларни давом эттиреди, натижада 1867 йили француздар күшинлари маглубиятта учради. Ижтимоий адолатсизлик ва хинду дәхқонларининг шафқатсиз эксплуатация килиниши халқ оммасыннинг инқилобий күтарилишига олиб келди. 1877 йылы мамлакатда инқилобий вазият вужудға келтән зди. Мексика инқилобидагы конли воқеалардан сүңг қабул килинган янги конституция, 1920–1924 йилларда сиёсий ўзғаришлар ва аграр ислоҳотлар ўтказиш имконини берди. 1928 йылдан бошлаб хокимиятни конституцион инқилобий партия эгаллаб келди. 1994 йили Мексика хукумати Чыяпас штатида сиёсий ислоҳотлар ўтказиш талаби билан чиккан Запатистлар озодлик армиясига карши кураш олиб борди. 2006 йили Мексикада «қактуслар инқилоби» юз берди.

## МИКРОНЕЗИЯ

*Расмий номи – Микронезия Федератив Штатлари. Пойтахты – Паликир. Худуди – 702 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 112 100 киши (2012). Давлат тили – инглиз. Сигинув-чиларнинг асосий қисми христиан динининг католик (50%) ва протестант (47%) мазҳабларига эътиқод қиласи. Пул бирлиги – АҚШ доллари.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Тинч океаниннинг гарбий қисмida, Ка-ролин оролларида жойлашган давлат. Ороллар геологик келиб чикишига күра бир хил эмас: баланд төгли ороллардан маржон атолларгача бор. Оролларнинг айримларида вулқонлар фаолияти давом этмоқда. Асосий табиий ресурслари: денгиз маҳсулотлари, ёғоч, фосфоритлар.

Иклими – архипелагнинг гарбий қисми экваториал, шарқида тропик пассат-муссонли.

Вулқонли ва маржон ороллар фаунаси бир-биридан фарқ қиласи. Вулқонли оролларнинг кирғокларида мангрулар, кокос пальмалари, бамбук ўсади. Маржон оролларида эса кокос пальмалари кўп.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – федератив рес-публика. АҚШ билан «Эркин үушган» давлат. Мамлакат таркибиға 4 та штат: Чуук, Коcраe, Понпей, Яплар киради. Микронезия 1991 йилнинг 17 сентябринде мустакил бўлган (илгари – БМТ тасарруфида, АҚШ бошқарувида бўлган Тинч оксан оролларининг бир қисми). Давлат ва хукумат бошлиги – президент. Қонун чиқарувчи хокимият бир палатали парламент – Микронезия федерал штатлари конгресси томонидан амалга оширилади.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Иқтисодининг асосий секторларидан бири – баликчилик. Бундан ташкари, Микронезия кирғокбўй экваторијасида балиқ овлаш ҳукукини берувчи лицензиялар сотишдан катта даромад олади. Хорижий сайёхлик ривожланган. Четта копра (кокос ёнгогининг мағзи), хунармандчилк буюмлари, балиқ, кокос ёғи экспорт килинади. 2010 йилда ЯИМ миқдори 354 млн(аҳоли жон бошига – 2200) долларни ташкил этган.

Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Япония, Австралия, Жанубий Корея.

Темир йўллари йўқ, асосий оролларда 39 км асфальтланган йўллар бор. Мамлакат портлари: Колония, Оқак, Трук, Текетик.

*Тарихи.* XVII асрда испанлар томонидан кашф этилган Каролин ороллари 1899 йили Германияга сотилган эди. 1919 йилдан 1945 йилга кадар ороллар мандат асосида Япония томонидан идора килинди. 1947 йилдан ҳозирги Микронезия БМТ тасарруфида бўлган АҚШ бошкарувидаги Тинч океан ороллари таркибига кирди. 1986 йили АҚШдан озод ассоциация макомини олган Микронезия 1991 йили ўз мустакиллигини ўзлон килди.

## МИСР

*Расмий номи – Миср Араб Республикаси. Пойтахти – Каҳира. Худуди – 1001 450 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 83 702 000 киши (2013). Давлат тили – араб. Давлат дини – ислам. Пул бирлиги – миср фунти.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Миср икки китъа: Африканинг шимоли-шарқи ва Осиёнинг жануби-ғарбида жойлашган давлат. Жанубда – Судан (1273 км), ғарба – Ливия (1115 км), шарқда – Исройл (266 км) ва Фаластин (11 км) билан чегарадош. Куруклиқдаги чегаралари узунлиги – 2665 км. Бундан ташкари шимолда Ўрта Ер денгизи, шарқда Кизил дениз билан туташиб кетган. Мисрнинг стратегик жihatдан кулай жойлашуви бутун Синай яриморолини назорат килиш имконини беради. Дунёнинг энг муҳим сув йўлларидан бири бўлган Сувайш канали ҳам Миср назорати остида. Мамлакат майдонининг 96% и чўллардан иборат. Ғарбда Ливия чўли, шарқда Арабистон чўли, жанубда Нубия чўли ястаниб ётади. Мисрнинг энг баланд нуктаси Синай яриморолидаги Жебель-Катрина тоги (2641 м).

Мамлакатнинг энг ўйирик дарёси – Нил. У мамлакат халқ ҳўжалигига жуда катта аҳамиятга эга. Миср жанубида Нил дарёсига Асвон тўғони курйилган бўлиб, у мамлакатнинг электр энергетика манбани ҳисобланади.

Миср континентал тропик икlim худудида жойлашган. Мамлакат худудининг асосий кисми чўллардан иборат бўлганлиги сабабли, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси уччалик бой эмас.

*Давлат тузилиши, сидсий партиялари.* Давлат тузуми – республика. Давлат бошлиги – президент. Ижроия хокимият президент ва бош вазир бошчилигидаги

хукуматга тегишли. Қонун чиқарувчи хокимиятни президент амалга оширади. Мамлакат 26 муҳофазатларга бўлинган. Улар ўз навбатида марказларга, марказлар эса районларга бўлинган. Асосий сиёсий партиялари: Миллий демократик партия, Миллий тараққийпарвар (сўл) партияси, Мехнат партияси, Либераллар партияси, «Ал-Вафд» партияси, «Ал-Умма» партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Миср аграр-индустрiali мамлакат. Жаҳон бозорига юқори сифатли узун толали пахта (дунёда биринчи ўринда) ва ундан тўкилган газламаларни кўп миқдорда етказиб беради. Саноатнинг озиқовкат, кимё, тўкимачилик, нефтий кайта ишлаш, металлургия каби соҳалари яхши ривожланган. Миср жаҳон туризми марказларидан бири ҳисобланади. Мамлакат бюджетига тушадиган хорижий валютанинг асосий кисми туризм оркали келади. Қишлоқ хўжалигига шоли, арпа, турли мевалар ва сабзвотлар етиштирилади. Балиқчilik яхши ривожланган. 2012 йилда ЯИМ миқдори 255 001 млн (аҳоли жон бошига – 312) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Япония ва Шарқий Европа давлатлари.

*Тарихи.* Миср инсоният цивилизациясининг энг қадимги ўқкларидан бири бўлиб 6000 йиллик тарихга эга. М. а. 4 минг йиллик охириларида бутунги Миср ҳудудларида 2 та давлат – жанубда Некхан ва шимолда Буто давлатлари мавжуд бўлган. М. а. 341 йили Миср форслар томонидан истило килинган. М. а. 332 йилда Александр Македонский форсларни бу ерлардан кувиб чиқарib, ўз ҳукмронлигини ўрнатди ва м. а. 331 йилда Александрния шаҳрига асос солди. Миср тарихида эллин даври Птолемей ва унинг авлодлари ҳукмронлиги йилларида м. а. 31 йилгача давом этди. Шундан сўнг Миср қадимги Рим империясининг истибодига тушниб қолди. 395–639 йилларда Миср Византия империяси таркибида бўлди. VII–VIII асрларда мамлакатни мусулмон араблар босиб олди. Фотимиylар сулоласи ҳукмронлиги йилларида (969–1171) Мисрнинг сиёсий иқтисодий мавқеи ошди. Шу даврда Қоҳира шаҳри мамлакат пойтахтига айланди. Аюбийлар (1171–1250) сулоласидан сўнг Мамлук сultonлари даврида Миср қурдатли давлатга айланди. 1517 йилдан Усмонийлар империяси таркибиға кирди. 1798–1801 йилларда Наполеон Бонапарт бу ерда ҳарбий ҳаракатларни амалга оширеди. Миср расман Усмонийлар империясининг таркибий кисми бўлиб колган бўлса-да, амалда 1805 йилдан мустакил эди. 1882 йилда инглизлар Мисрни босиб олишиди. Шу даврдан бошлаб мамлакатни инглиз консули бошкаради. 1914 йили Биринчи жаҳон урушининг бошланишидан фойдаланган Англия Мисрда ўз протекторатини ўрнатди. 1922 йилда Миср ўзини мустакил давлат деб зълон килган бўлса-да, ҳарбий ва сиёсий соҳаларда инглиз назорати сакланниб қолди. Жамол Абдул Носир бошчилигидаги «Озод офицерлар» махфий ташкилоти 1952 йил 22–24 июль кунлари давлат тўтнаришини амалга оширеди. Натижада кирол Фаррух ағдарилди. 1953 йили Миср республика деб зълон килинди. Шу йилда

тасарруфига ўтказилди. 1967 йилдаги Миср ва Истроил ўргасидаги уруш харакатлари Мисрнинг мағлубияти билан якунланди. Икки давлат ўргасидаги низога бархам бериш максадида 1979 йили АҚШнинг Кемп-Дэвид шаҳарчасида Миср президенти Анвар Садат АҚШ ва Истроил билан Кемп-Дэвид шартномасини имзолади. Бу шартнома араб давлатларида норозилик харакатларига сабаб бўлди. 1981 йилда Анвар Садат суикасд натижасида отиб ўлдирилди. Президентлик лавозимини Ҳусни Муборак эгаллади.

2011 йилнинг 25 январидан 11 февралягача Қохира, Александрия ва бошқа шаҳарларида содир бўлган инкилоб, дастлаб хукумат, кейин эса президент Ҳусни Муборакни истеъфога чиқиши билан якунланди. У ҳокимиятни Олий ҳарбий кенгашга топшириди.

## МОЗАМБИК

*Расмий номи – Мозамбик Республикаси. Пойтахти – Мапуту. Ҳудуди – 801 600 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 23 700 700 киши (2012). Давлат тили – португал. Сигинувчилар мажусийликка (60%) ҳамда христиан (30%) ва ислом (10%) динларига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – метикал.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Африка китъасининг жануби-шарқида жойлашган давлат. Фарбда – Малави (чегара узунлиги – 1569 км), Зимбабве (1231 км) ва Замбия (419 км), жанубда – ЖАР (491 км) ва Свазиленд (105 км), шимолда – Танзания (756 км) билан чегарадош. Куруклиқдаги чегаралари узунлиги – 4571 км. Шарқда мамлакат худуди Мозамбик кўрфазига туташиб кетган. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 2470 км. Мамлакат шимолида баландлиги 2419 м гача бўлган Намулу тоги Шаркий Африка ясситоғлиги жойлашган. Фарбда мамлакатнинг юкори нуктаси (2436 м) бўлган Бинга тоги бор. Шарқида соҳилбўйи пасттекисликлари жойлашган. Мамлакатнинг марказий қисмини тепаликлар эгаллаган. Асосий дарёлари – Замбези ва Лимлопо. Мамлакатнинг энг йирик Нъяса кўлининг бир қисми Малави худудида жойлашган. Асосий фойдали казилмалари: кўмир, титан, темир рудаси, боксит, мис.

*Иклими – шимолда субэкваториал муссонли, жанубда тропик пассатли.*

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 11 та провинциядан иборат, жумладан, пойтахти Мапуту шаҳри хам провинция макомига эга. 1975 йил 25 июнда Мозамбик Португалиядан мустакилликка эришиди. Мустакиллик куни миллий байрам сифатида нишонланади. Конунчилик португал фукаролик хуқукига асосланган. Давлат ва хукумат бошлиги – президент. Бош вазир эса Вазирлар кенгашини бошқаришда президенттга ёрдам беради. Конун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент – Республика ассамблеяси томонидан амалга оширилади. Йирик сиёсий партия-

лари: Мозамбикни озод килиш фронти партияси, Мозамбик миллый каршилиги партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Мозамбик кишлоқ хўжалиги ва гидроэнергетикада иқтисодий потенциалга эга. Саноатнинг нисбатан тараккӣ этган соҳалари – нефтни қайта ишлаш, кимё, тўқимачилик, та-маки, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш. Қишлоқ хўжалиги ЯИМ нинг 50%, экспортнинг 90%ини таъминлайди. Асосий экинлари: пахта, шакаркамиш, чой, маннок, маккажӯхори, шолидан иборат. Цеце пашшаси кенг таркалганлиги сабабли чорвачилик яхши ривожланмаган. Кешью ёнгоклари ва майда кискичбакалар (креветкалар) экспортининг асосини ташкил килади. Кейинги йилларда ҳукумат томонидан чет эл инвестициялари кириб келишининг кўллаб-куватланиши, иқтисодий ўсиш суръатларининг ошишига сабаб бўлмоқда. 2012 йилда ЯИМ миқдори 14 642 млн (аҳоли жон бошита – 650) долларни ташкил этган.

Асосий савдо ҳамкорлари: Испания, ЖАР, Франция, Япония, Буюк Британия, Португалия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 3288 км, автомобиль йўллари – 6498 км, ички сув йўллари – 3750 км. Мамлакатнинг асосий портлари: Бейра, Мапуту, Накала.

*Тарихи.* Ўрта асрларда ҳозирги Мозамбик кирғокларида араб савдогарлари ўз колонияларига асос солгандар. 1498 йили Мозамбик кирғокларида Ваксо да Гама бошчилигидаги экспедиция келди. Португаллар маҳаллий кабила бошликлари билан мамлакатнинг фақат соҳилбўйи худудларини назорат қилиши хақида келишиб олишди. Мозамбикнинг марказий қисми португаллар томонидан тадқик килиниши Серпа Пинту йўлбошлигига XIX асрнинг охирида бошланди, 1951 йили эса Мозамбик Португалиянинг денги-зорти провинциясига айланди. 1962 йилда ташкил топган ФРЕЛИМО (Мозамбикни озод килиш фронти) куролли ташкилоти португалларга қарши кураш олиб борди. 1975 йилнинг 25 июня Мозамбик мустақиллигини тан олади.

Мамлакатда 16 йил давом этган фуқаролар уруши 1992 йили ҳукумат ва Мозамбик Миллый қаршилик харакати ўртасида тинчлик шартномасининг имзоланиши билан якунланди. 1990 йил ноябргача мамлакат Мозамбик Халқ Республикаси, сўнг Мозамбик Республикаси деб аталган. Мозамбикни озод килиш фронти ҳамда республика ҳукумати кенг ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларни назарда туттган дастур ишлаб чиқди ва уни амалга оширишга киришди. Қўшилмаслик ва барча мамлакатлар билан дўстлик ташки сиёсатта асос килиб олинди.

## МОЛДАВИЯ

*Расмий номи – Молдова Республикаси. Пойтахти – Кишинёв. Ҳудуди – 33 700 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 3 559 500 киши (2012). Давлат тили – молдаван. Сигинувларнинг асосий қисми христиан динининг православ мазҳабига эътиқод қилади. Пул бирлиги – лей.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Шаркий Европа текислигининг жануби-гарбида жойлашган давлат. Жануб, шарқ ва шимолда – Украина (чегара узунлиги – 939 км), гарда – Руминия (450 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунилиги – 1389 км. Мамлакат ҳудудини сертепа текисликлар, дарё воийлари ва жарликлар эгаллади. Энг баланд қисми (429,5 м) мамлакат марказида жойлашган Кодри кирларидир. Асосий дарёлари – Днестр, Прут. Асосий фойдали казилмалари – фосфорит, созупрок, оҳактош. Мамлакат ҳудудининг ярми хайдаладиган ерлар ҳисобланади.

Иклими – юмшок, мұльтадыл, континентал.

Ҳудудининг 10% қисми ўрмонлар билан қолланган. Мамлакат фаунаси 400 турдан ошик умурткали, 4500 турдан ошик умурткасиз ҳайвонлардан иборат.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. 1990 йили Молдова Республикаси таркибидаги иккى район – Гагауз Республикаси ва Приднестровье ўзларини мустакил деб зълон қилишди, бироқ улар жаҳон жамоатчилиги томонидан тан олиниади. Молдова мустакиллиги 1991 йил 27 августда зълон қилинган (олдинги номи – Молдавия Совет Социалистик Республикаси). Мустакиллик куни миллий байрам сифатида нишонланади. Ижроия хокимият президентта (давлат бошлиги) ва бош вазир бошчилигидаги Вазирлар кенгашига тегишли. Олий қонун чиқарувчи орган – бир палатали парламент (Мажлис).

Йирик сиёсий партиялари: Аграр-демократик партия, Коммунистлар партияси, Социалистик партия, Христиан демократик ҳалқ партияси, Тикланиш ва иноклик партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Саноатнинг пешқадам тармоғи – озиқ-овкат ишлаб чиқариш, шунингдек, оғир ва енгил саноат ҳам ривожланган. Күп тармокли кишлоқ хўжалиги ЯИМнинг 40% (вино ва тамаки энг муҳим экспорт маҳсулотлари ҳисобланади)ни ташкил қиласди. 2012 йилда ЯИМ миқдори 7252 млн (аҳоли жон бошига – 2037) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Россия, Украина, Ўзбекистон, Руминия, Германия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 1150 км, автомобиль йўллари – 20 000 км (13 900 км – каттиқ колламали йўллар).

*Тарихи.* XII асрдан XIV асргacha Молдова – скиф, готт, гунн ва славян давлатларининг таркибидаги бўлиб келди. XIV асрда келиб волохлар ва шаркий

славянлар билан алоқалар натижасида молдаван халқи шаклланди, 1359 йили эса Богдан I мустакил Молдавия князлигини тузди. Бу князлик шу даврда ҳам маданий, ҳам иқтисодий жиҳатдан юксалди. XV асрда Стефан Буюкнинг қаҳрамонларча кўрсатган каршилигига қарамасдан, Молдова князлиги турклар томонидан бўйсундирилди ва Усмонийлар империясининг бир қисмига айланди. 1774 йили Молдова Австрия хукмронлигига, 1806 йили эса Россия империяси таркибига кўшилди. 1859 йили Молдова Валахия билан бирлашди ва Румин князлигини ташкил этди. Бу князликни молдаван князи Александру Кузя идора кильтган. 1924 йилда тузилган Молдова муҳтор республикаси ва Руминиянинг аннексия килинган Бессарабия худудларида 1940 йилнинг 2 августида Молдавия Совет Социалистик Республикаси тузилди. Молдавия 1941 йили румин ва немис кўшинлари томонидан босиб олинди, озод килинганидан сўнг 1944 йили Совет Иттифоқи таркибига кайтди. 1947 йилги Париж шартномасига кўра Руминия Молдавия худудларига бўлган даъвосидан тамомила воз кечди. Молдавия 1991 йил 27 августда мустакилликка эриди, бирор мамлакатнинг шаркий қисмida жаҳон жамоатчилиги томонидан тан олинмаган Приднестровье Республикаси мавжуд.

## МОНАКО

*Расмий номи – Монако Князлиги. Пойтахти – Монако. Ҳудуди – 1,9 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 35 500 киши (2012). Давлат тили – француз. Давлат дини – христиан динининг католик мазҳаби. Пул бирлиги – евро.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Европанинг жанубида, Ўрта Ер денгизи кирғокларида жойлашган давлат. Гарб, шимол ва шарқда Франция билан чегарадош. Куруклиқдаги чигаралари узунлиги – 4,4 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги эса 4,1 км. Монако ҳудуди бўйича дунёнинг энг кичик давлатларидан бири ҳисобланади. Мамлакат ландшафти тепаликлардан иборат.

Иклими – қишда юмшоқ ва заҳ, ёзда иссик ва қурук.  
*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – конституциявий монархия (князлик). Мамлакат Монако, Монте-Карло, Кондамин маъмурий ҳудудларига бўлинган. Монако 1419 йилдан бўён мустакил давлат ҳисобланади. Конунчилиги француз конунларига асосланган. 19 ноябрь Миллий байрами Миллат куни. Давлат бошлиги – князъ. Ижроия хокимият князъ номидан Ҳукумат кенгашси амалга оширилади. Конун чиқарувчи хокимият князъ ва Миллий кенгаш (парламент) томонидан амалга оширилади. Монакода расмий сиёсий партиялар йўқ, турли сиёсий ташкилотлар парламент сайлови вактида фаолият юритади.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Давлат хазинасига даромад асосан чет эзлик туристлар (Монако Европанинг энг яхши курортларидан

бири хисобланади) ва казиноларга ташриф буюрувчилардан келади. Давлат ўз фукароларидан даромад солиги олмайди, бирок бу ерда доимий истиқомат киладиган тадбиркорлардан, шувингдек, Монако билан имтиёзли солиқлар асосида ҳамкорлик қилаёттанди чет эл компанияларидан олинадиган даромадлар хисобидан копланади. Монако даромадининг деярли ярмини корхоналар, банклар ва меҳмонхоналардан олинадиган кўшимча киймат солиги ташкил қиласди. Монако ахолисининг яшаш даражаси Фарбий Европа давлатлари билан тенглаша олади. 2010 йилда ЯИМ мидори 976 млн (ахоли жон бошига – 30 000) долларни ташкил этган. Франция билан тузилган божхона иттифоки оркали Монако ЕИ давлатлари билан ҳамкорлик қиласди.

Темир йўлларининг узумий узунлиги – 1,7 км, автомобиль йўллари факат шахар кўчаларида бор. Асосий порти: Монако.

*Тарихи.* Ҳозирги Монако худудидаги биринчи давлат тузилмаси финикия-ликларининг шахар-давлати бўлиб, у кейинчалик грекларнинг мустамлакасига айлантирилган. 1070 йили Монако генуялик Гримальдилар оиласининг мулкига айланди. 1524 йилдан 1641 йилгача Монако Испания томонидан аннексия килинган, 1873 йили эса Франция бошкаруви остига ўтди. Монако 1861 йили мустакил князлик бўлди, бироқ тез орада Франция протекторатига айланди. 1949 йилдан бери Гримальдиларнинг герби ва номини саклаб қолган Полинъяклар оиласи Монакога эгалик килиб келмоқда. 1963 йил 18 майда Франция билан Монако ўртасида тузилган битимга мувофиқ Франция Монакодагиларга эркин солик солиш хукукига эга бўлди. 2005 йили князь Рене III нинг ўлимидан сўнг хокимият унинг ўтли князь Альберга ўтди.

## МОНГОЛИЯ

*Расмий номи – Монголия. Пойтахти – Улан-Батор. Ҳудуди – 1 566 000 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 3 133 000 киши (2011). Давлат тили – монгол. Сигинувчиларнинг асосий қисми ламаизм (тибет буддавийлиги)га эътиқод қиласди. Пул бирлиги – тугрик.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Марказий Осиёда жойлашган давлат. Фарб, жануб ва шарқда – Хитой (чегара узунлиги – 4677 км), шимолда – Россия билан (3543 км) чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги – 8220 км. Фарб ва жағуби-гарбидаги Монголия Олтойи (баландлиги – 4362 м), Гоби Олтойи ва Хонгай тоглари, мамлакатнинг марказий қисмидаги Хонгай тоглари жойлашган. Жануб ва жануби-шарқида Гоби саҳроси мавжуд. Асосий дарёлари – Селенга, Керулен, Кобдо, Дзабхан. Йирик кўллари – Убсу-нур, Хубсугул. Мамлакат худудида нефть, кўмир, мис, темир рудаси, вольфрам, молибден, фосфоритлар, қўргошин, никель, олтин конлари бор. Мамлакат худудининг катта қисмини (79%) ўтлок ва яйловлар эгаллайди.

*Иклими – кескин континентал.*

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – унитар республика. Мамлакат 18 та район (аймоклар) ва 3 та муниципалитет (Улан-Батор, Дархан, Эрдэнэт)га бўлинади. Монголия 1924 йил ноябрь ойила мустакилликка эришган (илгари Хитой таркибидаги Ташки Монголия провинцияси бўлган). Миллий байрам 11 июль – Халқ инқилоби куни. Давлат бошлиги – президент. Конун чиқарувчи ҳокимиятни Буюк давлат хурали (бир палатали парламент) амалга оширади. Ижроия ҳокимиятни ҳукумат бошкаради. Ҳукумат бош вазирнинг таклифига биноан, президент билан келишилган ҳолда Буюк давлат хурали томонидан тузилади. Вазирлар маҳкамаси бошлигининг номзодини президент Буюк давлат хурали мухокамасига тақдим этади. Йирик сиёсий партиялари: Монголия халқ-инқилобий партияси, Монголия миллий-демократик партияси, Монголия бирлашган консерватив партияси, Монголия демократик уйғониш партияси, Монголия социал-демократик партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Иқтисодий фаолият анъанавий тарзда кишлоқ ҳўжалигига асосланган (Монголия дунёда жон бошига энг кўп сигир тўғри келадиган мамлакат хисобланади). Тог-кон саноати (кўмир, темир рудалари, мис, молибден, вольфрам, қурғошин, олтин казиб олиш) асосий тармоқ хисобланади. Иқтисодининг бошка мухим тармоклари – ўрмон ҳўжалиги ва баликчilik. 1990 йиллар бошида Монголия «очиқ эшиклар» сиёсатини фаол ўтказа бошлади, бошка мамлакатлар, чунонки Япония, АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Сингапур, Гонконг ва бошталар билан муносабатлар ривожланди. 2012 йилда ЯИМ миқдори 10 085 млн (аҳоли жон бошига – 3627) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Россия, Хитой, Япония, Қозогистон.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 1750 км. Автомобиль йўллари – 46 700 км (1000 км қаттиқ қопламали йўллар), ички сув йўллари – 397 км.

*Тарихи.* VI асрдан XII асргача хозирги Монголия худуди Турк, Уйғур, Қирғиз хонликлари ва кидаивларининг Ляо давлати таркибида бўлиб келди. XIII асрда Чингизхон мўғул қабилаларини бирлаштириб, жуда кўп мамлакатларни босиб одди ва Буюк Мўғул империясини тузди. XVI асрга келиб мўғуллар олдинги курдатини ўйқотиб, буддавийлик динини кабул килишди. 1635–1691 йилларда мўғул қабилалари Манъҷур ҳукмдорлари таъсири остига тушиб колдилар. 1911 йили Ташки (шимолий) Монголия Хитой протекторатига айланди. 1918 йили хитойликлар Монголиянинг барча ҳудудларини босиб олишга ҳаракат килишди, бирор 1921 йили мамлакатта совет қўшиллари киритилди. 1924 йили Монголия Халқ Республикаси деб эълон килинди. 1939 йили Халхин-Гол дарёси ёнида Қизил Армия япон қўшилларининг ҳужумларини кайтарди. 1946 йили Монголия мустакиллиги Хитой томонидан тан олиниди. 1991 йили ҳокимият тепасидаги коммунистик партия марксизм-ленинизм тамойилларини рад этиб, мамлакатда сиёсий ва иқтисодий ислохотлар ўтказа бошлади.

## МОНТСЕРРАТ

*Расмий номи – Монтсеррат (Буюк Британия мулки). Маъмурий маркази – Плимут. Ҳудуди – 102 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 6046 киши (2012). Давлат тили – инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динига эътиқод қиласади. Пул бирлиги – шарқий кариб доллари.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Монтсеррат – Кариб денгизининг шарқий қисмидаги жойлашган Вест-Индиядаги орол. Шимолий ва Жанубий Америка орасидаги Кичик Антиль ороллари архипелагидаги Шамолли ороллар гурӯхига киради. Ҳаракатдаги вулкан – Чансес Пик. Монтсеррат – ҳаракатдаги вулкан жойлашган тоб тизимидан иборат текисликдаги орол.

Иклими – тропик, иссик. Ўсимлик дунёси доим яшил ўрмонлар ва бошка тропик ўсимликларга жуда бой. Ҳайвонот дунёси күшлар, сурʼалиб юрувчилар ва ҳашаротлардан иборат. Соҳиљбўйи сувларида денгиз жониворларини кўплаб учратиш мумкин.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* 1960 йил конституциясига кўра, Буюк Британия кироличаси томонидан тайинланадиган губернатор бошкарувидаги орол. Губернатор ижро этувчи кенгаш раиси хисобланади. Сиёсий партиялари: Миллий прогрессив партия, Озодлик халқ ҳаракати, Прогрессив демократик партия, Миллий ривожланиш партияси.

*Иқтисоди, транспорт каммуникациялари.* Электрон асбоблар йигиш ҳамда кишлек хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар мавжуд. Пахта, мева ва сабзавотлар етиширилади. Чорвачилик, ёғоч тайёрлаш ва уни қайта ишлаш ривожланган. Йирик бўлмаган денгиз ҳайвонларини овлаш хўжалигига эта. 2010 йилда ЯИМ миқдори 29 млн (аҳоли жон бошига – 4900) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Буюк Британия, Канада, Антигуа ва Барбуда.

*Тарихи.* Орол X. Колумб томонидан 1493 йилда кашф килинган. 1632 йилда сургун килинган католиклар томонидан биринчи инглиз манзилгоҳига асос солинди. XVII–XVIII асрларда Англия ва Франция оролга эгалик килиш учун ўзаро кураш олиб борган. 1871 йилдан 1958 йилга кадар Монтсеррат Шамолли ороллар, 1958 йилдан 1962 йилгача Вест-Индия Федерацияси таркибида бўлган. Монтсеррат – Шарқий Кариб давлатлари ташкилоти Минтакавий хавфсизлик тизими уюшмасининг аъзоси. 1995 йил 25 июнда Суфриер – Хиллс вулкони отила бошлади ва пойтахт Плимут аҳолиси хавфсиз жойга кўчирилди. 1997 йили кўпчилик аҳоли мамлакатни тарқ этди. Аҳолининг қолган қисми вактинчалик пойтахт Брейдс шаҳри жойлашган мамлакатнинг шимолида истикомат киласади.

## МУҚАДДАС ЕЛЕНА ОРОЛИ

*Расмий номи – Муқаддас Елена Ороли (Буюк Британия мулки). Пойтахти – Жеймстаун. Худуди – 410 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 4005 киши (2012). Тили – инглиз. Сигинуучилорнинг асосий қисми христиан динининг протестант мазҳабига ўтиқод қиласди. Пул бирлиги – муқаддас елена ороллари фунти.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Муқаддас Елена ороли, шунингдек, Вознесение, Тристан-да-Кунья ороллари ва одам яшамайдиган 5 та орол Атлантика оксанининг жанубий кисмida жойлашган. Муқаддас Елена ороли вулканлар отилиши натижасида пайдо бўлган. Унинг жанубий кисмida баландлиги 858 метрчагча бўлган сўнган вулкан кратери бор.

*Иклими* – пассатли ва тропик. Муқаддас Елена оролининг катта кисмини майсазор ва чанталзорлар эгаллаган. Ок карагай, эвкалит ва сарв дарахтлари ўсади. Вознесение ороли ўтсимон ўсимликлар билан копланган.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Давлат бошқарувини Қонунчилик ва Ижроия Кентгаши фаолиятини бевосита бошқарадиган инглиз губернатори амалга оширади. Маъмурӣ жиҳатдан ороллар битта маъмурӣ худуд (Муқаддас Елена Ороли) ва 2 та тобе худудлар (Вознесение ва Тристан-да-Кунья ороллари)га бўлинади.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Картошка, сабзавотлар, олма, олхӯри, галла маҳсулотлари, зигир етиширилади. Балиқчилик ва дентиз овчилиги, чорвачилик ривожланган. Экспорти – зигир. Импорти – саноат маҳсулотлари, ёкилги. 2010 йилда ЯИМ миқдори 18 млн (аҳоли жон бошинга – 4000) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Буюк Британия, ЖАР.

Асосий порти – Жеймстаун.

*Тарихи.* Орол 1502 йил 21 майда португаллар томонидан Муқаддас Елена куни кашф этилган. Тристан-да-Кунья ороли 1506 йилда португалиялик денгизчи Тристан-да-Кунья томонидан очилган. Оролларга эгалик килиш учун бўлган кескин курашларда Англия Голландия устидан галаба козонди ва 1659 йилда Муқаддас Елена оролига ҳарбий кўшинларнинг жойлаштириди. 1815 йили Муқаддас Елена ороли Наполсон Бонапартнинг (1821 йил шу оролда вафот этган) сурғун жойига айланди. Сувайш каналининг очилиши, оролларнинг стратегик аҳамиятини пасайтириди. 1942 йили Вознесение оролига АҚШнинг ҳарбий-хаво базаси жойлаштирилди. Бу ерда 1954 йилда АҚШнинг Флорида яриморолидан учириладиган фазовий ракеталар учун кузатув станцияси жойлаштирилди. 1966 йилда Вознесение оролида инглиз радиостанцияси фаолият кўрсата бошлади. 1982 йили Фолкленд можароси даврида Вознесение ороли Аргентинага карши урушда инглиз куролли кучларининг асосий базаси бўлди.

## МЬЯНМА (БИРМА)

*Расмий номи – Мьянма Иттифоқи Республикаси. Пойтахти – Нейпьидо. Худуди – 678 577 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 48 724 300 киши (2012). Давлат тили – мьянма. Сигинувчиларнинг асосий қисми буудавийлик (89%), шунингдек, христиан, ҳиндуйлик ва ислом дингларига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – къят (ҷъса).*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Осиёнинг жануби-шарқида, Хиндихитой яриморолининг шимоли-ғарбий қисмida жойлашган давлат. Шимол ва шарқда – Хитой (чегара узунлиги – 2185 км), шарқда – Тайланд (1800 км) ва Лаос (235 км), ғарбда эса Ҳиндистон (1463 км) ва Бангладеш (193 км) билан чегарадош. Қуруқлиқдаги чегаралари узунлиги – 5876 км. Мамлакат ғарбда Бенгал кўрғазига, жанубда Андаман денгизига туташиб кетган. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 1930 км. Ҳудудининг катта қисмida тоғлар ва яссоғликлар жойлашган: ғарбida Ракхайн ва Пакхайн тоғликлари, шарқда Биалуктон тоғлиги жойлашган. Мамлакатнинг ва Жануби-Шаркий Осиёнинг энг юкори нуқтаси – Кхакаборази (5881 м) тоғидир. Мамлакатнинг марказий ва жанубий қисмida Мьянманиш асосий дарёси Иравади хавzasида кенг водий текислиги жойлашган. Мамлакат фойдали казилмаларидан – нефть, кўроғошин, вольфрам, руж, мис, кўмир, табиий газ, кимматбаҳо тошларга жуда бой. Ҳайдаладиган ерлар ҳудудининг 15%, ўрмон ва тўқайзорлар 49% ини ташкил этади.

*Иқлими* – асосан тропик муссонли, жанубида эса субэкваториал.

Мьянманинг ўсимлик дунёси жуда кадими. Бу ерда рододендронларнинг 700 (ср юзида уларнинг мингдан ошик тури мавжуд), орхидеяларнинг 700, пальмаларнинг 70, бамбукларнинг 70, папоротникларнинг 700 дан ошик тури учрайди.

Мьянмада ер юзида истиқомат киладиган жоноворларнинг нисбатан кадимлари – малайя тапири, хиндмалай типратиканлари, лангарқанотлилар сакланган.

*Давлат тузизиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат таркибига 7 та маъмурӣ ва 7 та миллий вилоятлар киради. 1948 йилининг 4 январида Буюк Британиядан мустақилликка эришган (Миллий байрами – Мустақиллик куни). Давлат бошлиги – президент, конун чиқарувчи ҳокимият – Миллат мажлиси. Ижроchi ҳокимиятни ҳукумат амалга оширади. Сиёсий партиялари: Халқ озодлиги антифашист лигаси, Демократик партия, Халқ демократик партияси, Демократия учун миллий лига ва Миллий бирлик партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Мьянма аграр мамлакат. ЯИМ да қишлоқ ҳўжалигининг улуши 56,6 %, саноатнинг улуши – 8,7%. Қадимдан шоли етиштириш билан машҳур (йилига 13 млн тонна). Аҳолининг 2/3 қисми

кишлек хўжалигига банд. Саноатнинг асосий тармоклари: тоғ-кон, нефть қазиб олиш ва ўрмончилик (ЯИМнинг 40%, балиқчилик ва ўрмончиликни кўшиб хисоблаганда). Қишлоқ хўжалигига асосий тармок – шоличнолик, бундан ташкири бутдой, шакаркамиш, маккажӯхори, кауцук ва жут ҳам етиширилади. 2012 йилда ЯИМ миқдори 54 049 млн (аҳоли жон бошига – 835) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕИ мамлакатлари, Хиндистон, Япония, Хитой.

Темир йўлларнинг умумий узунлиги – 3991 км, автомобиль йўллари – 27 000 км (320 км бетонлаштирилган), ички сув йўллари – 12 800 км. Асосий порти – Янгон.

**Тарихи.** Ҳозирги Мьянма худудида дастлабки давлат бирлашмалари милоднинг бошларидаги вужудга келган (Мон, Пиу). XI аср бошларидаги Паган кироллиги ўз атрофига мамлакат марказидаги майда киролликларни бирлаштириди. XIII аср охиirlаридаги Бирма бирлашган кироллигига мўғуллар боскими бошланди. 1824 йили Буюк Британия Жануби-Шаркий Осиёда Франция экспансиясини тўхтатиб келиш мақсадида Кўйи Бирмани босиб олди, 1855 йили эса бутун мамлакатни аннексия қилди. Иккинчи жаҳон уруши даврида мамлакат японлар томонидан (1941 йилнинг декабридан 1945 йилга кадар) босиб олинди. Мамлакат озод килинганидан сўнг, Бирма худудида истикомат килаётган бир катор майда миллиатлар муҳторият талаб килишди. Натижада, 1948 йилнинг 4 январида мустакил давлат деб ўзлон килинган Бирма Давлатлари Федерацияси тузилди. 1962 йил давлат тўнтариши натижасида мамлакатда ҳокимият тепасига ҳарбийлар келишди. Улар ушбу тартибдан норози бўлган бирмаликларнинг кўзғолонларини шафқатсизлик билан бостиридилар. 1989 йили мамлакат Мьянма Иттифоқи деган янги ном олди. 1990 йили мамлакатда дастлабки эркин сайловлар ўтказилди. Бу сайловларда бош муҳолифатчи партия ғалаба козонди, бироқ ҳокимиятни бошкараётган ҳарбий тартиб тарафдорлари давлат бошкарувини фуқаролик ҳукуматига топширишдан бош тортиди. 2006 йили пойтахт Янгондан Нейпъидо шаҳрига кўчирилди.

## НАМИБИЯ

*Расмий номи – Намибия Республикаси. Пойтахти – Виндхук. Худуди – 825 400 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 2 364 400 киши (2012). Давлат тили – инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – намибия доллари.*

**Географик эсойлашуви ва табииати.** Африканинг жануби-гарбида жойлашган давлат. Намибия жануб ва шарқда – Жанубий Африка Республикаси (чегара узунлиги – 967 км), шарқда – Ботсвана (1360 км), шимолда – Ангола (1376 км) ва Замбия (233 км) билан чегарадош. Курукликтаги чегаралари узунлиги –

3936 км. Мамлакатнинг ғарбий чегаралари Атлантика океани билан тугашиб кетган. Сохил бўйлаб чегара узунлиги – 1572 км. Мамлакат худудининг катта қисмини баландлиги 2000 м дан ошмайдиган ясситоғлар эгаллаган бўлиб, ғарбий киргокларда жойлашган Намиб чўлига тугашиб кетган. Намиб чўли ер юзининг энг кургок жойларидан бири хисобланади. Шаркида бошка бир чўл – Калаҳари ҳам мавжуд. Асосий дарёлари – Оранж (Тўқсарик) ва Кунене. Намибияда турли фойдали казилмалар – олмос, мис, уран, олтин, кўргошин ва бошкалар бор.

Иклими – тропик, курук.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 13 та маъмурӣ худудга бўлинган. Намибия 1990 йил 21 март куни мустакилликка эришган (илгари мамлакат Жанубий Африка Республикаси бошкаруви остида бўлган). Ушбу сана мустакиллик куни – Миллий байрам сифатида нишонланади. Ижроия ҳокимият президента (давлат бошлиги) ва бош вазир бошчилигидаги ҳукуматга тегишли. Конун чикарувчи ҳокимият Миллий асамблея ва Миллий кенгашдан иборат 2 палатали парламент томонидан амалга оширилали. Йирик сиёсий партиялари: Жануби-Гарбий Африка ҳалк ташкилоти, Турнхалье демократик альянси, Демократлар конгресси, Бирлашган демократик фронт.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Мамлакат иқтисодининг асоси тог-кон саноатидир (Намибия ёқилги бўлмаган фойдали казилмалар экспорти бўйича 4-ўринда ва уран ишлаб чикириш бўйича дунёда 5-ўринда туради). Намибия бой олмос конларига эга бўлганлиги сабабли заргарлик буюмлари учун олмос етказиб берувчи асосий давлатлардан бири хисобланади. Кишлок хўжалигига асосий тармоқ чорвачилик хисобланади. 2012 йилда ЯИМ миқдори 12 147 млн (аҳоли жон бошига – 5705) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари – Швейцария, ЖАР, Германия, Япония.

Темир йўлларининг узумий узунлиги – 2341 км, автомобильъ йўллари – 54 500 км. Мамлакатнинг асосий порти – Людериц.

*Тарихи.* Ҳозирги Намибия худудлари 1883–1884 йилларда Германия томонидан мустамлакалаштирилди. Германия Жануби-Гарбий Африкаси номи билан протекторатга айлантирилди. Мамлакат 1915 йили ЖАР томонидан босиб оlinниди. 1920 йили эса ЖАР Миллатлар Лигасидан Жануби-Гарбий Африкани бошқариш мандатини олди. 1949 йили ЖАР Жануби-Гарбий Африкани БМТ рухсатисиз ўзига кўшиб олди. 1968 йили мамлакат БМТ қарори билан Намибия деб номланди. 1966 йили тузилган СВАПО куролли ташкилоти озодлик урушларини олиб борди. Бу кураш 1990 йилда Намибия Республикасини эълон килиш билан тугади. 1994 йили Намибиядаги лози ҳалқи мустакил давлат тузиш максадида Капривини озод килиш фронтини тузиб, куролли ҳаракатларни бошлаб юборди. Бирок тез орада бу можароларга чек қўйилди ва 2001 йилдан Каприви худудлари туристлар учун хавфсиз деб эълон қилиниди.

## НАУРУ

*Расмий номи – Науру Республикаси. Расмий пойтахти йўқ, ҳукумат Янгор (Ярен) округида жойлашган. Худуди – 21 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 10370 киши (2012). Давлат тили – науру, инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динига зътиқод қиласди. Пул бирлиги – австралия доллари.*

*Географик жойлашуви ва табииати. Тинч океанинг жануби-гарбий кисмидаги Науру оролида жойлашган Океания давлати хисобланади. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 30 км. Маржон орол овал шаклида бўлиб, кумли кирғоклари бор. Оролнинг юза қисми баландлиги 65 м гача бўлган фосфоритли оҳакотш яссоғоликлардан иборат.*

*Асосий табиий ресурслари – фосфоритлар.*

*Иклими – экваториал муссонни.*

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши – республика. Науру Буюк Британия Ҳамдўстлиги давлатлари таркибига киради. Науру 1968 йилининг 31 январида мустакилликка эришган (олдинги номи – Ёқимли орол – Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландия биргаликда бошкарсан). Давлат ва ҳукумат бошлиги – президент. Конун чиқарувчи ҳокимиятни аҳоли томонидан уч йил муддатга сайланадиган ва 18 аъзодан иборат парламент, ижроня ҳокимиятни ҳукумат амалга оширади, унинг вазиirlари парламент аъзоларидан бўлади. Науруда ягона Науру демократик партияси мавжуд.*

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Мамлакат иқтисодининг асоси – фосфатлар қазиб олиши ва уни экспорт килиш ташкил этади. Бу маҳсулотни четта экспорт килиш катта даромад келтирганлиги боис, аҳолининг яшаш даражаси ийисбатан юкори. Қишлоқ хўжалиги тараққий этмаган. Мамлакат ҳамма озиқ-овқат маҳсулотларини, жумладан, чучук сувни ҳам четдан келтиради. 2010 йил ЯИМ миндори 60 млн (аҳоли жон бошига – 5000) долларни ташкил этган.*

*Асосий савдо ҳамкорлари – Австралия, Янги Зеландия, Буюк Британия.*

*Темир йўллари йўқ. Автомобиль йўллари – 27 км. Порти – Науру.*

*Тарихи. Орол 1798 йили инглизлар томонидан кашф этилган бўлиб, 1888 йили Германия томонидан босиб олинган. 1914 йили Науруни Австралия босиб олди. 1920 йилда эса Буюк Британия оролни бошкарниш ҳукукини берувчи мандатни кўлга киритди. 1947 йили Науру Австралия, Янги Зеландия ва Буюк Британия давлатлари томонидан бошкариладиган БМТ ҳомийлигидаги худудга айланди. 1968 йили мамлакат Буюк Британия Ҳамдўстлиги таркибida мустакилликни кўлга киритди. 1989–2003 йилларда Науру оффшор (чет элликларга карашли компаниялар солиқдан қисман ёки тўлиқ озод этилган худуд) худудига айланди.*

## НЕПАЛ

*Расмий номи – Непал Федератив Демократик Республикаси. Пойтахти – Катманду. Ҳудуди – 140800 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 31011000 киши (2012). Давлат тили – непал. Сигинувчиларнинг асосий қисми ҳиндуйлик динига эътиқод қиласиди. Пул бирлиги – непал рупияси.*

*Географик жойлашуви ва табиати. Осиё китъасининг жанубий қисмida жойлашган давлат. Гарб, жануб ва шарқда Ҳиндистон (чегара узунлиги – 1690 км), шимолда – Хитой билан (1236 км) чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги – 2926 км. Мамлакат жанубида Ҳинд-Ганг текислиги жойлашган. Марказий қисмida баландлиги 2500 м бўлган Махабхорат ва Чуря тепалик ва тоғликлари жойлашган. Шимолида Ҳимолай тоглари жойлашган. Непалда дунёнинг еттига энг баланд чўққилари бор. Жумладан, ер юзининг энг баланд чўққиси – Жомолунгма (Эверест – 8848 м) ҳам Непалда жойлашган. Непалнинг асосий дарёлари – Карнали, Кали-Гандак, Аруклар Ганг хавzasига кирувчи дарёлар ҳисобланади. Мамлакат юкори гидроэнергетик потенциалга эга бўлиш билан бирга бир катор табиий ресурслар – ёғоч, мис, кобальт, лигнит ва темир рудаси конларига ҳам эгалик қиласиди. Ишлов берилган ерлар мамлакат худудининг 17%, ўрмон ва тўқайзорлар 33% ини ташкил этади.*

*Иклими – тропик иклим зонасидан арктик иклим зонасигача давом этади. Шунга кўра ўсимлик дунёси ҳам хилма-хилдир.*

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши – республика. Мамлакат таркибига 14 анчол (зона) киради. Улар ўз навбатида 75 туманга бўлинади. Непал 1768 йилдан бўён мустакил давлат ҳисобланади. Конунчилик ҳинд конуналари ва инглиз умумий ҳукуқига асосланади. Давлат бошлиги – президент. Конун чиқарувчи ҳокимият Таъсис мажлиси (парламент)га тегишили. Йирик сиёсий партиялари – Непал конгресси, Миллий демократик партия, Непал коммунистик партияси.*

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Непал жаҳоннинг суст ривожланган давлатларидан бири ҳисобланади. Иқтисодининг асосини кишлек ҳўжалиги (ЯИМнинг 60%) ташкил қиласиди. Асосий кишлоқ ҳўжалик экинлари – шоли, бугдой ва бошқа донли экинлар, шакарқамиш, жут, шуннингдек, гўшт ва сут етишириш яхши ривожланган. Шундай бўлса-да, мамлакат ўзининг озиқовкага бўлган эҳтиёжини кондира олмайди. Саноат ишлаб чиқариши кишлек ҳўжалиги маҳсулотларини кайта ишлаш билан чегараланган. Тўқимачилик маҳсулотлари ва гилам экспорт килишдан ҳам сезизларли даражада фойда олинади. Кейинги йилларда мамлакат бюджетига даромад туширишнинг муҳим манбаларидан бири туризм ҳам яхши ривожланмоқда. 2012 йилда ЯИМ миқдори 19415 млн (аҳоли жон бошига – 626 ) долларни ташкил этган.*

Асосий савдо ҳамкорлари – АҚШ, Хиндишон, Германия, Буюк Британия, Сингапур, Япония.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 101 км, автомобиль йўллари эса – 71 400 км.

**Тарихи.** VII асрда Непал ҳудудида тхакур сулоласига асос солинган бўлиб, улар XVIII асрга қадар хукмронлик қилган. XIV асрдан бошлаб Непал ҳудудида мусулмонлар хукмронлигидан химояланishi максадида хинд шахзодалари ўз князликларини тузиши. XVI асрда Непал ҳудудида Нашпут кастигасига мансуб бўлган рожа ўз сулоласига асос солди ва у 1768 йилга келиб бутун Непал князликларини бўйсундиришга муваффак бўлди. 1814–1816 йилларда инглизлар билан олиб борилган урушларда Непал ўз ҳудудининг бир кисмини бой берди. 1847 йили ҳокимиятта Ран сулоласи келди ва улар Непални 1947 йилга қадар идора қилишди. 1960 йили Непалда сиёсий партияларнинг фаолият юртиши таккиланган эди, бирок 1990 йили бу тақиқ янги конституция кабул килиниши билан кирол томонидан бекор килинди. 1991 йили эса демократик ҳукumat шакллантирилди. 2008 йили Непал Демократик Федератив Республика деб ўзлон килинди ва мамлакатда кироллик бекор килинди.

## НИГЕР

**Расмий номи – Нигер Республикаси. Пойтахти – Ниамей. Ҳудуди – 1 267 000 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 16 644 330 киши (2012). Давлат тили – француз. Сигинувчиларнинг асосий қисми ислом динига (80%) ва мажусийликка (14%) эътиқод қиласди. Пул бирлиги – африка франки.**

**Географик жойлашуви ва табииати.** Африканинг гарбидаги жойлашган давлат. Жанубда – Нигерия (чегара узунлиги – 1497 км) ва Бенин (266 км), шарқда – Чад (1175 км), шимолда – Жазоир (956 км) ва Ливия (354 км), гарбда – Мали (821 км) ва Буркина-Фасо (628 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги – 5697 км. Нигернинг катта қисми дунёдаги энг йирик чўл – Сахрон Кабир ҳудудида жойлашган. Рельефи 200–500 м гача бўлган ясситогликтан иборат. Мамлакатнинг марказий қисмидаги тоғли массивлари бўлган Аир ясситоглиги жойлашган. Бу ерда Нигернинг энг юкори нуқтаси Идукальян-Тарес (2022 м) жойлашган. Мамлакатнинг шарқий қисмини кўмлок чўл – Тенера эгаллаган. Йирик дарёси – Нигер. Мамлакат ҳудудида уран, темир рудаси, кўргошин ва фосфат конлари мавжуд.

Иклими – тропик. Нигернинг ўсимлик ва хайвонот дунёси бой эмас.

**Давлат тизилиши, сиёсий партиялари.** Давлат тизилиши – республика. Мамлакат 7 та департаментта бўлинган. Мамлакат 1960 йил 3 августда мустакилликка эришган (илгари Франциянинг денгизорти ҳудуди бўлган). Конунчиллик

француз умумий хукукига асосланган. Мамлакат республика деб эълон килинган кун – 18 декабрь (1958 йил) Миллий байрам сифатида нишонланади. Ижроия ҳокимият президент (давлат бошлиги) бошчилигидаги хукumatта тегиши. Олий конун чиқарувчи орган – Миллий мажлис (бир палатали). Сиёсий партиялари: Тараккиёт жамияти миллий харакати – Насара, Демократик ва социал конвент, Демократик тикланиш учун миллий иттифоқ, Миллий иттифоқ ва тараккиёт партияси – Салама, Демократик ва тараккийпарвар ватанпарварлар иттифоқи партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Иқтисодининг асосий тармоғи кишлек ҳўжалиги бўлиб, у ЯИМнинг 40%ини таъминлайди. Ахолининг 90%и кишлек ҳўжалигига банд. Мухим кишлек ҳўжалиги экинлари пахта, жўхори, мил, небе, шоли, ёнғоқ ҳисобланади. Саноатнинг асосий соҳаси төғ-кон саноатидир (урган казиб олиш). 2012 йилда ЯИМ миқдори 6556 млн (аҳоли жон бошига – 408) долларни ташкил этган. Мухим савдо ҳамкорлари – Франция, Нигерия, Италия, Германия. Автомобиль йўлларининг узунлиги – 39 970 км (371 км каттиқ копламали), ички сув йўллари – 300 км.

*Тарихи.* X асрдан XIX асргача ҳозирги Нигер ҳудудида Сонгай, Канем-Борну, Гобир (хаус ҳалкининг давлати) ва бошка илк феодал давлатлар мавжуд бўлган. XIX аср мамлакатнинг ғарбий ва жанубий қисмлари Сокото давлати ҳудудига киради.

Европаликлардан биринчи бўлиб мамлакатга 1795 йили шотландлар келишиди. XIX аср охирида Нигер Франция томонидан босиб олинди ва 1922 йили француз Ғарбий Африкаси таркибига кўшилди. 1946 йили унга Франциянинг денгизорти ҳудуди мақоми берилди. Нигер 1963 йилнинг 3 августида мустақил республика деб эълон килинди. 1974, 1996 йиллардаги ҳарбий тўнтаришлар аҳоли аҳволининг яхшиланишига олиб келмади. 1999 йилги ҳарбий тўнтариш натижасида мамлакат президенти Иброҳим Барре Майнассар ўлдирилди, Миллий мажлис ва хукumat тарқатиб юборилди, 1966 йилги конституциянинг амал килиши тўхтатиб кўйилди. 1999 йил 18 июлдаги референдумда янги конституция тасдиқланди. 2001 йил январда Нигерда бир катор жоноворларни, шер ва жирафаларни ов килишин тақиқловчи конунлар чиқарилди. 2010 йил 18 февралда бир гуруҳ ҳарбийлар томонидан давлат тўнтариши амалга оширилди.

## НИГЕРИЯ

*Расмий номи – Нигерия Федератив Республикаси. Пойтахти – Абуэса. Ҳудуди – 923 768 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 174 507 500 киши (2012). Давлат тили – инглиз, избо, юоруба ва хауса. Сигинувчилар ислам (50%) ва христиан (40%) динлари ҳамда мажсусийликка (10%) эътиқод қиласиди. Пул бирлиги – наира.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Африка китъасининг марказий кисмida жойлашган. Шаркда – Камерун (чегара узунлиги – 1690 км) ва Чад (87 км), шимолда – Нигер (1497 км), гарбда – Бенин (773 км) билан чегарадош. Куруклидаги чегаралари узунлиги – 4047 км. Жанубда Нигерия Гвинея кўрфази билан туташиб кетган. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 853 км. Жанубда соҳил-бўйи текислиги жойлашган бўлиб, унинг кенглиги Нигер дарёси дельтасида 100 км гача боради. Мамлакат марказида юза кисм кўтарилиб боради ва баландлиги 1735 м бўлган Жос яситоглигига айланади. Яситогликдан шимолга караб юза пасайниб боради. Шимоли-гарбда Сокота текислиги, шимоли-шарқида эса Борну текислиги жойлашган. Шарқида Нигериянинг энг юкори нуқтаси – Фогель чўқиси (2042 м) жойлашган Адам тоғлари бор. Нигерия худудида Чад кўлининг бир кисми жойлашган. Мамлакатнинг асосий дарёси – Нигер. Мамлакат фойдали казилмаларга жуда бой. Улар орасида нефть, табиий газ, темир рудаси, кўмур, кўрошин, рух кўплаб учрайди. Ишлов бериладиган ерлар мамлакат худудининг 31%, ўтлок ва яйловлар 23% ини ташкил килади.

Иклими – экваториал муссонли.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – федератив республика. Мамлакат таркибига 36 та штат ва Абуза федерал пойтагти окурги киради. Нигерия 1960 йил 1 октябрда мустакилликка эришган (илгари Буюк Британия протекторати бўлган). Мустакиллик куни миллий байрам ҳисобланади. Бутун ҳокимият бошкарув кенгашининг бошлиги – президентта тегишили. Сиёсий партиялари: Демократия учун иттифок партияси, Умумхалк партияси, Халқ демократик партияси, Нигерия меҳнат конгресси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Саноатининг нисбатан тараккий эттан соҳалари: нефтни кайта ишлаш (нефть мухим экспорт товарларидан бири ҳисобланади), металлургия, кимё, озиқ-овқат ишлаб чиқариш. Нефтдан ташкари какао, пальма маҳсулотлари ва каучук ҳам экспорт килинади. Бошка кишлоқ ҳўжалиги экинилари: ёнғоқ, пахта, шакаркамиш. 2012 йилда ЯИМ миқдори 272 550 млн (аҳоли жон бошига – 1631) долларни ташкил этган.

Асосий савдо ҳамкорлари – ЕИ давлатлари, АҚШ, Япония.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 3567 км, автомобиль йўллари – 107 990 км (шундан 30 019 км асфальтланган), ички сув йўллари – 8575 км. Мамлакатнинг асосий портлари Лагос, Порт-Харкорт.

*Тарихи.* XVII асрда ҳозирги Нигерия худудига дастлабки европаликлар келганида, мамлакатда иккита цивилизация – шимолда Канем-Борну мусулмон давлати ҳамда жанубда Йоруба ва Бенин киролликлари бор эди. XIX аср бошида Сокота давлати ташкил топади. XVIII асрда мамлакатни инглизлар томонидан мустамлакалаштириш бошлангандан сўнг Нигерия худудида иккита Британ протекторати – Жанубий ва Шимолий Нигерия пайдо бўлди. Улар 1919 йилда бирлаштирилди. 1954 йили протекторат тўрт давлат федерациясига айлантирилди.

ди, 1960 йили эса Нигерия мустакил республика деб зылон кишинди. 1967 йили мамлакат шаркыда Бизфра республикасын зылон кишинди. Бирок 1973 йили у хукумат күшиндерінде мағлұб бўлди. Мамлакатда 1966 йили ўриятилган ҳарбий тартиб 1979 йили фуқаролик хукумати билан алмаштирилди. Аммо 1983 йили мамлакатда навбатдаги давлат тұнтариши содир бўлди. 1999 йилининг 29 майда Нигерия фуқаролик хукумати бошқарувига ўтди. 2003, 2006 ва 2010 йилларда Нигерияда христиан ҳамда мусулман жамоалари ўртасида можаролар ва конли тўқнашувлар содир бўлди.

## НИДЕРЛАНДИЯ

*Расмий номи – Нидерландлар Қыроллығы. Пойтахти – Амстердам. Ҳудуди – 41548 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 16 793 650 киши (2013). Даулат тили – нидерланд. Сигиңүччиларнинг асосий қисми христиан динининг католик ва протестант мазҳабларига эътиқод қиласади. Пул бирлиги – евро.*

*Географик жойлашушы ва табиати.* Гарбий Европада жойлашган давлат. Жанубда – Бельгия (чегара узунлиги – 450 км), шаркда – Германия (577 км) билан чегарадош. Қуруқликтаги чегаралари узунлиги – 1027 км. Шимол ва гарбда Нидерландия (норасмий номи – Голландия) Шимолий деңгизга туташиб кетган. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги эса – 451 км. Мамлакат асосан соҳилбўй пасттекисликларда ва суви кочирилган ерларда (польдер) жойлашган. Мамлакат ҳудудининг 2/5 қисми деңгиз сатҳидан пастда (айрим жойлари деңгиз сатҳидан 5 м пастда) ўрнашган. Жануби-шарқка караб ер юзаси юкорилаб боради. Мамлакатнинг энг юкори нуктаси – Ваалсерберг (321 м).

*Асосий дарёлари* – Рейн ирмоклари билан, Маас, Шельда. Энг йирик кўли – Эйсельмер. Мамлакат ҳудудида табиий газ ва нефть конлари бор. Ишлов бериладиган ерлар умумий ҳудуднинг 26% (серхосил, унумдор ерлар мамлакатнинг энг мухим табиий ресурсларидан бири хисобланади), ўтлок ва яйловлар эса 32% инн ташкил киласади.

*Давлат музигиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – конституциявий монархия. Мамлакат таркибида 12 та провинция бор. Мамлакат пойтахти Амстердам булишига карамасдан, хукумат Гаагада жойлашган. Голландия 1579 йили Испаниядан мустакиллікка эришган. Миллий байрами 30 апрель – Киролича куни. Давлат бошлигига – кирол (киролича). Ижроия хокимият кирол билан хукуматта тегишили. Конун чиқарувчи хокимият кирол ва икки палатали парламент (Генерал Штатлар) томонидан амалга оширилади. Парламент икки палата – Европа ва Иххия палаталарын иборат. Сиёсий партиялари: Давлат ишоюлар партияси, Марказ деңгизгөратларни, Демокраглар – 66, «Сўл ишишлар», Озодлик ва деңгизгөратуши учун калк партияси, Мехнат партияси, Ислоҳотчи сиёсий

сий федерация, Ислоҳот сиёсий иттифоки, Социалистик партия, Иттифоқи 55+, Христиан демократик даъват.

**Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.** Мамлакатининг юбори азражада тараккӣ этган иқтисодида савдо ва молиявий коммагир сектори ЯИМниң ярмидан кўпроғини таъминлайди. Саноатда ма (ЯИМнинг 1-4 килем) газ, нефть казиб олиш ва нефтни кайта ишлаш, оник оқкат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, шунингдек, металлга ишлов бериш ва машинасотчилик (электртехника ва радиотехника саноати, кемасотчик) соҳалари ишқадам хисобланади. Юқори механизациялаштирилган кишлоқ хўжалигинда меҳнатга паскалаи аҳолининг 5%и банд бўлса-да, бу соҳа нафқат мамлакатни оник оқкат маҳсулотлари билан таъминлайди, балки етиштирилган маҳсулотиниг жатта килемни (суг маҳсулотлари, гуллар, гул қазамчалари, сабзавотлар) чечта жонорти ки оши имконини беради. 2012 йилда ЯИМ миқдори 770 224 млн (ахоли жон бошинга – 46 142) долларни ташкил этган. Асосий саҳо ҳамкорлари – ЕИ мамлакатлари, Марказий Шарқий Европа мамлакатлари.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 2757 км (шундан 1991 км электрификациялаштирилган). Голландия кенг тармоғин автомобиль йўлларига яз булий, уларнинг умумий узунлиги – 104 831 км (шундан 9251 км каттик юрамани). Ички сув йўлларининг умумий узунлиги – 6 340 км.

Асосий портлари – Амстердам, Роттердам.

**Тарихи.** Кельт кабилалари келиб ўрнашсан доириги Нидерландия ҳудудлари м. а. I асрда римлеклар томонидан босиб олинган. IV–V асрларда кармаралар боекинидан сўнг этник гурӯҳлар кўйидагича жойлашди: сакслар – шарқда, фризлар – киргик бўйида ва франклар – мамлакат жанубида. Христиан дини мамлакатга Буюк Карл бошқаруви даврида кириб келди Імперия қулашанидан сўнг Голландия 1843 йили Лотарингия тарбияни киради. XIV асрда Бургундия герцоги Филипп Довюрак Фландрия графиниси Маргаритага уйланшанидан сўнг голланд ерлари Бургундияга кўшилди. XV аср оқирлариша Голландия Габсбурлар, кейинрок француздар кўла остига ўти. Француз кироли Филипп Чирволи испан таҳти ворисига ўтланганлиги сабабли Голландия Испания ҳукмронлиги остига ўтиб колди. Испания кироли Карл V 1555 йили Филипп II фонардига таҳтдан воз кечди. 1579 йили протестантлик червои тарафдорлари 7 республикадан иборат федерация – Утрехт униясини туздилар. 1581 йили бу иттифоқ ўз мустақиллигини эълон киради. 1648 йили Испания Шимолий Брайант ва Фландринини Нидерландияга берди. XVII асрда Нидерландия кучли земиз амалатига вийланади ва тез орада унинг мағфаатлари Британ империяси мағфаатлари билан тўқнашади. 1794 йили Франция Нидерландийни босиб олди ва унинг ҳудудида Батания республикасини ташкил эти. 1806 йилда че Голландия киролигини тузди ва уни Наполеон Бонапартини акси. Людовик II ора киради. 1814 йили Вена конгресси карорига кўра Нидерландия киролигини тушибош, унга

бирлашган провинциялардан ташкари Бельгия ва Люксембург ҳам кирди. 1830 йилги инкилоб натижасида католиклар Бельгияси киролликдан ажралиб чиқди ва ўз мустакиллигини эълон киради. Жаҳон урушлари оралигида Нидерландия иқтисодий юксалиш даврини ўз бошидан кечирди. 1940 йили Германия томонидан босиб олинган Голландия, 1945 йилда озод килинди. 1949 йили Нидерландия Бельгия ва Люксембург билан божхона шартномасини имзолади (Бенилюкс). Нидерландия 1957 йилда ЕИнинг асосчиларидан бири бўлди. Бирок 2005 йилда ЕИ конституциясининг қабул килиниши бўйича ўтказилган референдумда Нидерландия аҳолисининг ярмидан кўпчи карши овоз берди. Нидерландия ЕИ конституцияси лойиҳасини рад этган иккинчи давлат (Франциядан сўнг) бўлди.

## НИКАРАГУА

*Расмий номи – Никарагуа Республикаси. Пойтахти – Манагуа. Худуди – 129 494 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 6 071 000 киши (2012). Давлат тили – испан. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – олтин кордובה (оро).*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Марказий Америкада жойлашган давлат. Шимолда – Гондурас (чегара узунлиги – 922 км), жанубда – Коста-Рика (309 км) билан чегарадош. Курукликтаги чегаралари узунлиги – 1231 км. Мамлакат гарбда Тинч океанига, шарқда Кариб дengизига туташиб кетган. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 910 км. Никарагуа киргоклари пасттекисликлардан иборат. Мамлакат ичкарисидаги ҳудудларнинг катта қисмини баландлиги 2438 м гача бўлган Кордильера-Исабелья тоғи ва тоғолди ҳудудлари эгаллаган. Тогли ҳудудлардан гарбдаги тектоник чўқмаларда йирик кўллар – Никарагуа ( $80\,029 \text{ м}^2$ ) ва Манагуа жойлашган. Мамлакат гарбida сўнган ва ҳаракатдаги вулканлар занжири чўзилиб кетган. Асосий табиий ресурслари: олтин, кумуш, мис, кўрошин, рух, вольфрам, ёғоч, балиқ. Мамлакат ҳудудининг деярли ярми ни ўтлок ва яйловлар, 35% эса ўрмон ва тўқайзорлар эгаллаган.

Иклими – шимоли-шаркида тропик пассат, жануби-гарбида эса субэкваториал иссанк.

Никарагуанинг шаркий қисми, кирғок бўйлари калин тропик доимий яшил ўрмонлар билан қопланган. Улар орасида дарахтларнинг қимматбаҳо турлари – кизил дарахтлар, чиримайдиган нисперо, саподил ва бошқалар учрайди. Тогларнинг юкори қисмida қарагай ва эман ўрмонлари бор. Мамлакат гарбida саванналар ва ксерофит (чўл иклимига чидамли ўтлар) тўқайзорлари кўп. Никарагуада жуда бой ҳайвонот дунёси сақланиб қолган: бу ерда маймун, кийик, ёвойи чўчка, тапир, кора айик, ягуар, катта игуаналар яшайди. Жуда кўплаб

түтилар, тукан ва тустовуклар учрайди. Никарагуа дарёларида кўплаб баликлар, тошбака, тимсохлар бор.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 15 та департамент ва 2 та мухтор мунтакага бўлинган. Никарагуа 1821 йилнинг 15 сентябринда мустакил бўлган (илгари Испания мустамлакаси). Бу кун миллый байрам хисобланади. Давлат ва ҳукумат бошлиги – президент. Одий конун чиқарувчи органи – Миллый ассамблея (бир палатали парламент).

Сиёсий партиялари: Никарагуа социалистик партияси, Мустакил либерал партия, Никарагуа социал-христиан партияси, Сандиночилар миллый озодлик фронти партияси, Либерал конституциячилар партияси, Миллый бирлик мустакил либерал партияси, Никарагуа консерватив партияси, Сандиночилар янгиланishi харакати.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Иқтисодининг милитарлашуви, АҚШ савдо-иқтисодий эмбаргоси, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий сиёсатда сандиночилар томонидан йўл кўйилган хатолар қишлоқ ҳўжалиги ва саноатда ишлаб чиқаришнинг қисқаришига олиб келган. Бу эса ахоли турмуш даражасининг пасайишига, шунингдек, ташки карзарининг ўсишига сабаб бўлди. Ишлаб чиқариш саноатнинг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини кайта ишлаш, кимё ва тўқимачилик каби тармоклари билан чекланган. Қишлоқ ҳўжалиги қаҳва, шакаркамиш, пахта (ассосан экспорт учун) етиштиришга ихтисослашган. 2012 йилда ЯИМ миқдори 7828 млн (аҳоли жон бошига – 1757) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари – ЕИ мамлакатлари ва Лотин Америкиаси.

Темир йўлларининг умумий узунылиги – 376 км. Автомобиль йўлларининг узунылиги – 15 286 км (1598 км каттиқ қопламали йўллар), ички сув йўллари – 2220 км.

Мамлакатнинг асосий портлари – Коринто, Блуфильдс.

*Тарихи.* Колумб томонидан 1502 йили кашф килинган ҳозирги Никарагуа худудлари Испания мустамлакасига айлантирилди ва 1560 йили Гватемала суперинтендантлиги таркибига киритилди. 1821 йили мустакилликни кўлга кириттанидан сўнг, Никарагуа Марказий Америка кўшма провинциялари таркибига кирди. 1838 йили тўлиқ мустакил бўлгунга кадар Никарагуа бир катор ички мажаролар, шунингдек, чет мамлакатлар – Буюк Британия (1848) ва АҚШнинг (1912–1933) интервенциясини бошидан кечириди. 1936 йилдан бошлаб мамлакатни Самос оиласи бошқарди. 1979 йили у Сандиночилар миллый озодлик фронти томонидан ағдариб ташланди. Сандиночилар ҳукуматининг иқтисодий соҳадаги муваффакиятсизликлари 1990 йилги президент сайловларинда мухолифатчилар нинг ғалаба қозонишига сабаб бўлди. 2006 йилги сайловларда яна сандиночилар ҳокимият тепасига келди.

## НОРВЕГИЯ

*Расмий номи – Норвегия Қироллиги. Пойтахти – Осло. Ҳудуди – 387 000 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 5 074 900 киши (2013). Давлат тили – норвег. Давлат дини – христиан динининг лютераник (87,8%) мазҳаби. Пул бирлиги – норвег кронаси.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Скандинавия яриморолининг шимолий ва гарбий кисми хамда Шпицберген архипелагида жойлашган Шимолий Европа давлати хисобланади. Шарқида – Швеция (чегара узунлиги – 1619 км), шимоли-шарқида – Финляндия (727 км) ва Россия билан (196 км) чегарадош. Куруклиқдаги чегаралари узунлиги – 2542 км. Норвегия гарбда Атлантика океани, шимолда Баренц денгизи, жанубда Шимолий денгиз ва Скагеррак бўғози билан тулашиб кетган. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 21 925 км (йирик ва кўп сонли майда ороллар билан қўшиб хисоблаганда). Норвегия худудининг катта кисмини Скандинав тоғлари эгаллаган. Энг юкори нуктаси – Гальхёпигтэн тоги (2469 м). Баланд ясситоғлар (фьельдлар) ва тик тоғлардан кейин ҳосилдор дарё водийлари бошланади. Соҳил чизиги фьордлар билан парчаланган. Денгизлари музламайди. Мамлакатнинг шимоли арктик тундра зонасида жойлашган. Асосий дарёлари – Логен, Бегна, Глома. Мамлакатда жуда кўплаб кўллар бор. Норвегия нефть, табиий газ, темир рудаси, мис, никель каби фойдали қазилма конларига ва муҳим табиий ресурслардан балиқ, ёғоч, гидроэнергетик потенциалга эга.

Иклими – мўътадил океан иклими, чекка шимолида эса субарктик иклим. Норвегиянинг ўсимлик дунёсида асосан тогли худудлардаги игнабаргли ўрмонлар устунлик қиласи. Ўрмонлар Норвегия худудининг 23% ини эгаллаган бўлиб, асосан арча, карагай, оқ қайнин дарахтлари кўпроқ учрайди. Чекка жанубий худудларида эса унча катта бўлмаган буқ ва эман ўрмонлари учрайди. Скандинавия тоғларида игнабаргли ўрмонлар жанубда 1100 м дан шимолда 300 м гача баландликда жойлашган. Норвегия жониворлари орасида ўрмон ва тундрага хос турлар кўп. Ўрмонларда бугу, кийик, бўрсик, сувсар, латча (ариқ сичкони), қундуз, силовесин, олмахонни учратиш мумкин. Тундрада эса шимол бугуси, оқ ва кўк тундра тулкиси, куён, шунингдек, норвегия сичкони деб аталувчи лемминглар кенг таркалган.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – конституциявий монархия. 19 та провинциядан ташқари Норвегия таркибида Буве, Ян-Маен, Шпицберген ороллари каби қарам худудлар хам бор. Норвегия 1905 йилнинг 26 октябрида Швециядан мустақилликка эришган. Миллий байрами 17 май – Конституция куни (1814). Давлат бошлиги – кирол. Ижроия ҳокимият кирол кўлида бўлиб, у Давлат кенгашини тайинлайди. Олий конун чиқарувчи орган – икки палатали парламент (стортинг) (юкори палатаси – лактинг, куйи палата-

си – одельстинг). Сиёсий партиялари: Норвег ишчи партияси, Марказ партияси, Тараккиёт партияси, Венstre, Либерал партия, Социалистик сўл партия, Христиан халк партияси, Хейре, Консерватив партия.

**Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.** Ҳар хил табиий ресурсларга бой бўлган Норвегия иқтисоди эркин тадбиркорлик ва ҳукумат назорати остида ривожланади. Саноатининг муҳим тармоклари: нефть ва газ, бундан ташкири, озик-овқат ишлаб чиқариш, целлюлоза-коғоз, металлургия, кимё, ёғочни қайта ишлаш, кемасозлик ҳам яхши ривожланган. Норвегия дунёнинг жуда кўплаб мамлакатларига балиқ ва балиқ маҳсулотларини экспорт килувчи йирик давлатлар каторига киради. Қишлоқ ҳўжалигида (ЯИМнинг 3%ни) бош сектор чорвачилик ҳисобланади. Озик-овқат маҳсулотларининг ярмидан кўпроги четдан келтирилади. 2012 йилда ЯИМ микдори 499 827 млн (аҳоли жон бошига – 99 462) долларни ташкил этган.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 4026 км, автомобиль йўллари – 88 922 км (61 356 км каттик қопламали), ички сув йўллари – 1577 км. Мамлакатнинг асосий портлари: Берген, Кристианссан, Осло, Тронхейм.

**Тарихи.** Қадимда Норвегия худудида герман кабилалари жойлашишган. V асрда бу худудда готларнинг дастлабки давлати вужудга келди. VIII аср охири – XI аср ўрталаригача норвеглар викингларнинг ҳарбий юришларида катнашишди. IX аср охири – XI аср бошларидаги конунг Харольд I Харфагер ҳукмронлиги остида мамлакатнинг сиёсий бирлашув жараёни бошланниб, шу вактнинг ўзида христианлик қабул килинди. 1262–1264 йилларда Исландия Норвегия мулкига айланди. 1397 йилдан бошлаб Кальмар униясига кўра, Норвегия Дания ҳукмронлиги остига тушиб қолди. 1814 йили Киль шартномасига мувофиқ Норвегия Швеция бошқаруви остига ўтди. Бироқ норвег ҳалқининг миллий ўзлигини англаш жараёнининг ўсиши Швеция билан иттифоқнинг бузилишига ва 1905 йили мустакил Норвегия кироллигининг тузилишига олиб келди. Биринчи жаҳон уруши йилларидаги Норвегия ўз нейтралитетини саклаб колишига муваффақ бўлди. 1940 йили мамлакат немис қўшинлари томонидан босиб олинди. Ҳукумат Лондонга кочди. 1945 йил 8 май куни Норвегия фашистлардан озод килинди. 1949 йили унинг НАТО ва 1952 йили Шимолий Кенгашга кириши Норвегия ҳайтидаги муҳим воқеалардан бўлди. 1994 йилда мамлакат ақолиси умумхалқ референдуми натижаларига кўра, Европа Иттифоқига киришга қарши овоз берган.

## ОЗАРБАЙЖОН

**Расмий номи – Озарбайжон Республикаси. Пойтахти – Боку. Ҳудуди – 86 600 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 9 235 100 киши (2012). Давлат тили – озарбайжон. Сигинувчиларнинг асосий қисми ислом динига эътиқод қиласади. Пул бирлиги – озарбайжон манати.**

*Географик жойлашуви ва табиати.* Озарбайжон Жануби-Гарбий Осиёда, Кавказортининг жануби-шаркий кисмida, Каспий дengизи соҳилларида жойлашган. Шимолда – Россия (284 км), шимоли-гарбда – Грузия (322 км), гарбда – Туркия (9 км), жануб ва жануби-гарбда – Арманистон (787 км), жанубда – Эрон (611 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунилиги – 2013 км. Шарқда Озарбайжон Каспий дengизи билан туташган. Мамлакат ҳудудининг 50% и тоглардан иборат. Шимолда Катта Кавказ, жанубда Кичик Кавказ, улар оралигига Кура водийси жойлашган. Жануби-шарқда Толиш тоғлари, жанубда Ўрта Аракс чўкмаси ва унинг шимолий чеккаси – Даралагез ва Зангезур тизмалари ястанаб ётади. Мамлакат ҳудудида жойлашган Толиши тогларининг баландлиги 2492 м га етади. Шеки-Шемаха ҳудудлари ҳамда Аракс водийси сейсмик фаол ҳудудлар хисобланади.

Иклими – субтропик. Мамлакатда 1250 га якин дарё бор. Энг катта дарёси – Кура. Озарбайжонда 250 га якин кўллар мавжуд бўлиб, улардан энг иириклари Беркшор ва Хожикабул кўллари. Асосий казилма бойликлари – нефть, табиий газ, темир, алюминий, мис, кимматбаҳо металлар. Озарбайжон ўсимлик дунёси ўта ранг-баранг. Тоғли ҳудудлари бута ва ўрмонзорлар билан копланган.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 67 та маъмурӣ ҳудуд ва Нахичеванъ Мухтор Республикасидан ташкил топган. Давлат бошлиги – президент. Қонун чиқарувчи олий органи бир палатали парламент – Миллий мажлис. Ижрочи ҳокимиятни Вазирлар маҳкамаси амалга оширади. Сиёсий партиялари: Янги Озарбайжон, Озарбайжон ҳалқ фронти, Миллий мустакиллик партияси, Мусовот, Озарбайжон ҳалқ партияси, Озарбайжон дехконлар партияси, Тўғри йўл партияси, Озарбайжон социал-демократик партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Саноатининг асосий соҳаси: нефть казиб олиш ва уни кайта ишлаш. Бундан ташкари, кимё, машинасозлик ва кора металлургия ҳам яхши ривожланган. Қишлоқ ҳўжалигининг асосий экинлари: буддой, шоли, пахта ва тамаки. Богдорчилик ва узумчилик яхши ривожланган. Анор, хурмо, анжир ва цитрус мевалар етиштириш яхши йўлга кўйилган. Чорвачилик асосан қорамол ва кўйларни бокишига ихтисослашган. Ипакчилик кадимий соҳалардан хисобланади. Экспорт маҳсулотлари: нефть ва нефть маҳсулотлари, рангли металл, пахта. Импорт маҳсулотлари: машина ва эҳтиёт қисмлар, озиқ-овқат, саноат хомашёси. 2012 йилда ЯИМ микдори 68 804 млн (аҳоли жон бошига – 7450) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари – Россия ва МДҲ давлатлари, Эрон, Туркия.

*Тарихи.* М. а. VI-II асрларда Озарбайжоннинг асосий кисмida Кавказ Албанияси давлати мавжуд бўлган. III-IX асрларда бу ҳудудлар форслар ва Араб ҳалифалиги хукмронлиги остида бўлган. Бугунги Озарбайжон ҳалки XI-XIII асрларда шаклланган. XIII-XIV асрларда мўгуллар, XIV аср охиirlарида Темур

күшнинлари томонидан босиб олинган. XVIII асрга келиб Эронга тобе бўлган 15 та майда давлатларга бўлиниб кетган. 1922 йилдан 1991 йилгача Озарбайжон СССР таркибида бўлди. 1988 йили Тогли Қорабоғ хусусида Озарбайжон билан Арманистон ўртасида низо чикиб, куролли тўқнашувга вайланниб кетди. 1991 йил 30 августда ўз мустакиллигини эълон килган. 1994 йилдан Арманистон билан можаролар тўхтатилиб, масалани тинч ҳал этиш тўгрисида музокаралар бошлиди.

## ПАЛАУ

*Расмий номи – Палау Республикаси. Пойтахти – Нгерулмууд. Ҳудуди – 508 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 20 956 киши (2011). Давлат тили – инглиз, палау. Сигинувчларнинг асосий қисми христиан динининг католик (40%) ва протестант (20%) мазҳабларига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – АҚШ доллари.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Каролин ороллари гурухидағи Палау архипелагида жойлашган Океания давлати. Мамлакат ҳудуди ўз ичига 200 га якин оролларни камраб олади, улар орасида маржон ва вулканлар фаалияти натижасида вужудга келган тоғли ороллар ҳам мавжуд. Соҳиб бўйлаб чегара узунлиги – 1519 км. Оролларда фосфоритлар, олтин каби казильма бойниклар билан бир каторда ёғоч ва денгиз маҳсулотлари каби табиий ресурслар ҳам мавжуд.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика, АҚШ билан «эркин уюшган» давлат. Мамлакат таркибига 16 та штат киради. Мамлакат мустакилликни 1994 йил 1 октябрда қўлга киритган (илгари – БМТ ҳомийлигидаги ҳудуд, АҚШ бошқаруви остида). Миллий байрами – 9 июль – Конституция куни. Давлат ва ҳукумат бошлиғи – президент. Олий конун чиқарувчи органи – икки палатали парламент: Миллий конгресс (Сенат) ва Делегатлар палатаси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Иқтисоди кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда балиқчиликка асосланган. Туризмнинг ривожланмаганлигининг асосий сабаби зарур бўлган инфраструктуранинг йўклигидадир. 2010 йилда ЯИМ майдори 164 млн (аҳоли жон бошига – 8100) долларни ташкил эттан.

Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Япония. Автомобиль йўллари узунлиги – 223 км. Порт шаҳри – Корор.

*Тарихи.* Каролин ороллари XVII асрда испанлар томонидан кашф этилган. 1899 йилда испанлар мустамлакаси Германияга сотиб юборилган. 1919 йилдан то 1945 йилнинг охириларигача ороллар Япония бошқаруви остида бўлган. 1947 йилда замонавий Палау бошка Каролин ороллари билан бир каторда БМТ ҳомийлигидаги Тинч океан ороллари таркибига кўшилиб, умумий бошқарув эса

АҚШ томонидан амалга оширилган. 1993 йил ноябрдаги референдум иштирокчилари АҚШга иктиёрий қүшилиш учун озов берди. 1994 йил 1 октябрдан Палау Республикаси АҚШ билан «эркин уюшма» доирасыда мустакилликка эга бўлди. У ўзини ўзи идора киlsa ҳам, аммо мудофаа, молия, ташки ишлар масалаларини АҚШ бошкаради.

## ПАНАМА

*Расмий номи – Панама Республикаси. Пойтахти – Панама. Ҳудуди – 78 200 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 3 405 800 киши (2010). Давлат тили – испан. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – бальбоа.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Марказий Американинг Панама бўйнидаги давлат. Фарбда – Коста-Рика (чегара узунлиги – 330 км), шарқда – Колумбия (225 км) билан чегарадош. Куруқликдаги чегаралари узунлиги – 555 км. Мамлакатнинг жанубий кирғоклари Тинч океани, шимолий кирғоклари эса Кариб денгизи билан туташган. Кирғоқ бўйлаб чегара узунлиги – 2490 км. Мамлакат худудининг тенг ярмини тоғликлар эгаллаган. Ҳаракатдаги Бару вулкони (3475 м) Панаманинг энг юқори нуктаси ҳисобланади. Қирғоқ худудлари асосан пасттекислик ва тепаликлардан иборат. Мамлакат сейсмик бескарор худудда жойлашган, вулкан портлашлари ва зилзилалар тез-тез бўлиб туради. Энг катта кўли – Баяно. Асосий табиий бойликлари – мис, кизил дарахт, майдा кискичбакалар (креветкалар).

Иклими – тропик. Ўсимлик дунёсида банаут дарахти, тропик ўрмон дарахтлари ҳамда Панама қўрки ҳисобланган орхидеялар кенг тарқалган. Ҳайвонот олами ранг-баранг капалаклар (турлари сони 1100 га якин), гигант капалакларнинг беш тури (канот узунлиги 15 см га етади), бундан ташқари ўрмонларида ягуар, пума каби йирткич ҳайвонлар мавжуд. Кушларнинг 850 тури, илон, чаён, ўргимчаклар ва турли ҳашаротлар кенг тарқалган. Тоғли ўрмон худудларида кинжаллар ҳам мавжуд.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 9 та провинция ва 5 муҳтор ҳиндулар резервациясидан иборат. Панама 1903 йил 3 ноябряда ўз мустакиллигини эълон қилган (илгари Колумбия таркибида эди), шу сана унинг миллий Мустакиллик куни байрамига айланди. Давлат ва ҳукумат бошлиги – президент. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали – Қонун чиқарувчи ассамблеядан иборат. Сиёсий партиялари: Арнулфиста партияси, «Папа Эгоро» ҳаракати, Лейбористлар партияси, Либерал-республикачилар миллий ҳаракати, Инкилобий демократик партия, Демократик християнлар партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Саноат асосан кишлоқ хўжалик маҳсулотларига ишлов бериш билан боғлик, бошка соҳалардан – нефтий кайта ишлаш ва курилиш анча тараккий этган. Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ЯИМ нинг 12% ини таъминлайди. Кишлоқ хўжалигига шоли, банан, донли ўсимликлар, қаҳва, шакаркамшиш етиширилади. 2012 йилда ЯИМ миқдори 34 819 млн (ахоли жон бошига – 9919) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари – АҚШ, Марказий Америка давлатлари, Япония, ЕИ мамлакатлари.

Темир йўлларининг узумий узунлиги – 238 км, автомобиль йўллари – 8530 км, ички сув йўллари узунлиги – 800 км (шундан 82 км Панама каналига тегишли, ушбу канал Тинч океанини Атлантика океани билан боғлаб туради). Асосий портлари – Колон, Кристобал, Панама.

*Тарихи.* 1502 йилда испанлар томонидан кашф этилган Панама, 1510 йилда Испания мустамлакасига айланди. 1513 йилда Панама бўйинни кесиб ўтиб, Тинч океан кирғокларига биринчи бўлиб европалик Нуњес де Бальбоа етиб борди. Панама 1821 йилда испан хукмронлигидан озод бўлганидан сўнг, Буюк Колумбия таркибига киради. 1903 йилда Панама ўз мустакиллигини эълон килди. Шу йили Панама каналининг катта кисмни АҚШга топшириш тўтрасидаги шартнома имзоланди. 1977 йилда янти шартнома имзоланиб, унга кўра 2000 йилнинг 1 январидан канал устидан суверен назорат Панамага ўтиши белгиланди.

1968 йилда генерал О. Торрихос томонидан ўрнатилган ҳарбий тузум 1984 йилда фукаролик ҳукумати кўлига ўтди. 1988 йилдан буён АҚШ ҳукумати томонидан наркотик моддалар савдо-сотигига айланадиган генерал Норьега давлат тўнтиришини амалга ошириди. Бироқ Панамага АҚШ қўшиллари киритилди ва 1990 йилнинг январида Норьега уларга таслим бўлди. 2000 йилнинг 1 январидан Панама канали устидан назорат давлат иختиёрига ўтди.

## ПАПУА-ЯНГИ ГВИНЕЯ

*Расмий номи – Папуа-Янги Гвinea Мустақил Давлати. Пойтахти – Порт-Морсби. Худуди – 462 840 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 7 170 112 киши (2012). Давлат тили – инглиз, ток-писин ва хири-моту, шунингдек, папуас ва меланезия тили оиласига кирадиган 700 дан ортиқ маҳаллий тиллар мавжуд. Сигинувчиларнинг асосий қисми християн динининг протестант ва католик мазҳаблариса эътиқод қилади. Пул бирлиги – кина.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Тинч океанининг жануби-шарқида – Янги Гвinea оролининг шарқий кисми ва Соломон ороллари (Бугенвиль ва Бука ороллари) ҳамда Луизиада ва Бисмарк архипелагидаги давлат. Индонезия (820 км) билан чегара дош. Папуа-Янги Гвinea кирғокларини шарқдан Соломон денгизи, жанубдан – Коралл денгизи, Торрес бўғози ва Папуа кўрфази, шимолда –

Бисмарк денгизи қамраб олган. Қирғоқ чизиги узунлиги – 5152 км. Мамлакат худуди асосан соҳилбўйи текисликлари, тоғлар ва тоғолди пасттекисликларидан иборат. Энг баланд нуктаси – Вильгельм чўккиси (4508 м). Асосий қазилма бойликлари – олтин, кумуш, мис, табиий газ, бошка табиий ресурслардан – ёғоч (худуднинг 71% и ўрмонлардан иборат) мавжуд.

Иклими – нам субэкваториал. Ўсимлиқ дунёси жуда бой, бу ерда ўсимликларнинг 6872 тури мавжуд. Ҳайвонот дунёси ҳалтали ҳайвонлардан иборат.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – унитар давлат, Британия Ҳамдустлиги аъзоси. Мамлакат 19 провинция ва 1 пойтахт округтидан иборат. Папуа-Янги Гвинея 1975 йил 16 сентябрда давлат мустақиллигини кўлга кириптган бўлиб (илгари БМТ ҳомийлигидаги Австралия умумий бошкаруви остида бўлган), шу кун унинг миллий байрами сифатида нишонланади. Қонунчилик инглиз умумий ҳукукига асосланган. Давлат бошлиги – инглиз кироли (кироличаси) томонидан тайинланадиган генерал-губернатор. Ижро этувчи ҳокимият ҳукумат бошлиги бўлган бош вазирга тегиши. Олий конун чиқарувчи орган – Миллий парламент (бир палатали). Сиёсий партиялари: Меланез иттифоки, Халқ харакат партияси, Халқ илгор партияси, Миллий демократик харакати, Миллий партия, Пангутати.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Мамлакат табиий ресурсларга бой, бироқ улардан фойдаланиш худуднинг мураккаб рельефга эгалиги ва зарур инфраструктуранинг шаклланмаганилиги сабабли деярли тараккий этмаган. Саноат асосан олтин, кумуш ва мис қазиб олиш ва пальма ёгини қайта ишлашга ихтисослашган. Унумдор ерлар ва қулай иклим қишлоқ ҳўжалигининг ривожланиши учун яхши омил ҳисобланади. Папуа-Янги Гвинея қаҳва, какао, пальма ёги, кокос ёнгоклари, каучук, чой каби қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини экспорт килади. 2012 йилда ЯИМ микдори 15 393 млн (аҳоли жон бошига – 2313) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Япония, Янги Зеландия, Австралия, Буюк Британия.

Автомобиль йўлларнинг умумий узунлиги – 19 200 км, ички сув йўллари – 10 940 км. Портлари: Лаз, Порт-Морбси.

*Тарихи.* Янги Гвинея ороли 1526 йилда португалияллар томонидан кашф этилган бўлиб, маҳаллий аҳоли африкаликларга ўхшаш бўлганлиги учун орол шу ном билан аталган. 1828 йилда Голландия оролнинг гарбий қисмини (1962 йилда Индонезияга ўтиб кетган) ўз мулки деб ўзлон қилди. Оролнинг шарқий қисми (ҳозирги Папуа-Янги Гвинея худуди), 1885 йилда иккига бўлинган бўлиб, шимоли-шарқий қисми немис протекторати, жануби-шарқий қисми эса Австралия томонидан кўшиб олинган худудлардан иборат эди.

Иккинчи жаҳон уруши бошларида Австралия немис протекторатини босиб олди ва 1921 йили Миллатлар Лигаси томонидан унга Шарқий Янги Гвинеяни бошқариш учун мандат берилди. 1973 йилда ўз-ўзини бошқариш ҳукукини

Кўлга киритган мамлакат Британия Хамдўстлигига аъзолингини саклаган ҳолда, 1975 йилнинг 16 сентяброда мустакил Папуа – Янги Гвинея давлатига айланди. 1988–1997 йилларда Бугенвиль оролида партизанлар уруши содир бўлди. Бугенвиль инкилобий армияси оролни Папуа – Янги Гвинеядан ажратиб олиш учун уруш олиб борди. Партизанларга қарши мамлакатнинг бутун армияси, шунингдек, Австралиядан ёрдамга чакирилган ҳарбий контингент ва ёлланма професионал жангчилар курашди. Уруш давомида 20 мингдан ортик киши ҳалок бўлди.

## ПАРАГВАЙ

*Расмий номи – Парагвай Республикаси. Пойтахти – Асунсьон. Ҳудуди – 406 752 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 6 337 120 киши (2010). Давлат тили – испан ва гуарани. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – гуарани.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Жанубий Американинг марказий қисмидаги давлат. Жануб ва жануби-гарбда – Аргентина (чегара узунилиги – 1880 км), шимол ва шимоли-гарбда – Боливия (750 км), шимоли-шарқда – Бразилия (1365 км) билан чегарадош. Чегара чизигининг умумий узунилиги – 3995 км. Мамлакат ҳудуди асосан текисликлардан иборат. Асосий дарёси – Парагвай мамлакат ҳудудининг ўртасидан оқиб ўтади. Шаркий ҳудудлари ўрмон билан қопланган тепаликлардан иборат. Гран-Чано вилоятини асосан паст ботқок дарё текисликлари ташкил этади. Асосий табиий бойликлари: темир рудаси, марганец, оҳактош, ёғоч. Ишлов бериладиган срлар мамлакат ҳудудининг 20%, яйлов ва ўтлоклар – 39%, ўрмонлар ва даштзорлар – 35% ини ташкил этади.

Иклими – тропик. Парагвайнинг доимий яшил ўрмонлари ва даштиликларида дараукария, ербя каби дарахтлар ўсади. Фарбда пальма ўрмонзорлари кенг тар-калган. Ёввойи апельсин дарахтлари ҳам кўплаб учрайди, хайвонот дунёси жуда бой, бу ерда пума, ягуар, бўри, ботқок бугуси, чумолихўр ва ҳоказолар бор.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. 19 та департаментдан ташкил топган. Парагвай 1811 йилнинг 14 майида мустакилликка эришган (илгари Испанияга карашни ҳудудлар бўлган). Давлат ва ҳукумат бошлиги президент. Конун чиқарувчи ҳокимиятни икки палатали Сенат ва Депутатлар палатасидан иборат миллий конгресс амалга оширади. Сиёсий партиялари: Либерал партия, Либерал-радикал партия, Миллий республикачилар уюшмаси – «Колорадо» партияси, Парагвай коммунистик партияси, Ҳакикий либерал-радикал партия, Инкилобий фебреро партияси, Христиан-демократик партия.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Ишга ярокли аҳолининг ярми банд бўлган қишлок хўжалиги ва ўрмончилик мамлакат экспортининг катта

қисмини таъминлайди. Асосий экспорт маҳсулотлари – пахта, қаҳва, шакарка-миш. Чорвачилик ҳам ривожланган. Саноат асосан қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ва ёғочни кайта ишлашга асосланган. Парагвай йирик гидроэнергетик салоҳиятга эга. XX аср 90-йилларининг бошларида Парагвайнинг Аргентина, Бразилия ва Уругвайни ўз ичига олган Умумий бозорнинг жанубий бўлимига кўшилиши монтакадаги иқтисодий фаолликнинг ошишига ижобий таъсир кўрсатди. 2012 йилда ЯИМ миқдори 26089 млн (аҳоли жон бошига – 3903) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Бразилия, ЕИ, АҚШ, Аргентина.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 1300 км, автомобиль йўллари – 11300 км, ички сув йўллари – 3100 км. Асосий порти – Асунсьон.

**Тарихи.** Ҳиндуларнинг гуарани кабилалари яшовчи Парагвай ҳудуди 1515 йилда Диас де Соли томонидан кашф килингган. 1525 йили ушбу ҳудудлар Диего Гарсиа томонидан ўрганилгандан сўнг, Парагвай Перу вице-кироллиги таркибига кирган испан мустамлакасига айланди. 1610 йилда Испаниядан келган незуитлар 1767 йилга кадар мавжуд бўлган ўзига хос давлат ичидаги давлатни ташкил килишди. 1811 йилда Парагвай испан мустамлакачиларига карши курашда ғалаба козониб, мустакилликка эришди. Салоно Лопес президентлиги даврида, 1864–1870 йилларда Парагвай Аргентина, Бразилия ва Уругвайга карши уруш олиб борди. Окибатда Уругвай ўз ҳудудларининг катта қисмидан маҳрум бўлди. 1928 йилда Чано провинциясида нефть конларининг очилиши Боливия билан 1950 йилгacha давом этган ҳарбий тўкнашувга сабаб бўлди. 1954 йилда Парагвайда генерал Стресснернинг ҳарбий диктатураси ўрнатилди. 1989 йилдаги давлат тўнтириши оқибатида генерал Стресснер генерал Бодриж томонидан ағдарилиб, хокимият фуқаролик хукумат кўлига топширилди.

## ПЕРУ

*Расмий номи – Перу Республикаси. Пойтахти – Лима. Ҳудуди – 1 285 215 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 30 135 800 киши (2012). Давлат тили – испан, кечуа ва аймара. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига зътиқод қиласди. Пул бирлиги – нуэво (янги) соль.*

Географик жойлашуви ва табиати. Жанубий Америка континентининг ғарбий қисмida жойлашган давлат. Шимолда – Колумбия (чегара узунлиги – 1800 км) ва Эквадор (1420 км), шарқда – Бразилия (2995 км) ва Боливия (1075 км), жанубда – Чили (171 км) билан чегарадош. Куруқликдаги чегаралари узунлиги – 7461 км. Ғарбда мамлакат киргоклари Тинч океани билан туташган. Киргок бўйлаб чегара узунлиги – 2414 км. Мамлакатнинг шарқий қисми яхши ўрганилмаган. Амазонка ҳавзасининг пасттекисликлари ўрмонлар билан копланган. Перу марказида баланд тоф тизмаларидан иборат Анд тоглари

жойлашган бўлиб, унинг асосий төғ занжирлари: Фарбий Кордильера, Марка-зий Кордильера ва Шаркй Кордильерадир. Мамлакат ва Анд төғларининг энг юкори нутгаси – Оқ Кордильерада жойлашган Уаскараран (6768 м) тоги. Перу Андларининг жанубида вулканлар ҳам мавжуд. Уларнинг энг баланди – Мисти (5821 м) вулконидир. Энг йирик кўли кисман Перуга карашли бўлган Титика-ка. Мамлакатнинг асосий дарёси – Амазонка ва унинг Мараньон, Путумайо, Укаяи ирмоклари. Асосий казилма бойликлари: мис, олтин, кумуш, нефть, темир рудаси; табиий ресурсларига ёғоч ва балиқ захиралари ҳам киради.

Иклими – ўзига хос уч топографик худудга бўлинади (коста, сьерра, сельва). Коста худудлари иклими нисбатан иссиқ ва куруқ. Сьерра Анд төғ тизмаларидан ташкил топганлиги сабабли бу ерда доимий паст ҳарорат ҳукм суради. Сельва нам ва йил давомида иссиқликнинг тенг таксимланганлиги билан тавсифлана-ди. Ҳайвонот дунёси: сьеррада ламалар, сельва ўрмонларида маймунлар, йиртқичлардан ягуар ва оцелотлар мавжуд. Бундан ташқари, кўпгина заҳарли ва бутма илонлар ҳам бўлиб, улардан бирни дунёдаги энг йирик илон – анакондадир.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 24 та департаментга бўлинган бўлиб, бундан ташқари унинг таркибига битта конституциявий провинция киради. Перу 1821 йил 28 июляда мустакилликка эришди. Илтари Испания мустамлакаси бўлган. Миллий бай-рами – мустакиллик куни. Ижро этувчи ҳокимиёт президент (давлат бошлиги) ва Вазирлар кенгаши бошлиги бош вазир кўлида жамланган. Олий Қонунчилик органи – Миллий контгресс (икки палатали парламент). Сиёсий партиялари: «Перунинг келажаги учун» сиёсий партияси, Халқ харакати партияси, Халқ христиан партияси, Перу Арист партияси, Перу коммунистик партияси, Перу учун иттифоқ партияси, Христиан демократик партия.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Банк иши, энергетика ва төғ-кон саноатида давлат улуши йирик, бироқ мамлакат иқтисоди кўпроқ бозор муносабатларига мослаштирилмоқда. 2012 йилда ЯИМ миқдори 200 292 млн (ахоли жон бошига – 6530) долларни ташкил этган. Асосий саноат тармоклари: нефть, кўргошин, рух, кумуш (Перу кумуш казиб олиш бўйича дунёда учинчи ўринда туради), мис (асосий экспорт маҳсулоти) казиб олиш, бундан ташқари автомобилсозлик ва кемасозлик соҳалари ривожланган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Япония, Колумбия, Аргентина.

Темир йўлларининг умумий узунилиги – 1801 км, автомобиль йўллари узунлиги – 69 942 км, ички сув йўллари – 8800 км га яқин. Мамлакатнинг асосий портлари – Кальяо, Талара, Сан-Николас, Чимботе.

*Тарихи.* Замонавий Перу худуди 1531–1536 йилларда Писарро бошчилигидаги испан конкистадорлари томонидан босиб олинган инклар империяси маркази эди. 1543 йилда Жанубий Америкадаги барча испан мустамлакаларини ўзичига олган Перу вице-кироллиги ташкил этилди. 1821 йилдаги миллй-озод-

лик харакатлари мустакиллик зълон килинишига олиб келган. Бирок 1825 йилда мамлакатнинг юкори кисми мустакил Боливия давлати номи билан ажралиб чиқди. Тинч океан урушлари (1879–1883) окибатида Боливия ва Чилига карши урушган Перу ўз худудининг селитра конлари жойлашган кисмини бой берди. 1990 йилда Перу президенти этиб сайдланган, япон оиласидан чиқкан А. Фухимори мамлакатта қатъий иқтисод тизимини киритиб, 1992 йилда парламентни тарқатиб юборди ва конституциянинг амал килишини тұхтатди. 1998 йилда Эквадор билан чегара муаммолари ҳал этилди. 1993 йили янги конституция кабул килинди. 2001 йили Фухимори режими ағдариб ташланды.

## ПОКИСТОН

*Расмий номи – Покистон Ислом Республикаси. Пойтахти – Исломобод. Ҳудуды – 803 900 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 203 821 300 киши (2013). Давлат тили – урду ва инглиз. Давлат дини – ислом. Пул бирлиги – покистон рупияси.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Жанубий Осиёда, Ҳиндистон яриморолининг шимоли-гарбидаги давлат. Шарқ ва жануби-шарқида – Ҳиндистон (чегара узуны – 2912 км), шимоли-шарқида – Хитой (523 км), шимолда – Афғонистон (2430 км), гарбда – Эрон (909 км) билан чегарадош. Куруқликтаги чегаралари узуны – 6774 км. Мамлакатнинг жанубий кисми Арабистон деңгизи билан туташиб кетган. Соҳил бўйлаб чегара узуны – 1046 км. Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги Жамму ва Кашмир вилоятлари низоли ҳудуд ҳисобланади. Шарқ ва жануби-шарқида Ҳинд дарёси ҳавзасининг текисликлари жойлашган. Шимол ва шимоли-гарбда Ҳимолай тоги тик коялари ҳамда баландлиги 7690 м (Тиричмир чўққиси) бўлган Ҳиндикуш тог тизмаси ястаниб ётибди. Мамлакатнинг гарбий кисмини Сулаймон, Табакакар, Макрон, Киртхор тог тизмалари билан Белужистон ясситоғлиги эгаллаган. Асосий дарёси – Ҳинд ва унинг ирмоклари. Покистон табиий газнинг салмоқли захираларига эга бўлиб, фойдали казилмалардан мис, нефть, кўмир, темирrudаси бор.

Иклими – муссон, мамлакат худудининг катта кисмida тропик-континентал. Ўсимликлар дунёси ранг-баранг. Ҳайвонот дунёсида йирик сут эмизувчи хайвонлар кўп эмас. Табиати учун ёввойи тог эчкилари, тўнғизлар ва ёввойи кўйлар ҳамда текисликларда ёввойи эшаклар (хачирлар) хос. Маймунлар кўп, сиртлонлар ҳам учраб туради, бундан ташқари Белужистон тулкиси, қашкир ва чиябўрилар кенг таркалган. Кушлардан бургут, тустовуқ, тўтилар ҳам кўп.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – федерация, ислом республикаси. Мамлакат таркибига 4 та провинция (Белужистон, Шимоли-Гарбий чегара, Панжоб, Синд), кабилалар ҳудуди ва пойтахт Федерал ҳудуди киради. Покистон бошкарувидаги Жамму ва Кашмир низоли ҳудудлари ўз ичига

Озод Кашмир ҳамда Шимолий майдонларни камраб олади. 1947 йил 14 августда Покистон давлат мустакиллигини кўлга киритди (илгари инглиз мустамлакаси – Фарбий Покистон). Миллий байрамлари: 14 август – Мустакиллик куни ва 23 март – Покистон куни. Давлат бошлиги – президент. Ижро этувчи ҳокимиятни президент ва ҳукумат амалга оширади, баш вазирни президент тайинлайди. Конун чикарувчи ҳокимият – икки палатали парламент (Сенат ва Миллий асамблея) томонидан амалга оширилади. Сиёсий партиялари: Халқ партияси, Миллий халқ партияси, Покистон мусулмон лигаси, Жамоат-ул-Исломия.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Покистон саноати ривожланадиган аграр мамлакат. 1947–1991 йилларда мамлакат иқтисодиётни таркибида чукур ўзгаришлар содир бўлди – ишлаб чиқариш замонавий шакл ва услубларга ўтди, ялини ички маҳсулот 5 баравар ошиди. Иқтисодиётдаги бу натижаларга давлатнинг иқтисодий сиёсати – ҳусусий ишбилиармонлиники бошкариш ва рағбатлантириш ҳамда давлат секторининг фаолияти туфайли эришилди. Ҳукуматнинг сайдъ-харакатлари чет эл ҳамда ички инвестициялар салмоғини оширишга каратилган. Ишлаб чиқариш тармогида асосан тўқимачилик ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш саноатлари яхши ривожланган. Кишлоп ҳўжалигининг асосий маҳсулотлари: пахта, шоли (асосий экспорт маҳсулотлари), бугдой, кандлавлаги, мева ва полиз экинлари. Чорвачилик ҳам ривожланган. 2012 йилда ЯИМ микдори 230 525 млн (ахоли жон бошига – 1296) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Япония, Гонконг, Германия, Буюк Британия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 8773 км, автомобильъ йўллари – 101 315 км, порт шаҳарлари – Гвадар, Карабчи.

*Тарихи.* Замонавий Покистон ҳудудида м. а. 3–2 минг йилларларда дунёдаги энг қадимгилардан бири хисобланган Хараппа цивилизацияси мавжуд бўлган. М. а. 1500 йилда хинд цивилизациясига асос согтан орӣ қабилаларининг ўтмиши мамлакатнинг форслар томонидан босиб олингунинг қадар бўлган Покистон тарихи ҳамда м. а. VI асрдагача бўлган Ҳиндистон тарихи билан чамбарчас боғлиқ. М. а. IV асрда Покистон Буюк Александр империяси таркибига кирган. Замонавий Покистон ҳудудида ислом дини VIII асрда тарқала бошлади. Темурийлар, Бобур Мирзо ва унинг авлодлари (1526–1857) даврида ислом дини шимолий Ҳиндистоннинг мусулмон ҳукмдорлари бошқарувидаги хинд князликларининг катта қисмига тарқалди. XIX асрда замонавий Ҳиндистон ҳудуди инглиз кўшинлари томонидан босиб олиниб, Британ Ҳиндистони мустамлакаси таркибига кирди. 1885 йилда ҳиндлар томонидан Ҳиндистон Миллий Конгресини ташкил этиш жаёнига кўйилмаган мусулмонлар, 1940 йилда автоном мусулмон давлатини ташкил этиш талаби билан чиккан ва ўзларининг Ҳинд Мусулмонлари Лигасини ташкил килишган. 1947 йилда Ҳиндистон мустақилликка эриншгандан сўнг Покистон давлати ташкил этилиб, 1956 йилда янги қабул килинган конституцияга асосан Покистон Ислом Республикаси деб зълон

килинди. Покистон ва Ҳиндистон ўргасида куролли тўқнашувлар бошланди. 1965 ва 1971 йилларда хинд куролли кучлари Покистоннинг шаркий қисмини ишғол қилганидан сўнг, 1974 йилда шу ҳудудда мустақил Бангладеш давлати ташкил этилди. Шу билан бирга Покистон Ҳиндистон билан Жамму ва Кашимир штатлари хусусида ҳам баҳс олиб бормоқда. 1977 йилда ҳарбий тўнтариш оқибатида мамлакатда ҳокимият тепасига генерал Мухаммад Зиёд Ул-Ҳақ келди. Унинг вафотидан сўнг, 1988 йилда Покистонда эркин парламент сайловлари ўтказилиб, Беназир Бхутто бошчилигидаги Халк партияси ғалаба қозонди. 1990 йилда мамлакат президенти Исҳоқ Ҳон муддатидан илгари парламент сайловларини белгилаб, унда Ислом демократик альянси ғалаба қозонди. 1999 йил 12 октябрда давлат тўнтариши содир бўлиб, бутун ҳокимият генерал Парвиз Мушарраф бошлиқ ҳарбийлар кўлига ўтди ва у ўзини президент деб эълон қилди. 2000 йилларнинг бошларидан Покистоннинг шимоли-ғарбий қисмидаги Вазиристон ҳудуди толибонлар ҳаракатининг таянч нуктасига айланди. 2004 йили толибонлар ушбу минтақада амалда ҳокимиятни эгаллагаб олишди. 2011 йили Афғонистон билан Ангур-Ада шахри яқинида чегара муаммоси келиб чиқди.

## ПОЛЬША

*Расмий номи – Польша Республикаси. Пойтахти – Варшава. Ҳудуди – 312 683 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 38 533 300 киши (2013). Давлат тили – поляк. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – злотий.*

**Географик жойлашуви ва табиати.** Марказий Европа давлати. Жанубда – Чехия (чегара узунлиги – 790 км) ва Словакия (541 км), шарқида – Украина (529 км), Беларусь (416 км) ва Литва (103 км), ғарбда – Германия (467 км), шимолда – Россия (Калининград области, 210 км) билан чегарадош. Куруқликдаги чегаралари узунлиги – 3056 км. Шимолда мамлакат Болтик денгизи билан туашган. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 788 км. Мамлакат ҳудуди асосан тикилника жойлашган, мамлакатнинг 2/3 қисмига яқини Польша пасттекислигига ястаниб ётибди. Польша шимолида Болтик ясситоғлиги жойлашган. Жануб ва жануби-шарқида Кичикполяк ва Люблин тепаликлари ястаниб ётади. Жанубий чегара бўйлаб Карпат ва Судет тоғлари чўзилиб кетган. Мамлакатнинг энг юқори нуктаси – Риси тоги (2499 м). Асосий дарёлари – Висла ва Одер. Мамлакат шимолида кўллар кўп. Польшада кўмир, табиий газ, мис, кумуш ва қўроғшин конлари мавжуд. Ҳайдаладиган ерлар ҳудуднинг 46% ини эгаллаган, ўрмон ва даштзорлар – 28%, ўтлок ва яйловлар – 13%.

Иклими – континентал. Ўсимлиқ дунёси – мамлакат ҳудудининг чорак қисми ўрмонлардан иборат. Польша ҳудудининг 58 000 гектарини эгаллаган Беловеж

Пушчаси, ўрмонлар флорасини яхши саклаб колган ўзига хос миллий кўрикхона хисобланади. Ҳайвонот дунёсида ёввойи тўнгиз, бугу, сиртлон, ёввойи мушук, кийик ва тогли худудларда кўнгир айик, бўри каби жониворларни учратиш мумкин. Беловеж Пушчасида ҳайвонот дунёсининг ноёб намунаси бўлган зубр, яъни Европа бизони сакланиб қолган.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. 1999 йил 1 январда мамлакат маъмурӣ-худудий бўлнишида 49 воеводалик ўрнига 16 воеводалик жорий килинди. Польша мустакил республика сифатида 1918 йили 11 ноябрда эълон килинди. Миллий байрам З май – Конституция куни (1791). Ижро этувчи хокимият президент (давлат бошлиги) ва Вазирлар кенгаши раҳбарни бош вазирга тегиши. Олий конун чиқарувчи орган – икки палатали парламент (Миллий йигин): юкори палата (Сенат) ва қуий палата (Сейм) дан ташкил топган. Сиёсий партиялари: Демократик партия, Консерватив халк партияси, Мустакил Польша конфедерацияси, Поляк деҳқонлар партияси, Поляк христиан-демократлар келишуви партияси, Оралик кучлар битишуви партияси, Мехнат иттифоки партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* XX асрнинг 90-йилларида иқтисодий ислоҳотларнинг ўтказилиши бозорни баркарорлаштириш, миллий валютани мустаҳкамлаш ва давлат бюджети дефицитини камайтириш ҳамда ташки қарзнинг ўсишини тўхтатиш имконини берди. 2012 йилда ЯИМ миқдори 470 354 млн (аҳоли жон бошига – 12 538) долларни ташкил этган. Саноат ва курилишда ишлаб чиқаришнинг юкори самарадорлигига эришилди. Саноатнинг ривожланган соҳалари: машинасозлик, кемасозлик, металлургия, кимё, озиковоркат, тўқимачилик. Ишлаб чиқариш тизимишининг ўзгартирилили, модернизация килиниши ва ҳукумат томонидан экологик дастурларнинг бажарилиши атроф мухит аҳволини сезиларли яхшиланишига олиб келди. Қишлоқ ҳўжалигига хусусий сектор устунлик киласди. Польша жавдар, бугдой, картошка, рапс маҳсулотларининг йирик етиштирувчилардан бири. Чорвачилик анча ривожланган. Иқтисодий жонланиш бандлик бозоридаги аҳволни бирмунча яхшилади, аммо ишсизлик ҳали ҳам юкори даражада. Иқтисодий ҳамкорлари: Германия, Голландия, Италия, Россия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 24 313 км (11 613 км электрифицированлаштирилган). Автомобиль йўллари – 352 802 км, ички сув йўллари – 3997 км. Асосий порт шахарлари: Гданьск, Гдиня, Шчецин.

*Тарихи.* V асрда замонавий Польша худудига гарбий славян қабилалари (полянлар, вислянлар, мазовшанлар, померанлар) кириб келиб, ўтрок ҳаёт тарзига ўтиди. IX асрда пястлар суполоси Польша князларини бирлаштира бошлади. X асрда христиан динини қабул килиган ва таркаган кирол Мешко I Польша ерларини кенгайтириди. Унинг ўғли Болеслав I Богемия, Моравияни ҳамда Словакияни кенгайтириди. Унинг ўғли Болеслав I Богемия, Моравияни ҳамда Словакияни кенгайтириди. Унинг ўғли Болеслав I Богемия, Моравияни ҳамда Словакияни кенгайтириди. Унинг ўғли Болеслав I Богемия, Моравияни ҳамда Словакияни кенгайтириди. Унинг ўғли Болеслав I Богемия, Моравияни ҳамда Словакияни кенгайтириди.

хукмдорлик давридан сүнг Польша кироллиги инкирозга юз тутиб, бу тушкунлик XIV аср бошларигача, Казимир III Буюк Польша кироллиги кудратини тиклагунга кадар давом этди.

1384 йилда Польша кироличаси Ядвига ва Литва Буюк князи Владислав II Ягайло ўртасида тузилган никоҳ Польша киролларининг ягайолар сулоласига асос солди. 1410 йилда Грюнвальд ёнидаги жангда Тевтон рицарларини тор-мор килган Польша ва Литва Буюк князлигининг бирлашган қўшинларига бошчиллик қилди. 1569 йилда Польша ва Литва Буюк князлигини ягона давлат – Речь Посполитага бирлаштирган Литва унияси имзоланди. Иктисодий ва маънавий ўсиш давридан сүнг Польша XVI–XVII асрларда бир неча урупшарни (Россия, Швеция, Туркия) бошдан кечириш билан бир каторда, ички ихтилофларни хам бартараф килишига тўғри келди. Натижада давлат заифлашиб, 1772 йилда Россия, Пруссия ва Австрия ўртасида бўлиб олинди. Иккинчи (1793) ва Учинчи (1795) бўлинишдан сүнг Польша давлат сифатида барҳам топди. 1807 йилда Наполеон Бонапарт мамлакат худудининг бир кисмида Варшава князлигини тузди. Вена конгрессининг карорига кўра, (Польшанинг тўртингчи бўлинишидан сүнг, 1815) Россия империяси таркибига Польша Кироллиги номи билан қўшилди. Нисбий муҳториятдан фойдаланган Krakov республикаси эса Австро-Венгрия империясининг бир кисмiga айланди. XIX асрда поляклар бир неча маротаба кўзғолон кўтардилар (1830–1831, 1846, 1848, 1863, 1864), аммо уларнинг барчасини чор Россияси шафкатсизлик билан бостирган. Биринчи жаҳон уруши даврида Польша Австро-Венгрия тарафида Россия қўшинларига карши жангларда иштирок этган. 1916 йилда Германия ва Австро-Венгрия босиб олган ҳудудларнинг бирлашганидан хамда Польшанинг бўлинишида иштирок этган барча давлатларнинг маглубиятта учраганидан сүнг, 1918 йилда Польша мустакиллиги зълон килинди. 1919 йилнинг январида эса Пилсудский бошчилигига мустакил хукумат ташкил этилди. 1939 йил 1 сентябрда Польшанинг гарбий кисми немис қўшинлари, шарқий кисми эса 1939 йил 17 сентябрда Совет Иттифоки томонидан босиб олинди. 1945 йилда мамлакат озод килингандан сүнг, ҳокимият тепасига ишли партияларнинг «Демократик блююи келди. 1947 йилда улар ягона ишли партиясига бирлашиб, 40 йилдан зинд давр мобайнида Польшада ҳукмронлик килилди. 1990 йилда илк эркин сайловлар ўтказилди. Унда Лех Валенса ғолиб чиқиб, мамлакат президенти бўлди. У «Солидарность» («Бирдамлик») касаба уюшмаси етакчиси бўлиб, 1980 йилдан бошлаб ҳокимиятта қарши курашди. 1989 йили Польша Халк Республикаси (ПХР) Польша Республикаси номини олди. 1995 йилда сўл канот партиялари Польшада демократик ислоҳотлар ўтказиш таклифи билан чиқди. С. Квасьевский давлат бошлиги этиб сайланди. Польша 1999 йилла НАТОга аъзо бўлиб кирди ва бу блокнинг Югославиядаги бомбардимонларини, Афғонистон ва Ирокқа интервенцияларини кўллаб-куватлади. 2004 йили ЕИГа аъзо бўлди. 2005 йилги президентлик сайловларида Л. Качинь-

кій голіб чиқди. 2010 йилда Смоленск якында президент ва хукумат аъзолари авиаҳалокатта учради.

## ПОРТУГАЛИЯ

*Расмий номи – Португалия Республикаси. Пойтахти – Лиссабон. Ҳудуди – 91 985 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 10 541 840 киши (2012). Давлат тили – португал ва мирандес. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – евро.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Пиреней яриморолида жойлашган Жануби-Ғарбий Европадаги давлат. Атлантика океанинаги Азор ва Мадейра ороллари ҳам Португалияга тегишли. Шарқ ва шимолда Испания (1214 км) билан чегарадош. Ғарб ва жанубда Атлантика океани билан туташ. Соҳил буйлаб чегара узунлиги – 793 км. Португалиянинг шимолий ва шимоли-шаркий қисмида тоғлар бор. Асосий тоф тизмаси Серра-да-Эштрела. Мамлакатнинг энг юкори нуктаси – Эштрела (1991 м) тоги. Португалиянинг маркази ва жанубида пасттогониклар ва тепаликлардан иборат Португал пасттекислиги ястаниб ётади. Йирик дарёлари: Дору (Дуэро), Тежу (Тахо), Гвалиана. Қазилма бойликлардан темир рудаси, уран рудаси, вольфрам, табиий бойликлардан мармар, ёғоч мавжуд. Ишлов бериладиган ерлар мамлакат худудининг 32%, ўрмонлар ва даштлар 40%ини эгаллаган.

Иклимига Атлантика океанининг таъсири кучли. Ўсимлик дунёси йирик барғли ва иғнабарғли дараҳатларга бой. Ҳайвонлардан бўри, тулки ва бошқалар учрайди.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 2 та муҳтор вилоят, 22 та округта бўлинган, шундан 18 таси материкда жойлашган бўлиб, 11 та тарихий вилоятга бирлашган. Португалия 1143 йилда мустақилликка эришиб, 1910 йилнинг 5 октябринда республика деб эълон килинди. Миллий байрами 10 июнь – Португалия куни. Давлат бошлиги – президент. Ижро этувчи хокимиятни Вазирлар кенгаши амалга оширади. Конун чиқарувчи хокимият бир палатали Республика мажлиси томонидан амалга оширилади. Сиёсий партиялари: Халқ монархиячи партияси, Халқ партияси, Португалия коммунистик партияси, Социал-демократик партия, Социалистик партия.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Португалия Европа Иттифокига аъзо бўлиб кирганидан бўён, кучли иқтисодий ўзгаришни бошдан кечириди. Бирор Европа Иттифоки давлатлари ичда аҳолисининг яшаш даражаси хали хам паст бўлиб қолмоқда. Саноатининг энг ривожланган соҳалари: металга ишлов бериш, кимё, нефтий кайта ишлаш, тўқимачилик, балиқни консервалаш, виночилик. Туризмдан тушадиган маблағ давлат бюджетининг катта қисмини ташчилик.

кил килади. Кишлок хұжалигыда мәжнұтта яроқлы ахолининг 20% и банд бўлиб, асосий етиштириладиган маҳсулотлар: донли экинлар, картошка, узум; чорвачилик ҳам ривожланган. 2012 йилда ЯИМ миқдори 210 620 млн (аҳоли жон бошига – 23 113) долларни ташкил этган. Савдо ҳамкорлари – ЕИ мамлакатлари, АҚШ.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 3613 км, автомобиль йўлларининг умумий узунлиги – 73 661 км, ички сув йўлларининг узунлиги – 820 км. Мамлакатнинг йирик портлари: Лиссабон, Порту, Сетубал.

*Тарихи.* Ибериялик лузитан кабилалари яшаган замонавий Португалия худудлари м. а. I асрда Рим империяси таркибиға кирган. V–VII асрларда вандаллар ва вестготлар боскинига дучор бўлди. 713–718 йилларда мамлакат араблар томонидан босиб олинди. 1095 йилда ташкил топган Португалия графлиги аста-секинлик билан араблар босиб олган худудларни қайта ишғол килди (Реконкиста). 1493 йилда Альфонсо I бошчилигида мустақил Португалия кироллиги ташкил топди ва арабларга карши кураш давом этди. V асрда мамлакатда ҳокимият тепасига авишлар сулоласи келган даврда, Португалия йирик денгиз флотига эга бўлган давлатта айланди. XV аср охиirlари ва XVI аср бошлирида португалиялик денгизчилар (Диаш, Васко да Гама, Кабрал ва бошқалар) бир катор географик кашфиётлар кишишган, аммо Португалия Испания ва Буюк Британия каби йирик империяга айланба олмади. XVI асрнинг иккичи ярмида Португалия монархияси заифлашиб, 1580 йилда испан хукмронлиги остига тушиб колди. 1840 йилгача, яъни Ремельс ташабуси билан мамлакатдан испанлар кувилиб, кирол таҳтига браганса сулоласи асосчиси Жуан VI ўтиргунига қадар, 1668 йилда Португалия янгидан мустақил давлат деб зълон килинди. Бирок 1703 йилги Лиссабон ва Метуэн шартномалариға биноан Португалия Англияга ҳам иктисадий, ҳам сиёсий жиҳатдан қарам бўлиб колди. 1807 йилда Португалияга Наполеон кўшинлари бостириб кирди. Улар 1808 йилда Португалия ватанпарварлари ёрдамида инглиз кўшинлари томонидан кувиб чиқарилди. XIX асрда Португалия бир нечта тугалланмаган буржуа инклибларини ўз бошидан кечирди. 1910 йилда Португалия республика деб зълон килинди. 1932 йилда катый авторитар бошкарувига асосланган Эстадо Набо (Янги давлат) тузумини зълон килган Салазар диктатураси ўрнатилди. 1968 йилда Салазар ўрнига келган М. Каэтану унгача мавжуд бўлган сиёсатни давом эттирди, аммо 1974 йилнинг 25 апрелида генерал Спинола бошчилигидаги бир гурух офицерлар томонидан ағдарилди. Шундан кейин мамлакатда муҳим ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар рўй берди. 1982 йили конституцияга киритилган ўзгартиришлар ҳокимият вазифаларини оқилона тақсимлаш орқали мамлакатдаги сиёсий холатни баркарорлаштириди.

## ПУЭРТО-РИКО

*Расмий номи – Пуэрто-Рико Ҳамдустлиги. Маймурий маркази – Сан-Хуан. Ҳудуди – 9100 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 3 982 000 киши (2011). Давлат тили – испан, инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик (85%) ва протестант (10%) мазҳабларига ҳамда будуга эътиқод қиласди. Пул бирлиги – АҚШ доллари.*

*Географик жойлашуви ва табииати. Мамлакат Пуэрто-Рико, Вьекас, Кулебра, Мона ва бошқа Катта Антиль ороллари архипелагида, Шимолий ва Жанубий Америка ўртасида жойлашган. Шимолда Атлантика океани, жанубда Караби денгизи билан туташган. Ороллар тоғли худудлардан (энг баланд чўккиси Кордильера-Сентраль тоғи – 1338 м) иборат, зилзила бўлиб туради.*

*Иклими – тропик, пассатли. Орол шимолида аралаш ўрмонлар, жанубда чангизорлар мавжуд. Ҳайвонот олами кўршапалак, сурдариб юрувчилар, моллюскалардангина иборат.*

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши – АҚШга «эркин кўшилган» давлат. Маймурий жihatдан Пуэрто-Рико 78 муниципал округта бўлинади. Қонун чиқарувчи олий ҳокимият АҚШ конгрессига тегишли. Пуэрториколиклар расман АҚШ фукаролари хисобланадилар. Мухторият доирасидаги ижроия ҳокимиятни губернатор амалга оширади. Сиёсий партиялари: Янги тараққийпарвар партия, Коммунистик партия, Пуэрто-Рико мустақиллиги партияси.*

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисоди асосини кайта ишлаш саноати ташкил этади. Енгил, озиқ-овқат, нефтни кайта ишлаш корхоналари мавжуд. Машинасозлик, кишлөк хўжалити, чорвачилик, туризм ривожланган. Кема қатновига яроксиз тезокар дарёлари мавжуд. Марганец ва темир рудаси захираларига эга. Йирик денгиз портлари: Сан-Хуан, Понсе, Баямон. Оролларда АҚШ харбий базалари жойлашган. 2010 йилда ЯИМ миқдори 64 840 млн (аҳоли жон бошига – 16 200) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ (70% дан ортиқ экспорти ва 50% импорти), Япония, Венесуэла, Доминикан Республикаси.*

*Тарихи. 1493 йилнинг 19 ноябринда Х. Колумб томонидан кашф этилган ва Испания мулки деб эълон килинган. 1508 йили Колумб томонидан орол губернатори этиб тайинланган Хуан Понс де Лейн биринчи шаҳарга асос солди. 1898 йилги Испания – АҚШ уруши натижасида Пуэрто-Рико Кўшма Штатлар мулкига айланди. 1917 йили орол аҳолиси АҚШ фукаролигига эга бўлди. 1952 йилдан Пуэрто-Рико ўз-ўзини бошқариш хукукига эга «эркин кўшилган» давлат. 1998 йил 13 декабрда мамлакатнинг келгуси мақоми масаласи юзасидан плебисцит ўтказилди. 50,2% аҳоли мавжуд мақом сакланиб колишини ёқлаб чиқди, 46,5% ишса Пуэрто-Риконинг АҚШ таркибига 51-штат бўлиб кириш ғоясини кўллади.*

## РЕЮНИОН (РЕЮНЬОН)

*Расмий наама – Рекюнион (Реюньон) (Франциянинс депизорти ҳудүди). Малъумий маркази – Сен-Дени. Ҳудуди – 2 502 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 816 360 киши (2009). Тили – француз. Сигинчылар истом, христиан (католик), бүддистиқ, ҳинд-уййитик динларига эътиқод қиласади. Пул бирлиси – француз франки.*

*Географик жойлашуви ва табиати. Рекюнион – Мадагаскардан шаркда жойлашган Хинд океанидаги вулканли орол. Энг баланд нуктаси – сұнған вулкан Питон-де-Неж (3069 м).*

*Икlimи – тропик. Оролнинг жануби-тарбий қисми чўл-биёбонлардан иборат. Шимоли-шаркий томонидан хинд журмоси, темир ва зайдун дараҳтлари, дараҳтсиз мапоротниклар ва пальмалар ўсади.*

*Давлат тузишиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши – Франциянинг денгизорти департаменти. Оролни Франция томонидан тайинланадиган префект бошкаради. Ўз-ўзини бошқариш органлари – Бош ва Минтақавий Кенгашлар. Ҳудудий жиҳатдан икки округтга бўлинади. Сиёсий партиялари: Коммунистик партия, Демократик ташкилотлар.*

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Курилиш маҳсулотлари, шакар ишлаб чиқариш заводлари, консерва корхоналари фаолият кўрсатади.*

*Баликчилик ва овчилик ривожланган. Шакаркамиш, ваниль ва бошқа экинлар етиштирилади. Мамлакат иқтисодида туризм ҳам алоҳида аҳамият қасб этади. Импорти: истеммол ва саноат маҳсулотлари. Экспорти: шакар, ваниль, ёронгул ёғи ва бошқалар. 2006 йилда ЯИМ миқдори 4790 млн (аҳоли жон бошига – 5995) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Франция ва ЕИ мамлакатлари.*

*Асосий порти – Ле-Пор.*

*Тарихи. Орол 1513 йили португаллар томонидан очилган ва бунгача бу ер кимасиз бўлган. Рекюнионнинг географик жиҳатдан кулай (Европа ва Африка ўргасидаги денгиз савдо йўлида) жойлашганилиги ривожланишини таъминнлайди. 1869 йилда Сувайш каналининг ишта туширилишига кадар орол стратегик жиҳатдан аҳамияти юкори эди. 1642 йили француз дентизчиларининг оролга тушиши натижасида орол Францияга кўшиб олинди ва Бурбон деб номланди. XVII аср охирида қахва плантацияларида ишлатиш учун Мадагаскардан куллар олиб келинди. Франциянинг республика деб эълон килиниши билан орол номи Рекюнион деб ўзgartирилди. 1946 йил мартада Рекюнион «денгиз орти маъмурий ҳуудуди» макомини олди. 2005 йилда Мозамбик бўғлидаги кичик ороллар – Европа, Басас-да-Индия ва Гло-риес оралари Рекюнионни Франциянинг Жанубий ва Антарктика ҳуудудлари ишларига ўтди.*

## РОССИЯ

*Расмий номи – Россия Федерацияси. Полиграфия – Москва. Датасы – 17.07.2010 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 143 347 000 киши (2013). Дистрат тили – рус. Салынчылашының асосий қисми христиан динининг практик мәдений тартибында қарбада (румын ташқары ислом, католик, яхудайшк, бүлеккүй таң диницика жана көзделүүчилердин мавжуд). Пур бирлеси – рұбын.*

*Географик жойлашылуу ва табиаты. Европанин шаркыда ва Осейни шимолида жойлашган давлат. Жануб ва жануби-шаркыда – Хятой (Чегарғы үзүнлиги – 3645 км), КХДР (19 км). Монголия (3485 км), Кокистон (6846 км), Грузия (723 км) ва Оңарбайжон (284 км). жануби гарбда – Украина (15/6 км), гарбда – Финляндия (1340 км), Беларусь (959 км), Эстония (294 км), Латвия (217 км) ва Норвегия (196 км) билан чегаралып. Россиянин Калининград иш-полиби Болтикбүйидаги Польша (232 км) ва Литва (280,5 км) билан чегаралады. Куруклидаты чегараларынан утунчын – 20096,5 км. Шу билан бир каторда Россияга Янги Ер ороллари, Шымолий Ер, Шапса, Франс-Иосиф ерләри архипелаги, Янги Сибирь ороллари, Шымолий Мут океанидагы Ирландия ороли, Курьи ороллари (Курьи оролларининг бир қисми – Итуруп, Кунашир, Шикотан, Хабомай ороллари учун Япония даъво кылмасы) ва Тинч океанидагы Сакалия ороли карашылады. Шаркда Россия киргюллары Япон, Охота ва Беринг деңгизи хамда Беринг бүгози, шимолда Баренц, Кара, Чукотка ва Шаркын Сибирь деңгизи, Лаптевлар деңгизи, жанубда Коря ва Аюн деңгизлери, гарбда Балтик деңгизи ва Фин бүгози билан туташып кеттән. Россия куруклидаты 14, деңгиз ороли эса 12 давлат билан чегарадош. Россия Федерациясын майдан жиһатдан зунашын экң йирік давлат хисобланады. Гарбда дунедагы текисликларининг экң йирік – Шаркый Европа текислиги ястанып ётibди. Россиянин деңгиз бүтүн Европа қисми жойлашган шимоли-гарбда (экң баланд нүктаси 1191 м) Хибин таңлари, жанубда Кавказ таңлари бор. Кавказ таңларыда мамлакаты Европанин иш баланд нүктаси – Эльбрус (5642 м) чүккиси жойлашган. Текислик майдандаринин деңгиз сатхидан ўртача баландтыги – 170 м. Бу худудда Ўрга Русь, Валдай, Волга баландлыктары жойлашан. Жануб ва жануби-шаркыда Коря деңгиз буйы ва Каспийбүйин пасттекисликтары мавжуд. Уралдын шаркыда майдандарининг баландлыги 1894 м бүлгән йирік боткоғын худудтара заң Гарбий Сибирь текислиги ястанып ётibди. Енисей ва Лена дарёлари орасында ўртача баландлығы 500–700 м бүлгән хамда барьи худудларында төзли массивлар кал күтәрән. Ўрга Сибирь таң текислигити жойлашилән. Хулдининг ингюкори майданы – Путогана шатосы (баландлығы 1701 м). Төз текислигинин жанубида Гарбий ва Шаркый Сазы таңынан малары кал күтәрган. Шаркда төз текисликтары Маркай Екүт текислиги билан шимашылады. Лена дареси хамда Тинч океани киргюллары орасында төз тишиләр*

ва тог текисликларидан иборат бўлган Шимоли-Шаркий Осиё ҳудуди жойлашган. Мамлакатнинг шаркий кисми йирик дарёларнинг воҳаларини хисобга олмаганда, тогли ҳудудлардан иборат. Камчатка яриморолида 120 та вулкан бўлиб, улардан 23 таси фаолдир. Улардан энг йириги – Ключевская Сопка вулқони (баландлиги 4750 м). Мамлакатнинг йирик дарёлари Волга, Шимолий Двина, Дон, Иртиш, Обь, Ангара, Енисей, Лена, Амур. Йирик кўллари – Каспий денгизи дунёда майдон жиҳатидан энг йириги ( $376\,000 \text{ км}^2$ ), Байкал – дунёдаги сув ҳажми ( $23\,000 \text{ км}^3$ ) ва чукурлиги (1620 м) бўйича энг йирик кўллар. Россия турли-туман казилма бойликларининг йирик захираларига эга. Уларнинг ичидаги энг асосийлари – нефть, газ, темир, кўмир, олтин ва бошқа стратегик казилма бойликларидир. Мамлакат ҳудудининг йириклигига қарамай қишлоқ ҳўжалигида ерларнинг нисбатан оз кисмидан фойдаланилади – хайдаладиган ерлар мамлакат ҳудудининг 8%ини ташкил этади. Ҳудудининг бир кисми доимий музлик зонасига тўғри келади.

Иқлими – мамлакатнинг катта кисми мўътадил иқлим доирасида. Шимолининг чекка ҳудудлари ва шимолий ороллар арктик иқлимга якин. Мамлакатнинг деярли бутун ҳудудида континентал иқлим ҳукм суради. Россия ҳудудининг катта кисми ўрмонлар билан копланган. Бу ўрмонларда арча, пихта, кедр, эман, оккайн ва бошқа дараҳтлар ўсади. Арктика кенгликларида замбуруғлар, кутб лолалари, тол, ольха каби ўсимликлар ва дараҳтлар ўсади. Мамлакат фаунаси бой ва ранг-барангдир. Арктика ва тундра ҳудудларида шимолий буғу, кутб күёни, тюлен, морж, оқ айнлар кенг тарқалган. Тайгада айнқ, силовсин ва бошқа хайвонлар бор. Узоқ Шарқ ўрмонларида айнқ, «қизил китоб»га киритилган ва кам сонли бўлган уссурий йўлбарслари, бугулар учрайди. Чўл зоналарида жайрон, чиябўри, кўп сонли кемирувчилар мавжуд. Кавказ минтақасида тог эчкиси, кавказ бугуси, айнқ, барс, сиртлонлар бор.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – федератив республика. Россия Федерацияси таркиби 83 субъект, жумладан 21 республика<sup>1</sup>, 9 та ўлка<sup>2</sup>, 46 та вилоят<sup>3</sup>, 2 та федерал аҳамиятдаги шаҳар<sup>4</sup>, 1 та автоном

<sup>1</sup> Адигей, Башкирдистон, Бурятия, Дагестон, Ингушетия, Кабардин-Болкор, Карелия, Коми, Марий Эл, Мордовия, Олтой, Саха (Якутия), Татаристон, Тива (Тува), Удмуртия, Хакасия, Шимолий Осетия, Чеченистон, Чувашия, Қалмик, Қорачой-Черкесия.

<sup>2</sup> Забайкал, Камчатка, Краснодар, Красноярск, Олтой, Пермь, Приморск, Ставрополь, Хабаровск.

<sup>3</sup> Амур, Архангельск, Астрахань, Белгород, Брянск, Владимир, Волгоград, Вологда, Воронеж, Иваново, Иркутск, Калининград, Калуга, Кемерово, Киров, Кострома, Курган, Курск, Ленинград, Липецк, Магадан, Москва, Мурманск, Нижний Новгород, Новгород, Новосибирск, Омск, Оренбург, Орёл, Пенза, Псков, Ростов, Рязань, Самара, Саратов, Сахалин, Свердловск, Смоленск, Тамбов, Тверь, Томск, Тула, Тюмень, Ульяновск, Челябинск, Ярославль.

<sup>4</sup> Москва, Санкт-Петербург.

вилоят<sup>1</sup>, 4 та автоном округдан<sup>2</sup> иборат. Россия Федерацияси 1991 йил 24 августда ўз мустакиллигини эълон килди. Собик Иттифок таркалгунга кадар аввалги номи – РСФСР. Миллий байрамлари – 12 июнь (Давлат суверенитети тўғрисидаги Декларация қабул килинган кун) ва 12 декабрь (Конституция куни). Давлат бошлиги – президент. Ижро этувчи ҳокимият бош вазир бошчилигидаги хукуматга тегишилдири. Конун чиқарувчи ҳокимият икки палатали парламент, юкори палатаси – Федерация Кенгаши ва кўйи палата – Давлат Думаси томонидан амалга оширилади.

Асосий сиёсий партиялари: «Бирлашган Россия», Россия либерал-демократик партияси, Россия Федерацияси коммунистик партияси, «Яблоко» демократик партияси, «Адолатли Россия» ва х.к.

*Иктисоли, транспорт коммуникациялари.* Собик Иттифок таркалиб кетганидан сўнг Россия совет иктисолиётни потенциали билан бирга бир катор жиддий муаммоларни: ҳарбий эҳтиёжларни кондиришга ихтисослашган иктисол, самарадорларни паст бўлган ишлаб чиқаришни мерос қилиб олди. 2012 йилда ЯИМ миқдори 2029 812 млн (аҳоли жон бошига – 14 247) долларни ташкил этган. Саноатнинг деярли барча тармоклари мавжуд (казиб олувчи, кайта ишлаш, ишлаб чиқариш). Экспорти асосини нефть ва нефть маҳсулотлари, табиий газ, қўмир, рангли металл, химикатлар, ҳарбий техника, ёғоч ва ундан ясалган буюмлар ташкил этади. Қишлоқ хўжалигига дехкончиллик қишлоқ хўжалик ялпни маҳсулотларининг 40%, чорвачилик 60% дан зиёд кисмини етиштиради. Асосий қишлоқ хўжалик ўсимликлари: бугдой, кандалавлаги, кунгабокар, картошка, шоли, арпа. Ўтиш даврида иктисолида тизим ўзгаришлари амалга оширили, хусусийлаштириш жарабёни рўй берди, шу вактда аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиши ва ишсизлар сонининг ортиши кўзга ташланди. Асосий савдо ҳамкорлари: Европа мамлакатлари, Шимолий Америка, Япония, Учинчи дунё мамлакатлари.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 87 180 км. Автомобиль йўллари – 879 100 км (652 500 км асфальтланган). Россияда 120 та (узунлиги 10 км дан зиёд бўлган) дарёлар мавжуд (баъзинларни йил бўйи кема катнови учун ярокли). Мамлакатнинг йирик портлари – Архангельск, Владивосток, Калининград, Мурманск, Новороссийск, Находка, Магадан, Санкт-Петербург, Туапсе; ички портлари – Астрахань, Волгоград, Козон, Красноярск, Москва, Нижний Новгород, Ростов, Самара, Хабаровск.

*Тарихи.* Замонавий Россия Европа хулудининг жанубий кисмida қадимда турили қабилалар хукмронлик килиб, уларнинг баъзилари қудратли ва йирик империяларга асос солган: киммерийлар таҳмиман м. а. 1000 йилдан м. а. 700 йилдан гача, скифлар м. а. 700 йилдан м. а. 300 йилга кадар, сарматлар м. а. 300 йилдан

<sup>1</sup> Яхудий.

<sup>2</sup> Ненец, Ханти-Манси – Югра, Чукотка, Ямал-Ненец.

м. а. 200 йилгача. III асрда готлар Дон дарёсидан Дунайгача бўлган худудларда, у 375 йилда хукклар томонидан тор-мор килинган, гуллаб-яшнаган империяга асос солган. 560 йилда хуннларни аварлар алмаштириди, VII аср бошларида эса казарлар ўз империясига асос солди. Шу вақтнинг ўзида замонавий Россия худудининг шимолий ва марказий кисмларига славян кабилалари кириб кела бошлиди. Ўз ерларини казар ва булғорлардан химоя килиш учун славян кабилалари ёрдам сўраб, IX асрда Новгород ва Киевда муким жойлашган варягларга мурожаат килдилар. Варяг князлари Олег, Ольга, Святославлар печенеглар, булғорлар ҳамда рус князликларининг маданий ҳётига катта тасир кўрсатаеттан Византия империясига карши ҳам муваффакиятли ҳарбий харакатлар олиб бордилар. 988 йилда князь Владимир I христианликни кабул килди ва уни рус аҳолиси ўртасида тарқатди. Киев Руси XI асрга келиб Владимир II Мономах даврида ўз тараккиётининг юқори нуткасига етди, бироқ XII асрда рус давлатлари ўртасида Владимир-Сузdal князлиги ва Новгород Республикаси етакчи ўринларга эга эдилар. XIII асрда рус князликлари мўгуттатарлар боскенинга дучор бўлишиди. Чингизхоннинг невараси Ботухон Москва, Сузdal, Киевни босиб олиб, икки ярим аср давомида кўпгина рус князликлари карам бўлган Олтин йўргага асос солди. Шу вақтнинг ўзида Новгород аввал шведлар, кейинчалик Тевтон ордени рицарларига (Нева жанги – 1240 йил, Муз устидаги жанг – 1242 йил) карши кураш олиб боришига мажбур бўлди. XIV асрда Москва Руснинг диний марказига айланди ва унинг атрофида мўгут-татарларга карши курашиш гояси остида кўпгина рус князликлари бирлаша бошлади (Куликово жанги – 1380 йил). XVI асрда Москва князлигининг мавқеи кескин ўси, Иван III даврида эса Московия таркибига Ярослав, Ростов ва Новгород ерлари кирди, 1547 йилда ўзини «царь» деб эълон килган Иван IV Грозний Москва давлати худудларини сезиларли даражада кенгайтиришга муваффак бўлди. XIV асрда кучли марказлашган давлатта айланган Москва князлиги Волгабўйи, Урал ва Гарбий Сибирь худудларини ўзига бўйсундирди. Речь Посполиты билан олиб борилган уруш Москва князларининг муваффакиятсизлиги билан тугаб, XVII аср бошларида аввал шведлар, ундан сўнг эса Польша боскеничиларига карши курашишига тўгри келди. 1613 йилдан 1917 йилгача Россияда хукмронлик килган сулолага асос солган Михаил Романов Русь цари этиб сайланди. XVII аср охирида рус таҳтига ўтирган Пётр I мамлакатда бир катор жиддий иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга ошириди; таълим, армия, флот ва маъмурий бошшарув идоралари тизими кайта ташкил килиниб, Шимолий уруш (1700–1721) натижасида Россия Болтик денгизига чикиш йўлига эга бўлди. Россия тарихининг ёркин намояндайларидан бири Екатерина II 1762 йилда эри Пётр III га карши амалга оширилган давлат тўнтариши натижасида ҳокимият тепасига келди. Мамлакатни 1796 йилгача бошкарган Екатерина II Россия империяси худудларини кенгайтиришга эришди. 1812 йилда Россияга Наполеон Бонапарт бошчи-

лигидаги француз кўшинлари кириб келди. 14 сентябрда Москва ишғол ки-  
сизлик билан тугади. 1825 йили Петербургдаги Декабристлар кўзғолони рус  
инкилобий ҳаракатига асос солди. Ўз хукмронлигини 1825 йил Декабристлар  
кўзғолонини бостиришдан бошлаган Николай I Россияни полициячи давлатга  
айлантириб, каттиқ реакцион тузум ўрнатди. Николай I 1855 йили Россия  
халокатли маглубиятта учраган Крим уруши (1853–1856) даврида вафот этди.  
Унинг ўти Александр I 1861 йилда крепостнойлик хукукни бекор килиб, суд-  
лов, таълим ва армияни ислоҳ килди. XIX асрда Россия ўз худудларини гарба  
(Польша, Финляндия), шарқка (Ўрта Осиё, Сибирь), жанубга (Кавказ) кара бен-  
гайтиришни давом эттириди. Япония билан олиб борилган урушдаги (1904–1905)  
маглубият подшо тузумининг заифлигини намоён килди ва жiddий ички сиёсий  
инкирорга (1905 йилги рус инкилобига) олиб келиши билан бирга, шу вактнинг  
ўзида муҳим иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш учун замин яратди. Столи-  
чининг ислоҳотчилик сиёсати саноат ва савдо тез суръатлар билан ўсиб бора-  
ётган мамлакатнинг иқтисодий юксалишига олиб келди. 1914 йилда Австро-  
Венгрия кўшинлари томонидан Сербия босиб олинганидан сўнг, Россия Фран-  
ция ва Буюк Британия тарафида Биринчи жаҳон урушига кўшилди. 1917 йил  
февралда уруши натижасида заифлашган Россиянда инкилоб бошланди ва унинг  
окибатида царь Николай II тахтдан воз кечиб, мамлакатдаги ҳокимият Муваккат  
хукумат кўлига ўтди. Урушни давом эттириш тарафдорлари ва каршилар  
ўтрасидаги сиёсий кураш, инкилобий қайфиятнинг ўсиб бориши 1917 йил  
октябрда бўлиб ўтган тўнтарншга олиб келди ва унинг окибатида мамлакатдаги  
ҳокимиётни большевиклар кўлга киритди. Бир неча миллион киши ҳалок бўлган  
фукаролар уруши тугаганидан сўнг совет ҳокимиётни собиқ Россия империяси-  
нинг катта қисмида ўрнатилган эди. «Харбий коммунизм» сиёсати (1918–1920)  
давридан сўнг 1921 йили мамлакатда Янги иқтисодий сиёсат (НЭП) эълон  
килинди, натижада Совет Россияси 1927 йилга келиб ишлаб чиқаришнинг уруш-  
гача бўлган кўрсаткичларига ета одди. 1922 йил 30 декабрда Совет Иттифоки  
ташкил этилиб, унинг таркиби Россия, Украина, Белоруссия ва Кавказорти  
республикалари кирди. 1924 йилда эса СССР таркибига Ўзбекистон ва Туркма-  
нистон, 1929 йилда Тоҷикистон, 1940 йилда Эстония, Латвия, Литва ва Молда-  
виялар кўшилди. 1927 йилга келиб мамлакатдаги бутун ҳокимиётни ўз кўлларига  
йига олган Сталин НЭПдан воз кечиб, иқтисодни каттый режалаштириш ва  
ерларни колективлаштириш режасини амалга оширишга киришди. Сталин то-  
монидан ўзгача фикрловчиларга карши ўтказилаёттан катагонлар 1934 йилда  
Киров ўлдирилганидан сўнг янада кучайди. 1941 йил 22 июнда мамлакат  
худудига Совет Иттифоки худудларининг Европа қисмини тез фурсатда ишғол  
немис кўшинлари бостириб кирди. Бирор 1941 йилнинг кишида Москва  
килган немис кўшинлари бостириб кирди. Бирор 1943 йилнинг кишида Москва  
ва, айниқса, Сталинград остоналаридаги (1943) немис кўшинларининг

маглубияти окибатида урушнинг боришида туб бурилиш ясад, СССР ва унинг иттифоқчилари галабасини таъминлади. Уруш тутагандан сўнг тез орада Шарқий ва Марказий Европада ўз таъсир доирасини кенгайтирган СССР ва Фарб мамлакатлари ўртасида «совук уруш» даври бошланди (Берлин қамали – 1947 йил, Корея уруши – 1950–1953 йиллар). Фарб билан муносабатларнинг иликлашуви Сталин вафотидан сўнг, 1956 йилда Сталин шахсига сифинишни қаттиқ коралаган Н.С. Хрущёвнинг хокимият тепасига келганидан бошланади. 1960 йилларда иктисолда истроҳотларнинг ўқазилиши маълум ўзгаришларга олиб келди. Бирок саноат ва кишлек хўжалигининг катъий марказдан туриб режалаштирилиши иктисолдий тургунликка олиб келди ҳамда 1980 йилларнинг бошларига келиб мамлакат иктисоли паст меҳнат самарадорлиги ва бюджетнинг ҳарбий саноат томонга окиб кетганлиги билан тавсифланади. Н.С. Хрущёв даврида, кейинчалик Л.И. Брежнев (1964–1982) даврида ҳам СССР Фарб мамлакатларига нисбатан «тинч ҳамжиҳатлиқда яшаш» сиёсатини ўқазди ва Шарқий Европа мамлакатларидаги ўз таъсирини кийинчилик билан ушлаб турарди (Венгриядаги кўзғолон – 1956 йил, Чехословакия – 1968 йил). 1979 йилда СССР Афғонистонга ўз кўшинларини киритди, бирок Совет Иттифоқининг бу ҳаракати афғонларнинг каршилигига ва дунё ҳалкларининг катта эътиrozларига сабаб бўлди. 1980 йиллар ўрталарида М.С. Горбачёв ташаббуси билан амалга оширилган «қайта куриш» мамлакатдаги иктисолдий муаммоларни ҳал эта олмади, иттифоқдош республикалар аҳолисининг миллий ўзлигини англаш хисси ўсиши иттифоқ маркази заифлашувига олиб келди. 1991 йил август тўнтариши Совет Иттифоқининг тарқалиб кетишига турткি берди ва 8 декабрда Россия, Белоруссия ва Украина, кейинчалик колган республикалар (Болтиқбўйи давлатларидан ташкири) Мустакил Давлатлар Ҳамдустлиги ташкил этилганлигини зълон қилдилар. Мустакил Россиянинг биринчи президенти этиб Б.Н. Ельцин сайланди ва 1996 йилда бўлиб ўтган сайловларда иккинчи бор қайта сайланди. 90-йилларининг залворли ва шу вактнинг ўзида фожиали воқеаларидан бири сифатида Россия парламенти тарафдорлари ва ҳукумат кўшинлари ўртасидаги 1993 йилги қуроли тўқнашув ҳамда 1994–1996, 1999–2000 йиллардаги Чеченистондаги фаол ҳарбий ҳаракатларни таъкидлаш лозим. 2000–2008 йилларда Россия президенти этиб В.В. Путин сайланди. Шу даврда Россия ҳам сиёсий, ҳам иктисолдий жиҳатдан юксалди. 2008 йилда Д.А. Медведев 2012 йилда В.В. Путин Россия президенти этиб сайланди.

## РУАНДА

*Расмий номи – Руанда Республикаси. Пойтахти – Кигали. Ҳудуди – 26 340 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 10 718 380 киши (2011). Давлат тили – киньяруанда, француз ва инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик (65%) ва протестант (9%) мажҳабларига ҳамда мажусийликка (25%) эътиқод қиласади. Пул бирлиги – руанда франки.*

**Географик жойлашуви ва табииати.** Марказий Африка давлати. Жануб-Конго Демократик Республикаси (217 км), шарқда – Танзания (217 км), гарбда – Чегарасининг умумий узунлиги – 893 км. Мамлакат Шаркий Африялар денгиз сатҳидан 1500–2000 м баландликда жойлашган. Устунлик килувчи тепалик нуктаси – Карисимби тоги (4507 м). Асосий дарёси Кагера – Нилнинг ирмоги. Мамлакатнинг йирик кӯли – Киву кема катнови учун яроклидир. Асосий табиий ресурслари: олтин, вольфрам рудаси, табиий газ, калайи.

Иклими – субэкваторијал. Ўсимлики дунёси: инсон фаолияти таъсирида ўрмонлар ўрнини саванналар ва эвкалипт экинзорлари эталлади. Тоғ ён-багирлида фикус, пальма, бамбук каби дараҳатлар учрайди. Йирик хайвонларни фикат Миллий бодга учратиш мумкин. Булар тимсоҳ, бегемот, фил, антилопа ва энг асосисий одамсизон кора горилалардир.

**Давлат тузилишини ва сиёсий партиялари.** Давлат тузилиши – унитар республика. Мамлакат таркиби 11 та префектурадан иборат. Руанда мустакилликни 1962 йил 1 июняда кўнга киритди (бундан оддин Бельгия мустамлакаси) ва шу кун миллий байрам сифатига нишонланади. Давлат бошлиғи – президент. Конун чиқарувчи ҳокимиятни Ўтиш даври миллий мажлиси, ижрочи ҳокимиятни бош вазир бошчиллигдаги хукумат амалга оширади. Сиёсий партиялари: Демократия ва тараккӣёт учун республикачилар миллий харакати, Республикачилар демократик харакати, Руанда ватанпарварлик харакати, Христиан демократлар партияси.

**Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.** Қишлоқ хўжалиги иқтисодининг асосини (ЯИМнинг 50%) ташкил килиб, қахва ва чой умумий экспорт хажмининг 90% ини ташкил этади. Саноат ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кайта ишлаш (ЯИМнинг 17%) ва тоғ-кон саноати, вольфрам ва калайи рудасини қазиб олиш билан чекланган. 1994 йилда бошланган фуқаролар уруши ҳам иқтисоднинг умумий ахволига салбий таъсир килди. 2012 йилда ЯИМ микдори 6950 млн (аҳоли жон бошинга – 693) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари – Германия, Бельгия, АҚШ, Италия.

**Тарихи.** XVI асрга келиб ҳозирги Руанда худудида бошқарув шаклинига кўра абсолют монархия бўлган давлат ташкил топди. Европаликлар Руандани 1858 йилда кашиф килишган. 1898 йилда эса мамлакат худуди Урунди кироллиги билан биргаликда Германия Шаркий Африкаси таркибига кирди. 1923 йилда Бельгия Миллатлар Лигасидан Руанда-Урунди худудларини бошқаришга мандат олди. 1946 йилда Бельгия хомийлигидаги ва бошқарув остидаги худудга айланган Руанда-Урунди, 1960 йилда Конго мустакиллиги эълон килингандан сўнг Зоир Руанда-Урунди, 1961 йилда ўзида ундан вжралиб чиқкан. 1961 йилда таркибига кўшилган ва шу йилнинг ўзида ундан вжралиб чиқкан. 1961 йилда референдум оқибатида Руанда-Урунди шу йилнинг ўзида республиятказилган

ка деб зълон қилинган ва Бурунди ҳамда Руандага ажралиб кетди. 1962 йилда эса тұла мустакилликни құлға кирилди. 1973 йил давлат тұнтарыши оқибатидан ҳокимият тепасига харбийлар келиб, парламентни ҳам, сиёсий партияларни ҳам тарқатиб юбориши. 1990 йилда күпчилиги 1959 йилда Угандадан иммиграция күлгін тұтсы ва хуту этник гурухлари үргасида конли тұқнашувлар бошланып кетди. 1992 йилда мажарони бостиришга ершилди ва мамлакатда демократиялаштириш жараёны бошланды. Бирок 1994 йилда этник тұқнашувлар янги күч билан авж олди. Угандадаги фукаролар уруши минглаб курбонлар ва құшни мамлакатларға, асосан Бурунди ва Конго Демократик республикасига миллионлаб эмигрантларнинг қочиб чикишига олиб келди. 2000 йил 17 апрелдә ҳукумат билан парламенттің құшма мажисида тұтсы әзатининг вакиғи Поль Кагаме президент этиб сайланды.

## РУМИНИЯ

*Расмий номы – Руминия. Пойтахты – Бухарест. Ҳудуди – 237 500 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 21 305 000 киши (2013). Давлат тілі – румин. Сиги努вчларнинг асосий қысмети христиан динининг православ (70%) ва католик (6%) мазҳабларига әзтьиқод қылады. Пұя бирлиги – лей.*

*Географик жойлашуви ва табиаты.* Европа китъасининг жануби-шарқида жойлашған давлат. Шарқда – Молдова (чегара узунлиғи – 450 км), шимол ва шарқда – Украина (531 км), жанубда – Болгария (608 км), жануби-ғарбда – Сербия (476 км), ғарбда – Венгрия (443 км) билан чегарадош. Куруқликтеги чегаралары узунлиғи – 2508 км. Жануби-шарқда Руминия Қора денгиз билан туташып кеттән. Сохил бүйілаб чегара узунлиғи – 234 км. Руминия Болкон яриморолининг шимолида, Куйи Дунай хавзасида жойлашған. Мамлакаттің марказиін шимолий кисмінде Шаркский ва Жаигубий Карпат тоғлары ҳамда Трансильвания ясситоғлиги ястанып өтібиди. Руминиянинг юкори нұктаси Молдавияны тоги (2544 м). Ғарбда Гарбий Румин тоғлары жойлашған. Мамлакаттің жануби-шарқида Добружа ясситоғлиги мавжуд. Куйи Дунай текислигі мамлакаттің жанубиниң әгаллаган. Шундай килицілік рельефи турфа ва үйғунашған холда таксимланған. Мамлакат марказида Карпат тоғлары ярим айланы қосыл килич, құдудың 31% ини әгаллаган, тепаликлар ва төг текисликлари 33%, пастликлар эса 36% әгаллайды. Мамлакаттің ырық дарёсі – Дунай. Асосий табиий ресурслари – нефть, табиий газ, күмир, темирrudаси, рангли металлар. Ҳайдаладыған ерлар мамлакат құдудың 23%, ялов ва үтлоклар 33% га яқин, үрмөнлар 28% ини ташкил килады.

*Иқлими – мұйытады континентал. Үрмөнларда бук, эман, оқ қайин, граб ва арча даражатлары үсады. Ҳайвонот дүнесида айқ, бугу, төг әчкиси, күён;*

кушлардан ўрдак, ғоз, оккуш, лайлак ва Аугринадан ёзда учиб келадиган пеликанлар хамда фламинголар мавжуд.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 40 та уезд, маҳсус мақомга эга бўлган Бухарест муниципиясига бўлинган. Усмонийлар империясидан Руминия 1878 йилда мустақилликка эришиди. Миллий байрам 1 декабрь барча тарихий румин худудларининг ягона давлатта бирлашган куни. Давлат бошлиғи – президент. Конун чиқарувчи ҳокимиятни икки палатали парламент, ижрочи ҳокимиятни ҳукумат амалга оширади. Сиёсий партиялари: Демократик партия, Миллий либерал партия, Руминия миллий бирлиги партияси, Руминиянинг социал-демократик партияси, Руминия венгерларининг демократик итифоқи, «Буюк Руминия» партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Руминия индустринал-агар мамлакат. Ялпи ички маҳсулотида саноатнинг улуши 41%, кишлоп ва ўрмон ҳўжалигининг улуши 19%, хизмат кўрсатиш тармоқларининг улуши 40% ни ташкил этади. Саноатнинг яхши ривожланган тармоқлари: тог-кон, ёғочни кайта ишлаш, кимё саноати, машинасозлик, металлургия, нефть қазиб олиш ва нефтини кайта ишлаш, озиқ-овқат. Руминия буғдой ва маккажӯҳори етиштирувчи йирик давлат ҳисобланади.

2012 йилда ЯИМ миқдори 172 401 млн (ахоли жон бошига – 7935) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕИ мамлакатлари, Марказий ва Шаркий Европа давлатлари.

Темир йўлларининг узумий узунлиги – 11 380 км (3758 км электрифицированный), автомобиль йўллари – 72 816 км. Асосий портлар: Констанца, Сулина (денгиз порти), Брезла, Галац (Дунай дарёсида).

*Тарихи.* II асрда хозирги Руминия худудини римликлар босиб олади ва Дакия вилоятини ташкил қиласди. III асрдан бошлаб мамлакат худудига хот, хунн, скиф, авар кабилалари хужум килиб туради, VI–VII асрларда эса бу ерларга славян кабилалари кириб келиб, ўтрок хаёт кечира бошлиди. XIII асрда венгерлар Трансильванийни босиб олади ва румин аҳолисини Дунай водийисига сикиб чиқаради. XIV асрда юқори иқтисодий ва маданий тараккӣёт даражасига эга бўлган Молдавия ва Валахия румин князилклари таркиб топди.

Степан Буок ва Миной Жасурларнинг қаҳрамонона қаршилигига қарамасдан, Молдавия ва Валахия турклар томонидан босиб олинди. 1829 йили Молдавия ва Валахия Россия ёрдами билан автономияни кўлга киритди, 1859 йилда эса Александр Кузя бошкарган ягона Руминия давлатига бирлаштирилди. 1878 йилда Россия – Туркия уруши даврида тўла мустақилликни кўлга киритди ва 1881 йилда Австро-Венгрия ва Германия билан иттифоқчилик шартномасини имзолаган Руминия қироллик деб ўзлон килинди. Бирок XX аср бошларини имзолаган Руминия қироллик деб ўзлон килинди. Бирок XX аср бошларини имзолаган Руминия қироллик деб ўзлон килинди. Бирок XX аср бошларини имзолаган Руминия қироллик деб ўзлон килинди. Бирок XX аср бошларини имзолаган Руминия қироллик деб ўзлон килинди. Бирок XX аср бошларини имзолаган Руминия қироллик деб ўзлон килинди.

харакатларда иштирок этди. Уруш тугагач, Руминия ўз таркибига Трансильвания, Буковина, Баната ва Бессарабияни күшиб олишга муваффак бўлди. 1929 йилда парламент бошқаруви Жема-Кодреану бошчилигидаги «Темир гвардия» профашистик тузуми билан алмашинди, 1938 йилда мамлакатда Антонеску диктатураси ўрнатилди. 1939 йилда немис кўшинлари Шимолий Трансильванияни босиб олган бир вактда СССР Бессарабияни кўшиб олди (аннексия). Фашистик Германия тарафидан уруш домига тортилган Руминия, Сталинград жангидан сўнг кирол Михай давлатининг ташки сиёсий йўналишини ўзгартириб, иттифоқчилар тарафидан жанг кила бошлади. Шу вактнинг ўзида Антонеску диктатураси ағдарилди ва мамлакатда Миллий бирдамлик хукумати тузилди. Мамлакат озод килинганидан сўнг СССР таъсири доирасига тушиб колди ва 1947 йилда кирол Михай таҳтдан воз кечгач, Руминия республика деб зълон килинди. Ҳокимият тепасига 1965 йилда келган Чаушеску Совет Иттифоки ва социалистик мамлакатлар сиёсатидан фарқ киладиган ташки сиёсат юрита бошлади ва шу вактнинг ўзида мамлакатда диктаторлик коммунистик тузумини ўрнатди. Бу тузум 1989 йилда армия кўллаб-куватлаган халк қўзғолони оқибатида ағдарилди. 1989 йил 25 декабрда «Миллий куткариш фронти кенгаши» Чаушеску ва унинг хотини Еленани отиб ташлаш ҳакида буйруқ берди. 1990 йилнинг май ойида эркин сайловлар ўтказилиб, унда президентлик лавозимига Илиеску сайланди. Руминия 2004 йили НАТОга, 2007 йили ЕИга аъзо бўлди.

## САЛЬВАДОР

*Расмий нами – Эль-Сальвадор Республикаси. Пойтахти – Сан-Сальвадор. Ҳудуди – 21 393 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 6 264 130 киши (2012). Давлат тили – испан. Давлат дини – христиан динининг католик мазҳабига. Пул бирлиги – сальвадор колони.*

**Географик жиҳозлашуви ва табииати.** Марказий Америкада, Тинч океани соҳилида жойлашган давлат. Шарқ ва шимол томондан – Гондурас (чегара узунлиги – 342 км), гарб ва шимоли-гарбда Гватемала билан (203 км) чегарадош. Куруклиқдаги чегаралари узунлиги – 545 км. Мамлакат жанубда Тинч океани, жануби-шарқида эса Фонсека кўлтиги билан туташиб кетган. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 307 км. Мамлакат ҳудуди асосан вулкан этакларидан иборат. Энг баланд нуқтаси – Санта-Ана вулкони (2381 м). Қирғок бўйлаб торгина киргокбўйи текислиги чўзилган. Унинг эни 10–20 км дан ошмайди. Мамлакатнинг асосий дарёси – Лемпа. Асосий табиий бойликлари: нефть ва гидроэнергетик ресурслар. Ишлов бериладиган майдони – 27%, ўтлоқ ва яйловлар 29% ни ташкил этади.

**Иклими – тропик.** Мамлакатда сийрак паст бўйли дараҳтлар (чапарро, мимоза ва бошқалар) учрайдиган куруқ сиванналарга тез-тез дуч келиш мумкин; Тинч

океани күргөкларида эман ва карагайзор ўрмонлар сакланиб қолган, кирғокқа дараҳтлардан бир неча үн минг түри үсади. Бошқа кимматбаҳо турлардан ис-пан корди, сарик даражт, саподилья, кизил даражт ҳам учрайди. Мамлакаттинг ялков, жайра ва маймунлар кўп учрайди, шунингдек, коплон, пума, оцелотлар ҳам бор, судралувчилардан эса бўғма ва заҳарли илонлар бор. Саванналарида калтакесак, мексика бугуси, койот ва хилма-хил майда кемирувчилар яшайдилар. Дарёларида тимсоҳлар бор. Кушларнинг бир неча юз хиллари (тўтикуш, тукан, карга, ёввойи гоз, колиби ва бошқалар) хисобга олинган.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 14 департаментга бўлинган. Сальвадор Испаниядан мустакилликни қўлга киритишига 1821 йилнинг 15 сентябрдан кураша бошлаган, бирок факат 1841 йилдагина тўла мустакилликка эришган. Миллий байрами 15 сентябр – Мустакиллик куни. Давлат ва хукумат бошлиги – президент. Олий конунчиллик органи – Конун чиқарувчи мажлис (бир палатали парламент). Ижро ҳокимиётини президент ва у тайинладиган вазирлар амалга оширади. Сиёсий партиялари: Миллатчи республикачилар иттифоки (АРЕНА), Миллий яраш партияси, Сальвадор ҳалк партияси, Фарабундо Марти номидаги миллий озодлик фронти, Христиан-демократик партия.

*Иқтисоди, транспорт қамунификациялари.* Иқтисодининг асосий тармоғи кишлек хўжалиги бўлиб, у ички миллий ишлаб чиқариш (ЯММ)нинг 25% ва экспортнинг 66% га яқинини таъминлайди (асосий экспорт маҳсулоти – каҳва, у умумий экспорт ҳажмининг 45%ини ташкил қиласди). Бошқа кишлек хўжалик экинлари – шакарқамиш, шоли, бошокли, донли ва ёғ олинадиган экинлар. Озиковқат саноатидан (ЯММнинг 18% и) ташкири тўқимачилик, нефть ва кимё саноати ҳам ривожланган. 2012 йилда ЯИМ миқдори 23 985 млн (аҳоли жон бошига – 3823) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Германия, Венгрия, Мексика.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 302 км, автомобиль йўллар – 10 000 км (шундан 1500 км асфальтланган). Мамлакатнинг асосий портлари: Акахутла, Ла-Уньон.

*Тарихи.* Аввал майялар, кейин ацтеклар империяларининг каттагина кисми бўлган ҳозирги Сальвадор худуди испанлар томонидан 1523 йили кашф килинган. Альварадо бошчилигидаги конкистадорлар мажаллий хиндуларнинг деярли ҳаммасини кириб ташладилар, 1528 йили эса Сан-Сальвадор ва Консона-теш шахарларига асос солдилар. Сальвадор 1821 йилгача Гватемала мустамлакати сининг бисми бўлиб, ўша йили Испаниядан мустакилликка эришди.

1823 – 1825 йили Сальвадор Марказий Америка Бирлашган худудлари (1823 – 1839) таркибига кирди, тўла мустакилликни эса 1841 йили қўлга киритди.

Мустакилликка эришганидан сўнг мамлакатда бир нечта ҳарбий диктатура-лар ўрнатилди. Уларнинг орасида Мартинес тузуми (1933–1944) алоҳида ўрин туғади. 1969 йили Сальвадор билан Гондурас ўртасида ҳарбий можаро бўлиб ўтди. 1979 йили мамлакатда ҳокимиятни ҳарбий хунта эгаллаб олди. Хунтага Фараубундо Марти номидаги Миллий озодлик фронти исёничиларига карши уруш олиб боришига тўғри келди. Ўн йилдан кўпроқ давом этган фуқаролар уруши 75 000 кишининг ўлими, лагерларга минглаб камалганлар, шунингдек, жиддий иктисодий инкиррозга сабаб бўлди. 1991 йил январда қарама-қарши томонлар ўртасида тинчлик шартномасининг имзоланиши мамлакатда демократиялаштириш йўлида маълум бир кадамлар қўйилишига имкон яратди. 1994 йил умумий сайлов ўtkазилди, унда барча сиёсий партиялар иштирок этди. Сальвадор 2001 йилги Ирок урушига ўз кўшинларини жўнатди.

### САМОА

*Расмий номи – Самоа Мустақил Давлати. Пойтахти – Апиа. Худуди – 2831 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 184 800 киши (2012). Давлат тили – самоа ва инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг протестант ва католик мазҳабларига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – тала.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Самоа архипелагининг ғарбий кисмидаги оролларда жойлашган. Океаниянинг жануби-шарқидаги давлат. Ороллар рельефи соҳиҳ текисликларидан ва вулканли тоғлардан иборат.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – унитар давлат. Мамлакат маъмурий жиҳатдан 14 та округта бўлинган. 1962 йили мустакилликка эришган. Қонунчилик инглиз умумий ҳуқуки ва маҳаллий анъана-наларга асосланган. Давлат бошлиги 5 йилга парламент томонидан сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Фоно (қонун чиқарувчи ассамблея), ижро этувчи ҳокимият бош вазир бошчилигидаги ҳокимиятта тегишили. Сиёсий партиялари: Самоа либерал партияси, Инсон ҳукукларини химоя килиш партияси, Самоа миллий тараккиёт партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Иқтисодининг асосини кишлоқ ҳўжалиги ташкил этади. Саноат ишлаб чиқариши кичик корхоналар ва кишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини кайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва ҳоказолар билан чекланган. Туризм мамлакат иқтисодининг муҳим тармоғи хисобланади. 2012 йилда ЯИМ миқдори 712 млн (аҳоли жон бошига – 3727) долларни ташкил этган.

Асосий савдо ҳамкорлари: Янги Зеландия, Австралия, Германия.

Темир йўллари йўқ. Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги – 2242 км. Асосий портлари: Апиа, Асоу.

**Тарихи.** 1722 йилда голландлар томонидан очилган. Самоа ороллари Буюк Британия, АҚШ ва Германия ўртасидаги тортишувларга сабаб бўлган. 1899 йил декабрда оролларнинг гарбий кисми Германия кўл остига ўтди. 1914 йил августда Фарбий Самоа ўз ҳукмронлигини 1962 йилгача ўрнатган Янги Зеландия томонидан босиб олиниди. 1962 йил 1 январда Самоа мустакилликни қўлга киритди. Мамлакат 1997 йилгача Фарбий Самоа деб аталди.

## САН-МАРИНО

**Расмий номи – Шавкатли Сан-Марино Республикаси. Пойтахти – Сан-Марино. Худуди – 61 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 32 000 киши (2012). Давлат тили – итальян. Давлат дини – христиан динининг католик мазҳаби. Пул бирлиги – евро.**

**Географик жойлашуви ва табиати.** Жанубий Европадаги давлат. Италия худудида, Апеннин яриморолининг шимолий кисмida жойлашган (чегарасининг узунлиги – 39 км). Мамлакат тик кояли тоғларда жойлашган. Энг баланд чўккиси – Титанонинг (738 м) якинида пойтахти Сан-Марино жойлашган.

Иклими – субтропик. Мамлакат худудида бир нечта эман ва каштан дараҳзорлари сақланиб қолган. Тоғ этакларида Маквис чангалзорлари (дрок, мирт, лавр, бодом) бор. Ёқимли хидди, эфир мойли ўсимликлар кўп.

**Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.** Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 9 та округдан иборат. Миллий байрами 3 сентябрь – Республикага асос солинган кун. Ижроия юқимиияти Катта бош кенгаш томонидан олти ой мuddатта сайланадиган иккита тенг ҳуқуқли капитан-регентларга (давлат бошликлари) ва Давлат конгрессига (ҳукумат) тегишили. Олдий конунчилар ортами – Катта бош кенгаш (бир палатали парламент). Сиёсий партиялари: Сан-Марино социалистик партияси, Сан-Марино христиан-демократик партияси, Демократлар партияси, Сан-Марино коммунистик ўзгартириш партияси, Сан-Марино тараққийпарвар демократик партияси, Сан-Марино миллий уошмаси.

**Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.** Туризм иқтисодининг энг муҳим соҳаларидан бири (Сан-Маринога ҳар йили 2 миллиондан зиёд саёҳатчилар дарошариф буюради). Бу ички миллий даромаднинг 60%ини ташкил килади. Дарошариф буюради). Бу ички миллий даромаднинг 60%ини ташкил килади. Дарошариф буюради). Маддининг яна бир муҳим манбаи – чет эллик коллекционерларга марказлар сотини. Ахолининг турмуш даражасини Фарбий Европа мамлакатларининг шу соҳадаги кўрсаткичларига киёслаш мумкин. 2012 йилда ЯИМ миқдори 1850 млн (ахоли жон бошига – 74 046) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкори – Италия.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги – 104 км.  
**Тарихи.** Афсоналарга кўра, Сан-Маринога 301 йилда тарки дунё килган авлиё Маринус асос солган. IX асрда ҳозирги Сан-Марино худуди автоном давлат бўлди, XIII асрда эса мустакил республика деб ўзлон килинди. Уни Рим папаси

Николай IV 1291 йили тан олди. Сан-Марино Наполеон урушлари даврида ҳам ўз мустакиллигини саклаб колди, унинг мустакиллиги Вена Конгресси томонидан 1815 йили ҳам тан олинган. 1862 йилдан бўён мамлакат амалда Италия протекторати остида. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Сан-Марино бетарафлик зълон киulgан бўлса-да, фашистлар уни босиб олди, аммо тез орада озод килинди. Урушдан кейинги йилларда мамлакат халқаро туризм масканларидан бирига айланди.

## САН-ТОМЕ ВА ПРИНСИПИ

*Расмий номи – Сан-Томе ва Принсиби Демократик Республикаси. Пойтахти – Сан-Томе. Худуди – 964 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 171 900 киши (2012). Давлат тили – португал. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – добра.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Африка китъасининг гарбий киргокларидан унча узок бўлмаган Гвинея қўлтигидаги вулкандан ҳосил бўлган Сан-Томе, Принсиби ва бир катор майда оролларда жойлашган давлат. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 209 км. Мамлакатнинг рельефи тоғли. Мамлакатнинг зинг баланд чўккиси – Пико де-Томе (2024 м) бўлиб, у Сан-Томе оролида жойлашган. Асосий табиий бойлиги – балиқ. Мамлакат худудининг 75%ини ўрмон ва чангальзорлар эгаллаган.

*Иклими – экваториал ва тропик.* Ороллар куюқ экваториал ўрмонлар билан копланган, киргок бўйларида калин мангр чанталзорлари бор. Мамлакатнинг ҳайвоноти дунёси унчалик бой эмас: ўрмонларида маймунлар – гверец, дрилл, мақакалар кўп; кушлар кам кенг таркалган (каттакон банањхўрлар, нишли кушлар); хилма-хил калтакесак, букаламун, илонлар мавжуд. Денгиз фаунаси бой: кўплаб кискичбакасимонлар ва чиганоклилар бор.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Сан-Томе ва Принсиби давлати ўз мустакиллигини 1975 йилнинг 12 июлида кўлга кириттган (аввал Португалиянинг дентизорти мустамлакаси эди). Бу сана миллий байрам – Мустакиллик куни сифатида нишонланади. Конунчилик португал умумий ҳуқуқига асосланган. Ижроия ҳокимияти президентта (давлат бошлиги) ва бош вазир бошлилигидаги ҳукуматта тегишли. Конунчилик ҳокимияти бир палатали парламент – Миллий мажлис томонидан амалга оширилади. Сиёсий партиялари – Сан-Томе ва Принсибини озод килиш ҳаракати – Социал-демократик партияси, Мустакил демократик ҳаракат партияси, Демократик конвергенция партияси – «мушоҳада» гурухи.

*Иқтисоди, транспорт қалъманикциялари.* Қишлоқ ҳўжалиги иқтисодининг зинг муҳим тармоги ҳисобланади: какао экспорти умумий экспортнинг

85%ини ташкил килади. Бошқа экспорт махсулотлари: кокос ёнғоғи, пальма месваси, копра (кокос ёнғогининг мағзи). Айни пайтда Сан-Томе озик-овқат махсулотларининг 90%ини четдан олиб келади. Балиқчилик ривожланган. Туризмни ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд. 2012 йилда ЯИМ миқдори 261 млн (аҳоли жон бошига – 1535) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Германия, Португалия, Голландия, Хитой.

Автомобиль йўлларининг узуммий узунлиги – 300 км. Портлари – Санто-Антонио, Сан-Томе.

*Тарихи.* Сан-Томе ва Принсиби ороллари 1471 йили португалиялар томонидан кашф килинган. Улар бу мустамлакаларни жиноятчилар сургун килинадиган жойга айлантирганлар. 1951 йили Португалиянинг деңгизорти провинцияси (маҳаллий муҳторият) мақомини олган Сан-Томе ва Принсиби 1975 йилда мустакил давлат бўлди. 1991 йили кўппартиявийлик тизимига ўтилди.

## САУДИЯ АРАБИСТОНИ

*Расмий номи – Саудия Арабистони Қироллиги. Пойтахти – Ар-Риёд. Худуди – 2 250 000 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 28 705 000 киши (2012). Давлат тили – араб. Давлат дини – ислом. Пул бирлиги – саудия риёли.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Бу давлат Жануби-Ғарбий Осиёда жойлашган. Арабистон яриморлигининг таҳминан 2/3 кисмини ва Қизил деңгиз ҳамда Форс кўлтигидаги катор кирғоқбўйи оролларини эгаллади. Жанубда – Яман (чегара узунлиги – 1458 км), шимолда – Ирек (814 км), Йордания (744 км) ва Кувайт (222 км), жануби-шарқда – Үммон (676 км) ва Бирлашган Араб Амириклари (457 км), шарқда – Қатар билан (60 км) чегарадош. Куруқлиқдаги чегаралари узунлиги – 4431 км. Ғарбда мамлакат Қизил деңгиз ва Акаба кўлтиги ҳамда шарқда Форс кўлтиги билан туташшиб кетган. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 640 км. Мамлакат худуди асосан саҳордан иборат. Қирғоқ бўйлаб торгина водийлар жойлашган. Жануби-ғарбидаги унча катта бўлмаган тоб тизмалари бор. Мамлакатнинг энг баланд нуктаси – Дақа чўққиси (3353 м). Шимолда Сурия чўлининг бир кисми жойлашган. Мамлакатнинг жануби-шарқий кисмидаги саҳро (Руб-эл-Хали) эгаллаган. Мамлакатнинг сув ресурслари жуда кам. Худудининг марказий кисмидаги бир неча дарёлар ёзга бориб куриб колади. Мамлакат ҳудудида бой нефть, табиий газ конлари мавжуд, шунингдек, темир рудаси, мис, олтин ҳам бор. Ишлов бериладиган ерлар ҳудудининг факаттнина 1%ини эгаллади, ўтлоқ ва яйловлар 39% кисмидаги жойлашган.

*Иклими – континентал, субтропик ва тропик. Ўсимликлари асосан ярим саҳро ва саҳро характеристига эга. Қиши, баҳорги ёмғирлар даврида ёввойи аччик тарвуз, астрагал, саксовуллар ўсади. Тал ва судр деб аталувчи ёлғиз дарахтлар*

онда-сонда учрайди. Мамлакатнинг ҳайвонот дунёси анча хилма-хил. Бўри, чиябўри, фенек тулкиси, кум кийиги, нубия тоғ эчкиси учрайди. Кемирувчи ва судралувчилар – кичик бўгта илонлар, эфа, агама ва калтакесаклар кўп. Кушлар олами ҳам бой: бургут, калхат, гриф, сапсан. Кирғоқ пасттекисликлари чигиртка-ларнинг кўпайиш маконидир. Қизил денгиз ва Форс кўлтиғида маржонларнинг 2000 дан зиёд тури бор, айникса, кора маржонлар қиммат баҳоланади.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – мутлак теократик монархия. Мамлакат таркибига 13 та вилоят киради. Саудия Арабистони 1932 йилнинг 23 сентяброда мустакилликка эришган (миллий байрами – Кироллик эълон килинган кун). Қонунчилик ислом дини қонунларига асосланган. Давлат ва ҳукумат бошлиги – подшоҳ, айни вактда у бош вазир ва қуролли кучлар олий бош кўмандони ҳамдир. Сиёсий партия ва касаба уюшмалари фаолияти расман ман этилган.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Иқтисодининг асосий соҳаси – нефть казиб чиқарувчи саноат (ЯИМнинг 35% ва амалда экспортдан келадиган даромадларнинг ҳаммасини ташкил қилади). Дунёда нефтнинг энг катта захирасига эга. Саудия Арабистони нефтнинг энг йирик экспортчиси ҳисобланади ва ОПЕКда етакчи роль ўйнайди. Қишлоқ ҳўжалиги жуда тез ривожланмоқда (ЯИМнинг 10% и), асосий кишлек ҳўжалик экинлари: буғдои, арпа, цитрус, ҳурмо (хурмо етишириш бўйича жаҳонда иккинчи ўринда). 2012 йилда ЯИМ миқдори 657049 млн (аҳоли жон бошига – 25 085) долларни ташкил қилди. Макка шаҳри бутун дунё мусулмонлари учун муқаддас зиёратгоҳ ҳисобланади. Туризм катта даромад келтиради. Энг муҳим савдо ҳамкорлари: АҚШ, Англия, Буюк Британия, Германия, Франция.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 886 км, автомобиль йўлларининг узунлиги – 74 000 км (каттиқ копламали йўллари – 35 000 км). Мамлакатнинг асосий портлари: Жидда, Рас-Таннурा, Янбу.

*Тарихи.* Ҳозирги Саудия Арабистони ҳудудига араб чорвадор қабилалари м. а. IX асрдан бошлаб ўрнашганлар. Арабистон яриморолининг шимолий қисмини эгаллаган қабилалар яхудий, бобил ва форс маданийти таъсирида бўлган бир пайтда, Арабистоннинг жанубидаги қабилалар ўзларининг алоҳида маданийтини яратдилар. 570 йили Маккада пайғамбар деб эълон килинган ва барча араб қабилаларини янги, мусулмон давлати Мадинаға бирлаштирган Мұхаммад (с.а.в.) дунёга келди. Мұхаммаднинг (с.а.в.) издошлари бўлган халифалар VII асрда ислом динини Яқин Шарқ ва Мисрга тарқатдилар. VIII асрда эса янги дин Османинг каттагина қисми ва Шимолий Африкага тарқалди. Багдод халифалиги вужудга келганидан кейин Саудия Арабистонининг роли сезиларли даражада пасайди, аммо Макка мусулмонларнинг диний маркази булиб қолаверди. XIII асрда ҳозирги Саудия Арабистонининг ҳудуди Миср мамлуклари ҳукмронлиги остида колди. 1517 йили эса Усмонийлар империяси таркибига кирди. XIX аср бошлари-

га келиб Саудия Арабистонида Ваххобийлар давлати ташкил топди ва мустакил давлат деб эълон килинди. Тез орада ваххобийлар Миср аскарлари томонидан яриморолнинг марказий кисмита сикиб кўйилдилар, аммо XX асрнинг бошларига келиб ваххобийларнинг етакчиси Ибн Сауднинг кўшинлари мамлакатнинг деярли барча худудида ўз назоратларини ўрнатдилар, 1932 йили эса Ибн Сауд Саудия Арабистони кироллиги тузилганлигини эълон килди. 1982 йили шаҳзода Фахд таҳтга ўтириди ва у Форс қўлтигидаги мажоролар пайтида мамлакат худудига Йоркка карши иттифоқ кўшинларини жойлаштиришга руҳсат берди. Улар эса бу ердан 1991 йилнинг январида Кувайтда ҳарбий ҳаракатларини бошладилар.

### СВАЗИЛЕНД

*Расмий номи – Свазиленд Қироллиги. Пойтахти – Мбабане. Худуди – 17 363 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 1 220 400 киши (2012). Давлат тили – инглиз ва свази. Сигинувчилар христиан дини (60%) ва мажусийликка (40%) эътиқод қиласди. Пул бирлиги – лилангени.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Африка китъасининг жанубий кисмida жойлашган давлат. Жануб, жануби-шарқ, гарб ва шимолда – ЖАР (чегара узунлиги – 430 км), шарқда эса Мозамбик (105 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги – 535 км. Мамлакат гарбидан шаркка томон тепаликлари пасайиб борувчи Вельд киркларida жойлашган. Энг баланд чўккиси – 1445 м. Свазилендда бир нечта пасттекисликлар бор. Асосий дарёлари – Усуту, Камати, Умбелузи. Асосий табиий бойликлари: кўмпир, ёғоч, гидроэнергия ресурслари, ўрмонлари, шунингдек, унча катта бўлмаган олтин ва олмос конлари бор. Худудининг 11% и ҳайдаладиган ерлар, 62% и эса яйлов ва ўтлоклар.

Иклими – субтропик ва тропик. Свазилендинг ўсимлик дунёси гарбда саванна, шарқда эса ксерофит (чўл иклимига чидамли ўтлар) чангизорлари билан характерланади. Флораси жуда бой: 2400 га яхин ўсимлик тури мавжуд – лишайниклар ва папоротниклардан тортиб магнолия ва фикусларгача ўсади. Факат алоэнинг 25 тури, орхидеянинг 12 тури, нилуфар гулларининг 10 тури бор. Йирик сут эмизувчилардан «кўк» кўтослар учрайди. Шунингдек, бурама шохли антилопа, зебра, бегемотлар ҳам бор. Дарёларида тимсохлар кўп.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – конституциявий монархия. Свазиленд 1968 йил 6 сентябрдан мустакил давлат бўлди (ундан оддин – Буюк Британия протекторати). Бу сана – Миллий байрам – Мустакиллик оидин – Буюк Британия протекторати). Бу сана – Миллий байрам – Мустакиллик куни сифатида нишонланади. Давлат бошлиги – кирол. Ижроня ҳокимият бошвазир бошчилигидаги ҳукumat томонидан бошкарилади. Конунчилик ҳокимиятини кирол ва икки палатали парламент (Мажлис ва Сенат) амалга ошира-

онда-сонда учрайди. Мамлакатнинг ҳайвонот дунёси анча хилма-хил. Бўри, чиябўри, фенек тулкиси, кум кийиги, нубия тоғ эчкиси учрайди. Кемирувчи ва судралувчилар – кичик бўгта илонлар, эфа, агама ва калтакесаклар кўп. Кушлар олами ҳам бой: бургут, калхат, гриф, сапсан. Кирғоқ пасттекисликлари чигиртка-ларнинг кўпайиш маконидир. Қизил денгиз ва Форс қўлтиғида маржонларнинг 2000 дан зиёд тури бор, айникса, кора маржонлар киммат баҳоланади.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – мутлак теократик монархия. Мамлакат таркибига 13 та вилоят киради. Саудия Арабистони 1932 йилнинг 23 сентяброда мустакилликка эришган (миллий байрами – Кироллик эълон қилинган кун). Қонунчилик ислом дини қонувларига асосланган. Давлат ва ҳукумат бошлиги – подшоҳ, айни вактда у бош вазир ва куролли кучлар олий бош кўмандони ҳамдир. Сиёсий партия ва касаба уюшмалари фаолияти расман ман этилган.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Иқтисодининг асосий соҳаси – нефть казиб чиқарувчи саноат (ЯИМнинг 35% ва амалда экспортдан келадиган даромадларнинг ҳаммасини ташкил килади). Дунёда нефтнинг энг катта захирасига эга. Саудия Арабистони нефтнинг энг йирик экспортчиси ҳисобланади ва ОПЕКда стакчи роль ўйнайди. Қишлоқ ҳўжалиги жуда тез ривожланмоқда (ЯИМнинг 10% и), асосий қишлоқ ҳўжалик экинлари: бўғдоӣ, арпа, цитрус, ҳурмо (ҳурмо етишириш бўйича жаҳонда иккинчи ўринда). 2012 йилда ЯИМ миқдори 657049 млн (аҳоли жон бошига – 25 085) долларни ташкил қилди. Макка шаҳри бутун дунё мусулмонлари учун муқаддас зиёратгоҳ ҳисобланади. Туризм катта даромад келтиради. Энг муҳим савдо ҳамкорлари: АҚШ, Англия, Буюк Британия, Германия, Франция.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 886 км, автомобильъ йўлларининг узунлиги – 74 000 км (каттиқ копламали йўллари – 35 000 км). Мамлакатнинг асосий портлари: Жидда, Рас-Таннурा, Янбу.

*Тарихи.* Ҳозирги Саудия Арабистони ҳудудига араб чорвадор қабилалари м. а. IX асрдан бошлаб ўрнашганлар. Арабистон яриморолининг шимолий кисмини эталлаган қабилалар яхудий, бобил ва форс маданияти таъсирида бўлган бир пайтда, Арабистоннинг жанубидаги қабилалар ўзларининг алоҳида маданиятини яратдилар. 570 йили Маккада пайғамбар деб эълон қилинган ва барча араб қабилаларини янги, мусулмон давлати Мадинага бирлаштирган Мұхаммад (с.а.в.) дунёга келди. Мұхаммаднинг (с.а.в.) издошлари бўлган халифалар VII асрда ислом динини Яқин Шарқ ва Мисрга тарқатдилар. VIII асрда эса янги дин Осиённинг каттагина кисми ва Шимолий Африкага таржалди. Бағдод халифалиги вужудга келганидан кейин Саудия Арабистонининг роли сезиларли даражада пасайди, аммо Макка мусулмонларнинг диний маркази бўлиб колаверди. XIII асрда ҳозирги Саудия Арабистонининг ҳудуди Миср мамлуклари ҳукмронлиги остида колди. 1517 йили эса Усмонийлар империяси таркибига кирди. XIX аср бошлари-

га келиб Саудия Арабистонида Ваҳҳобийлар давлати ташкил топди ва мустакил давлат деб эълон килинди. Тез орада ваҳҳобийлар Миср аскарлари томонидан яриморлонинг марказий кисмига сикиб кўйиндиilar, аммо XX асрнинг бошлигига келиб ваҳҳобийларнинг етакчиси Ибн Сауддинг кўшишлари мамлакатнинг деярли барча худудида ўз назоратларини ўрнатдилар, 1932 йили эса Ибн Сауд Саудия Арабистони кироллиги тузишганлигини эълон килди. 1982 йили шахзода Фахд таҳтга ўтириди ва у Форс кўлтиғидаги мажоролар пайтила мамлакат худудига Ирокқа карши иттифоқ кўшиниларини жойлаштиришига руҳсат берди. Улар эса бу ердан 1991 йилнинг январида Кувайтда ҳарбий харакатларини бошладилиар.

## СВАЗИЛЕНД

*Расмий номи – Свазиленд Қироллиги. Пойтахти – Мбабане. Худуди – 17 363 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 1 220 400 киши (2012). Давлат тили – инглиз ва свази. Сигинувчилар христиан дини (60%) ва мажсусийликка (40%) эътиқод қиласди. Пул бирлиги – липлангени.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Африка китъасининг жанубий кисмida жойлашган давлат. Жануб, жануби-шарқ, гарб ва шимолда – ЖАР (чегара узунлиги – 430 км), шарқда эса Мозамбик (105 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги – 535 км. Мамлакат гарбидан шарққа томон тепаликлари пасайиб борувчи Вельд кирликларида жойлашган. Энг баланд чўккиси – 1445 м. Свазилендда бир нечта пасттекисликлар бор. Асосий дарёлари – Усуту, Камати, Умбелузи. Асосий табиий бойниклари: кўмир, ёғоч, гидроэнергия ресурслари, ўрмонлари, шунингдек, унча катта бўлмаган олтни ва олмос конлари бор. Худудининг 11% и хайдаладиган ерлар, 62% и эса яйлов ва ўтлоклар.

Иклими – субтропик ва тропик. Свазилендинг ўсимлик дунёси гарбда саванна, шарқда эса ксерофит (чўл иқлиминига чидамли ўтлар) чангизорлари билан характерланади. Флораси жуда бой: 2400 га якин ўсимлик турни мавжуд – лишайниклар ва папоротниклардан тортиб магнолия ва фикусларгача ўсади. Фақат алознинг 25 тури, орхидеянинг 12 тури, нилуфар гулларининг 10 тури бор. Йирик сут эмизувчилардан «кўк» кўтослар учрайди. Шунингдек, бурама шохли антилопа, зебра, бегемотлар ҳам бор. Дарёларида тимсоҳлар кўп.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – конституциявий монархия. Свазиленд 1968 йил 6 сентябрдан мустакил давлат бўлди (ундан олдин – Буюк Британия протекторати). Бу сана – Миллий байрам – Мустакиллик куни сифатида нишонланади. Давлат бошлиғи – кирол. Ижроия хокимият бошвазир бошчилигидаги хукumat томонидан бошқарилади. Конунчиллик хокимиётини кирол ва икки палатали парламент (Мажлис ва Сенат) амалга ошираво.

ди. Сиёсий партиялари: Нгване миллий-озодлик конгресси, Имбокодво миллий харакати, Свазиленд бирлашган фронти, Свазиленд тараккийпарвар партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Иқтисодининг асосий бўғини – кишлек хўжалиги (ЯИМнинг чоракка якин кисми). Унда меҳнатга яроқли ахолининг асосий кисми банд. Асосий кишлек хўжалиги экинлари – шакарқамиш, маккажӯхори, пахта, тамаки, цитрус мевалар. Кишлек хўжалик маҳсулотларини кайта ишлаш саноатидан ташкари кончиллик (кўмир ва асбест), ёғоч саноати ривожланган. 2012 йилда ЯИМ миқдори 3651 млн (ахоли жон бошига – 3475) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: ЖАР, Япония, Бельгия, Буюк Британия, Канада.

*Тарихи.* Свазиленд кироллиги ҳозирги Свазиленд ҳудудида XVI асрда ташкил топган. 1906 йили Британия протекторати бўлишидан аввал 1902 йилда Трансвааль бошкарувида эди. 1968 йили Свазиленд мустакил давлат деб эълон килинди. 1973 йилда эса кирол Собкуза II конституцияни бекор килди ва барча сиёсий партиялар фаолиятини тақиқлади. Ҳозирги кунда Свазиленд демократик ўзгаришлар йўлидан бормокда.

## СЕЙШЕЛЬ ОРОЛЛАРИ

*Расмий номи – Сейшель Ороллари Республикаси. Пойтахти – Виктория. Ҳудуди – 405 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 87 200 киши (2012). Давлат тили – инглиз, француз ва креол. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – сейшель рутияси.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Ҳинд океанининг гарбий кисмida, Мадагаскар оролларининг шимоли-шарқидаги Сейшель ва Амирант оролларида жойлашган давлат. Соҳил бўйлаб чегара узуонлиги – 491 км. Мае, Праслен, Сикует, Ла-Диг сингари йирикроқ оролларига мармар тошларидан иборат торгина киргок бўйлари ва тепаликлар характеридир. Майдарок ороллар эса текис маржон баландликларидан иборат. Мамлакатнинг энг баланд нуктаси – 915 м. Асосний табиий бойликлари: балик, копра (кокос ёнгогининг магзи).

Иқлими – субэкваториал. Йирик оролларда доимий кўм-кўй тропик ўсимликлар сакланиб колган, пальмаларнинг ноёб турлари ўсади, уларнинг орасида ялангочсимон сейшель пальмаси, денгиз кокоси ҳам бор. Шунингдек, дараҳтсимон папоротниклар ҳам учраб туради. Ороллар анча четда жойлашганлиги туфайли факат шу архипелагдагина учрайдиган күшлар ва судралиб юрувчилар жуда кўп. Факат Альдабранинг ўзида улкан тошбақалар, күшларнинг 14 та камёб тури учрайди.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 13 та кичик маъмурӣ ҳудудларга бўлинган. Сейшель ороллари 1976 йилнинг 29 июнида Буюк Британиядан мустакил бўлади. Миллий байрами

18 июнь – Миллат куни (1993 йили янги конституция кабул килинган кун). Давлат ва хукумат бошлиги – президент. Олий конунчиллик органи – Халқ мажлиси (бир палатали парламент). Сиёсий партиялари: Демократик партия, Сейшель халқи тарақкӣёт фронти, Сейшель миллий партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Мехнатта лаёкатли аҳолининг 30% га якни банд бўлган туризм индустриси валюта тушумларининг 70% дан кўргонини таъминлайди. Ишлаб чиқариш балиқчилик ва кишлек хўжалиги билан чекланган. Қишлоқ хўжалигига (ЯИМнинг 7% га якни) асосий савдо экинлари – кокос ёнғоги, долчин, ваниль. Зарурӣ озиқ-овқатнинг катта кисми четдан олиб келинади. 2012 йилда ЯИМ миқдори 971 млн (аҳоли жон бошига – 11226) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Франция, Буюк Британия, Бахрайн, Кения.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги – 260 км. Асосий порти – Виктория.

*Тарихи.* Португаллар томонидан 1505 йили очилган Сейшель ороллари 1742 йили Франция томонидан мустамлака килиб олинди. 1794 йили ороллар Буюк Британия бошқарувига ўтди. Англия 1903 йили оролларни ўз мустамлакаси деб эълон қилди. 1976 йили Сейшель ороллари Буюк Британия Ҳамдӯстлиги аъзоси бўлиб колган ҳолда мустақилликка эришиди. 1977 йили давлат тұнтарishi оқибатида социалистик давлат курилишини эълон қилган А. Рене мамлакат президенти бўлди. 1991 йили мамлакат бошқарувининг бир партияли тизими кўп-партияйилик билан алмаштирилди.

## СЕНЕГАЛ

Расмий номи – Сенегал Республикаси. Пойтахти – Дакар. Ҳудуди – 196 200 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 13 107 900 киши (2012). Давлат тили – француз. Сигинувчиларнинг асосий қисми ислам динига эътиқод қиласади. Пул бирлиги – африка франки.

*Географик жойлашуви ва табиати.* Африка континентининг гарбий кисмидаги жойлашган давлат. Шимолда – Мавритания (чегара узунлиги – 813 км), жанубда – Гвинея-Бисау (338 км) ва Гвинея (330 км), шарқда – Мали (419 км) билан чегара дош. Сенегал давлатининг ўртасида, Атлантика океанинга куйладиган Гамбия дарёсининг ўрта ва кўйи оқимидаги Гамбия давлати жойлашган (Гамбия билан чегара узунлиги – 740 км). Курукликтаги чегаралари узунлиги – 2640 км. Гарбда Сенегал Атлантика океани билан туташшиб кетган. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 531 км. Мамлакат худудининг катта кисми пасттекисликлардан иборат. Сенегалнинг фақаттана жануби-гарбиде баландлиги 500 м га етадиган Фута-Жаллон тепаликлари бор. Асосий дарёси – Сенегал. Мамлакат худудида фосфорит ва темир рудаси, мармар конлари мавжуд. Ҳудудининг 27% ишлов бериладиган ерлар, 20% и эса ўтлок ва яйловлар.

Иклими – субэкваториал, муссонли. Сенегал ҳудуди асосан саванналардан иборат. Кўп асрлардан буён ўрмонли мавзеларда экин экиш учун олов кўйиб ер тозалаш усули дарахтзорларнинг тез йўқолишига олиб келди. Фақаттина жанубигарбда аралаш ўрмонлар кисман сакланиб қолган. Яшаш шароитлари ўзгариши туфайли йирик ёввойи хайвонлар кариб колмаган. Миллий боғларда фил, жирафа, кўтос ва бегемотларни учратиш мумкин.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат таркибида 10 та вилоят бор. Сенегал Франциядан мустакилликни 1960 йили кўлга киритган. 1982 йили Сенегал ва Гамбия конфедерацияси тузилди, лекин у 1980 йили 30 сентябрда тарқалиб кетди. Миллий байрами 4 апрель – Мустакиллик куни (1960). Конунчилик француз фукаролик ҳуқуқига асосланган. Ижроия ҳокимияти президент (давлат бошлиги) ва бош вазир (Вазирлар кенгаши бошлиги) кўлида. Конунчилик ҳокимиятини бир палатали парламент – Миллат мажлиси амалга оширади. Сиёсий партиялари: Социализм ва бирлик ҳаракати партияси, Демократик иттифок – Мехнат партиясини тузиш ҳаракати партияси, Миллий демократик бирлашма партияси, Мустакиллик ва меҳнат партияси, Сенегал демократик партияси, Сенегал социалистик партияси, Демократик янгилашибиши партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Иқтисодининг асосий соҳаси – баликчilik. Ишлаб чиқариш баликни қайта ишлаш ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш, нефть ва фосфорит қазиб чиқариш билан чекланган. Қишлоқ ҳўжалигига (баликчilik билан бирга ЯИМнинг 20%ни) меҳнатга лаёкатли аҳолининг 75%ни банд. Асосий қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари – ер ёнгик (экин майдонларининг 40% га якини мамлакат экспорти учун жуда муҳим бўлган ана шу экинни етиштириш учун фойдаланилади), маккаждар, тарик, жўхори, шоли, пахта. Туризм ривожланган. 2012 йилда ЯИМ миқдори 13 950 млн (аҳоли жон бошнига – 1057) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕИ мамлакатлари (асосан Франция), Мали, Кот д'Ивуар, Нигерия, Жазоир.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 1034 км, автомобильъ йўлари – 14 700 км (каттик қопламали йўллари – 3777 км), ички сув йўллари – 897 км. Мамлакатнинг асосий портлари: Дақар, Каолак.

*Тарихи.* IX асрда тукулер кабилалари яшайдиган ҳозирги Сенегал ҳудудида Текур кироллиги шаклланган бўлиб, XIV асрда ундан Серер ва Уолоф киролликлари ажralиб чиқкан. XVI асрда ҳозирги Сенегал ҳудудидаги давлатлар Мали империяси таркибига киради. XVI асрдан бошлаб мамлакат португал дengизчилари томонидан тадқиқ этилди, бироқ мамлакатни мустамлакага айлантириш XVII аср бошларида французлар томонидан бошланди. Инглизлар иккى марта – 1758–1779 йиллари ва 1807–1817 йилларда французларни Сенегалдан кувиб чиқарышди, лекин 1854 йили Буюк Британия билан ракобатда Франция сенгib чиқди. 1895 йили эса Сенегал француз мустамлакаси деб эълон килинди.

Дакар Француз Гарбий Африкаси пойтахти бўлиб колди. 1958 йили Француз ҳамжамияти таркибида ўзини ўзи бошкарни хукукини кўлга киритган бу мамла-кат юнитидан чиқди ва мустақил давлат деб эълон килинди. 1960 йили мамлакатнинг янги конституцияси қабул килинди. Унга биноан Сенегал президент республикаси деб эълон килинди. 1982 йили Сенегал Гамбия билан Сенегамбия Федерациясига бирлашди. Бирор мавритан ва сенегал жамоалари ўргасидаги кешишовчиликлар 1989 йили федерациянинг таркалиб кетишига олиб келди.

## СЕН-ПЬЕР ВА МИКЕЛОН

*Расмий номи – Сен-Пьер ва Микелон (Франциянинг денгизорти ҳудудий бирлиги). Маъмурий маркази – Сен-Пьер. Ҳудуди – 242 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 5 888 киши (2011). Давлат тили – француз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига эътиқод қиласади. Пул бирлиги – евро.*

*Географик жойлашиши ва табииати. Франциянинг денгизорти ҳудудий бирлиги бўлиб, Ньюфаундленд (Канада) оролининг жанубида, Атлантика океанинг шимоли-гарбига 8 та майда (энг йириклари – Сен-Пьер, Ланглад, Микелон) ороллардан иборат архипелагда жойлашган давлат. Ороллар тошли пасттекислик ва яссигоғилклардан иборат.*

*Иклими – денгиз иклими. Оролларда тўтиқуш, колибри, ҳашаротлар кўп. Денгизда кўплаб балик турлари учрайди.*

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Сиёсий тузилиши – Франциянинг ҳудудий бирлиги. Бошқарув раҳбари – префект, Франция хукумати томонидан тайинланади. Маъмурий ҳудудларга бўлинмаган. Сиёсий партиялари: Франция партияларининг маҳаллий бўлимлари амал қиласади.*

*Иқтисоди, транспорт каммуникациялари. Аҳолининг асосий машгулоти – балиқ овлаш. Маҳаллий саноат асосини баликни кайта ишлаш ташкил этади. Машинасозлик, кемасозлик корхоналари мавжуд. Иклими ва ернинг унумлизиги сабабли қишлоқ ҳўжалиги ривожланмаган. Микелон оролида корамол, чўчка, кўй бокилади. 2010 йилда ЯИМ миқдори 48 млн (аҳоли жон бошига – 8150) долларни ташкил эттади. Асосий савдо ҳамкорлари: Канада, АҚШ, Франция, Буюк Британия, Нидерландия.*

*Асосий порти: Сен-Пьер. Халкаро аэропорт мавжуд.*

*Тарихи. 1520 йили португаллар томонидан кашф килинган. 1604 йили француздар томонидан эгаллаб олинган. 1816 йилгача Буюк Британия таркибига ҳам кўзлар томонидан эгаллаб олинган. 1946 йили Франциянинг денгизорти ҳудуди, 1976 йили денгизорти ўтиб турган. 1985 йили Франция худудий бирлиги макомини олди.*

## СЕНТ-ВИНСЕНТ ВА ГРЕНАДИН

*Расмий номи – Сент-Винсент ва Гренадин. Пойтахти – Кингстаун. Худуди – 389 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 109 400 киши (2012). Давлат тили – инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – шарқий кариб доллари.*

**Географик жойлашуви ва табиати.** Кариб денгизининг жануби-шаркий кисмидаги Сент-Винсент ва Гренадин оролларида жойлашган давлат. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 84 км. Мамлакат худуди вулқон отилишидан хосил бўлган тепаликлардан иборат ороллар.

Иклими – тропик мұтадил. Оролларнинг ўрга кисми бутунлай ўрмон билан қопланган, бироқ кимматли турлари кам, асосан пальма, нон даражалари учрайди.

**Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.** Давлат тузилиши – конституциявий монархия, Британия Ҳамдустлиги аъзоси. Сент-Винсент 1979 йилнинг 27 октябринда мустакил давлат бўлди (аввал Буюк Британия мустамлакаси). Миллий байрамлари: 22 январь – Сент-Винсент ва Гренадин куни, 27 октябрь – Миллат куни. Конунчилик инглиз умумий ҳукукига асосланган. Давлат раҳбари – Британия кироли (кироличаси), унинг ваколатларини генерал-губернатор амалга оширади. Ижроия ҳокимият бош вазир бошчилигидаги Вазирлар мажхамасига тегишили. Олий конунчилик органи – Мажлис палатаси. Сиёсий партиялари: Халқ тараккиётি харакати партияси, Янги демократик партия, Бирлашган лейбористлар партияси.

**Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.** Иқтисодининг энг муҳим соҳаси – кишлек ҳўжалиги (банан – асосий экспорт маҳсулотларидан бири). Ривожланиб бораёттан туризм ҳам даромаднинг энг муҳим манбаларидан бири хисобланади. Ишлаб чиқариши асосан кишлек ҳўжалик маҳсулотларини кайта ишлашдан иборат. 2012 йилда ЯИМ миқдори 716 млн (аҳоли жон бошига – 6489) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Буюк Британия, АҚШ, Кариб ҳавзаси давлатлари.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги – 1184 км. Порти – Кингстаун.

**Тарихи.** Сент-Винсент ороли Колумб томонидан 1498 йили кашф қилинган ва XVII асрдагача испан мустамлакаси бўлиб қолаверди. XVII–XVIII асрларда орол Франция билан Буюк Британия ўртасида низоли худудга айланди. Сент-Винсент ва Гренадин 1762 йили Буюк Британиянинг тўла ҳукмронлиги остига ўти ва 1783 йили мустамлака деб эълон қилинди. 1958–1962 йилларда ороллар Вест-Индия Федерациясига кирди, 1979 йили эса мустакил давлат деб эълон қилинди.

## СЕНТ-КИТС ВА НЕВИС

*Расмий номи – Сент-Китс ва Невис Федерацияси (Сент-Кристофер ва Невис Федерацияси). Пойтахти – Бастер. Ҳудуди – 261 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 53 700 киши (2012). Давлат тили – инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – шарқий кариб доллари.*

*Географик жойлашви ва табииати.* Кариб ҳавзасининг шарқий кисмидаги Кичик Антиль ороллари архипелагидаги икки оролда (Сент-Китс ва Невис) жойлашган давлат. Шамолли ороллар гурухига киради. Қирғоқ буйлаб чегара узунлиги – 135 км. Ички қояли кисмга эга ороллар вулкон оқибатида пайдо бўлган. Мамлакатнинг энг юкори нуктаси – Мизери тоги (1155 м) Сент-Китс оролида жойлашган.

Иклими – тропик, мўътадил иссик. Оролларнинг ўрмон билан қопланган тоглари жуда кўркам.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – конституциявий монархия, Британия Ҳамдўстлиги аъзоси. Мамлакат Буюк Британиядан мустакилликни 1983 йил 19 сентябрда кўлга киритган. Бу кун Миллий байрам (Мустакиллик куни) сифатида нишонланади. Қонунчилик инглиз умумий ҳукукига асосланган. Давлат бошлиги – Британия қироли (киролиаси) номидан иш юритувчи генерал-губернатор. Ижроия ҳокимияти ҳам бош вазир бошчилигидаги ҳукуматта тегишли. Олий конунчилик органи – Миллий мажлис (бир палатали парламент). Сиёсий партиялари: Халқ фаолияти партияси, Серташвиш фукаролар ҳаракати, Лейбористик партия, Невис ислоҳотчилар партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Мамлакат иқтисоди анъанавий тарзда шакаркамиш етишириши ва қайта ишлаш билан боғлик (шакар – асосий экспорт маҳсулоти). Бошка кишлоч ҳўжалик эквилилари: шоли, ямс, банан. Туризм тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. 2012 йил ЯИМ миқдори 738 млн (аҳоли жон бошига – 12 804) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, КАРИКОМ (Кариб уюшмаси) мамлакатлари, Буюк Британия.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги – 300 км. Асосий портлари: Бастер (Сент-Китс), Чарлстаун (Невис).

*Тарихи.* 1493 йили Колумб кашф этган бу ороллар Испания мустамлакасига айланди. XVII аср бошларида эса Буюк Британия кўл остига ўтди. XVII–XVIII асрларда ороллар Буюк Британия ва Франция ўргасида низоли ҳудудга айланди, бирор 1783 йили Париж шартномаси Буюк Британиянинг Сент-Китс ва Невисга бўлган ҳукукини тасдиқлади. Британия Ҳамдўстлиги доирасида 1967 йили мухоббатни кўлга киритган ороллар 1983 йилнинг сентяброда мустакил давлат деб зълон килинди. 1998 йили Невис оролининг Федерациядан чикиш ва мустакил давлат тузиш тўғрисидаги референдум муваффакиятсиз яқунланди.

## СЕНТ-ЛЮСИЯ

*Расмий номи – Сент-Люсия. Пойтахти – Кастри. Худуди – 616 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 177 800 киши (2012). Давлат тили – инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – шарқий кариб доллари.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Кариб денгизининг жануби-шаркий кисмидаги Сент-Люсия оролида (Шамолли ороллар) жойлашган давлат. Кирғок бўйлаб чегара узунлиги – 158 км. Вулканик келиб чиқишга эга бўлган орол. Шимолдан жанубга томон ўрмон билан копланган тоғлар ҳалкаси чўзилган. Мамлакатнинг энг баланд нуқтаси – Жими (950 м). Оролда бир нечта кенг, хосилдор водийлар бор. Асосий табиий бойлиги – ёғоч.

Иклими – тропик, мўтадил. Ўсимлик олами жуда бой, бу ерда дараҳтларнинг кимматли турлари ва кўплаб орхидеяга эга бўлган нам тропик ўрмонлар сакланиб қолган. Ҳайвонот олами асосан кушлардан иборат. Кирғокка яқин денгиз сувлари балик, кискичбакасимонлар ва маржонларга бой.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – конституциявий монархия, Британия Ҳамдустлиги аъзоси. Мамлакат 1979 йилнинг 22 февралидаги мустакиллик олган (олдин Буюк Британия мустамлакаси). Миллий байрами 13 декабрь – Миллат куни. Конунчилик инглиз умумий хукукита асосланган. Давлат бошлiği – Британия кироли (кироличаси), унинг ваколатини генерал-губернатор бажаради. Ихроия ҳокимияти Вазирлар маҳкамасига тегишили. Конунчилик ҳокимияти Сенат (юкори палата) ва Мажлис палатаси (куйи палата) дан иборат икки палатали парламент томонидан амалга оширилади. Сиёсий партиялари: Лейбористлар партияси, Бирлашган ишчилар партияси, Тараккийпарвар лейбористлар партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Иқтисодининг ривожи асосан кишилк хўжалиги ва туризм соҳасида кузатилади. Мехнатта лаёкатли аҳолининг 43% и банд бўлган кишилк хўжалиги ЯИМнинг 16%ини ташкил этади. Банан ва кокос ёнгоклари энг муҳим экспорт маҳсулотларидан ҳисобланади. Саноат тармоклари орасида энг ривожланганлари – тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати. 2012 йилда ЯИМ микдори 1259 млн (аҳоли жон бошига – 7257) долларни ташкил этган. Энг муҳим ҳамкорлари: Буюк Британия, АҚШ, Кариб ҳавзаси мамлакатлари.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги – 760 км. Порти – Кастри.

*Тарихи.* 1502 йили Колумб кашф этган Сент-Люсия ороли 1635 йили француз мустамлакаси бўлиб колди. XII асрда орол навбати билан француздар ва инглизлар тасарруфида бўлди, аммо 1814 йили Сент-Люсия бутунлай Буюк Британия кўлига ўтди. 1958–1967 йилларда Сент-Люсия Вест-Индия Федерациясига кирди, 1979 йилнинг февралидаги мустакил давлат деб ўзлон килинди.

**СЕРБИЯ**

*Расмий номи – Сербия Республикаси. Пойтахти – Белград. Ҳудуди – 88 361 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 9 846 580 киши (2012). Тили – серб. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг православ мазҳабига эътиқод қиласди. Пул бирзиги – серб динори.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Сербия Европанинг жануби-шарқида, Болкон яриморолининг марказида жойлашган. Унинг ҳудудини Фарбий ва Марказий Европа, Якин Шарқ, Осиё ва Африка билан боғловчи магистраллар кесиб ўтади. Шарқда – Болгария (318 км), шимоли-шарқда – Руминия (476 км), шимолда – Венгрия (151 км), гарбда – Хорватия (241 км), Босния ва Герцеговина (302 км), жануби-гарбда – Черногория (124 км), жануби-шарқда – Македония (62 км) ва жанубда тан олинмаган Косово (352 км) билан чегарадоши. Чегарасидаги умумий узунилиги – 2026 км. Сербиянинг шимолий қисмларида ҳосилдор Воеводина пасттекисликлари жойлашган. Марказий қисмida ўрмонлар билан копланган тепаликлар бор. Жанубида баланд тоғлар, тобе дарёлари кесиб ўтадиган кент ўрмонзорлар жойлашган.

Сербия умумий майдонининг 55% ишлов бериладиган, 24% и эса ўрмон билан копланган ерлар хисобланади. Энг баланд нуқтаси Албания чегарасидаги Кораби тобе тизмаси (2764 м) да жойлашган. Яна 15 та чўкки 2000 м дан баланд.

Иклими – мўътадил континентал, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси жуда бой. Ўрмонларининг 4/5 қисми баргли, 1/5 қисми игнабаргли. Сербия ҳудудларида айик, тўнғиз, бўри, тулки, кўён, ёвойи зчки, оху, силовсин, буту, тобе эчкиси ва хоказолар учрайди. Кушлар дунёси ҳам хилма-хил. Европа табиатида мавжуд бўлган 666 турдаги кушлардан 508 тури Сербияда учрайди. Дарё, кўл ва каналларда ҳар хил турдаги баликлар кўп. Сербия ҳудудлари рудалар, минералларга бой: мис, олтин, кумуш, кўргошин, рух, кўмир ва хоказолар.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – унитар республика. Ижро этувчи ҳокимият умумий, тўғридан-тўғри сайловларда 5 йил муддатга сайланадиган президент ва ранс бошчилигидаги Вазирлар мажкамасига тегишли. Раис парламент томонидан тасдиқланадиган ҳукумат тузади. Конун чиқарувчи ҳокимият – бир палатали парламент – Скупщина. Скупщина депутатлари (250 та) 4 йил муддатга ҳалқ томонидан сайланади.

*Иқтисоди, транспортни коммуникациялари.* Саноатининг ривожланган соҳалари: озик-овкат, тўқимачилик, кимё, металлга ишлов бериш, автомобиль, кишлек хўжалик техникасини ишлаб чиқариш, маший асбоб-ускуналор, минерал ўғитлар, дори-дармон, кенг истеъмол молларини ва ёғочни кайта ишлаш саноати яхши тараккӣ этган. Кишлек хўжалигига асосан маккажӯхори, буғдой, саноати яхши тараккӣ этган. Кишлек хўжалигига асосан маккажӯхори, буғдой, кандлавлаги, картошка, олхўри ва узум этиштирилади. Чорвачилик ҳам тараккӣ

этган. 2012 йилда ЯИМ 37199 млн (аҳоли жон бошига – 4943) долларни ташкил этган.

**Тарихи.** Ҳозирги Сербия худудларида м. а. 2 минг йилликнинг иккинчи ярмида иллирий, фракий, кейинчалик кельт кабилалари яшай бошлаган. VI–VII асрларда Сербия худудларига славянлар кириб келишди. IX асрнинг иккинчи ярмида серблар христианликни қабул қилган. X аср ўргаларида йирик давлат – Серб князлиги ташкил топди. 1217 йили киролликка айланган. 1389 йили Косово майдонидаги жангда серблар турк күшинларидан маглубиятта учраган. Шундан сўнг Сербия туркларга қарам бўлди, 1459 йили эса Туркия таркибиға кўшиб юборилади. XVIII аср охиридаги Россия – Туркия урушлари серб халқининг миллӣ-озодлик ҳаракатига туртки бўлди. Туркия султонининг 1830–1833 йиллардаги фармонларига кўра Сербия Туркия паноҳи остидаги ўзини ўзи идора қиладиган автоном князлик деб эълон килинди. 1838 йили Туркия султони Сербияда конституция жорий қилди. 1918 йил 1 декабрда серб, хорват ва словенларнинг кироллиги тузилди. 1941 йил апрелда Сербия немис-фашист күшинлари томонидан босиб олинди. Немислар Белградда генерал М. Недич бошчилигида кўғирчок «Серб ҳукумати»ни тузишиди. 1945 йил 29 ноябрда Югославия Федератив Халқ Республикаси эълон килингач, Сербия Югославия таркибидаги республикалардан бирига айланди. XX асрнинг 90-йиллари бошларида ЮСФР парчаланиши оқибатида Сербия Черногория билан биргаликда ягона конфедерацияга бирлашди. 2006 йил майда ўтказилган халқ референдуми натижаларига кўра мустакил давлатта айланди.

1946 йилда Сербия таркибida Косово ва Метохия автоном ўлкаси ташкил топди. 1991 йили мустакил Косово республикаси тузилганлиги эълон қилинди ва ўлқада этник тўқнашувлар бошланиб кетди. 1999 йили ҳарбий можароларга НАТО аралашди. Натижада серб ҳукумати НАТО ҳарбий контингентини Косовога киритишга мажбур бўлди. БМТ Ҳавфсизлик Кенгашининг 1999 йил 10 июнданги 1244-сонли резолюциясига кўра ўлка БМТ бошқарувига ўтди. 2008 йилнинг 17 февралидан Косово бир томонлама тартибда мустакиллик эълон қилди.

## СИНГАПУР

*Расмий номи – Сингапур Республикаси. Пойтахти – Сингапур. Ҳудуди – 640 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 5 312 400 киши (2012). Давлат тили – хитой (мандарин лаҳжаси), инглиз, малай, тачил. Сигинувчиларнинг асосий қисми буддавийлик (30%), христиан (20%), ислам (18%), конфуцийлик (15%), ҳиндуййлик динлари ва таоизмга эътиқод қиласди. Пул бирлиги – сингапур доллари.*

*Географик жойлашуви ва тибиати. Мамлакат Сингапур ороли ва 50 дан зиёд кичик оролларда жойлашган Жануби-Шаркий Осиёдаги давлат. Сингапур*

ороли Малай яриморолидан Жохор бўгози, Суматра оролидан Сингапур бўгози билан ажратилиб туради. Кирғоқ бўйлаб чегара узунлиги – 193 км. Мамлакат ландшафти – пасттексисликлар. Марказда тепаликлар жойлашган. Асосий миллий бойлиги – балиқ. Иклими муссонли, экваториал. Ўсимликлар асосан тропик ўрмонлар колдикларидан иборат, кирғоқ бўйларида мангър чангальзорлари бор. Оролларда папоротниклар ва бамбукларнинг жуда кўп хиллари мавжуд, орхи-деяларнинг кўплиги хайратга солади. Сингапур фаунаси, энг аввало, кушларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Сут эмизувчилардан маймуни ва ноёб жонзотлар – лемурлар яшайдилар.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мустақиллигини 1965 йил 9 августда кўлга киритган (Миллий байрами – Республика Миллий куни). Конунчилик инглиз умумий хукукига асосланган. Ижроия хокимияти президентга (давлат бошлиги) ва бosh вазирiga (хукумат бошлиги) тегишили. Конунчилик бир палатали парламент томонидан амалга оширилади. Сиёсий партиялари: Сингапур демократик партияси, Сингапур халқ партияси, Халқ харакати партияси, Ишчи партияси, Бирлашган халқ фронти.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Сингапурда саноат, айниска, электроника ва кемасозлик соҳалари яхши ривожланган. Сингапур жаҳоннинг энг йирик савдо портларидан бириди. Кишлок хўжалигига асосан каучук етиширилади. Каучук Сингапурнинг асосий экспорт маҳсулоти ҳисобланади. 2012 йилда ЯИМ миқдори 267941 млн (аҳоли жон бошига – 51 162) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Малайзия, Япония, Гонконг.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 38 км. Автомобиль йўллари узунлиги – 2597 км.

*Тарихи.* XIV асрдагача бутунги Сингапур ҳудудлари Шривижай империяси таркибида кирган. Ундан сўнг Мажана Хит подшолиги томонидан босиб олинган. XIV асрда бу ерларни Малакка сultonлиги ўз мулкига айлантирган. 1819 йил инглиз Томас Рефлз бу ҳудудларни сulton Жохордан сотиб олиб, Сингапур шаҳрига асос солган. Шундан сўнг Сингапур Британия мустамлакачилик сиёсатининг асосий таянч нуқталаридан бирига айланди. Иккичи жаҳон уруши йилларида мамлакат япон боскинчилари томонидан босиб олинди. Урушдан сўнг Сингапур Британия мустамлакаси бўлиб колаверди. 1959 йил муҳторият хукукини олди. 1965 йил августида Сингапур ўзини мустақил республика деб эълон киради.

## СЛОВАКИЯ

*Расмий номи – Словакия Республикаси. Пойтахти – Братислава. Ҳудуди – 49 035 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 5 404 300 киши (2012). Давлат тили – словак. Сигиги нувлчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик (60%), протестант (23%) ва православ (12%) мазҳабларига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – евро.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Марказий Европада жойлашган. Жанубда – Венгрия (677 км), шимолда – Польша (444 км), гарбда – Чехия (215 км) ва Австрия (91 км), шарқда – Украина (97 км) билан чегаралош. Чегарасининг умумий узунлиги – 1524 км. Мамлакатнинг марказий ва жанубий кисми текнис-никлардан иборат. Шимоли-гарби ва шарқида Гарбий ва Шаркий Карпат тоғлари жойлашган. Шимолда Баланд Татра тоғлари бор. Асосий дарёлари: Дунай, Грон, Ваг, Бодрог.

Иклими – мұйытадыл, континентал. Асосий ер ости бойликлари: темир рудаси, сурма, магнезий, марганец. Мамлакатнинг 1/3 кисми ўрмонзорлардир (эмән, бук, арча, карагай). Ҳайвонот олами унчалик бой эмас (бүри, тулки, айик, күён, буғу, типратикан, туствовук, каклик).

*Давлат түзилиши, сиёсий партиялари.* Словакиянинг давлат түзилиши – республика. БМТ ва ХВФ аъзоси. Давлат бошлиги – президент. Ҳукумат бошлиги – баш вазир. Олий конун чиқарувчи орган – Миллий кенгаш. Маъмурӣ жихатдан 8 та ўлкага бўлинади. Сиёсий партиялари: Демократик Словакия учун харакат – Халқ партияси, Словакия демократик иттифоқи, Словакия дехқонлар партияси, Сўл ишчилар бирлашмаси, Сўл демократлар партияси, Словакия миллий партияси, Венгер христиан-демократик харакати.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Словакия индустрималь-аграр мамлакат. Гандлов ва Мадри-Каменда иқтисоди учун мухим бўлган кўмир конлари мавжуд. Россиядан келадиган газ ва нефть трассалари ўтади. Тоғ-кон саноати ривожлашган. Гидроэлектростанциялар кўп. Словакиянинг дехқончилик учун ярокли ерлари худудининг 1/3 кисмини ташкил этади (буғдой, арпа, лавлаги, маккажӯҳори, картошка етиштирилади). Ваг водийсида тамакичилик ва боғдорчилик ривожланган. Мамлакатда чорвачилик ҳам тараққий этган. Тогли курортлар мавжуд. 2012 йилда ЯИМ миқдори 91 186 млн (аҳоли жон бошига – 16 880) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Германия, Чехия, Россия, Италия, Польша.

Асосий дарё портлари: Братислава, Комарно.

*Тарихи.* М. а. V асрда мамлакат ҳудудида фракий қабилалари яшаган. М. а. III асрда бу ерда кельтлар пайдо бўлди. I асрда мамлакат ҳудуди римниклар томонидан эгалланган. VI асрдан бошлаб Словакияга славян қабилалари кўчиб кела бошлади. X асрда Буюк Моравия давлати таркибига кўшилди. XI асрда Венгрия кироллигига тобе бўлди. XVI асрда Жанубий Словакия Усмонийлар томонидан истило килинди, қолган кисми Габсбурглар империяси таркибига ўтди. XVII асрда мамлакат тўлиқ Габсбурглар Австрияси таркибига киритилди. 1867 йилдан Словакия янги ташкил топган Австро-Венгрия таркибида бўлди. 1918 йили Австро-Венгрия тарқатилиши билан Словакия Чехия билан бирлашди ва Чехословакия давлатини ташкил этди. 1939 йили «Мюнхен битими»га кўра Германия Чехословакияни эгаллаб, «мустақил Словакия» давлатини ташкил

эттириди. Словакия Иккинчи жаҳон урушида Германия тарафида туриб урушган. 1945 йил Словакия совет кўшинлари томонидан озод этилди ва коммунистик ренцензура бекор қилинди. Бунга жавобан мамлакатта СССР, ГДР, Польша ва Болгария кўшинлари киритилди. Бу сиёсий ҳолат «Прага баҳори» номини олган. Коммунистик режим кайта тикланди. 1989 йили «юмшоқ инқолоб» натижасида коммунистлар ҳокимияти ағдарилиди. 1992 йили Чехия билан бўлган узок тортишувлардан сўнг давлат икки кисмга – Чехия ва Словакияга ажратилди. 1993 йил 1 январда Словакия мустакиллик декларациясини ўзлон килиб, БМТга аъзо бўлди. Словакия 2004 йилда НАТО ва ЕИГа, 2007 йили Шенген зонасига кирди.

## СЛОВЕНИЯ

*Расмий номи – Словения Республикаси. Пойтахти – Любляна. Ҳудуди – 20 250 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 2 065 350 киши (2013). Давлат тили – словен. Давлат дини – христиан динининг католик (96%) мазҳаби. Пул бирлиги – евро.*

**Географик жойлашуви ва табииати.** Болкон яриморолининг шимоли-ғарбий кисмida, Европанинг жануби-шарқида жойлашган давлат. Жануб ва жануби-шарқда – Хорватия (670 км), ғарбда – Италия (280 км), шимолда – Австрия (330 км), шимоли-шарқда – Венгрия (102 км) билан чегарадош. Курукликдаги чегаралари узунлиги – 1382 км. Ғарбий соҳиллари Адриатика денгизи билан тушшган. Мамлакат ғарбидаги Юлий Альплари вилояти жойлашган. Шарқда тоғлар дарё водийлари билан алмашиниб туради. Мамлакат марказида баланд бўлмаган тоғлар устунлик килади. Мамлакатнинг энг баланд нуқтаси Триглав (2863 м) тоғидир. Асосий дарёлари: Драва ва Сава. Карет кўуллари ва тоғ музликлари учраб туради.

Иклими – мўтадил континентал. Фойдали қазилмаларидан: кўнгир кўмир, кўргошин, рух, симоб, уран ва кумуш мавжуд. Мамлакат ҳудудининг 50% ини ўрмонлар эгаллаган. Эман, арча каби дараҳтлар кенг таркалган. Ҳайвонлардан айнқ, кобон, силовсин, кийик ва охуаларни учратиш мумкин.

**Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.** Давлат тузилиши – республика. Давлат бошлиги – президент. Конун чикарувчи ҳокимиятни икки палатали парламент амалга оширади, у давлат мажлиси хамда давлат кенгашидан ташкил топган. Ижрочи ҳокимиятни ранс бошчилигидаги ҳукумат бошкаради. Маъмутоплан. Давлат тузилишини ишлаб чирадиган Сиёсий партиялари: Либерал-демократик жиҳатдан 62 та провинцияга бўлинган. Сиёсий партиялари: Социал демократлар Ягона мократик партияси, Словения демократик партияси, Социал демократлар Ягона мократик партияси, Словения халқ партияси, Словения милрўйхати партияси, Яшиллар партияси, Словения халқ партияси, Словения милрўйхати партияси, Социал-демократик партия, Словения пенсионерлар демократик партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Словения – индустриал-агар давлат. Унинг иқтисоди саноат ишлаб чикиришга асосланган. Кўмир, кўргошин, рух рудалари қазиб олиниади ва кайта ишланади. Пойтахт Любляна ва Есенице шаҳрида оғир саноат корхоналари жойлаштирилган. Аммо саноат тармоклари асосини машинасозлик, кимё, енгил саноат ташкил этади. Металлургия, ёғочни кайта ишлаш, терига ишлов бериш, спорт моллари, тўкимачилик маҳсулотлари ишлаб чикириш яхши тарақкий этган. Бу маҳсулотлар ташкил бозорга чикирилади. Янги саноат тармоклари электрон ускунасозлик, кимё ва фармацология саноати, транспорт машинасозлиги кабилардан иборат. Полиграфия соҳасини алоҳида кайд этиб ўтиш зарур. Кишлек хўжалик ишлаб чикиришининг 40% ини ўсимликлар ўстириш, 55% ини чорвачилик, 5% ини узумчилик ва мевачилик ташкил этади. Яйлов чорвачилиги Альп ва Субальп вилоятлари ҳамда Каретда кенг таркалган. Ўрмончилик иқтисоднинг фавқулодда муҳим соҳаларидан хисобланади. Хукумат туризм соҳасидаги хусусий тадбиркорликни рағбатлантириб туради. Туризмдан келиб тушадиган даромадлар асосий валюта тушумлари манбаларидан биридир. 2012 йилда ЯИМ миқдори 45 421 млн (ахоли жон бошига – 22 193) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Германия, Италия, Франция, Хорватия, Австрия.

Асосий портлари: Копер, Пиран.

*Тарихи.* М. а. I асрда бу ерлар Рим империяси таркибиغا кирган. Словения худудига славянлар VI асрда кириб келишган. М. а. 628–258 йилларда бу худудлар Само давлати, кейинчалик Карантания таркибиغا кирган. XI–XIII асрларда Словения худудида бир катор феодал князликлар – Штирия, Крайна ва бошкalar вужудга келди. XVI аср бошларидан мамлакатнинг деярли бутун худуди Австрия Габсбурглари томонидан босиб олинган эди. 1809–1813 йилларда Илирия провинциялари сифатида Наполеон давлати таркибиغا кирган. XIX асрнинг 70-йилларida маданий ва миллий автономия шиорлари остидаги миллий-озодлик ҳаракатлари кучайиб борди. 1918 йили Словения Серб, хорват ва словенлар кироллиги таркибиغا кўшилди (1929 йилдан Югославия давлати номини олди). 1941 йилда Югославия Германия, Италия, Венгрия қўшинлари томонидан ишғол килинди. Немис босқинчиларига карши курашга Югославия халқ озодлик армияси отланди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Словения Югославия Федерацияси таркибиغا кирди. Италия билан имзоланган тинчлик шартномасига кўра, словенлар кўпчиликни ташкил қилган худудларнинг барчаси Югославия тасарруфига топширилди. Югославия таркибида Словения кенг маданий ва иқтисодий автономияга эга бўлди. 1980 йилларнинг охиirlарида Словения сиссий раҳбарияти кўппартияйилик асосидаги сайловларни ўтказишга карор килди. 1990 йил апрелда Югославияда биринчи бор кўппартияйилик асосида демократик сайлошлар ўтказилди. 1991 йил 21 августда Словения мустакиллик тўрисидаги декларацияни кабул килди. 1991 йилнинг октяброда тўла мустакил

давлатга айланди. Словения 1992 йил май ойида БМТга аъзо бўлди. Словения ЕИ ва НАТО аъзоси.

## СОЛОМОН ОРОЛЛАРИ

*Расмий номи – Соломон Ороллари. Пойтахти – Хониара. Худуди – 28 370 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 566 500 киши (2012). Давлат тили – инглиз. Сигинчиларнинг асосий қисми христиан динига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – соломон ороллари долари.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Тинч океанинг жануби-тарбий қисмida, Соломон оролларида (Гуадалканал, Нью-Жоржия, Малайта, Санта-Исабель, Санта-Крус ороллари ва бошкалар) жойлашган давлат. Кўпчилик оролларнинг рельефи тоғли: Маржон атолларида текисликлар бор. Асосий табиий ресурслари: балик, ёғоч, олтин, кўргошин, рух, никель, фосфоритлар.

Иклими – узок давом этадиган намлиқ мавсумли ви иссиқ. Оролларнинг катта қисми ноёб дарахт турлари мавжуд бўлган ўрмонлар билан қопланган. Нисбатан куруқ ерларда саванналар, киргок бўйларида мангр ўсимликлари бор. Оролларнинг хайвонот олами бой эмас: халталилар, кўршапалаклар ва кемириувчилар учрайди.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – унитар давлат. Мамлакат 4 та округга бўлинган. Соломон ороллари 1978 йилнинг 7 июляда мустакил давлат бўлган (илгари Буюк Британийнинг протекторати эди). Давлат бошлиги – Британия кироли (кироличаси) бўлиб, унинг номидан генерал-губернатор иш юритади. У мамлакат парламентининг тавсияси билан 5 йил муддатга Соломон ороллари фукаролари томонидан сайланади. Конунчилик Миллий парламент, ижроя ҳокимият бош вазир бошчилигидаги хукumat томонидан амалга оширилади. Сиёсий партиялари: Соломон ороллари лейбористлар партияси, Соломон ороллари либерал партияси, Халқ иттифоқчи партияси Соломон ороллари миллий харакати партияси, Тараккӣпарвар халқ партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Иқтисодининг асосини кишлар хўжалиги, баликчилик ва ўрмончилик (ЯИМнинг 70%) ташкил этади. Асосий экспорт маҳсулотлари – балик, ёғоч, копра (кокос ёнғогининг магзи), пальма ёғи. Саноат маҳсулотларининг катта қисми ва нефть маҳсулотларини четдан келтиради. 2012 йилда ЯИМ миқдори 1039 млн (аҳоли жон бошига – 1786) долларни ташкил этган.

Асосий савдо ҳамкорлари – Япония, Буюк Британия, АҚШ, Тайланд. Темир ўйлари йўқ. Автомобиль йўйларининг умумий узунлиги – 1300 км. Порти – Хониара.

*Тарихи.* Соломон ороллари 1568 йили испан денгизчиси Мендонья де Нейра томонидан кашф килинган. Оролларнинг шимолий қисми 1885 йили Германия

протекторати деб зълон килинган, жанубий кисми эса Буюк Британия мулклари-га күшилди. 1899 йили Германия Бугенвиль ва Бука оролларидан бошка ҳамма оролларни Буюк Британияга берди. Бунинг эвазига инглизлар Германиянинг Фарбий Самоани босиб олиш хуқукини тан олишди. 1914 йили Бугенвиль ва Бука Австралия қўшинлари томонидан босиб олинди ва 1920 йили Австралия бошқаруви остига ўтди. Иккинчи жаҳон урушида оролларнинг бир кисми япон қўшинлари томонидан ишғол килинди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин эса Соломон ороллари яна Британия протекторатига айланди. 1978 йили Соломон оролларининг мустакиллиги зълон килинди ва Британ Ҳамдўстлиги давлатлари сафига кирди. 1998 йили Соломон оролларида бошланган кабилалараро куролли тўқишаувлар 2003 йилда Австралия, Янги Зеландия ва Океания давлатларидан чакирилган ҳарбий ва полиция кучлари томонидан тўхтатилди.

## СОМАЛИ

*Расмий номи – Сомали Республикаси. Пойтахти – Могадишо. Худуди – 637 657 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 9 797 440 киши (2012). Давлат тили – сомали ва араб. Давлат дини – ислам. Пул бирлиги – сомали шиллинги.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Африканинг шаркий кисмida, Сомали яриморолида жойлашган давлат. Фарбда – Эфиопия (чегара узунлиги – 1600 км), жануби-гарбда – Кения (682 км), шимоли-гарбда – Жибути (58 км) билан чегарадош. Курукликдаги чегаралари узунлиги – 2340 км. Шарқ ва жанубда мамлакат Хинд океани, шимолда Аден кўрфази билан туташиб кетган. Сохил бўйлаб чегара узунлиги – 3025 км. Мамлакат рельефи текислик ва шимолда тепаликлардан иборат. Энг баланд нуктаси – Шимбурс тоги (2406 м). Сомалида уран, темир рудаси, боксит, кўргошин, сурма, мис захиралари бор.

Иклими – куруқ ва иссиқ тропик. Сомалининг деярли 90% худуди чалачўллар ва куруқ саванналардан иборат. Бу ерда кўп ယиллик ўтлар, акациялар кўп. Ўрмонларида пальма, 20 метрли фікуслар бор. Саванналарда антилопа, зебра, жирафа ва коплонлар яшайди. Дарё ҳавзаларида филлар, каркидонлар учрайди. Маймунлар кўп. Сомалининг марказий кисмida баландлиги 7 метргача бўлган термит уялари бор.

*Давлат шузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 18 та вилоятга бўлинган. Сомали 1960 йил 1 июлдан мустакил (илгари Буюк Британия мустамлакаси бўлган) давлат хисобланади. Бу сана Миллий байрам – Мустакиллик куни сифатида нишонланади. Давлат бошлиги – президент. Конун чикарувчи ҳокимиятни парламент (Ўтиш миллий мажлиси), ижроня ҳокимиятни бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади. Мамлакатда 15 дан ортиқ урут-кабилачилнк асосида тузилган ҳарбий-сиёсий ташкилотлар

бор. Улардан энг йириклари – Бирлашган Сомали конгресси – харбий сиёсий гурух, Сомали миллий альянси – харбий сиёсий гурух.

**Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.** Дунёнинг энг камбағал давлатларидан бири бўлган Сомалида иқтисодининг мухим сектори кишлоч хўжалиги (ЯИМнинг 40% ва экспортдан келадиган фойданинг таҳминан 65%ини ташкил килади) хисобланади. Кишлоч хўжалигиде асосан чорвачилик билан шуғуланилади. 2010 йилда ЯИМ миқдори 5896 млн (аҳоли жон бошига – 600) долларни ташкил этган. Асосий экспорт киладиган маҳсулоти банаан, бундан ташкири шакарқамиш, жўхори ва маккажӯхори ҳам етиштирилади. Саноати унча катта бўлмаган шакар, тўқимачилик ва нефть корхоналари билан чекланган. XX асрнинг 90-йиллари бошида юритилган бекарор сиёсий ҳолат ишлаб чиқариши ҳажмининг сезилларли даражада камайишига олиб келди. Асосий савдо ҳамкорлари – АҚШ, Италия, Германия, Саудия Арабистони.

Автомобиљ йўлларининг умумий узунлиги – 15 215 км. Мамлакат портлари: Барбара, Могадиши.

**Тарихи.** II–VII асрларда ҳозирги Сомали худудлари эфиопларнинг Аксум давлати таркибиға кирган. VII асрда Сомалига араблар кириб келишди. Улар бу ерда ислом дини ва араб тилини ёйинди, XIX асргача сакланиб турган бир катор сultonникларини тузишди. XIX аср охиirlарида мамлакатни европаликлар томонидан мустамлакалаштириш бошланди. Ҳозирги Сомали худудлари Буюк Британия, Италия ва Франция давлатлари ўтасида бўлиб олинди. Британия Сомалиси 1960 йилнинг 26 июняда мустақилик олди, 1960 йилнинг 1 июляда Италия Сомалисининг мустақилигига эълон килинганидан сўнг эса ягона Сомали давлати тузилди. 1969 йили ҳарбийлар давлат тўтиариши ўтказиб, мамлакат президентини ўлдиришди. 1977 йили Сомали Эфнолияга каршин уруши бошлайди ва мағлубиятта учрайди. Мамлакатда бошланган фуқаролар уруши 1991 йили генерал Барренинг кулашига ва БМТ ҳомийлигидаги ҳарбий интервенциянинг бошланишига олиб келди. Бироқ бу ҳам Сомалидаги урушашётган урургларни ўзаро яраштира олмади. 2000 йил май-август ойларида Жибутининг Арта шахрида Африка ва Европа давлатлари воситачилигига ўтказилган анжуманд Сомалидаги турли урургларнинг вакиллари Ўтиш миллий мажлиси – парламентни сайладилар, шу парламент мамлакатнинг муваккэт президентини сайлади.

## СУДАН

*Расмий номи – Судан Республикаси. Пойтахти – Хартум. Ҳудуди – 2 505 813 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 34 847 900 кини (2013). Давлат тили – араб. Давлат дини – ислом (95%). Пул бирлиги – судан фунти.*

**Географик жойлашуви ва табииати.** Африка китъасининг шимоли-шарқида жойлашган давлат. Шарқда – Эфиопия (чегара узунлиги – 1606 км) ва Эритрея

(605 км) (2221 км), гарбда – Чад Республикаси (1360 км), Марказий Африка Республикаси (1165 км) ва Ливия (383 км), шимолда – Миср (1273 км), жанубда – Конго Демократик Республикаси (628 км), Уганда (435 км) ва Кения (232 км) билан чегара дош. Куруклидаги чегаралари узунлиги – 7687 км. Шарқда Судан Қизил денгиз билан туташиб кетган. Сохил бўйлаб чегара узунлиги – 853 км. Судан Африка давлатлари орасида худуди бўйича энг йириги хисобланади. Уни 3 та физик-географик миңтакага бўлиш мумкин: шимолда Ливия ва Нубия чўллари 30% худудини эгаллаган; марказда Кордофан ва Дарфур текисликлари бор; жанубини кенг боткоклар ва чангальзорлар эгаллаган. Мамлакатнинг энг юкори нуктаси – Кинъети тоғи (3187 м) бўлиб, у Суданнинг жануби-шарқида жойлашган. Мамлакатнинг асосий дарёлари – Нил, Оқ Нил, Мовий Нил. Асосий фойдали казилмалари: нефть, темир рудаси, рух, мис, хром, вольфрам, кумуш. Ҳайдаладиган ерлар мамлакат худудининг 5%, ўтлок ва яловлар 24%, ўрмон ва тўқайзорлар 20% ини эгаллади.

Иклими – иссик ва қуруқ.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 9 та вилоята бўлинган. Судан 1956 йилнинг 1 январида Миср ва Буюк Британиядан мустакилликка эришган. Бу сана Миллий байрам сифатида нишонланади (Мустакиллик куни). Қонунчилик инглиз умумий хукукшунослиги ва ислом хукукшунослигига асосланган. Ижроия ва конун чиқарувчи ҳокимият президент (давлат ва хукumat бошлиги) ва Миллий ассамблеянинг қўлида тўплланган. Сиёсий партиялари: Ал-Умма («Миллат») партияси, Бирлашган демократик партия, Миллий конгресс партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Судан қолоқ алар мамлакат. Ялпи ички маҳсулотида қишлоқ ҳўжалигининг улуши – 46,3%, саноатнинг улуши – 22,8%, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши – 30,8% ни ташкил этади. Иқтисодида давлат сектори устунлик қиласди. Ҳусусий секторнинг асосини кипчлок ҳўжалиги ва савдо ташкил қиласди. Иқтисодининг асосий сектори бўлган қишлоқ ҳўжалиги (ЯИМнинг 35%)да ишга ярокли аҳолининг 80% и банд (экспортнинг ярмидан кўпроги пахта). Ишлаб чиқариш асосан қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини кайта ишлаш билан боғлиқ. XXI аср бошларида Судан аҳоли даромадининг кўрсаткичлари бўйича дунёда охириги ўринлардан бирини эгаллади. 2012 йилда ЯИМ миқдори 51 583 млн (аҳоли жон бошига – 1789) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари – Гарбий Европа мамлакатлари, Саудия Арабистони, АҚШ, Япония, Шарқий Европа мамлакатлари.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 5516 км, автомобиль йўлларининг умумий узунлиги – 20 703 км, ички сув йўллари – 5310 км. Мамлакатнинг асосий порти – Порт-Судан.

*Тарихи.* М. а. 3 минг йилликда ҳозирги Судан худудида Нубия цивилизацияси шаклланган бўлиб, кадимги Миср тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Нубия

шохлиги Миср цивилизацияси билан муносабатларини узганидан сўнг, м. а. 350 йили Эфиопия шохи томонидан босиб олинди. VI асрга келиб ҳозирги Судан худудида бир нечта христиан давлатлари шаклланди. Бирок улар VI асрда кора ташли мусулмонлар томонидан бўйсундирилиб, Сеннар сultonлигини тушибди, бу вактда мамлакат гарбida Дарфур сultonлиги ҳам тузиленган эди. XVIII аср охиirlарида ушбу мусулмон давлатларининг заифлашганлигидан фойдаланиб, 1820 йили Миср Суданини босиб олди. XIX асрнинг 60-йилларида Суданда Мисрнинг босиб олиниши билан Буюк Британиянинг таъсири қучал бошлади. 1951 йилнинг октябррида Миср кироли Фаррух Британия билан келишувни бузиб, ўзини Суданинг кироли деб ёзлон килди. 1956 йил Судан мустакилликка эришибди. Судан мустакилликка эришганидан сўнг бир нечта давлат тўнтишишларини ўз бошидан кечирди. Улардан бири 1971 йили содир бўлиб, унинг натижасида генерал Нимейра ҳокимият тепасига келди. Нимейра тез-тез содир бўлиб турадиган курғокчилик ва очлик туфайли мамлакатни инкиrozдан олиб чиқа олмади. Фукаролар уруши 1985 йилда Нимейра ҳукуматининг кулашига олиб келди. 1986 йили эса мамлакатда демократик сайловлар бўлиб ўтди. Янги тузиленган ҳукумат ҳам 1989 йили генерал Ал-Башир томонидан ағдарилиди. Шундан сўнг фукаролар уруши яна бутун мамлакатни камраб олди. 1999 йил 1 январдан сиёсий партиялар фаолиятига рухсат берилди. 2000 йил 13–22 декабрда президент ва парламент сайловлари ўтказилди. Жанублик исенчилар ва ҳукумат ўртасидаги қуролли тўқнашувлар 2011 йилда Жанубий Судани мустакил давлатга айланшига олиб келди.

## СУРИНАМ

*Расмий номи – Суринам Республикаси. Пойтахти – Парамарибо. Худуди – 163 820 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 534 200 киши (2012). Давлат тили – нидерланд. Сигинувчиларнинг асосий қисми ҳиндуйлик (27%), христиан динининг протестант (25%) ва католик (23%) мазҳаблари ҳамда ислам (20%) динига эътиқод қиласиди. Дул бирлиги – суринам гульдени.*

*Географик жойлашиуви ва табииати. Жанубий Американинг шимоли-шарқида жойлашган давлат. Жанубда – Бразилия (чегара узунлиги – 593 км), гарбда – Гайана (600 км), шарқда – Француз Гвианаси (510 км) билан чегарадош. Курукликтаги чегаралари узунлиги – 1703 км. Шимолда Суринам Атлантика океани билан туташиб кетган. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 386 км. Мамлакатнинг катта кисми баландлиги 1280 м гача (Вильгельминиа тоги) бўлган Гвиан ясситоглигининг шимоли-шарқида жойлашган худуди асосан тепалик-Марони, Корантейн. Асосий табиий ресурслари: боксит, темир рудаси, ёғоч, балиқ, майда қисқичбакалар (креветкалар).*

Иклими – субэкваториал иссик. Дараҳтларнинг ноёб турлари мавжуд бўлган доимий яшил ўрмонлар Суринам худудининг 90%ини эгаллади. Шимолда саванналар бор. Мамлакат фаунаси тропик сельvasига хос.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 10 та округга бўлинган. Суринам 1975 йилнинг 25 нояброда Нидерландиядан мустакилликка эришган (илгари Нидерланд Гвианаси бўлган). Миллий байрамлари: 25 февраль – Озодлик ва янгиланиш куни (1980), 25 ноябр – Мустакиллик эълон килинган кун (1975). Ижроия ҳокимият президент (давлат бошлиги) ва вице-президентта (унинг ўзи бош вазир) тегишли. Конун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент – Миллий ассамблей томонидан амалга оширилади.

Сиёсий партиялари: Суринам миллий партияси, Миллий бирлик ва бирдамлик учун партия, Илгор ислохотлар партияси, Миллий демократик партия, Янгилсан тараккийпарвар партия.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Суринам иқтисоди 1982 йили Голландия молиявий ёрдам беришини тўхтатганидан сўнг, оғир кийинчиликларни бошдан кечириди. Шунингдек, сиёсий бескарорлик хам саноат тараккитига ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Саноатининг етакчи тармоклари: алюминий ишлаб чиқариш (умумий экспорт хажмининг 70%), боксит қазиб олиш, ёгочни қайта ишлаш. Кишлөк хўжалигига (ЯИМнинг 11%) асосий етиштириладиган экин шоли (кишлөк хўжалик маҳсулотларининг 60%) хисобланади. 2012 йилда ЯИМ микдори 5094 млн (ахоли жон бошига – 8686) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари – Норвегия, Нидерландия, АҚШ, Германия, Бразилия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 166 км, автомобиль йўллари – 8300 км, ички сув йўллари эса 1200 км. Асосий порти – Парамарибо.

*Тарихи.* Хиндуларнинг аравак, варау ва кариб қабилалари истиқомат килиб келган ҳозирги Суринам худудлари илгари инглизларга тегишли бўлган, 1667 йили эса Голландияга берилган. 1954 йили муҳтор провинция мақомини олган Суринам, 1975 йилнинг 25 нояброда мустакил республика бўлди. 1980 йилги ҳарбий тўнтариши оқибатида мамлакатда ҳокимият ҳарбийлар кўлига ўтди. 1988 йили ҳарбийлар ҳукуматни фуқаролик ҳукуматига топширганидан сўнг, демократияга кайтиш бошланди ва мамлакатда эркин президент сайловлари бўлиб ўтди.

## СУРНИЯ

*Расмий номи – Суря Араб Республикаси. Пойтахти – Дамашқ. Ҳудуди – 185 200 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 21 117 600 киши (2012). Давлат тили – араб. Сигинувчиларнинг асосий қисми ислом динига эътиқод қиласади. Пул бирлиги – суря фунти.*

*Географик жойлашыви ва табиати.* Сурия Жануби-Гарбий Осиёда жойлашган давлат. Шимолда – Туркия (чегара узунлиги – 822 км), шарқда – Ирек (605 км), жанубда – Иордания (375 км) ва Исронаил (76 км), гарбда – Ливан билан (375 км) чегарадош. Күрүкликдаги чегаралари узунлиги – 2253 км. Мамлакат худудининг асосий кисмими текисликлар эгаллаган. Жанубда Сурия чүллари жойлашган. Гарбда Сурия Ўрта Ер дengизи билан туташиб кеттан.

Мамлакатнинг гарбий кисмида Анкория ва Антиливан тоф тизмалари жойлашган. Суриянинг энг баланд чўккиси – Херман (2814 м) ҳам шу ерда жойлашган. Асосий дарёлари: Фрот ва Ал-Аси. Мамлакат нефть, фосфат, марганец конларига бой. Худудининг 28% ида дехкончилик килинса, 46% и яловлардан иборат.

Сурия иклими анча илиқ бўлиб, Ўрта Ер дengизи соҳилларининг бошка худудлардаги иклимдан кескин фарқ қиласди.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 14 та маъмурий худуд (мухофаза)га бўлинган. Давлат ва ижроия хокимият раҳбари – президент. Олий қонун чиқарувчи органи бир палатали парламент – Ҳалқ кенгаси. Сиёсий партиялари: Араб социалистик уйгониш партияси (БААС), Сурия коммунистик партияси, СААР тараккийпарвар миллий фронти (8 партияни бирлаштирган).

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* 1991 йили бўлиб ўттан Ирек – Кувайт урушидан сўнг Сурия давлати араб ва Гарбий Европа мамлакатларидан катта микдорда молиявий ёрдам олди. Бу маблаг мамлакатнинг ташки карзларини тўлашга ва нефтни кафта ишлаш саноатини ривожлантиришга ёрдам берди. Нефть ва фосфорит казиб олиш Сурия саноатининг асосини ташкил этади. Кишлoқ хўжалиги умуммиллий маҳсулотнинг 30%ини етиштиради. 2010 йилда ЯИМ микдори 105 224 млн (аҳоли жон бошига – 5108) долларни ташкил этган. Асосий экинлар: пахта, бугдой, арпа. Сурия ўз ахолисини озик-овкат маҳсулотлари билан таъминлай олмайди. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕИ давлатлари.

Темир йўллари узунлиги – 1998 км. Автомобиль йўллари – 31 569 км. Асосий портлари – Тартус ва Банияс.

*Тарихи.* Бутунги Сурия худудлари тарихнинг турли даврларида турли хил давлатлар таркибига кирган. М. а. XIX асрда Қадимги Миср, м. а. XIV асрда Хетт подшолиги, м. а. XII асрда яхудийлар томонидан ишғол килинган. М. а. VII–VI асрларда бу худудлар оссуряликлар томонидан эгалланган. М. а. 539 йилда форслар, м. а. 333 йилда Александр Македонский империяси таркибига кирди. М. а. III асрда салавийлар сулоласи Сурия подшолигига асос солди. М. а. 64 йилдан бу подшолик Рим империяси таркибига киритилди. 636 йилдан бу худудлар араблар томонидан босиб олинди. Кейин Сурия салибичлар тоғонидан ташкил этилган Куддус подшолиги таркибига кирди. 1516 йилдан

1920 йилгача Суря Усмонийлар империясининг таркибий кисми бўлиб қолди. 1920 йили Франция Сурияни бошкариш ҳукукини олди. 1941 йил сентябрда Суря ўз мустакилликни эълон килган бўлса-да, амалда 1946 йилнинг 17 апрелида тўла мустакилликка эришди. Суря 1948 йилги араб-исроил урушида иштирок этди. 1958 йил 22 февралда Суря ва Миср ягона Бирлашган Араб Республикасига бирлашди. 1961 йили Дамашқда бир гурух офицерлар давлат тұнтарышини амалга оширишди ва Суря яна мустакиллик эълон килди. 1973 йили Суря бошка араб давлатлари каторида Исройлга карши урушга кирди. 1980–1988 йиллардаги эрон-ирок урушида Эронга ёрдам берди. 2011 йил марта тида Яқин Шарқдаги воқеалар Сурияга хам ўз таъсирини ўтказди.

## СЬЕРРА-ЛЕОНЕ

*Расмий номи – Сьерра-Леоне Республикаси. Пойтахти – Фритаун. Худуди – 72 300 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 6 126 400 киши (2012). Давлат тили – инглиз. Сигинувчилар ислам (60%), мажсусийлик (30%) ва христиан (10%) динларига эътиқод қилади. Пул бирлиги – леоне.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Африка китъасининг ғарбий кисмидаги жойлашган давлат. Шимол ва шарқида – Гвinea (чегара узунлиги – 652 км), жануби-шарқида – Либерия (306 км) билан чегара дош. Курукликтаги чегаралар иле узунлиги – 958 км. Ғарб ва жануби-ғарбда мамлакат Атлантика океани билан туташиб кетган. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 402 км. Мамлакат худудининг катта кисми Леон-Либерия тепалитига жойлашган. Энг баланд нуқтаси – 1948 м. Ғарб ва жанубда киргокбўйи мангр ботқоқликлари бор. Табиий ресурсларидан иисбатан муҳимлари – олмос, боксит, титан рудаси, темир рудаси, олтин. Ишлов бериладиган срлар умумий худудининг 25%, ўтлөк ва яйловлар 31%, ўрмон ва тўқайзорлар 29% ини эгаллади.

Иклими – экваториал нам. Сьерра-Леоне худудларининг тахминан ярмини саваниналар ташкил қиласи, шарқида тоғлар ва жанубида экваториал ўрмонлари бор. Ўрмонларда жуда кўп маймун (шимпанзе, бабуинлар, макака), қоплон, гиена, антилопа, зебралар бор, бегемотларнинг митти турлари сакланниб қолган. Шунингдек, ноёб денгиз хайвони – ламантин ҳам учрайди.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузуми – унитар республика. Мамлакат таркибида Ғарбий вилоят ва 3 та провинция (Шарқий, Шимолий, Жанубий) бор. Сьерра-Леоне 1961 йилнинг 27 апрелида мустакилликка эришган (илгари Буюк Британияниң протекторати бўлган). Бу кун Миллий байрам (Республика куни) сифатига нишонланади. Қонунчилик инглиз ҳукукшунослиги ва маҳаллий кабилаларнинг урф-одат ва анъаналарига асосланган. Бутун хокимият Муваккат Миллий Бошкарув Кенгашига тегишли. Мамлакат парла-

менти (Депутатлар палатаси) 1992 йилнинг 29 апрелида содир бўлган давлат тўнтиришидан сўнг тарқатиб юборилган. Сиёсий партиялари: Умумхалқ конгресси, Халқ демократик партияси, Бирлашган инкилобий фронт, Миллий бирлик партияси, Тинчлик ва бирлик партияси.

**Иқтисоди, транспортни коммуникациялари.** Мамлакат иқтисодида кишлек хўжалиги илфор тармок ҳисобланади (ЯИМнинг 1/3 кисмини ташкил қиласди). Асосий экспорт киладиган маҳсулотлари – қаҳва ва какао. ЯИМнинг 10% ини ташкил киладиган саноат (олмос, боксит, рутил) ва кишлек хўжалик маҳсулотларини кайта ишлаш билан чекланган. 2012 йилда ЯИМ микдори 3824 млн (аҳоли жон бошига – 613) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари – АҚШ, Буюк Британия, Бельгия, Германия, Япония, Хитой, Нигерия.

Автомобилий йўлларининг умумий узунлиги – 7400 км (шунданд 1150 км тош ётказилган йўллар), ички сув йўллари – 800 км. Асосий портлари – Бонте, Пепел, Фритаун.

**Тарихи.** 1460 йили португаллар томонидан очилган ҳозирги Сьерра-Леоне худудлари узоқ вақт давомида Фарбий Африканинг кул савдоси марказларидан бири булиб келди. 1787 йили Америкада озодликка эришган собиқ куллар Сьерра-Леоне қирғокларида инглизлар ёрдамида ўз тураржойларига асос солдилар. 1808 йили Буюк Британия мустамлакасига айлантирилган бу мамлакат 1961 йили Британ Ҳамдустлиги доирасида мухториятта эришди. 1971 йилги давлат тўнтириши натижасида Сьерра-Леоне мустакил давлат деб зълон килинди. 1992 йили навбатдаги давлат тўнтириши ўтказилди ва ҳокимиятта харбийлар келишиди. Улар парламентни тарқатиб юборишиди ва сиёсий партиялар фаолиятини тақиқлаб кўйишиди.

## ТАЙЛАНД

**Расмий номи – Тайланд Кироллиги. Пойтахти – Бангкок. Ҳудуди – 513 115 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 65 479 400 киши (2010). Давлат тили – тай. Давлат дини – буддийлик. Пул бирлиги – бат.**

**Географик жойлашиши ва табииати.** Жануби-Шаркий Осиёдаги давлат. Шимол ва гарбда Тайланд – Мьянма (чегара узунлиги – 1800 км), шимоли-шарқда – Лаос (1754 км), жануби-шарқда – Камбоджа (803 км), жанубда – Малайзия (506 км) билан чегарадош. Куруклидаги чегаралари узунлиги – 4863 км. Мамлакатнинг жануби-гарбida – Андаман денгизи, жануби-шарқida эса Сиам қўлтиги жойлашган. Соҳиҳ бўйлаб чегара узунлиги – 3219 км. Мамлакат худудининг ярми пасттексисликлардан иборат. Улардан энг йириги Менам паст тепалиги булиб, у мамлакатнинг асосий дарёси Менам-Чао-Прая ҳавзасида жойлашган. Мамлакатнинг шаркий кисмини Корат ясситоглиги эгаллайди. Тайланднинг шимолий ва гарбий кисми тоғлар билан ўралган. Асосий топ тизмаси – Танентаунжи. Энг

баланд чўққиси – Интханон (2595 м). Асосий табиий бойликлари: табиий газ, қалайи, каучук, вольфрам, кўргошин, ёғоч, балик. Ҳайдаладиган ерлар мамлакат худудининг 34%, ўрмон ва яйловлар 30% ини ташкил қиласди.

Иқлими – тропик. Тайланднинг ўсимлик дунёси тропик флорага хос бўлиб, ўсимликларнинг 10 000 га яқин тури мавжуд. Ўрмонларда янг, такъян, турли хил пальмалар, терокарпус бамбуги ўсади. Ҳиндистон фили, йўлбарс, қоплон, бенгал мушуги, химолай айиги, Ҳиндистон бўрсиги, кийикларнинг бир неча тури, 70 турга яқин илон, күшхўр ўргимчак, 600 га яқин капалак, турли ҳашаротлар ҳайвонот дунёсини ташкил этади.

*Давлат музилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – конституциявий монархия. Мамлакат таркибига 73 та провинция (чангват) киради. Мустакил Тайланд давлати 1238 йилда тузилган. Қиролнинг туғилган куни миллий байрам хисобланади. Давлат бошлиғи – кирол. Ижро этувчи ҳокимият бош вазир бошлигидаги ҳукуматта тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият Сенат (юкори палата) ва Вакиллар палатаси (куйи палата)дан иборат Миллий ассамблея томонидан амалга оширилади. Сиёсий партиялари: Демократик партия (Прачатипат), Халқ партияси (Ратсадон), Мъянавий куч партияси (Паланг там), Миллий тараққиёт партияси (Чат паттана), Янги умид партияси (Ванг май), Бирдамлик партияси (Еккапал), Адолат ва озодлик партияси (Серитхам), Тай миллий партияси (Чат тай).

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Тайланд ривожланган аграр-индустрiali мамлакат. Ялпи ички маҳсулотида кишлок, ўрмон ҳўжалиги ва баликлийликнинг улуши – 12%, саноатнинг улуши – 39%, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши – 49%ни ташкил этади. Жадал ривожланётган туризм мамлакатнинг асосий валюта манбаларидан бири хисобланади. Саноатнинг тўқимачилик, заргарлик, электроника, қазиб олиш (Тайланд вольфрам ишлаб чиқариш бўйича иккинчи, қалайи ишлаб чиқариш бўйича дунёда учинчи ўринни эгаллайди), кишлок ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳалари ривожланган. Кишлок ҳўжалигига меҳнатга яроқли аҳолининг 60% и банд. Тайланд дунёда шоли ва каучукнинг асосий ишлаб чиқарувчиси ва экспортчиси хисобланади. 2012 йилда ЯИМ миқдори 376 089 млн (аҳоли жон бошига – 5678) долларни ташкил этган. Асосий савдо шериклари: АҚШ, Япония, Сингапур, Гонконг, Германия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 3940 км, автомобиль йўллари – 44 534 км, ички сув йўллари – 4000 км. Асосий портлари: Бангкок, Саттахип, Паттони, Пхукет.

*Тарихи.* I асрда ҳозирги Тайланд худудининг жанубида Мон қироллиги вуҷуда келади ва VI–VII асрларда қудратли давлатга айланади. IX асрда мамлакат худудида кхмерлар империяси ҳукмронлиги ўрнатилади. VIII асрда ҳозирги Хитойнинг жанубий кисмида ўз давлатларига асос солган тай кабилалари XIII

асрда Менам дарёси бүйлаб жанубга силжишида ва 1220 йилда Сиам қироллигини ташкил этишади. Сиам қироллиги 1569–1584 ҳамда 1767–1782 йилларда Бирмага карам бўлган. 1782 йилда таҳтга хозирги кунгача хукмронлик килаётган рама сулоласи ўтиради. Инглиз ва француздар мустамлакалари билан ўралган Сиам мустамлакага айланишдан кутулиб қолади ва XIX аср ўрталарида Буюк Британия ҳамда Франция билан ўзаро манфаатли битимлар имзолайди. 1932 йилда янги конституция кабул килинади. Конституцияга кўра парламент тузилиб, давлат бошқаруви конституцион монархияга айлантирилди. 1939 йилдан бошлаб давлат Тайланд деб аталади. (1939 йилгача ва 1945–1948 йилларда – Сиам). Иккинчи жаҳон урушига Тайланд Япония тарафида катнашди. Лекин 1944 йилда ўзининг ташки сиёсатини ўзгартириб, АҚШнинг иттифоқчисига айланади. 1976 йилнинг оқтабрида ҳарбий хунта ҳокимииятни эгаллаб, парламентни тарқатиб юборади ва янги конституцияни кабул киласди. Кўшни Камбоджанинг Вьетнам кўшиллари томонидан оккупация килиниши Тайланд ҳукуматига иккита йирик муаммони келтириб чиқарди: камбоджалик эмигрантларнинг оммавий ҳокими ва Вьетнам билан чегарадаги ҳарбий тўқнашувлар. 1980 йилда ҳокимииятга фукаролар ҳукумати кайтади, лекин навбатдаги давлат тўнтиариши (1932 йилдан бери 16-си) дан сўнг ҳокимииятга яна ҳарбийлар келади. 1991 йилги давлат тўнтиаришидан кейин Жамоат тартибини саклаш миллий кенгаши ҳокимииятга келди.

## ТАЙВАНЬ

*Расмий номи – Тайвань (Хитой Республикаси). Маъмурӣ маркази – Тайбэй. Ҳудуди – 36 002 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 23 282 670 киши (2012). Давлат тили – хитой (мандарин). Сигинувчиларнинг асосий қисми буддавийлик (45%), конфуцийийлик ва даосийлик (33%) уйгунашган динларига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – янги тайвань доллари.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Шаркий Осиёда, Тайвань оролида жойлашган давлат. Соҳиб бўйлаб чегара узунлиги – 1448 км. Оролнинг шаркий соҳиллари – Тинч океани, шимоли – Шаркий Хитой денгизи, жануби – Жанубий Хитой денгизи билан тулашиб кеттан. Материкдан оролни Тайвань бўғози ажратиб туради. Тайванинг шимолидан жанубига қадар Тайваншань тоги жойлашган. Энг юкори чўккиси Юишань (3997 м). Оролнинг ғарбий қисми текислик, шаркий қисми эса қир-адирлардан иборат. Асосий дарёлари – Чжошуйси, Доншуйхе. Оролда унчалик катта бўлмаган нефть, табиий газ, кўмир конлари бор. Ишлов бериладиган ерлар 24% ни ташкил этади.

Иклими – муссон. Мамлакатнинг флораси ҳилма-хил бўлиб, 3800 га якин ўсимлик турлари мавжуд. 2000 м гача бўлган баландликда тропик ва субтропик ўрмоилар, 2000 м дан юкорида баргли ва игнабаргли дарахтлар ўсади. Ҳайвоноти

олами вакилларидан олмахон, кийик, Формоза кора айиги, түнгиз каби 60 га якин сут эмизувчилар учрайди. Судралувчилар ва хашаротлар кўп.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Тайваннинг Хитойдан мустакил эквалигини жаҳон ҳамжамияти тан олмаган. Сиёсий партиялари: Гоминьдан, Демократик прогрессив партия, Янги партия, Ишчи партияси, Социал-демократик партия.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Тайвань иқтисоди баркарор тараккӣёт билан тавсифланади. XX–XXI аср чегараларида ЯИМнинг йиллик ўсиши ўртача 9% ни ташкил этган. Саноатининг ривожланган тармоқлари: электроника, кимё, тұқымачылық, озик-овкат, кемасозлик, нефть саноати. Қишлоқ хўжалигининг (ЯИМ – 4%) асосий экинлари: шоли, мевалар, чой. Чорвачилик ва балиқ овлаш ривожланган. Ташки савдо бўйича Тайвань ҳозирги кунда дунёда 13 ўринни эгаллайди. 2012 йилда ЯИМ миқдори 466 054 млн (ахоли жон бошига – 20 328) долларни ташкил этган. Асосий савдо шериклари: АҚШ, Гонконг, Япония, ЕИ давлатлари.

Темир йўлларининг узумий узунлиги – 1600 км, автомобиль йўллари – 20 041 км. Портлари: Гаосюн, Сзилун, Хуалянь.

*Тарихи.* XIII асрда Тайванга кириб кела бошлаган хитойликлар (хан злати) секин-аста келиб чикиши малайяликлардан бўлган маҳаллий аҳоли билан чатишиб кетади. Тайвань 1590 йилда португаллар томонидан эгалланади. Португаллар оролга Формоза («ажойиб») деб ном беришади. 1662–1682 йилларда Тайвань голландларга карам бўлган. 1683 йили эса орол Хитой империяси таркибига кирган. 1895 йилда оролни Япония босиб олган ва 1945 йилгача орол японларга карам бўлган. 1949 йилги Хитой инқилобидан сўнг Чан Кайши бошлиқ ҳукумат оролга кочади ва Чан Кайши умрининг охиригача (1975) Тайвань республикаси президенти бўлади. 1955 йилда Тайвань АҚШ билан ўзаро хавфсизлик тўгрисида шартнома имзолайди. XXI аср бошларида Тайваннинг сиёсий макоми тўгрисидаги масала ўз ечимини тўлиқ топгани йўқ.

## ТАНЗАНИЯ

*Расмий номи – Танзания Бирлашган Республикаси. Пойтахти – Додома. Ҳудуди – 945 050 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 47 656 300 киши (2012). Давлат тили – инглиз ва суахили. Сигинувчилар ислам, християн ва маҳаллий динларларга эътиқод қиласади. Пул бирлиги – танзания шилдинги.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Африканинг шарқий кисмидаги давлат. Шимолда – Кения (чегара узунлиги – 769 км) ва Уганда (396 км), жанубда – Мозамбик (756 км), Малави (475 км) ва Замбия (338 км), гарбда – Бурунди (451 км) ва Руанда (217 км) билан чегарадош. Гарбда Танганьика кўли Тан-

занияни Конго Демократик Республикасидан (459 км) ажратиб туради. Куруклидаги чегаралари узунлиги – 3861 км. Мамлакатнинг шарқида эса Хинд океани жойлашган. Сохил бўйлаб чегара узунлиги – 1424 км. Сохилбўй текисликлардан иборат Мамлакат худудининг асосий кисмини дengiz сатҳидан ўртacha 1200 м баланд бўлган яситоғлик ташкил килади. Шимоли-шарқ ва жанубигарбда кичик тоғлар бор. Африканинг энг баланд чўккиси – Килиманжаро вулкони (5895 м) Кения билан чегарада жойлашган. Африканинг энг йирик учта кўллари – Танганьика, Виктория, Нъяса кисман Танзанияга тегишли. Қазилма бойликларидан қалайи, темир рудаси, кўмир, фосфорит, олмос, олтин бор. Мамлакат худудининг 5% ишлов бериладиган ерлар, 17% ўрмон ва тўйайлар, ўтлок ва яйловлар 40% ини ташкил этади.

Иклими – экваториал муссон. Ўсимлик дунёсининг асосини саванна ўсимликлари ва ўрмонлар ташкил этади. Ҳайвонлардан жирафа, ок каркидои, фил, зебра, антилопалар ва турли маймунлар учрайди.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат таркибига 25 та вилоят (20 таси материқида, 5 таси оролларда) киради. Танганьика мустакилликка 1961 йилнинг 9 декабрида эришди. 1963 йилнинг 19 декабряда эса Занзибар мустакилликка эришади. 1964 йилнинг 26 апрелида Танганьика Занзибар билан бирлашади. 1964 йилнинг 29 октябридан бу давлат Танзания Бирлашган Республикаси деб атала бошлайди. Миллий байрамлари: 9 декабрь – Мустакиллик эълон килинган кун (1961), 26 апрель – Иттифок куни (1964). Ижро этувчи ҳокимият президент (давлат бошлиги) ва бош вазирга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият президент ва Миллий мажлис (парламент) томонидан амалга оширилади. Сиёсий партиялари: Қайта тиклаш ва тараккӣёт учун миллий конвенция, Бирлашган фуқаролар фронти партияси, Инқилобий партия (Чама Ча Мапиндузи).

*Иқтисоди, транспорт каммуникациялари.* Танзания аграр мамлакат (ЯИМ – 58%). Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари (асосан қаҳва, чой, пахта, сизаль, кешью, тамаки, чиннингул) экспортининг 85% ини ташкил этади. Саноати қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, олмос ва нефть казиб олиш ҳамда нефтни қайта ишлаш билан чегараланганди. 2012 йилда ЯИМ миқдори 27978 млн (аҳоли жон бошига – 599) долларни ташкил эттанди. Асосий савдо шериклари: Германия, Буюк Британия, АҚШ, Япония, Италия.

Темир йўлларининг узумий узунлиги – 3555 км, автомобиль йўллари – 81 900 км. Портлари: Доруссалом, Мтвара, Иангва ва Занзибар, Мвенда ва Кигома.

*Тарихи.* Танганьика соҳиллари ва унга яқин оролларда (Занзибар) VII–VIII асрларда ё араблар ўрнашган эди. 1505 йилда бу худудларга португаллар кириб келади, аммо XVII аср охиirlарида улар ўз позицияларини бой беришади. XVIII асрда Занзибар Уммон сultonларига қарам бўлади. Уммон сultonлари 1832 йилда ўз кароргоҳларини Занзибарга кўчиришади. 1856 йилда мустакил

Занзибар султонлиги ташкил топади. 1890 йилда султонлик Британия протекторати деб эълон килинади. Мамлакатнинг банту қабилалари истикомат киладиган марказий вилоятларини мустамлакага айлантириш XIX асрда инглизлар ва немислар томонидан бошланади. 1885 йилда Танганьика худудида Германия Шаркий Африкаси компаниясига асос солиниб, 1891 йилда бу худудлар Германия мустамлакасига айлантирилади. 1920 йилда Миллатлар Лигаси Танганьикани бошқариш мандатини Буюк Британияга топширди. 1947 йилда бу ерлар БМТ ҳомийлигидаги худудлар макомини олади. Танганьика (1961) ва Занзибар (1963) мустақилликка эришгандан сўнг 1964 йилнинг апрелида ягона давлат – Танзания ташкил топади.

## ТЁРКС ВА КАЙКОС ОРОЛЛАРИ

*Расмий номи – Тёркс ва Кайкос (Буюк Британия мулки). Маъмурий маркази – Коберн-Таун. Худуди – 430 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 39 800 киши (2012). Давлат тили – инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг протестант мазҳабига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – АҚШ доллари.*

*Географик жоёлашуви ва табиати.* Атлантика океанида, Багама ороллари архипелагининг жануби-шаркий қисмida, Шимолий ва Жанубий Америка ўртасида жойлашган, 30 та оролдан иборат (шулардан 8 тасида одам яшайди). Ороллар маржонли оҳактошлар билан копланган, коялар билан ўралган. Тёркс ва Кайкос оролларини Тёркс-Айленд кўлтиғи ажратиб туради.

Иклими – тропик, пассатли. Оролларда мангрзорлар, карагайли ўрмонлар бор. Тұтикуш, колибри ва бошқа турдаги күшлар яшайди, хашаротлар кўп.

*Давлат тизимиши ва сиёсий партиялари.* Давлат тизимиши – Буюк Британиянинг денгизорти ҳудуди. Мулкни Буюк Британия кироличаси томонидан таиниланадиган губернатор бошкаради. Маъмурий-худудий жиҳатдан бўлинмаган. Сиёсий партиялари: Халқ демократик ҳаракати, Миллий тараккиёт партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Курилиш материаллари ишлаб чиқарадиган, балик консерва маҳсулотлар тайёрлайдиган корхоналар бор. Маккажӯҳори, мева-сабзавотлар, агава етиширилади. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Буюк Британия, Ямайка.

2010 йилда ЯИМ миқдори 216 млн (аҳоли жон бошига – 6545) долларни ташкил этган. Асосий портлари: Кокберн-Таун, Провиденсьялес, Сол-Кей, Кокберн-Харбор.

*Тарихи.* Ороллар 1512 йилда испанлар томонидан кашф этилган, аммо бу ерда одам яшамаган. XVII асрда бу ерга Бермуда оролларидан мустамлакачилар келиб жойлаша бошлаган. 1766 йилда ороллар Буюк Британия тасарруфига ўтган, лекин 1873 йилдан 1962 йилгача Ямайка таркибида бўлган. 1959 йилда

ички ўз-ўзини бошқариш хукуқига эга бўлди. 1979 йили маҳаллий хукумат валиллари Лондон билан мустақиллик берилиши тўғрисида келишув имзоладилар. Бирок, 1982 йилги сайловлардан сўнг ҳокимиятга келган хукуматнинг янги таркиби мустақилликни рад этиш ва Буюк Британиянинг дengизорти мулки мақомини сақлаб қолишга қарор қилишди.

## ТОГО

*Расмий номи – Того Республикаси. Пойтахти – Ломе. Ҳудуди – 56 785 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 5 753 300 киши (2010). Давлат тили – француз. Сигинувчилар маҳаллий динглар (50%), христиан (35%) ва ислом (15%) дингларига эътиқод қиласиди. Пул бирлиги – африка франки.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Африканинг гарбидаги жойлашган давлат. Фарбда – Гана (чегара узунлиги – 877 км), шарқда – Бенин (644 км), шимолда – Буркина-Фасо (126 км) билан чегарадош. Куруклиқдаги чегаралари узунлиги – 1647 км. Жанубда мамлакат соҳиллари Гвинея кўрфази билан туашган. Соҳилининг узунлиги – 56 км. Соҳил бўйлари пасттексликтан иборат. Мамлакат шимолида кичик тепаликлари мавжуд саванналар жойлашган. Марказий кисм кир-адирилардан иборат. Энг баланд нуқтаси жанубда Того тогидаги баландлиги 986 м бўлган Бауман чўккисидир. Асосий дарёси – Моно. Табиий бойликлари: фосфорит, мармар. Ишлов бериладиган срлар ҳудуднинг 25%ини, колган ҳудудларини ўрмон ва тўқайлар ташкил этади.

Иклими – субэкваторијал. Мамлакатнинг жанубий кисмida кокос пальмалари билан баобаблар ўсади. Марказий ва шимолий кисмларда саванна ўсимликлари билан копланган. Ҳайвонот олами қоплон, фил, бегемот, арслон, антилопа, тимсоҳ ва маймунлардан иборат.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Того 1960 йилнинг 27 апрелида мустақилликка эришади (аввал Франция мустамлакаси). Миллий байрами – 27 апрель (мустақиллик куни). Ижро этувчи ҳокимият президент (давлат бошлиги) ва Вазирлар кенгашини бошқарадиган бош вазирга тегишили. Сиёсий партиялари: Того ҳалки бирлашмаси партияси, Янгиланиш учун ҳаракат қўмитаси партияси, Адолат ва демократия йўлидаги иттифоқ партияси, Демократия ва тараккиётни кўллаб-куватлаш бирлашмаси партияси, Янги кучларни мувофиқлаштириш партияси.

*Иқтисоди, транспорти коммуникациялари.* Иқтисодининг асосий сектори – кишлоқ хўжалиги (ЯИМ – 35%). Кишлоқ хўжалигида меҳнатга лаёқатли аҳолининг 78% и банд. Экспорт умумий ҳажмининг тахминан учдан бир кисми какао, каҳва, пахтага тўғри келади. Саноатнинг асосий тармоғи – фосфоритларни казиб олиш (экспортнинг 40%). 2012 йилда ЯИМ микдори 3624 млн (аҳоли жон бошига – 585) ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕИ, Африка давлатлари, АҚШ, Япония.

Темир йўлларининг умумий узунилиги – 515 км, автомобиль йўлари – 6462 км. Порти – Ломе.

**Тарихи.** Ҳозирги Тогонинг соҳилбўйи худудлари португалилар томонидан XVI асрда кашф этилган. XVIII асрда бу худуд Фарбий Африка кул савдосининг асосий марказларидан бирига айланади. 1884 йилда Того Германиянинг протекторати деб эълон килинади. Биринчи жаҳон уруши даврида Того британ ва француз кўшинлари томонидан эгалланади. 1919 йилдан Буюк Британия ва Франшияning ҳамкорлигидаги бошқарувга ўтди. 1956 йилда Тогонинг Британия кисми Олтин Қирғоз (ҳозирги Гана) таркибига киради, Франция Тогоси эса мухториятга эришади. 1960 йилда Франция Тогоси ўз мустакиллигини эълон килди. Того Республикасида 1960 йилдан кейин бир неча бор ҳарбий давлат тўнтиришлари бўлиб ўтди. 1991 йилдан бери мамлакатда фукаролик ҳукумати ўрнатилган.

## ТОЖИКИСТОН

*Расмий номи – Тожикистон Республикаси. Пойтахти – Душанбе. Худуди – 143 100 км<sup>2</sup>. Аҳалиси – 8 000 000 киши (2013). Давлат тили – тоҷик. Сигинувчиларнинг асосий қисми ислом динига эътиқод қиласиди. Пул бирлиги – сомоний.*

**Географик жойлашуви ва табиати.** Марказий Осиёда жойлашган давлат. Жанубда – Афғонистон (чегара узунлиги – 1206 км), шимол ва ғарбда – Ўзбекистон (1161 км), шимолда – Кирғизистон (870 км), шарқда – Хитой (414 км) билан чегарадош. Чегараларининг умумий узунилиги – 3651 км. Тожикистон худудининг 90% дан ошигини тоғлар ташкил қилиб, мамлакат ҳудудининг ярмидан ошиги денгиз сатҳидан 3000 м баландликда жойлашган. Тожикистоннинг шимоли-ғарбий ва марказий қисмларида Зарафшон, Туркистон, Ҳисор, Олой тог тизмалари, жануби-шарқида Помир тог тизмаси жойлашган. Энг баланд чўққиси – 7498 м. Тоғ тизмалари бир-биридан водийлар билан ажралган. Йирик водийлари – Ҳисор ва Вахш. Асосий дарёлари – Сирдарё, Амударё. Йирик кўли – Коракўл. Асосий табиий бойликлари: нефть, газ, кўмир, уран, гидроресурсларга бой.

Иқлими – континентал. Ўсимлилар дунёси бой. Ялов ва тоголди ўсимликлари, арча, ёнгок, олча, жийда кўплаб ўсади. Чиябўри, жайра, қуён, хонгул, тўнгиз, ёввойи мушук, кор барси, архар, ёввойи паррандалар, калтакесак, илонлар (капча, кўлвор, эфа) фауна асосини ташкил этади.

**Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.** Давлат тузилиши – унитар республика. Мамлакат таркибига Сўзди ва Хатлон вилоятлари ҳамда Тогли Бадаҳшон мухтор вилояти киради. 1991 йил 9 сентябрда Тожикистон мустакиллиги эълон килиниб, ушбу кун миллий байрам – Мустакиллик куни. Давлат бошлиги – президент. Ижро этувчи ҳокимият бош вазир бошлигидаги Вазирлар маҳкамасига тегинши. Конун чикарувчи олий орган – Олий мажлис. Сиёсий партиялари:

Тожикистон халк-демократик партияси, Коммунистик партия, Тожикистон уйгониши ва миллӣ бирлик ҳаракати – Адолатҳоҳ партияси, Аграр партия, Тожикистон ислом уйгониши партияси, Тожикистон демократик партияси, Тожикистон социалистик партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Тожикистон – аграр-индустриал давлат. XX асрнинг 90-йилларидаги фуқаролар уруши натижасида Тожикистон иқтисоди чукур инқизозни бошидан кечирди. Мамлакат иқтисодидаги давлат улуши асосийдир. Кимё, енгил саноат, рангли металлургия, машинасозлик, озиқ-овқат саноатлари яхши ривожланган. Қишлоқ ҳўжалигининг асосий тармоғи пахтачиликдир (пахта толаси асосий экспорт махсулотидир). Пахтачиликдан ташкари ипакчилик, бөгдорчилик, сабзавотлар ва узум етиштириш яхши йўлга кўйилган. 2012 йилда ЯИМ миқдори 7592 млн (аҳоли жон бошига – 953) долларни ташкил этган. Асосий савдо шериклари: Россия, Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 480 км, автомобильъ йўллари – 29 900 км.

*Тарихи.* Ҳозирги Тожикистон ҳудуди м. а. VI асрда Аҳамонийлар давлати таркиби, м. а. IV асрда эса Александр Македонский империяси таркиби кирган. М. а. III асрдан Грек-Бактрия, кейинроқ Кушон давлатига карам бўлган. VIII асрда ҳозирги Тожикистон ҳудудига араблар бостириб киради. IX–X асрларда бу ҳудудлар сомонийлар, XII асрда хоразмшохлар, XIII асрда мўгуллар, XIV асрнинг иккичи ярмида Амир Темур ва темурийлар давлатига карам бўлган. XVI асрдан XIX асрнинг иккичи ярмигача Бухоро ҳонлиги (амирлиги) таркиби кирган. 1868 йили Россия империяси ҳозирги Тожикистон ҳудудларини босиб олади. 1917 йилги давлат тўнгаришидан сўнг Тожикистон ҳудудида совет ҳокимияти ўрнатилади. 1924 йилдан Тожикистон АССР Ўзбекистон ССР таркиби киради. 1929 йилдан Тожикистон ССР мақомини олади. 1991 йили мустақилликка эришгандан сўнг турли этник, диний ва маҳаллий уруғ-аймокчилик гурухлари ўргасида куролли тўқнашувлар бошланди. Бу эса мамлакат сиёсий ҳаётida бўскарорликка олиб келди. Нихоят, 1997 йилда мухолиф кучлар ўзаро муросага келиб, тинчлик ўрнатилди. Ҳозирги кунда Тожикистон демократик жамият куриш йўлидан бормоқда. 1994 йили президентлик лавозимига сайланган Эмомали Раҳмон, 1999 ва 2006 йилларда кайта сайланниб, Тожикистон Республикасини бошқариб келмоқда.

## ТОНГА

*Расмий номи – Тонга Қироллиги. Пойтахти – Нукулофа. Ҳудуди – 748 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 104 900 киши (2012). Давлат тили – тонга ва инглиз. Сигинчиларнинг асосий қисми христиан динининг протестант (50%) ва католик мазҳабларига зътиқод қиласиди. Пул бирлиги – паанга.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Тинч океанининг жануби-ғарбий кисмидаги ва Полинезиядаги Тонга архипелагидаги 150 дан ошиқ оролларда жойлашган давлат. Соҳилярининг умумий узунлиги – 419 км. Оролларнинг аксарияти маржонлардан, колгандари вулкон натижасида вужудга келган.

Иклими – тропик. Тонганинг ўсимлик дунёси асосан дараҳтсизмон папоротник ва казуаринларнинг тропик ўрмонларидан иборат. Ҳайвонот дунёсини калтакессан, илон ва ҳашаротлар ташкил этади.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузуми – конституциявий монархия. Тонга мустакилликка 1970 йилнинг 4 июнида эришиди (аввал Буюк Британия мустамлакаси). 4 июнь – Миллий байрами (Мустакиллик куни). Давлат бошлиги – қирол. Ижро этувчи хокимият бош вазир бошчилигидаги ҳукуматта тегишли. Конун чикарувчи олий орган – конун чикарувчи Ассамблея (бир палатали парламент). Сиёсий партиялари: Инсон ҳуқуклари ва демократия учун ҳаракат, Ҳалқ партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Иқтисодининг асосий тармоғи кишлек ҳўжалигидир (ЯИМ – 50%). Кокос ёнғоги, банан, ваниль умумий экспорт ҳажмининг 2/3 кисмини ташкил этади. Балиқчилик ривожланган, озик-овқат маҳсулотлари чет залдан, асосан Янги Зеландиядан импорт килинади. Саноат соҳаси ЯИМнинг 11%ини ташкил этади. Чет эл валютасини келтирадиган асосий манба – туризм. 2012 йилда ЯИМ миқдори 476 млн (аҳоли жон бошига – 4516) долларни ташкил этган. Асосий савдо шериклари: Янги Зеландия, Австралия, АҚШ, Япония.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги – 198 км. Асосий порти – Нукуалофа.

*Тарихи.* Ахолиси полинезиялардан иборат бўлган ҳозирги Тонга ҳудудига киравчи ороллар 1616 йилда голландлар томонидан кашф этилади. Узок давом этган тўкнашувлардан сўнг Тонга 1845 йилда мустакил қиролликка айланади. Лекин 1900 йилда Тонга Буюк Британия протекторати деб эълон килинади. 1970 йилда Тонга мустакилликка эришиди. Тонга Британия Ҳамдустлиги таркибига киради.

## ТРИНИДАД ВА ТОБАГО

*Расмий номи – Тринидад ва Тобаго Республикаси. Пойтахти – Порт-офф-Снейн. Ҳудуди – 5130 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 1 317 700 киши (2011). Давлат тили – инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик (32%), протестант (14%), англикан (14%) мазҳабларига ҳамда ҳиндӯйлик (24%) ва ислом (6%) динларига эътиқод қиласи.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Кариб денгизи ҳавзасида, Тринидад, Тобаго ва бир катор майдада оролларда жойлашган давлат. Соҳилининг узуили –

ги – 362 км. Мамлакат худудининг асосини кам сонли кир ва паст тоглардан иборат текисликлар ташкил этади. Асосий табиий бойликлари: нефть ва табиий газ. Ҳайдаладиган ерлар мамлакат худудининг 14%, ўрмон ва тўқайлар 44% ини ташкил этади.

Иклими – субэкваториал. Тринидаднинг шаркий кисмида тропик ўрмонлар бўлиб, бу ўрмонларда испан кедри, қизил дараҳт, қизил сандал, бальса каби дарахтлар ўсади. Буталардан пуйя, ёвойи пойнсеттия кенг тарқалган. Пекарлар, оцелот, опоссум, агупи, маймунлар, кўршапалаклар оролнинг ҳайвонот дунёсини ташкил этади. Тошбака, калтакесак, илонлар кўп. Тимсоҳлар учрайди. Оролда колибрининг 40 дан ортиқ тури бор.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат таркибига 9 та графлик киради. Тринидад ва Тобаго мустакилликка 1962 йилнинг 31 августида эришиди (илгари Буюк Британиянинг мустамлакаси бўлган). Бу сана миллий байрам хисобланади (Мустакиллик куни). Ижро этувчи ҳокимият президент (давлат бошлиғи) ва бош вазир бошчилигидаги ҳукуматта тегишли. Конун чиқарувчи Олий органи икки палатали парламент. Парламент юкори – Сенат ва қўйи – Вакиллар палаталаридан иборат. Сиёсий партиялари: Халқ миллий ҳаракати, Қайта куриш учун миллий иттифок, Бирлашган миллий конгресс.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Иқтисодининг асосини нефть казиб олиш (ЯИМнинг чорагини, умумий экспорт ҳажмининг 80% ини ташкил этади. Қишлоқ ҳўжалигининг (ЯИМ – 5%) асосий экинлари: какао, қаҳва, шакарқамиш, цитруслар. 2010 йилда ЯИМ миқдори 23 837 млн (ахоли жон бошига – 19 018) долларни ташкил этган. Асосий савдо шериклари: АҚШ, Венесуэла, Кариб ҳавзаси давлатлари, ЕИ давлатлари.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги – 8000 км (4000 км асфальтланган). Мамлакатнинг асосий порти – Порт-офф-Снейн.

*Тарихи.* Тринидад ороли 1498 йилда Колумб томонидан кашф этилади. Орол 1552 йилда Испания, 1797 йилда Буюк Британия мустамлакасига айланади. Тобаго ороли голландлар томонидан 1632 йилда мустамлакага айлантирилди. Кейинчалик оролга эгалик килиш хукуки француздарга ўтади. 1814 йилда Наполеонмаглубиятга учрагач, орол Буюк Британия мустамлакасига айланади. 1888 йилда икки оролнинг бошқаруви бирлаштирилди. 1950 йилда Тринидад ва Тобаго ўз-ўзини бошқарув хукукига эга бўлади. 1962 йилда Тринидад ва Тобаго Британия Ҳамдўстлиги таркибидаги мустакил давлатга айланади. 1976 йилда Тринидад ва Тобагода республика тузуми ўрнатилди.

## ТУВАЛУ

*Расмий номи – Тувалу. Пойтахти – Фунафути. Худуди – 26 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 9897 киши (2012). Давлат тили – тувалу ва инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг протестант мазҳабига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – тувалу доллари.*

*Географик жойлашуви ва табиати. Тинч океаннинг жануби-гарбий қисмидаги давлат. Сохилиниң узунлиги – 24 км. Шимоли-гарбдан жануби-шарқка томон 600 км узунликдаги масофада жойлашган 9 та маржон ороллар Тувалуни ташкил этади. Асосий орол – Фунафути. Асосий табиий бойлиги – балик.*

*Иклими – субэкваториал. Ўсимлик дунёси асосан палоротник ва мангрзорлардан иборат. Ҳайвонот дунёсини чўчка, ит, каламуш, денгиз кушлари, калтакесаклар ташкил этади.*

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши – конституциявий монархия. Британия Ҳамдўстлиги таркибидаги мустакил давлат. Тувалу мустакилликка 1918 йилнинг 1 октябринда эришиди (аввалги номи – Эллис ороллари). 1 октябрь – Миллий байрам (Мустакиллик куни). Давлат бошлиги – Британия кироли (кироличаси). Ижро этувчи ҳокимият Британия киролининг вакили – генерал-губернатор ва ҳукумат бошлиги бош вазирига тегишили. Конун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент томонидан амалга оширилади. Сиёсий партиялари йўқ.*

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисоди асосан балиқчилик ва кишлек ҳўжалиги маҳсулотларини кайта ишлашдан иборат. Экспорт килинадиган асосий маҳсулотлари – кокос ёнғоги ва копра (кокос ёнғонининг магзи). Туризмнинг ривожланишига оролларнинг жуда узоқда жойлашганлиги тўсқинлик қиласди. Ҳукумат марка ва тангалар сотишдан ҳам катта даромад олади. 2012 йилда ЯИМ миқдори 36 млн (аҳоли жон бошига – 1600) долларни ташкил этган. Асосий савдо шериклари: Фижи, Австралия, Янги Зеландия.*

*Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги – 8 км. Портлари: Фунафути, Нукуфетау.*

*Тарихи. Никунуда ороли инглиз Ж. Байрон томонидан 1764 йилда кашф этилади. Ҳозирги Тувалу худудини ташкил этувчи қолган ороллар 1788 йилда Гилберт томонидан кашф этилади. 1892 йилда Гилберт ва Эллис ороллари Британиянинг протекторати деб зълон килинади. 1915 йилда бу ороллар Буюк Британиянинг мустамлакасига айланади. 1974 йилда ўтказилган референдум натижасига кўра. Эллис ороллари Тувалу деб номланган мустакил давлатга айланади. Гилберт ороллари 1979 йилда мустакилликка эришиб Кирибати Республикасини ташкил этади.*

## ТУНИС

*Расмий номи – Тунис Республикаси. Пойтахти – Тунис. Ҳудуди – 164 150 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 10 673 800 киши (2011). Давлат тили – араб. Давлат дини – ислом. Пул бирлиги – тунис динори.*

**Географик жойлашуви ва табииати.** Шимолий Африкада жойлашган давлат. Гарбда – Жазоир (чегара узунлиги – 965 км), жанубда – Ливия (459 км) билан чегародощ. Куруклиқдаги чегаралари узунлиги – 1424 км. Шимол ва шарқда мамлакат соҳиллари Ўрта Ер денигизига туташ. Соҳиллининг узунлиги – 1148 км. Мамлакат худудининг 1/3 кисмини Атлас тоглари ва мамлакат шимолидаги ясситогилклар ташкил этади. Энг баланд чўқиси – Шамби (1544 м). Марказий кисмида айримлари дентиз сатҳидан пастда жойлашган шўр кўллар мавжуд бўлган текислик ва пасттекисликлар бор. Жанубда Сахрои Кабирнинг шимолий кисми жойлашган. Асосий дарёси – Мажарда. Тунисда нефть, темир рудаси, фосфоритлар, кўроғонин конлари бор.

Иклими – субтропик. Мамлакат шимолида агава, опунса, ёввойи зайтун, эман ўсади. Жанубда тиканли буталар, лишайнклар, сахро дарахтларидан талха ва этал ўсади. Йирик ҳайвонлардан кора коплон, тог кўйи учрайди. Сахрова корахал силовсин, ёввойи мушук, гепард, чиябўри, тулки каби йирткичлар, кичик гекконлар, эчкемар, илонлар (кум бўгма илони, эфа, шоҳдор кора илон) учрайди. Айрим йилларда мамлакат худуди чигиртка босқиннга дучор бўлади.

**Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.** Давлат тузилиши – республика. Давлат 25 та провинцияга бўлинган. Ўз навбатида провинциялар 212 та туманинни ўз ичига олади. Тунис 1956 йил 20 марта мустакилликка эришади (аввал Франция мустамлакаси бўлган). 20 март – миллий байрам (Мустакиллик куни) хисобланади. Конунчилиги француз фукаролик умумий хукуқига ва ислом конунларига асосланган. Давлат бошлиги – президент. Президент бош вазир ва хукуматни тайинлайди. Конун чикарувчи доҳимият Депутатлар палатаси (бир палатали парламент)га тегиши. Сиёсий партиялари: Янгиланиш ҳаракати партияси, Демократик конституциявий бирлашма партияси, Демократлар ва социалистлар ҳаракати, Халқ бирлиги партияси, Демократ социалистлар партияси, Демократик бирлашув иттифоки, Социал-либерал партия.

**Иқтисоди, транспорт каммуникациялари.** Табиий бойликлари камлигига қарамасдан, Тунис Африканинг тараккий этган давлатлари қаторига киради. Хайдаладиган ерлар худудининг 20%, ўтлов ва яйловлар 19% ини ташкил этади. Саноатнинг энг ривожланган тармоклари: тог-кон (фосфоритлар), тўқимачилик, озиқ-овқат. Қишлоқ хўжалиги (ЯИМ – 16%) мамлакатни 80% озиқ-овқат махсулотлари билан таъминлайди. Қишлоқ хўжалингизда бугдой, арпа етишиб-риш ва зайтун майини ишлаб чикариш мухим ўрин эгаллайди. Жадал ривожлаши ва зайтун майини ишлаб чикариш мухим ўрин эгаллайди. Жадал ривожла-

наётган туризм иктисадининг асосий тармоқларидан бирига айланмоқда. 2012 йилда ЯИМ миқдори 44 404 млн (аҳоли жон бошига – 4232) долларни ташкил этган. Асосий савдо шериклари: ЕИ давлатлари, Яқин Шарқ давлатлари, АҚШ, Жазоир.

Темир йўлларининг умумий узунилиги – 2115 км, автомобиль йўллари – 33 000 км. Портлари: Бизерта, Сус, Тунис.

*Тарихи.* М. а. XII асрда ёт Тунис соҳилларида дастлабки Финикия колониялари, энг машҳури – Карфаген вужудга келади. Мамлакатнинг марказий кисмларида бербер қабилалари яшаган. М. а. VI асрда Карфаген империяси ўз курдатининг чўккисига кўтарилади. М. а. 146 йилда Карфаген Рим билан курашда кулади. Римликлар бу худудга лотин тили ва Рим маданиятини, III асрда эса христианликни олиб киради. V асрда вандаллар томонидан эгалланиб, талон-торож килинган ҳозирги Тунис худуди 633 йилда Византия империяси таркибиغا киради. 647 йилдан Тунисга араблар бостириб киради ва ўз ҳокимиятини ўрнатади. IX–XII асрларда Тунисда аббосийлар ва фотимилярнинг шарқий сулолалари хукмронлик килади. 1159–1160 йилларда Абдулмўмин Шимолий Африканинг гарбий кисмидаги мусулмонларни ўзига бўйсундиради ва берберларнинг алмухадийлар сулоласига асос солади. 1574 йилда Тунис худуди турклар томонидан эгалланиб, XIX аср охирилариға қадар Усмонийлар империяси таркибиغا киради. 1830 йилда Европа давлатлари бу худудга интервенция уюптиришади. XIX аср охирида Тунис Францияга қарам бўлади, лекин бей расман давлат бошлиги хисобланганди. 1925 йилда Дастур партиясининг тузилишидан бошланган озодлик кураши натижасида, Тунис 1956 йилнинг март ойида мустакилликка эришади. 1957 йилнинг 25 июляда Ҳабиб Бургиба бейни ҳокимиятдан четлаштириб, Тунисни республика деб эълон килади. 2010–2011 йилларда Тунисда Иккинчи Ясмин инқиёлоби деб ном олган ҳалқ оммасининг галаёни 2011 йилнинг 14 январида президентнинг истеъфога чиқишига олиб келди.

## ТУРКИЯ

*Расмий номи – Туркия Республикаси. Пойтахти – Анқара. Ҳудуди – 814 578 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 75 627 300 киши (2013). Давлат тили – турк. Сигинувчиларнинг асосий қисми ислом динига эътиқод қилади. Пул бирлиги – турк лираси.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Гарбий Осиё (худудининг катта қисми) ва Жануби-Шарқий Европада жойлашган давлат. Мамлакатнинг Европа ва Осиёдаги қудудтарини бир-биридан Босфор, Дарданелл бўғозлари ҳамда Мармарденгизи ажратиб туради. Жанубда – Сурья (чегара узунилиги – 822 км) ва Ирок (352 км), шарқда – Эрон (499 км), шимоли-шарқда – Арманистон (268 км), Грузия (252 км), Озарбайжон (Нахичевань вилояти – 9 км), шимоли-гарбда – Бол-

гария (240 км) ва Греция (206 км) билан чегарадош. Куруклидаги чигаралари узунлиги – 2648 км. Шимолда Қора денгиз, ғарб ва жануби-ғарбда Ўрта Ер денизи жойлашган. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 7200 км. Ҳудудининг катта кисмини Кичик Осиё ва Арман тогликлари эгаллаган. Энг баланд чўқиси – Катта Аракат тоги (5165 м). Мамлакатнинг марказий кисмида Анатолия (Анадўлу) ясситоғлиги, жанубда Тавр тоглари, шимолда Понт тоглари жойлашган. Асосий дарёлари: Фрот, Дажла, Қизил Ирмок. Йирик кўллари: Ван, Туз (шур кўллар). Туркияда кўмир, темир рудаси, хром, мис конлари бор. Ҳайдаладиган ерлар мамлакат ҳудудининг 30%, ўрмон ва тўқайлар 26%, яйлов ва ўтолклар 12% ини ташкил этади.

Иклими – субтропик, ғарбий ва жанубий соҳиллари Ўрта Ер денизи иклимига хос, мамлакат ичкарисида континентал. Туркиянинг флораси бой бўлиб, унда ўсимликларнинг 6700 тури учрайди. Шуларнинг учдан бир кисми Туркия ҳудудидан бошка жода учрамайди. Оҳу, тўнгиз, коплон, айик, бўрсик, муфлон, кемирувчилар, Кичик Осиё кора илони, Ўрта Ер денизи тошбакаси, калтакесак, агамалар хайвонот дунёсининг асосини ташкил этади.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат таркибига 75 та вилоят киради. 1923 йилнинг 29 октябриндан республика хисобланади (аввал – Усмонийлар империяси). 29 октябрь миллий байрами – Республика эълон килинган кун. Давлат бошлиги – президент. Олий ижроня ҳокимияти хукумат бўлиб, уни бош вазир (бош бакон) бошқаради. Конун чикарувчи ҳокимиятни бир палатали парламент – Туркия Буюк миллат мажлиси амалга оширади. Сиёсий партиялари: Адолат ва ривожланиш партияси, Она Ватан партияси, Жумхурият халқ партияси, Тўғри йўл партияси, Миллиётчи ҳаракат партияси, Демократик сўл партия, Демократик партия, Буюк бирлиқ партияси, Демократик Туркия партияси.

*Иқтисоди, транспорт каммуникациялари.* Туркия индустрнал-агар мамлакат. 1980 йилдан иқтисодидётда туб бурилишини кўзда тутган кенг қаровли дастур жорий этила бошланди. Саноатининг ривожланган тармоклари: тог-кон (кўмир, хромит, мис, бор), металлургия, нефть, тўқимачилик, озиқ-овкат, курилиш. Қишлоқ хўжалигига (ЯИМ – 18%) тамаки, пахта, донли ўсимликлар, дуккаклилар, цитрус, кандлавлаги етиштирилади. Чорвачилик ривожланган. Туркия озиқ-овкатга бўлган эҳтиёжини ўзи коплади. Туризм ривожланган. 2012 йилда ЯИМ миқдори 783 064 млн (ахоли жон бошига – 10 609) долларни ташкил этган. Асосий савдо шериллари: Германия, АҚШ, Россия, Буюк Британия.

Темир йўлларининг узунлиги – 8401 км, автомобиль йўллари – 49 615, ички сув йўллари – 1200 км. Асосий портлари: Истанбул, Измир.

*Тарихи.* Ҳозирги Туркия ҳудудида м. а. 1900 йилда Хетт давлати, м. а. XII асрда Фригия, м. а. VII асрда Лидия давлатлари вужудга келди. М. а. VI асрда фарслар давлати, м. а. 333 йилдан Александр Македонский томобу ҳудудлар фарслар давлати, м. а.

нидан босиб олинади. М. а. II асрда Рим империяси таркибига киради. V асрда хозирги Туркия худудлари Византия империяси таркибига киради. XI асрда Туркия худудларини салжуккийлар эгаллаб, Эгей дегизидан Туркистонгача бўлган худудларда улкан империя ташкил килишади. XIII аср охирида Салжуккийлар давлати бир нечта кичик давлатларга бўлиниб кетади. XIV асрда Усмонийлар барча кичик давлатларни бирлаштиришга эришади. 1453 йилда Византиянинг пойтахти Константинополь (Истанбул) забт этилади. Сулаймон I даврида (1520–1566) Усмонийлар Жанубий Европа, Ўрта Шарқ ва Шимолий Африка (Марокашдан ташкари)ни бўйсундирадилар. XVII аср бошларида Усмонийлар давлати ўз курдатини йўқота бошлайди ва Болкон хамда Арабистон яриморолларидаги озодлик курашларига етарли қаршилик кўрсата олмайди. XIX аср охири – XX аср бошларида Усмонийлар империяси худуд жихатидан анча кискаради. Биринчи жаҳон урушидан сўнг Усмонийлар давлати барча мустамлакаларидан айрилади. Султон Махмуд VI томонидан имзоланган Севр шартномасидан (1920) норози бўлган Мустафо Камол 1918 йилда Туркияга бостириб кирган юонон кўшинларига карши кураш бошлайди. 1923 йилда Мустафо Камол Отатурк Туркияни Республика деб эълон килади ва 1938 йилга қадар мамлакатни бошкаради. Иккинчи жаҳон уруши даврида Туркия ўз нейтралитетини эълон килади. 1959 йилда Кипр можароси натижасида турк-грек муносабатлари ёмонлашади. 1974 йилда Туркия кўшинлари томонидан Кипр оролининг бир қисмини босиб олиниши икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада кескинлаштиради. Иктисадий инкиrozлар натижасида 1971 ва 1980 йилларда ҳарбийлар хокимиятни эгаллашади. Туркия ҳукуматининг асосий муаммоларидан бири мустакил Курдистон давлатини тузишга ҳаракат килаётган курдлар масаласидир. Совет Иттифоқи тутатилганидан сўнг Туркия Кавказ ва Ўрта Осиёда ташкил топган мустакил давлатлар билан яқин дўстона муносабатлар ўрнатди.

## ТУРКМАНИСТОН

*Расмий номи – Туркманистон. Пойтахти – Ашгабад. Ҳудуди – 488 100 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 5 169 600 киши (2012). Давлат тили – туркман. Сигинувчиларнинг асосий қисми ислом динига эътиқод қиласиди. Пул бирлиги – манат.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Марказий Осиёдаги давлат. Шимол ва шарқда – Ўзбекистон (чегара узунлиги – 1621 км), шимолда – Қозогистон (379 км), шарқ ва жанубда – Афғонистон (744 км), жанубда – Эрон (922 км) билан чегарадош. Куруклиқдаги чегаралари узунлиги – 3736 км. Ғарбда мамлакат Каспий дегизи билан туташган. Соҳилининг узунлиги – 1768 км. Мамлакат худудининг катта қисми пасттепалик бўлиб, унда Қорақум саҳроси жойлашган. Саҳронинг майдони – 375 минг км<sup>2</sup>. Мамлакатнинг шимоли-ғарбида Каспий

денгизи бўйида Қора Бўғозгўл кўрфази жойлашган. Кўрфаз дengiz сатҳидан 35 м паст. Жануб ва жануби-ғарбда Копетдог тоглари бор. Чекка жануби-шарқда Ҳисор тизмасининг Кўхитанг тармоғи (Туркманистоннинг энг баланд нуктаси – 3139 м) бор. Йирик кўли – Сарикамиш шўр кўли. Асосий дарёси – Амударё. Туркманистон нефть, газ, калий ва ош тузи, рангли ва ноёб металларга бой. Ҳайдаладиган ерлар мамлакат худудининг 2%, яловлар (69%) ташкил этади.

Иклими – кескин континентал. Флорасини чўл ва адир ўсимликлари ташкил этади. Саҳрода жайрон, чиябўри, тулки, эчкилар, панча илон, агама, текислик ва тоғларда тоғ эчкиси, кўлвор илон, тошбака, турли кемирувичлар яшайди.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – унитар республика. 1991 йилнинг 27 октябринда Туркманистон мустакил бўлди. Мустакиллик куни 27 октябрь – Миллий байрам хисобланади. Давлат бошлиги – президент. Президент бош вазир (Вазирлар кенгаши раиси)ни тайинлайди. Конун чиқарувчи олий орган – Мажлис (бир палатали парламент). Рўйхатдан ўтган ягона сиёсий партия – Туркманистон демократик партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Саноатининг асосини нефть ва газ казиб олиш ва нефтни кайта ишлаш ташкил этади. Кишлек ҳўжалигига пахта, мевалар, сабзавотлар етиштирилади. Экспорт килинадиган асосий маҳсулотлари – пахта толаси, дизель ёқилғиси, мазут, кўлда тўкилган гиламлар. 2012 йил ЯИМ микдори 33 679 млн (ахоли жон бошита – 5999) долларни ташкил этган. Асосий савдо шериклари – Россия, Украина, Ўзбекистон, Қозогистон, Озарбайжон, Туркия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 2120 км, автомобильъ йўллари – 13 000 км. Асосий порти – Туркманбоши.

*Тарихи.* М. а. I минг йилликда ҳозирги Туркманистон худудида Марғиёна, Парфия, Мидия давлатлари мавжуд эди. М. а. VI асрда бу худудлар Форслар давлати, м. а. IV асрда Александр Македонский давлати таркибига киради. VIII асрда бу ерларга араблар бостириб киради ва ахоли орасида ислом динини жорий этади. IX–X асрларда Тоҳирийлар ва Сомонийлар давлатлари, XI–XIII асрларда Салжукийлар давлати таркибига киради. XIII асрда мўғуллар бостириб киради ва ҳозирги Туркманистон ерларини ўз империясига кўшиб олишади. XIV асрнинг иккичи ярмидан XV аср охирларигача Туркманистон худуди Амир Темур ва темурийлар давлати таркибига киради. XVII–XIX асрларда ҳозирги Туркманистон ерлари Эрон шоҳлари, Хива ва Бухоро хонлари ўртасидаги тортишувли худудга айланган. XIX асрнинг 80-йилларида бу худудлар Россия империяси томонидан босиб олинади. 1917 йилги давлат тўнтарлишидан сўнг Совет ќокимияти үрнатилади. 1991 йилда Туркманистон мустакилликни кўлга киритади. 2006 йил 21 декабрда Туркманистон Республикасининг биринчи президенти Сапармурат Ниязов вафот этди. 2007 йилги сайловларда сайлоччилярнинг 89% овозини олган Гурбангули Бердимухамедов президентлик лавозимига сайланди.

## УГАНДА

*Расмий номи – Уганда Республикаси. Пойтахти – Кампала. Худуди – 236 600 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 35 620 900 киши (2012). Давлат тили – инглиз ва суахили. Сигинувчилар христиан динининг католик (33%) ва протестант (33%) мазҳабларига, маъзалий динларга (18%) ва ислом динига (16%) эътиқод қиласди. Пул бирлиги – уганда шиллинги.*

*Географик жойташуви ва табиати.* Африканинг шарқидаги давлат. Шарқда – Кения (чегара узунлиги – 933 км), гарбда – Конго Демократик Республикаси (765 км), шимолда – Судан (435 км), жанубда – Танзания (396 км) ва Руанда (169 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги – 2698 км. Мамлакат баландлиги асосан 1100–1500 м бўлган ясситоғликда жойлашган. Гарбда Рувензори тог массиви бўлиб, унда мамлакатнинг энг баланд чўккиси – Маргерита (5109 м) жойлашган. Угандада кўллар кўп. Уларнинг йириклари – Мобуту-Сесе-Секо, Къога, Эдуард ва Виктория (кисман). Асосий дарёси – Нил (ирмоклари билан). Асосий казилма бойликлари: мис, кобальт. Мамлакат худудининг 23%ини хайдаладиган ерлар, 30%ини ўрмон ва тўклилар, 25%ини ўтлок ва яловвлар ташкил этади.

Иклими – субэкваториал. Уганданинг асосий кисмини саванналар ташкил этади. Алоз, зонтсимон оқмия, бассий ёнгоги, кигемия, темир дарахти ўсади. Ҳайвонот оламини фил, бегемот, жирафа, арслон, маймунлардан – тоб горилласи, ок-кора колобус, серкопитекус (камдан-кам учрайди) ташкил этади.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 10 та провинцияга бўлинган. Мустақилликка Уганда 1962 йилнинг 9 октябрида эришган (аввал Буюк Британия протекторати). Бу кун миллий байрам (Мустақиллик куни) хисобланади. Давлат бошлиги – президент. Конун чиқарувчи хокимият бир палатали парламент – Миллий мажлис. Сиёсий партиялари: «Ҳаракат» сиёсий ташкилоти, Демократик партия, Консерватив партия, Уганда халк конгресси.

*Иқтисоди, транспорт ва коммуникациялари.* Уганда иқтисодий жиҳатдан занф ривожланган мамлакат. Мамлакат энг кўп даромадни асосий экспорт маҳсулоти – қаҳвадан олади. Қаҳвадан ташкари чой, пахта, тамаки экспорт килинади. Мамлакат ўзини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайди. 2012 йилда ЯИМ миқдори 20 464 млн (аҳоли жон бошига – 589) долларни ташкил этган. Асосий савдо шериклари: АҚШ, Буюк Британия, Кения, Франция, Италия, Испания.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 1300 км, автомобиль йўллари – 26 200 км (2000 км каттик копламали). Асосий порти: Жинжа (Виктория кўлида).

*Тарихи.* Ҳозирги Уганда худудида дастлаб Китара давлати вужудга келади. XV асрда марказий Угандада Уньоро давлати етакчилик қиласди. XIX аср

ўрталарига келиб Уганда кироллигининг мавкси ортади. 1862 йилда инглизлар Угандага кириб келишади. 1890 йилдан Британия протекторатига айланади. 1962 йилда Уганда мустакилликка эришади. 1963 йилдан республика деб эълон килинади. Мустакилликка эришилгандан сўнг, мамлакатда бир неча бор харбий тўнтаришлар бўлиб ўтади. Шундай тўнтаришлардан бирда 1971 йили ҳокимиятга генерал Амин келади. Диктатор Амин хукмронлиги йилларида 300 000 га яқин аҳоли кириб юборилади, мамлакат иқтисоди инкиrozга юз тутади. 1979 йилда Танзания армияси ёрдамида Амин ҳокимиятдан четлаштирилади. Шундан сўнг ҳам мамлакатда давлат тўнтаришларини келтириб чиқарадиган фуқаролар уруши давом этади. Угандада 1986 йили давлат тўнтариши амалга оширилиб, Миллий қаршилик кўрсатиш армияси раҳбарлари ҳокимиятни кўлга олдилар. 1996 йилда президент ва парламент сайловлари ўтказилди. 2000 йил 29 июндаги референдумда аҳоли кўп partiяли тизимга карши чиқди ва президент Й. Мусевени бошлилигидаги «Харакат» сиёсий ташкилотигина мамлакатга раҳбарлик килишини ёклиди. Анъанавий партияларга рұхсат берилган, бирор уларнинг фаолияти чеклаб кўйилган. Янги партиялар тузиш такиленган.

## УКРАИНА

*Расмий номи – Украина. Пойтахти – Киев. Ҳудуди – 603 700 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 45512 900 киши (2013). Давлат тили – украин. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг православ мазҳабига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – гривна.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Шарқий Европадаги давлат. Шимол ва шарқда – Россия (чегара узуонлиги – 1576 км), шимолда – Беларусь (891 км), жануби-гарбда – Молдова (939 км), гарбда – Польша (526 км), Вентрия (103 км) ва Словакия (97 км), жануби-гарбда – Руминия (558 км) билан чегарадош. Курукликлари чегаралари узуонлиги – 4663 км. Жанубда Украина Азов ва Кора дengизлари билан туташган. Мамлакат худудининг асосий қисмини Шарқий дengизлари билан туташган. Мамлакат худудининг асосий қисми Шарқий дengизлари билан туташган. Шимолла – Полесье, марказий қисмида – Днепрбўйин, жанубда – Кора дengиз соҳилбўйи пасттекисликлари мавжуд. Жануби-гарбда баландлиги 2061 м гача бўлган Украина Карпати, жанубда баландлиги 1545 м гача бўлган Крим тоғлари жойлашган. Асосий дарёлари – Днепр, Шимолий Донец, Прут, Жанубий Буг, Дунай. Бир нечта йирик сув омборлари бор. Асосий казилма бойликлари: кўнгир кўмир, тошкўмир, нефть, табиий газ, темир, марганец, симоб, рух, кўргошин, титан, магний, алюминий, цирконий рудалари. Мамлакат худудининг 56% ини ҳайдаладиган ерлар, 12% ини ўтлок ва яйловлар ташкил этади.

*Иклими – континентал. Украинада 4000 турга яқин гул ва папоротниксимон ўсимликлар ўсади. Мамлакат худудининг 15% га яқинини ўрмонлар ташкил этади.*

ди. Ўрмонларда карагай, эман, кора қайнин, арча, терак, жұка, ольха, оқ қайнин, граб (қайнисимонлар), оқ карагай, кайрагоч үсади. Украинада сут эмизуучиларнинг 100 га якин, күшларнинг 360, баликларнинг 200 га якин турин учрайди. Ўрмонларда лось, косуля, тұнғиз, олмахон, кундуз, силовсин, үрмон сувсари, европа охуси, айик, ёввойи мушук, Крим охуси, тулки, бұрсық, кизилиштон, кораялқ, кур, каркур, күкітурна учрайди. Катта күшоёк, күрсічкөн, юмронкозик, дашт бургуты, безгалдок, тұргай, дашт кора илони, сарик илон, калтаксаскалар дашт фунасини ташкил этади. Даре бүйларидан ондатра, даре тошбакаси, сув илон, курбака, ёввойи үрдак, каркара учрайди.

*Давлат түзилиши, сиёсий партиялари.* Давлат түзилиши – республика. Мамлакат таркибига 24 та вилоят ва Крим автоном республикаси киради. Украина 1991 йилнинг 24 августидан үз мустакиллігини өзөн күлди (аввали СССР таркибиде). 24 август – миллий байрам (Мустакиллик куни). Ижро этувчи ҳокимият президент (давлат бошлиғи) ва Вазирлар махкамасини бошқарадиган бош вазирга тегишили. Қонун чиқарувчи олий орган – Олий Рада. Йирик сиёсий партиялари: Украина халк Рұх қаракати, Украина коммунистик партияси, Социалистик партия, Умумукраина бирлашмаси – «Батьківщина», Социал-демократик партия, Регионлар партияси, Яшиллар партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Украина ривожланган саноат тармокларига зәға. Саноатининг асосий тармокларини кора металлургия, ранги металлургия, машинасозлик, энергетик машинасозлик ва электротехника саноати, радиоэлектрон саноат, авиация, тракторсозлик, кемасозлик, кимә тармоклари ташкил этади. Қышлек хұжалиғи асосан донли экинлар, техник экинлар ва чорвачиilikке ихтисослашған. Бұгдой, маккажұхори, арпа, тарик, кандлавлаги, күнгабокар, каноп, картошка етиширилади. Узумчилик ва бөгөдорчилик ривожланган. 2012 йилда ЯИМ міндері 176235 млн (аҳоли жон бошиға – 3877) долларни ташкил эттән. Асосий савдо шериллари: МДХ ва Болтиқбүйи республикалари, Германия, Польша, Чехия, Хитой, Италия, Швейцария.

Темир йүлларининг умумий узунлиғи – 22 800 км, автомобиль йүллари – 273 700 км, ички сув йүллари – 4500 км. Асосий портлари: Николаев, Одесса, Херсон, Севастополь.

*Тарихи.* Ҳозирги Украина худуди м. а. VII асрда Скифлар империяси таркиби-га кираган. III асрда готлар Дондан Дунайгача бўлган худудларда үз давлатларини ташкил этишади. Хуннлардан сўнг бу худудларга шарқий славянлар ва хазарлар кириб келиб, иккى ўртада кураш бошланади. Үз худудларини хазарлардан химоя қўлиш максадида славянлар варягларни ёрдамга чакиришади. Варяг князи Олег 882 йилда Киев Русига асос солади. 988 йилда князь Владимир христианликни кабул килади. Киев Руси Ярослав Мудрий (1019–1054) ва Владимир II Мономах (1113–1125) даврида гуллаб-яшнайди. XIII асрда Ботухон бошчилитидаги мұгул-татар күшинлари Киев давлатини тутатади. Киев давлати ерлари Польша

ва Буюк Литва Князлиги ўртасида бўлиб олинади. 1667 йилда Андрусов шартномасига кўра Шаркий Украина ерлари Россия таркибитга киради. 1793 йилда Екатерина бутун Украина ерларини (1919 йилгача Австро-Венгрия империяси таркибитга кирган Галициядан ташкари) босиб олади. 1917 йилнинг ноябрьда Винниченко ва Петлюра Киевда Украина Автоном Республикасини тузишади. Улар билан бир вақтда Харьковда большевиклар Украина Совет Республикасини тузишади. Брест-Литовск шартномасидан сўнг, 1918 йилнинг марта тагида немис қўшинлари Украинани оккупация киласи ва 1918 йилнинг декабрига Петлюра хокимиятни ўз қўлига олгунча колишади. 1920 йилда Петлюра ва большевиклар ўртасидаги курашга Польша қўшилади ва Рига шартномасига кўра Гарбий Украина ерлари 1921 йилда Польшага ўтади. Совет Украинаси эса 1922 йилда Совет Иттифоки таркибитга киради. Иккинчи жаҳон уруши даврида Украина немис қўшинлари томонидан оккупация килинади. 1944 йилда совет қўшинлари Украинадан немисларни кувин чиқаради. 1945 йилда Украинага Шаркий Галиция, Рутеня, Шимолий Буковина ва Бессарабиянинг бир кисми қўшилади. 1954 йилда Крим вилояти Украина таркибитга кирди. 1986 йилнинг 26 апрелида Украина ҳудудида инсоният тарихидаги энг йирик техноген ҳалокатлардан бири – Чернобиль атом электростанциясида портлаш рўй беради. 1991 йилда Украина ўз мустакиллигига эришади. 2004 йил охирида навбатдаги президент сайловларида президентликка номзодлардан бирининг тарафдорлари сайлов натижаларидан норози эканликларини билдириб тартибсизликлар уюштиришади. Мамлакатда «тўқ сарқиқ инқилоб» деб ном олган сиёсий инкороз вужудга келади. 2009 йилги президент сайловларида «Регионлар партияси» лидери В. Янукович президент этиб сайланди.

## УММОН

*Расмий номи – Уммон Султонлиги. Пойтахти – Маскат. Ҳудуди – 212 400 км<sup>2</sup>. (гарбда чегара чўлдан ўтганлиги учун аниқ белгиланмаган). Аҳолиси – 2 773 500 киши (2010). Давлат тили – араб. Давлат дини – ислам. Пул бирлиги – уммон риали.*

*Географик жойлашви ва табиати.* Арабистон яриморолининг жануби-шарқида жойлашган Жануби-Гарбий Осиё давлати. Гарбда – Саудия Арабистони (чегара узунлиги – 676 км), жануби-гарбда – Яман (288 км), шимолда – БАА (410 км) билан чегара дош. Курукликлаги чегаралари узунлиги – 1374 км. Мамлакатнинг шаркий ва жанубий киргоклари Араб денизи, шимолий киргоклари Уммон кўрфазига туташган. Мамлакатнинг катта кисми тоғлик ҳудудлардан иборат. Энг баланд нуқтаси – Шом чўккиси (3353 м). Уммон кўрфази киргоклари бўйлаб Жоҳар тогининг тик коялари жойлашган. Тоғлар ва Уммон кўрфази ўртасида тор

Ал-Ботина пасттексислиги жойлашган. Мамлакатнинг марказий кисмида Руб-ал-Холи кумлоқ чўлининг шаркий кисми бор. Уммон бой нефть захираларига эга бўлиб, фойдали казилмалардан мис, хром ва табиий газ ҳам қазиб олинади.

Иклими – куруқ чўл зонаси.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – мутлак монархия (султонлик). Мамлакат таркибига 3 та губернаторлик (вилоят) – Маскат, Мусондам, Зуфар киради. Уммон 1650 йилда мустакилликка эришган (илгари Португалия мустамлакаси). Амалдаги султоннинг туғилган куни миллий байрам сифатида нишонланади. Конунчилик ислом конунлари ва инглиз умумий хукукига асосланган бўлиб, султон Олий суд инстанцияси ҳисобланади. Давлат ва хукumat бошлиги – султон. Шўро кенгаши ва Давлат кенгашидан иборат Уммон кенгаши маслаҳат органи мавжуд. Ижро ҳокимиятини султон ва хукumat амалга оширади. Конун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий йигин амалга оширади. Сиёсий партиялар тақиқланган.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Мамлакат иқтисоди нефтни қазиб олиш саноатига асосланган. Нефть ялпи миллий маҳсулотнинг 40% га яқин кисмини, экспортдан тушадиган даромадларнинг 20% дан зиёдроғини ташкил килади. Қишлоқ ҳўжалигида (балиқчилик соҳасини кириптган ҳолда) меҳнатта лаёкатли ахолининг 60% и банд. Асосий қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари: хурмо, банан. Чорвачилик ҳам ривожланган. Йилига 100 минг тоннага яқин балиқ оваланади. 2012 йилда ЯИМ миқдори 79 974 млн (аҳоли жон бошига – 24 765) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Япония, Жанубий Корея, Буюк Британия, Сингапур, АҚШ.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги – 26 000 км (шундан 6 000 км асфальт йўллар). Порт шаҳри – Маскат.

*Тарихи.* М. а. 536 или замонавий Уммон ҳудуди форслар томонидан босиб олинган эди. Янги давр бошларида Ўрта Ер деңгизи ҳамда Осиё давлатлари ўтрасидаги савдонинг асосий кисми Уммон оркали ўтарди. VII аср ўрталарида Уммон мамлакатта исломни олиб кирган араблар томонидан босиб олинади. XVI асрда португалиянклар Маскатни ишғол қиласидилар. Бирок 1650 йилда мамлакатдан европаликларни ҳайдаб чиқарниб, Уммон мустакилликни қўлга киритади. 1741 йилда мамлакатдан эронлик босқинчиларни кувиб юборган Аҳмад ибн Саид авлоди 1733 или Маскат султонлигига асос солади. Ибн Саидлар ҳозирги кунларда ҳам шу шахарларда ҳукмронлик қилмоқдалар. 1798 или Маскат ва Буюк Британия ўтасида дўстлик, савдо ҳамда кема қатновлари тўғрисидаги шартнома имзоланган. Бу шартнома муддатлари 1891 или ҳамда 1970 йилларда мамлакат раҳбари «Уммон султони» унвонини олганидан сўнг икки маротаба қайта узайтирилган. 1987 или Уммон туристлар учун очилди.

## УРУГВАЙ

*Расмий номи – Уругвай Шарқ Республикаси. Пойтахти – Монтевидео. Худуди – 176 200 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 3 203 800 киши (2011). Давлат тили – испан. Сигинуучиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига эътиқод қиласи. Пул бирлиги – уругвай песоси.*

*Географик жойлашуви ва табиати. Жанубий Американинг жануби-шаркй қисмидаги жойлашган давлат. Шарқ ва шимолда – Бразилия (чегара узунлиги – 1068 км), гарбда – Аргентина (580 км) билан чегарадош. Куруклидаги чегаралари узунлиги – 1648 км. Жануб ва шарқ томонида Атлантика океани билан туташган. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 660 км. Уругвай Жанубий Америкадаги кичик давлатлардан бирордир. Мамлакат рельефи сергепе текисликдан иборат. Худуднинг ўртача баландлиги 200–300 м. Соҳил бўйида унумдор пастепаликлар мавжуд. Асосий дарёси – Уругвай. Қазилма бойликлари учалик кўп эмас. Асосий табиий ресурсларини унумдор тупрок ва гидроэнергетик потенциал ташкил этади. Мамлакат худудининг 22% и хайдаладиган ерлар, 78% и ўтлоп ва яйловлардир.*

*Иклими – субтропик. Ўсимлик дунёсини асосан яйлов ўсимликлари ташкил этади. Ўрмонларида тропик дараҳтлар ўсади. Пума, тапир, түнғиз, тулки, кийик, ёввойи мушук, чумолиҳур, колибри, америка тякуши, бойтугли, жўрчи, йирик ўргимчаклар ва сурдaluвчилар фаунани ташкил этади.*

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши – республика. Мамлакат таркибига 19 та департамент киради. Уругвай Бразилиядан 1828 йил 25 августанда мустакилликка эришади. Шу сана миллий байрам – Мустакиллик куни хисобланади. Давлат ва ҳукумат бошлиги – президент. Конун чиқарувчи ҳокимиятни Сенат (юкори палага) ва Вакиллар палатаси (кўйи палата) дан иборат Конгресс амалга оширади. Сиёсий партиялари: «Колорадо» партияси, Миллий партия («Бланко»), Фукаролик иттифоки, Урутвай социалистик партияси, Христиан-демократик партия.*

*Иқтисоди, транспорт каммуникациялари. Саноат гўшт ва баликни кайта ишлаш, жун, тери, шакар, тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан боғлик. Қишлоқ хўжалигига катта майдонлар чорва бокиш учун ажратилган. Асосий экинлари – буғдой, шоли, жўхори. Минтақавий иқтисодий ҳамкорлик доирасида Уругвай Бразилия, Аргентина ва Парагвай билан иқтисодий алоқалар ўрнатган. 2012 йилда ЯИМ микдори 49 716 млн (аҳоли жон бошига – 14 614) долларни ташкил этган. Асосий савдо шериклари: Бразилия, АҚШ, Аргентина, Хитой, Италия.*

*Темир йўлларининг умумий узунлиги – 3000 км, автомобиль йўллари – 49 900 км (6700 км каттиқ копламали), ички сув йўллари – 1600 км. Порти – Монте-Видео.*

**Тарихи.** Чарруа ва Гуарани худудлари ўрнашган ҳозирги Уругвай ҳудуди 1516 йилда испаниялик Диас де-Солис томонидан кашф этилади. XVII асрда бошланган мустамлакалаштириш хиндулар орасида христианликни тарғиб этиш билан давом этган. 1726 йилда Монтевидеога асос солган испанлар, XVIII асрда ҳозирги Уругвай ҳудудини Рио-ле-Ла-Плата вице-кироллиги таркибига киритади. XIX аср бошларида мамлакатда мустакиллик учун кураш бошланади, лекин 1816 йилда Уругвай португаллар томонидан босиб олиниб, Бразилияга күшиб юборилади. 1828 йилда мустакилликка эришгандан сўнг Уругвайдага бланкос (консерваторлар) ва колорадос (либераллар) тарафдорлари ўртасида фукаролар уруши бошланади.

Мамлакатнинг йирик сиёсий арбобларидан бири Батле-Ордокес 1903–1915 йилларда демократик жамиятнинг пойдеворини кўйиб беради. Лекин унинг вафотидан сўнг Уругвайдаги ҳарбий диктатура ўрнатилади. 1952–1966 йилларда мамлакатни коллегиал ҳукумат бошкаради. 1970 йилда мамлакатда тупамарос – миллий-озодлик ҳаракати тарафдорларининг кўзголони бошланди. Кўзголон 1972 йилда ҳукумат кўшинлари томонидан бостирилади. 1973 йилда Уругвайдаги навбатдаги ҳарбий давлат тўнтириши бўлиб, 1984 йилдагина ҳарбийлар ҳокимиятни фукаролар ҳукуматига топширади.

## ФАЛАСТИН

**Расмий номи – Фаластин Давлати. Пойтахти – йўқ (ҳукумат Рамоллоҳ шаҳрида жойлашган), мамлакат иккига бўлинган – Иордан дарёси гарбий соҳили ва Фазо сектори. Ҳудуди – 26 000 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 4 293 300 киши (2012). Давлат тили – араб ва иврит. Сигинувчиларнинг асосий қисми ислом динига эътиқод қиласади. Пул бирлиги – янги истроил шекели.**

**Географик жойлашуви ва табиати.** Яқин Шарқдаги мамлакат. Мамлакат иккисига бўлинган: 1) Иордан дарёси гарбий соҳили (майдони – 5873 км<sup>2</sup>) шимол, гарб ва жанубда – Истроил (366 км), шарқда эса Иордания (97 км) билан чегарадош; 2) Фазо сектори (майдони 378 км<sup>2</sup>) жанубда Миср (11 км) билан чегарадош. Куруклиқдаги чегаралари узунлиги – 404 км, соҳил чизигининг узунлиги – 40 км. Мамлакат ҳудуди тепаликлардан иборат. Фаластинда табиий бойликлар кўп эмас. Ишлов бериладиган ерлар ҳудуднинг 27%ни ташкил этади, 32% и эса ўтлок ва яйловлардан иборат.

Фаластин иклими Ўрта Ер дентизи ҳудудига хос – иссиқ, ёзда курук, киша ёмғирли. Ўсимлик дунёсида яшил эман, терпентин дарахти, күддус карагайи, ясситоғлик, тогли ҳудудларда – табор эмани ва сикамора кенг таркалган. Ҳайвонот дунёсида 400 га яқин куш турлари бўлиб, шулардан бойўғли, лайлак кўп учрайди; сиртлон, ёввойи чўпка, куён, типратикан, илон ва калтакесаклар кенг таркалган.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – унитар республика. Фаластинда мамлакат ҳудудининг Фаластин мъмуряти бошкаруви остига ўтиш жараёни ҳамда давлат органларини ташкил килиш ва шакллантириш ишлари олиб борилмоқда. Асосий сиёсий партиялари – Фаластинни Озод килиш ташкилоти (ФОКТ) ва ХАМАС.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Фаластиннинг иқтисодий ривожланишига тўсқинлиг қилган омил бу унинг узок давр Исройл куролли кучлари боскуни остида бўлгандигидадир. Фаластин ахолисининг катта қисми пул топиш учун Исройл ва Форс кўрфази мамлакатларига бориб ишлайдилар. 1990 йилги Форс кўрфазидаги инкороз кўпгина фаластинликларни орта кайтиб, гарбий соҳиҳ ишсизлари сонини тўлдиришга мажбур килди. 2008 йили ЯИМ микдори 11 600 млн (ахоли жон бошига – 2900) долларни ташкил этган.

*Тарихи.* М. а. З минг йилликда замонавий Фаластин ҳудудида кадимги Ханаан цивилизацияси ташкил этилди. М. а. XII асрда Фаластиннинг кирғоқбўйи ҳудудлари филистимлянлар, колган қисми эса Исройл – Яхудийлар давлатига асос солган яхудий кабилалари томонидан босиб олинди. Яхудийлар давлати кулаганидан сўнг Фаластин Аҳамонийлар, Птолемейлар, Салавкийлар, Рим, Византия давлатлари таркибига кирган. VII асрда Фаластин араблар, XI асрда салибчилар томонидан ишғол килинган. 1516 йилда Фаластин Усмонийлар империясининг бир қисми, унинг инкоризидан сўнг инглиз протекторати бўлган. 1947 йилда БМТ Фаластин ҳудудида икки давлат – Араб ва Яхудий давлатлари ташкил этиш ҳақида қарор кабул килди. Бирок Фаластин давлатига тегишли ерларнинг катта қисми Исройл томонидан ишғол килинган бўлса, колган қисми Иордания давлати томонидан кўшиб олинди. 1964 йилда ташкил этилган Фаластиннинг Озод килиш ташкилоти Ёсир Арофат бошчилигида 1989 йилда Фаластин давлати тузилиши ҳақида эълон килди. 1993 йили Фаластин миллий мъмуряти тузилди. 1997 йилда Исройл ва Фаластинни Озод килиш ташкилоти ўргасида келишув имзоланиб, унга кўра Исройл Фаластиннинг автоном бўлиш хукукини тан олган. Бирок давлат институтларини ташкил килиш ҳозирги кунда мураккаб ички сиёсий шароитда олиб борилмоқда. 2001 йил 23 сентябрда ФММ раҳбари Махмуд Аббос БМТга Фаластинни тўла хукукли възо сифатида кабул килишни сўраб ариза берди. Фаластин 2011 йил 31 октябрда ЮНЕСКОга кабул килинди.

## ФАРЕР ОРОЛЛАРИ

*Расмий нами – Фарер Ороллари (Дания мулки). Мъмурӣ маркази – Торсхавн. Ҳудуди – 1400 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 48 660 киши (2012). Давлат тили – дан, фарер. Сигинуечиларнинг асосий қисми христиан динининг лютеран мазҳабига эътиқод қиласади. Пул бирлиги – дания кронаси ва фарер кронаси.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Атлантика океанининг шимолишаркий кисмida, Норвегия денгизида жойлашган давлат. Фарер ороллари ўз ичига 18 та ўрганилган ва бир неча ўрганилмаган оролларни камраб олади. Ороллар вулконли келиб чикишга эга бўлиб, уларнинг юзаси асосан чўккилидир. Энг баланд нуктаси – 882 м. Мамлакат иклими юмшок қиши ва салкин ёз билан тавсифланади. Оролларда асосан яйлов ўсимликлари, торф катламларида моҳ ва лишайниклар кўплаб учрайди. Кирғоз сувларида турли-туман баликлар ҳамда китлар учраб туради. Кирғозларида кушлар колониялари кенг тарқалган.

*Давлат туттилиши ва сиёсий партиялари.* Фарер ороллари – Дания кироллигининг ўз-ўзини бошкарадиган денгизорти маъмурий бирлиги. Давлат бошлиги – Дания монархи. Унинг номидан кирол аудитори парламентда иштирок этиш хукукига эга. Хукумат раҳбари – бош вазир. Конун чиқарувчи органи – парламент (легтинг). Ижро этувчи органи – Ландсстюр (коалицион хукумат). Маъмурий жиҳатдан муниципалитетларга бўлинган.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Иқтисодининг асосий тармоклари – балиқ овлаш ва кайта ишлаш, кемасозлик, курилиш ва хунармандчилик. Нокуляй икlim шароити ва хайдаладиган ерларнинг йўклиги туфайли кишлоқ хўжалиги заиф ривожланган. Жаҳон бозорида балиқ маҳсулотлари нархининг кўтарилиши ороллар иқтисодининг тез суръатлар билан ўсишига олиб келди. Бу ўз навбатида ишсизликни камайтириди ҳамда ишчи кучи етишмовчилигини вужудга келтирди. Балиқ оролларнинг асосий экспорт маҳсулотидир. Ороллар атрофида топилган нефть захиралари иқтисод тизимини аста-секинлик билан ўзгартириш имконини берди. 2010 йилда ЯИМ миқдори 1590 млн (аҳоли жон бошига – 32 600) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Дания, Германия, Франция.

*Тарихи.* Ороллар VI асрда Ирландия монахлари томонидан кашф қилинган бўлиб, бу ерда улар дастлабки манзилгоҳларга асос солишган. IX асрда оролларга норвегияликлар кириб келди. 1035 йилдан бошлаб Фарер ороллари Норвегия кироллигининг таркибий кисмiga айланди. Шундан сўнг 1380 йилда Норвегия билан биргаликда ороллар Дания кироллигига қўшилиб кетди. Иккинчи жаҳон уруши даврида ороллар немис боскинчиларини тўхтатиш мақсадида инглизлар томонидан эгалланди. 1948 йилда эса ороллар ҳозирги кундаги мақомини кўлга киритди. 1984 йилда Фарер ороллари ядродан холи зона деб зълон қилинди. Бирор оролларда Даниянинг ҳарбий денгиз базаси ва НАТОнинг радиолокацион комплекси жойлашган.

## ФИЖИ

*Расмий номи – Физжи Ороллари Республикаси. Пойтахти – Сува. Ҳудуди – 18 333 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 875 800 киши (2012). Давлат тили – инглиз, физжи ва ҳинд. Сигинчувчиларнинг асосий қисми христиан динининг протестант мазҳабига ва яхдийлик динига эътиқод қиласи. Пул бирлиги – физжи доллари.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Тинч океанининг жанубий кисмидаги Фижи оролларида (жами 844 та орол) жойлашган давлат. Энг йирик ороллари – Вити-Леву ва Вануа-Леву. Сохил бўйлаб чегара узунлиги – 1129 км. Оролларнинг рельефи вулканлар натижасида пайдо бўлган тоз тизмалари ва ясситогликлардан иборат. Энг баланд нуктаси – 1322 м. Асосий табиий бойликлари: балиқ, олтин, мис. Худудининг 8% и хайдаладиган ерлар, 65% ини ўрмон ва тўқайлар ташкил этади.

Иклими – тропик океан иклими. Тоғ ёнбагирлари тропик ўрмонлар билан копланган. Текис худудларда яйлов ўсимликлари ўсади. Фижининг хайвонот олами бой эмас. Кўп таркалган сут эмизувчилар – кўршапалак ва учар тулки. Четдан келтирилган ҳайвонлардан мангустлар кенг таркалган.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Фижи мустақилликка 1970 йилнинг 10 октяброда эришди (аввал Буюк Британия мустамлакаси). Шу сана миллий байрам ҳисобланади (Мустақиллик куни). Қонунчилиги инглиз умумий хукукига асосланган. Ижро этувчи ҳокимият президент (давлат бошлиги) ва бош вазир бошчилигидаги хукуматга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали парламент томонидан амалга оширилади. Йирик сиёсий партиялари: Фижи сиёсий партияси, Фижи миллий бирлашган фронти, Ер эгалари партияси, Миллий федератив партия, Лейбористик партия.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Мамлакат иқтисодининг асосий тармоғи – кишлөк хўжалиги (ЯИМ – 23%). Асосий экспорт маҳсулотлари – шакар ва копра (кокос ёнғонининг магзи). Ишлаб чиқариш асосан кишлөк хўжалиги маҳсулотлари ва балиқни қайта ишлаш билан боғлиқ. Асосий валюта манбаи туризм ҳисобланади. 2012 йилда ЯИМ миндори 3946 млн (аҳоли жон бошига – 4445) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Австралия, Янги Зelandия, Япония, ЕИ давлатлари.

*Тарихи.* Оролларнинг бир кисми 1643 йилда Тасман томонидан, колган кисми 1774 йилда. Кук томонидан кашф этилган. 1874 йилда Фижи Буюк Британия мустамлакасига айланади, лекин ички ўз-ўзини бошқариш хукукини сақлаб қолади. Британия Ҳамдўстлиги аъзоси Фижи мустақилликка 1970 йилда эришади. 1987 йилда подполковник Рабук бошчилигидаги давлат тўнтаришидан сўнг, Фижида республика тузуми ўрнатилди.

## ФИЛИППИН

*Расмий номи – Филиппин Республикаси. Пойтахти – Манила. Худуди – 299 765 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 102 000 000 киши (2011). Давлат тили – пилипоно ва инглиз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик маҳабабига эътиқод қиласи. Пул бирлиги – филиппин песоси.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Тинч океанининг гарбий кисмida, Малайя архипелагининг Филиппин оролларида жойлашган давлат. Филиппинга

тегиши 7100 дан ортик ороллар бор. Энг йирик ороллари – Лусон, Минданао, Самар, Панай, Палаван, Негрос, Миндоро, Лейте. Мамлакат ғарбда – Жанубий Хитой, шарқида – Филиппин, жанубда – Сулавеси дентизлари билан туташтан. Шимолда Филиппин оролларини Тайвань оролидан Бashi бүгози ажратиб турди. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 36289 км. Энг йирик ўн бир орол мамлакат худудининг 92%ини ташкил этади. Энг баланд чўккиси Минданао оролидаги Апо тогидир (2954 м). Асосий табиий бойликлари: ёғоч, нефть, никель, кобальт, кумуш, олтин, мис. Мамлакат худудининг 26% хайдаладиган ерлар, 40%ини ўрмон ва тўқайлардир.

Иклими – тропик. Филиппин худудининг деярли ярмини тропик ўрмонлар ташкил этиб, бу ўрмонларда пальма, каучук дарахти, баньян, апитонг, майапис, лауан, бамбук ўсади. Денгиз сатҳидан 1200 м баландлиқда бута ва яйлов ўсимиликлар учрайди. Оху, мангуст, кобон, турли кушлар ва судралувчилар ҳайвонот оламини ташкил этади. Соҳилбўйи сувларида турли хил баликлар ва моллюскалар учрайди.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат таркибига 74 та провинцияни ўз ичига олган 12 та маъмурий худуд киради. Филиппин 1946 йилнинг 4 июляда мустакилликка эришган. Миллий байрами 12 июнь – Мустакиллик куни (1898 йил Испаниядан). Давлат ва ҳукумат бошлиги – президент. Конун чиқарувчи олий орган Сенат (юкори) ва Вакиллар палатасидан (куйи) иборат Филиппин конгрессидир. Сиёсий партиялари: Либерал партия, Миллатчилар партияси, Филиппин коммунистик партияси, Филиппин ватанпарвар оммасининг демократия учун кураш партияси, Лакас-христиан демократлар миллий иттифоки – партия блоки.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Саноатининг энт ривожланган тармоқлари (ЯИМ – 35%) электроника, тўқимачилик, кимё, ёғочни қайта ишлаш, озиқ-овқат, фармацевтика. Кишлек хўжалиги (ЯИМ – 30%) ҳам мамлакат иқтисодида муҳим ўрин эгаллайди. Филиппин кокос ёнгоқлари ва кокос маҳсулотларини экспорт кибувчи йирик давлат хисобланади. Шоли, маккабӯхори, шакаркамиш, банан, ананас, манго етиштирилади. Чорвачилик ривожланган. 2012 йилда ЯИМ миқдори 240 664 млн (аҳоли жон бошига – 2614) долларни ташкил этган. Асосий савдо шерилари: АҚШ, Германия, Япония, Гонконг, Буюк Британия, Тайвань, Сингапур.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 378 км, автомобиль йўллари – 156 200 км, ички сув йўллари – 3219 км. Асосий портлари: Давао, Манила, Себу.

*Тарихи.* У асрдан бошлаб ҳозирги Филиппин худудида турли ҳалқлар ва маданиятларининг коришган цивилизацияси шаклланади. VII–XV асрларда Филиппин хинд-малай денгиз киролликларига қарам бўлган. 1521 йилда португалиялик Магеллан томонидан кашф этилган. XVI асрнинг дастлабки чорагида испан мустамлакасига айланади ва шу даврдан шаҳзода Филипп (бўлажак кирол

Филипп II) шарафига Филиппин деб аталади. Испан – Америка уруши даврида Филиппин АҚШга қарал бўлади (1898). Филиппин кўшинлари курашга киришиб, 1899 йилнинг январида мамлакатни республика деб эълон килишади. Лекин амалда Филиппин АҚШга қарамлигича қолаверади. 1942 йилда Филиппин япон кўшинлари томонидан босиб олинади. 1946 йилда расман мустакиллик эълон килинса ҳам, иктисадий ва сиёсий жихатдан Филиппин узок муддат АҚШ таъсири остида колади. 1968 йилдан 1972 йилгача христиан ва мусулмонлар ўргасида фукаролар уруши бўлади. 1965 йилда президентликка сайланган Маркос 1972 йилда мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий киради (1981 йилда бекор килинган). 1986 йилда у ҳокимиятни Корасон Акинога топширади. 1992 йилда Фидель Рамос президент этиб сайланди.

## ФИНЛЯНДИЯ

*Расмий номи – Финляндия Республикаси. Пойтахти – Хельсинки. Ҳудуди – 338 145 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 5 436 500 киши (2013). Давлат тили – фин ва швед. Давлат дини – христиан динининг лютеран мазҳаби. Пул бирлиги – евро.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Шимолий Европадаги давлат. Жануб ва шарқда – Россия (чегара узунлиги – 1340 км), шимолда – Норвегия (727 км), гарбда – Швеция (614 км) билан чегарадош. Куруклиқдаги чегаралари узунлиги – 2681 км. Мамлакатнинг кирғозлари гарбда Ботник кўлтиги, жанубда Фин кўлтиги орқали ўтади. Сохилининг узунлиги – 1126 км. Мамлакат ҳудудининг катта кисми текисликлардан иборат. Ҳудуднинг 30%ини боткокликлар ташкил этади. Мамлакатнинг шимоли-гарбидаги Лапландия жойлашган, шу ердан рельеф тоғли ҳудудларга ўзгаради. Бу тоғларда мамлакатнинг энг юкори нуқтаси – Халтиатунтури (1365 м) тоғи жойлашган. Финляндия – кўллар мамлакати – 60 000 га яқин кўл бор. Кўлларнинг энг йириклари – Пляянне, Сайма, Инари, Ниелинен. Асосий дарёлари – Торнио, Кеми, Оулу. Мамлакат ҳудудида титан, магний, мис, рух, темир, никельrudалари топилган. Мухим табиий бойликларидан бири ёғочdir. Ҳайдаладиган ерлар мамлакат ҳудудининг 8%, ўрмонлар 76%ини ташкил этади.

Иклими – мўътадил, шимолида континентал. Ҳудудининг катта юсмини ўрмонлар коплаган. Ўрмонларда қарағай, арча, эман, заранг, корақайн, корақарағай, шимолида тундра ўсимликлари ўсади. Шимол бугуси, лось, олма-хон, куён, тулки, қундуз, айик, бури, силовсин, 250 га яқин парранда ва қуш турлари ҳайвонот оламини ташкил этади. Дарё ва кўлларида турли баликлар кўп.

*Давлат тозишиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – унитар республика. Финляндия маъмурий жихатдан 5 лян (губерния)га, мукторият хукукига эга бўлган Аланд оролларига бўлинади. Лянлар кихлакунта (уезд)

ларга бўлингган. Финляндия 1917 йил 6 декабрда мустакилликка эришади (аввал Россия мустамлакаси). 6 декабрь миллий байрам – Мустакиллик куни хисобланади. Конунлар швед умумий хукукига асосланган. Ижро этувчи ҳокимият президент (давлат бошлиги) ва бош вазир бошчилигидаги хукуматга тегишили. Конун чиқарувчи олий орган – парламент (бир палатали). Сиёсий партиялари: Финляндия сўл иттифоқи, Финляндия коммунистик партияси, Финляндия халқи демократик иттифоқи, Либерал халқ партияси, Миллий коалицион партия, Финляндия кишлек партияси, Финляндия социал-демократик партияси, Яшиллар партияси, Финляндия маркази, Финляндия христиан-демократик партияси, Швед халқ партияси.

*Иктисади, транспорт коммуникациялари.* Финляндия қайта ишлаш тармокларига асосланган ривожланган бозор иктисадига эга. Бундан ташкири машинасозлик, кемасозлик, кимё, озик-овкат, тўқимачилик саноатлари ривожланган. Ёғоч ва бир катор казилма бойликларни хисобга олмагандан, Финляндия комашё ва энергия импортига карам. Иклим шароити туфайли кишлек хўжалиги дон етиштириш ва чорвачиллик билан чекланган. 2012 йилда ЯИМ миқдори 247 189 млн (аҳоли жон бошига – 46 098) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Германия, Швеция, Буқок Британия, АҚШ, Франция, Япония, Россия.

Темир йўлларининг узумий узунлиги – 5924 км, автомобиль йўллари – 78 400 км, ички сув йўллари – 3700 км. Асосий портлари: Котка, Турку, Хельсинки.

*Тарихи.* I минг йилларда Финляндия худудига сумъ (сумми), емъ ва кареллар келиб ўринашиди. 800 йилларга келиб финнлар Карелиягача етиб боришади ва фин-угор гурӯхига мансуб бошка златлар билан аралашиб кетишади. Кейинроқ мамлакат жанубини викинглар эгаллашади. 1150 йилда Финляндия тўлиқ Швецияга карам бўлади. Швеция Финляндияга христианликни олиб келади. 1809 йилда Финляндия Россия томонидан босиб олиниади. Аввалига Финляндия мълум автономияга эга бўлади. XIX аср охириларида Финляндияда мажбурий руслаштириш сиёсати амалга оширила бошланди. Россияда инкилоб содир бўлгач, Финляндия мустакилликка эришади ва қиска муддатли монархиядан сўнг мамлакат республика деб зълон килиниади. Совет – фин урушида (1939–1940) Финляндия маглубиятга учрайди. Икки ўртада тузилган сулҳга кўра Финляндия Карелия ва Лапландиядан ажрайди. 1960 йилда Финляндия Скандинавия давлатларининг умумий бозорига кирди. 1995 йилда Финляндия ЕИГа аъзо бўлди.

## ФОЛКЛЕНД ОРОЛЛАРИ

*Расмий номи – Фолкленд (Мальвин) ороллари. Маъмурӣ маркази – Порт-Стэнли. Ҳудуди – 12 200 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 3 140 киши (2012). Давлат тили – инглиз. Сигинуучиларнинг асосий қисми христиан динига эътиқод қиласади. Пул бирлиги – фолкленд фунти.*

*Географик жаңуаби-гарбий кисмидаги архипелаг.* Архипелаг иккى йирик – Соледад да ороллар ҳам унинг таркибиға киради. Ороллар чўкма жинслардан ташкил топган. Гарбий Фолкленд оролининг энг юкори нуқтаси – Адам тоги (706 м).

Иклими – салқин океан иклими. Ўсимлилар дунёси камбағал, торф боткоқликлари мавжуд. Ҳайвонот дунёсида денгиз жониворлари кўп: тюлен, кискичбака, балик ва кушларнинг турлари.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – Буюк Британия мулки. Оролларни Буюк Британия кироличаси томонидан тайинланадиган губернатор бошқаради. Маймурий-худудий бўлиншишга эга эмас. Оғир самолётларни кабул қилиш учун кўниш майдони ва базаси мавжуд. Сиёсий партияси: Фолкленд оролларининг миллий тараққиёт партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Махаллий аҳолининг асосий машгулоти – қўйчилик, балиқчилик. Қорамол ва отлар ҳам бокилади. Озик-овкат ишлаб чиқариш ва жунга ишлов берини фабрикалари ҳам мавжуд. Картоташка, қарам, пиёз, лавлаги, арпа каби маданий ўсмилклар етиширилади. 2010 йилда ЯИМ миқдори 105 млн (аҳоли жон бошига – 33 400) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Буюк Британия, Аргентина.

*Тарихи.* Архипелагни ўрганиш учун биринчи жиiddий уриниш голланд денгизчиси Себальд Веерт томонидан амалга оширилди. Оролларга Себальдин ороллари номи берилиб, улар географик хариталарга киритилди. 1760 йилнинг январида инглизлар гарбий ва шаркий оролларни ажратиб турган бўғозни кашф қилишди ва унга инглиз флоти газначиси лорд Фолкленд номинин берадилар. Кейинчалик бутун архипелаг шу ном билан атала бошланди. XVIII асрда оролларга Сан-Мало портидан йўлга чиккан француз денгизчилари серкатнов бўлиб қолишли. Шу тарика бу архипелаг ўзининг иккинчи, Мальвин ороллари номига эга бўлди. Бу ном расман Аргентина ва Лотин Америкасининг бошка мамлакатларида ишлатилади. 1764 йилда Мальвин оролларига машҳур денгизчи Луи Антуан де Бугенвиль бошчилигидаги денгиз экспедицияси келиб тушди. У Соледаднинг шаркий кирғокларида доимий манзилгоҳ – Порт-Сен-Луига асос солди. Айнан шу ерда ороллар Франция мулки деб зълон килинди. Буюк Британия Францияни архипелагдан сикиб чиқаришга уринади. 1765 йилда инглиз денгизчиси Жон Байрон Шаркий Фолкленда куролланган отряд тушириб, Порт-Эгмонт фортига асос солиб, оролларни Британия мулки деб зълон килди. Англия ва Германия билан олиб борилган Етти йиллик уруушда банд бўлган Франция архипелагини Испанияга 25 минг фунт стерлингга сотиб юборди. Испания ва Англия муносабатлари шу даражада кескинлашади, ҳарбий тўқнашув юз бериши тайин бўлиб колди. Узоқ давом этган можаролардан сўнг Испания Англияга Порт-Эгмонтни қайтариб берини учун Англия архипелаг сувренитетитияга

дан воз кечишга мажбур эди. Бирок инглизлар 1774 йил оролларни Буюк Британия мулки деб эълон килган холда ўз гаризонини олиб чишиб кетди. Кейинги йилларда Рио-де-ла-Плата вице-кироллигининг таркибий кисми деб эълон килинган Мальвин оролларига Испания ва Жанубий Америкадан кўчманичилар келиб ўрнаша бошлади. XIX аср бошларида Буюк Британия бутун Ла-Плата худудини босиб олишга уринди. Бирок инглизлар маҳаллий аҳолининг жиддий каршилигига дуч келди. 1816 йили Ла-Платанинг бирлашган провинциялари Испанийдан мустакиллигини эълон килиб, 1826 йилда Аргентина республикаси таъсис этган конституцияни кабул килди. Мальвин ороллари ва континентал шельф доирасидаги барча испан ороллари республика таркибиға киритилди. 1820 йилда капитан Девид Жуитт бошчилигидаги «Эроина» аргентин фрегати Мальвин оролларига етиб келди ва бу ерда Аргентина республикаси байроби кўтарили. 1833 йилнинг 3 январида инглизлар оролларни эгаллаб олишиди. Аргентина хеч қачон Буюк Британиянинг архипелагта бўлган худудий хукукларини тан олмаган ва бир ярим аср давомида оролнинг мустакиллиги тикланишини талаб килиб келмоқда. 1982 йилда Англия ва Аргентина ўргасида ороллар масаласида ҳарбий тўқнашув содир бўлди. Бу можарода Аргентина маглуб бўлди, лекин оролларга бўлган даъвосидан воз кечмади.

## ФРАНЦИЯ

*Расмий номи – Франция Республикаси. Пойтахти – Париж. Худуди – 547 030 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 63 704 000 киши (2013). Давлат тили – француз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – евро.*

**Географик жойлашуви ва табиати.** Европанинг гарбидаги давлат. Жанубида – Испания (чегара узунлиги – 623 км) ва Андорра (56,6 км), жануби-шарқида – Монако (4,4 км), шимоли-шарқда – Бельгия (620 км) ва Люксембург (73 км), шарқда – Швейцария (573 км), Италия (488 км) ва Германия (451 км) билан чегарадош. Куруклидаги чегаралари узунлиги – 2889 км. Жанубда мамлакат Ўрта Ер денгизи, гарбда – Бискай кўрфази, шимоли-гарбда – Ла-Манш ва Па-де-Кале бўтозлари билан туташган. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 2700 км. Ўрта Ер денгизидаги Корсика ороли, тўртта денгизорти департаментлари – Мартиника, Гваделупа, Реюнион, Француз Гвианаси ҳамда денгизорти худудлари – Франция Полинезияси, Янги Каледония, Сен-Пьер ва Микелон, Тинч оксанидаги бир катор архипелаглар Францияга тегишли. Мамлакатнинг гарби ва шимоли текисликлардан иборат. Марказ ва шарқда ўрта баландликдаги Марказий массив, Вогез, Юра тоглари жойлашган. Жануби-гарбда Испания билан табиий чегара хосил килган Пиреней тоглари ётади. Бу тог тизмасининг энг баланд

нүктаси – Пик-де-Винмаль (3298 м). Мамлакаттнинг жануби-шарқида Франция ва Гарбий Европанинг энг баланд чўккиси жойлашган Монблан тоги (4807 м) кад кўтарган. Асосий дарёлари – Сена, Рона, Луара, Гаронна. Кўллар Францияда кўп эмас, энг йирик кўл – Женева (аксарият кисми Швейцарияда жойлашган). Асосий табиий бойликлари: кўмир, темир рудаси, бокситлар, рух, балик, ёғоч. Хайдаладиган ерлар худудининг 32%, ўрмон ва тўйайлар 27%, ўтлор ва яйловлар 23% ини ташкил этади.

Иклими – мўътадил, Корсика оролида – субтропик. Мамлакаттнинг тўртдан бир кисмини ўрмонлар ташкил этади. Ўрмонларда зман, карагай, коракайн, қайрагоч, ок қайнин, арча, каштан каби дарахтлар, Ўрга Ер дengизи бўйларида зайдун, ток, пальма, агавалар ўсади. Хайвонот дунёсини айик, тог эчкиси, муфлон, тулки, бўрисик, оху, косула, тўнгиз, олмахон, каклик, бургут, фламинго (жанубда) ташкил этади.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат таркибига 96 департаментта бўлинган 22 та регион (вилоят) киради. Бундан ташкари денгизорти департаментлар ва денгизорти худудлар ҳам Франция таркиби га киради. Биринчи республика 1792 йилда эълон килинган. Сўнгги конституция (Бешинчи республика) 1958 йил 28 сентябрда кабул килинган. Миллий байрам 14 июль – Бастилия олинган кун (1789). Давлат бошлиги – президент. Президент бош вазир (Вазирлар кенгаши раиси)ни тайинлайди. Қонун чиқарувчи ҳокимият Сенат (юкори палата) ва Миллий мажлис (куйи палата)дан иборат парламент томонидан амалга оширилади. Сиёсий партиялари: Француз социалистик партияси, Республикани қўллаш бирлашув партияси, Француз демократияси учун халқ партияси, Франция коммунистик партияси, Миллий фронт.

*Иктиносиди, транспорт коммуникациялари.* Франция дунёнинг юкори тараккий этган саноат, катта кишлек хўжалиги ресурсларига эга бўлган мамлакатларидан биридир. Саноатининг асосий тармоқлари (ЯИМнинг 1/4 кисми): машинасозлик, кимё, автомобиль, самолётсозлик, электроника, металургия, тонкон, тўқимачилик, озиқ-овқат. Унумдор ерларнинг катта майдонлари, замонавий технологияларнинг кўлланилиши, хукумат субсидиялари Францияни Гарбий Европада кишлек хўжалиги маҳсулотларини стиштирувчи етакчи давлатта айлантириди. Мамлакат иктиносидан хизмат кўрсатиш соҳасининг саломги ортмоқда. 2012 йилда ЯИМ миқдори 2 608 699 млн (ахоли жон бошига – 41 141) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕИ давлатлари, АҚШ, Япония.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 34 568 км (11 674 км электрифициациялаштирилган), автомобиль йўллари – 155 1400 км (803 000 км асфальтланган), ички сув йўллари – 15 000 км. Асосий портлари: Марсель, Бордо, Гавр, Дюнкерк, Нант-Сен-Назер, Руан.

*Тарихи.* М. а. I аср ўрталарида Галлия (ҳозирги Франция) Рим империяси томонидан босиб олиниади. Франклар Галлияга Үасрда кириб келишади. Франклар

кироллиги каролинглар сулоласи вакили Карл Буюк даврида кудрат чўккисига кўтарилади. 987 йилда ҳокимиятга капетинглар сулоласи келади. Фарбий Европада Франциянинг таъсири XIII асрда Филипп II Август ва Людовик IX даврида оргади. XIV асрда ҳокимиятта валуа сулоласи келади. 1337 йилдан 1453 йилгача Франция Англия билан «Юз йиллик уруш» олиб боради. Шу даврда инглиз қўшинларига карши озодлик курашини Жанна д'Арк бошчилик килади. XVIII аср охирида абсолютизмнинг инкизрога учраши аввалига кирол ҳокимиятининг чекланишига (1789 йилда Бастилиянинг олиниши, Миллий Ассамблейнинг тузилиши), кейинчалик эса Биринчи республиканинг тузилишига (1792) олиб келди. 1793 йилда крепостнойлик хукуки бекор килинди. 1799 йили Наполеон Бонапарт давлат тўнтириши ўтказиб диктатура ўрнатди ва 1804 йилда ўзини Наполеон I номи билан император деб эълон килди. Босқинчилик урушлари натижасида Франция деярли бутун Марказий ва Фарбий Европани ўзига бўйсундирди. 1812 йилги Россияяюриш «Буюк армиянинг» яксон қилиниши билан тугади. 1814 йилда рус қўшинлари Парижни босиб олиди, бу ҳолат Францияда Бурбонлар реставрациясига олиб келди. 1815 йилда Наполеон киска муддатта ҳокимиятта қайтди («100 кун») ва Ватерлоо мағлубиятидан сўнг, у бутунлай ҳокимиятни кўлдан бой берди. Франция инкилобдан олдинги чегараларга қайтди. 1830 йилги инкилоб буржуа монархиясининг ўрнатилишига олиб келди. Навбатдаги 1848 йилги инкилоб натижасида Францияда Иккинчи республика эълон килинди. Император Наполеон III 1852 йили монархияни қайта тиклади. 1853–1856 йилларда Франция Россияяюриш Крим урушида иштирок этди. 1870–1871 йиллардаги Франция – Пруссия уруши Эльзас ва Лотарингиянинг бой берилиши билан тугади. 1871 йил – Париж Коммунасининг тузилиши ва ҳалокати. Учинчи Республика конституцияси 1875 йилда кабул килинди. 1914–1918 йилларда Франция Биринчи жаҳон урушида иштирок этди ва фалаба қозонди. Унинг натижаларига кўра, Версаль шартномаси бўйича Эльзас ва Лотарингияни ўзига қайтариб олди. Шунингдек, Саар вилояти, Того ва Камерун ҳам Францияга ўтди. Иккинчи жаҳон уруши даврида Франция немис қўшинлари томонидан оккупация килинди: мамлакат иккиси кисмга бўлинди (босиб олинган ҳудудлар ва Мухтор Франция давлати). 1944 йили Нормандияга иттифоқчи қўшинлар туширилди ва Франция озод килинди. 1946 йили Тўртингичи Республика конституцияси кабул килинди. Франция 1949 йили НАТОга аъзо бўлиб кирди. 1945–1954 йилларда Вьетнамдаги мустамлака урушлари натижасида Франция Хиндиҳитойни бой берди. 1957 йилда мамлакат ЕИ аъзоси бўлди. 1958 йилда ижроия хукумат хукукларини кенгайтирган янги конституция (Бешинчи Республика) кабул килинди. 1960 йили Франция мустамлака тизимининг парчаланиш жараёни бошланди. 1962 йили Жазонир мустақилликка эришди. 1966 йили Франция НАТОнинг ҳарбий тузилмаларидан чиқди, 1970–1990 йилларда Европа интеграциясининг фаол тарафдори бўлиб келди. 2005 йилда келиб чикиши Осиё ва

Африкадан бўлган муҳожирларнинг норозилик чикишлари катор тартибсизликларни келтириб чиқарди. 2007 йил май оидаги президентлик сайловларида Н. Саркози, 2012 йилда эса Ф. Олланд галиб чиқди.

## ФРАНЦУЗ ПОЛИНЕЗИЯСИ

*Расмий номи – Француз Полинезияси. Маъмурий маркази – Папеэте. Худуди – 4200 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 276 700 киши (2012). Давлат тили – француз. Сиги-нувчиларнинг асосий қисми христиан динининг протестант-кальвинист (54%) ва католик (30%) мазҳабларига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – француз тинч океани франки.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Француз Полинезияси – Океанияда, Тинч океанининг шарқий кисмida жойлашган. Француз Полинезияси бир-биридан узук масофада жойлашган, жами 130 ta оролдан иборат, 5 архипелагдан ташкил топган. Уларнинг бир қисми вулканлар натижасида пайдо бўлган, бир қисми эса маржон ороллари хисобланади. Оролларнинг шамол йўлидаги ёнбагирлари доим яшил ўрмонлар, шамолдан панадаги жойлари эса коялардан иборат.

Иқлими – экваториал, тропик пассатли. Фойдали казилмалардан фосфат ва кобальт конларига эга. Ўсимлик дунёси – оролларникiga хос. Панданус, кокос, нон дарахти, пальма ўсади. Водийлари тропик ўрмонлар билан банд. Ҳайвонот дунёси сурдалиб юрувчилар ва қушларга бой. Бу ерда альбатрос, чайка, тұти, булбул, кабутар ва бошқалар кўп таркалган.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* Француз Полинезияси – Франциянинг денгизорти уюшмаси. Ҳудуд бошқарувини олий комиссар амалга оширади. Ижроия ҳокимияти раис бошчилигидаги ҳукуматта тегишли. Қонун чиқарувчи орган – ҳудудий Ассамблек (41 депутат). Маъмурий-ҳудудий жиҳатдан 5 округга бўлинади. Сиёсий партиялари: Социалистик партия, Полинезия иттифоки, Полинезия республикаси учун бирлашув.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Иқтисодининг асосини чет эллик туристларга хизмат кўрсатиш, шунингдек, гавҳар экспорти ташкил этади. XX асрнинг 80-йилларида оролларда фосфат ва кобальт конлари очилди. ЯИМ да қишлоқ ҳўжалигининг улуши кам, маҳсулотларининг асосий қисмини майдада ҳўжаликлар беради. Ваниль, ананас, банан етиштирилади. Балиқчилик ривожланган. 2010 йилда ЯИМ миқдори 4718 млн (аҳоли жон бошига – 16 000) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Франция, АҚШ.

Асосий денгиз порти – Папеэте (Таити оролида).

*Тарихи.* Тахминан 2000 йил олдин бу оролларга одамлар дастлаб Самоа врхипелагидан сузид келишган. 1495 йил европаликлар (испаниялик Менданья) томонидан Француз Полинезияси ороллари таркибига киравчи Маркиз оролла-

ри кашф этилди. Европаликлар дастлаб XIII асрда келиб ўрнашишганлар. XIX асрнинг 40-йилларида оролларнинг асосий қисмни Франция босиб олди ва ўз назоратини ўрнатди. 1885 йилдан 1958 йилгача босиб олинган ҳудудлар Француз Океанияси деб номланди. 1958 йили мамлакат Франциянинг деңгизорти ҳудуди макомини олди. Полинезия француз губернатори томонидан 1977 йилнинг марта тигача бошқарили, кейин ички ўз-ўзини бошқарув хуқукини қўлга киритди, губернатор олий комиссарга алмаштирилди. 1996 йилда Полинезия Франциянинг автоном ҳудуди макомини олди. Франция ороллар устидан тўла назоратни ўзида ушлаб колди. 2004 йили деңгизорти уюшмаси мақомини олди.

## ХИТОЙ

*Расмий номи – Хитой Ҳалқ Республикаси. Пойтахти – Пекин. Ҳудуди – 9 597 000 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 1 358 678 000 киши (2013). Давлат тили – хитой тилининг мандарин диалекти. Сигинувчиларнинг асосий қисми конфуцийлик, даосийлик, буддавийлик, христиан ва ислом динларига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – юань.*

*Географик жойлашуви ва табиати. Осиённинг маркази ва шарқидаги давлат. Шимоли-шарқ ва шимоли-гарбда – Россия (3645 км), шимолда – Монголия (4677 км), шимоли-шарқда – Шимолий Корея (1416 км), шимоли-гарбда – Козогистон (1533 км) ва Киргизистон (858 км), гарбда – Покистон (523 км), Тожикистон (414 км), Афғонистон (76 км), жануби-гарб ва жанубда – Ҳиндистон (3380 км), жанубда – Мьянма (2185 км), Вьетнам (1281 км), Непал (1236 км), Бутан (470 км), Лаос (423 км), жануби-шарқида – Макао (0,34 км), Гонконг (30 км) билан чегарадош. Куруклидаги чегаралари узунлиги – 22 117 км. Жанубда Жанубий Хитой деңгизи, шарқда Сарик ва Шаркий Хитой деңгизлари билан туташ. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 14 500 км. Хитой ҳудудининг каттallиги жиҳатидан дунёда учинчи ўринда туради. Хитойнинг жанубида Наньлин ва Юньнань – Гўйчжоу тоглари кад кўтарган. Жануби-гарбда Ҳимолай – Коракурум, Наньшань, Куньлунъ тоглари билан ўралган. Жануби-гарбда ўртacha баландлиги тахминан 4500 м бўлган Тибет тоглари жойлашган. Непал билан чегарарада дунёдаги энг баланд чўкки Жомолунгма (Эверест – 8848 м) жойлашган. Гарб ва шимоли-гарбда Такла-Макон чўли ётади. Хитойнинг шимолида Гоби чўли ёйилган. Шимоли-шарқида Катта Хинган, Кичик Хинган тоглари жойлашган. Асосий дарёлари – Янзи, Хуанхе, Сунгари, Сицзян. Ер ости бойликлари: темир рудаси, кўмир, нефть, симоб, вольфрам, калайи, сурма, марганец, молибден, рух, кўргошин, алюминий, уран. Ҳайдаладиган ерлар умумий майдоннинг – 10%, ўтлок ва майсазорлар – 31%нни эгаллади.*

*Иқлими – ҳудудининг катталиги туфайли иқлим турлича: мўътадил, субтропик ва тропик. Хитойнинг ўсимлик дунёси характер жиҳатидан икки зона-*

га: шаркий ва гарбий кисмларга бўлинади. Брахмапутра водийсида игнабаргли ўрмонлар: карагай ва кедрнинг хар хил турлари ўсади. Бўри, тулки, айик, йўлбарс, соболь, колонок, оқ сичкон, олмахонлар ва бошқалар яшайди.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Хитой Халқ Республикаси (ХХР) конституцияга кўра халқ демократик диктатураси ўрнатилган социалистик давлат. Мамлакат таркибида 22 та провинция, 5 та автоном ҳудуд ва 3 та марказга бўйсунувчи шаҳар – Пекин, Шанхай ва Тиньцзинъ бор. Хитой Халқ Республикаси 1949 йилнинг 1 октябринда ташкил топган. 1 октябрь Миллий байрам – ХХР зъёлон килинган кун. Ижро этувчи ҳокимият ХХР раиси (давлат бошлиги) ва Давлат қенгаши раиси (хукумат бошлиги)га тегишили. Давлат ҳокимиятининг конун чиқарувчи олий органи – Халқ вакиллари умумхитой мажлиси. Мамлакатда бошқа сиёсий партиялар пайдо бўлганига қарамай, сиёсий ҳаётни Хитой коммунистик партияси белгилайди.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* XX асрнинг 80-йилларида Хитой раҳбарлари марказлаштирилган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишга киришди. Бунинг учун қишлоқ ҳўжалиги коллектив ҳўжаликдан фермерлик тизимига ўтилди. Қишлоқ ҳўжалиги ялпи миллий маҳсулотнинг 30%ини таъминлайди. Саноатнинг ривожланган тармоклари – металлургия, машинасозлик, кўмир, нефть казиб олиш, тўқимачилик, кимё, ҳарбий саноат, информацион технологиялар, космик соҳа. 2012 йилда ЯИМ минкори 8224037 млн (аҳоли жон бошига – 6077) долларни ташкил этган. ЯИМнинг умумий салмоғи бўйича Хитой дунёда иккинчи ўринга чиқиб олди. Асосий савдо ҳамкорлари: Гонконг, Япония, АҚШ, Россия, Тайвань, Германия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – таҳминан 54000 км. Автомобиль йўллари – 1 300 000 км, ички сув йўллари – 138 600 км. Асосий портлари: Гуанчжоу, Далянь, Циндао, Шанхай.

*Тарихи.* Биринчи Хитой сулоласи – Цинь (м. а. XVIII–XI асрлар), м. а. XIV асрда Ин номини олган. М. а. 1111 йилда давлат чжоу кабилалари томонидан забт этилган. М. а. VII асрда Чжоу давлати бир нечта подшоликларга бўлинниб кеттган. М. а. III асрда 36 та провинцияга бўлинган марказлашган Цинь империяси пайдо бўлди. Бу империя даврида хуннлар ҳужумидан ҳимояланиш максадида Буюк Хитой девори курилган. М. а. 206 йилда Цинь империяси ўрнида пайдо бўлган Ханъ империяси м. а. 140–87 йилларда ўз ривожланишининг энг юкори чўккисига чиккан. «Уч кироллик» давридан кейин мамлакатда ҳокимият 907 йилгача ҳукмронлик килган Тан сулоласи қўлига ўтган. XIII асрда Хитойни мўгуллар босиб олишибди. 1368 йилда ҳокимиятни Хитой императори қўлига таянтирилган кўзғолонларни бостириш учун манъжур кабилалари кўмагига таянади. Манъжурлар 1644 йилда ҳокимиятни кўлга киритиб, 1912 йилгача мамлакатни идора киладилар. Империя худудини Сибирь, Олтой, Помир ва Непалгача

кенгайтирган манъжурлар ҳукумати XIX асрда кўплаб ички ва ташки муаммаларга дуч келади. 1912 йилда Сунъ Ятсен Гоминьдан ҳукуматига асос солади. Сунъ Ятсен ўлимидан кейин Чан Кайши гурухи коммунистлар билан алоказани узид Нанкинда миллий ҳукумат тузади. 1938 йилда япон қўшинлари инг бостириб киришидан кейин гоминьданчилар босқинчиларга карши курашиш учун коммунистлар билан бирлашадилар. Гоминьданчилар мағлубиятта учраб, Тайванга кочишиди, коммунистлар эса Мао Цзедун бошчилигига 1949 йилнинг 1 октябринда Хитой Республикасининг ташкил топганини эълон қиласди. XX аср 50-йилларининг 2-ярмида Мао Цзедун бошчилигидаги ХХР раҳбарлари «катта сакраш» сиёсатини амалга ошириди. Барча кишлек хўжалиги кооперативлари «халк коммуналари»га айлантирилди.

1966–1976 йилларда «маданий инклиб» амалга оширилди. Мао Цзедун шахсига сигиниш авж олди. XX асрнинг 80-йилларидан Дэн Сяопин бошчилигига иктисадий ва сиёсий ислохотлар йўли танланди. 1990 йилларнинг бошларида Хитой коммунистик партияси томонидан амалга оширилаётган «социалистик бозор хўжалиги»га ўтиш шаклланди.

## ХОРВАТИЯ

*Расмий нами – Хорватия Республикаси. Пойтахти – Загреб. Ҳудуди – 56 538 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 4 398 150 киши (2012). Давлат тили – хорват. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик (77%) ва православ (12%) мазҳабларига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – куна.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Европанинг жануби-шаркида, Болқон яриморолининг шимоли-гарбидаги жойлашган давлат. Шарк ва жануби-шаркида – Босния ва Герцеговина (чегара узунлиги – 932 км), шимолда – Словения (670 км) ва Венгрия (329 км), шарк ва жанубда – Сербия (241) ҳамда Черногория (25 км) билан чегара дош. Куруклидаги чегаралари узунлиги – 2197 км. Хорватияга Адриатика денизидаги энг йирик Крк, Црес, Хвар, Корчула, Брач каби бир катор ороллар тегишли. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 5090 км (материк қисми – 1078 км, оролларники – 4012 км). Мамлакат ҳудуди асосан текислик ва пасттекисликлардан иборат. Адриатика денизи соҳилида Динор тоги (Хорватиянинг энг баланд нуқтаси – Синъял чўққиси (1831 м), Велебет тизмаси ва Ка-пела тизмаси жойлашган.

Асосий дарёлари: Сава, Дунай. Хорватия нефть, табиий газ, кўмир, марганец, хром, темир рудаларига эга. Ҳудудининг 32% и ҳайдаладиган ерлар, 18% ўтлок ва яйловлар, 15% и ўрмон ва тўқайлардир.

Иклими – Ўрта Ер денизи тилидаги иклим. Ҳудудининг катта қисми иғнабаргли ўрмонлар билан копланган. Баргли ўрмонлар ҳам учрайди. Адриатикага

ка денгизи соҳилларинда асосан буталар ўсади. Хайвонот олами бой. Далматин оролларида мангустлар учрайди.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузуми – унитар республика. Мамлакат таркибига 22 та жупаний (маъмурий худуд) киради. Хорватия мустакиликка 1991 йилнинг 26 июнида эришиди (аввал ЮСФСР таркибидаги бўлган). Ижро этувчи ҳокимият президент (давлат бошлиғи) ва раис бошлиғидаги ҳукуматга тегишили. Конун чикарувчи олий орган – Хорватия Собори (вакиллар ва жупанийлар палаталаридан иборат). Сиёсий партиялари: Либерал партия, Социал-демократик партия, Демократик партия, Хорватия дехконлар партияси, Хорватия ҳуқук партияси, Хорватия мустакил демократлари, Хорватия демократик ҳамдўстлиги.

*Иктисоли, транспорти, коммуникациялари.* Юgosлавия таркалгунча Хорватия Словения каби иктисолий жиҳатдан тарақкий эттан худуд хисобланарди. Сербия билан уруш тугагандан сўнг Хорватия катта микдордаги ташки карз, вайрон этилган инфраструктура, собик юgosлав республикалари билан иктисолий алокаларнинг узилганилиги каби муаммоларни меваффакияти бартараф этди. Саноатнинг тарақкий эттан тармоқлари: кемасозлик, нефтий кайта ишлаш, машинасозлик, кимё, ёғочни кайта ишлаш, электротехника, электроника, фармацевтика, озиқ-овқат, тўқимачилик. Қишлоқ ҳўжалигига дехкончилик (маккажӯхори, бўғдои, каналлавлаги, кунгабокар, каноп) етакчи. Узум этиштириш ривожланган. Этник гурухлар ўртасидаги низолар тугагандан сўнг, туризм мамлакатнинг асосий даромад манбаига айланди. 2012 йилда ЯИМ микдори 57 493 млн (ахоли жон бошига – 12 972) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕИ давлатлари, собик Юgosлавия республикалари.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 2698 км, автомобиль йўллари – 32 071 км (23 305 км каттик копламали), ички сув йўллари – 785 км. Портлари: Дубровник, Риека, Сплит (денгиз), Вуковар, Осиек (ичкни).

*Тарихи.* I асрда хозирги Хорватия худуди Рим провинцияси – Паннония таркибига кирган. VII асрда Карпат тоғларидан кўчиб келган хорватлар бу худудда 925 йили Хорват кироллигига асос солди. 1102 йилда Хорватия Венгер кироллиги таркибига киради ва турк (1526–1599) хамда француз (1809–1813) оккупацияларини ҳисобламаганда, 1918 йилгача бу киролликка тобе бўлади. 1919 йилда мамлакат серблар, хорватлар ва словенлар кироллигига таркибига киради. 1941 йилда мамлакат серблар, хорватлар ва словенлар кироллигига таркибига киради. 1941 йилнинг маѓлубиятидан сўнг Хорватия Юgoslavия таркибига киради. 1991 йилда Хорватия ўз мустакиллигини ўзлон килади, натижада серблар ва хорватлар ўртасида этник низо келиб чиқади. Мамлакатта Юgosлав миллий армияси киритилиб, 1995 йилгача давом этган мустакиллик учун уруш бошланди. Хорватия ва Словения мустакиллигини ўзлон килиниши Юgoslavиянинг парчалаватия ва

нишини бошлаб берди. 1998 йилда Хорватия ўз худудий яхлитлигига эришиб, биринчи президентини сыйлади.

## ЧАД

*Расмий номи – Чад Республикаси. Пойтахти – Нжамена. Худуди – 1 284 000 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 11 274 106 киши (2009). Давлат тили – француз ва араб. Сиги-нуучилар ислом (50%) ва христиан (25%) динларига ҳамда мъажусийликка (25%) эътиқод қиласиди. Пул бирлиги – африка франки.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Марказий Африкадаги давлат. Шарқда – Судан (чегара узунлиги – 1360 км), жанубда – Марказий Африка Республикаси (1197 км), гарбда – Нигер (1175 км), Камерун (1094 км) ва Нигерия (87 км), шимолда – Ливия (1055 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги – 5968 км. Мамлакатнинг марказий қисмida катта сувсиз текисликлар, шимолий худудлари Сахрои Кабирда жойлашган. Шимоли-гарбда мамлакатнинг энг баланд нуктаси – Эми Куси (3415 км) бўлган Тибести тоғлари мавжуд. Жанубда пасттекисликлар жойлашган. Энг катта кўли – Чад. Асосий дарёси – Шари (кема катнови мавжуд). Мавжуд нефть конлари эксплуатация қилинмайди, уран конлари бор. Худудининг катталигига карамай хайдаладиган ерлар 2%, ялов ва ўтлоклар 36%, ўрмон ва тўйайлар 11%ини ташкил қиласиди.

Иклими – тропик чўл иклимидир. Асосан чўл ва саванна ўсимликлари ўсади. Даражатлардан дум пальмаси ва баобаб учрайди. Фил, каркидон, ёввойи хўқиз, жирафа, антилопа, арслон, қоплон, гепард, чиябўри, гиена, бегемот, тимсоҳ, фламинго, сакокуш, маймунлардан павиан ва колобуслар ҳайвонот оламини ташкил этади.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 28 та префектурага бўлинган. Чад мустакилликка 1960 йилнинг 11 августида эришибди (аввал француз Экваториал Африкаси худудининг бир қисми бўлган). 11 август – Миллий байрами (Мустакиллик куни). Ижро этувчи қокимият – президент (давлат бошлиги) ва бош вазир бошчилигидаги хукуматга тегишили. Конун чикарувчи олий орган – Миллий мажлис. Сиёсий партиялари: Демократия ва тараккӣёт учун миллий уюшма, Тараккӣёт ва янгиланиш миллий иттифоки, Миллий куткариш ватанпарварлик ҳаракати, Янгиланиш ва демократия учун иттифок, Чад миллий озодлик фронти.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Чад фуқаролар урушлари ва тез-тез бўладиган кургокчиликлар туфайли ночор аҳволдаги иқтисодга эга бўлган Африканинг камбагал давлатлардан биридир. Иқтисодининг асосий тармоғи 80% меҳнатта лаёкатли аҳоли банд бўлган кишлек хўжалиги (ЯИМ нинг 45%)дир. Пахта умумий экспорт ҳажмининг 48%ини ташкил этади. Жўхори, ер ёнгок, шоли, тарик, картошка, маниок экиласиди. Чорвачилик ривож-280

ланган. Саноат кишилек хұжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва тұқимачи-лик билан чегараланған. 2012 йилда ЯИМ міндеттері 9723 млн (аҳоли жон Нигерия, Камерун, АҚШ).

Темир йүллари йўқ, автомобиль йўлларининг умумий узунлиги – 31322 км (асосан тупроқ йўллар), ички сув йўллари узунлиги – 2000 км.

**Тарихи.** IX аср бошларидан ҳозирги Чад худудида Канем кироллігі ташкил топади. XI асрда ушбу кироллік хукмдорлар исломни қабул килишади ва ўз худудларини қенгайтиришади. Чад кўлидан гарбда XIV асрда вужудга келган Борну кироллігі XVI асрда Канемни ўзига бўйсундиради. XIX аср охирида ҳозирги Чад худуди Судан императорига қарам бўлади, кейинрок эса Франция бу худудларни босиб олади ва 1910 йилда Чадни Француз Экваториал Африкаси таркибидаги мустамлака деб ёълон килади. 1958 йилда Француз Ҳамдўстлиги доирасидаги муҳториятни кўлга кириптан. Чад 1960 йилнинг августидаги мустакилликка эришади. 1968 йилги Миллий озодлик фронти ва ҳукумат ўртасидаги тўқнашувлардан сўнг мамлакатга француз кўшинлари киритилади. Француз кўшинлари Чадни 1975 йилда давлат тўнтариши натижасида ҳокимиятга генерал Маллум келганидан сўнг тарк этишади. 1973 йилдан 1989 йилгача Чад Ливия билан ўзининг шимолий худудлари учун уруш олиб боради. 1979 йилда Миллий озодлик фронти ва ҳукумат ўртасида тинчлик шартномаси тузилади. Лекин бу шартнома тез орада бузилади ва мамлакатда давлат тўнтаришлари содир бўлиб (1982 ва 1990 й.), фукаролар уруши бошланади. 1990 йил декабрда ҳокимият тепасига Идрис Деби бошчилигидаги Миллий кутқариш ватанпарварлик харакати келди ва у кўпартиявийлик демократик тузумни жорий этиш йўлни танлади.

## ЧЕРНОГОРИЯ

**Расмий номи – Черногория. Пойтахти – Цетине. Худуди – 13,8 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 622 800 киши (2013). Тили – черногор. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг православ мазҳабига ётиқод қиласи. Пул бирлиги – евро (миллий валютасига эга эмас).**

**Географик жойлашуви ва табиати.** Болкон яриморолининг шимолий қисмida жойлашган. Шимоли-гарбда – Хорватия (чегара узунлиги – 25 км), шимолда Босния ва Герцеговина (225 км), шарқда – Сербия (203 км), жануб – Албания (172 км) билан чегарадош. Курукликтаги чегаралари узунлиги – 625 км. Гарбий соҳиллари Адриатика деңгизига туташган. Черногория худуди соҳилбўйи, текислик, ясситоғлик ва тоғликлардан иборат. Черногориянинг катта қисми Динор тоғлигига жойлашган. Энг баланд нуктаси – Дурмитор тоғли мас-281

сивидаги Боботов-Кук чўккиси (2522 м), жануби-тарбига Черногория карстли платоси бор.

Иклими – мўътадил континентал.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – унитар республика. Конституциясига кўра Черногория демократик ижтимоий ва экологик давлат ҳисобланади. Давлат бошлиги президент бўлиб, умумий сайлов йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Конун чиқарувчи орган – Скупщина (парламент). Маъмурӣ-худудий жиҳатидан 21 та общинага бўлинади.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Кишлок хўжалиги яхши ривожланган. Алъян тоғларида чорвачилик, галлачилик, бодгорчилик, узумчилик соҳалари ривожланган. Саноати минерал хомашё казиб олиш ва унга ишлов бериш, кишлок хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтинослашган. Боксит, кўргошин, рух рудалари, кўнғир кўмир, туз қазиб олинади. Металлургия, алюминий, ёғочсозлик, электротехника, кема таъмиrlаш, тўқимачилик ва тамаки корхоналари бор. 2012 йилда ЯИМ миқдори 4332 млн (аҳоли жон бошига – 6882) долларни ташкил этган.

*Тарихи.* I асрда Черногория худуди Римнинг Далмация провинциясига кўшилган. 493 йилдан Черногориянинг бир кисми остготлар давлатига, 536 йилдан эса Византия таркибига кирди. VII асрда Черногория худудида славянлар жойлашган. IX асрда христианлик тарқалди. 1499 йилда Черногория худуди Усмонийлар империяси таркибига кўшиб олинди. Наполеон урушлари ва сербларнинг мустакиллик учун олиб борган курашларида (1804–1805) Черногория Россия ва Сербия томонида бўлди. 1852 йили Черногория меросий князлик деб зълон килинди. 1878 йили Берлин конгресси қарорига биноан мустакил давлат деб тан олинди. Черногория 1918 йили Серб, хорват ва словенлар кироллиги таркибига кирди 1945 йилнинг 19 ноябрьда ЮСФР зълон килингач, Черногория Югославия таркибига кирди. XX асрнинг 90-йиллари бошларида ЮСФР парчаланиши оқибатида, Черногория Сербия билан биргаликда ягона конфедерацияга бирлашди. 2006 йилнинг 21 майда ўтказилган халқ референдуми натижаларига кўра Черногория мустакил давлатга айланди.

## ЧЕХИЯ

*Расмий номи – Чехия Республикаси. Пойтахти – Прага. Худуди – 78 864 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 10 516 125 киши (2013). Давлат тили – чех. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик (65%), протестант (15%) ва православ (13%) мазҳабларига эътиқод қиласади. Пул бирлиги – чех кронаси.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Марказий Европадаги давлат. Шимолда – Польша (чегара узунлиги – 761,8 км), шимол ва гарбда – Германия

(810,3 км), жанубда – Австрия (466,3 км), шарқда – Словакия (251,8 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги – 2290,2 км. Мамлакат худудини шартли равишда иккига бўлиш мумкин: гарбда – Богемия, шарқда – Моравия. Худудининг гарбий кисми паст тоглар билан ўралган текисликлар, тепаликлар ва яссиголиклардан иборат. Гарбда Шумава, Чех Ўрмони, Крушине-Гори (Руда тоглари), Крконоше тог тизмалари ва Чех-Моравия тепалиги жойлашган. Су-дедаги Снежка тоги (1602 м) мамлакатнинг энг баланд нуктаси хисобланади. Шаркий худудлар тепаликлардан иборат. Асосий дарёлари – Влтава, Морава, Лаба (Эльба), Одер. Асосий табиий бойниклари – кўумир, каолин, графит.

Иклими – мўътадил континентал. Тогларида иғнабаргли ўрмонлар, текис худудларида эман, заранг, қоракайн ўсади. Кўнгир айк, тулки, тўнгиз, бўри, серналар хайвонот оламини ташкил этади.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – суверен демократик давлат. Мамлакат 14 та область (вилоят) га бўлинган. Чехия 1993 йил 1 январда Чехословакиянинг парчаланишидан сўнг мустакил давлатга айланди. Миллий байрамлари – Кирил ва Мефодий куни, 6 июль – Ян Гус куни, 28 октябрь – Чехословакия озод этилган кун. Давлат бошлиги – президент, ижро этувчи хокимият раис бошчилигидаги хукуматга тегишили. Конун чиқарувчи хокимият Сенат (юкори палата) ва Депутатлар палатаси (куйи палата)дан иборат парламентта тегишили. Сиёсий партиялари: Фукаролик демократик партияси, Фукаролик демократик альянси, Демократик иттифок партияси, Чехия ва Моравия коммунистик партияси, Озодлик иттифоки партияси, Чехословак социал-демократик партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Чехия Марказий Европанинг ривожланган давлатларидан биридир. Саноатнинг энг ривожланган тармоклари: ёқилги-энергетика, машинасозлик, кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат. Машинасозлик ва транспорт ускуналари, ёқилги, кимёвий мoddалар, минераллар, металлар, кишлок хўжалиги маҳсулотлари экспорт килинади. Ривожланган кишлок хўжалиги Чехияга озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз эҳтиёжларини кондириш имконини беради. 2012 йилда ЯИМ миқдори 198 513 млн (аҳоли жон бошига – 18 679) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Германия, Словакия, Австрия, Италия, Россия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 9434 км, автомобиль йўллари – 55 890 км.

*Тарихи.* М. а. V асрда кельт кабилалари ўрнашган ҳозирги Чехия худуди V–IV асрларда славянларнинг чех кабиласи томонидан зэтланади. IX асрда Кирилл ва Мефодий томонидан христианлик тарқатилган Богемия IX аср охирларида Буюк Моравия кироллиги таркибига киради. Чех кироллиги ўзининг курдат чўккисига Мукаллас Рим империяси императори Карл IV хукмронлиги даврида чиқади. XV аср бошларида Прага университетининг ректори Ян Гус даврида чиқади.

католик черковини реформация килиш ташаббуси билан чикади, лекин 1415 йыл 6 июнда инквизиция томонидан ёкиб юборилади. 1620 йилда Богемия ўзининг автономиясини йўқотиб, Габсбургларга тобе бўлади. 1918 йилда Австро-Венгрия империяси парчаланганидан сўнг, мустакил Чехословакия Республикаси зълон килинади. 1939 йилда Судет вилояти Германия томонидан босиб олинади, мамлакатнинг колган худудлари Германия протекторати деб зълон килинади. Мамлакат немис кўшилларидан озод этилгач, коммунистларнинг таъсири кучайди ва 1948 йилда улар хокимиятни ўз кўлларига олишади. 1968 йилда Чехословакия коммунистик партиясининг биринчи котиби А. Дубчек «инсоний социализм» куриш тўғрисида зълон киласди, лекин мамлакатни либералластириш 1968 йил 21 августда Варшава Шартномаси (Руминиядан ташкири) давлатларининг кўшиллари томонидан тўхтатилиди («Прага баҳори»). Парламент раислигига А. Дубчек, республика президентлигига В. Гавел сайланди. Мамлакат аҳолиси 1992 йилги референдумда Чехословакиянинг икки давлатта бўлинини учун овоз беради ва 1993 йилнинг 1 январида Чехия Республикаси ташкил топади. Чехия 1999 йили НАТОга, 2004 йили ЕИга, 2008 йилдан Шенген зонасига кирди.

## ЧИЛИ

*Расмий номи – Чили Республикаси. Пойтахти – Сантьяго. Худуди – 756 900 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 17 584 000 киши (2013). Давлат тили – испан. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – чили песоси.*

**Географик жойлашуви ва табииати.** Жанубий Американинг жануби-гарбий соҳилида жойлашган давлат. Шарқда – Аргентина (чегара узунлиги – 5308 км) ва Боливия (860 км), шимолда – Перу (171 км) билан чегара дош. Курукликтаги чегаралари узунлиги – 6339 км. Фарб ва жанубда мамлакат Тинч океани билан туташган. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 6435 км. Мамлакат шимолдан жанубга Тинч океан бўйлаб 4300 км чўзилган. Чили худудини 3 та физик-географик худуд ташкил этади: шарқда – Анд тоглари, марказда – Узун водий ва пасттоглар, шимолда – Атакама чўли жойлашган. Мамлакат марказида жойлашган водийнинг узунлиги – 1000 км, эни – 40–80 км бўлиб, аҳоли зич жойлашган худуд хисобланади. Энг баланд нуктаси – Охос-дель-Саладо (6880 м) тоги. Вулканлар қўп, зилзилалар тез-тез бўлиб туради. Асосий дарёлари: Лоа, Элки, Майпо, Аконкагуа. Чилининг жанубида кўллар бор. Асосий табиий бойликлари: мис, темир рудаси, кимматбахо металлар, молибден, ёточ. Ҳайдаладиган ерлар худудининг 7%, ўрмон ва тўқайлар – 21%, ялов ва ўтлоклар – 18% ини ташкил этади.

Иклими: шимолда – тропик чўл, марказда – субтропик ва ўрта денгиз, жанубда – мўътадил океан иклимига хос. Тамаруто, нотофагус, канело, алерсе

даражтлари мавжуд. Ҳайвонот дунёси пума (кагуар), тулки, кийик, колоколо муштути, америка сассиккўзани (скунс), магеллан ити, калтакесаклар, тўтикуш, ўрдак, кондорлардан иборат.

*Давлати тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. 12 та минтака ва алоҳида пойтахт округи мамлакат таркибига киради. Мустакилликка 1810 йилнинг 18 сентябрида эришган (аввал Испания мустамлакаси). Ушбу кун миллий байрам – Мустакиллик куни деб кабул килинган. Давлат ва хукумат бошлиги – президент. Қонун чиқарувчи олий орган – Сенат (юкори патла) ва Депутатлар (куйи палата)дан иборат Миллий конгресс. Сиёсий партиялари: Чили коммунистик партияси, Демократия учун кураш партияси, Миллий янгиланиш партияси, Чили радикал социалистик партияси, Чили социалистик партияси, Христиан-демократик партия, Чили бирлашган социалистик партияси.

*Иккисоди, транспорт коммуникациялари.* Мамлакат саноатининг асосий тармоғи тог-кон саноатидир. Чили мис экспорт килиш бўйича дунёда етакчиликдан хисобланади. Саноатнинг бошча тармокларини metallurgiya, ёғочни кайта ишлаш, озик-овқат, тўқимачилик ташкил этади. Ўрмончиллик ва баликчиликни ўз ичига олган кишлоқ хўжалиги ЯИМнинг 7% ини ташкил этади. Чорвачилик ривожланган. Бугдой, дуккакилилар, кандлавлаги, картошка, узум, мевалар етиштирилади. Мевалар, балик ва ёғоч маҳсулотлари кўплаб экспорт килинади. 2012 йилда ЯИМ микдори 268 278 млн (ахоли жои бошнига – 15 410) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕИ давлатлари, АКШ, Япония, Бразилия.

Темир йўлларининг узумий узуналиги – 7766 км, автомобиль йўллари – 79 025 км, ички сув йўллари – 725 км. Асосий портлари: Икике, Вальпараисо.

*Тарихи.* Арауканлар яшаган ҳозирги Чили худуди 1520 йилда португалянинг денгизчи Ф. Магеллан томонидан кашф этилади. 1536 йилдан испанлар мустамлакачилик сиёсатини бошлашади. 1541 йилда Сантьягого асос солинади, Чили эса Перу вице-королиги таркибига киритилади. Нодир металларнинг йўклиги ва мамлакат материкининг асосий коммуникацияларидан узоклиги туфайли, метрополия Чилига катта кизиқиш билдирилди. 1818 йилда Испаниядан мустакилликка эришгандан сўнг, Чилида бир неча бор давлат тўнтаришлари бўлади. 1879–1883 йиллардаги Тинч океан уруши натижасида Чили мис конларига бой бўлган Атакамага эга бўлди. Мис конларидан унумли фойдаланиш иккисодий тарақкиётни юкори даражага олиб чиқди. 1964–1970 йиллардаги христиан-демократлар хукмроншигидан сўнг хокимиятта С. Альенде бошлиқ социалистлар келади. Бу хукумат иккисодин давлат мулкига айлантириш ва ер ислохоти ўтказишини эълон килади. 1973 йилнинг сентябрьда мамлакатда харбий тўнтариш бўлади. Президент С. Альенде ўлдирилади, хокимиятни эса генерал Пиночет бошлиқ харбий хунта эгаллашди. Иккисодий ислохотларнинг ўтказилиши ва чет эл инвестицияларининг жалб қилиниши Пиночетта Чилини Жанубий Америкада иккисодий жиҳатдан энг ривожланган давлатлар каторига

олиб чикиш имконини беради. Бирок Чили халқининг ички сиёсатдан норозилиги ва жаҳон ҳамжамиятининг ҳарбий хунтани коралаши Пиночетни конституцияга ўзгаришилар киртишга мажбур этади. 1990 йилда парламент сайловлари ўтказилди ва унда христиан-демократлар голиб чикдилар. 1994 йилги президент сайловларида ҳам христиан-демократлар ғалаба қозонди.

## ШАРҚИЙ САМОА

*Расмий номи – Америка Самоаси (АҚШнинг ташкил этилмаган ва таркибига қўшилмаган ҳудуди). Пойтахти – Паго-Паго. Ҳудуди – 197 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 70 700 киши (2012). Давлат тили – самоа ва инглиз. Сигинувчилар христиан динининг протестант (80%) ва католик (20%) мазҳабларига эътиқод қиласиди. Пул бирлиги – АҚШ доллари.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Шарқий Самоа АҚШнинг Тинч океани жанубидаги ташкил этилмаган ва қўшилмаган ҳудуди хисобланади. Бош орол (бир вактнинг ўзида ҳудуди ва аҳоли сони жиҳатидан йириги) – Тутуила – Самоа архипелагида жойлашган. Шарқий Самоа таркибига Самоа архипелагининг шарқидаги 7 орол киради. Шарқий Самоа Полинезиянинг жанубида, Австралиядан шарқда ва Янги Зеландиядан шимоли-шарқда жойлашган.

Гарбда – Самоа мустакил давлати, жануби-гарбда – Тонга кироллиги, шимолда – Янги Зеландия ҳудуди хисобланадиган Токелау, шарқда – Кук ороли, жанубда – Ниуз ороли билан чегарадош. Тутуила ороли ва Мануя гурӯҳидаги ороллар вулқонлар натижасида ҳосил бўлган ва рельефи тоғли бўлиб, доимий яшил тропик ўрмоилар билан копланган. Роза ва Суэйс ороллари маржонли атоллардир. Фойдали казилмалар деярли йўқ.

Иклими – тропик денгиз иклими. Ороллarda чучук сув жуда танкис. Ернинг унумдор катлами асосан вулқонли келиб чикишга эга, оролларнинг марказий кисмларида – тошли, киргок бўйларида ишлов беришга ярокли. Шарқий Самоа Миллий боги ҳайвонларни ва ўрмонларнинг палеотропик ўсимлик дунёсини, шунингдек, киргокбўйи маржонли кояларини саклаш ва асраб-авайлаш максадида ташкил этилган. Ҳайдаладиган ерлар – 5%.

*Давлат тұжилиши ва сиёсий партиялари.* Маъмурӣ бошқарув органлари йирик орол – Тутуилада жойлашган бўлиб гарбий ва шаркий (Аунуу ороли билан бирга) районларга бўлинади. Учинчи район – Мануя (Tay, Олосега ва Офу ороллари) ороллар гурӯҳидан иборат. Расмий байрамлари 17 апрель – Байроқ куни (Оролларда АҚШ байробги кўтарилган кун) ва АҚШнинг анъанавий байрамлари.

Шарқий Самоа АҚШнинг таркибига қўшилмаган ҳудуди бўлсада, АҚШ ИИВнинг Ороллар ишлари бўлими томонидан назорат қилинади. АҚШ президенти ҳудуд устидан суверенитет қуқуқига эга, шунингдек, маҳаллий консти-

туциянинг кафолати ҳам ҳисобланади. Ахоли АҚШ президенти сайловларида иштирок этиш ҳукукига эга эмас. Ижроия ҳокимият оролларда 4 йилга сайла-надиган губернатор, конун чиқарувчи ҳокимият эса иккى палатали легислатура (Фон) томонидан амалга оширилади. Юкори палата – 18 киши уруг оксоколлари (матаи) дан сайланади, куйи палата – 20 та сайлаб қўйиладиган депутатлардан иборат. Шаркый Самоа делегати АҚШ конгрессининг Вакиллар палатасида овоз бериш ҳукукисиз катнашади. Ороллар ахолиси давлатта таалтуклилик нуткан назаридан америкаликлар ҳисобланнишса-да, АҚШ фуркаси мақомига эга эмас. Дипломатик муносабатлар АҚШ ҳукумати назорати остида. Асосий сиёсий партиялари – Демократик партия ва Республикачилар партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Ахоли саноат ишлаб чиқариши (асосан балиқни кайта ишлаш – меҳнатта лаёскатли аҳолининг 1/3 банд) ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд. 1995 йили аҳолининг бандлик дара-жаси соҳалар бўйича кўйидагича бўлган: кишлоқ ҳўжалиги, балиқчилик ва ўрмончилик соҳасида – 2,3%, саноат ва курилиш соҳаларида – 36,1%, хизмат кўрсатиш соҳаларида – 61,6%, жумладан, ижтимоий хизматда – 21,3%, давлат бошкарувида – 17,2%. 2010 йили ЯИМ мидори – 575 млн (ахоли жон бошига 8500) долларни ташкил этган. Туризм яхши ривожланмаган. Учта банк ва учта молиявий ташкилот мавжуд. Саноатнинг асосий соҳаси балиқни кайта ишлаш. Ҳунармандчилик ривожланган. Ананас, банан, кокос, сабзавотлар, папайя ва нон дарахти ўстирилади. 90% ишлов бериладиган ерлар жамоа ерлари ҳисобланади. Автомобиль йўллари – 150 км, иккинчи даражали йўллар – 200 км. Тафуна ҳалкаро аэропорти бор.

Асосий савдо ҳамкорлари – Австралия, Янги Зеландия, Фиджи, Самоа, Жану-бий Корея, Япония, Хитой.

*Тарихи.* Дастлаб оролларга м. а. 1000 йилда Жануби-Шаркий Осиё ҳудудидан кўчиб борган ахоли жойлашган. 1772 йили Самоа архипелаги Якоб Рогтевен томонидан кашф килинган. 1830 йили эса оролларга британ миссионерлари келиб жойлашишган. 1878 йили АҚШ Самоа кирорлиги билан савдо тўғрисида ва Тинч океанинг жанубий кисмидаги энг кулай Паго-Паго қўлтиғидан флот бандаргоҳи сифатида фойдаланиш тўғрисида шартнома имзолади. 1899 йили АҚШ, Германия ва Буюк Британия давлатлари ўргасидаги ҳарбий мажаролар на-тижасида Самоа гарбий ва шаркӣ кисмларга бўлинди. 1900 йили Тутуила ва Ануу ороллари, 1904 йилда – Мануа ороллар гурухи АҚШга ўтди, 1925 йили эса Суэйнс ороли босиб олинди. Германия Самоаси 1920 йили Янги Зеландия бошкарувига берилди, 1962 йилдан – Фарбий Самоа мустакил давлати (1997 йилдан – Самоа). 1951 йилгача Шаркый Самоа АҚШ Ҳарбий-денгиз кучлари томо-дан – Самоа). 1948 йилдан ўз-ўзини бошкариш жорий қилина бошлади. Ички ишлар департаменти кўлига ўтди.

1960 йили биринчи конституция қабул килинди. 1977 йилда эса биринчи ма-ротаба губернатор сайлаб күйилди. Самоаликлар анъанасига кўра, ижтимоий бошқарув «фаъмтаси» тизими оркали тартибга солиб турилади. Унинг таркиби «саига» – уруғ, катта оила, унинг бошида «орматаси» ёки «матаси» – оксокол тура-ди. 2009 йили 29 сентябрда Шаркий Самоа кирғоклари якинида 8 баллик зилзи-ла юз берди ва у жуда кучли цунамини келтириб чикарди. Натижада мамлакат иктисади жуда катта зарар кўрди.

## ШАРКИЙ ТИМОР

*Расмий номи – Шаркий Тимор Демократик Республикаси. Пойтахти – Дили. Худуди – 14 925 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 1 134 000 киши (2010). Давлат тили – португал. Давлат дини – христиан динининг католик мазҳаби. Пул бирлиги – АҚШ доллари.*

**Географик жойлашуви ва табииати.** Осиёнинг жануби-шарқида жойладиган давлат бўлиб, Тимор оролининг шаркий ярмини эгаллаган. Фарбда Индонезия (228 км) билан чегарадош. Шу оролнинг гарбидаги унча катта бўлмаган эксклав (Окуси-Амбено провинцияси) ва Атауру (шимолда) хамда Жаку (шарқда) орол-лари хам мамлакат худудига киради. Шаркий Тиморнинг рельефи тогли: мамла-кат худудини шимоли-гарбдан жануби-шаркка томон шимолий кирғокка ўткир кояли бўлиб туашган тоф тизмаси (баланд нуктаси Татамайлау тоги – 2963 м) кесиб ўтган. Мамлакат шарқида баландлиги 500–700 м ошмайдиган платолар кенг таркалган. Жанубий кирғок бўйлаб пасттекисликлар жойлашган. Шаркий Тиморда юкори сейсмик ҳолат ва цунамиларнинг кўп содир бўлиши кузатилади. Кирғокбўйи, шельф ва асосан Тимор денгизи нефть ва газ захираларига бой.

Иклими – субэкваторијал, муссонли. Тоф тизмаларидан Лоес, Лакио, Сей-кал, Бе-Лулио каби унча катта бўлмаган тоф дарёлари оқиб тушади. Ўрмонлар мамлакатнинг 1/3 кисмини эгаллади: шимолда хазонбаргли, жанубда доимий ям-яшил ўрмонлар кўп. Ўрмонзорларнинг аёвзиси кирқилиши натижасида катта худудларда саваниналар пайдо бўлган. Шимолий кирғок бўйлаб мангр бута-зорлари кенг таркалган. Тогли ва тоголди худудларда сандал дараҳтидан иборат ўрмонлар ўсади.

**Давлат тизигиши ва сиёсий партиялари.** Давлат тизилиши – республика. 2002 йилнинг 22 майида мустакил Шаркий Тимор Демократик Республикаси зълон килинган. 13 та маъмурӣ ҳудуддан иборат. Давлат бошлиги – президент, умумий овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Ҳукумат – Давлат кенгаши; ҳукумат бошлиги – бош вазир президент томонидан тайинланади. Олий конун чикарувчи органи – бир палатали Миллий парламент.

**Иктисади, транспорт коммуникациялари.** Шаркий Тимор денгизида бой нефть ва газ конларига эга. Анъанавий кишлок ҳўжалиги экини ва асосий экс-

порти – қаҳва. Саноати яхши ривожланмаган. 2012 йилда ЯИМ миңдори 4214 мян (аҳоли жон бошига – 3730) долларни ташкил этган.

**Тарихи.** Тахминан 4 минг йил аввал Тиморда австралийдиркига мансуб кадимги папуас тилида сүзлашувчи аҳоли яшаб келган. Кейинроқ ҳозирги Индонезия оролларидан күчіб келган австронезиялык монголойд кабилалар бу ерга жойлаша бошлаган. Улардан энг охиргиси тетумлар бўлиб, XVI асрда күчіб келишган. Тетумлар ери аҳолининг ҳар томонлама тараккӣ этишига жиддий тасири ўтказиши, улар ибтидоий ҳаёт тарзидан ерга ишлов бернишга, кисман шоли этиширишга ўтишиди.

XIV–XVI асрлардан Жануби-Шаркий ва Жанубий Осиёда киммат баҳоланувчи сандал дарахти савдоси билан шугулланувчи явалик, малайялик ва хитойлик савдогарлар тез-тез ташриф буюрадиган бўлишиди. Португаллар XVI асрда бу ҳудудга кириб келган дастлабки европаликлар бўлиб, улар Тимор оролида бир нечта ўз ҳудудларига асос солишиди. Бу лайтда атрофдаги барча ороллар голландлар томонидан мустамлакага айлантирилиб бўлингган эди. 1512 йили Тиморга сандал дарахти билан савдо килувчи дастлабки португал савдогарлари келган бўлса, 1556 йили биринчи католик миссионерлар пайдо бўлишиди, 1702 йили эса Тимор расман Португалия мустамлакаси деб эълон килинди. 1859 йили Тимор Лиссабон шартномасига мувофиқ нидерландлар ва португаллар ўртасида тақсимланди, бу икки давлат мулклари ўртасидаги чегара 1916 йилдагина аниқлаштирилди. Португалия Тиморида 1974 йили мустакиллик учун ҳаракат бошланди. 1975 йилнинг 28 нояброда Шаркий Тиморнинг мустакиллик декларацияси қабул қилинди. Бирок орадан 9 кун ўттач, Индонезия ҳарбий кўшинлари мамлакатта бостириб киришиди ва Шаркий Тимор Индонезиянинг 27 провинцияси деб эълон килинди. 1999 йилда БМТ назорати остида Шаркий Тиморда мустакиллик масаласида референдум ўтказишиди. Натижада аҳолининг 78,5% индонезиядан ажралиб чикиш ва мустакиллик учун овоз берди. 2002 йилнинг 20 майида БМТ дунё ҳаритасида янги Шаркий Тимор Демократик Республикаси пайдо бўлганлиги ҳақида эълон килди. 2006–2007 йилларда муҳолифатчи Гурухлар ўртасида можаролар ва қонли тўқнашувлар содир бўлди.

## ШВЕЙЦАРИЯ

*Расмий номи – Швейцария Конфедерацияси. Пойтахти – Берн. Ҳудуди – 41 288 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 8 036 910 киши (2013). Давлат тили – немис, француз, итальян, ретороман. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик ва протестант мазҳабларига эътиқод қиласиди. Пул бирлиги – швейцария франки.*

**Географик жойлашуви ва табиати.** Марказий Европадаги давлат. Жануб ва жануби-шарқда – Италия (чегара узунлиги – 740 км), гарб, жануби-гарб ва

шимоли-гарбда – Франция (573 км), шимолда – Германия (334 км), шарқда – Австрия (164 км) ва Лихтенштейн (41 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги – 1852 км. Швейцария – тогли мамлакат. Унинг катта кисмида Альп тоглари жойлашган. Мамлакатнинг энг баланд нуктаси – Дюфур тоги (4634 м). Альп музликларининг майдони – 2000 км<sup>2</sup>. Шимоли-гарбда Юра тоглари бор. Марказий кисмда Швейцария яситоглиги жойлашган. Асосий дарёлари: Рейн, Рона, Ааре, Тичино. Йирик қўллари: Женева, Боден. Асосий табиий ресурслари: ёточ, гидроэнергетик потенциал. Мамлакат худудининг 10% и ҳайдаладиган ерлардан, 40% и ялов ва ўтлослардан иборат. Атлантика океанининг таъсири ва мамлакат географик тузилишининг мураккаблиги кўпинча иклимининг нам булишига сабаб бўлади. Швейцариянинг ўсимлик дунёси асосини игнабаргли ва субальп ўрмонлар ташкил этади. Тоғларда сальданелла, примула ҳамда Швейцариянинг норасмий рамзи хисобланган эдельвейс ўсади. Ёввойи эчки, сувсар, куён, сугур, айик, тулки, бўри, тўнгиз, бургут, каркур ҳайвонот оламини ташкил этади.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – конфедератив республика. Мамлакат таркибида 23 та кантон бор (улардан учтаси ярим кантонларга бўлинган). Швейцария Конфедерацияси 1291 йилнинг 1 августида ташкил топган. Ушбу кун миллий байрам – Конфедерация ташкил топган кун хисобланади. Федерал конституция 1874 йилда кабул килинган. Давлат ва хукумат бошлиги – конфедерация президенти, Федерал мажлис томонидан Федерал кенгаш (хукумат) аъзоларидан бир йил муддатга сайланади ва қайта сайланниш хукукига эга эмас. Конун чиқарувчи ҳокимият – Кантонлар сенати (юкори палата) ва Миллий кенгаш (куйи палата) дан иборат икки палатали парламент Федерал мажлис томонидан амалга оширилади. Хар бир кантон ўзининг конституцияси, парламенти ва хукуматига эга. Йирик сиёсий партиялари: Швейцария христиан-демократик партияси, Швейцария демократлар партияси, Яшиллар партияси, Швейцария радикал-демократик партияси, Швейцария социал-демократик партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Юкори даражада ривожланган саноат давлати. Швейцария аҳоли бошига даромад даражаси буйича жахода етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Қазилма бойликларининг йўқлигига карамай Швейцария жаҳон бозорларида кучли ракобатчи хисобланади, бундан ташкири бу давлат иқтисодий баркарорлик ва аҳолининг бандлигини юкори даражада ушлаб туради. Металга ишлов бериш, машинасозлик, ускунасозлик, компьютер техникиси, транспорт воситалари, соатсозлик, кимё, озиқ-овкат, фармацевтика саноатининг энг тарақкий этган тармоклариидир. Иқтисодининг муҳим тармокларидан бири – банк иши. Швейцария дунёнинг молиявий марказларидағи бири хисобланади. Кишлок ҳужалиги (ЯИМнинг 5% и) асосан чорвачилик-ка ихтинослашган. 2012 йилда ЯИМ миқдори 622855 млн (аҳоли жон бошига –

79 033) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕИ давлатлари, АҚШ, Япония.

Темир йўлларининг умумий узуонлиги – 5174 км (99% электрификациялаштирилган), автомобиль йўллари – 61 500 км, ичкى сув йўллари – 65 км. Асосий дарё порти – Базель.

**Тарихи.** Кельт қабилалари – рет ва гельветлар яшаган ҳозирги Швейцария I асрда кадимги Рим томонидан босиб олинади. V асрда бу худудга герман қабилаларидан бургундлар ва аллеманлар кириб келишади ва ҳозирги Роман Швейцарияси ҳамда Аллеман Швейцарияси жойлашган худудларда ўнашишади. VI асрдан ҳозирги Швейцария худуди Франклар кироллиги, кейинрек Бургундия, 1032 йилдан Мукаддас Рим империяси таркибига кирган. XII–XIII асрларда бу худудда бир катор мустакил князликлар шакланади. Шулар орасида XIII асрнинг охирларига келиб Габсбург князлиги кучаяди. 1291 йилда учта швейцар кантони (Ури, Швиц ва Унтервальден) иттифок тушиб, Габсбургларга карши курашадилар. Қатор маглубиятлар (1315 йил – Моргатан, 1351 йил – Цюрих, 1386 йил – Земпахдава ва бошкалар)дан сўнг Габсбурглар 1389 йилда Конфедерацияни тан оладилар. 1498 йилда Конфедерацияга яна беш кантон кўшилади. Швейцария Конфедерациясининг ҳарбий кудрати Европа давлатлари томонидан тан олинади (Швейцариянинг расмий тан олиниши 1648 йилги Вестфаль сулхи билан мустаҳкамланган) ва улар XV–XVI асрларда ёлланма швейцар кўшинларинин ҳарбий юришларга жалб қила бошлишади. Реформация XVI асрда мамлакатни иккига бўлиб, фукаролар урушини келтириб чиқаради. Католик ва протестантлар ўртасидаги жанглардан бирида протестант рухонийси У. Цвингли халок бўлади. Шундан сўнг икки ўртада шартнома тузилиб, унга кўра тўрт кантоnda кальвинизм, етти кантоnda эса католик дини тан олинади. Швейцария XVII асрда нейтралитет эълон килади. Нейтралитет бир маротаба, 1798–1814 йилги Наполеон уруши даврида бузилади. Лескин 1815 йилги Вена конгресси Швейцариянинг ҳалқаро мақомини тасдиқлаб, унинг нейтраллиги ва чегараларининг дахлсизлигини кафолатлади. Шу даврдан кўшилмаслик сибсати мамлакат ташки сиёсатининг асосий йўналишиларидан бири бўлиб колади ва Швейцария бу сиёсатга иккита жаҳон урушларида ҳам амал килди. 1971 йили Швейцарияда аёллар овоз бериш хукукига эга бўлди.

## ШВЕЦИЯ

*Расмий номи – Швеция Қиродлиги. Пойтахти – Стокгольм. Худуди – 449 964 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 9 555 890 киши (2013). Давлат тили – швед. Давлат дини – христиан динининг лютеран мазҳаби. Пул бирлиги – швед кронаси.*

**Географик жойлашуви ва табииати.** Скандинавия яриморолининг катта кисмини эгаллаган Шимолий Европадаги давлат. Швейцарияга Болтик денгизида-

ги Готланд ва Эланд ороллари ҳамда мамлакат сохили якнидаги қатор майда ороллар тегишли. Швеция ғарб ва шимолда – Норвегия (чегара узунлиги – 1619 км), шимоли-шарқда – Финляндия (614 км) билан чегарадош. Курукликтаги чегаралари узунлiği – 2233 км. Шарқда Швеция Болтик денгизи ва Ботник күлтеги, жануби-гарбда Каттегат ва Скагеррак бүгозлари билан туташган. Эреспүнн тор бүгози Швецияни Данияга тегишли бүлган Зеландия оролидан ажратып туради. Сохил бүйлаб чегара узунлiği – 3218 км. Мамлакат худудининг асосий кисми ясситогликлар ва сертепа текисликлардан иборат. Шимол ва гарбда Скандинав төглари (энг баланд нүктаси – Кебнекайсе тоги – 2123 м) жойлашган. Мамлакат шарқида Норланд ясситоглиги бор. Жанубий кисмида кўп сонли кўллардан иборат водий бор. Йирик кўллари – Веттерн ва Венерн. Асосий дарёлари – Каликс-Эльв, Шеллефте-Эльв, Уме-Эльв, Турне-Эльв. Мамлакат темир рудаси, кўргошин, рух, мис, кумуш ва ёғочга бой. Ҳайдаладиган ерлар мамлакат худудининг 7%, ўрмонлар ва тўқайлар 64% ини ташкил этади.

*Иклими – мўътадил.* Мамлакат худудининг ярмидан кўпроғи ўрмонлардан иборат (23 млн га). Илнабаргли ўрмонлар кўп. Мамлакат жанубида аралаш ўрмонлар мавжуд. Шимолда асосан моҳ ва лишайниклар ўсади. Буғу, кийик, тулки, ўрмон сувсари, олмахон, кӯён, ўрдак ва оккушлар ҳайвонот дунёсини ташкил этади. Дарёлари ва Болтик денгизи турли баликларга бой.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – конституциявий монархия. Мамлакат таркибига 24 та лен (губерния) киради. Миллий байрами 6 июнь – Швед Байроги куни. Давлат бошлиги – кирол. Ижро этувчи хокимият – Вазирлар маҳкамасини бошқарадиган бош вазирга тегишли. Конун чиқарувчи хокимият – бир палатали парламент – Риксдаг томонидан амалга оширилади. Сиёсий партиялари: Сўл партия, Халк партияси – либераллар, Атроф-мухитни ҳимоя қилиш партияси, Марказ партияси, Швеция халк демократик ишчи партияси, Мўътадил коалицион партия, Христиан-демократик партия.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Швеция самарали ижтимоий таъминот тизимига, аҳолининг юкори турмуш даражаси ҳамда фуқароларининг иш билан тўла бандлигини таъминлайдиган иқтисодга эга. Мамлакат ривожланган транспорт коммуникацияси ва малакали ишчи кучига эга. Иқтисодининг асосини ёғочни кайта ишлаш, қозоц-целлюлоза саноати, металлургия, гидроэнергетика ва автомобилсозлик ташкил этади. Қишлоқ ҳўжалигига чорвачилик мухим ўрин тутади. Доң маҳсулотлари, кандлавлаги, картошка асосий экинлар хисобланади. Сўнгти йилларда ҳукумат томонидан ўтказилаётган ислоҳотлар – соликларни камайтириш, давлат корхоналарини ҳусусийлаштиришдан иборат бўлиб, улар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига, нархларнинг баркарорлигини саклаб колишига, ишсизлик даражасини камайтиришга қаратилган. 2011 йили ўтказилган сўров натижаларига кўра, Швеция дунёнинг яшаш учун энг қулай

булган учта давлатидан бири деб тан олинган. 2012 йилда ЯИМ мөкдори 520 256 млн (аҳоли жон бошига – 55 158) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Германия, Буюк Британия, Дания, АҚШ, Норвегия.

Темир йўлларининг узумий узунлиги – 12 000 км. Автомобиль йўллари – 135 819 км (97 818 км каттиқ копламали), ички суъ йўллари – 2052 км. Портлари – Гётеборг, Кальмар, Мальмё, Стокгольм, Хельсингборг.

**Тарихи.** Ҳозирги Швеция худудида кадимда герман кабилалари яшаган. VII–X асрларда викингларнинг (шаркда уларни варяглар деб атасган) таъсири шаркка, аввалига Болтиқбўй, кейинроқ Россияга (IX асрда варяг князлари Новгород ва Киевни бошқаришга таклиф этилган) таркалган. 860 йилга келиб варяглар Константинопол билан савдо килишган. Христианликни мамлакатта 830 йилда франк миссионерлари олиб киришган. Бу дин дастлабки христиан кироллар Олафе, Скотконунге (XI аср) ва айнисса, XII асрда хукмронлик кильтан Эрик IX (Авлиё) даврида кенг таркалган. Эрик IX (1150–1160) Финляндияга карши уруш бошлайди. Финляндия XIII асрда Швеция томонидан босиб олиниди. 1397 йилда Швециянинг Дания ва Норвегия билан бирлашиши (Кальмар унияси) Швецияни XVI аср бошигача Данияга карам килиб кўяди. Карл XII Россия, Дания ва Польшага қарши курашган Шимолий урунда (1700–1721) швед армияси Полтава яқинидаги маглубиятга учрайди (1709) ва Швеция XVII асрда Густав II Адольф даврида эгаллаган худудларни кўлдан бой беради. Карл XIII 1814 йилда Норвегияни Швецияга қўшиб олади (1905 йилгача). XX асрда иккала жаҳон урушларида нейтралитет эълон килган Швециянинг сиёсий ҳаётида социал-демократлар мавзеи ортади. Социал-демократик партияниң ёрқин намояндаларидан бири Швеция бош вазири 1986 йили террорчи томонидан ўлдирилган Улоф Пальмерид.

## ШРИ-ЛАНКА

**Расмий номи – Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси. Пойтахти – Коломбо (расмий пойтахти Жаеверде-напура-Котте). Ҳудуди – 65 610 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 21 223 550 киши (2012). Давлат тили – сингал ва тамил. Сигинувчиларнинг асосий қисми буддавайлил (69%), ҳиндудайлик (15%), христиан (8%) ва ислом (7%) динларига эътиқод қиласди. Пул бирлиси – шри-ланка рупияси.**

**Географик жойлашуви ва табииати.** Ҳиндистоннинг жанубий соҳиҳлари яқинидаги Шри-Ланка оролида жойлашган Хинд океанидаги давлат. Осиё китъасидан Шри-Ланкани Полк бўғози ва Манар кўлтиги ажратиб туради. Соҳиҳ бўйлаб чегара узунлиги – 1340 км. Мамлакат ҳудуди асосан текисликлардан иборат. Жанубий ва марказий қисмларида зинасимон тоглар бор. Энг баланд нуқтаси – Пидуруталагала чўқиси (2524 м). Асосий дарёси – Махавели-Ганг. Асосий табиий ресурслари: олмос ва бошқа кимматбахо тошлар, фосфатга. Асосий табиий ресурслари: олмос ва бошқа кимматбахо тошлар, фосфатга.

лар, мармар тоши ва балиқ. Мамлакат ҳудудининг 16% ини ҳайдаладиган ерлар, 32% ини – ўрмон ва тўқайлар ташкил этади.

Иклими – экваториал, субэкваториал. Банъян, дараҳтсимон папоротниклар, турли хил пальмалар, атлас, сандал, эбен дараҳтлари флорасининг асосини ташкил этади. Ҳайвонот дунёси фил, коплон, силовсин, чиябўри, тимсоҳ, турли маймунлар, илонлар, калтакесаклардан иборат.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 9 та провинцияга бўлинган. Шри-Ланка (1972 йилгача – Цейлон) 1948 йилнинг 4 февраляда мустақилликка эришган (аввал: Цейлон – Буюк Британия мустамлакаси). 4 февраль Миллий байрам – Мустакиллик куни. Ижро этувчи ҳокимият президент ва Вазирлар махкамасини бошкарадиган бош вазирга тегишили. Қонун чикарувчи ҳокимият бир палатали парламент томонидан амалга оширилади. Сиёсий партиялари: Бирлашган эркинлик иттифоки, Шри-Ланка коммунистик партияси, Шри-Ланка халқ партияси, Бирлашган миллий партия, Шри-Ланка озодлик партияси, Шри-Ланка социалистик партияси, Шри-Ланка мусулмонлар конгресси, Тамил озодлик бирлашган фронти, Тамил миллатчи партиялар блоки.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Иқтисодининг ривожланган тармокларидан бири – кишлок ҳўжалиги. Шоли, шакарқамиш, дон экинлари, дуккакли экинлар, зираворлар етиширилади. Чой (дунёда З-Ўринда), ко-кос ёнгоги (умумий экспорт ҳажмининг 1/3 кисми) экспорт килинади. Ишлаб чиқариш кишлок ҳўжалиги маҳсулотлари, баликни кайта ишлаш билан чегаралган. Туризм асосий валюта манбаларидан биридир. 2012 йилда ЯИМ миқдори 59 773 млн (аҳоли жон бошига – 2873) долларни ташкил эттан. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Германия, Япония, Буюк Британия, Хиндистон, Эрон, Тайвань.

Темир йўлларининг умумий узунилиги – 1948 км, автомобиль йўллари – 75 749 км (27 637 км га тош ётказилган), ички сув йўллари – 430 км. Портлари – Галле, Коломбо, Жафна, Негомбо, Тринкомали.

*Тарихи.* Тахминан м. а. V асрда Шри-Ланка Ганг ва Ҳинд дарёлари водийларидан хинд-европа тил оиласига мансуб кабилалар кириб келишади ва оролларда Сингал давлатига асос солди. Орол буддавийликни тарғиб этиш марказларидан ҳисобланган. Афсоналарга кўра, буддавийликни оролга Ашоканинг ўғли (ёки уласи) олиб келган. М. а. III аср бошларидан Шри-Ланка Ҳиндистоннинг жанубидан тамиллар кириб кела бошлиди. Тамиллар Шри-Ланкада XII асргача ҳукмронлик қилади. 1505 йилда оролда португаллар пайдо бўлишди ва XVI аср охирида оролни мустамлакага айлантиришади. XVII асрда Шри-Ланкани голландлар эгаллаб олишди. 1802 йилда орол Буюк Британияга тобе бўлди. 1948 йилда Цейлон Британия Ҳамдустлиги таркибидағи мустақил давлат деб эълон килинди. 1972 йилдан мамлакат Шри-Ланка Республикаси деб атала бошлиди.

Тамиллар ва сингаллар ўртасидаги этник можаролар XX асрнинг 80-йиллари бошларида фукаролар урушига айланди. Фукаролар урушига барҳам берилган бўлса-да, ҳанузгача икки томон ўртасида кескинликлар мавжуд. 2004 йили Суматра кирғокларида юз берган зилзила натижасида пайдо бўлган цунамидан мамлакат жуда катта зарар кўрди. 2009 йили мамлакатда узоқ йиллардан бери давом этиб келаётган фукаролар уруши Шри-Ланканинг Жафна яриморолида тамил кўзғолончиларининг кириб ташланиши билан тутади.

## ЭКВАДОР

*Расмий номи – Эквадор Республикаси. Пойтахти – Кито. Худуди – 283 600 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 14 793 000 киши (2013). Давлат тили – испан. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – АҚШ доллари.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Жанубий Американинг шимолигарбидаги давлат. Жануб ва шарқда – Перу (чегара узунлиги – 1420 км), шимолда – Колумбия (590 км) билан чегарадош. Курукликтаги чегаралари узунлиги – 2010 км. Фарбда Тинч океан билан туташган. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 2237 км. Мамлакат учта географик ҳудудга бўлинади. Фарбда максимал кентлиги 150 км бўлган соҳилбўйи текислиги – Коста жойлашган. Мамлакат марказида, Шарқий Кордильера ва Фарбий Кордильера тоғлари орасида узунлиги 600 км, кенглиги 100–200 км, ўртacha баландлиги 2500 м бўлган Сьерра тоғлиги ётади. Шарқий Кордильерада харакатдаги вулканлар кўп бўлиб, улар орасида 5230 м баландликдаги Сангай вулкони фаоллиги билан ажralиб туради. Фарбий Кордильерада мамлакатнинг энг баланд нуқтаси – Чимборасо (6262 м) жойлашган. Эквадорнинг шарқий қисмини, деярли ярим ҳудудини Оръенде шарқий чангальзорлари ёгаллади. Бу жойларга инсон қадами етмаган, аҳоли яшамайди. Чангальзорнинг кўп қисмлари тадқик этилмаган. Чангальзордан Амазонкага кўйиладиган дарёлар – Напо, Пастаса, Тигре ва бошқа дарёлар оқиб ўтади. Асосий табииy ресурслари: нефть, ёғоч, балик. Ҳудудининг 6% и хайдаладиган ерлар, 51% – ўрмон ва тўқайлар, 17% ини яйлов ва ўтлоклар ташкил этади.

Иклими – соҳилбўйида экваториал, тоғли ҳудудларида салқин. Текислик ва тоғ ёнбагирлари экваториал ўрмонлар билан копланган. Тоғларда адир ўсимликлари ўсади. Ҳайвонот оламини ягуар, айик, ёввойи мушук, америка сассиккўзани (скунс), латча, Галапагосс оролларида улкан денгиз тошбасаси, денгиз игуанаси, пингвинлар ташкил этади.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 21 та провинцияга бўлинган. Галапагосс ороллари ҳам провинция макоминга эга. 1822 йилнинг 24 майида Эквадор мустакилликка эришган. Давлат

ва хукумат бошлиги – президент. Конун чиқарувчи олий орган – Миллий конгресс (бир палатали парламент). Сиёсий партиялари: Сұл демократик партия, Демократик партия, Эквадор коммунистик партияси, Консерватив партия, Халқ демократик партия, Радикал либерал партия, Социал-христиан партия, Эквадор мемнаткашлари конфедерацияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Саноатнинг асосий тармоғи – нефть қазиб олиш. Бошка тармоқлари – металлургия, көзоз-целлюлоза, озиқовкат, түкимачилик. Қишлоқ хўжалиги (балиқчилик ва ўрмончилик билан бирга) ЯИМнинг 18%ини ташкил этади. Банан, қаҳва, какао, балиқ, майда кискичбакалар (креветка) экспорт килинади. Чорвачилик ривожланган. 2012 йилда ЯИМ миқдори 70 836 млн (аҳоли жон бошига – 5311) долларни ташкил эттан. Асосий савдо шериклари: АҚШ, Лотин Америкаси давлатлари, Карип хавзаси давлатлари, ЕИ давлатлари, Япония.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 965 км, автомобиль йўллари – 28 000 км (3600 км асфальтланган), ички сув йўллари – 1500 км. Асосий портлари: Гуаякиль, Эсмеральдас.

*Тарихи.* XV асрда ҳозирги Эквадор худуди инклар империяси таркибиغا кирган. 1526 йилда испанлар томонидан кашф этилган Эквадор, Писарро ва Белалкасара бошлиқ конкистадорлар томонидан 1533 йилда забт этилади. 1822 йилда мамлакат испан кўшиниларидан озод бўлиб, Кито номи билан Буюк Колумбия таркибиға киради. 1830 йилнинг 13 майдидан Эквадор мустакил республика. 1852 йили куллик бекор килинади. 1941–1942 йиллардаги Перу билан урушдан сўнг мамлакат қатор ҳарбий тўнтиришларни бошидан кечирди. 1979 йилда ҳарбийлар ҳокимиятни фукаролик хукуматига топширади. 2011 йили ўтказилган референдумда Эквадор аҳолиси ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда чукур ислоҳотлар ўтказиш тарафдори бўлди.

## ЭКВАТОРИАЛ ГВИНЕЯ

*Расмий номи – Экваториал Гвинея Республикаси. Пойтахти – Малабо. Ҳудуди – 28 051 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 740 500 киши (2012). Даётат тили – испан, француз ва португал. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик мазҳабига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – африка франки.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Африка китъясининг гарбидаги давлат. Шарқ ва жанубда – Габон (чегара узунлиги – 350 км), шимолда – Камерун (189 км) билан чегарадош. Куруклиқдаги чегаралари узунлиги – 539 км. Фарбда мамлакат Гвинея кўрфази билан туташган. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 296 км. Материқдаги худуддан ташқари Экваториал Гвинеяга Биоко, Аннобон ва қатор майда ороллар тегишли. Экваториал Гвинея – тоғли мамлакат. Соҳил бўйндаги

текисликлар секин-аста паст тоғларга айланыб боради. Ороллар вулкон жисмалардан иборат. Асосий дарёлари – Мителеме ва Бснито. Асосий табиий ресурслари: марганец, уран, ёғоч, нефть.

Иклими – экваториал. Ўсимлик дунёси эбена, окуме, акажу, овенка, акога, нон, сандал дараҳтлари, мимоза (тегсасулар), фикуслардан иборат. Ҳайвонот дунёсини турли маймунлар, коплон, фил, оху (антилопа), кийик, мангуст, бир неча тур илон, күш, ҳашаротлар ташкил этади. Биоко оролида жайра учрайди.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат таркибиға 7 провинция киради. 1968 йилнинг 12 октябринда Экваториал Гвинея мустақилликка эриши (аввалги номи – Испания Гвинеяси). Шу кун миллий байрам – Мустақиллик куни ҳисобланади. Давлат бошлиги – президент, хукуматни баш вазир бошқаради. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни президент парламент – Ҳалқ вакиллари палатаси билан биргаликда амалга оширади. Сиёсий партиялари: Социал-демократик партия, Экваториал Гвинея демократик партияси, Либерал-демократик конвент, Социал демократия учун конвергенция, Социал-демократик халқ конвенти.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Мамлакат иқтисоди кишлек ҳўжалиги, ўрмончилик, балиқчиликка асосланган (ЯИМнинг ярми, экспорт хажмининг деярли ҳаммаси). Асосий экспорт маҳсулотлари – қаҳва, ёғоч, какао. Ишлаб чиқариши ёғочта ишлов бериш ва балиқни қайта ишлаш билан чегараланган. Нефть конлари ўрганилмоқда. Титан, темир, уран, олтин, марганец конлари очилган. 2012 йилда ЯИМ миқдори 20649 млн (ахоли жон бошига – 23 133) долларни ташкил этган. Асосий савдо шериклари: Испания, Нигерия, Франция, Камерун.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги – 2760 км. Портлари: Бата, Малабо.

*Тарихи.* Ҳозирги Экваториал Гвинея худуди XV аср охиirlарида португаллар томонидан каşф этилган. 1778 или Португалия ўз мустамлакасини Испания тасарруфига ўтказишига мажбур бўлади. Мамлакат мустақилликка эришгунча (1968), Испан Гвинеяси деб аталган. Президент Нгуема томонидан ўрнатилган авторитар тузум, 1979 йилда полковник Мбасого бошчилигидаги ҳарбий тўнтиришда ағдарилади. 1982 йилда янги конституция қабул қилинди. 1990 йилларга келиб мухолифатчиларни оммавий қамокка олишлар бошланди ва мамлакатда бир партияли диктатура ўрнатилди.

## ЭРИТРЕЯ

*Расмий номи – Эритрея Давлати. Пойтахти – Асмэра. Худуди – 117 600 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 5 580 800 киши (2012). Давлат тили – тиграй ва араб. Сигинувчилар ислом ва христиан динларига эътиқод қиласади. Пул бирлиги – нақфа.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Шаркий Африкадаги давлат. Гарб ва жанубда – Эфиопия (чегара узунлиги – 912 км), шимол ва шимоли-гарбда – Судан (605 км), жануби-шаркда – Жибути (109 км) билан чегарадош. Куруклидаги чегаралари узунлиги – 1626 км. Шаркида мамлакат Қызыл деңгиз билан туташкан. Сохил бүйлаб чегара узунлиги – 1151 км. Эритрея тогли мамлакатдир. Унинг худуди Эфиопия төглигининг бир кисми хисобланади. Гарбда тоглик секин-аста пасайиб Судан текислигига айланади. Шаркда эса сохилбүйи текислиги жойлашган. Эритреяда олтин, мис, темир, никель, хром, титан, нефть конлари бор. Ҳайдаладиган ерлар мамлакат худудининг 3%, яйлов ва ўтлоклар 40% ини ташкил этади.

*Иқлими– курук ва иссик.* Ўсимлик дунёсини чўл ўсимликлари ташкил этади. Ҳайвонот олами тимсоҳ, тұякуш, бургут, марабу, калхат ва турли деңгиз баликларидан иборат.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – унитар давлат. Эритрея ўз мустакиллигини 1993 йилнинг 24 майида эълон килган (аввал Эфиопиянинг бир кисми). Миллий байрамлари: 24 май – Мустакиллик куни ва 1 сентябрь – Мустакиллик учун қуролли кураш бошланган кун (1961). Давлат ва ҳукумат бошлиғи – президент. Қонун чиқарувчи олий орган – Эритрея Миллий ассамблеяси. Ягона сиёсий партия – Демократия ва адолат учун ҳалқ фронти.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Эритрея жаҳоннинг иқтисодий жиҳатдан кам тарақкий эттан давлатларидан биридир. Иқтисодининг асосий тармоғи аҳолининг 60% и банд бўлган қишлоқ ҳўжалигидир (ЯИМнинг 50%, экспортнинг 70%). 2012 йилда ЯИМ миқдори 3108 млн (аҳоли жон бошига – 546) долларни ташкил этган. Саноатининг ривожланган тармоклари: нефтни қайта ишлаш, ёғочни қайта ишлаш, тўқимачилик, тери-пойабзal, тикувчилик, озиқ-овкат. Портлари: Асэб, Массая.

*Тарихи.* Эритрея милодгача вужудга келган Эфиоп қироллиги – Аксум таркибига кирган. 1890 йилдан Италия мустамлакаси. 1941 йилдан БМТ мандатига кўра Буюк Британия томонидан бошқарилган. 1952 йилда Эритрея федерация аъзоси сифатида Эфиопия таркибига кирган. 1962 йилда, Эфиопия Эритреяни провинция деб эълон килгандан сўнг, мамлакатда мустакиллик учун ҳаракат бошланиб, бу ҳаракат 1975 йилда кенг миқёста кўтарилади. Эритреялик кўзғолончилар ҳукумат кўшинларидан устун келгач, 1993 йилда Эритрея референдум натижаларига кўра мустакил бўлди. 1998 йили Эфиопия билан чегара ҳудудлари учун уруш бошланди. Бу уруш 2000 йилда Эритреяning маглубияти билан тугади. 2009 йилда БМТ Ҳавфсизлик кенгаси Эритреяга қурол олиб кирилишига эмбарго зълон килди.

## ЭРОН

*Расмий номи – Эрон Ислом Республикаси. Пойтахти – Техрон. Худуди – 1648 000 км<sup>2</sup>. Давлат тили – форс. Аҳолиси – 77 242 000 киши (2013). Давлат дини – ислом. Пул бирлиги – эрон риали.*

**Географик жойлашушви ва табииати.** Эрон Жануби-Ғарбий Осиёда жойлашган. Ғарбда – Ироқ (чегара узунлиги – 1458 км) ва Туркия (499 км), шимолда – Туркманистон (992 км), Озарбайжон (611 км) ва Арманистон (35 км), шарқда – Афғонистон (936 км) ва Покистон (909 км) билан чегарадош. Куруклидаги чегаралари узунлиги – 5440 км. Жанубда Форс ва Ормуз кўлтиклари, шимолда Каспий денгизи билан туташ. Эроннинг катта кисмими Эрон тоглиги эгаллади. Шимолда Каспий денгизи киргоклари бўйлаб Эльбрус тоглари кад кутарган. Шимоли-шарқида Копетдог тизмаси жойлашган. Ғарбий чегаралар бўйлаб шимоли-ғарбдан жануби-шарққа томон Загрос тоглари чўзилган. Ғарбда Ҳузистон текислиги жойлашган. Мамлакат марказида Даشت-Кабир ва Даشت-Лут чўллари жойлашган. Эронда катта дарёлар кам. Асосий дарёси – Корун. Энг катта кўли Урмия – шимоли-ғарбда жойлашган. Нефть ва табиий газ конларига бой. Шунингдек, бошқа фойдали қазилмалари: кўумир, темир рудаси, хром, мис, рух, калайи, марганец, олтингугурт.

**Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.** Давлат тузилиши – республика. Маъмурий жиҳатдан 30 та вилоят (остон)га бўлинади. 1906 йилда конституциявий монархия, 1979 йилнинг 1 апрелида Эрон Ислом Республикаси деб ёзлон килинган (1 апрель – Миллий байрам). Конституция бўйича давлатнинг олий расмий шахси – Эрон Ислом Республикаси Раҳбари. Ундан кейинги олий расмий шахс – президент. Конун чиқарувчи хокимиятни Исломий Кенгаш мажлиси (парламент), ижроия хокимиятни президент ва ҳукумат амалга оширади. Эрон Ислом Республикаси (ЭИР) конституциясига кўра, Эронда ноисломий сиёсий партия ва ташкилотлар фаолияти такикланади. Ҳозирги кунда мамлакатнинг ички сиёсий ҳаётida бир катор ислом партия ва уюшмалари мавжуд бўлиб, улар орасида ёзтиборга лойик бўлганлари – Курашаётган руҳонийлар жамияти, Исломий Эрон бирдамлик партияси, Исломий Эрон ҳамижихатлик партияси, Тараккиётта хизмат килувчилар уюшмаси, Имом Ҳумайний сиёсати тарафдорлари уюшмаси.

**Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.** Эрон иқтисодида ишлаб чиқариш воситалари, биринчи навбатда нефть қазиб олиш ва нефтин кайта ишлаш саноат корхоналари давлат мулкими ташкил этади. 2012 йилда ЯИМ миқдори 483 780 млн (аҳоли жон бошига – 7211) долларни ташкил этган. Қишлоқ ҳўжалиги мамлакатнинг асосий қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга эмас. Асосий савдо ҳамкорлари: Россия, Япония, Италия, Германия.

Темир йўларининг узунлиги – 4850 км, автомобиль йўлари – 140 072 км, ички сув йўлари – 904 км. Йирик портлари – Бендер-Аббас, Энзели.

**Тарихи.** Форслар дастлаб м. а. IX асрларга оид Оссурия манбаларида тилга олинади. М. а. 556–550 йилларда Буюк Кир II кадимги дунёда буюк империяни яратган форс подшолари сулоласига асос солди. Доро I (м. а. 522–486 йилларда) даврида империя ўзининг ривожланиш чўққисига кўтарили. Империя худуди Хиндистондан Ўрта Ер денгизигача кентгайди. Миср, Кичик Осиё ва Фракия ерлари империя таркибига киритилди. М. а. V аср охиirlарида форсларнинг экспансияси греклар томонидан тўхтатилди. М. а. 330 йилда Форс империяси Александр Македонский кўшинлари томонидан забт этилди. М. а. 224 йилда мамлакатни тўрт аср давомида идора килган сосонийлар сулоласи ҳокимият тепасига келди. Форс империяси VI аср охиirlари ва VII аср бошларида ривожланишнинг энг юкори даражасига кўтарили. Араблар босқини империяни заифлашириди, ислом дини киритилди. XI асрда мамлакат салжукий турклар томонидан забт этилгандан сўнг ислом-форс цивилизацияси инкирозга учради. 1221–1222 йилларда Чингизхон, XIV асрда Амир Темур томонидан босиб олинди. XVI аср бошларида мамлакат яна форслар – саффавийлар сулоласи томонидан бошқарили. XVIII–XIX асрларда бу худудлар ўз таъсир доираларига эга бўлиш учун интилган Россия ва Буюк Британияга карши курашишга тўғри келган бир қанча форс сулолалари алмашди. 1925 йилда ҳокимиятта паҳлавийлар сулоласи келади. 1979 йили шоҳ Мұхаммад Ризо Паҳлавий хукумати норозилик харакатлар натижасида ағдарилди. 1934 йилдан бошлаб мамлакат Эрон деб номлана бошланди. 1980 йилда Эрон Республикаси деб зълон килинди. 1979 йил охирида Эрон ва Ирок ўртасида муносабатлар кескинлашди. Эрон билан Ирок ўртасида Шатт ул-Араб дарёси бўйлаб ўтган чегара хусусидаги жанжал куролли тўқнашувга айланаб кетган. 8 йил давом этган бу можаро икки томонни ҳам ҳолдан тойдирди. Ҳумайний вафотидан сўнг (1989) ҳокимият тепасига келган янги хукумат бир қанча ижобий ислоҳотларни амалга ошира бошлади, ташки сиёсатда Эронни ҳалкаро миқёсда яккаланиб қолиш ҳолатидан чиқариш йўлини белгилади. АҚШ хукумати Эронни террористларни куроллантиришда ва оммавий кирғин куролларини ишлаб чиқаришда айблаб келмоқда.

## ЭСТОНИЯ

*Расмий номи – Эстония Республикаси. Пойтахти – Таллинн. Худуди – 45 200 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 1 339 700 киши (2012). Давлат тили – эстон. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг лютеран ва православ мазҳабларига эътиқод қиласи. Пул бирлиги – евро.*

**Географик жойлашуви ва табиати.** Шаркий Европанинг шимоли-гарбидаги давлат. Шаркда – Россия (чегара узунлиги – 294 км), жанубда – Латвия

(339 км) билан чегарадош. Куруклидаги чегаралари узунлиги – 633 км. Гарбда Эстония Болтик денгизи, шимолда Фин күрфази билан туташган. Сохил бўйлаб чегара узунлиги – 1393 км. Мамлакат худудининг катта кисмини текисликлар ташкил этади. Мамлакатнинг жануби-шарқида кирликлар бор. Асосий табиий ресурслар: ёнувчи сланецлар, фосфоритлар, торф, нефть, карабо. Ҳайдаладиган ерлар худудининг 22%, ўрмон ва тўйайлар 35% ини ташкил этади. Иклими дengiz иклимидан континенталга ўтувчи. Эстониянинг шимоли ва гарбida кенг баргли ўрмонлар, жануби ва жанубий-шарқида игнабаргли ўрмонлар ўсади. Лось, кусуля, кобон, куён, тулки, силовсин, бўрсик, бўри, айик, турли кушлар ва баликлар фаунаси ташкил этади.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – унитар республика. Мамлакат таркибига 15 та уезд ва марказга бўйсунувчи 6 та шаҳар киради. 1991 йилнинг 20 августида Эстония ўз мустакиллигини тиклади (аввал СССР таркиби кирган). Миллий байрами 24 февраль – Мустакиллик куни (1918) хисобланади. Ижро этувчи хокимият президент (давлат бошлиги) ва бош вазир бошлик ҳукуматга тегишли. Конун чиқарувчи олий орган – Рийгикогу (парламент). Сиёсий партиялари: «Республика» партияси, Эстония бирлашган халқ партияси, Ислоҳотлар партияси, Мўтадиллар партияси, Ватан итифоки, Эстония марказчилар партияси, Эстония халқ итифоки.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Эстония – индустрialiал-агар мамлакат. Ялпи ички маҳсулотида саноат 24,3%, қишлоқ хўжалиги 6,2%, хизмат кўрсатиш тармоғи 69,5% ни ташкил этади. Саноатининг ривожланган тармоклари: сланец қазиб олиш ва қайта ишлаш, ёғочни қайта ишлаш, кимё, машинасозлик, метални қайта ишлаш, курилиц маҳсулотларини ишлаб чиқариш, енгил саноат, озиқ-овқат саноати. Қишлоқ хўжалиги асосан гўшт-сут чорвачилигига ихтисослашган. 2012 йилда ЯИМ мидори 21863 млн (аҳоли жон бошига – 16320) долларни ташкил этган. Асосий савдо шериклари: Россия, Финляндия, Швеция, Германия.

Темир ўйларининг умумий узунлиги – 1000 км, автомобиль ўйлари – 14 800 км, ички сув ўйлари – 500 км. Асосий порт – Таллин.

*Тарихи.* VIII асрда эстонлар аввал немис, кейинрок данияликлар томонидан бўйсундирилади. Данияликлар 1154 йили Таллинга асос солнишади. 1346 йилда ҳозирги Эстония худудини Тевтон ордени Даниядан сотиб олади. Иван Грозний ҳукмронлиги даврида Россия Нарва ва Тартуни босиб олади. Тевтон ордени парчалангандан сўнг (1561) Эстония Швеция, Дания ва Речь Посполита ўргасида бўлиб олиниади. XVII асрда Эстония мамлакатга лютераникни олиб келган Швецияга карам бўлади. Шимолий уруш (1700–1721) даврида Эстония Пётр I томонидан забт этилиб, Ништадт шартномасига кўра Россия тасаруфига ўтади. 1917 йилнинг февраль инклибидан сўнг Эстония мустакилликка эришади, лекин 1917 йилнинг нояброда большевиклар мамлакатда совет

хокимиятини ўрнатади. Немислар Эстонияни 1918 йилда босиб олади. Эстония 24 февралда совет Россияси таркибидан чишиб, ўз мустакиллигини эълон килди. Бу мустакиллик Германиянинг капитуляциясидан сўнг – 1920 йилда тан олинди. 1934 йилда мамлакатда диктатура, 1940 йилда совет қўшинлари бостириб кириши оқибатида совет хокимияти ўрнатилди. 1944 йилда немис қўшинларидан озод қилинган Эстония 1991 йилгача ССРР таркибига кирган. 1991 йилда Эстония ўз мустакиллигини тиклади. 1994 йилда Россия армиясининг охирги кисмлари Эстониядан олиб чиқилди. 2004 йили НАТО ва ЕИга қабул килинди.

## ЭФИОПИЯ

*Расмий номи – Эфиопия Федератив Демократик Республикаси. Пойтахти – Аддис-Абеба. Худуди – 1 221 894 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 91 195 600 киши (2011). Давлат тили – амхар. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг православ (45%) мазҳабига, ислом динига (35%) ҳамда мажусийликка (12%) эътиқод қиласди. Пул бирлиги – бир.*

*Географик жойлашуви ва табииати.* Африканинг шарқидаги давлат. Шарқ ва жануби-шарқида – Сомали (чегара узунлиги – 1600 км), гарб ва шимоли-гарбда – Судан (1606 км), шимоли-шарқда – Эритрея (912 км) ва Жибути (349 км), жануби-гарбда – Кения (861 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги – 5328 км. Мамлакат худудининг катта кисмини Эфиоп тоғлиги (энг баланд нуқтаси Рас-Дашэн тоги – 4623 м) эгаллади. Эфиопия оз миқдордаги олтин, платина, мис захираларнга эга. Мамлакат худудиниң 12% ини хайдаладитган ерлар, 41% ини ўтлок ва яйловлар, 24% ини ўрмон ва бутазорлар ташкил этади.

*Иклими –* субэкваториал. Ўсимлик дунёси турли бўлиб, тропик ва чўл ўсимликларидан альп ўсимликларигача ўсади. Ҳайвонот дунёсини арслон, коплон, фил, гиппопотам, жирафа, каркидоқ, антилопа, силовсин, маймун, турли кушлар ва ҳашаротлар ташкил этади.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Мамлакат 9 та миллий-маъмурий штатларга ва пойтахт худудига бўлинган. Ҳозирги Эфиопия худудида м. а. I минг йилликда ёқ Сава подшолиги бўлган. 1889 йилда Эфиопия Италияниг протекторатига айланган. 1895 йилда мустакилликка эришган. Миллий байрамлари: 2 март – Адуя яқинидаги Фалаба куни (1896) ва 6 апрель – Фалаба куни (1941). Давлат бошлиги – президент. Ижро этувчи хокимият бош вазир ва ҳукуматга, қонун чиқарувчи хокимият – Ҳалқ вакиллари кенгашига тегишли. Сиёсий партиялари: Эфиопияда тинчлик ва демократия учун мукобил кучлар иттифоқи, Эфиопия демократик бирлик партияси, Эфиопия халклари николобний-демократик фронти.

**Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.** Иқтисоди кишлөк хўжалигида (ЯИМнинг 45%, экспортнинг 90%) асосланган Эфиопия Африканинг қашшоқ мамлакатлари каторига киради. 2012 йилда ЯИМ миқдори 41 893 млн (ахоли жон бошига – 483) долларни ташкил этган. Асосий экспорт маҳсулоти – қаҳва (экспорт тушумларининг 60%). Ишлаб чиқариш асосан кишлек хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда олтин казиб чиқариш билан боғлик. Асосий савдо шерилари: Германия, Япония, Франция, Италия, Саудия Арабистони.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 988 км, автомобиль йўллари – 44 300 км (3650 км асфальтланган).

**Тарихи.** Ривоятларга кўра, кадимда ҳозирги Эфиопия ҳудуди Сава подшо-лигининг бир қисми хисобланган. II аср охирида шаклланган Аксум подшо-лиги VI–VII асрларда заифлашади. Мусулмон сулоласи Загве (Х–XIII асрлар) хукмдорлигидан сўнг, ҳокимиятга 1270 йилда христиан (копт) сулаймонийлар сулоласи келади. Ислом таъсирига карши туриш максадида Эфиопия хукмдорлари XIV–XVII асрларда Европа давлатларидан ёрдам сўрашади. XIX аср охирида Сувайш канали очилгандан сўнг Эфиопия ўзига Италия, Франция, Англия каби давлатларнинг эътиборини жалб қила бошлади. 1889 йилда Италия ва Эфиопия ўртасида имзоланган шартномани икки томон ўзича тушунади. Эфиопияни ўз протекторати сифатида кўришини хоҳлаган Италия, мамлакатта ўзининг ҳарбий экспедициясини жўнатади. Аммо бу экспедиция 1896 йилда мағлубиятта учрайди. 1935 йилда Муссолини Сомалида яшаётган италияникларнинг манфаатини ҳимоя қилиш баҳонасида Эфиопияга ўз кўшиналарини киритади. Натижада Эфиопия ва Сомали бирлашиб, Италиянинг Шаркий Африка мустамлакасини ҳосил килади. 1941 йилда британияниклар Эфиопияни озод қилишади. Эритреяде миллий ўзликни англаш, Сомали билан ҳарбий тўқнашувлар, очарчилик ва курғочилик мамлакатда чукур ижтимои-иктисодий ва сиёсий инкоризни келтириб чиқаради. 1974 йилда ҳарбий тўнтариш натижасида император Селасие таҳтдан ағдарилади. 1975 йилда Эфиопия республика деб зълон килинади. 1977 йилда навбатдаги ҳарбий тўнтариш оқибатиде ҳокимиятга Менгисту Хайлे Мариам келади. Совет тузуми тарафдори бўлган бу ҳокимият 1991 йилнинг 28 майигача ҳукмронлик килади. 1993 йилда Эритрея мустакил давлат сифатида Эфиопиядан ажralиб чиқади. 1998–2000 йилларда Эритрея билан чегара уруш-лари бўлиб ўтди. Шунингдек, Эфиопия 1997, 2000 ва 2006 йилларда Сомали мажороларига ҳам аралашиди.

## ЯМАЙКА

**Расмий номи – Ямайка. Пойтахти – Кингстон. Ҳудуди – 11 500 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 2 868 380 киши (2011). Давлат тили – инглиз. Сигенувчиларнинг асосий қисми – христиан динининг протестант мазҳабига эътиқод қилади. Пул бирлиги – ямайка доллари.**

*Географик жойлашуви ва табииати.* Кариб денгизида, Ямайка ороли ва бир канча майдо оролларда жойлашган давлат. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 1022 км. Оролнинг катта кисмини ясситоглиқ ва баландлиги 2256 м гача бўлган тоглар эгаллади. Кирғок атрофлари тор текисликдан иборат. Асосий табиий ресурслари: бокситлар, гипс, охактош, мармар. Ҳудудининг 19% ини хайдаладиган ерлар, 28% ини ўрмон ва тўқайлар, 18% ини яйлов ва ўтлолар ташкил этади.

Иклими – тропик. Ўсимлик дунёси инсон фаолияти туфайли қашшоклашган. Ҳозир ўрмонлар мамлакат ҳудудининг 1/5 кисмини эгаллади. Тоғ атрофларида адир ўсимликлари ўсади. Турли кушлар ва кўршапалаклар кўплаб учрайди. Ёввойи сут эмизувчилар деярли йўқ. Судралувчилардан тошбака, заҳарсиз илон, тимсоҳ, калтакесаклар учрайди.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – унитар давлат, Британия Ҳамдўстлиги аъзоси. Мамлакат 3 та графликка бўлинган. Ямайка 1962 йилнинг 6 августида мустакил бўлди (аввал Буюк Британия мустамлакаси). Қонунлари инглиз умумий ҳукукига асосланган. Давлат бошлиги – Британия монархи. Оролни унинг вакили – генерал-губернатор бошкаради. Ижро этувчи ҳокимият генерал-губернатор билан бош вазир бошлиқ ҳукуматта тегишли. Конун чикарувчи ҳокимият Сенат (юкори палата) ва Вакиллар палатасидан (кўйи) иборат парламентга тегиши. Сиёсий партиялар: Ямайка лейбористлар партияси, Халк миллий партияси, Ямайка касаба уюшмалари конгресси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Саноатнинг асосий тармоклари – бокситлар казиб олиш ва алюминий ишлаб чиқариш. Чет эл валютасининг асосий маёнбай туризм хисобланади. Қишлоқ ҳўжалиги (ЯИМнинг 10%) умумий экспорт ҳажмининг 17% ини таъминлайди. Экспорт килинадиган асосий экинлар – шакаркамиш, банан. 2012 йилда ЯИМ миқдори 15 262 млн (аҳоли жон бошига – 5541) долларни ташкил этган. Асосий савдо шериклари: АҚШ, Буюк Британия, Канада, Тринидад ва Тобаго.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 294 км, автомобиль йўллари – 18 200 км. Асосий порт – Кингстон.

*Тарихи.* 1494 йилда Колумб томонидан кашф этилган орол, хиндуларнинг катта кисмини кириб ташлаган испанларнинг мустамлакасига айланади. XVI аср бошларида оролга Африкадан куллар келтирила бошланади. 1655 йили Британия мустамлакаси бўлган. 1958 йилдан ўзини ўзи бошқариш ҳукукига эга бўлди. 1962 йилдан Британия Ҳамдўстлиги таркибидаги мустакил давлат.

## ЯМАН

*Расмий номи – Яман Республикаси. Пойтахти – Сано. Ҳудуди – 527 970 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 25 569 200 киши (2012). Дақлат тили – араб. Дақлат дини – ислом. Пул бирлиги – яман риали.*

*Географик жойлашуви ва шабноти.* Жануби-Гарбий Осиёда, Арабистон яриморолининг жанубида жойлашган давлат. Шимол ва шимоли-шарқда – Саудия Арабистони (чегара узунлиги – 1458 км), шарқда – Уммон (288 км) билан чегарадош. Куруклиқдаги чегаралари узунлиги – 1746 км. Гарбда – Кизил денгиз, жанубда – Аден кўрғази билан туташ. Худудининг катта кисмини тогли ерлар (энг баланд нуқтаси Ан-Наби-Шоиб тоги – 3600 м) эгаллаган. Шимол ва шаркида чўллар жойлашган. Фойдали казилмалари: нефть, табии газ, олтин, темир, мис, гипс, тошкўмир, кварц, оптингугурт, ярим кимматбахо тошлар.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – республика. Маъмурӣ жиҳатдан 19 та вилоят (мукофаза) га бўлинади. Яман Республикаси Яман Араб Республикаси (ЯАР) ва Яман Ҳалқ Демократик Республикаси (ЯХДР)нинг бирлашиши натижасида 1990 йилнинг 22 майида ташкил топди. Бу кун «Яман бирлиги куни» сифатида нишонланади. Бошқа миллий байрамлари – 26 сентябрь – Иникилоб куни, 30 ноябрь – Мустакиллик куни. Ижро этувчи ҳокимият – президент кенгаши (президент кенгаши раиси катта ваколатта эга) ва бош вазир раҳбарлигидаги Вазирлар кенгашига тегишли. Конун чикарувчи орган – бир палатали парламент – Депутатлар палатаси. Асосий сиёсий партиялари: Умумий ҳалқ конгресси, Яман социалистик партияси, Ислоҳотлар учун Яман бирлиги.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Ҳукумат сиёсатининг стратегик йўналишлари – нефть саноатини ривожлантириш, шунингдек, кишлек ҳўжалигига ишлаб чиқаришни яхшилаш, эркин иқтисодий ҳудудлар яратиши. Кишлек ҳўжалиги ЯИМнинг 25%ини таъминлайди. Шунга карамасдан, Яман озиқ-овқат маҳсулотларининг 70%ини четдан келтиришга мажбур. Агар Санга шахри мамлакатнинг сиёсий маркази бўлса, жанубий шаҳар – Аден Яманнинг иқтисодий ва савдо марказидир. 2012 йилда ЯИМ миқдори 36370 млн (ахоли жон бошига – 1377) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари – Германия, Буюк Британия, АҚШ.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги – 51 390 км. Портлари: Аден, Мукалло, Салиф, Ходейда.

*Тарихи.* М. а. I минг йилликда Яман ҳудудида Хадрамаут, Катабан, Аусан, Саба, Мани давлатлари вужудга келган. Яман IV асрда Эфиопия, VI асрда форслар томонидан забт этилган. VIII асрда мамлакат ҳудудида ислом дини тарқалди. X асрда мамлакатда зайдийлар сулоласи ҳукмронлиги ўрнатилди. XVI асрда Яман Усмонийлар империяси таркибига киритилди. 1633 йилда Яман ҳудудида яна мустакил давлат – Зайдийлар имомлиги ташкил топди. 1839 йилда Аден инглизлар томонидан оккупация килинди. Яманнинг шимолида XIX асрнинг 70-йилларида инглизлар ҳукмронлиги ўрнатилди. XX аср бошларида мамлакат Шимолий Яман ва Жанубий Яманга бўлинади. 1918 йилда Шимолий

Яман мустакилликка эришди. 1962 йилда конституцион монархия республикага айланди. Жанубий Яман мустакилликка 1967 йилда эришди. 1970 йилдан бошлаб Яман Халқ Демократик Республикаси деб атала бошлади. 1980 йилларда бошланган икки давлат ўргасидаги музокаралар натижасида 1990 йилнинг 21 майида икки давлат бирлашиб, ягона давлат ташкил топди. Аммо мамлакатда шимоллик ва жанубликларни ажратиб ташлашга бўлган харакатлар сакланиб колди; бу 1994 йили шимолликлар ғалабаси билан тугаган ҳарбий тўқнашувга хам олиб келди.

## ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯ

*Расмий номи – Янги Зеландия. Пойтахти – Веллингтон. Ҳудуди – 268 680 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 448 650 киши (2013). Давлат тили – инглиз, маори тиллари ва имо-ишоралар. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – янги зеландия доллари.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Тинч океанининг жануби-гарбий кисмida иккита йирик оролда (Кук бўғози ажратиб турадиган шимолий ва жанубий оролларда) ва бир нечта майда (Стюарт, Чатем, Кермадек, Кемпбелл) оролларда жойлашган давлат. Шарқда – Тинч океани, шимолда – Физи денгизи, гарбда эса оролларни Австралия материгидан ажратиб турадиган Тасман денгизи билан туташиб кетган. Бундан ташқари, Янги Зеландия Тинч океанининг марказий кисмida жойлашган Токелау, Кук, Ниуэ оролларига хам эгалик килади. Соҳиб бўйлаб чегара узунлиги – 15 134 км. Қиргоклари фьордлар билан ажралган. Ҳудудининг катта кисмини тоглар, коялар ва тепаликлар эгаллаган. 200 дан кўпроқ чўккilarнинг балаандлиги 2300 м дан ошиқ. Энг юкори нуктаси – Кук тоги (3764 м). Фаол ҳаракатдаги вулконлар, гейзерлар, иссиқ минерал булоклар бор. Тез-тез зилзила бўлиб туради. Мамлакатда вулконлар фаолияти натижасида пайдо бўлган кўллар жуда кўп бўлиб, улардан энг йириги – Таупо (606 м<sup>2</sup>) кўлидир. Бош дарёси – Уанкато. Асосий табиий ресурслари – табиий газ, темир рудаси, кўмир, кўргошин, мис, олтин, гидроэнергетик ресурслар. Умумий ерларининг ярмидан кўпроги (53%)ни ўтлоқ ва яйловлар, 38% ҳудудини ўрмон ва тўқайзорлар эгаллайди.

Иклими – мўътадил. Жанубий оролнинг текисликлари ва шимолий оролнинг бир кисми тассек (кумликда ўсадиган ўсимликлар) билан копланган. Тогларда жануб қоракайини (шамшод) ўрмонлари, шимолий оролда эса субтропик ўрмонлар бор. Оролларнинг фаунаси жуда ўзига хос. Янги Зеландиядаги кушларнинг 90% и эндемиклардир (эндемик – жайдари, маълум бир жойга хос бўлган). Кам учрайдиган, учмайдиган кушларнинг кўпчилик турлари – киви, капало тўтиси, жуда кам учрайдиган такаҳе куши хам мавжуд. Янги Зеландияда энг

қадимги умуртқалилардан – туатара ёки гаттериялар бу ерда мамонтлар пайдо бўлгунга кадар ҳам истикомат қилишган.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – унитар давлат. Мамлакат Буюк Британия Ҳамдустлиги таркибига қиради. Янги Зеландия 10 провинцияга бўлинган. Мамлакат 1907 йилнинг 26 сентябринда Буюк Британиядан мустакиллик олган. Қонунчилик инглиз умумий ҳуқуқига асосланган. Миллий байрами 6 февраль – Вайтонги куни (1840). Давлат бошлиги расмий равишда британ кироли (кироличаси) хисобланади, унинг номидан генерал-губернатор иши юритади. Амалда ижроия ҳокимият бош вазир бошчилигидаги ҳукуматга тегишили. Олий конун чиқарувчи орган – Вакиллар палатаси (бир палатали парламент)дир. Сиёсий партиялари: Умумий келаражак партияси, Лейбористлар партияси, Янги Зеландия миллий партияси, Янги Зеландия демократик партияси, Янги Зеландия социалистик бирлик партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Ҳукумат Буюк Британияга боғлик бўлган ва аграр иқтисод йўналишини эркин бозор муносабатларига асосланган жаҳон иқтисодиётига мослаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошироқда. 2012 йилда ЯИМ миқдори 166 923 млн (аҳоли жон бошига – 38 222) долларни ташкил этган. Саноатининг нисбатан тараккий этган тармоқлари: озиқ-овқат ишлаб чиқарниш, цељулоза-когоз, кимё, машинасозлик, тўқимачилик. Юксак даражада ривожланган кишлек ҳўжалигига пешқадам ўринни чорвачилик эгаллайди (кишлек ҳўжалик маҳсулотларининг 80% ини беради). Мамлакат иқтисодида ўрмончилик ва балиқчилик ҳам муҳим ўрин тутади. Муҳим савдо ҳамкорлари – ЕИ мамлакатлари, Япония, Австралия, АҚШ.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 4716 км, автомобиль йўллари – 92 648 км (49 547 км каттик қопламали йўллар), ички сув йўллари эса 1609 км. Мамлакатнинг асосий портлари – Веллингтон, Окленд.

*Тарихи.* Маори халклари истикомат килиб келган Янги Зеландия 1642 йили А. Тасман томонидан кашф этилган. XIX всерда инглизлар томонидан мамлакатни мустамлакалаштириш маорилар қаршилик кўрсатсанлиги туфайли (1842–1846, 1860–1868 йиллардаги маори урушлари) жуда секинлик билан борди. 1851 йилда Буюк Британия мустамлакаси деб эълон қилинган Янги Зеландия 1907 йили доминион мақомини қўлга киритди. Британ Ҳамдустлиги таркибida мустакилликка 1931 йили эришди. Франция томонидан Тинч океанида ядро синновларининг ўтказилиши Янги Зеландия томонидан каттик каршиликка дуч келди, 1985 йилги «Гринпис иши»дан кейин эса икки давлат ўртасидаги муносабатлар янада кескинлашди. 1987 йили Янги Зеландия ўз ҳудудини ядродан холи зона деб эълон қилди.

## ЯНГИ КАЛЕДОНИЯ

*Расмий номи – Янги Каледония. Мәймүрий маркази – Нумеа. Худуди – 19 100 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 258 700 киши (2012). Давлат тили – француз. Сигинувчиларнинг асосий қисми христиан динининг католик (60%) ва протестант – кальвенист (30%) мазҳабларига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – француз тинч океани франки.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Франциянинг мулки, Океанияда, Тинч океанининг жануби-гарбий қисмida жойлашган. Франциянинг «дэнгизорти худуди» Янги Каледония (acosий орол), Луайоте ва Честерфилд ороллари гурухидан, Пен ва бошқа ороллардан иборат. Оролларнинг кирғоклари маржон рифлари билан үралган бўлиб, дунёда энг узун (600 км) тўсикли рифларни ташкил этади. Янги Каледония оролининг шарқида вулқон отилиши натижасида пайдо бўлган ясситоғлик мавжуд. Энг юкори чўккиси – Пане тоги (1628 м). Майда дарёлар тармоги мавжуд. Асосий казилма бойликлари: никель (дунё захираларининг 20%), кобальт, хром, темир рудаси, марганец, мис, кўмир.

Иклими – тропик. 3000 га яқин ўсимлик турлари мавжуд. 10% худуди ўрмонлар билан қопланган (араукария, агатис ва бошқа дараҳатлар). 61 турдаги кушлар, кўплаб илонлар мавжуд.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* 1946 йилдан Франция мулки. Худуд бошқарувини Олий комиссар амалга оширади. Қонун чиқарувчи ҳокимиёт – худуд Конгресси (54 депутат 6 йилга 3 та провинция номидан сайланади). Франция парламенти – Миллий йигинда Янги Каледония 2 депутат ва 1 сенатор вакиллигига эга. Мәймүрий жиҳатдан 3 провинцияга бўлинган. Сиёсий партиялари: Республика таркибида Каледония учун бирлашма, Канаклар озодлиги миллий социалистик фронти, Янги Каледония барча учун ҳаракати.

*Иқтисоди, транспорт каммуникациялари.* Иқтисоди асосини төг-кон санаоти ташкил этади. Янги Каледония никелнинг энг йирик захираларига эга (никель экспорти валюта даромадларининг 75%ини ташкил этади). Металлургия, кишлөк ҳўжалик маҳсулотларини кайта ишлаш, курилиш материаллари ва мебель ишлаб чиқарни корхоналари бор. Қишлоқ ҳўжалигига аҳолининг 70%и банд. Чорвачилик ва балиқчилик ривожланган. 2010 йилда ЯИМ миқдори 3 158 млн (аҳоли жон бошига – 12 300) долларни ташкил этган. Асосий савдо камкорлари: Франция, АҚШ, Австралия, Япония.

Асосий денгиз порти: Нумеа.

*Тарихи.* 1774 йили меланезияликлар яшаётган бу ороллар инглиз саёхи Ж. Кук томонидан кашф килинган ва Шотландиянинг эски номи билан Каледония деб аталган. 1843 йили оролларга француз католик миссионерлари етиб келишибди. 1853 йилдан Францияга қарашли. 1860 йилдан эса мустамлакага айлантирил-

ган. 1864–1896 йилларда Янги Каледония сиёсий маҳбуслар сургун килинадиган жойга айлантирилди. Бу ерга 4000 га яқин Париж Коммунаси иштирокчилари хам сургун килинган. 1879 йили маҳаллий ахолининг йирик кўзголони французлар томонидан аёвсиз бостирилди. Янги Каледония 1946 йилдан Франция-нинг «денгизорти худуди» макомига эришди. 1984 йилнинг 10-майдагача Франция ҳукуматининг Олий комиссари томонидан бошкарилган. 1988 йили Франшияда ўтказилган референдумга кўра 1989 йилдан бевосита бошкарув бекор килиниб, автономия кучайтирилди. 1998 йили Франция бош вазири Л. Жоспен имзолаган шартномага кўра, Янги Каледонияда 20 йиллик мустақилликка ўтиш даври зълон килинди.

## ЯПОНИЯ

*Расмий номи – Япония. Пойтахти – Токио. Ҳудуди – 377 800 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 127 492 000 киши (2012). Давлат тили – япон. Сигинувчиларнинг асосий қисми синтоизм, буддавиийлик ва христиан дингларига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – иена.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Шаркий Осиёда, Тинч океанидаги Хонсю, Кюсю, Хоккайдо, Сикоку ва катор майдо оролларда (ҳаммаси бўлиб 6852 орол) жойлашган давлат. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги – 29 751 км. Мамлакат ландшафти тоғлар ва текисликлардан иборат. Баланд тоғларнинг аксариятида харакатдаги вулконлар бўлиб, мамлакатда ҳаммаси бўлиб 60 та фаол вулконалар мавжуд. Энг баланд нуқтаси – Фудзизима вулкони (3776 м). Мамлакатнинг энг катта текислиги – Канто (Хонсю о.). Энг узун дарёси – Синано (Хонсю о.). Энг йирик кўли – Бива (672 км<sup>2</sup>). Асосий табиий бойликлари: тошкўмир, мис, кўргошин, рух рудаси, балик. Ҳайдаладиган ерлар ҳудудининг 13%, ўрмон ва тўқайлар 67% ини эгаллайди.

Иклими – муссонли, шимолида мўттадил, жанубида субтропик. Япония ҳудудининг 2/3 қисми ўрмонлар билан копланган. Мамлакатнинг маркази субтропик, жануби тропик, Хоккайдо ороли аралаш ўрмонлар билан копланган. Ўрмонларида эман, карагай, бир неча тур пальма, банан, фікус, бамбук, дарахтсимон папоротниклар, эндемик (жайдари, фақат шу жойга хос бўлган) дарахтлар, 1500–2000 м баландликда адир ўсимликлари ўсади. Япон оролларининг ҳайвонот олами бир-биридан фарқ қиласди. Жанубий ороллар учун тропик фауна хос бўлиб, бу ороллarda бир неча тур маймунлар, кўршапалаклар, коракуён, кўк маркуш – «рури-касегу», «хабу» захарли илони учрайди. Япон архипелагининг марказий оролларида бўри, тулки, ёқутсимон ит, бўрсик, кийик, куён, олмахон, япон макакаси, япон кора айғи, улкан саламандра ҳайвонот оламини ташкил этади. Хоккайдо оролининг ҳайвонот олами кўнгир айик, ларик сичкони, оксусвар,

Сибирь соболи, тюлень, денгиз мушукларидан иборат. Япония атрофидаги денгизларда турли баликлар кўплаб учрайди.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – конституциявий монархия. Мамлакат таркибига 47 та префектура киради. Миллий байрами 23 декабрь – Император тугилган кун. Давлат бошлиги – император. Амалда ижро этувчи ҳокимият Вазирлар маҳкамасини бошқарадиган бош вазирга тегишили. Конун чиқарувчи ҳокимият Маслаҳатчилар палатаси (юкори) ва Вакиллар палатаси (куйи)дан иборат парламент томонидан амалга оширилади. Сиёсий партиялари: Либерал-демократик партия, Япония демократик партияси, Янги Комейто партияси, Япония социал-демократик партияси, Япония коммунистик партияси, Янги консерватив партия.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Иқтисодий кудрати жиҳатидан жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Иқтисодининг асосий тармоғи бўлган саноат хомашё ва ёнилғи импортига қарам. 2012 йилда ЯИМ микдори 5 963 969 млн (аҳоли жон бошига – 46 736) долларни ташкил этган. Юксак технологияларга асосланган аҳборот воситаларини ишлаб чиқариш, биотехнология тармоқлари тараккӣ этган. Япония кема, автомобиль, трактор, металга ишлов берувчи ускуналар, маниший электроника, роботлар ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллади. Япония жаҳонда ишлаб чиқариладиган рангли телевизорларнинг 60%, пӯлатнинг 14,3%, сунъий толаларнинг 12,3% ини етказиб беради. Қишлоқ ҳўжалигининг ЯИМдаги улуши – 2,2%. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари импорт килинади. Жаҳонда овланадиган балиқнинг 15% япон балиқчилик флотига тегишилдири. Асосий савдо шериллари: Жануби-Шарқий Осиё давлатлари, АҚШ, Фарбий Европа давлатлари, Хитой.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 27 327 км, автомобиль йўллари – 1 111 974 км (4 400 км тезюар йўллар, 46 805 км – давлат йўллари, 128 539 км – префектура йўллари), ички сув йўллари – 1 770 км. Асосий портлари: Муроран, Китакинсю, Кобе, Осака, Токио, Иокогама, Кавасаки, Кагосима, Нагоя, Нагасаки.

*Тарихи.* М. а. 660 йилда император Дзимму дастлабки давлатга асос солади. Бир неча асрлар мобайнида Япония Хитой ва Корея маданияти таъсири остида колган. Айнан шу давлатлардан VI асрда Японияга буддавийлик дини кириб келади. 522 йилда Ямато сулоласи ҳокимиятга келади ва Нара шахрини пойтахт деб эълон килиб, Хитой маъмурий бошқарув тизимини Японияда жорий этишади. 794 йилдан Хеян даври бошланиб, пойтахти Киотога кўчирилади. IX асрда япон ёзуви шаклланади. XI асрдан император расман хукмдор бўлиб, амалда ҳокимият сёгун кўлига ўтади. Мамлакат пойтахти Камакурага кўчирилади. Самурайлар мамлакатда дзен-буддавийликнинг таркалишига ўз хиссаларини кўшишади. 1274 ва 1281 йилларда японлар мўгуллар хужумини қайтаришади. Ўзаро урушлардан сўнг 1615 йилда Токугава сёгунати ҳокимиятни кўлга олади. XVII асрда Японияда европаликлар – аввал португаллар, кейинроқ голландлар пайдо

булади. Шунга қарамай, Япония XIX аср ўрталаригача чет элликлар учун ёпик бўлган. 1867 йилда токутава сулоласининг сўнгти сёгуни Есинобу ҳокимиятни император Мицухитога топширади. Пойтахт Эду (Токио)га кўчирилдади. Япония кучли давлатга айлангач, 1894 йилда Тайванни, 1905 йилда Россияни Цусима жангидаги мағлуб этиб, Порт-Артур ва Жанубий Сахалинни эгаллаб олади. 1910 йилда Кореяни, иккала жаҳон уруслари оралигига Тинч океанидаги қатор оролларни босиб олади. 1931 йилда япон кўшинилари Маньчжурияга бостириб киришади, 1937 йилда Хитойнинг колган худудларига боскинчилек бошлилади. Иккинчи жаҳон урушига Япония 1941 йилнинг 7 декабряда АКШнинг Пёрл-Харбор ҳарбий базасига хужум килиш билан киради. Уруш даврида Япония Англия ва Франциянинг Жануби-Шаркий Осиёдаги мустамлакаларини босиб олади. Иттифоқчи кўшиниларнинг хужуми, Хиросима ва Нагасакига атом бомбаларининг ташланиши натижасида Япония 1945 йилнинг 2 сентябрда таслим бўлганини зълон килади. Ўз мустамлакаларини йўқоттанилиги ва урушдан оғир ахволда чиққанлигига қарамай, сиёсий ҳаётнинг демократлаштирилиши ва жадал технологик тараккиёт оқибатида Япония иктиносидий жихатдан тараккий этган ҳамда энг бой давлатлардан бирига айланди. 2011 йилнинг 11 март куни содир бўлган кучли зилзила ва цунами «Фукусима-1» атом электростанциясида йирик радиацион фалокатга олиб келди.

## ҚАМАР ОРОЛЛАРИ

*Расмий номи – Қамар Ороллари Иттифоқи. Пойтахти – Морони. Ҳудуди – 2170 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 794 683 киши (2011). Тили – қамар, араб ва француз. Сигинувчилар ислом дини (86%) ва христиан динининг католик (14%) мазҳабига зътиқод қиласиди. Пул бирлиги – қамар франки.*

*Географик эсойлашуви ва табиати.* Давлат Мадагаскар ороллари ва Африка китъаси оралигидаги Мозамбик бўғозидаги ороллар (уч асосий – Нгазиза (Гранд-Комор), Нзвани (Анжуан), Мвали (Мохели) ва бир қатор бошка ороллар) да жойлашган. Кирғоқ бўйлаб чегара узунлиги – 340 км. Маоре (Майотта) ороли Францияга тегишили. Мамлакатнинг энг баланд нуктаси – Каргала фаол вулкони (1260 м). Ҳайдаладиган ерлари ҳудудининг 35%, ўрмон ва бутазорлар 16%, ўтлок ва майсазорлар 7% ини эгаллайди.

Иклими – тропик.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – федератив республика, б юль Миллий байрами – Мустакиллик куни. Ижро этувчи ҳокимият давлат ва ҳукумат бошлиғи – президентта тегишили. Конун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент (Иттифоқ ассамблеяси)га тегишили. Асосий сиёсий партиялари: Янгиланиш ва демократик ҳаракат партияси, Тараккиёт

учун миллый бирлашма партияси, Демократия ва тараккиёт учун харакат партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Иқтисоди суст ривожланган. Кишлек хўжалиги иқтисоднинг етакчи тармоғи ҳисобланади. 2012 йилда ЯИМ миқдори 595 млн (ахоли жон бошига – 865) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Франция.

Темир йўллари йўқ. Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги – 750 км. Асосий портлари: Даудзи, Морони.

*Тарихи.* XI асрда араблар Қамар оролларида ўз салтанатига асос солдилар. XVI асрда оролларда европаликлардан биринчи бўлиб португаллар пайдо бўлди. 1841 йилдан Майотта ороли, 1886 йилдан эса колган ороллар Франция кўл остига ўтди. Қамар ороллари 1961 йилда ўз-ўзини бошқариш хукуқига эга бўлди ва 1975 йилда Қамар ороллари депутатлар палатаси ўз ташаббуси билан мамлакатни мустакил деб ёълон килди. 1978 йил 1 октябргача мамлакат Қамар Ороллари Республикаси, сўнгра Қамар Ороллари Федерал Ислом Республикаси деб аталди; 2002 йилда Қамар Ороллари Иттифоки деб ўзгаририлди.

## ҚАТАР

*Расмий номи – Қатар Давлати. Пойтахти – Доха. Ҳудуди – 11 437 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 1 699 400 киши (2010). Давлат тили – араб. Давлат дини – ислом. Пул бирлиги – қатар риали.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Қатар Осиёнинг жануби-ғарбида, Қатар яримороли (Арабистон яриморолининг шарқий соҳиллари)да жойлашган. Жанубда – Саудия Арабистони (чегара узунлиги – 40 км) билан чегарадош. Қатар яримороли ҳамма томонидан Форс қўлтиги билан ўралган. Ландшафти чўлли текисликлардан ташкил топган. Асосий табиий ресурслари: нефть ва табиий газ.

*Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – мутлак монархия. 1971 йилнинг 3 сентябрида мустакил давлатга айланган (аввал Буюк Британия протекторати эди). Миллый байрами 3 сентябрь – Мустакиллик куни. Давлат бошлиғи – амир. Конун чиқарувчи ҳокимиятни хукumat амалга оширади. Сиёсий партиялар фаолияти тақиқланган.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Нефть қазиб олиш иқтисодининг асосини ташкил этади. Табиий газ қазиб олиш ва экспорт килиш ҳам иқтисодда муҳим ўрин тутади. 2012 йилда ЯИМ миқдори 184 566 млн (ахоли жон бошига – 99 731) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Япония ва Буюк Британия.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги – 1500 км. Портлари: Доха, Умм-Саид, Халул.

**Тарихи.** VII асрдан Араб халифалигининг бир кисми, VIII–XIV асрларда Бахрайн амирлари хукмронлигига бўлган. XVI асрда Қатар Усмонийлар империяси таркибига киритилди. 1916 йилда Британия протекторатига айлантирилган. 1971 йилда Қатар мустақил давлат деб ўзлон килинди.

## ҚИРГИЗИСТОН

*Расмий номи – Қирғиз Республикаси. Пойтахти – Бишкек. Худуди – 199 900 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 5 654 800 киши (2012). Давлат тили – қирғиз, расмий тили – рус. Сигинуҷиларнинг асосий қисми ислом динига зътиқод қиласиди. Пул бирлиги – сом.*

**Географик жойлашуви ва табиати.** Ўрта Осиёning шимоли-шарқидаги давлат. Гарбда – Ўзбекистон (чегара узунли – 1099 км), шимолда – Козогистон (1051 км), жанубда – Тожикистон (870 км) ва Хитой (858 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги – 3878 км. Мамлакатнинг шимоли-шарқида Тянь-Шань (энг баланд нуктаси Фалаба чўқиси – 7439 м), жануби-гарбда Помир – Олой төг тизмаси жойлашган. Асосий дарёси – Норин. Энг катта кўли – Иссиққўл. Бир катор кўрикхоналар тузилган. Ер ости бойликлари – олтин, сурма, симоб, кўмир, нефть, газ. Ҳайдаладиган ерлар худудининг 7%, ўтлоқ ва майсазорлар 42% ини эгаллайди.

**Иқлими – континентал.**

**Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.** Давлат тузилиши – унитар республика. Мамлакат 7 та вилоятга бўлинади. Миллӣ байрами 31 август – Мустакиллик куни. Ижро этувчи ҳокимият президент (давлат бошлиги) ва ҳукумат бошлиги бош вазирга тегишли. Конун чикарувчи ҳокимиятни бир палатали парламент (Жокоргу кенеш) амалга оширади. Сиёсий партиялари: Қирғизистон аграр партияси, Қирғизистон аграр-мехнат партияси, «Ар-Намис» партияси, Қирғизистон хотин-кизлари демократик партияси, Қирғизистон демократик ҳаракати, Қирғизистон республика партияси, Қирғизистон коммунистлар партияси, «Мамлакатим» ҳаракати партияси, «Манас-эл» маънавий тикланиш партияси, Эркин Қирғизистон партияси, «Ата-Мекен» социалистик партияси.

**Иқтисоди, транспорт коммуникацияси.** Қирғизистон – аграр-индустрималь мамлакат. Бирмунча ривожланган саноат тармоклари: рангли metallургия, машинасозлик, енгил ва озик-овқат саноати. Қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоклари чорвачилик, пахтачилик ва бошқалар. 2012 йилда ЯИМ майдори 6473 млн (аҳоли жон бошига – 1158) долларни ташкил этган. Асосий саадо ҳамкорлари – Россия, Украина, Ўзбекистон, Козогистон ва бошка МДҲ мамлакатлари.

Темир йүлларининг умумий узунлиги – 370 км. Автомобиль йүллари узунлиги – 30 300 км.

*Тарихи.* VI асрдан XII асргача хозирги Киргизистон ҳудудлари Турк хоқонлиги таркибиغا кирган. XIII асрда мұғуллар томонидан босиб олинган Киргизистон XVII асрда Ойрат хонлиги, XIX аср бошларыда Күкон хонлиги таркибиغا киритилди. 1870 йили Россия империясининг Туркистон генерал-губернаторлиги таркибиغا киритилди. 1918 йилда Туркистон Республикасининг бир кисми, 1924 йилда РСФСР таркибіда Қара-Кирғиз Автоном вилояты, 1925 йилдан Киргизистон автоном вилояты, 1926 йилдан Киргизистон АССР, 1936 йилда Киргизистон ССР макомини олди. Киргизистон мустақиллиги 1991 йилнинг 31 августида ъзлон килинди. 1993 йил 5 майдан Қирғиз Республикаси деб номланди. 2005 йил марта қозага келган иқтисодий-ижтимоиي вазият амалдаги президент А. Акаевни ўз лавозимидан кетишга мажбур қилди («Лолалар инкілоби»). 2011 йили 30 октябрда умумхалқ овоз бериш йўли билан мамлакат президенти сайданди.

## ҚОЗОГИСТОН

*Расмий номи – Қозогистон Республикаси. Пойтахти – Астана. Ҳудуди – 2724 900 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 16911 900 киши (2012). Давлат тили – қозоқ, расмий тили – рус. Сигинувчиларнинг асосий қисми ислом (47%) дини ва христиан динининг православ (44%) ҳамда протестант (2%) мазҳабларига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – тенге.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Евросиё материгининг марказида жойлашган давлат. Шимолда – Россия (чегара узунлиги – 6846 км), жанубда – Ўзбекистон (2203 км), Қиргизистон (1051 км) ва Туркманистон (379 км), шарқда – Хитой (1533 км) билан чегарадош. Курукликтаги чегаралари узунлиги – 12 012 км. Қозогистоннинг гарбий қисми Каспий денгизи, жанубда Орол денгизи билан туташ. Мамлакат ҳудуди шарқда Олтойдан гарбда Волганинг куйи қисмигача, шимолда Гарбий Сибирь текислигидан жанубда Тянь-Шань тоғларигача чўэйлган. Гарбда Каспийбўйи пасттекислиги ва Мангишлөк яримороли жойлашган. Шимоли-гарбда Урал ва Мукоҗар тизма тоғларининг жанубий тармоклари ётиди. Мукоҗардан шимоли-шарқда Тўргай ясситоғлиги, жанубда Турон пасттекислиги ва Қизилкум чўли жойлашган. Шарқ ва жануби-шарқда Олтойнинг жанубий тизмалари қад кўтарган. Жанубда Бетпак-Дала ва Муюнкум чўллари бор. Асосий дарёлари – Иртиш, Урал, Чу, Сирдарё. Қозогистон ҳудудида Балхаш кўли ва қисман Орол ва Каспий денгизлари жойлашган. Флора ва фаунаси табиатига хос. Ер ости бойликлари кўплаб фойдали казилмаларга бой: уран, рух, олтин, мис, молибден, нефть, фосфорит, боксит, темир, марганец, кўргошин.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – унитар республика. Маъмурий жиҳатдан 14 та область (вилоят)га бўлинади. Қозогистон ўз мустакиллигини 1991 йилнинг 16 декабряда Совет Иттифоқи таркалгандан кейин эълон килган. 16 декабрь Миллий байрами – Республика куни. Давлат бошлиғи – президент. Конун чикарувчи олий орган – бир палатали парламент – Юкори кенгаш. Сиёсий партиялари: Қозогистон аграр партияси, Қозогистон фуқаролик партияси, Қозогистон демократик партияси, «Ак жол» демократик партияси, «Ауыл» социал-демократик партияси, Республика «Отан» сиёсий партияси.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* СССР таркалиб кетганидан кейин Қозогистонда ишлаб чиқаришнинг инкирозга юз тутиши кузатилади. Лекин хомашё зажираларига бойлиги ва ишлаб чиқариш базасига эга эканлиги Қозогистон иқтисодининг бошқа МДҲ давлатларига нисбатан яхшироқ ахволда бўлишига ёрдам берди. 2012 йилда ЯИМ микдори 196416 млн (ахоли жон бошига – 11 773) долларни ташкил этган. Бирмунча ривожланган саноат тармоклари: рангли ва қора металлургия, төғ-кон саноати, машинасозлик, нефтиң қайта ишлаш саноати. Қозогистон кўп микдорда жун, пахта, картошка, галла етишиди. Асосий савдо ҳамкорлари: Россия, Украина, Ўзбекистон, Хитой.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 14 460 км, автомобиль йўллари – 189 000 км.

*Тарихи.* Ҳозирги Қозогистон худудида туркӣ кабилалар VI–VIII асрларда Турк хоқонлиги, IX–XII асрларда Корахонийлар подшолиги ҳукмронлигига яшаганлар. XIII асрда мўгуллар босқинидан кейин Қозогистон Мўгул империяси таркибига киритилади. XIX асрда Россия империяси томонидан мамлакатни мустамлакага айлантириш учун ҳаракат фаоллашади, ҳозирги Алмати, Астана калъалари барпо этилади. 1886 йили Қозогистоннинг жанубий худудлари ҳам Россиянинг Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилди. 1917 йил ноябрда Алихон Букеҳонов Қозогистонни мустакил давлат деб эълон килди ва миллий давлатга асос солди. Лекин 1919 йилда Қизил Армия мамлакатни босиб олиб, 1920 йилда Совет автоном республикаси, 1936 йилдан бошлаб Қозогистон Совет Социалистик Республикаси деб эълон килинди. 1991 йили СССР таркалганидан кейин Қозогистон мустакил давлатга айланди.

## ФАРБИЙ САХРОИ КАБИР

*Расмий номи – Саҳрои Кабир Араб Демократик Республикаси. Пойтахти – Эль-Аюн. Ҳудуди – 266 000 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 566 600 киши (2012). Давлат тили – араб. Сигинувчиларнинг асосий қисми ислом динига эътиқод қиласади. Пул бирлиги – песта.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Фарбий Саҳрои Кабирда жойлашган. Жануб ва жануби-шарқда – Мавритания (чегара узунлиги – 1561 км), шарқда – Жазоир (42 км), шимолда – Марокаш (443 км) билан чегарадош. Курукликтаги чегаралари узунлиги – 2046 км. Мамлакат худудининг асосий кисми сув манбалари кам бўлган кумликлардан иборат. Асосий фойдали қазилмалари: темиррудаси, фосфорит.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – унитар республика. Давлат бошлиги – президент, конун чиқарувчи ҳокимиёт – Саҳрои Кабир миллий кенгаши. Худуднинг хукукий макоми ва мустақиллиги ҳақидаги савол хозирги кунда ўз ечимини топгани йўқ. Давлатни 70 дан ортиқ давлат тан олган.

*Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.* Аҳоли даромадининг асосий манбаи – балиқ овлаш ва фосфоритлар қазиб олиш. Савдо ва ташкии иқтисодий алоқалар Марокаш хукумати томонидан назорат қилинади. Марокаш Фарбий Саҳрои Кабирга дъявогар ва унинг бошқарувида раҳбарлик қиласди. 2010 йилда ЯИМ миқдори 900 млн (аҳоли жон бошига – 1700) долларни ташкил этган.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги – 6200 км. Асосий портлари – Эл-Аюн, Ад-Дакла.

*Тарихи.* Ҳозирги Фарбий Саҳрои Кабир худуди XIX аср охиirlаригача Испания кироллиги кўл остига ўтгунга кадар Шимоли-Фарбий Африкадаги турли давлатлар таркибида бўлган. 1975 йилда Испания, Мавритания ва Марокаш ўртасида Испаниянинг Фарбий Саҳрои Кабир худудларини Мавритания ва Марокашга беришга розилиги тўғрисида битим имзоланди. 1976 йил Жазоир мамлакатнинг Мавритания ва Марокаш ўртасида бўлиб олинишига карши чиқади. Сегиет-эль-Хамра ва Рио-де-Оро озодлиги учун халқ фронти (ПОЛИСАРИО фронти) ва 1976 йил 28 февралда эълон қилинган Саҳрои Кабир Араб Демократик Республикаси (САДР)ни кўллаб-куvvатлади. 1979 йилда Мавритания Фарбий Саҳрои Кабирнинг жанубий кисмларидан воз кечганидан кейин мамлакатнинг бутун худуди Марокаш назорати остига ўтди.

## ҲИНДИСТОН

*Расмий номи – Ҳиндистон Республикаси. Пойтахти – Нью – Деҳли. Худуди – 3 287 732 км<sup>2</sup>. Аҳолиси – 1 236 958 000 киши (2013). Давлат тили – ҳинд ва инглиз, яна 21 та тил (бенгал, тамил, теллугу ва бошқалар) мамлакатнинг турли штатларида расмий тил сифатида ишлатилади. Сигинувчилар ҳиндуйлик (82,6%), ислом (11,4%), христиан (2,4%), сикх (2%) буддавийлик (0,7%) динларига эътиқод қиласди. Пул бирлиги – ҳинд рупияси.*

*Географик жойлашуви ва табиати.* Ҳиндистон – Жанубий Осиёдаги давлат. Шарқда – Бангладеш (чегара узунлиги – 4053 км) ва Мьянма (1463 км),

шимолда – Хитой (3380 км), Непал (1690 км) ва Бутан (605 км), гарбда – Покистон (2912 км) билан чагародош. Куруклидаги чегаралари узунлиги – 14103 км. Мамлакат худудини учта табий зонага ажратиш мумкин. Декан Гат тог тизмаларини ўз ичига олган. Хинд-Ганга текислиги ўз навбатида икки кисмдан иборат: шарқида Ганга ва Брахмапутра водийси, шимоли-шарқида Тар саҳроси жойлашган. Шимолий кисми дунёнинг энг баланд тоглари – Химолай билан ӯралган. Энг баланд нуқтаси – Нангапарбат тоги (8126 м). Мамлакатнинг асосий дарёлари – Ганга, Хинд, Брахмапутра, Годавари. Фойдали казилмалари: кўумир (кўумир захиралари бўйича дунёда 4-уринда), темир рудаси, табии газ, нефть, марганец, титан, хромит, олмос, оҳактош, боксит. Худудининг 55% и экин экиладиган ерлар, 23% и ўрмон ва ҹанталзорлардан иборат.

*Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.* Давлат тузилиши – федератив республика. Мамлакат 25 та штат ва 7 та итифоқдош худудга бўлинади. 1947 йилнинг 15 августида мустакилликка эришган. Қонунчилик инглиз умумий хукукига асосланган. Миллий байрами 26 январь – республика эълон килинган кун (1950 йил). Ижроия ҳокимияти президент (давлат бошлиги)га ва бош вазир бошчилигидаги хукуматта тегишли. Қонун чиқарувчи олий орган икки палатали парламент (Сансад). Сиёсий партиялари: Хиндистон Миллий Конгресси (ХМК), Бхаратия Жаната партияси, Жаната дал партияси, Хиндистон коммунистик партияси.

*Иқтисоди, транспорт қалъуникациялари.* Хиндистон саноатида тўқимачилик, машинасозлик, тог-кон, нефтни қазиб олиш, нефтиң қайта ишлаш, фармацевтика, электроника ва кимё саноати муҳим ўрин тутади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ЯИМнинг 30% ини ташкил этади. 2012 йилда ЯИМ микдори 1824 832 млн (аҳоли жон бошига – 1492) долларни ташкил этган.

Темир йўлларининг умумий узунлиги – 61 850 км. Автомобиль йўллари – 1970 000 км (960 000 км қаттиқ копламали). Ички сув йўллари – 16 180 км. Асосий портлари: Мумбай (1995 йилча Бомбей), Мадрас.

*Тарихи.* Ҳозирги Хиндистон худудида инсоннинтнинг қадимги цивилизацияларидан бири пайдо бўлган. М. а. III-минг йиллик ўрталаридан м. а. II минг йиллик ўрталаригача Хиндистон худудида хинд-орий кабилалари томонидан вайрон килинган Хараппа цивилизацияси ривожланди. М. а. VI асрда Хиндистоннинг шимоли-гарбий кисми Форс империяси хукмронлигига ўтди. Мусулмонлар томонидан босиб олиннишига кадар (Х аср охири) Хиндистон худудида хиндуйлик маданийти ва дини ривожланган турли давлатлар хукмронлик килган. 1398–1399 йилларда Амир Темур томонидан Хиндистоннинг катта кисми ишғол килинди ва Дехли салтанати ўзининг кўпгина вассалларидан ажralиб, кучсизланаб қолди. Захириддин Мухаммад Бобур 1526 йилда Дехлини ишғол килиб, мамлакат худудида XIX асргача, яъни европаликлар томонидан босиб олингунинга кадар

мавжуд бўлган буюк империяга асос солди. Британия томонидан янги мустамлакани ўзлаштириш XVIII аср охири – XIX аср бошларида фаоллашди. 1818 йилда хиндуларнинг охирги каршилиги синдирилди. XX асрнинг 40-йилларида Махатма Ганди раҳбарлигидаги Миллий Озодлик харакати 1947 йил мамлакатнинг мустакилликка эришишига олиб келди, лекин мамлакат икки кисмга – Ҳиндистон ва Покистон Ислом Республикасига бўлинди. Ҳиндистон мустакилликка эришгандан кейин 1960 йилда Хитой, 1965 йилда эса Покистон билан ҳарбий можароларга тортildи. Ҳиндистонда бир неча марта диний ва миллий можаролар ҳам (1984 йилда бош вазир Индира Ганди ва 1991 йилда унинг ўғли Раджив Гандининг ўлдирилиши) юзага келди.

1974 йили Ҳиндистон ўз ядро қуролига эга бўлди. 1991 йили бошланган ислохотлар мамлакат иқтисодини ривожлантириди ва Ҳиндистон юқори суратлар билан тараккӣ этаётган давлатлар категорига кўшилди.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси (Энциклопедия). – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1997.

Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. I–XII жиллар, 2000–2006.

Советский энциклопедический словарь. 4-е изд. – М.: «Советская энциклопедия», 1986.

Географический энциклопедический словарь. 2-е изд. – М.: «Советская энциклопедия», 1989.

Всемирная история. 12 т. – М.: «Мысль», 1955–1979.

Советская историческая энциклопедия. В 16 т. – М.: «Советская энциклопедия», 1961–1976.

Эргашев Ш.Э. Хорижий мамлакатлар янги тарихи (XVI–XVIII всрлар). – Фаргона, 2004.

Atlas. Dunyoning iqtisodiy va ijtimoiy geografiyasi. 9-sinf. – Т., 2005.

Красная книга СССР. В 2-х томах. – М., 1974.

The Larousse Desk Reference. New York, 1995.

Краткий политический словарь. – М., 1998.

[www.vikipediya.ru](http://www.vikipediya.ru)

[www.yestravel.ru](http://www.yestravel.ru)

[www.krugosvet.ru](http://www.krugosvet.ru)

[www.vokrugsveta.ru](http://www.vokrugsveta.ru)

[www.encyclopedia.ru](http://www.encyclopedia.ru)

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
Ўзбекистон .....	4
Австралия .....	7
Австрия .....	9
Албания .....	11
Америка Кўшима Штатлари .....	12
Англия (Англия, Ангунлла) .....	16
Ангола .....	17
Андорра .....	19
Ангтигуа ва Барбуда .....	19
Аргентина .....	20
Арманистон .....	22
Аруба .....	23
Афғонистон .....	24
Багама Ороллари .....	25
Бангладеш .....	26
Барбадос .....	27
Бахрайн .....	28
Белиз .....	30
Белоруссия .....	31
Бельгия .....	32
Бенин .....	34
Бермуда ороллари .....	35
Бирлашган Араб Амириликлари .....	36
Болгария .....	37
Боливия .....	39
Босния ва Герцеговина .....	41
Ботсвана .....	42
Бразилия .....	43
Бруней .....	45
Буркіна – Фасо .....	46
Бурунди .....	47
Бутан .....	49
Буюк Британия .....	50
Вануату .....	53
Ватикан .....	54
Венгрия .....	55
Венесуэла .....	57
Виргин Ороллари (АҚШ) .....	58
Виргин Ороллари (Буюк Британия) .....	60
Вьетнам .....	60
Габон .....	62
Ганти .....	63
Гайана .....	64
Гамбия .....	65
Гана .....	66
Гаваделупа .....	68
Гватемала .....	69
Ганана .....	70
Гвинея .....	71
Гвинея-Бисуа .....	72
Германия .....	73
Гибралтар .....	75
Гондурас .....	76
Гонконг (Сянгган) .....	77
Гренада .....	78
Гренландия .....	79
Греция .....	80
Грузия .....	81
Гуам .....	83
Дания .....	84
Доминика .....	85
Доминикан Республикаси .....	86
Жазон .....	87
Жанубий Африка Республикаси .....	88
Жибиту .....	90
Замбия .....	91
Зимбабве .....	92
Индонезия .....	93
Иордания .....	95
Ирландия .....	97
Ирок .....	98
Исландия .....	100
Испания .....	101
Ислон .....	103
Италия .....	104
Кабо-Верде .....	106
Кайман Ороллари .....	107
Камбоджа .....	108
Камерун .....	109
Канада .....	110
Кения .....	112
Кипр .....	113
Кирибати .....	115
Колумбия .....	116
Конго Демократик Республикаси .....	117
Конго .....	119
Жанубий Корея .....	120
Корея (Шимолий Корея) .....	121
Коста-Рика .....	123
Кот-Д'Івуар .....	124
Куба .....	125
Кувайт .....	126
Лаос .....	127
Латвия .....	129
Лесото .....	130
Либерия .....	131
Ливан .....	133
Ливия .....	134
Литва .....	136
Лихтенштейн .....	137
Люксембург .....	138
Маврикий .....	140
Мавритания .....	141
Мадагаскар .....	142
Майотта .....	144
Макао .....	145
Македония .....	147
Малави .....	148
Малайзия .....	148

Мали	150
Мальдив	151
Мальта	152
Марказий Африка Республикасы	154
Марокаш	155
Мартиника	157
Маршалл Ороллари	158
Мексика	159
Микронезия	161
Миср	162
Мозамбик	164
Молдавия	166
Монако	167
Монголия	168
Монтсеррат	170
Мұқаддас Елена Ороли	171
Мьянма (Бирма)	172
Намибия	173
Науру	175
Непал	176
Нигер	177
Нигерия	178
Нидерландия	180
Никарагуа	182
Норвегия	184
Озарбайжон	185
Палау	187
Панама	188
Папуа-Янғы Гвинея	189
Парағвай	191
Перу	192
Покистон	194
Польша	196
Португалия	199
Пуэстро-Рико	201
Реюнион (Реюньон)	202
Россия	203
Руанда	208
Румыния	210
Сальвадор	212
Самоа	214
Сан-Марино	215
Сан-Томе ва Принсипи	216
Саудия Арабистони	217
Свазиленд	219
Сейшель Ороллари	220
Сенегал	221
Сен-Пьер ва Микелон	223
Сент-Винсент ва Грэнадин	224
Сент-Кітс ва Невіс	225
Сент-Люсия	226
Сербия	227
Сингапур	228
Словакия	229
Словенія	231
Соломон Ороллари	233
Сомали	234

Судан .....	.235
Суринам .....	.237
Сурия .....	.238
Сьерра-Леоне .....	.240
Тайланд .....	.241
Тайвань .....	.243
Танзания .....	.244
Теркс ва Кайкос Ороллари .....	.246
Того .....	.247
Тоҷикистон .....	.248
Тонга .....	.249
Тринидад ва Тобаго .....	.250
Тувалу .....	.252
Тунис .....	.253
Туркия .....	.254
Туркманистон .....	.256
Уганда .....	.258
Украина .....	.259
Уммон .....	.261
Уругвай .....	.263
Фаластин .....	.264
Фарер Ороллари .....	.265
Финики .....	.266
Филиппин .....	.267
Финнляндия .....	.269
Фолиқленди Ороллари .....	.270
Франция .....	.272
Француз полинезияси .....	.275
Хитой .....	.276
Хорватия .....	.278
Чад .....	.280
Черногория .....	.281
Чехия .....	.282
Чили .....	.284
Шарқий Самоа .....	.286
Шарқий Тимор .....	.288
Швейцария .....	.289
Швеция .....	.291
Шри-Ланка .....	.293
Эквадор .....	.295
Экваториал Гвинея .....	.296
Эритрея .....	.297
Эрон .....	.299
Эстония .....	.300
Эфиопия .....	.302
Ямайка .....	.303
Ямун .....	.304
Янги Зеландия .....	.306
Янги Кaledония .....	.308
Япония .....	.309
Қамар Ороллари .....	.311
Қатар .....	.312
Қирғизистон .....	.313
Қозогистон .....	.314
Гарбии Саҳрои Қабир .....	.315
Ҳиндистон .....	.316